

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Қ. УСМОНОВ, М. СОДИҚОВ, С. БУРХОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

**Олий ўқув юртлари барча бакалавр йўналишлари
учун (тарих йўналишидан ташқари)**

ДАРСЛИК

ТОШКЕНТ–2005

Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова

Ўзбекистон тарихи. Дарслик.

–Т.: _____, 2005, 478 бет.

Дарсликда Ватанимизнинг қадим замонлардан то ҳозирги давргача ўтган бир неча минг йиллик тарихи Олий ўқув юртлари учун тавсия этилган «Ўзбекистон тарихи» ўқув дастури талаблари доирасида ёритилган.

Дарслик Олий ўқув юртлари барча бакалавр йўналишлари (тарих йўналишидан ташқари) талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, мазкур дарслик Ватанимиз тарихини ўрганишга қизиқувчи китобхонларга ҳам кўмаклашади, албатта.

Муаллифлар жамоаси раҳбари ва масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Қ.Усмонов

Такризчилар: т.ф.д., проф. М.Исҳоқов
т.ф.д., Ҳ.М.Бобобеков
т.ф.д., проф. А.Жўракулов

К И Р И Ш

XXI аср бўсағасида жонажон Ватанимиз тарихида буюк воқеа - қадимий Ўзбекистоннинг энг янги тарихини бошлаб берган воқеа содир бўлди. 1991 йил 31 август куни бўлган Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида ўзбек халқининг хошиш-иродаси билан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, озод ва суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб белгиланди. Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалди, муқаддас мақсади рўёбга чиқди, сиёсий мутелик ва асоратдан қутилди. Дунё XX аср сўнгги харитасида яна бир мустақил, озод, суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг узок йиллар давомида олиб борган оғир ва машаққатли курашининг қонуний натижасидир. Ватанимиз тарихи мустақиллик халқимизга ниҳоятда қимматга тушганидан, бу йўлда катта қурбонлар берилганлигидан гувоҳлик беради. Эндиликда халқимизнинг ўз тақдири ўз қўлида, ўз мамлакатининг мустақиллигини мустақкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари, хусусан, ёшлар қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда «Ўзбекистон тарихи» фанининг ўрни, имкониятлари катта. Шу боисдан Республика олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичида «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш асосий фанлар қаторида туради.

Қўлингиздаги дарслик Ўзбекистон тарихининг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган даврида содир бўлган тарихий воқеаларни таҳлил қилишга, уларнинг сабаблари ва моҳиятини, ички ва ташқи омилларини ёритишга бағишланган. Дарслик мазмунан Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 26 июнь куни бир гуруҳ тарихчи олимлар билан бўлган суҳбатида илгари сурилган назарий, концептуал-методологик тавсиялари руҳи билан суғорилган. Уни тайёрлашда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», - деган сўзлари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Дарсликда Ўзбекистон тарихи фани предмети, уни ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари, манбалари ва аҳамияти ёритилган. Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги, ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни каби долзарб масалаларни янги манбалар, мустақиллик йилларида нашр этилган илмий асарлар асосида очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

«Авесто» қадимги тарихимизни ўрганишда муҳим тарихий манба эканлиги, Буюк ипак йўлининг шаклланиши ва ривожланиши, Ватанимиз ҳудудидан ўтган бу йўлнинг минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни савдо-иқтисодий, сиёсий,

дипломатик ва маданий жиҳатдан боғлашдаги аҳамияти ёритилган. Ватанимизнинг ўрта асрлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, уйғониш давридаги илм-фан ва маданият равнақи таҳлил этилган.

Дарсликда Амир Темур даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши, Амир Темурнинг буюк давлат арбоби ва машҳур саркарда сифатидаги хизматлари, Ватанимиз ва жаҳон халқлари тарихида тутган ўрни ва роли асослаб берилган.

Дарсликда Туркистоннинг уч хонликка бўлиниб кетиши, улар ўртасидаги ўзаро кураш, ҳарбий тўқнашувлар оқибатида Туркистоннинг юксалиш даражасидан тушиб кетиши, жаҳон тараққиётидан орқада қолиши, Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши, унинг Ватанимизда юритган мустамлакачилик сиёсатининг асл моҳияти, аждодларимизнинг мустамлакачиларга қарши миллий озодлик учун кураш тарихи, жаҳидчилик ҳаракати, унинг атоқли раҳномалари фаолияти ёритилган.

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг Ўзбекистонда юритган миллий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти, СССРнинг таназзулга юз тутиши ва парчаланиши очиб берилган.

Дарсликда Ватанимизнинг миллий истиқлол даври тарихини ёритишга кенгрок ўрин берилган. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат куриш, очик фуқаролик жамиятини шакллантириш, тартибга солинадиган ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган тараққиётнинг «Ўзбек модели», унинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар, уларнинг натижалари далиллар асосида ёритилган. Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар табақасининг шаклланиши, юксак технологиялар асосида бунёд этилган янги замонавий корхоналар ва уларнинг фаолияти, маънавий-маданий соҳадаги ютуқлар таҳлил этилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, дунёдаги йирик, ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли сиёсий-дипломатик, иқтисодий, маданий алоқалари ёритилган. Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади, глобал масалаларда ўзининг мустақил овозига эга бўлган давлат даражасига кўтарилди.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика муовфиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон тарихи» ўқув дастури асосида тайёрланди. Ҳар бобга доир таянч сўз ва иборалар, назорат ва мулоҳаза учун саволлар, муҳим воқеалар солномаси берилган.

Мазкур дарслик бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган тарихчи олимлар ва ҳамкасбларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УНИ ЎРАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.

Таянч сўз ва иборалар: Тарих фани предмети. Методологик тамойиллар. Диалектик метод. Илмийлик. Холислик. Тарихийлик. Ижтимоий ёндашув. Ворисийлик. Миллий истиқлол ғояси. Ватан тарихини даврлаштириш. Моддий манбалар. Ёзма манбалар. Тарихий хотира. Ватан тарихини ўрганишнинг аҳамияти.

1. Ўзбекистон тарихининг предмети.

Тарих – арабча сўз бўлиб, ўтмиш «ўтган воқеалар ҳақида аниқ ҳикоя қилиш», маъноларини англатади. Тарих бутун инсониятнинг узок ўтмишдан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган ҳаётини йўлини, авлоддан авлодга мерос қолувчи, доимо ривожланиб, бойиб боровчи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, давлат қурилиши соҳаларидаги тажрибаларини, халқларни етаклаган тарихий шахслар фаолиятини тартибга солинган ҳолда ўрганувчи, тасвирловчи фандир.

«Тарих миллатларнинг ўтмиши, тараққиёти ҳамда таназулининг сабабларини ўрганатурғон илмдир».

Абдурауф Фитрат

Тарихни ўрганиш, билиш – бу кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятларининг тараққиётнинг мавжуд босқичидан янги босқичига ўтиш жараёнини, инсонларнинг инқирозли, турғунлик ҳолатига тушиш сабаблари ва бу ҳолатдан чиқиш йўлидаги тажрибаларини, ҳар бир зарраси қимматга тушган ўтмиш сабоғини умумлаштириш, тушуниб етиш, англаб олиш демакдир. Тарих фани тарихий жараённинг қонуниятлари ва тенденцияларини тушуниб етишга, ҳозирги замонни тўғри англаб олишга, келажакни асосли равишда кўра билишга кўмаклашувчи илмдир.

Тарих кўп қиррали, кенг қамровли фан бўлиб, уни алоҳида мамлакатлар ва халқлар тарихи, минтақалар тарихи, жаҳон тарихи кабиларга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин.

Ҳар қайси мамлакат, ҳар бир халқ ўзининг узок ва бетакрор тарихига эга бўлганидек, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг тарихи ҳам бой ва сермазмундир. Қадим замонлардаёқ Турон, Туркистон деб эътироф этилган она Ватанимиз турли тарихий ёзма ва археологик манбаларга кўра Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қатори дунёда машҳурдир. Ватанимиз жаҳон тарихининг турли халқлар, цивилизациялар туташган энг қайноқ чорраҳаларидан бири сифатида бутун инсоният тарихининг боришига маълум даражада таъсир этиб борди. Шу билан бирга аجدодларимиз ҳаётига бошқа халқлар, цивилизацияларнинг

ҳам таъсири бўлди. Минг йиллар давомида ўзбек халқининг форс, ҳинд, юнон, араб, рус ва бошқа халқлар билан маълум даражада аралашуви содир бўлган, уларнинг маданияти, фани, санъати ва умуман турмуш тарзи бир-биридан баҳра олган, муштараклашган.

Ўзбекистон халқининг бой ва қадимий давлатчилик тажрибаси бор. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дастлабки мустақил давлат тузилмалари милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларидаёқ пайдо бўлиб, қарийб 3000 йил давомида такомиллашиб боргани ва дунё давлатчилиги ривожига энг юксак даражага кўтарилгани жаҳонга маълум.

Ватанимиз тарихи ўзбек халқининг жаҳон тарихи ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшганлигидан гувоҳлик беради. Буюк боболаримиз – Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад инб Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа юзлаб алломаларимиз билан нафақат ўзбеклар, балки бутун турк дунёси, қолаверса, бутун ер юзи халқлари фахрланадилар.

Аждодларимиз барпо этган Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлар бугунги кунда жаҳон миқёсидаги зиёратгоҳга айланган. Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий давлат ва жамоат арбоблари, зиёратчилар бу шаҳарларни, улардаги ажойиб тарихий, миллий меъморчилик мажмуалари ва ёдгорликларни кўриб, уларда мужассамлашган халқ усталарининг истеъдоди ва юксак бадиий маҳоратига қойил қолиб, уларга таҳсинлар ўқимокдалар. Муқаддас еримиз орқали ўтган Буюк ипак йўли Осиё ва Европадаги халқлар ва мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган, халқаро ҳамкорликка хизмат қилган.

Ўзбекистон тарихи фанининг предмети халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганишдан, тушунтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон тарихи фани аждодларимиз ҳаёти билан боғлиқ ҳолда содир бўлган воқеалар ривожининг ички мантиқини, сабаблари ва оқибатларини, асрлар давомида тўпланган амалий тажриба ва сабоқларни ўргатади.

Ватанимиз тарихи ўзбекларнинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш жараёнини, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни, давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг ички ва ташқи сиёсатини ўргатади.

Ўзбекистон тарихи фани халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, мустақиллик йилларида миллий ҳуқуқий давлатчилик қурилиши, демократик фуқаролик жамиятни шакллантириш, эркин бозор

иктисодиётини яратиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш жабҳаларидаги фаолиятини ўргатади.

Ўзбекистон тарихи фани халқимиз тарихини ҳаққоний тасвирловчи, акс эттирувчи кўзгу, ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, маънавий сабоқлар мажмуасидир.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Инсоният ҳаётининг маъно-мазмуни ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақида фикр юритганда фалсафа, давлат қурилиши ва жамиятни бошқариш масалаларида Политология, иқтисодий ҳаётни ёритишда Иқтисодиёт назарияси, халқнинг турмуш тарзи, тили ва миллий менталитетини тасвирлашда этнография, ўзбек тили ва адабиёти, диншунослик фанлари ютуқларидан фойдаланилади. Тарихшунослик, манбашунослик, археология, архившунослик каби махсус фанлар тарих фалсафасини чуқур англаб етишга кўмаклашади.

2. Тарихни ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари ва манбалари.

Тарихий воқеаларни ўрганишда тўғри илмий-назарий, методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жуда катта. Советлар ҳукмронлиги даврида тарихий тадқиқотлар, уни ўқитиш ва ўрганиш ишлари марксча-ленинча методологияга бўйсундирилди. Ҳар қандай воқеани ёритишга синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкуравийлик нуқтаи назарларидан ёндашилди. Мамлакат, бутун бир халқ тарихи иккига-эксплуататор ва эксплуатация қилинувчилар, кулдорлар ва куллар, феодаллар ва қарам деҳқонлар, буржуазия ва ёлланма ишчилар, бойлар ва камбағаллар, мулкдорлар ва йўқсиллар тарихига бўлинди. Бойлар ва мулкдорлар, улар орасидан чиққан беклар, амирлар, хонлар, давлат арбобларига оммага қарши реакцион сиёсат юритувчи эксплуататорлар гуруҳи деб қаралди, қораланди, номлари бадном қилинди. Тарихий воқеа ва ҳодисалар камбағалларни ва йўқсилларни ҳимоя қилган, синфий чекланган тарзда ёритилди.

Дин, диний кадриятлар қораланди, инсонларнинг эътиқодларига беписанд қаралди. Минг йиллар давомида аждодларимиз орасидан етишиб чиққан машҳур алломалар иккига - материалистлар ва идеалистларга бўлинди. Буюк олимлар, алломалар, маърифатпарвар шоиру уламолар, ёзувчиларга у ёки бу динга эътиқод қилганлари, асарларида оллоҳ, пайғамбарлар номини тилга олган, ишонч билдирганлари учун идеалист – ноилмий деган тамға ёпиштирилди, уларнинг ижодий фаолиятини ўрганиш чегараланди, асарлари халқдан яширилди, йўқотиб юборилди. Оқибатда кўпгина тарихий воқеалар сохталаштирилди, маънавий меросимиз, миллий

қадриятларимиз камситилди. Ёш авлодга уларни хурофат, эскилик саркитлари деб ўргатилди. Тарих фақат жангу жадал, урушлардан иборат жараён сифатида тасвирланди.

Халқимиз тарихининг бу қадар сохталаштирилишига фақат марксистик методологиянинг яроксизлиги айбдор дейиш кифоя қилмайди, албатта. Тарихни сохталаштиришда, халқни ўз тарихий хотирасидан жудо қилишда, Туркистоннинг ўтмишини камситишда мамлакатда ҳукмрон бўлган тоталитар тузумнинг салбий роли катта бўлди. Тарих фани тоталитар тузум хизматкорига, ташвиқотчисига, коммунистик мафкура думига айлантилган эди.

Инсоният тарихини, тарихий воқеа, ҳодисаларни тўғри ёритиш ва ўрганиш учун бир қатор муҳим назарий-методологик тамойилларга таянмоқ зарур.

Билиш назариясининг диалектик методи ана шундай тамойиллардан биридир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради. Диалектика жуда узоқ тарихга эга, унинг билиш назарияси сифатида шаклланиши ва ривожланишида Гераклит, Аристотель, Хоразмий, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Спиноза, Гегель, Герцен ва бошқа олим ва маърифатпарварларнинг хизмати каттадир. Улар моддий ва маънавий дунёни узвий боғлиқ жараён шаклида, яъни уларни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб, тараққий қилиб турадиган ҳолда, тараққиётни ички боғланишда олиб ўрганиш қоидаларини яратдилар.

Диалектик методология ҳар қандай мамлакат тарихини, шу жумладан, Ўзбекистон тарихини жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақазо этади. Негаки, ҳар бир халқ тарихида миллийлик, ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан бирга жаҳон тарихи, бутун инсоният тараққиёти билан умумий боғланишдадир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихи, аввало, Марказий Осиё мамлакатлари тарихи билан, қолаверса, бутун жаҳон халқлари тарихи билан чамбарчас боғланган. Қадим замонлардан буён Ватанимиз Марказий Осиё минтақасидаги кўпгина давлатлар билан ягона иқтисодий ва маданий маконда бўлиб келган. Бу катта ҳудудда яшовчи уруғ, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан доимо ўзаро таъсирда ва алоқада бўлганлар, кўшилиш жараёнини бошидан кечирганлар, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти бир-бирлари билан узвий боғлиқ ўтган. Шу сабабдан Ўзбекистон тарихини кўшни мамлакатлар тарихи билан боғлиқ ҳолда, бир халқни иккинчи бир халққа қарама-қарши қўймаган ҳолда ўрганиш тақазо этилади. Қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тожик, форс, афғон, ҳинд, араб ва бошқа халқлар, мамлакатлар тарихини қанчалик яхши билсак, Ўзбекистон халқлари тарихини шунчалик чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон яратади, кўмаклашади.

Тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ёритишда уларга ҳолисона, ҳаққоний, илмий ёндашув муҳим методологик тамойиллардир.

Ҳолислик, илмийлик қоидаси тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганаётганда улар билан боғлиқ бўлган барча фактларнинг ҳеч бир истисносиз бутун мажмуини бирга олиб текширишни, аниқ, ҳаққоний далилларга асосланишни талаб қилади. Тарихий ҳодисаларни бир бутун ҳолда, ўзаро алоқада ва муносабатда деб ўрганиш даркор. Олдиндан тўқилган бир ғояни, уйдирмани оқлаш лозим бўлса фактлар силсиласидан фақат айримларини, мос келадиганларинигина танлаб олиш «тажрибаси» сир эмас, албатта. Бундай йўл билан чиқарилган хулоса ёки баҳо ҳолисона, ҳаққоний бўлмай, у бир томонламаликка олиб келади.

Мустақиллик тарихни ҳолисона ёритиш имкониятини яратди. «Ўзбек олимларининг куч ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, Темурийлар даври, 19-аср охири, 20-аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шунинг эса тутиш муҳимки, ўтмишимизни «оқлаш» вазифаси умуман олганда бажариб бўлинди, ҳозир эса асосий вазифа, тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир»¹.

Тарихни ўрганишда тарихийлик тамойили муҳим аҳамиятга эга. Тарихийлик қоидаси воқеа, ҳодисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитидан, ўша давр муҳитидан, тарихий ривожланиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади. Ҳар бир воқеа, ҳодисани бошқа воқеалар, ҳодисалар билан боғлаб ўргангандагина мазкур воқеа ҳодисанинг умумий тарихий жараёндаги ўрнини тўғри аниқлаш, белгилаш мумкин бўлади. Ҳар бир воқеа, ҳодисага умумий тарихий жараённинг бир қисми, бўлаги деб қарамоқ зарур.

Ҳар бир ҳодиса, жараён қандай тарихий муҳитда, нима учун айнан шу пайтда, шу шаклда содир бўлганлигини, бу ҳодиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичларни босиб ўтганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қоидасининг талабидир. Масалан, биронта давлат фаолиятига тарихийлик нуқтаи назаридан туриб баҳо бермоқчи бўлсак, у, биринчидан, қачон, қандай тарихий шароитда пайдо бўлди, иккинчидан, у ўз тараққиётида қандай босқичларни босиб ўтди, учинчидан, унинг тарихий ўрни, мавқеи қандай, деган саволларга аниқ жавоб бериш зарур бўлади.

Тарихийлик тамойили халқнинг ўтмишини ягона табиий- тарихий жараён деб, ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади деб қарайди. Инсоният ана шундай умумий йўлдан бораётган экан, истиқболда порлоқ ҳаёт, фаровон турмуш қурмоқчи бўлган авлод тарих фани орқали ўтмишни, аждодларимизнинг тарихий тажрибасини яхши

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 141-бет.

билмоғи лозим. Ўтмишни, аждодларимиз тарихини қанчалик яхши билсак, англаб етсак, ҳозирги замонни шунчалик мукамал тушунамиз, келажакни тўғри тасаввур этамиз, тараққиётнинг альтернатив йўлларида тўғриси танилай оламиз.

Инсоният тараққиётининг маълум босқичида хусусий мулкчилик келиб чиқади ва уруғчилик тузуми емирилиб, уруғ жамоалари турли ижтимоий табақаларга бўлинади, шу даврдан эътиборан тарихий воқеа ва ҳодисалар ана шу табақаларнинг манфаати билан боғлиқ ҳолда кечадиган, ҳар бир ижтимоий табақа ўз манфаати нуктаи назаридан ҳаракат қиладиган, айрим ҳолларда уларнинг сиёсий, иқтисодий манфаати бир-бири билан тўқнашадиган, қўзғолонлар кўтариладиган бўлиб қолди. Бундай вазиятда содир бўлган воқеаларни, тарихий жараённи ўрганишда ижтимоий ёндашув тамойилига риоя этиш зарур бўлади. Ижтимоий ёндашув тамойили тарихий жараёнларни аҳоли барча табақаларининг манфаатларини, тенг таъсир этувчи омиллари ҳисобга олган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Воқеаларни алоҳида бир ижтимоий табақа - камбағаллар, йўқсиллар ёки мулкдор бойлар манфаати нуктаи назаридан туриб таҳлил этиш, ёритиш бир томонлама ёндашув бўлиб, бу тарихни сохталаштиради, тўғри ҳулосаларга олиб келмайди.

Шоҳлар, амирлар, беклар фаолиятини ёритишга адолат нуктаи назаридан ёндашмоқ керак. Уларни бой табақалардан чиққан, мулкдор бўлгани учунгина қоралаш, бадном қилиш адолатдан бўлмайди. Мамлакат юртбошисиз, давлат идора органларисиз, бошқарувчиларсиз бўлмаслигини исбот этишнинг ҳожати бўлмаса керак. Шундай экан, барча давлат арбобларини, амалдорларни ёппасига қоралаш ҳам тўғри эмас. Жонажон Ваганимиз кўхна тарихи ҳам улар орасида халқпарвар, маърифатпарвар, адолат билан сиёсат юритган машҳур давлат арбоблари бўлганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Ижтимоий ёндашув тамойили давлат арбобларининг, сиёсий кучлар, партиялар, турли уюшмалар, улар йўлбошчиларининг тарихий тараққиёт даражасига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирини, жамиятнинг у ёки бу йўлдан ривожланишидаги ролини билиб олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон халқлари тарихи, жумладан, мамлакатимиз тарихи гувоҳлик берадики, давлатлар ўртасида, ҳукмдорлар ўртасида сиёсий, иқтисодий манфаатлар, стратегик мақсадлар йўлида тез-тез қирғинбарот урушлар бўлиб турган, бири иккинчисини босиб олган, мағлуб мамлакатни талон-тарож қилган, иқтисодий имкониятларини зўровонлик билан ўз манфаатига бўйсундирган ва ўзлаштирган. Бундай жараёнларни сиёсий мезонлар нуктаи назаридан туриб баҳолаш зарур бўлади.

Мамлакатимиз тарихини ўрганишда миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф-одатлари, ислом дини тарихи, одамларнинг диний эътиқодлари, диний таълимотлар ва уларнинг асосчилари фаолиятини таҳлил қилишда, ёритишда ворисийлик тамойилига амал қилиш, уларни

тарихий хотира сифатида хурматлаш, эъозлаш ва янада бойитиб бориш нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак. Ҳаёт халқнинг неча минг йиллар давомида яратган миллий маданиятини, ахлоқ мезонларини иккига - эксплуататорлар маданияти ва ахлоқи ҳамда эксплуатация қилинувчилар маданияти ва ахлоқига бўлиш, биринчисини қоралашдан иборат йўриқноманинг нақадар зарарли эканлигини кўрсатди. Миллий маданиятга, маънавий меросга бундай ёндашув маънавий қашшоқланишга, миллий кадриятларнинг, урф-одатларнинг оёқ ости қилинишига, кўпгина олимлар, маърифатпарварлар, рухонийларнинг бадном қилинишига олиб келганлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Аждодларимиз ҳаётини, тарихий жараёнларни таҳлил қилиш, ёритиш, ўрганишда Ватан манфаати нуқати назаридан ёндашиш, миллий истиқлол ғояси тамойилларига таянмоқ лозим.

Ватанимиз тарихини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, фармон ва фармойишлари, мустақиллик даврида қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳим назарий- методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тарихни ўрганишда юқорида қайд этилган методологик тамойиллар билан бир қаторда фактларни таққослаш, мантикий-қиёсий хулосалар чиқариш, фалсафий тафаккур, даврлаштириш, социологик тадқиқотларни ўтказиш, статистик, математик ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш зарур.

Ватанимиз тарихини тадқиқ этиш, ўрганишда уни тўғри даврлаштиришнинг аҳамияти каттадир. Советлар ҳукмронлиги даврида собиқ СССР таркибидаги юздан ортиқ халқлар тарихи, жумладан, Ватанимиз тарихи синфий кураш, инқилобий ҳаракатларга асосланган марксистик формацион ғояга бўйсундирилган ҳолда даврлаштирилди. Барча халқлар тарихи беш даврга: ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик тузуми, феодализм, капитализм, социализмга ва коммунизмга бўлинди. Бундай даврлаштиришнинг мақсади жамият тараққиёти инсониятни албатта коммунизмга олиб боради, деган «ғояни» илгари суриш ва оқлашдан иборат эди. Бу ғоянинг қанчалик тўғрилиги XX асрда кўпгина халқлар тақдирида синаб кўрилди, пировард натижада фожиали оқибатларга олиб келди. Ҳаммани тенглаштириш ғояси амалда камбағаллар, йўқсиллар учун эркин ва фаровон турмуш яратолмади, мулкдорлар, бадавлат табақаларни камбағаллар, йўқсиллар даражасига туширди. Жамиятда оммавий лоқайдлик, боқимандалик кайфиятини келтириб чиқарди. Шу боис инсоният XX аср охирига келиб бу ғояни ўз елкасидан улоқтириб ташлади, бутун дунёда «синфий кадриятлар»дан миллий ва умуминсоний кадриятларнинг устунлиги эътироф этилди.

Тарихни даврлаштиришдек муҳим масалага турлича ёндашувлар мавжуд. Кўпгина археолог олимлар меҳнат қуроли қандай материалдан

ясалганлигини асос қилиб олиб, инсоният тарихини қадимги тош, ўрта тош, янги тош, тош-мис, бронза, темир даврларига бўлганлар. Бундай ёндашув тўғридек кўринсада кишилик жамияти тараққиётининг бир-биридан фарқ қилувчи муҳим даврларини белгилашга етарли даражада асос бўлолмайди, албатта.

Америкалик тарихчи олим Л.Морган ва Ф.Энгельс тарихни уч даврга бўлади: ёввойилик даври (тайёр табиат маҳсулотларини ўзлаштириш), ваҳшийлик даври (чорвачилик ва деҳқончиликнинг вужудга келиши) ва цивилизация даври (саноат ривожланиши).

XX аср тарихи инсоният тараққиётини, барча халқлар тарихини бир қолипга солиш, жамият тараққиёти инсониятни коммунизмга олиб боради, деган коммунистик ғояни одамлар онги ва қалбига синдиришни мўлжаллаган бундай даврлаштиришнинг ҳам номукамал эканлигини исботлади ва рад этди. Дарҳақиқат, нафақат Ўзбекистон ҳудудида, кўпгина Осиё мамлакатларида ҳам қулдорлик тузуми бўлмаган. Негаки, Ватанимизда қуллар бўлсада қулдорлик ишлаб чиқариш усули, қуллар меҳнати эмас, эркин деҳқон жамоалари меҳнати етакчи ижтимоий-иқтисодий уклад бўлган. XIX аср охирларида вужудга кела бошлаган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам, буржуазия ва ёлланма ишчилар табақаси ҳам барқарор шаклланиб етиш даражасига кўтарилмади.

Тарихий жараён таҳлили кишилик жамиятининг замонда ҳам, маконда ҳам бир маромда эмас, нотекис, тўлқинсимон-спирал шаклда ривожланишидан гувоҳлик беради. Бу – тарихий ривожланиш қонунидир. Тарих – бу авлодлар алмашинувидан, тараққиёт цикллари алмашинувидан иборат. Жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий куч ишлаб чиқариш қуроллари, воситалари эмас, инсондир. Инсон, унинг эҳтиёжлари, қобилиятлари, билими, малакаси, хоҳиш-иродаси бош ишлаб чиқарувчи кучдир. Яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Инсониятнинг тараққиётнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиши, унинг баркамоллашиб бориши, онги, тафаккури ва маҳоратининг ўсиб бориши, мақсадли интилиши натижасида содир бўлади. Инсон тарихни яратувчи субъектдир. Тарихни даврлаштиришда мана шу омилларни назарда тутмоқ лозим.

Ўзбекистоннинг бой, бетакрор тарихи бўлиб, унинг ўзига хос тарихий тараққиёт даврлари бор. Уни қуйидаги йирик даврларга бўлиш мумкин:

- Ибтидоий-жамоа тузуми.
- Қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши.
- Ўрта асрлар даври.
- Чор Россияси мустамлакачилиги даври.
- Мустабид совет ҳокимияти ҳукмронлиги.
- Миллий истиқлол даври.

Бу даврларнинг ҳар бири яна ўзига хос, кичик даврларга бўлинадики, уни мазкур дарсликнинг мазмуни ва мундарижасидан яққол кўриш мумкин.

Ҳаққоний, ҳолис тарихий билимга эга бўлиш осон эмас. Негаки, биз ўрганаётган тарихий воқеаларни, жараёнларни бевосита кузата олмаймиз, улар биздан анча илгари бўлиб ўтган, уларни қайтариб бўлмайди. Бундан илгари бўлиб ўтган тарихий воқеаларни билиб бўлмайди, деган хулоса чиқмайди, албатта.

Тарихий воқеалар, халқлар ҳаёти ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетмайди, улардан **тарихий манбалар** гувоҳ бўлиб қолади. Тарихий манбалар иккига - моддий ва ёзма манбаларга бўлинади.

Моддий манбалар

- Меҳнат қуролилари
- Ҳарбий қурол-яроқлар
- Танга пуллар
- Уй-жойлар, қабрлар
- Идиш-товоқлар, деворий тасвирлар
- Қалъалар, шаҳарлар ва бошқалар

Ёзма манбалар

- Ёзув белгилари
- Тошга, дарахт пўстлоғига, терига, қоғозга ёзилган маълумотлар
- Халқлар ҳаёти, юз берган воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилган китоблар
- Давлат бошлиқларининг ёзма шаклдаги фармонлари
- Ер, қимматбаҳо нарсаларни инъом қилиш, мерос қолдириш, сотиб олиш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар

Аждодларимизнинг милоддан аввалги VIII-VII асрлардаги ҳаётини ўрганишда «Авесто» китоби қимматли ёзма манба ҳисобланади. Мазкур нодир китобда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, дастлабки давлат тузилмаларининг шаклланиш жараёнлари ўз ифодасини топган.

Ватанимиз тарихига доир маълумотлар юнон ва рим манбаларида, чунончи Геродотнинг «История» (М.1972), Ксенофонтнинг «Греческая история» (М.1935), Полибийнинг «Всеобщая история» (М.1980-1989), Аррианнинг «Поход Александра» (М.Л. 1962), Страбоннинг «География в 17 книгах» (М. 1964); Курций Руфнинг «История Александра Македонского» (М.1963) ва бошқаларнинг асарларида ҳам учрайди. Антик муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларни тўпловчи И.В.Пьянковнинг «Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия» (Душанбе, 1975), Н.Г.Горбунованинг «Фергана по сведениям античных

авторов. История и культура народов Средней Азии» (Л.1976) каби китоблар ҳам Ватанамиз тарихини ўрганишда ёрдам беради.

Хитой ёзма манбаларидан «Тарихий гувоҳликлар» (мил.ав. I аср), «Улуғ Хан хонадони тарихи» (милодий I аср), «Кичик Хан хонадони тарихи» (милодий V аср), «Вей хонадони тарихи» (милодий VI аср), «Шимолий подшоҳликлар (Бейши) тарихи» (милодий VII аср) ва бошқаларда Туркистон тарихи ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, арман, византиялик муаллифларнинг асарларида ҳам Ватанамиз тарихи ҳақида маълумотлар учрайди.

Ватанамиз тарихини ўрганишда туркий, форс, араб манбаларининг аҳамияти катта. Қадимги турк ёзуви тўғрисида С.Е.Маловнинг «Памятники древне-тюрской письменности» (М.1951) ва «Енисейская письменность тюрков. Текст и переводы» (М-Л.1951), А.Сағдуллаевнинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» (Т.1996) асарларида қимматли маълумотлар бор. Туркий халқлар, жумладан ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда Абулғозийнинг «Шажарайи турк» (Т.1992), Л.Н.Гумилевнинг «Древние тюрки» (М.1960), А.Ю.Якубовскийнинг «К вопросу об этногенези узбекского народа» (Т. 1941) асарларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётини ўрганишда Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» (Т.1993), Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (Т.1968), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (Т.1960), М.Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк. Уч жилдлик» (Т.1960-1963), Абу Тоҳирхожанинг «Самария» (Т.1991), Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (Т.1991), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк» (Т.1997), Амир Темурнинг «Темур тузуклари» (Т.1991), Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» (Т.1994) ва бошқа нодир китоблар муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Ватанамиз тарихини ўрганишда ўз даврида ҳокимият тепасида турган сулолар тарихини ёритишга бағишланган бир қатор китоблар – Шихобиддин ан-Насавийнинг «Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти» (Т.: Ўзбекистон, 1999), Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» (Т.: Ўзбекистон, 1996), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (Т.: Шарқ, 1997), Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи. Икки жилдлик» (Т.: Мехнат, 1992), Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланнома» (Т.1999), Мулла Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» (Т.1989), Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» (Т.1991) ва бошқалар қимматли манба сифатида диққатга сазовордир.

Бизгача етиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти, Шарқ кўлёмалар фонди дунёдаги энг йирик кўлёмалар хазиналаридан ҳисобланади. Бу ерда 40

мингдан зиёд кўлёзма нусхалари, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар ва 10 мингдан ортиқ Шарқ тилларида ёзилган ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, Ватанамиз тарихига оид муҳим кўлёзма ҳужжатлар, нодир китоблар, қимматли маълумотлар хорижий мамлакатлардаги илм масканлари, кутубхоналарда сақланмоқда. Ана шу кўлёзма ҳужжатлар ва китобларнинг ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши Ватанамиз тарихини янада тўлароқ, холисона ёритилишига, тарихимиз саҳифаларидаги «оқ» ва «қора» доғларнинг барҳам топишига кўмаклашади.

Ўзбекистон тарихига доир тарихий манбалар ҳақида маълумотлар Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (Т.1991), Т.Саидкуловнинг «Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар» (Т.1993) номли китобларда тўлароқ берилган, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда етакчи замонавий тарихчи олимларимиз томонидан яратилган тарихий асарлар, дарслик ва ўқув кўлланмалар муҳим ўринга эга. Улардан энг муҳимларининг номлари, муаллифлари ҳақидаги маълумотлар мазкур дарсликнинг охирида, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлимида берилган бўлиб, уларни ўқиш, ўрганиш талабаларга тавсия этилади.

Тарихимиз тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўлкани ўрганиш ва бошқа музейлар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Урганч, Тошкент ва бошқа шаҳарлар, улардаги тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш зарур.

Аждодларимиз қолдирган моддий ва маънавий ёдгорликлар билан танишар эканмиз, уларда халқнинг меҳнати, фикр-ўйлари, орзу-умидлари, ҳис-туйғулари мужассамлашганини қалбан ҳис этамиз, англаб этамиз. Ана шунда бу тарихий ёдгорликларнинг чиройли кўринишидан хузурланибгина қолмасдан, аждодларимизга, халқимизга, миллатимизга нисбатан меҳр-муҳаббатимиз ортади, Ватанамиз билан фахрланамиз.

3. Баркамол авлодни шакллантиришда Ватан тарихининг аҳамияти.

Ўзбекистон тарихи ёшларга халқимизнинг ўтмиши, тарихи ҳақида билим бериш билан билан чегараланиб қолмайди, у ёшларни ватанпарвар, маънавий жихатдан комил фуқаро этиб шакллантиришга хизмат қилади. Ватанамиз тарихи «Ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга, юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар калбида

эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди».¹

Мустақиллик кўлга киритилгач, Ватанимиз тарихида бурилиш палласи, маъмурий-буйруқбозлик бошқарувига асосланган тоталитар тузумдан эркин, демократик тузумга ўтиш даври бошланди. Ўтиш даврида эски идеаллар, ғоялар, одатдаги тафаккур ва ахлоқ меъёрлари бузилади, миллий кадриятлар қайта баҳоланади, альтернатив нуқтаи назарлар пайдо бўлади, аллақачон унутилган қарашлар қайта уйғонади, зиддиятлар кескинлашади. Вужудга келган мураккаб шароитда бировлар тарихнинг боришини билиш мумкин эмас, деб талвасага тушса, бошқалар эскирган, рад этилган «ҳақиқат»га ёпишиб олиб, тарих ғилдирагини орқага қайтаришни орзу қилади, уринади. Тарихий тажриба ва сабоқлар эса дунёда нималар ўзгарди, нима учун ўзгарди, қандай қарашлардан тезроқ холис бўлиш керак, деган саволларга жавоб топишга, янги жамият қуришнинг альтернатив йўллари мушоҳада қилиб, энг тўғриси топишга, хатога йўл қўймасликка ундайди. Бунда тарих тўғри йўлни кўрсатувчи компас бўлиб хизмат қилади.

Давлат мустақиллигини ўз кўлига олган озод, ҳур Ўзбекистонда Ватан, истиқлол тақдири бугунги бахтли авлодлар кўлида. Мустақилликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, мамлакатимизни кейинги авлодларга янада қудратли, обод, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳолда етказиш замонамизнинг долзарб вазифасига, талабига айланди. Бу масъулиятли, айти пайтда шарафли вазифанинг қай даражада адо этилиши бугунги авлодларга, хусусан ёшларга, уларнинг маънавий баркамоллигига боғлиқ. «Бирон бир жамият, - деб таъкидлайди Юртбошимиз Ислом Каримов, - маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди».¹

Ҳар қандай жамият тараққиётининг асосий кучи маънавият ва маърифатдир. Маънавий баркамолликни тарбиялашда Ватан тарихи муҳим омилдир. «Маънавият, - деб ёзади Ислом Каримов, - ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади»², «...туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак... Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон»³.

Инсонда тарихий хотира ўз Ватани тарихини, ўз халқи, аجدодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Яқин ўтмишда мустамлакачилар,

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: Ўзбекистон, 1998, 371-бет

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992, 71-бет.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998, 8-9-бетлар.

тоталитар тузум мутасаддилари кўпгина халқларни, жумладан, ўзбек халқини ўз тарихидан жудо қилиш, уларни ўз ўтмишига лоқайдлик билан қарайдиган, насл-насабини эслолмайдиган манқуртларга айлантириш сиёсатини юритди, амалиётда эса халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди, унинг бир неча минг йиллик бой тарихи сохталаштирилди, уни ёшларга ўқитиш ва ўргатишга изн берилмади.

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихи ўз ўрнини топди, барча ўқув масканларида талаба-ўқувчиларга Ватан тарихини ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, Ватан тарихини ўқитиш йўлга қўйилди. Ватанимиз тарихи миллатнинг, ёшларнинг ҳақиқий тарбиячисига айланмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», «Тарих - халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»⁴ деган ифодали сўзлари ва кўрсатмалари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарих талаба-ўқувчиларда олам ягона ва яхлит, Ўзбекистон унинг ажралмас бир қисми, оламда содир бўладиган воқеа, ҳодисалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда эканлиги тўғрисида тўғри тасаввур, тушунчаларни шакллантиради.

Ўз ўтмишини, аждодлари тарихини яхши билган инсоннинг иродаси кучли бўлади, уни ҳар хил ақидалар гирдобига тушишдан сақлайди. Ўтмишни билган, тарих сабоқларини англаб етган инсон ҳозирги замонни яхши тушунади, келажакни тўғри тасаввур этади. Мухтасар айтганда, Ватан тарихи талаба-ўқувчиларда халқнинг ўтмиши, ҳозирги замони ва келажаги ягона тарихий жараён деган тушунчани шакллантиради. Бу ўз навбатида ёшларни тарихий жараёнларнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолишдан сақлайди, уларни олға интилишга, таракқиётга кўмаклашишга ундайди.

Ўзбекистон тарихи талаба-ўқувчиларга бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширалаётган демократик ислохотларнинг моҳияти ва натижаларини, миллий, ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, демократик, фуқаролик жамият қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини ўргатади. Бу ўз навбатида ёшларда илмий дунёқарашни, сиёсий маданиятни тарбиялайди, жамиятда ўз ўрнини тўғри белгилашга кўмаклашади.

Халқимизнинг буюклиги, кучи, унинг бой маънавий меросга эга эканлиги билан белгиланади. Халқимизнинг маънавий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкам. Аждодларимиз етиштириб берган ўнлаб, юзлаб

⁴ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 71-бет; Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998, 10,21-бетлар.

жаҳонга машхур олиму-уламолар, меъмору-бинокорлар, наққошлар, заргарлар, хунармандлар, давлат арбоблари, халқ қаҳрамонлари ҳаёти, дунёда биринчилар қаторида бунёд этилган илм ва таълим масканлари фаолияти талаба-ўқувчилар учун катта ибрат мактаби, тарих сабоғидир. Келажак сари интилаётган ёшлар учун бу бой маънавий мерос мустаҳкам таянчдир. Унинг заминида тинимсиз ва машаққатли меҳнат, ҳар қандай тўсиқларни енгиш, илмга ва зиёга интилиш каби хислатлар ётади. Бундай хислатлар Ватан тарихини ўқитиш орқали ёшларга сингдирилади.

Ватан тарихи халқимизнинг асрлар давомида кўпгина халқ, элатлар билан аҳл, ҳамжиҳат бўлиб яшаганлигидан, юртимизда турли диний эътиқодлар эркинлиги ва иноқлиги бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бу мустақил Ўзбекистонда яшовчи турли динларга эътиқод қилувчи 120 дан ортиқ миллат ва элатлар ўртасида тинчлик, миллий тотувлик, биродарликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тарихий сабоқдир.

Келажак буюк давлат қураётган бугунги авлодлар учун ўзбек давлатчилиги тарихи, минг йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган сиёсий-ҳуқуқий институтлар, қонун-қоидалар тажрибаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришда мустаҳкам таянч ва мададкордир.

Тарихий хотира, аجدодларимиз қолдирган бой маънавий меросни эгаллаш талаба-ўқувчиларда ҳалоллик, одиллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, илмга интилиш каби инсоний фазилатларни шакллантиришга кўмаклашади.

Ватан тарихи ёшларда жамиятда эртароқ мустақил фаолият юритиш, ўз қобилиятини тўлароқ очиш ва ҳаётга татбиқ этиш сифатларини шакллантиради, Ватан, халқ тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиш каби юксак маънавий бурчни тарбиялайди, миллий ғоя билан қуроқлантиради.

Шу боисдан Ватан тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли боғчалардан тортиб Олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишга давлат даражасига кўтарилган вазифа сифатида катта эътибор берилмоқда, ғамхўрлик қилинмоқда. «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда»¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 140-бет.

Синов саволлари.

1. Тарих сўзи қандай маънони билдиради?
2. Ўзбекистон тарихи фани нимани ўрганади?
3. Тарихни ўрганишда қандай методологик тамойилларга таяниш лозим?
4. Тарихийлик тамойилини қандай тушунасиз?
5. Тарихни ўрганишда холислик, илмийлик тамойилининг талаблари нималардан иборат?
6. Ўзбекистон тарихини қандай йирик даврларга бўлиш мумкин?
7. Тарихни ўрганишда моддий манбалар қандай аҳамиятга эга?
8. Ватанамиз тарихига доир қадимги ёзма манбалардан қайсиларини биласиз?
9. Миллий ғоя ва мафқурани одамларга сингдиришда Ватан тарихининг ўрни ва аҳамияти қандай?
10. Президент Ислам Каримовнинг қайси асарларида Ватан тарихини холисона ёритиш ва ўрганишнинг аҳамияти кўрсатилган?

ҚАДИМГИ ДАВР

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИ

Таянч сўз ва иборалар: Цивилизация. Ибтидоий тўда. Уруғчилик жамияти. Ўзлаштириш хўжалиги. Полеолит манзилгоҳлари. Мезолит манзилгоҳлари. Неолит манзилгоҳлари. Энеолит манзилгоҳлари. Бронза манзилгоҳлари. Меҳнат қуролларидаги ўзгаришлар. Матриархат. Патриархат. Дехқончилик. Чорвачилик. Хунармандчилик. Ишлаб чиқариш хўжалиги.

1. Ватанимиз қадимдан одамзод яшаб келаётган ўлка. Ибтидоий жамият, унинг даврлари.

Инсоният қадим-қадимдан ўз даврига хос турмуш тарзига, моддий ва маънавий маданиятга, яъни маълум даражадаги цивилизацияга эга бўлган. Даврлар ўтиши билан инсоният цивилизацияси даражаси ўсиб, ривожланиб, такомиллашиб борган. Бу жараён одамларнинг меҳнат қилиш усули қанчалик даражада моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва кўпайтириб бориши билан боғлиқ кечган.

У ёки бу цивилизация ҳақида сўз борганда инсониятнинг яшаш учун кураши, тинимсиз меҳнати, маънавий ва маърифатга интилиши туфайли ўзи учун яратган жисмоний ва маданий қулайликлари – ов ва меҳнат қуроллари, кийим-бош, уй-жой ва оилавий муносабатлари, ишлаб чиқариш усуллари, маиший хизмат воситалари, ижтимоий онги ва маънавий дунёси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-ҳуқуқий муносабатлари даражаси билан тавсифланадиган маълум бир тарихий давр тушунилади. Масалан, Қадимги Шарқ цивилизацияси, Антик Европа цивилизацияси, Ислон цивилизацияси, Христиан цивилизацияси, ҳозирги замон цивилизацияси каби тушунчаларда инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, ахлоқи, билим савияси, меҳнат қуроллари ва ҳоказо жиҳатлари мужассамлашган бўлади.

Ҳар бир минтақада цивилизация даврий нуқтаи назардан эртароқ ёки кечроқ, ўзига хос шаклда шаклланиб, ривожланиб борган. Тарихий, илмий тадқиқотлар бизнинг Ватанимиз - Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири эканлигидан далолат бермоқда.

XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб археолог олим В.Л.Вяткин бошлиқ гуруҳ Самарқанд, Хоразм ва Термизда, М.Е.Массон бошлиқ археологлар гуруҳи Оҳангарон водийсида, А.А.Потапов Фарғона водийсида қидирув ва қазилар ишлари олиб бордилар. 30-40-йилларда Ўзбекистон, Москва ва Ленинград олимлари ҳамкорлигида бир неча археологик экспедициялар ташкил этилди. Термиз экспедициясига М.Е.Массон,

Хоразм экспедициясига С.П.Толстов, Зарафшон экспедициясига А.Ю.Якубовский рахбарлик килдилар. Булар томонидан нафакат Ўзбекистон, бутун Марказий Осиёнинг қадимги тарихини, аждодларимизнинг ибтидоий жамоа тузуми, турмуш тарзига оид қатор қимматли асарлар яратилган. Булар орасида В.М.Массоннинг «Страна тысячи городов» - М., «Наука», 1966, А.П.Окладниковнинг «Палеолит и мезолит Средней Азии / Средняя Азия в эпоху камня и бронзы» - М.-Л., 1966, С.П.Толстовнинг «Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования» -М., 1948, В.А.Шишкиннинг «Афрасиаб - сокровищница древней культуры» - Т., «Фан», 1966, «Архитектурные памятники Бухары» -Т., 1936 ва бошқа асарлар бор.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Марказий Осиё халқларининг қадимги тарихини ўрганиш мақсадида йирик археологик экспедиция гуруҳлари ташкил этилди. С.П.Толстов бошлиқ Хоразм археологик-этнографик экспедицияси, А.Н.Бернштам бошлиқ Помир-Олой ва Помир-Фарғона экспедицияси, Я.Ф.Фуломов ва В.А.Шишкинлар бошлиқ Зарафшон археологик экспедицияси тадқиқот ишлари олиб борди. Мазкур экспедицияларда қатнашган тадқиқотчилар муҳим асарлар яратдилар. С.П.Толстовнинг «По следам древнехоразмийской цивилизации» -М.-Л., 1948, А.Н.Бернштамнинг «Древняя Фергана /Научно-популярный очерк/» - Т., 1951, Я.Ф.Фуломовнинг «Ўзбекистонда археология фанининг ривожини» - Т., 1956, «Қадимги маданиятимиз изларидан» -Т., 1960 ва «Хоразмнинг суғориш тарихи» -Т., 1957 ана шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда республикамизнинг таниқли археолог олимлари- А.Асқаров, Ў.Исломов, А.Р.Муҳаммаджонов, Э.В.Ртвеладзе, Т.Ширинов ва бошқалар етакчилигидаги тадқиқотчилар Ўзбекистон қадимги тарихининг палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза даврларини ўргандилар. Тадқиқот ишлари Ватанимизнинг барча воҳаларида - Зарафшон, Сурхондарё бўйларида, Хоразм ва Фарғона водийсида, шунингдек чўл ва дашт ўлкаларида ҳам кенг олиб борилди. Улар томонидан қатор илмий, оммабоп асарлар, ўқув қўлланмалари яратилди. Булар орасида А.Асқаровнинг «Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар» -Т., Фан, 1973, «Сополлитепа» -Т., 1973, «Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана» -Т., 1977; Ў.Исломовнинг «Пещера Мачай», -Т.,1975, «Обиширская культура» -Т.,1980; А.Р.Муҳаммаджоновнинг «Қадимги Бухоро» -Т., 1991; Т.Шириновнинг «Орудия производства и оружие эпохи бронзы среднеазиатского Междуречья» -Т., 1985; Э.В.Ртвеладзе ва А.Сагдуллаевларнинг «Памятники минувших веков» -Т., 1986; Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов ва Ё.В.Абдуллаевларнинг «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар» -Т., 2001 каби асарлар алоҳида ўрин тутади.

Мазкур асарларни, шунингдек, Ватанимизнинг қадимги даври тарихига оид бошқа асарларни ўрганиш орқали Ўзбекистон одамзод илк

бор пайдо бўлган ўлка эканлигини англаш, аждодларимизнинг қадимги ҳаёти, турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданияти ҳақида зарур билимга эга бўлиш мумкин.

Жамиятшунос ва табиатшунос олимлар ер шарида ҳаётнинг пайдо бўлиши, одамларнинг вужудга келиши, муаммолари устида узоқ йиллардан бери тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар. Бу ҳақда диний ва дунёвий таълимотлар, ривоятлар мавжуд.

Христиан дини одамзод худо томонидан бундан 7 минг йил бурун қизил лойдан яратилди, дастлабки одамлар Адам ва Евадан туғилган деб таърифлайди. Исломи дини одамнинг Оллоҳ томонидан тупроқдан яратилиб, унга жон киритилгани, дастлабки одамлар Одам Ато ва Момо Ҳаво бўлганлиги ҳақида, уларнинг қачон яратилганлигини Оллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, бу ёлғиз унгагина аён деган ғояни илгари суради.

Юнон олими Арасту одамнинг пайдо бўлишини ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни билан боғлаб тушунтиради, одамзод оддийдан мураккабга, ҳайвонот олаmidан одамзод дунёсига ўсиб чиқди, деб таъкидлайди. Жеймс Манбоддо одам олий турдаги маймунсимон одамдан вужудга келган, деган ғояни илгари суради.

Инглиз олими Чарлз Дарвин европалик археологларнинг Гибралтар қояси, Германиянинг Неандертал водийси ва Австриядаги тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиб, одамларнинг аждодлари дарахтда юрвчи энг олий турдаги маймунсимон одамлар /дриопитеклар/ бўлганлиги ҳақидаги эволюцион назарияни илгари суради. У ҳар қандай маймундан одам пайдо бўлмаслигини, одамларнинг аждодлари бўлмиш дриопитеклар аллақачон ўлиб кетганлигини таъкидлайди.

Шунингдек, одам ҳар доим, ҳамма вақт онгли бўлган, одам Оллоҳ томонидан яратилмаган, маймундан одам пайдо бўлиши мумкин эмас, одам бошқа сайёралардан келган деган ривоятлар ҳам бор. Демак, сайёрамизда одамзоднинг қачон ва қандай пайдо бўлгани ҳақида аниқ, узил-кесил фикр йўқ дейиш мумкин, бу муаммолигича қолмоқда. Турли ихтисосдаги олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар узоқ ўтмишнинг сирли жараёнларига янада теранроқ назар ташлашга, камтарона билимларимизни янада ойдинлаштиришга кўмаклашиб бораверади.

Ҳозирча фанда одамзод табиатнинг бир қисми, у сайёрамизда тараққиётнинг маълум босқичида вужудга келди, кишилиқ жамияти меҳнат туфайли такомиллашиб борди, дастлаб одамлар ибтидоий тўда шаклида, кейинроқ уруғ-жамоа бўлиб яшаганлар, деган хулоса барча ривоятлардан устунлик қилмоқда.

Олимларнинг ибтидоий жамият тарихини ўрганишга доир тадқиқотлари инсониятнинг ибтидоий тўда ва жамоа даври кўпгина минтақаларда, жумладан, бизнинг ўлкамиз худудида деярли бир-бирига ўхшаш бўлганлигини, бир-бирига ўхшаш босқичларни босиб ўтганлигини кўрсатади.

Ибтидоий жамият одамларининг яшаш тарзи, жисмоний ва ақлий тузилиши, улар томонидан ясалган меҳнат қуролларининг тури ва материалига кўра бир қанча даврларга бўлинади. Археологларнинг Африка ва Ява оролида олиб борган тадқиқотлари сайёрамизда одамлар 3-2,5 миллион йиллардан бери яшаб келаётганлигини кўрсатади. Тахминан ана шу даврдан бошланган ибтидоий жамият меҳнат қуроллари тошдан ясалгани сабабли палеолит (грекча «палайос» -қадимги, «литос» -тош деган маънони билдиради) - қадимги тош даври деб аталади. Палеолит даври ўз навбатида уч босқичдан - илк палеолит, ўрта палеолит ва сўнгги палеолитдан иборат.

Илк палеолит бундан 3-2,5 миллион йиллардан 100 мингинчи йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Археологлар илк палеолит даврида тахминан 700-300 минг йиллар илгари бўлиб ўтган Шель¹ ва тахминан 300-100 минг йиллар илгари бўлиб ўтган Ашель² даври бўлганлигини ҳам таъкидлайдилар.

Ўрта палеолит босқичи бундан 100-40 минг йиллар илгариги даврдир. Археологияда бу давр Мустье³ маданияти ҳам деб юритилади.

Сўнгги палеолит босқичи милоддан тахминан 40-12 минг йиллар илгариги даврдир.

Ибтидоий жамиятнинг иккинчи даври **мезолит** /юнонча «мезос» - ўрта, «литос» - тош деган маънони билдиради/ - ўрта тош даври дейилади ва у милоддан аввалги 12 мингинчи йиллардан 7 мингинчи йилларгача давом этади.



Одамларнинг палеолит ва мезолит босқичларидаги термачилик ва овчиликка асосланган турмуш тарзи **табиатдаги тайёр нарсаларни ўзлаштириш, истеъмол қилиш хўжалиги** деб ҳам аталади.



Мезолит даврида **тарихий таракқиётнинг нотекис ривожланиш қонуни** амал қила бошлайди. Негаки, сайёрамизнинг турли минтақларидаги табиий иқлим шароити турлича бўлганлиги сабабли айни бир вақтнинг ўзида яшаш учун қулай иқлим шароитлари мавжуд бўлган ҳудудларда ривожланиш тезроқ, ноқулай ҳудудларда секинроқ борганлиги кузатилади.

Учинчи давр **Неолит** /юнонча «неос» - янги, «литос» тош деган маънони билдиради/-янги тош даври бўлиб, унга милоддан аввалги 6-4 мингинчи йиллар киради.

¹ XIX асрнинг 60-йилларида француз археологи Г.Мортилье томонидан Франциянинг Шель шаҳри яқинидан топилган археологик маданиятнинг номи.

² Франциянинг Амьен шаҳри яқинидаги Сент-Ашелдан топилган маданиятнинг номи.

³ Г. Мортилье томонидан Франциянинг жануби-ғарби (Дордонь департаменти) даги Ле-Мустье ғоридан топилган маданиятнинг номи.



Неолит даври одамларнинг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик орқали истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ўзлари яратишга асосланган турмуш тарзи **ишлаб чиқариш хўжалиги** шаклланган босқич деб ҳам аталади.

Тўртинчи давр **энеолит**, яъни мисдан қуроллар яшаш ўзлаштирилгани учун тош-мис даври дейилади, у милоддан аввалги 4 мингинчи йилларда юз беради.

Бешинчи давр **бронза**, яъни мис ва қалай қотишмасидан меҳнат қуроллари яшаш ўзлаштирилган давр бўлиб, милоддан аввалги 3-2 мингинчи йилларни ўз ичига олади.

Милоддан аввалги бир мингинчи йиллар бошларида темирдан турли қуроллар ва асбоб-ускуналар яшашнинг ўзлатирилиши натижасида **темир асри** бошланади.

Ибтидоий жамият даврларининг хронологик йиллари тахминан белгиланган бўлиб, маълум бир давр айрим минтақада олдинроқ, бошқасида кейинроқ бошланиши ва тугалланиши мумкин, албатта.



Тарихий тадқиқодлар кишилик жамиятининг неолит ва ундан кейинги даврларга ўтиши замон нуқтаи назардан сайёрамизнинг турли минтақаларида ҳар хил вақтларда содир бўлиб, кейинги давр олдингиларидан қисқароқ бўлиб борганлигидан гувоҳлик беради. Бу жараёни замон ва маконда тарихий ривожланиш суръатларининг жадаллашиш қонуни билан изоҳлаш мумкин бўлади.

2. Мамлакатимизда одамларнинг палеолит даври манзилгоҳлари.

Мамлакатимизнинг **илк палеолит** даври, геологларнинг ҳисобига кўра, табиий-географик жиҳатдан ёзи иссиқ, қиши совуқ, ёғингарчилик кам бўлган иқлим тартиби қарор топган даврга тўғри келади. Ана шу шароитга мос илк одамлар, хайвонот олами ва ўсимликлар дунёси шаклланади. Бир неча юз минг йиллар давомида табиий муҳит ҳам ўзгариб борди. Илк палеолитнинг охириги босқичларида сайёрамизни музлик қоплаб иқлим кескин совийди, тез-тез ёғингарчилик бўладиган бўлиб қолади. Ўлкамизда чўл ва воҳа ландшафтлари шаклланиб, ўсимликлар ва хайвонлар дунёси ўзгариб боради. Одамлар ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан такомиллашади.

Ўзбекистон ҳудудида илк палеолит даври одамлари яшаган манзилгоҳлар Фарғона водийсининг Сўх туманидаги Селунгур ғоридан ва Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Кўлбулоқ маконидан топилган ва ўрганилган.

Селунгур ғори 1958 йилда археолог А.П.Окладников, 1980 йилдан бошлаб археолог олим Ў.Исломов томонидан ўрганилган. Тадқиқотлар Селунгур манзилгоҳида одамлар палеолит даврнинг барча босқичларида

яшаганлигини кўрсатади. Бу манзилгохдан аجدодларимизнинг суяк қолдиқлари, уларнинг тошдан ясалган меҳнат қуроллари ҳамда улар овлаб тирикчилик қилган айиқ, қоплон, каркидон, сиртлон, оху ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари топилди. Олимлар Селунгур ғорида бундан 1,5 миллион йиллар илгари одамлар яшаган, деган хулосага келдилар¹. Селунгур тадқиқотларининг аҳамияти шундаки, у мамлакатимиз одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалардан бири эканлигини исботлаб берди.

Илк палеолит даври одамларининг манзилгохларидан яна бири Тошкент вилояти Чотқол тоғининг жанубий-шарқий ёнбағридаги Жарсойнинг қирғоғидаги Кўлбулоқ маконидир. 1963-1970 йилларда археолог М.Р.Қосимов раҳбарлигидаги гуруҳ Кўлбулоқ маконида 10 дан ортиқ қатламни ўрганди. 730-830 см. чуқурликда жойлашган икки қуйи қатлам илк палеолит босқичига тўғри келади. Бу қатламлардан йирик, дағал ишланган тош қуроллар ва ҳайвон суяклари топилади. Кўлбулоқ маконининг юқорироқ қисмидан топиб ўрганилган бошқа маданий қатламлар бу ерда одамлар палеолит даврининг ўрта ва сўнгги босқичларида ҳам истикомат қилганликларини исботлади.

Энг қадимги одамлар ҳозирги вақтдаги одамдан анчагина фарқ қиларди. Улар икки оёқлаб, олдинга энгашган, қўлларини тиззасигача осилтирган ҳолда юрганлар, қўллари оддий ишларни - бирон нарсани ушлаш, уриш, ер қовлаш кабиларни бажаришга қодир бўлган. Қадимги одамларнинг пешонаси тор, мияси кичик бўлган, ҳали гапира олмаган, узук-юлуқ овозлар чиқариб ғазаб ва кўркув, ёрдамга чақириш аломатларини билдирганлар.

Илк палеолит одамлари ов қилиш, териб-термачилаб озуқа топиш учун тошдан, суяқдан, дарахт шохларидан турли меҳнат қуроллари ясаганлар. Шу туфайли уларни «**homo-habilis**»- «**билағон одам**» дейилади.

**Дастлабки
меҳнат
қуроллари**

- Ўткир қиррали, ясси, тухумсимон тош қуроллари. Улар қўл чўқмори ҳам дейилади.
- Дарахт шохларидан тайёрланган ер қовлайдиган таёқ.
- Ҳайвонларни зарб билан урувчи сўйил.

Илк палеолит даврида одамлар тўда-тўда бўлиб асосан ғорларда яшаганлар, табиатдаги тайёр нарсаларни-дарахтларнинг меваларини, ўсимлик илдизларини қовлаб еб тирикчилик қилганлар. Улар биргалашиб йирик ҳайвонларни овлаб, ушлаб еганлар, шунингдек, майда жониворларни, уларнинг тухумларини ҳам истеъмол қилганлар.

Шундай қилиб, қадимги одамларнинг машғулоти териб озуқа топиш, ҳайвонларни овлаш, тош қуроллари яшаш ва уларни

¹ Исломов У.И., Крахмаль К.А. Ранний палеолит Узбекистана: проблемы и перспективы// Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Новосибирск: СО РАН, 2002. стр. 108-113.

мукаммаллаштиришдан иборат бўлган. Мана шундай меҳнат жараёнида одамларнинг ўзлари ҳам ўзгариб, такомиллашиб борган.

Мамлакатимиз ҳудудида **ўрта палеолит** ёки мустье даври, аввало, одамлар қиёфасининг ўзгариши, неандерталларнинг¹ вужудга келиши билан фарқланади. Уларнинг пешонаси ва жағ тишлари бўртиб чиқмаган, мияси каттароқ бўлган, тик юраолган. Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғидаги Тешиктош ғори ўрта палеолитга хос неандертал туридаги одамларнинг манзилгоҳи эканлигидан далолат беради. Ғордан 8-9 яшар боланинг қабри, калла суяги, одам суяқларининг қолдиклари, улар овлаб тирикчилик қилган ҳайвон суяқлари, тошдан ясалган ўчоқ, кул қатламлари, ҳайвон ва қушларнинг суяқлари топилган.

Ўрта палеолит одамларининг манзилгоҳлари Тешиктош яқинидаги Амир Темур ғоридан, Самарқанд вилоятининг Омонқўтон, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Тошкент вилоятининг Хўжакент, Обираҳмат, Фарғона водийсининг Қайрағоч қишлоғидаги Боқирғон дараси, Палмон қишлоғи яқинидаги Хўжахайр сойи, Бухоро вилоятининг Қизил Нура, Навоий вилоятининг Учтут деб аталган тоғ ён бағирларидаги ўнғур ва булоқ ёқаларидан топилди ва ўрганилди. Ўрта Осиёда бу даврга мансуб 50 дан ортиқ манзилгоҳ топилган. Бу манзилгоҳлардан турли хил тош қуроллари, ҳайвон шохлари ва суяқлари топилган. Одамларнинг меҳнат қуроллари яшаш учун қулай, қаттиқроқ ва тез парчаланадиган чакмоқ тошларни Навоий вилоятидаги Ижонт ва Учтутда, Фарғонадан 40 км узоқроқдаги Қапчиғойдаги тош конларидан топганлиги, тошга ишлов бериш устахоналаридан фойдаланганлиги аниқланган. Чакмоқ тошдан ўткир қиррали пичоқлар, қўл чопқичи, қирадиган куракча, тешадиган бигиз ва бошқа қуроллар ясалган.

Дастлабки одамлар ҳайвонлар каби осмонда содир бўладиган момоқолдиروқ ва чакмоқ зарбидан, вулкон отилганда пайдо бўладиган олов лавасидан, даҳшатли ёнғиндан кўрқар эди, кейинчалик ундан фойдалана бошлайдилар, оловни ўчирмаслик учун навбатчилик қилиб, оловга шох-шабба ташлаб туришган.

Ўрта палеолит даври одамлари **ишқалаш орқали оловни кашф этганлар**, гулханда пиширилган мазали ва тўйимли гўшт истеъмол қилишган, йиртқич ҳайвонларни олов билан кўрқитишган. Оловни билиб олиш одамлар ҳаётида, уларнинг ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида **сўнгги палеолит** одамлари яшаган анчагина манзилгоҳлар топилган. 1939 йилда Самарқанд санъат ва маданият тарихи музейининг ходими Н.Г.Харламов Самарқанд шаҳридан ўтган Сиёбча сойи ёқасидан сўнгги палеолит даврига хос одам манзилгоҳини топади. Бу манзилгоҳда Самарқанд давлат университетининг археологлари Д.Н.Лев ва

¹ Германиянинг Неандертал водийсидан топилган, бундан 100-40 минг йиллар яшаган одамларга берилган ном.

М.Жўракуловлар томонидан ўтказилган изланишлар натижасида учта маданий қатлам очилиб ўрганилади. Бу макондан одам скелетлари, иккита пастки жағ суяги, ҳайвон суяклари, чайласимон кулба излари, унинг марказида ўчоқ ва кул қатламлари, 10 мингга яқин тош қуроллари /тош пичоқ, қирғич, тош болта/ топилган. Самарқанд маконидан тасвирий санъатнинг энг қадимги намунаси - ҳайвоннинг қовурға суягига чизилган бешта ўйиқ шакл, бир қанча суяк безаклари топилган.

Сўнги палеолит одамларининг манзилгоҳлари Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида ҳам топилган. Ўрта Осиёда 30 дан ортиқ бундай ёдгорликлар топиб ўрганилган. Мамлакатимизнинг сўнги палеолит манзилгоҳларида ўтказилган тадқиқотлар бу даврда меҳнат қуроллари яшаш техникасида, одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашида, хўжалик юритишида кескин ўзгариш юз берганлигини кўрсатади. Одамлар жисмоний жиҳатдан ҳам такомиллашди. Одамларнинг янги тури, ҳозирги замон одамларига ўхшаш бўлган крамоньонлар¹ шаклланди. Фанда бу одамни «homo-sapiens» - «ақл-идрокли одам» деб аталади. Уларнинг мия ҳажми «homo-habilis»дан икки баравар катта, бўйи баланд, қомаги тик бўлган, нутқи ривожланиб, оддий гап туза олган. Хўжаликда балиқ ови келиб чиқади. Одамлар яшаш учун кулбалар қурганлар.

Сўнги	➤ арраловчи, шилувчи, тешувчи тош қуроллари
палеолит	➤ суяк ва ёғочдан ясалган тишли қармоқ-гарпунлар
меҳнат	
қуроллари	➤ игналар, найза учлари

Сўнги палеолит охирида юз берган туб ўзгариш ибтидоий тўда ўрнида уруғ жамоаларининг вужудга келишидан иборат бўлди. Қонқариндошликка асосланган уруғ жамоалари она уруғи доирасида расмийлашди, у тарихда матриархат деб ном олди. Бир уруғдан тарқалган одамлар жамоаси катта бир ғорда ёки бир неча кулбадан иборат жойда биргаликда яшаган, биргаликда меҳнат қилган, меҳнат маҳсулотлари бутун уруғ аъзоларининг умумий мулки ҳисобланган. Меҳнат қуроллари тайёрлаш, овқат топиш, ёшларга ов қилишни ўргатиш ишларига уруғ оқсоқоли раҳбарлик қилган. Уруғнинг энг тажрибали ва хурматли аъзоси оқсоқол бўлган.

Одамлар тош ва суякка тасвир туширишни, аёллар учун турли безак ва тақинчоқлар, аёлларнинг ҳайкалчаларини яшашни ўзлаштирганлар. Ғорларнинг деворларига йирик ҳайвонларнинг ташқи кўринишини, ов манзараларини тасвирловчи расмлар чизганлар. Ҳайвонлар ва овчиларнинг

¹ Л.Ларте томонидан Франциянинг Дордонь департаментидаги Кро-Маньон ғоридан топилган, бундан 40-12 минг йиллар аввал яшаган одамларга берилган ном.

ҳаракатларини намоён этувчи ўйин-рақслар вужудга келган. Шу тариқа, тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлади.

☑ Сўнгги палеолит давридаёқ инсоннинг европоид, негроид, монголоид каби ирқий турлари пайдо бўлади. Бу ирқлар одамлар тараққиётининг сифат кўрсаткичи бўлмай, табиий шарт-шароитлар таъсирида вужудга келади. Европоидлар Европада, Негроидлар Африкада, Монголоидлар Шимолий, Шарқий ва Жанубий Осиёда яшаганлар.

3. Мезолит ва Неолит даври манзилгоҳлари.

Улуғ музликнинг эриши, ернинг исий бошлаши, кўплаб дарё ва кўлларнинг ҳосил бўлиши, яйловлар, тўқай ва ўрмонларнинг вужудга келиши, янги ўсимлик ва ҳайвон турларининг шаклланиши натижасида ўлкамизнинг барча воҳаларида одамларнинг яшаши учун қулай имкониятлар вужудга келади. Буни археологлар томонидан топилган юзлаб одамлар яшаган манзилгоҳлар ҳам кўрсатади.

1970-1980 йилларда Ў.Исломов бошчилигидаги археологлар гуруҳи Фарғона вилояти Сўх яқинидаги Обишир сойининг унгурида кидирув ишлари олиб бориб, Обишир деб аталган маконларда **мезолит даври** уруғ жамоаларининг изларини топди. Бу гуруҳ 1967 йилда Тошкент шаҳрига яқин бўлган Бўзсув сойининг икки тармоғи қўшилган жойида мезолит даврига оид манзилгоҳни топади, бу ёдгорликнинг ёши милоддан аввалги ўн минггичи йилликларга тўғри келади. Бу манзилгоҳ Қўшилиш номи билан аталади. Бу макондан тош қуролилари, мезолит даври жамоалари қолдиқлари топилди. Сурхондарё вилоятидаги Кўхитонгнинг Мачай сойи қирғоғидаги ғорда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу ғорда мезолит даври одамлари узок йиллар давомида яшаганлигидан далолат берувчи маданий қатлам очилди. Мачай манзилгоҳидан одам скелетлари, турли хил тош ва суяк қуролилари, ўчоқ ва кул қатламлари топилган. Мачайликларнинг ов ҳайвонлари асосан тоғ архари ва жайронлар бўлганлиги аниқланди. Мачайликлар шохли ва майда ҳайвонларни хонакилаштиришни ўзлаштира бошлаганлари ҳам маълум бўлади.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан топилган мезолит даврига оид манзилгоҳларда олиб борилган тадқиқотлар одамларнинг майда, тез ҳаракат қилувчи ҳайвонларни ҳам тута олганликларини кўрсатади.

Мезолит даври қуролилари	➤ Ўқ-ёй қуроли (камон ва пайконлар). ➤ таёқ учига ўткир учли найзалар ўрнатилган ирғитувчи найза қуролилари.
---------------------------------	---

Ўқ-ёйдан фойдаланиш инсоният тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, овчиликни инсонларнинг ҳаёт манбаига айлантирди, овдан келадиган даромад ва захиралар кўпайиб борган. Ўқ-ёй қуроли одамнинг

ёлғиз ўзи хайвонларни овлаш, жамоадан ажралиб хаёт кечиришига имконият яратади.

Одамлар ўсимликларнинг илдизларини истеъмол қилишдан бошоқларни, мазали меваларни, истеъмол қилишга ўтадилар. Улар аста секин ит, сигир, қўй, эчки каби хайвонларни қўлга ўргатиш, бошоқли ўсимликлар уруғини ерга экиб ўстириш орқали дон олиш малакаларига ҳам эга бўлиб борадилар.

Мезолит даврига оид мозорларнинг таҳлили одамларда диний эътиқод шаклланаётганини, у дунёга ишонганини кўрсатади. Мачай қабристониде жасад чалқанчасига ётқизилгани, устига қизил ранг сепилиб, атрофига тош тақинчоқлар териб қўйилгани аниқланган. Кўхитонг тоғидаги **Зараутсой қоясидан** (ҳозирги Сурхондарё вилояти) топилган суратлар эса тасвирий санъатнинг вужудга келганлигини кўрсатади. Қояда ёввойи хайвонларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Бу манзарада йирик шохли хайвонлар подаси орқасидан овчилар ўз итлари билан кетаётгани, овчилар эса ўқ-ёй билан, полохмон тошлар билан қуроллангани тасвирланган. Бошқа бир қояда икки гуруҳ овчилар буқани ўраб олгани манзараси тасвирланган. Зараутсой қояларидаги бу суратлар ўша давр рассомларининг фикр доирасини, диний тасаввурларни тасвирий санъатда қанчалик даражада акс эттирилганликлари ҳақида фикр юритишга асос беради.

Неолит даврида қуроллар ишлаш техникасида туб ўзгариш - инкилоб содир бўлди. Янги тош қуроллари орқали силлиқлаш, пардозлаш, пармалаш усуллари ихтиро этилди. Тош қуроллари орасида тош болталар, поналар, исканалар, тош тешалар пайдо бўлди. Неолит даври «тошболталар асри» ҳам дейилади. Ҳунармандчиликнинг сопол буюмлар яшаш тармоғи вужудга келади. Шунинг учун бу даврни «сопол асри» ҳам дейишади.

Неолит даврида одамлар хаётида чорвачилик ва деҳқончилик вужудга келади ва хўжаликда асосий ўринни эгаллайди. Уруғ жамоалари эчки, қўй ва қорамоллардан иборат қўра-қўра чорва молларига, дон-дун захираларига эга бўладилар.



Неолит даврида **ишлаб чиқарувчи хўжалик** шаклланиб бўлади. Бу инсоният эришган катта ютуқ бўлиб, одамлар табиатга қарамликдан бутунлай қутиладилар. Уруғ жамоалари озуқа излаб кўчиб, дайдиб юришдан ўтроқ хаёт кечиришга ўтадилар. Доимий яшайдиган кулбалар, уйлар яшаш одамларнинг турмуш тарзига айланади, қишлоқлар вужудга келади.

Неолит даврида одамлар хайвон терисидан тикилган кийимлар ўрнига жун ва ўсимлик толасидан тўқилган матолардан тикилган кийимлар киядиган бўладилар. Ҳунармандчиликда тўқимачилик, тикувчилик тармоғи ҳам пайдо бўлади.

**Неолит
даври
меҳнат
куроллари**

- Тош болта, пона, искана
- Мотига (кетмон-теша). Мотига дехқончилиги
- Чакмоқ тошга тиғ ўрнатилган суяк ўроқ
- Тошдан ясалган дон ёрғучоқ
- Лойдан қўлда ясалган ва пиширилган сопол идишлар
- Зиғир толаси ва жундан ип йиғирув урчуклари, мато тўқув дастгоҳлари ясалди. Кийимлар тикилган.
- Ёғоч ғўлаларни бир-бирига боғлаб ясалган сувда сузувчи сол, қайиқлар.

Мамлакатимиз ҳудудидан неолит даврига доир кўплаб археологик ёдгорликлар, одамлар яшаган манзилгоҳлар топилган. Амударёнинг қадимги Окчадарё дельтаси ёнидаги Калтаминор канали яқинидан неолит даврига доир одамлар манзилгоҳи, Амударёнинг Юқори Узбой ирмоғи ва Орол денгизининг шимолий-шарқий бўйларида яна кўплаб маконлар топиб ўрганилди. Буларнинг ҳаммасига Калтаминор маданияти деган ном берилди. Калтаминорликлар ҳаёти, хўжалик машғулотлари ва турмуш тарзини ўрганиш, унинг милоддан аввалги 5-3 минг йилликларга доир археологик маданият эканлигини кўрсатди.

Калтаминор маданиятининг энг муҳим манзилгоҳларидан бири Жонбос-4 ҳисобланади. Жонбос-4 да ўтказилган казиш ишлари натижасида майдони 300 кв.м. келадиган ғоят катта турар жой-ярим ертўла шаклидаги кулба очилди. Тадқиқотлар кулбанинг ходалар ва қамишдан қурилгани, кейинчалик ёниб кетганлигини, одамлар фойдаланган барча уй-рўзғор буюмлари, меҳнат куроллари йиқилган кулба остида қолиб кетганлигини кўрсатди. Кулба томини кўтариб турган бирнеча устунлар борлиги аниқланди. Бу манзилгоҳда 100-120 га яқин киши истиқомат қилишган. Унинг ўртасидан катта ўчоқ, атрофида яна 20 дан ортиқ майда ўчоқлар, кўмирга айланган ёғочлар ва қамишлар топилди. Ҳар бир ўчоқ атрофидан балиқ, ёввойи чўчка, буғу, қирғовул, сув қушларининг суяклари, ўрдак ва ғоз тухумининг пўчоқлари, ёввойи жийда данаклари топилди. Катта ўчоқ ўт оғаси ихтиёридаги оташкада /алтарь/ бўлиб, Калтаминор уруғ жамоаси катта ўчоқдаги ўтга топинишган, бу одамларнинг диний эътиқодини кўрсатади. Кулбадаги майда ўчоқлар эса она уруғи доирасида кўплаб жуфт оила мавжуд бўлганини кўрсатади. Жонбос-4 манзилгоҳидан чакмоқ тошдан ясалган жуда кўп меҳнат куроллари, кескич асбоблар, суяк гарпунлари, турли хил нақшлар, ўйиб солинган сопол идиш синиқлари ва бошқа ашёлар топилди. Топилган қолдиқларнинг деярли кўпчилиги балиқ ва қуш суяклари бўлиб, калтаминорликларнинг балиқчилик ва овчилик

билан шуғулланганлигини кўрсатади. Калтаминорликлар ўқ-ёйдан кенг фойдаланганлар.

1950 йилларда таниқли археолог олим Я.Ғ.Ғуломов Зарафшон бўйлаб қидирув ишлари олиб боради ва ўнлаб манзилгоҳларни аниқлаб, улардан неолит даврига оид тош қуроллар ва сопол парчаларини топади. Қидирув ишларини 1960 йилдан бошлаб археологлардан А.Асқаров ва Ў.Исломовлар давом этказадилар. Натижада 100 дан ортиқ катта ва кичик манзилгоҳлар топилади. Уларда яшаган уруғ жамоаларининг балиқ ови билан шуғулланганлиги, термачилик хўжалигида тош ёрғучоқлардан кенг фойдаланилганлиги аниқланади.

Зарафшон дарёсининг ўрта хавзаларида яна бир ёдгорлик-Сазағон макони /Самарқанд вилоятининг Сазағон қишлоғи/ топиб ўрганилади. Кўплаб тош қуроллар, ёввойи ва уй ҳайвонлари суяклари топилади. Сазағон жамоаси қорамолларни кўлга ўргатиб, чорвачилик билан шуғулланганлар.

Зарафшон водийси уруғ жамоалари сифатли тош хом ашёлардан қуроллар ясаганлар. Улар тош конларида шахталар ҳосил қилганлар. Неолит даврида Учтут чакмоқтош конида 4-5 метрлик шахталардан намланган тошларни қовлаб олиб қуроллар ясаганлар. Намланган тошларни йўниш осон бўлганлигини билганлар. Зарафшон водийсида яшаган уруғ жамоалари ҳаётида овчилик, айниқса балиқ овлаш алоҳида аҳамият касб этган.

4. Энеолит ва бронза даври маданияти.

Инсоният тарихининг тош даври ўрнини металл қуроллар эгаллай бошлади. Милоддан аввалги 4 мингинчи йилларда одамлар мисдан қуроллар яшани ўрганадилар. Мис металл сифатида юмшоқ бўлганлиги туфайли, ундан ясалган қуроллар мўрт, юмшоқ ва тез эгилувчан бўлган. Шу сабабдан тошдан меҳнат қуроллари яшаш ҳам давом этган. Бу даврни **энеолит, яъни мис-тош даври** деб аталади. Одамлар дастлаб мисни ер юзасидан соф ҳолда учратиб, ундан меҳнат қуролларини ясаганлар. Кейинчалик унинг оловда эришини билганлар ва ундан турли хил шаклдаги қуроллар ва буюмлар ясаганлар.

Аждодларимиз милоддан аввалги 3 мингинчи йиллардаёқ мисга қалай аралаштириб бронза, яъни қаттиқ металл қотишмаси олишни, ундан пишиқ ва қаттиқ меҳнат қуроллари, қилич, ханжар, уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнат безаклари яшани ўзлаштириб оладилар. Бу давр **бронза даври** деб ном олди. Бронзанинг кашф этилиши металлург хунармандларни, металлургия устахоналари ва заргарлик корхоналарини вужудга келтирди.

**Энеолит
ва бронза
даври
меҳнат
қуроллари**

- Эритилган мис, қалай аралашмаси қуйиладиган тош ва лой қолиплар
- Бронза қотишмасидан тайёрланган болта, ўроқ, кетмон, теша
- Мисдан, бронзадан ясалган игна, найза, ханжар, қилич
- Мисдан ясалган тақинчоқ, безак ва бошқа буюмлар
- Ер ҳайдайдиган омоч
- Ёғоч арава

Хунармандчиликнинг бу тарика ихтисослашуви турли ҳудудлар ўртасида маҳсулот айирбошлашга, уларни иқтисодий жиҳатдан боғлайдиган алоқа йўлларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бронза даврида яшаган аجدодларимиз ҳўкиз, от, эшак ва туядан транспорт воситаси сифатида фойдаланганлар. Ҳайвонлар кўшилган ғилдиракли аравалар вужудга келади. Ўзбекистон ҳудудидан энеолит ва бронза даври одамлари ҳаётини тасвирловчи кўплаб манзилгоҳлар топиб ўрганилган. Бухоро вилояти Қоракўл тумани марказидан 15 км. шимоли-шарқдаги Замонбобо кўли атрофида 1950 йилларда Я.Ғ.Ғуломов, 1960 йилларда А.Асқаров тадқиқот ишлари олиб бориб, энеолит ва бронза даври одамларининг макони ва қабристонини топиб ўрганадилар. Бу **Замонбобо маданияти** деб аталади. Замонбобо маконидан майдони 170 кв.м бўлган ертўла типига уй, икки чайла, кулолчилик хумдони ва бошқа ашёлар топилди. Маконнинг шарқий-жанубий томони сув тошқинидан ҳимояланиш мақсадида дамбага ўхшаш девор билан ўралганлиги маълум бўлди. Қазилар вақтида ертўла ва унинг атрофидан ўчоқ ўрни, устунлар ўрнатилган чуқурчалар, қорамол, эчки ва ёввойи ҳайвонларнинг суяклари, қорайиб кетган буғдой ва арпа донлари, қамиш ва похол қолдиқлари, тошдан ясалган ёрғучоқ синиқлари, чакмоқ тошдан ясалган ўроқ парчалари, тошдан ясалган мунчоқлар топилди. Топилмалар Замонбоболикларнинг деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганини кўрсатади.

Замонбобо кўлининг шимолий соҳилидан топилган қадимги қабристонда 45 та мазор очилиб ўрганилади. Мазорлар ҳозиргидек лаҳат шаклида бўлиб, марҳумлар ўнг ва чап ёни билан она қорнида ётган чақалоқ сингари гужанак шаклида кўмилган. Ўлиқлар ёлғиз, жуфт, баъзан учталаб /эркак, аёл ва бола/ кўмилганлиги, бир гўрга такрор кўмилиш ҳоллари бўлганлиги аниқланди. Эркалар қабридан ўқ-ёй пайконлари, пичоқсимон қуроллар, аёллар қабридан тош мунчоқ, олтин маржон, сурма, тошойна ва бошқа буюмлар, бир қабрдан кичкина сопол ҳайкалча топилади. Қазилмаларда топилган Бадахшон лаълидан ишланган мунчоқлар, Туркманистон сопол идишлари Замонбоболикларнинг бошқа ҳудудлардаги

уруғ жамоалари билан иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлганлигини кўрсатади.

Замонбобо маданияти бир уруғ жамоасининг моддий ва маданий мероси ҳисобланади. Замонбобо макони ва қабристони Ўзбекистон тарихшунослигидагина эмас, жаҳон тарихи фанида ҳам машҳурдир.

Энеолит ва бронза даврига хос яна бир ёдгорлик Зарафшон водийсида Тожикистон республикасининг Ўзбекистон билан чегарадош қишлоғи - **Саразмдан** топилди. Бу маконнинг майдони 90 гектар бўлиб, одамлар узок йиллар давомида истиқомат қилганлар, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Саразмда бир хонали ва хом ғиштдан ясалган кўп хонали уйлар, иккита ибодатхона ва қишлоқ кўчалари очилди. Қазилмалар натижасида уйлар ўртасида оилавий эътиқод жойи, думалоқ шаклда ишланган оловхона /алтарь/, торози тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг қисмлари, урчук тошлар, пичоқ, ханжар, қармоқ, игна ва бигизлар, сопол идиш парчалари, мис ойна, тақинчоқлар топилди. Металл буюмлар яшаш кенг тарқалганлиги аниқланди. Кулолчиликда чарх дастгоҳи кашф этилган.

Шундай қилиб, Сўғд ўлкасининг Замонбобо ва Саразм ёдгорликлари бободехқонларимизнинг сой ва дарё этакларидаги захкаш ерларда юритган деҳқончилик хўжалиги ҳақида қимматли маълумот берувчи маконлардир.

1969-1974 йилларда А.Асқаров раҳбарлигидаги археологлар гуруҳи Сурхондарё вилояти Музрабод воҳасида чўлида қидирув ишлари олиб бориб, **Сополлитепа ёдгорлигини** топиб ўргандилар. Сополлитепа 4 гектар чамасидаги тепаликдан иборат бўлиб, унинг марказий қисмини баланд қалъа ташкил этади. Сополлитепанинг марказий қисми квадрат шаклида бўлиб (82x82), атрофи йирик хом ғиштлардан қилинган уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган, деворнинг қалинлиги ўртача 1,6 м, баъзи жойларда 2 м бўлган. Қалъанинг ўрта қисми бўш майдондан иборатлиги, қалъа ичкарасидаги уйларни 8 кварталга бўлиб турувчи 6 та кўча борлиги маълум бўлади. Қалъа дарвозаси унинг жанубий томонида жойлашганлиги, уйларнинг деворлари ва поли бир неча бор сомон сувоқ қилинганлиги, ҳар бир уйда мўрили ўчоқ, ўчоқ ёнида супа, баъзи хоналарда сандал ўтхоналари борлиги аниқланди.

Сополлитепадан 150 та қабр очилган, улардан сопол идишлар, бронза, кумуш, олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган безаклар, бронза меҳнат қуроллари топилган. Сополлитепадан 20 га яқин сопол пиширадиган хумдон, ваза, кўза, хурмача, чойнак, пиёла, коса, тоғора, хум, лаган ва бошқа 40 га яқин хилдаги яхши пиширилган нафис, жарангдор, енгил идишлар топилган. Хоналардан тош ёрғучоқлар, ўғирлар, урчуқлар ва пайконлар, арпа, буғдой ва тарик донлари топилган.

Сополлитепадаги тадқиқотлар одамларнинг буғдой гўжа, умоч, қайнатма шўрва каби овқатлар пишириб истеъмол қилганини, ипакдан ва пахтадан кийимлар тикиб кийишганини кўрсатади. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ҳақида маълумотлар олинди, эркаклар ўтроқ

деҳқончилик, чорвачилик, кулолчилик, бинокорлик билан шуғулланган, аёллар эса уй ишлари, бола тарбияси билан банд бўлган. Уруғ жамоасига эркаклар бошчилик қилган.

Сополли маданияти одамларнинг суғорма деҳқончилиқни ўзлаштирганини, ўтроқ деҳқончилик маданияти барпо бўлганлигини исботлаб берди. Кулолчилик ривожланиб, нафис идишлар кулолчилик чархида тайёрланган. Тўқимачилиқда пахта ва табиий ипакдан фойдаланилган. Шунингдек, металл билан ишлаш ҳунармандчилиги ҳам ривожланганлиги аниқланди. Сополли маданияти ўлкамизда шаҳарларнинг вужудга келиши учун илк заминлар бронза давридаёқ мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

1953-1961 йилларда М.Э.Воронец бошлиқ археологлар гуруҳи Наманган вилоятининг Чуст шаҳри яқинидаги Буванамозор деб аталаган булоқ ёқасидан мил. ав. 2 мингинчи йиллар охирига оид маконни топиб ўргандилар. Изланиш натижасида яна Далварзинтепа, Қорақўрғон, Тўрақўрғон, Чимбой, Ашқолтепа ва бошқа ўндан ортиқ ёдгорликлар топиб ўрганилди. Уларнинг барчаси **Чуст маданияти** номи билан тарих фанига кирди. Чуст маданияти одамларнинг қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшаганлигидан далолат беради.

Чуст маданиятига мансуб ёдгорликларда қўлда ясалган гулдон, сопол товоқлар, лаби букилган турли шаклдаги сопол идишлар, пиёлалар, хурмосимон идишлар кўп учрайди, уларга қизил ва қора рангларда учбурчак, ромб шакллари туширилган.

Тадқиқотлар Чустликларнинг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик эканлигини кўрсатди. Кетмон, тош ёрғучоқ, ховонча, ўроқсимон пичоқ, бронза ўроқларидан фойдаланишган.

Топилган ашёлар Чустликлар буғдой, арпа, сули экиб деҳқончилик қилганини, ерни кетмон билан ишлаганини, дарёларни бўғиб сунъий каналлар орқали далаларга сув чиқарганини, узунлиги бир неча ўн чақиримдан иборат канал қурганлигини кўрсатади. Шунингдек, овчилик ва балиқчилик ҳам қадимги чустликларнинг турмушида муҳим ўрин эгаллаган.

Чуст маданиятида металл билан боғлиқ ҳунармандчилик яхши ривожланганлигини топилган металл буюмлар ҳам яққол кўрсатди. Тош қолипларда ойна, ўроқ, пичоқ ва бигизлар қуйма ҳолда ясалган. Қазил вақтида от узангилари ва сувлиги, билагузук, халқа, қармоқ, пайконлар, суяк ва тошдан ясалган қуроллар топилган. Чустликлар ҳаётида тўқимачилик ҳунармандчилиги ҳам анча ривожланганлиги маълум бўлди. Буни ёдгорликлардан топилган 13 хил мато, урчук тошлар, моки, суяк тароқлар ва тўқимачилик дастгоҳларидан билса бўлади.

Шундай қилиб, Чуст маданияти Фарғона водийсида қадимги деҳқончилик маданияти шаклланганлигини кўрсатувчи мисол бўлиб хизмат

қилади. Чустликларнинг оловга эътиқод қилганликлари уларда диний тасаввурларнинг шаклланганлигини кўрсатади.

Бронза даврига оид манзилгоҳлар ҳозирги Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларидан ҳам топилиб ўрганилган. Амударё этакларидаги Тозабөгёб канали яқинидан топилган **Тозабөгёб маданияти**, Амиробод канали этакларидан топилиб ўрганилган **Амиробод маданияти** шулар жумласига киради. Бу манзилгоҳларда яшаган одамлар ўтроқ ҳолда уруғ жамоа бўлиб яшаганлиги, суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги аниқланди.

Мамлакатимизнинг шимолидаги чўл ва дашт жойларида чорвадор уруғ жамоалари ва қабилалар яшаган. Уларда чорвачилик хўжаликнинг асосий тармоғи бўлган. Отлиқ чўпонлар қорамол, қўй, эчкилардан иборат подаларни узоқ жойдаги яйловларга ҳайдаб борганлар. Чорвадорлар йил фаслларига мос жойларга кўчиб юрганлар, новдадан тўқилган уйлар, хўкизлар кўшилган ғилдиракли аравалардан фойдаланиб узоқ жойларга ҳам бора олганлар. Бу жараён турли қабилаларнинг учрашувини, танишувини таъминлади. Улар ўзаро фикрлашадиган, алоқа қиладиган бўлдилар, бир-бирини тушуниш учун умумий сўзлар топдилар. Аста-секин бир нечта қабилалардан ўзаро тушунарли тилда гаплашадиган одамларнинг катта гуруҳи - элатлар шаклланади.

Бронза даври охирларида чорвадор қабилаларнинг ўз подаларини ҳайдаб ўтроқ деҳқон жамоалари яшайдиган воҳаларга тинч ёки зўрлик билан кириб борганлиги ҳам кузатилади. Натижада этник жараёнлар кучайиб, шимол ва жануб қабилаларининг дастлабки аралашuvi юз бериб, ҳозирги замон ўзбек ва тожикларнинг дастлабки этник қатлами шакллана бошлайди.

Мил. ав. бир мингинчи йилларнинг бошларида аجدодларимиз темирдан меҳнат қуроллари, қурол-яроқлар, безакли буюмлар ясашни ўзлаштирадилар ва мамлакатимизда темирдан фойдаланиш кенг тарқалади. Одамлар ҳаётида **темир даври** бошланади.

Темирдан ясалган омон, кетмон, белқурак ва бошқа меҳнат қуроллари анча кенг майдонларни ҳайдаш, тўғонлар қуриш, канал ва ариқлар қазиб сув чиқариш имконини беради. Булар деҳқончиликнинг юксалишига олиб келади.

Темирнинг кашф этилиши ҳунармандчиликни янада юқори поғонага кўтарди. Темирдан қаттиқ ва ўткир пичоқлар, ўроқлар ясалиши меҳнат умумдорлигини оширишга ёрдам берди.

Темир даврида кулолчилик чархи, нақш билан безатилган сопол буюмлар кенг тарқалди. Темирчилик босқони, қўл тегирмони вужудга келди, металлга ишлов бериш ривожланди. Хонадонларда ип йиғириш ва матолар тўқиш, кийим тикиш тобора кенгайиб борди.

Уй-жой қурилиши бир мунча яхшиланди. 10-20 тадан хонаси бўлган катта майдонли уйлар қурилиши билан бирга, ғиштдан, синчдан алоҳида


бир оилага мўлжалланган уйлар қуриш кенг тарқалди. Шу тариқа, одамларнинг турмуш тарзи ҳам ўзгариб борди, яшаш бир мунча яхшиланди, одамлар умри узайди. Булар аҳолининг кўпайишини таъминлади.

Шундай қилиб, мамлакатимиз одам пайдо бўлган илк минтақалардан биридир. Ватанимизда одамлар қарийб миллион йиллардан бери яшаб келмоқдалар. Улар ўз тараққиётида ибтидоий тўда, уруғ жамоасидан иборат узок тарихий йўлни босиб ўтдилар. Яшаш учун қурашиб, оддий тош қуроллари ясашдан металлни қашф этишгача, металлдан меҳнат қуроллари, уй-рўзғор ва турли хил безак буюмлари ясашгача кўтарилдилар. Яланғоч ҳолда яшашдан жун, пахта, пилла толасидан кийим тикиб кийишгача, ғорларда яшашдан уй-жой қуриш, кишлок-кишлок бўлиб яшашгача бўлган узок ижтимоий ривожланиш даврини бошдан кечирдилар. Ибтидоий тўданинг ўсиб уруғчилик жамоасига кўтарилиши инсоният тараққиётида содир бўлган туб ижтимоий ўзгариш бўлди. Одамлар бир-бирини танийдиган, мулоқотда бўладиган, бир уруғга, аввало, она уруғига, кейинроқ ота уруғига уюшиб, бир жойда, биргаликда меҳнат қилиб яшайдиган бўлди, мушқули осонлашиб борди. Турмуш тарзида термачилик ва овчилик ўрнини чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик эгаллади. Меҳнат унумлироқ бўлиб борди. Аждодларимиз табиатдан тайёр нарсаларни ўзлаштириш хўжалиги ўрнига истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ўзлари ишлаб чиқарадиган хўжалик яратдилар.

Ибтидоий жамоа тузумида жамоа аъзолари ишлаб чиқариш воситаларига, уй-жойларга, меҳнат қуролларига биргаликда эгалик қилган, меҳнат қилишда ва меҳнат маҳсулларида фойдаланишда тенг бўлганлар.

Суғорма деҳқончиликнинг қашф этилиши натижасида **ўтроқ деҳқончилик маданияти** шаклланди. Чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди. Ватанимизнинг кўпгина ҳудудлари - Хоразм, Сурхондарё, Зарафшон, Фарғона ва бошқа воҳалари цивилизация тараққиётининг марказларига айланди. Чўл ва даштларда яшовчи чорвадор уруғ жамоалари кўчманчилик турмуш тарзига ўта бордилар ва кўчманчиларга айландилар. Ўтроқ деҳқон жамоалари билан чорвадорлар ўртасида алоқалар, маҳсулот айирбошлаш жараёни ўсиб борди. Ишлаб чиқариш хўжалигининг вужудга келиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши уруғдошлар ўртасида ижтимоий тенгсизликнинг, мулкӣ табақаларнинг вужудга келиши, уруғчилик жамоасининг емирилиши учун замин тайёрлади.

1-2-жадваллардаги маълумотларга эътибор беринг.



Даврлар	Одамларнинг кашфиётлари
<p>Палеолит Илк босқичи</p> <p>Ўрта босқичи</p> <p>Сўнгги босқичи</p>	<p>Тошдан учи ўткир қиррали, тухумсимон қуроллар, дарахт шохларидан таёқ ва сўйил каби қуроллар ясалди. Термачилик, овчилик.</p> <p>Оловдан фойдаланишнинг ўзлаштирилиши. Чакмоқ тошдан кўл чопқичи, пичоқ, тешувчи бигизлар ясалди.</p> <p>Уруғ жамоаси (матриархат) шаклланди, чайла ва ертўлалар қурилди. Арраловчи, шилувчи, тешувчи тош қуроллари, игна, найза учлари, қармоқ ясалди. Балиқ овлаш ўзлаштирилди. Ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, суяк тақинчоқлар яшаш вужудга келди.</p>
<p>Мезолит</p>	<p>Ўқ-ёй (камон), ирғитувчи найза қуроллари ясалди. Якка овчилик, дайди ҳаёт юзага келди. Молларни кўлга ўргатила бошланди, бошоқли ўсимликларни ўстириш ўрганилди. Қоятош суратлари пайдо бўлди.</p>
<p>Неолит</p>	<p>Тош болта, пона, искана, мотиға (кетмон-теча), тош мосламали суяк ўроқ, дон янчғич, сопол идишлар ясалди. Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик вужудга келди. Сувда сузиш мосламалари ясалди. Уй-жой қурилиши ва ўтроқлашув бошланди. Ип йигирувчи урчук, тўқув дастгоҳлари вужудга келди. Жун ва ўсимлик толасидан кийимлар тикилди. Ишлаб чиқариш хўжалиги шаклланди.</p>
<p>Энеолит</p>	<p>Мис кашф этилди, мисдан болта, ўроқ, найза учлари, ханжар қуроллари, тақинчоқ ва безак буюмлари ясалди. Патриархатга ўтилди.</p>
<p>Бронза</p>	<p>Бронза ихтиро қилинди. Металдан болта, ўроқ, кетмон, теша, найза, пичоқ, қилич, ханжар, заргарлик буюмлари ясалди. Омоч, ғилдирак, арава ясалди. Устахоналар пайдо бўлди. Ҳайвонлардан транспорт сифатида фойдаланиш ўзлаштирилди. Ёрғучоқ, ўғур, чарх-урчук ясалди. Чорвачилик дехқончиликдан ажралиб чиқди. Ўтроқ дехқончилик, суғорма дехқончилик, савдо алоқалари вужудга келди. Шаҳарлар пайдо бўлди. Турли ижтимоий табақалар, мулкый тенгсизлик вужудга келди. Шаҳар давлатлари шаклланди.</p>

Синов саволлари.

1. Ватанимиз ҳудудида ибтидоий одамлар манзилгоҳларини топиб ўрганган олимлардан кимларни биласиз?
2. Ибтидоий одамлар ҳаётига оид қандай асарларни биласиз?
3. Ибтидоий жамият қандай даврларга бўлинади ва нима учун?
4. Палеолит даврига доир одамлар манзилгоҳлари қаерларда ва кимлар томонидан топиб ўрганилган?
5. Палеолит даврида одамлар нималарни кашф этишган?
6. Уруғчилик жамоаси қайси даврда шаклланди, унинг босқичларини биласизми?
7. Ўқ-ёй қачон кашф этилди, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нимада?
8. Мезолит даврига оид одамлар манзилгоҳлари қаерларда, кимлар томонидан топиб ўрганилган?
9. Неолит даври манзилгоҳларини сананг, уларни топиб ўрганган олимлар кимлар?
10. Неолит даврида одамлар нималарни кашф этишган?
11. Ишлаб чиқариш хўжалиги нима, у қачон шаклланди?
12. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик қачон вужудга келди?
13. Бронза даврида одамлар ҳаётида қандай янгиликлар содир бўлди?
14. Ўтроқ деҳқончилик, суғорма деҳқончилигининг шаклланиши ҳақида нималарни биласиз?
15. Бронза даврига оид манзилгоҳларни, уларни топиб ўрганган олимларни биласизми?

II БОБ. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбек давлатчилиги: шаклланиши, ривожланиши. Қадимги Хоразм. Бактрия. Сўғдиёна. «Авесто». Тўмарис. Широқ. Спитамен. Эллинизм. Юнон-Бактрия. Қанға. Даван. Кушонлар. Хионийлар. Буюк ипак йўли.

Мустақиллик туфайли давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирди. Давлатчилик соҳасидаги бош йўлимиз мустақкам демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат. Бу ўринда аждодларимизнинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаларига таянилмоқда.

Хўш, ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган, қандай босқичларни босиб ўтган, давлат қурилишида қандай тажрибаларимиз бор? Бу саволларга асосли жавоб бериш ҳар бир талабанинг бурчидир.

«Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор. ...Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир»¹.

Мустабид совет ҳокимияти давридаги тарихий асарларда, дарслик ва қўлланмаларда Ўрта Осиёда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тизими бўлганлиги ҳақида ёзилган, аммо тилга олинган давлатларга тўғридан-тўғри ўзбек халқи, ўзбек жамияти билан боғлиқ ҳолда, Ватанимизда узлуксиз кечган жараён сифатида қаралмаган. Юртимизда шаклланган, қарийб уч минг йил давомида фаолият юритган давлатлар ёки бир кичик ҳудуд, ёки ҳокимият тепасида турган ҳукмдор номи билан аталган, давлатнинг асосий манбаи, моҳияти, яъни қайси халқнинг давлати эканлиги очиқ берилмаган, тўғрироғи очиқ беришни хоҳламаганлар. «Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми?»². Ишонмаймиз, албатта. Ўзбек халқи энг қадимдан давлат барпо этган халқлар қаторида туради.

1. Давлат тузилмаларининг шаклланиш шарт-шароитлари.

Меҳнат қуролларининг такомилланиши натижасида ерга ишлов бериш яхшиланиб, экин майдонлари кенгайиб, одамларнинг меҳнати

¹ Каримов И.А. Асарлар, 7-том, Т. Ўзбекистон, 1999 й., 139-бет.

² Каримов И.А. Асарлар, 7-том, Т. Ўзбекистон, 1999 й., 138-бет.

унумлироқ бўлиб борди. Темирнинг кашф этилиши, ундан ясалган меҳнат қуроллари қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг тез ўсишига олиб келди. Одамларнинг дарёларни бўғиб, тўғонлар қуриб, каналлар қазиб ерларга сув чиқариш имконияти кенгайди. Ўргатилган ишчи ҳайвонлари қўшилган темир тишли оочлар билан ерни ҳайдашнинг ўзлаштирилиши ҳосилдорликнинг ошишини, кўпроқ маҳсулотлар етиштирилиши таъминлади. Бу одамлар турмушини анча яхшилади, умрини узайтирди, аҳоли сон жихатдан кўпайиб борди.

Уруғчилик муносабатлари ҳам ўзгариб боради. Икки уруғ аъзоларидан ташкил топган эр-хотин - жуфт оилалар вужудга келади. Катта патриархал оилалар уруғ жамоаларидан ажралиб чиқади, уларга уруғ жамоаларига қарашли ерлардан чек ерлари ажратиб берилади. Шу тариқа уруғ жамоасининг умумий хўжалиги оилалар жамоасига бўлинади. Бундай оилалар жамоаси ишлаб чиқариш жамоалари деб ҳам аталади.

- | | |
|---|--|
| <p>«Авесто»да
жамият
таркибининг
бўлиниши</p> | <ul style="list-style-type: none"> ➤ «Нмана» - катта патриархал оила ➤ «Вис» - «нмана»лар бирикувидан ҳосил бўлган уруғ жамоаси ➤ «Варзана» - «Вис»лар бирикувидан вужудга келган йирик қўшни жамоа ➤ «Занту» - қабилалар уюшмаси ➤ «Дахю» - қабилалар иттифоқи |
|---|--|

Катта оила жамоасининг оқсоқоли бир вақтнинг ўзида оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ, пиру устод ва мураббий бўлган. Уруғ - қишлоқ оқсоқоли эса бутун қишлоқ аҳлининг бошлиғи ҳисобланган. Оқсоқоллар кенгаши қўлида диний ва дунёвий ҳокимият жамланган бўлиб, у жамоа фаолиятига оид барча масалаларни ҳал қилган. Мўътабар шахсларнинг топшириқ ва буйруқлари жамоа аъзолари учун мажбурий ҳисобланган.

Ишлаб чиқариш жамоалари таркибини ташкил этган ҳар бир оила ўз хусусий мулкига эга бўлган. Хусусий мулкнинг келиб чиқиши, жамоаларнинг ишлаб чиқариш қонун-қоидалари асосида ташкил топиши ўз навбатида мулкий табақаланишни келтириб чиқарди. Бойлик аввало жамоа оқсоқоллари, ҳарбий бошлиқлар, мўътабар шахслар қўлида тўплана борди. Улар ернинг ҳосилдор қисмини эгалладилар, кўплаб чорва молларига эга бўлдилар. Оқсоқоллар оила жамоалари, уруғ ва қабила ишларини бошқаргани учун жамоачилар уларга етиштирган ҳосилларининг, чорва молларининг бир қисмини беришга мажбур этилган. Оқсоқоллар ўз истеъмолидан ортиб қолган бундай маҳсулотларни мис, олтин, қумуш буюмларга айирбош қилганлар.

Қабилалар ўртасида яхши ер ва яйловлар учун, чорва моллари учун урушлар келиб чиққан. Қабиладош жангчилар уруш ҳаракатларига

бошчилик қилиш учун ўз ҳарбий йўлбошчиларини сайлаганлар. Урушда қўлга киритилган ўлжанинг кўп қисми йўлбошчига ҳамда оқсоқолга берилган. Шу тариқа, оқсоқоллар ва йўлбошчилар жамиятда алоҳида, устун мавқега эга бўлиб, уларни зодагонлар деб аташган. Кейинчалик зодагонлар ўз ўғилларига нафақат бойлигини, мулкани, шунингдек, ўз лавозимларини ҳам мерос қилиб қолдирганлар. Зодагонлар жамоа, уруғ ва қабилалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатганлар.

Ишлаб чиқариш жамоаларининг пайдо бўлиши аста-секин ортиқча маҳсулотларни айирбошлашни ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимотини келтириб чиқаради. Жамоа аъзолари ишлаб чиқаришнинг ўзларига қулай соҳасини танлаб оладилар. Шу тариқа, деҳқончиликдан чорвачилик, кейинроқ хунармандчилик мустақил хўжалик турлари сифатида ажралиб чиқади. Айрим ишлаб чиқариш жамоалари деҳқончилик билан, бошқалари чорвачилик ёки хунармандчилик билан шуғулланадилар. Улар ўртасида деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик маҳсулотларини ўзаро айирбошлаш кенгайиб боради. Бу эса ўз навбатида савдогарлар табақасини, илк шаҳарларнинг муҳим белгиларидан бири сифатида бозорларни келтириб чиқаради. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида товар айирбошлаш юз беради, дастлабки шаҳарлар пайдо бўлади.

2. Хоразм ва Бактрия - илк давлатчилик асослари.


Ўрта Осиё ҳудудидаги илк давлат тузилмалари тўғрисида қадимги ёзма тарихимизнинг энг ноёб манбаси ҳисобланган «Авесто» китоби, шунингдек, қадимшунос олимларнинг ўлкамизнинг турли ҳудудларида олиб борган археологик - қидирув ишлари, уларнинг натижалари муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, қадимги Юнон, Рим ва Эрон манбалари асосида ҳам бу масалани ойдинлаштириш, етарли, асосли фикрларни айтиш мумкин бўлади. Бу ўринда Юнон, Рим муаллифларидан Геродот, Гекатай, Ктесий, Страбон, Арриан ва бошқаларнинг асарлари, ёдномалари, Форсий миҳхат ёзувлари, қолаверса, ўлкамизда кенг кўламли археологик тадқиқотлар олиб борган Я.Ғуломов, С.Толстов, В.Массон, А.Асқаров, Э.Ртваладзе, А.Сагдуллаевларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

Археолог олимларимизнинг сўнгги тадқиқотлари асосида фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудудида бронза давридаёқ, мил. авв. 2 мингинчи йиллик ўрталарида кичик шаҳар давлатлари шаклланган.

Юртбошимиз И.Каримовнинг мана бу фикрлари ҳам ўзбек давлатчилиги тарихининг ўқ томирлари олис даврлар қаърига бориб туташишидан яққол далолат беради: «Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айна Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда

туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг кудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир»¹.

Барча далили ашёлар милоддан аввалги сўнгги минг йиллик бошларида, аниқроғи VIII-VII асрларда Ватанимиз ҳудудларида 3 та: Катта Хоразм, Бактрия ҳамда саклар ва массагетлар конфедерацияси шаклидаги дастлабки давлатлар шаклланган. Бу давлатлар ўзига хос ривожланиш жараёнини босиб ўтган. Айниқса бу илк давлатлар орасида Бактрия нисбатан барқарор бўлганлиги билан ажралиб туради. «Катта Хоразм» «ишлаб чиқаришнинг Осиё усули»га эга бўлган давлатларнинг қадимги шарқ типига мансуб эди. Саклар ва массагетларнинг конфедерацияси эса чорвадор турларнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ҳарбийлашган давлатидан иборат эди.



Хоразм давлати эгаллаган ҳудудлар баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги Хоразм ерлари билан чегараланиб қолмай, балки ундан анча жанубга, яъни Марв (Туркменистон), Ҳирот (Афғонистон шимоли) атрофларига қадар ҳам ёйилган.

Милоддан аввалги сўнгги минг йилликнинг бошларига тегишли «Амиробод маданияти», қуйи Амударё ҳавзасида юзага келган ўзига хос сунъий суғориш иншооти тизими ҳамда дастлабки шаҳарсозлик тимсоли бўлган **шаҳар-қальалар-Қальалиқир, Кўзалиқир, Жонбосқалъа ва бошқалар** - булар Хоразм воҳасида давлат тузилмалари мавжудлигидан далолат беради. Негаки, бу сингари умумэлатлар, қавм-қабилалар манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ўзгаришлар давлат бошқаруви йўли билангина амалга оширилиши мумкин бўлган.

¹ И.А.Каримов. Асарлар. Т.6. Т.: Ўзбекистон, 1998, 375-бет.

Қадимшунос олим Я.Ғуломов томонидан Хоразмда аниқланган 200 км узунликдаги, эни бирнеча ўнлаб метрдан иборат канал ўзани, обод деҳқончилик маданияти - Хоразм давлати қадимдан инсониятнинг йирик маданий масканларидан бири сифатида шуҳрат топганлигидан гувоҳлик беради. «Авесто»да Хоразм Марказий Осиёдаги ривож топган, ўз худудий чегараларига эга бўлган ўлкалардан, вилоят (давлат)лардан бири сифатида тилга олиниши ҳам бежиз эмас. Геродот маълумотича, қадимда Окс (Аму) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий суғориш каналлари, сув иншоотлари барпо этилиб, чўлли, сахроли ерларга сув чиқазилиб деҳқончилик учун экин майдонлари кенгайтириб борилган. Геродот таассуротларида Хоразм ўлкасида яшаган аҳоли деҳқончиликда катта тажрибага эга бўлиб, уларнинг донли, дуккакли экинлар, чунончи, буғдой, сули, арпа, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини мўл-кўл етиштирганлиги қайд этиб ўтилади. Хоразм шаҳарсозлигида хом ғишт, пахсалардан кенг фойдаланилган. Биноларнинг ташқи ва ички кўринишларига махсус ишлов берилиб, уларнинг мустаҳкамлиги, ўзига хос кўркамлиги таъминланган. Бу кўҳна худуд бағрида минг йиллар давомида замонлар силсиласидан ўтиб, сақланиб келаётган кўплаб асори атиқалар, шаҳар-қалъалар харобалари, қолдиқлари ҳам буни исбот этади. Хоразм воҳасида ҳунармандчилик, тоғ-кон ишлари анча ривожланган. Бу ердан қазиб олинган қимматбаҳо маъданлар ишлов берилиб, юксак сифат кўрсаткичига етганидан кейингина у тайёр маҳсулот сифатида фойдаланишга чиқарилган.

Хоразмда аҳолининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланган, уларнинг туя, от, қўй-эчкилардан иборат кўплаб сурувлари бўлган. Савдо бозорларида ғалла, мева, чорвачилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари айирбош қилинган.

Афсуски, Хоразм давлатида ҳукмронлик қилган сулолалар тўғрисида маълумотлар ҳозиргача етарли эмас. Ривоятларга кўра, Хоразмнинг қадимий сиёсий сулоласи - Сиёвушийлар бўлганлиги зикр этилади. «Авесто»да таъкидланишича, Сиёваршон Кавоуснинг ўғли бўлган. Сиёваршон ўлимидан сўнг унинг набираси Кова Хисрав бобоси қотилидан ўч олиб, ҳокимиятни эгаллаб Хоразмда Сиёвушийлар сулоласига асос солган дейилади.

Ўрта Осиёнинг яна бир қадимги давлати - Бактрия подшоҳлиги бўлган. Унинг таркибига ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Тожикистоннинг жануби, Афғонистоннинг шимоли-шарқий ерлари кирган.

Бактриядаги кўпдан-кўп йирик шаҳарлар орасида Бактра машҳур бўлиб, мамлакатнинг пойтахти ҳисобланган. Бактра баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшоҳ қалъаси алоҳида ажралиб турган.

Рим тарихчиси Курций Руфнинг шаҳодат беришича, «Бактра дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан». Умуман тарихий

маълумотларга асосланадиган бўлсак, қадимги давлатлар номлари кўпинча дарё, қабила, халқ ёки шаҳарлар номига қиёсан келиб чиққан бўлади.

Бинобарин, «Бақтрияликлар», «Бақтрия халқи» иборалари жуда қадимги манбаларда тилга олиниб, битта халқни ёки бир неча қариндош қабилаларни бирлаштирган ҳудудий тушунчани англатади.

«Авесто» китобида ҳам Бақтрия «Энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири бўлган, баланд байроқли, гўзал ўлка» сифатида таърифланган. Бу хилдаги фикр-мулоҳазалар Бақтрия ўз даврининг йирик давлатларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Ктесий маълумотича, Бақтрияга қарашли **Вахш водийси** оби- ҳаётга мўл-кўллиги, унумдор ерлари кўп бўлганлигидан, бу ҳудудда деҳқончилик маданияти таракқий топган, аҳоли боғдорчилик, мевачилик маҳсулотлари етиштиришда омилкор бўлган. Қашқадарё воҳасининг милоддан аввалги VIII-VII асрларга оид Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа, Ерқўрғон сингари аҳоли манзилгоҳларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жойларда ўтроқ турмуш кечирган қавм, элатлар деҳқончилик билан фаол шуғулланганлар. Худди шундай фикрни Сўғдиёна ҳудудларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Қулай табиий-жуғрофий шароитга эга бўлган Омонқўтон, Гурдара, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ маконларида яшаган аҳолининг маданий ҳаёти ҳам анча тўлақонли кечган.

Бақтрияда олтин, лаъл қаби қимматбаҳо маъданлар кўплаб миқдорда қазиб олиниб, улар тегишли ишлов беришдан сўнг юрт эҳтиёжи учун, қолаверса, хорижий эллар учун тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган. Бақтрия лаълига узоқ Хитой, Миср, Ҳиндистон сингари мамлакатларда ҳам талаб-эҳтиёж катта бўлган. Бақтрияда қимматбаҳо маъданлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши бу юртда маҳсус ҳунармандчилик тури - заргарлик, бадий ҳунар тармоғининг ривож топишига олиб келган. Буни 1877 йилда Вахш ва Панж дарёларининг Амударёга қуйилиш ерида топилган «**Амударё хазинаси**» топилмаси тимсолида ҳам кузатиш мумкин. Топилмалар орасидаги 179 та олтин ва 7 та кумуш заргарлик буюмлари қадимги Бақтрияда нафис ҳунармандчиликнинг ўсганлигидан далолат беради. Бу хазина аслида Бақтрия ҳудудига қарашли Тахти-Сангин шаҳарчасидаги ибодатхонага тегишли бўлган. Улар Лондондаги Британия музейига (1897) олиб кетилган.



Шундай қилиб, Хоразм ва Бактрия давлатларида кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнлар аждодларимизнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлидан илгарилаб бориб, ўз давлатчилик тузилмаларини вужудга келтириб, бошқарув усулларини такомиллаштириб борганлигидан гувоҳлик беради. Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, шаҳарсозлик, меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашиб бориши улуғ бобокалонларимиз ўлмас даҳоси, салоҳиятининг ёрқин ифодасидир. Булар Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки давлатчилик тарихий тажрибасининг муҳим жиҳатлари, намуналари сифатида алоҳида қимматга эгадир.

3. «Авесто» - қадимги тарихимизни ўрганишда ноёб манба.

Ўз мазмуни, моҳиятига кўра яққахудолик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, юртпарварлик ғояларини тараннум этиб, одамзод аҳлини бунёдкорлик, яратувчиликка ундаган муқаддас «Авесто» олис тарихимизнинг асл дурдона асарлари сирасига қиради¹. «Авесто» китоби мил. ав. сўнгги минг йиллик бошлари ва ўрталарида яшаган ҳудудимиздаги қадимги халқларнинг ўзига хос турмуш тарзи, хўжалик машғулоты,

¹ «Авесто» сўзи ўрнатилган, қатъий белгиланган қонун-қоидалар деган маънони билдиради.

ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одатлари-ю, маросимлари ҳақида маълумот берувчи муҳим тарихий манбадир.

Юртбошимиз уқтирганидек: «Энг мўътабар, қадимги кўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганлигига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди»¹.

Модомики, «Авесто» она тарихимизнинг муҳим таркибини ташкил этар экан, бу ноёб манба қачон, қаерда, ким томонидан яратилган? Тарихий манбаларни чуқур ўрганиш, энг аввало, «Авесто»да тилга олинган асосли жуғрофий ҳудудлар, юртлар номларини, аҳолининг машғулоти турларини, урф-одатларини, дафн маросимларини синчиклаб ўрганиш бу буюк таълимотнинг ҳақиқий Ватани Ўрта Осиё ўлкаси, унинг Хоразм воҳаси эканлигини тасдиқламоқда. «Авесто»да тилга олинган 16 та йирик ҳудудий номларнинг кўпчилиги ҳам Ўрта Осиёга таалуклидир.

«Авесто»да эзгулик, яхшилик худоси Аҳура Мазда тилидан шундай дейилади: «Мен- Аҳура Мазда – яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт – бу Доитё (Аму) дарёси хушманзара Ийрон Виж (ҳозирги Хива ўрнидаги қадимги манзилгоҳ номи) эди. Мен - Аҳура Мазда – яратган иккинчи сарзамин ва гўзал юрт Суғд диёри эди.... Мен - Аҳура Мазда - яратган учинчи сарзамин ва гўзал юрт кудратли ва пок Марв диёри эди.... Мен - Аҳура Мазда - яратган тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт зебо ва ораста Балх диёри эди.... Мен - Аҳура Мазда - яратган бешинчи сарзамин ва гўзал юрт Балх ва Марв оралиғидаги Нисоядир»...². Келтирилган бу далил «Авесто»нинг ватани бизнинг юртимиз бўлганлигига ҳеч бир шубҳа қолдирмайди. «Авесто» таълимотининг асосчиси, тарихга пайғамбар номи билан кирган Зардушт (Заратуштра Авесто тилида, Зороастр юнон тилида) исмли шахсдир. Зардушт «**Олтин туяли**» ёки «**Олтин туя етакловчи**» деган маънони билдиради. Зардушт ўз дини зардуштийлик ғояларини аҳоли ўртасида ташвиқ-тарғибот қилган. Бу жараён ниҳоятда қийин, мураккаб кечган, ҳудудма-ҳудуд сарсон-саргардон кезиб юришга мажбур бўлган. Шу боисдан ҳам Зардушт Эронми, Мидия, Месопотомиями ёхуд Ўрта Осиё ўлкаси бўйлабми, ишқилиб кўп юртлар кезиб, ўз таълимотини ёйишга интилганлиги шубҳасиз.

Бунда яна шу нарса эътиборга молиқки, Зардуштийлик (юнонча зороастризм) динини биринчилардан бўлиб қабул қилган, уни ўз фуқаролари орасида ёйилишига изн берган юрт ҳам Бактриядир.

Буюк аллома Беруний келтирган ривоятга кўра, Зардушт Бактрия подшоҳи Гуштасп ва малика Хутаоса ҳузурига келиб, «Авесто»

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 10-бет.

² Авесто. Т.: Шарқ, 2001, 107-бет.

таълимотининг муқаддаслигини исбот этиш учун худога илтижо қилиб, ўз танасига қиздирилган мисни босишларини сўрайди. Оловли мис эса унинг танасини зарарламагач, Гуштасп ва унинг хотини, улардан сўнг эса бутун Бактрия аҳолиси зардўштийлик эътиқодини қабул қилади.

Аввал бошда «Авесто» 21 китобдан иборат бўлган. Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида таъкидланишича, Эрон подшоҳи Доро даврида «Авесто» тўлиқ ҳолда 12 минг қора мол терисига зарҳал харфлар билан битилган. Македониялик Искандарнинг Шарққа истилоси даврида унинг буйруғи билан зардўштийлик ибодатхоналари вайрон қилинганидек, муқаддас «Авесто»нинг 5 дан 3 қисми ҳам куйдириб юборилган. Кейинроқ Парфия подшоҳлари Вологез I ва Вологез V даврида (I- II асрларда) «Авесто»нинг қолган-қутган қисмлари тўпланган. Сосонийлар даврида (III- IV асрларда) «Авесто» қисмлари жамланиб, паҳлавий тилида янгидан китобот ҳолига келтирилган. Ҳозиргача «Авесто»нинг жами 21 қисмидан «Гоҳлар», «Ясна», «Вандидот», «Яштлар», «Виспирад», «Кичик Авесто» номли китоблари етиб келган. Ватанимизда «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонланиши муносабати билан у илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, 2001 йилда нашр этилди.

«Авесто» шундай бир тарихий даврда яратилдики, бу вақтга келиб, яъни мил. ав. сўнгги минг йиллик бошларида ўлкамизнинг турли ҳудудларида яшаган элатлар, қавм, қабилалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги босқич сари ўтиб бораётган эди. Минтақанинг Хоразм, Бактрия, Суғдиёна сингари вилоятларида уруғ-қабилаларнинг ўтроқлашуви, сунъий суғориш тизимига асосланган деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши, деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажраб мустақил хўжалик тармоғи сифатида ўсиб бораётганлиги, кишлоклардан шаҳар-қалъалар, сўнгра эса дастлабки давлат тузилмаларининг юзага келиши яққол кўзга ташланмоқда эди.

Тарихнинг бундай кескин бурилиши шароитида шу турли уруғ-қабилалар ва элатларни маънан ва руҳан бирлаштириш, уларнинг онги, шуурига илғор қарашлар, муштараклик туйғуларини, эътиқод тамойилларини сингдириб бориш ғоятда муҳим эди.

«Авесто»да илгари сурилган ғоялар	Яккахудоилик ва эзгулик тимсоли Ахура Мазда	<ul style="list-style-type: none"> ➤ яхшилик ➤ ёруғлик ➤ поклик ➤ софлик ➤ биродарлик ➤ меҳр-оқибат ➤ меҳнатсеварлик ➤ ватанпарварлик 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ юртпарварлик ➤ эзгулик ➤ бағрикенглик ➤ тозалик ➤ инсофлилик ➤ сабр-бардошлилик ➤ бахт-саодат в.б.
	Ёвузлик тимсоли Ахриман	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ёвузлик ➤ зулмат ➤ жоҳиллик ➤ бахиллик ➤ душманлик 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ шайтонлик ➤ зулмкорлик ➤ қоронғулик ➤ ғайирлик в.б.

«Авесто» таълимоти бир томондан, ерли қабила, элатларни турли маҳаллий кўринишдаги бидъат ва хурофотлар таъсиридан халос бўлишига, иккинчидан, маҳаллий этносларнинг чуқур илдиз отиб, мустаҳкамланиб, этник шаклланишига ва учинчидан, ишлаб чиқариш жараёнининг тобора кенгайиб, ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви жараёнига сезиларли туртки берарди. Бунинг устига «Авесто»да зардуштийликнинг умумбашарий аҳамияти ва моҳиятидан ташқари унда ўлкамизда илк бошқарув тизимининг амал қилганлиги тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Бу эса алоҳида эътиборга лойиқдир. Масалан, «Авесто» жамиятни 4 асосий қисмга бўлади: уй, оила жамоаси - «**Нмана**», уруғ жамоаси - «**вис**», қабила - «**занту**», қабилалар итифоқи - «**дахю**». «Дахю» тушунчаси «вилоят», мамлакат маъносини ҳам англатади. Мамлакатни идора қилган шахс «**Кави**» деб юритилган.

Оқсоқоллар кенгаши - «**варзанапоти**», «**Ханжамана**», халқ йиғилиши - **въяха** дейилган.

- | | |
|--|--|
| «Авесто»да қадимги жамиятда мавжуд бўлган 4 та асосий ижтимоий табақалар | <ul style="list-style-type: none"> ➤ Коҳинлар (Рухонийлар) ➤ Аскарлар ➤ Хунармандлар ➤ Чорвадорлар |
|--|--|

Манбанинг турли маълумотларига кўра, қадимда заргарлик, кулолчилик, тўқувчилик, темирчилик сингари хунармандчилик турлари ҳам ўзига хос тарзда ривож топган. «Авесто»даги бош маъбуда - эзгулик, ёруғлик, яхшилик, бахт-иқбол худоси Ахура Мазда билан ёмонлик, ёвузлик, қоронғулик, разолат тимсоли - Ахриман ўртасидаги доимий мурасасиз кураш ғояси зардуштийлик (оташпарастлик) динининг асосий

мазмунини ташкил қилади. Зардушт пайғамбар сифатида Ахура Мазда тилидан ваҳий қилинган муқаддас каломларни, насихатлар ва оятларни халққа, одамларга етказишга даъват эткувчидир. Зеро, Зардушт ҳар бир масалада фикр юритганда Ахура Мазда номини тилга олади, унга мурожаат этади. Бир ўринда у бундай хабар беради: «Биз Ахура Маздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни ва ўсимликни, ёруғликни ва ерни яратган ...». «Авесто»да моддий дунё, борлик муқаддаслаштирилади. Ер, сув, ҳавони булғаш, оловга тупириш энг оғир гуноҳ саналади.

«Авесто» аввалги динларда расм бўлган инсонларни қурбонлик қилишни қатъиян ман этади ва уларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилади. Зардуштийлар динида таъкидланадики, одамзод яшашга ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқдан уни маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир.

Зардуштийлик динида олов муқаддаслаштирилган бўлиб, у инсоннинг бахту-саодати рамзи сифатида улуғланган. Шу боис аждодларимизнинг кўплаб тўй-томошалари, хурсандчилик маросимлари олов ёқиш, унинг атрофида кенг давра қуриш билан боғлиқ ҳолда ўтказилган. Бу одатларнинг баъзилари ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. Шаҳарлар, аҳоли манзилгоҳларининг энг гавжум жойларида махсус қурилган оташкадалар бўлиб, улар доимо зиёратчилар билан тўла бўлган.

Зардуштийлик таълимотига кўра, доимий фароғатли ҳаёт инсон учун узоқ нотаниш ҳаёлий жаннатда эмас, балки инсонлар яшайдиган шу тириклик дунёсида бўлади. Бу мақсад, маррага етиш учун эса одамлар жуда кўп мураккаб ва жиддий синовлардан ўтишлари керак бўлади.

Шундай қилиб, муқаддас «Авесто» китоби буюк ўтмишдошларимизнинг кенг қамровли ҳаёт тарзини, умрбоқий урф-одатлари, таълим-тарбияси, бошқарув тизимини ўрганишимизда муҳим дастуриламал манба бўлиб хизмат қилади. Унда умумбашарий ғояларнинг чуқур акс этганлиги сабабидан ҳам бу асар кенг ҳудудлар бўйлаб ёйилиб, Шарку Ғарбда эътироф топиб, турли халқларнинг маънавий юксалишига ижобий таъсир кўрсатиб борган.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам бу таълимот ғоялари ўз таъсирчан аҳамиятини кўрсатиб, асл маънавиятимиз сарчашмаларидан бири сифатида халқимиз руҳиятини бойитиб боришга хизмат қилмоқда.

4. Ватанимиз халқларининг ажнабий босқинчиларга қарши озодлик кураши.

Мил. ав. VI аср ўрталарида Ахоманийлар давлати (мил. ав. 558-330 йиллар) қисқа давр ичида қадимги форс подшоҳлари хонадони – ахоманийлар вакили Кир II асос солган. Ҳинд дарёсидан Эгей ва Ўрта денгизгача бўлган ораликдаги Осиё мамлакатларини, шунингдек Миср, Ливия ва болқон ярим оролининг бир қисмини босиб олади. **Кир II** Ўрта Осиё ерларига юриш қилишга махсус тайёргарлик кўради. Кирнинг Ўрта

Осиёга ҳарбий юришлари мил. ав. 545-539 йилларга тўғри келади. Кир II нинг Ўрта Осиё ҳудудларига иккинчи юриши мил. ав. 539-530 йилларни ўз ичига олади. Ўрта Осиёнинг табиатан эрксевар, юртпарвар халқлари, қавм-қабилалари аҳоманийларга бўйсунмаслик учун ўз она замини, диёрини ҳимоя қилиб мардонавор кураш олиб борганлар. Бу эса Кир II ни қайта-қайта бу ҳудудга катта қўшин билан бостириб келишга мажбур этган. Аҳоманийлар подшосининг юришига доир бир қатор ишончли маълумотлар Юнон ва Рим муаллифларидан Геродот, Юстин, Страбонларнинг ёзувларида кўп учрайди. Кирнинг массагетлар юртига бостириб бориши, Эрон шоҳи билан массагетлар маликаси, мард ва жасур аёл **Тўмарис** ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро уруши, унинг яқунларига оид Геродот маълумотлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

200 минглик катта жанговар қўшин тузиб Тўмарис юртига келган Кир II ҳарбий маҳоратда мислсиз бўлган массагет қабилаларини очиқ жангда енгиш қийинлигини ҳис этиб, аввалда турли хийла-найранглар ишлатишга уриниб кўради. Шу мақсадда Тўмарис хузурига элчилар юбориб, гўё ўзини маликага жазман эканлигини ва шу боис унга уйланмоқчилигини билдиради. Бу найранг натижасиз чиқади. Кир II шундан сўнг яна хийла ишлатиб, Тўмариснинг мард, жасур ўғли Спарганисни асирга олади ва оқибатда у ўзини ҳалок этади. Ягона фарзандидан жудо бўлиб ўртанган онанинг душманга бўлган ўтли нафрати ўн чандон ортади. Бунинг устига элу-юрт эрки, озодлигини ҳар нарсадан аъло билган Тўмарис Кир қўшинига қарши ҳаёт-мамот жангига ҳозирлик кўради.


Бутун вужудлари ила ғанимларга қарши нафрат олови билан ёнган массагет қўшинлари босқинчиларга қарши жангга ташланишади. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозонадилар. Форс қўшинларининг катта қисми, жумладан Кир ҳам жанг майдонида ҳалок бўлади. Бу милоддан аввалги 530 йилга тўғри келади.

Аҳоманийлар шоҳи Камбис II (530-522) ва **Доро I (522-486)** даврида Ўрта Осиё ҳудудлари босиб олинади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Доро I 519-518 йиллардаги ҳарбий юришлари давомида сак қабилаларини енгиб, итоатга келтиришга мушарраф бўлади. Лекин бунга осонликча эришган эмаслар. Лоақал бу юртнинг оддий чўпони Широқ сингари мард шунқорларининг ажнабий босқинчилар билан жон бериб, жон олишиб, мардона курашганлиги бунинг ёрқин исботи бўла олади.


Эрон аҳоманийларига қарши Ўрта Осиёнинг Парфия, Марғиёна ҳудудларида, Саклар ўлкасида кўплаб халқ кўзғолонлари юз бериб турган. Жумладан, Эрон ҳудудидан топилган Бихистун ёзувларида айтилишича, мил. ав. 522 йилда Марғиёнада кўтарилган кучли халқ кўзғолонига **Фрада** деган шахс етакчилик қилган. Доро I қўшини кўзғолончилардан қонли ўч олади. 55 минг кўзғолончилар қатл этилади, 7 мингга яқин киши асир олинади. Фрада ҳам қўлга олинб қийнаб ўлдирилади.

Буларнинг ҳаммаси маҳаллий халқларнинг ажнабий босқинчилар зулмига бўйин эгмай, ўз эрки, озодлиги йўлида тинимсиз кураш олиб борганлигини кўрсатади.



Мил.ав. VI-IV асрларда ҳам Ўрта Осиёнинг Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна ва Хоразм воҳаси ҳудудларида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти тўхтовсиз ривожланишда давом этган.

Ўлканинг ўша даврдаги асосий қон томирлари ҳисобланган Самарқанд (Афросиёб), Марв, Бақтра, Ерқўрғон, Қизилтепа, Кўзалиқир сингари шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказлари сифатида қадимги аجدодларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бу даврда зарб этилиб, муомалага чиқарилган дастлабки танга пуллар ҳам шаҳарлар ҳаётининг ўсганлигидан гувоҳлик беради.



Ўрта Осиё халқларининг юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борган курашлари пировард оқибатда ўз самарасини бермай қолмади. Мил. ав. тўртинчи асрга келиб Эрон аҳоманийлари ҳокимияти кучсизланиб, заифлашиб қолади. Бундай шароитда биринчи бўлиб Хоразм ўз мустақиллигини тиклашга муваффақ бўлади. Уста дипломат, моҳир сиёсатчи **Фарасман** Хоразм мустақиллигини қўлга киритиб, уни мустаҳкамлай борди. Ўлканинг бошқа ху­ду­д­ла­ри­да ҳам маҳаллий халқларнинг Эрон аҳоманийларидан юртни озод қилиш борасидаги қатъий кураш ҳаракатлари авж олиб борди. Бироқ, афсуски, ўлкамиз халқларини бу даврда тарихнинг яна оғир синовлари кутмоқда эди.

Антик дунё тарихида македониялик **Искандар Зулқарнайн** (Александ, Македония подшоси Филип II нинг ўғли) оламга доврўғ таратган жаҳонгир ҳукмдорлардандир. Юнонистон, Кичик Осиё, Арабистон ху­ду­д­ла­ри­ни қудратли ҳарбий куч билан эгаллаб, ўша жойларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Искандар мил. ав. 331йил октябрида Гавгамела ёнида (шимоли-шарқий Месопотомия) бўлган жангда Эрон қўшинларини енгади. Эрон подшоҳи Доро III Искандардан узил-кесил енгилиб, мамлакат шарқи­га, Бактрияга қочади. У ерда эса Бактрия сатрапи Бесс томонидан ўлдирилади. Тез орада Искандар қўшини ортиқча қаршиликсиз Бактрия пойтахти - Бактра (ҳозирги Балх) шаҳрини ҳамда Аорн, Драпсак сингари мустаҳкам қалъаларни эгаллайди. Кўп ўтмай Бесс қўлга олиниб, қатл этилади. Мил. ав. 328 йилда Хоразм шоҳи Фарасман бактрадаги Искандар қароргоҳига ташриф буюради ва иттифоқчилик битими имзоланади. Шу

боисдан Искандар Хоразмга юриш қилмайди. Мил. ав. 329 йилда Окс (Аму) дарёси соҳилига етиб келган Юнон қўшинлари дарёдан ўтиб Навтака (ҳозирги Қашқадарёнинг Кеш-Шаҳрисабз воҳаси)га кириб боради. Эндиги ҳаракат йўналиши Суғдиёна пайтахти - Мароканда (Самарқанд)га қаратилади. Рим олими Курций Руфнинг маълумот беришича, Искандар армияси Марокандани унча қийналмасдан ва кам талофат билан ишғол этган ва «шаҳарда ўзларининг гарнизонларини қолдириб, яқин атрофдаги қишлоқларни ёндириб ва вайрон этиб», сўнгра эса шимоли-шаркка қараб ҳаракатланганлар.

Бироқ Марокандадан сўнг юнон-македон қўшинларининг юришлари ниҳоятда қийин ва мураккаб кечди. Чунки улар эндиликда маҳаллий халқнинг қудратли қаршилигига дуч келди. Искандар босқинидан, унинг юртга солаётган қирғини-ю, зулм, асоратидан кўзи ғафлат уйқусидан очилган, эрк, озодлик қадрини ҳар нарсадан афзал билган она замин кишилари бир ёқадан бош чиқариб, ажнабий истилочиларга қарши ҳаракатга келади. Мил. ав. 329 йил кузида Суғдиёнада бошланиб, Ўрта Осиё минтақасининг бошқа ҳудудларида кенг акс садо берган халқ кўзғолони юртимиз озодлиги тарихида чинакам янги саҳифа ёзган.

Искандар тажовузи ва зулмига қарши кўтарилган бу оммавий ҳаракатга сўғд халқининг мард ўғлони **Спитамен** бошчилик қилди. Сўғдиёна ва Бактрияда маҳаллий халқларнинг чуқур ишончини қозонган, катта ҳарбий салоҳият соҳиби Спитамен халқдан лашкар тузиб, дастлаб Искандарнинг Марокандада қолдириб кетган ҳарбий гарнизонига ҳужум қилиб уни янчиб ташлайди. Бу хабар ерли аҳолига катта рухий қувват бағишлаб, унинг ажнабийларга қарши фаол курашига туртки беради. Искандар ўз қўшинининг бир қисмини кўзғолончиларга қарши Марокандага йўллайди. Бу даврда Искандарнинг ўзи Яксарт (Сирдарё)нинг чап соҳилидаги шаҳарлар ва аҳоли турар жойларини бўйсундириш учун оғир жанглар олиб бораётган эди. Ажойиб жанг тактикасини қўллаган Спитамен Искандар лашкари Марокандага яқинлашиб келаётганини эшитгач, дарҳол шаҳарни тарк этиб, Политимет (Зарафшон) дарёсининг қуйи оқими томон жанг қилиб чекинади. Сўнгра бу ердаги даштли кўчманчиларнинг отлик аскарлари билан қўшилиб кутилмаганда қарши ҳужумга ўтади. Бундан саросимага тушган юнон қўшини катта талофатга учраб, қолган-қутган жангчилари билан шаҳарга чекинади. Спитамен Марокандани камал қилади. Бундан хабар топган Искандар Сирдарё бўйидаги ҳужум ҳаракатларини вақтинча тўхтатиб, ўзи қўшинга бош бўлиб Спитаменга қарши юриш бошлайди. У Марокандага етиб келганида Спитамен кучлари аллақачон бу жойни тарк этиб, Сўғдиёнанинг чўллик қисмига чекинган эди. Искандар Спитамендан ўч ололмагач, бутун қаҳри-захрини Зарафшон аҳолисига қаратади. У Спитамен кучларини таъқиб қилиб, Марокандадан чўлли ҳудудлар томон борар экан, йўл-йўлакай 120 мингдан зиёд тинч аҳолини кириб ташлагани тарихий манбаларда учрайди.

Бироқ у бари-бир маҳаллий халқларни ўзига узил-кесил бўйсиндира олмайди.

Искандар Доронинг юз минглаб мунтазам лашкарларига қарши жанг олиб боришдан кўра Спитамен бошчилигидаги кўзғолончиларга қарши курашиш қийин эканлигини тушуниб етади. Негаки, ерли аҳоли ўзининг ҳар бир қарич тупроғи, дарё-кўли, қир-адири, қояси учун душман билан жон бериб, жон олишиб курашган. Искандар армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсоналар ҳам бизнинг юртимизда барҳам топди. Охири шундай бўлиб чиқдики, Ўрта Осиё ерларини куч, қурол билан енга олмаслигига кўзи етган Искандар ақлу заковат, ҳийла йўли билан иш тутиб, маҳаллий аҳолининг юқори табақаси, зодагонлари билан умумий тил топишга, ерли халқнинг миллий удумлари, урф-одатлари, маросимларини қабул қилишга мажбур бўлади. Шундай йўл билан Сўғдиёна улуғларидан **Оксиарт, Хориен** деган маҳаллий аслзодалар унинг томонига ўтади. Искандарнинг Оксиартнинг гўзал кизи **Рахшанак (Роксана)**га уйланиши эса қариндошлик алоқаларининг кучайишига хизмат қилади. У халқ қахрамони Спитаменни кўлга тушириб, уни жисмонан йўқ қилишда ҳам маҳаллий зодагонлар хизматидан фойдаланади.

Спитаменнинг тез орада ўлдирилиб, унинг боши Юнон подшоҳига тортиқ қилинганлиги факти ҳам кўзғолончи кучлар ўртасида бирликнинг бўлмаганлиги аломатидир. Шунга қарамай ажнабий босқинчиларга қарши халқ ғалаёнлари 327 йил бошларига қадар давом этди. Гарчанд Спитамен бошчилигидаги кенг оммавий халқ ҳаракати охир-оқибатда мағлубиятга учраган бўлсада, у улуғ аждодларимизнинг мардлик жасоратини, элу-юрт ҳурлиги, озодлиги йўлидаги фидойилигини ёрқин намоён этди.

Шундай қилиб, муттасил уч йил давом этган шиддатли жанггу жадаллардан сўнг Искандар Бактрия, Сўғдиёна ва Уструшонанинг фақат бир қисминигина итоат эттириб, бу ҳудудларга ўз ишончли одамларини, ўзига содиқ суғдлик Оропийни Сўғдиёна ҳокими этиб тайинлаб, ўзи мил. ав. 327 йилда Ҳиндистон томон кўшин тортади.

Юнон-Македон кўшинлари Ўрта Осиё ерларида шу қадар холдан тойиб, ўзининг жанговорлик қобилиятини йўқотдики, бунинг оқибатида улар шимолий Ҳинд ерларига аранг кириб бордилар. Бу ҳолатни тан олган Искандар тез орада Ҳиндистондаги уруш мавсумини тугатиб, ортга, икки дарё оралиғидаги Бобил шаҳрига қайтиб кетишга буйруқ беради. Антик дунё олимларининг яқдил таъкидлашича, Юнонлар подшосининг бу буйруғи руҳан чўккан унинг бутун кўшинида катта коникиш билан қарши олинган экан.

Шундай қилиб, бутун ер юзини эгаллаб, дунё ҳукмдори бўлишга даъво қилган Искандарнинг шарқий юришлари охир - оқибатда кўзланган юксак натижаларсиз тугади. Унинг ўзи мил. ав. 323 йилда Бобилда ҳаётдан кўз юмади. Айниқса унинг кўп сонли лашкарларининг Ватанимиз сарҳадларида мислсиз халқ қаршилигига дуч келиб, сон-саноксиз

қурбонлар бериши пировардида унинг жаҳонгирлик даъвосини пучга чиқарди.

Ўзгалар юртини зўрлик билан эгаллаш эвазига қудратли салтанат қуриш, бошқаларга ўз иродасини мажбурлаш ёхуд зулм-асоратни кучайтириш пировард натижада қандай хунук оқибатларга олиб келишини Искандар Зулқарнайн тимсоли яққол исбот этади. Тарихнинг бу аччиқ сабоғини ҳеч маҳал унутмаслик керак бўлади.

5. Бақтрияда давлат мустақиллигининг тикланиши.

Искандар вафотидан кейин (323 йил) мил. ав. IV аср охирларидан (312 й) то мил. ав. III аср ўрталаригача Туронзамин ҳудудлари алоҳида сатрапликлар (бекликлар) сифатида салавкийлар сулоласи томонидан идора этилади. Искандарнинг истеъдодли саркардаларидан бўлган Салавк ва унинг ворислари икки дарё оралиғи (Тигр ва Ефрат)дан тортиб то Ўрта Осиё, Хитойнинг ғарбий чегаралари, шимолий Ҳиндистонга қадар бўлган катта ҳудудларда ўз ҳукмронлигини амалга оширган. Юнонларнинг бу ҳудудларни бошқариши, уларнинг халқларини итоатда тутиши ғоятда мураккаб шароитларда кечган. Негаки, табиатан эрксевар Ватанимиз халқлари юнонлар зулми ва асоратига қарши тўхтовсиз кураш олиб борганлар. Бунинг оқибатида Салавкийлар давлати тобора заифлашиб, ичдан емирила боради. Мил. ав. III аср ўрталарига келиб Туронзамин халқлари салавкийлар ҳукмронлиги таъсиридан ҳалос бўлишга ва ўз мустақил давлат тузилмаларини вужудга келтиришга муваффақ бўлади. Шу билан бирликда юнонларнинг шарқий ҳудудларда хийла узоқ давом этган ҳукмронлиги давомида юнон маданияти бу ҳудудларга ёйилиб ва айни пайтда Шарқ халқлари маданияти билан ўзаро сингишиб, бир-бирини бойитиб бордики, бу ҳол эллинизм номи билан машҳур бўлди. Эллинизм маданияти турли халқлар маданиятини ўзида мужассам этган илғор тарихий ҳодиса сифатида ўз даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ватанимиз халқларининг салавкийларга қарши озодлик кураши муваффақиятли яқун топгач, Бақтрия салавкийлар салтанатидан ажралиб чиқади ва мил.ав. 250 йилда унинг давлат мустақиллиги қайта тикланади. Унинг таркибига Бақтрия (ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистон жануби), Суғдиёна (Зарафшон воҳаси), ҳозирги Афғонистоннинг шимолий, Турманистоннинг шарқий ерлари – Марғиёна ҳам кирган. Бу давлатнинг Юнон-Бақтрия деб аталишининг боиси шундаки, унинг маркази Бақтрия ҳудудлари эди, ҳукмдорлари эса асосан юнон аслзодалари бўлган. Мустақил Юнон-Бақтрия давлати унга асос солган, ўзини шоҳ деб эълон қилган Диадот I, унинг ўғли Диодот II даврларида бир мунча юксалади. Бу жараён Евтидем I ва у бошлаб берган евтидимийлар сулоласи бошқаруви даврида янада кучаяди. Бақтрия давлати сарҳади кейинчалик Шарқий Туркистон, Шарқий Эрон, шимолий-ғарбий Ҳиндистон, Синд ўлкаси

худудларигача кенгайган. Унинг хўжалик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳам анча юксак даражага кўтарилганлигидан гувоҳлик беради. Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум, Тожикистоннинг Кўхнақалъа, Қайқободшоҳ, Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа, Зартепа ва бошқа жойларида олиб борилган археологик тадқиқотлар қадимда бу шаҳар - қалъаларда тўлақонли ҳаёт тарзи ҳукм сурганлигидан, уларда савдо-сотик, ҳунармандчилик ва бошқа касб турлари равнақ топганлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам Юнон олими Юстин Юнон-Бақтрияни минг шаҳарли давлат деб бежиз таърифламаган. Бу давлатнинг пойтахти Бақтра номи билан аталган. Бу шаҳар халқаро қарвон савдоси - Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашганлигидан, унда савдо-ҳунармандчилик соҳалари бир мунча ривож топган. Мамлакатнинг Эрон, Хитой, Ҳиндистон, сингари ўша даврнинг ривожланган давлатлари билан олиб борган савдо-тижорат муносабатлари асосан мана шу шаҳар орқали ўтган. Шунингдек, эски Термиз, Марв, Қайқободшоҳ, Кўхнақалъа, Мароканда (Самарқанд) сингари шаҳарларнинг ҳам савдо-сотикнинг йирик марказлари сифатидаги мавқеи юксак бўлган.

Юнон-Бақтрия давлати ўзининг пул бирлигига эга бўлган. Олтин, кумуш ва мисдан танга пуллар зарб этилиб муомалага чиқарилган. Бундан ташқари бу мамлакатда турли хил дон экинлари, серунум ерларида узумзор боғлар кўп бўлган, шарбатли мевалар етиштирилган. Бу ҳол унда деҳқончилик маданияти ўсганлигидан, сунъий-суғориш иншоотлари тизими кенг тармоқ отганлигидан яққол далолатдир. Гарчанд Юнон-Бақтрия давлатида қулдорлик муносабатлари мавжуд бўлса-да, бироқ унда эркин деҳқон жамоалари меҳнати салмоқли роль ўйнаган. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнларининг нисбатан тез ўсишига, шаҳарлар ҳаётининг ривожланишига муҳим туртки берган.

Милоддан аввалги II аср ўрталарига келиб бир қатор ички ва ташқи вазият тақозоси билан юз берган кескин ўзгаришлар оқибатида Юнон-Бақтрия давлати тушкунликка юз тутди. Бунинг муҳим сабабларидан бири- кўшни Парфия давлатининг кучайиб кетиши ва ўз худудларини Юнон-Бақтрия ҳисобига кенгайтиришга интилиши бўлди. Бу ҳол Юнон-Бақтрия давлатини мушкул аҳволга солиб қўйди. Тез орада Ҳинд ерлари ҳамда Суғдиёна унинг таркибидан ажралиб кетди. Мамлакатнинг шимолий ва шарқий худудларига эса шарқдан келган кўп сонли катта юзчи қабилаларининг ҳужуми кучайиб, улар аста-секин Фарғона, Сурхондарё худудлари сари силжий боради. Бунинг натижасида 120 йилча мустақил давлат сифатида мавжуд бўлган Юнон-Бақтрия давлати ҳалокатга учради.

Ўрта Осиёда салавкийлар ҳукмронлигининг инқирози натижасида мил. ав. III аср ўрталарида вужудга келган мустақил давлатлардан яна бири **Парфиядир**. Бу давлатга парн Гиркания (Каспий) денгизининг жанубий-шарқида яшаган қабиласининг йўлбошчиси Аршак асос солган. Аршакийлар сулоласининг узок ҳукмронлиги унинг номи билан боғлиқ. Бу

давлатнинг илк пойтахти ҳозирги Асхабод шаҳри яқинидаги қадимги Нисодир. Бу шаҳар харобаларидан топилган жуда кўплаб ноёб топилмалар, асори атиқалар қадимги Парфиянинг ўз даврида анча тараққий этган, моддий ва маънавий маданияти юксалган давлатлардан бири бўлганлигидан давлолат беради. Моҳир саркарда, уста дипломат Аршак Парфияни доврўгли давлатга айлантириш билан бирга унинг ҳудудларини кенгайтиришга ҳам салмоқли ҳисса кўшган.

Аршак авлодларидан Митрадат I даврида (мил. ав. 170-138 й) бу давлат салавкийлар ва Бактриянинг катта ҳудудларини ўзига кўшиб олади. 155 йилда Мидия подшолиги босиб олинади. Мил. ав. 147 йилда эса машҳур Бобил шаҳри ҳам эгалланади. Митрадат II даврига келиб (мил.ав. 123-88) Парфия давлати қудрати бениҳоя кучайиб, у Рим империясининг Шарқдаги асосий рақобатчисига айланади. Давлат ҳудудлари ғарбга томон кенгайиб борганлигидан, унинг пойтахти ҳам Ктезафон шаҳрига кўчирилган. Мил. ав. 40 - йилларда Кичик Осиё, Сурия ва Фаластин ерлари ҳам Парфия кўл остига ўтган. Бирок тез орада Рим империяси бу ҳудудларда ўз таъсирини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Бунинг сабаби Парфия давлати ичида вужудга келиб кучая борган маҳалий бошбошдоклик, сулолавий низолар, сўнгра кўчманчи аланларнинг хужумлари - булар пировард оқибатда унинг ички заифлашувига, сиёсий беқарорлигининг кучайишига сабаб бўлди. Боз устига тўхтовсиз давом этган ташқи ва ички урушлар мамлакатни ҳолдан тойдириб, уни ҳалокатга дучор этди. Милоднинг 207-222 йилларида Парфия ҳукмдори бўлган Вологес V даврида салтанат иккига, яъни Месопотомия ва Мидия давлатларига ажралади. Худди шу даврда Форс ҳудудларида янгидан вужудга келиб қудрати ошиб бораётган Эрон сосонийлари давлати тез орада Парфияга ҳал қилувчи зарбалар бериб, унинг ерларини ўз таркибига киритади. Бу милоднинг III асри 20 йилларида содир бўлади.

6. Милоддан аввалги III-II асрларда Қанғ ва Даван давлатлари

Ўрта Осиё юнон-македон истилоси ва салавкийлар сулоласи ҳукмронлигидан кейин мил. авв. III аср бошида ҳозирги Тошкент воҳасида ва Сирдарёнинг ўрта ва шимолий оқими ҳудудларида Қанғ давлати вужудга келган. Бу давлатнинг этник таркибини турли қабила, элатлар ташкил этган. Унда етакчи қанғарлардан ташқари катарлар, камарлар, тохарлар, апасшаклар, асийлар ва бошқа қабила, уруғлар ҳам ёнма-ён истиқомат қилганлар. Мил. авв. II-I асрлар Қанғ давлатининг энг кучайган даври эди. Шу даврларда Қанғ бир қатор вилоятларни ўз тобелигига бўйсундирган эди. Хитой солномаларида бу вилоятларнинг 5 та номи тилга олинади. Булар – Сусйе (Кеш-Шаҳрисабз), Фуму (Зарафшон водийси), Юни (Тошкент вилояти), Ги (Бухоро воҳаси), Юегян (Урганч шаҳри ва вилояти).

Мил. авв. II-I асрларда Орол денгизининг шимолий шарқидаги Янцай (Ҳозирги Қизил Ўрда) ва Янь ерлари ҳам қанғарлар тобелигида бўлган.

Шундай қилиб, ўз даврида Қанғ давлати Ўрта Осиёда йирик давлатга айланган эди.

Бу давлатнинг йирик шаҳарлари сирасига Арис дарёси соҳилидаги Ўтрор ва ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган Қанқа (Қанғиз) шаҳарлари киради. Бу шаҳарлар ўша давр шаҳарсозлигининг юксак намуналарини ўзида мужассамлаштирган. Қанғ давлатини бошқаришда подшоҳнинг роли ва ўрни катта бўлган. Шу билан бирликда давлат ва жамият ҳаётига оид кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишда уруғ ва қабила оқсоқолларидан иборат Олий Маслаҳат кенгашининг мавқеи ҳам алоҳида ўрин тутган. Бинобарин, подшоҳ ўз ички ва ташқи сиёсатини юритишда кенгаш билан маслаҳатлашган. Вилоят бошлиқлари туркий мақомда жобу ёки ёбғулар деб аталганлар. Улар ўз ҳудудларини бошқаришда бир мунча мустақилликка эга бўлиб, марказий ҳокимиятга бож тўлаб турганлар. Қанғ ҳукмдорлари минтақадаги сиёсий вазиятга ҳам фаол аралашиб, ундаги мувозанатни сақлаш бобида изчил сиёсат олиб борганлар. Айниқса улар Хитойга нисбатан мустақил сиёсат юритганлар. Шунинг учун ҳам Қанғ давлати ўз кўшнилари - Даван, Қашғар, Ёркент сингари мустақил ҳудудларга нисбатан Хитойнинг даввоси ва истилочилиқ юришларига кескин қарши чиққан ва лозим бўлганда ўз ҳарбий кучлари билан уларга ёрдамга келган. Мамлакат аҳолисининг асосий таркибини туркий этнослар ташкил этган. Уларнинг анча қисми ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Аҳолининг маълум қисми кўчманчилик билан шуғулланган. Дарё ва сойларга туташ воҳаларда деҳқончилик маданияти ривожланган. Шаҳарларда савдо-сотик, хунарманчилик ривож топган. Маҳалий хунармандлар тайёрлаган уруш қуроллари (қилич, ханжар, ойболта, ўткир учли найзалар ва б.), хўжалик асбоб-ускуналарига талаб - эҳтиёж катта бўлган. Қорамозор, Қурама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мискарлик хунарини ривожлантириш учун керак миқдордаги мис, темир, сингари маъданлар казиб олинган. Тошкент атрофидаги Оқтепа 1, Оқтепа 2, Чоштепа, Қовунчитепа, шунингдек Ўтрор, Сирдарё хавзасида топилган кўплаб ноёб далиллар Қанғ давлатида юксак моддий ва маданий ҳаёт тарзи мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Буни «Қовунчитепа маданияти» номи билан тарихга кирган қадимги маданият намуналари ҳам исбот этади. Қанғаликлар чорвачилиги ва йилкичилиги тўғрисида ҳам алоҳида фикр айтиш мумкин. Хитойликларни мафтун этган зотдор, тулпор отлар худди мана шу ҳудудда ва кўшни Даван яйловларида боқилган. Хитой солномачилари Қанғда чорва молларининг мўл-кўллигини, сут-қатиқларнинг ғоятда мазали ва тўйимлилигини таъриф этганлар. Қанғ давлатининг халқаро қарвон савдосидаги мавқеи ҳам баланд бўлган. Бунда Буюк ипак йўли алоҳида ўрин тутган.

III аср ўрталарида Қанғ давлати заифлаша бошлади. Қанғ давлатидан биринчи бўлиб хоразм ажралиб чикди. Хоразм давлатининг пойтахти дастлаб ҳозирги Тупроққалъа шаҳар харобаларининг ўрнида бўлган. Хоразмшоҳ Африғ Кат шаҳрини қайта тиклаб, мустаҳкам қаср ва бинолар қурдириб, 305 йилда пойтахтни Катга кўчиради. Кумуш тангалар зарб эттириб, давлатни ҳар жиҳатдан мустаҳкам бошқаради.

Даван номи билан машҳур бўлган давлат Ватанимиз ҳудудидаги қадимги давлатлардан саналса-да, бироқ унинг ҳаққоний тарихи хусусида ҳозиргача тўла маълумотлар топилмаган. Хитойлик элчи Чжан Цян ёзма манбаларида Фарғона водийсидаги давлатни Даван (Да-юань) деб атаган. Ваҳоланки, Фарғона водийси ҳам аجدодларимизнинг маданий, ўтроқ ҳаёти кечган, ўз давлатчилигига эга мустақил ҳудуд сифатида Юнон-Бактрия, Қанға сингари қадимги давлатлар билан тенглаша олишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Буни мил. ав. II аср охирида (128 йилда) бу ўлкага ташриф буюрган Хитой элчиси Чжан Цян ёзиб қолдирган эсдаликлар ҳам исбот этади. Манбаларда айтилишича, бу даврда Фарғонада 300 минг нафар аҳоли яшаган. Унинг 70дан зиёд катта-кичик шаҳарлари бўлиб, уларда савдо-сотик, ҳунармандчилик юксак даражада ривожланган. Мамлакат пойтахти Эрши (ҳозирги Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган) ўз даврининг обод, кўркам ва аҳолиси гавжум шаҳарларидан саналган. Қадимги Ўзган, Косон ҳам Даваннинг энг машҳур шаҳарлари сирасига кирган. Даван ҳудудида 10 дан ортиқ йирик деҳқончилик манзилгоҳлари мавжуд бўлиб, уларда ерли миришкор аҳоли шоли, буғдой ва бошқа деҳқончилик экинлари етиштириш билан шуғулланган. Буларга Аравонсай, Окбўра, Султонобод, Қўрғонтепа, Андижонсой, Мойлисой, Улуғнор, Йилғинсой, Шаҳрихонсой каби деҳқончилик маконларини нисбат бериш мумкин. Хитой сайёҳи водийда узумчилик ниҳоятда ривожланганига, шу билан бирга ундан ноёб шарбат ва узок муддат сақланадиган, қуввати ўткир мусалласлар тайёрлаш юксак даражада йўлга қўйилганлигига алоҳида урғу беради. Давандаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг яна бир муҳим жиҳати - бу аёлларнинг жамиятда тутган мавқеининг алоҳидалигидир. Чжан Цяннинг эътирофича, бу ернинг эркаклари аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатганлар. Бошқача қилиб айтганда, хотин-қизларнинг ҳар қандай топшириғи эрлар томонидан бажарилиши шарт ҳисобланган. Давлат ҳукмдори мамлакат ҳаётига оид ҳар қандай ички ва ташқи масалаларни ҳал этишда Оқсоқоллар кенгашига, унинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига суянган. Айниқса уруш ва тинчлик, элчилик алоқалари масаласида Оқсоқоллардан иборат Олий кенгаш алоҳида ваколатларга эга бўлган. Ҳукмдор буни эътироф этишга мажбур бўлган.

Хитой Фарғона давлатининг бой-бадавлат турмушига, унинг бойликларига кўз олайтириб, унга қарши бир неча бор катта қўшин тортиб бостириб келган. Чунончи, мил. ав. II аср охирида (104 йилда) ва милодий I асрнинг 80-йилларида хитойликлар Даван давлатини ўзларига

бўйсундириш учун у билан шиддатли урушлар олиб борганлар. Даванликлар ўз кўшнилари-Қанға ва Кушонларининг харбий ёрдами билан юрт мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўладилар. Ўрта Осиё ҳудудларини куч билан эгаллаш мумкин эмаслигини тушунган Хитой томони шундан сўнг Даван давлати билан шартнома тузади. Бунга кўра иккала давлат ўртасида дипломатик ва савдо-сотик муносабатларини йўлга қўйиш, жумладан, Фарғонанинг учқур аргумокларини Хитойга сотишга келишиб олинади. Фарғона ҳудуди Ўрта Осиё ижтимоий сиёсий ҳаётида содир этилган кейинги муҳим ўзгаришлар жараёнида ҳам ўзининг нисбий мустақиллигини бир мунча сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

7. Кушонлар сулоласи

Мил.ав. II асрнинг иккинчи ярмида, хитой манбаларида таъкидланишича, Шарқий Туркистон ҳудудларида яшовчи юечжи қабилалари ўз кўшниси - хунлар тазйиқига учраб, уларнинг сикувига бардош беролмай ғарбга томон силжийдилар. Юечжилар Иссиққўл атрофида сак қабилалари билан тўкнашиб уларни жанубий-ғарб томонга сурадилар. Бироқ юечжилар усун қабилалари зарбасига учраб жанубга силжиб мил. ав. 130 йилларда Суғдиёна ҳудудига кириб келадилар. Юечжилар, Хитой тарихчиси Чжан Цян таъкидлашича, Суғдиёнадан Бактрияга юрадилар ва Бактриядаги юнонлар ҳукмронлигини ағдардилар.

Хитой манбаларида таъкидланганидек, юечжилар бешта сиёсий хонадонга мансуб эдилар: Гуйшуан (Кушон), Хюми, Шуанми, Хисе, Думи. Уларнинг ҳар бири қарийб 100 йилча алоҳида-алоҳида сиёсий куч, ҳокимлик бўлиб, ягона ҳукмдорга бўйсунмаган ҳолда фаолият юритадилар. Юнон манбаларида эса бу қабилалар тохарлар деб қайд этилади. Милоднинг I асрида Кушонлар хонадони бошлиғи Кужула Кадфиз (Киоцзюкю) барча юечжи (тохар) қабилаларини бирлаштиради ва кушон подшолиги (Тохаристон) га асос солади.

Кужула Кадфиз кўшни ҳудудларга юриш уюштириб Суғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмини забт этади. Шу тариқа, йирик давлат - Кушонлар салтанати ташкил топади. Кужула Кадфиз кейинчалик Қобул ва Қандаҳор ҳудудларини эгаллайди. Бу даврда мамлакат пойтахти Далварзинтепа (Сурхондарёнинг Шўрчи туманида) шаҳри бўлган.

Кадфиз I даврида зарб этилган тангаларда «Кужула Кадфиз Ябғу» деган ёзувлар учрайди. Унинг ўғли Вима Кадфиз подшолиги даври ҳам муҳим ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу даврга келиб шимолий Ҳиндистоннинг бир қатор муҳим ҳудудлари эгалланади. Вима Кадфиз мамлакатда пул ислоҳоти ўтказиб, вазни 8 гр оғирликдаги олтин тангаларни зарб қилдириб муомалага чиқартиради. Бу эса халқаро савдода Кушонлар давлати обрўсининг кўтарилишига сабаб бўлади. Худди шу вақтда Рим империяси

билан савдо-сотик алоқалари кучаяди. Кушонлар салтанатининг энг кучайиши Канишка (78-123 йй.) даврига тўғри келади. Бу пайтга келиб Ҳиндистоннинг Пешовор, Панжоб, Кашмир ва бошқа марказий ҳудудлари, шунингдек, Фарғона, Шарқий Туркистоннинг анча қисми унинг давлати таркибига кирган эди. Бу даврда мамлакат пойтахти ҳам Пешоворга кўчирилган. Канишка мамлакат ички ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришларни амалга ошириш баробарида ташқи сиёсатда ҳам ғоятда уздабурулик билан фаолият юритади. Унинг дин соҳасида ўтказган ислохоти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг даврида диний тенглик ва бағрикенгликка алоҳида эътибор берилган. Гарчанд бу вақтда маъбудалар ичида худо Нана алоҳида улуғланса-да, бироқ мамлакатнинг турли ҳудудларида маҳаллий аҳоли олдиндан эътиқод қилиб келган бошқа динлар эркинлиги ва дахлсизлиги сақланиб қолди. Ҳатто зарб этилган олтин ва кумуш танга пулларда Будда худоси билан бир қаторда маҳаллий халқлар эътиқод қўйиб келган худолар - Анахита, Митра, Веретрагна, Вахш ва бошқаларнинг ҳам тасвирлари туширилганлиги бунга ёрқин далилдир. Бу даврда зарб этилган тангалар аввалгидек юнон тилида эмас, балки маҳаллий кушон - бактрий тилида чиқарилганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Бундай узокни кўзлаб оқилна юритилган сиёсат Кушонлар давлатида турли аҳоли қавмлари, ижтимоий гуруҳлари ўртасида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилган. Бироқ Канишқадан сўнг ҳокимиятга келган Васишка, Хувишка, Васудевалар даврига келиб Кушонлар давлати бир қатор объектив ва субъектив сабаблар орқасида аста-секин инкирозга учрай бошлаган. Айниқса III аср ўрталарига келиб қўшни давлат - Парфия ўрнида янгидан вужудга келиб, тобора кучая борган Эрон сосонийлари ҳукмдорларининг тўхтовсиз олиб борган уруш ҳаракатлари натижасида Кушон давлати зифлашиб, ҳудудлари кичрайиб борди.

Айни пайтда, 353 йилда Суғдиёнага Еттисув ва Шарқий Туркистондан ўз ҳукмдори Грумбат бошчилигида хионийлар номли кўчманчи қабилалар бостириб кирадилар. Хионийлар Кушонларга зарба бериб, Сирдарёдан то Амударё ҳавзасигача бўлган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар.

Шу тарика, жанубий-ғарбдан сосонийлар, шимолий-шарқдан хионийлар зарбасига учраган Кушонлар салтанати охир-оқибатда ҳалокатга учради.

Кушонлар сулоласи ҳукмронлиги даври кўҳна тарихимизда катта из қолдирган экан, буни унинг таркибига кирган ҳар бир ҳудуд ёхуд элатлар ҳаёти мисолида яққол кўрса бўлади. Унинг дастлабки пойтахти Далварзинтепа (Сурхондарё), унга туташ Халчаён (Денов), Зартепа, Фаёзтепа, Қоратепа, Айритом (Термиз атрофлари) ва бошқалар Кушонларнинг энг ривож топган савдо-сотик, ҳунармандчилик соҳалари ўсган гавжум шаҳарлари ҳисобланган. Ўлкамизда сунъий суғоришга

асосланган деҳқончилик маданияти ниҳоятда тараққий этган, кўплаб суғориш иншоотлари барпо этилган. Сурхондарё воҳасида Эски Ангор, Занг, Сўғдадаги Дарғом каналлари шулар жумласидандир. Ватанимиз худудида шаҳарсозлик, меъморчилик, ҳайкалторошлик, кулолчилик сингари ҳунармандчилик турлари юксак даражада тараққий этган. Буни кўхна Тупроққалъа, Айритом, Термиз, Ахсикент шаҳарлари ўрнида олиб борилган тарихий тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Айни чоғда Кушонлар даврида моддий ва маънавий маданият ёнма-ён тарзда ривожланиб борган, деб хулоса чиқаришга тўла асослар бор.

Кушонлар даври маданиятининг муҳим, катта ютуқларидан бири шундаки, бунда турли қутб ва минтақада яшаган халқларнинг маданиятлари ўзаро яқинлашиб, бир-бирларини тўлдириб, бойитиб борган. Бу эса уларнинг бир бирлари билан турли-туман соҳаларда яқиндан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик қилишларига кенг йўл очган, умумий юксалишига туртки берган. Масалан, Ҳиндистондан Ўрта Осиё худудига Будда динининг кириб келиши ва ёйилиши, ўлканинг турли жойларида ҳашаматли Будда ибодатхоналарининг барпо этилиши, будда ҳайкаллари ва ҳайкалчаларининг яратилиши - булар улуғ аجدодларимиз маънавий ҳаётидаги жиддий ўзгаришлардандир. Уларнинг тимсолида Ҳинд ва Ўрта Осиё халқларини бир-бирларига маънан яқинлаштирган муҳим омилни кўриш мумкин. Термиз, Айритом ва бошқа жойлардан топилган буддизмга оид ашёи далиллар, будда ибодатхоналари намуналари, ҳайкаллар, уларнинг юксак маҳорат билан яратилганлиги - булар Кушонлар даврида Ватанимиз худудида моддий ва маънавий маданият ривож топганлигининг яққол ифодасидир.

8. Буюк ипак йўли

Илк бор Хитой худудидан бошланиб ғарбга томон мингларча километр масофага чўзилган (12 минг км), Шарқ билан Ғарбни туташтирган бу ноёб савдо йўли улуғ аجدодларимиз саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ умумбашарият тадрижий тараққиётида ёрқин из қолдирган.

Буюк Ипак йўли тушунчасини биринчи бўлиб фанга таниқли немис олими Фон Рихтгофен олиб кирган. У XIX асрнинг 70-йилларида ёзган «Хитой» номли классик асарида бу терминни чуқур илмий асослаб берди.

Маълумки, Хитойнинг Сиан шаҳридан бошланган Ипак йўли Ланжоу орқали Дунхуанга (Шарқий Туркистон) келиб, бу ердан у иккига ажралади. Ипак йўлининг жанубий - ғарбий тармоғи Такламакон саҳроси (Мўғулистон) орқали Хўтанга, ундан Ёркентга келиб, ундан Балхга томон ўтади. Балхда йўл яна уч тармоққа ажралади. Ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбент, Наутак ва Самарқандга томон йўналади. Ипак йўлининг шимомий-ғарбий

тармоғи эса Дунхуандан Бами, Турфон орқали Тарим воҳаси-Қашқарга боради. У ердан Тошқўрғон орқали Ўзган, Ўш, Қува, Ахсикент, Попга, Ашт орқали Хўжанд, Зомин, Жиззахга, сўнгра Самарқандга бориб туташиди. Самарқанддан эса бу йўл яна давом этиб, Дабусия, Малик чўли орқали Бухоро, Ромитонга, ундан Варахша орқали Форобга бориб Амул шаҳрига ўтади. Амулда эса бу йўл Марвдан Урганч сари йўналган йўлга қўшилади. Марв шаҳри Ўрта асрлар даврида Буюк ипак йўли чорраҳалари кесишган энг муҳим ҳаётий нукта бўлган. Энг муҳими шундаки, Буюк ипак йўлининг ғарбдан келадиган савдо қарвонлари, айтайлик, Италия, Испания ва бошқа Ўрта ер денгизи мамлакатларининг савдогарлари ҳам ўз молларини Тир, Дамашқ, Кичик Осиё, Эрон орқали яна Ўрта Осиёнинг йирик савдо маркази - Марвга олиб келар, шу ердан Шарқ томон йўлларини давом эттирадидилар. Шу маънода Марвнинг турли динлар илдиз отган, турли маданиятлар туташган жой бўлганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Буюк Ипак йўли Шарқу Ғарбни боғловчи, турли мамлакатларнинг савдо-сотик, тижорат алоқаларининг энг асосий воситаси бўлганидан, бу йўналишда жойлашган давлатлар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, ёхуд бу борада ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиланлар. Шу боис турли тарихий босқичларда турли давлатлар бунга интилиб, Буюк ипак йўли устидан ўз назоратларини ўрнатганлар. Масалан, мил. ав. VI-IV асрларда Эрон аҳоманийлари, мил. ав. IV асрда эса македониялик Искандар, мил. ав. II-I асрларда Рим-Парфия давлатлари ўртасида бу боради қаттиқ рақобат кечган. Ёхуд Араб халифалиги вужудга келгунга қадар бу йўлнинг Эрон ва Сўғдиёна ҳудудларидан ўтган қисмида Эрон ва Сўғд савдогарлари етакчилик ролини ўйнаганлар. Араб халифалиги кучайиб, кўплаб ҳудудларни қўлга киритгач, бу йўл араб савдогарлари тасарруфига ўтади. Чингизийлар даврида Буюк ипак йўлининг тасарруфи бутунлай уларнинг қўли остида бўлади. Буюк Соҳибқирон Амир Темур даврига келиб унинг қудратли салтанати вужудга келгач, Буюк ипак йўли сарҳадлари янгидан кенгайиб, катта миқёслар касб этиб, янада ривож топади.

Мил. ав. II аср бошларида Даван ва Қанғ давлатларига ташриф буюрган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цян сафаридан сўнг Хитой билан Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги дипломатик ва савдо-сотик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Элчининг бу юртда кўрган-кечирганлари, айниқса узумчилик, вино тайёрлаш, рангли шишалар ишлаб чиқариш, заргарлик, зотдор, учкур отлар Хитой ҳукмдорларини қизиқтирган. Бу эса икки ўртадаги алоқаларга кенг йўл очган. Хитой Ўрта Осиёнинг зотдор отлари, рангли шишалари, заргарлик моллари, лаълига харидор бўлса, айти чоғда Хитойдан юртимизга кўпроқ ипак ва ипак моллари, чинни буюмлар, чой маҳсулотлари келтирила бошланган. Шунингдек, Ҳиндистондан ип газлама, зиравор ва доривор маҳсулотлар, гуруч, мушк анбар ва шу каби нарсалар келтирилган. Айти чоғда ўзбек диёридан бу мамлакатларга

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мевалар, чорва моллари, отлар, гиламлар, заргарлик маҳсулотлари, нафис жунли матолар чиқарилган. Ўрта Осиё ҳукмдорлари Буюк ипак йўлида савдо қарвонларининг тинчлиги, хавфсизлиги ва уларнинг беҳатар, мунтазам қатновини таъминлаш борасида ҳам доимий чора-тадбирлар кўриб борганлар. Шу мақсадда керакли нуқталарда, аҳоли сийрак бўлган жойларда қарвонсаройлар, емакхоналар барпо қилинган, сув оладиган кудуклар қазилган, чор атрофи шинам бино шаклига келтирилиб қурилган работу сардобалар тикланган. Ҳозирда ҳам Қизилқум, Мирзачўл, Малик чўли сарҳадларида ўтмиш архитектурасининг ноёб намуналари саналган шундай меъморий обидалар харобалари кўплаб учрайди.

Буюк ипак йўлининг шуҳрати айниқса XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида янада ортди. Соҳибқирон мамлакатнинг юксак ривожига халқаро савдонинг нечоғлик улкан аҳамият касб этишини билганлигидан, бу соҳани бутун чоралар билан ўстиришга алоҳида эътибор берган. Бунда юрт тинчлиги, улус фаровонлиги масалалари ҳар доим унинг диққат марказида турган. Шу боис улуғ Амир савдо йўллари кўриқлаш, одамлар, мусофирлар, турли юрт савдогарлари манфаатларини босқинчилар, қароқчилар тажовузидан муҳофаза қилишни муҳим давлат аҳамиятига молик вазифалардан деб ҳисоблаган.

Амир Темур ташаббуси билан мамлакатнинг ҳар бир йирик шаҳарларида савдо қарвонларининг кириши ва чиқишини назорат қилувчи давлат назорат хизмати ва махсус божхоналар ташкил этилган. Савдо қарвонларидан молларнинг ҳажми, миқдорига қараб бож тўловлари ундирилган. Бу даврда пойтахт Самарқанд дунё савдогарларининг йирик марказига айланди. Унинг кенг кўчалари бўйлаб махсус қурилган мухташам қарвонсаройлар, савдо бозорлари, расталарида туну кун савдо-сотик ишлари тўхтамаган. Турли мамлакатлардан келган савдогарлар ўз молларини харидорларга сотганлар ёхуд ўзларига керакли молларни харид қилганлар.

Амир Темур ва унинг авлодлари замонида давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо-тижорат алоқалари янги ҳудудий кенгликлар касб этиб бордики, бу бир томондан, юртимизнинг иқтисодий-маданий, маънавий юксалишини таъминлаган бўлса, иккинчидан, унинг хорижий эллар, халқлар билан яқинлашуви, ҳамкорлигига кучли туртки берди. Бу эса Буюк ипак йўли шуҳратининг янада ортишига олиб келди. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди».¹ Шу тариқа, Амир Темур ва темурийлар даврида Буюк ипак йўлининг

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар 4-жилд, Т., Ўзбекистон, 1996, 342-бет.

довруғи бекиёс катта бўлганлиги, у мамлакатларнинг умумий юксалишига, бир-бирлари билан яқиндан боғланишларига жиддий ижобий таъсир ўтказганлигига шохид бўламиз.

Буюк ипак йўли XVI асрдан эътиборан ўз аҳамияти ва ролини йўқотиб, тушкунлик сари юз тутди. Бу ҳолларни қандай сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Табиийки, бу жараён ўз-ўзидан, бир лаҳзада тўсатдан содир бўлиб қолгани йўқ, албатта. Бизнинг назаримизда, Буюк ипак йўли аҳамиятининг сўниб, пасайиб бориши бир қатор объектив ва субъектив сабаблар орқасида, тарихий жараёнларнинг мураккаб, зиддиятли кечиши давомида юз берганлиги шубҳасиз.

Биринчидан, Амир Темур ва темурийлар сулоласининг пировард оқибатда чуқур инкирозга йўлиқиши ва тарих сахнасига бошқа ҳукмрон сулолаларнинг, чунончи, Шайбонийхонлар, Аштархонийлар сулоласининг чиқиши ҳамда уларнинг бошқарув усулининг ғоятда мураккаб кечганлиги, марказий ҳокимиятнинг кучсизланиб, мамлакат ҳудудларининг тарқоқ ҳолатга учраши ўз қобилигига ўралиши ва ҳоказо ҳоллар бу ҳудуднинг ташқи дунёдан тобора ажралишига боис бўлди.

Иккинчидан, Мовароуннахрга келиб ўрнашган ўзбек уруғлари, уларнинг амир-беклари, султонлари ўртасида ҳокимият таллашиб олиб борилган ўзаро жангу жадаллар, доимий қон тўкишлар натижасида ўлка тобора иктисодий бўҳронларга дуч кела борди, сиёсий бекарорлик авж олди. Мамлакат ташқи давлатлар билан алоқалар боғлаш, иктисодий, савдо-сотик бобида ҳамкорлик қилиш имкониятларидан маҳрум бўлди.

Учинчидан, илғор Европа олимлари, сайёҳлари томонидан XV-XVI асрлардан эътиборан бошланган буюк географик кашфиётлар, буларнинг натижасида жаҳоннинг турли қутблари томон янги, қулай сув йўлларининг очилиши, шу жумладан, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа шарқий-жанубий мамлакатларга томон шундай йўлларнинг кашф этилиши, булар Буюк ипак йўли шухратининг пасайиши ва сўниб боришга олиб келди.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви ва ўз мустақил давлатчилигига эга бўлиши унинг олдида кенг истиқбол уфқларини очиб берди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон янгидан юз очиб, жаҳон афкор оммасининг нигоҳига тушди. Айни чоғда у БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан ўзаро фойдали, манфаатли асосларда ҳамкорлик қилиш, алоқалар боғлашга муваффақ бўлди. Айниқса бунда Буюк ипак йўли анъаналарини янгидан тиклаш борасида ҳозирда жаҳон миқёсида олиб борилаётган давлатлараро ҳаракатда Ўзбекистоннинг алоҳида ташаббус кўрсатаётганлиги боиси ҳам мана шундандир. Зеро, қадимдан Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлаган, халқаро савдонинг қайноқ, туташ нуқтаси ҳисобланган Ўзбекистон ҳудуди ва унинг қадимий шаҳарлари бугун ҳам мустақил давлатимизни кенг хорижий давлатлар билан боғловчи муҳим восита ролини ўйнамоғи айни муддаодир. «Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк

ипак йўли, -деб таъкидлайди Юртбошимиз, - Ўзбекистон худуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади».¹

Шу боисдан ҳам мустақил Ўзбекистон Буюк ипак йўли анъаналарини бутун чоралар билан тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Шунингдек, ЮНЕСКО раҳбарияти билан ҳамкорликда «Ипак йўли-мулоқот йўли» мавзусида ўтказилаётган амалий тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг сўнгги пайтлардаги фаол хатти-ҳаракатлари Шарқ ва Ғарбга ҳамда Жанубга бевосита чиқиш учун қулай йўлларга эга бўлиш, ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва давлатлараро кенг мулоқотларга эришишга қаратилган. Ўзбекистон ўз миллий манфаатлари устиворлигидан келиб чиқиб, дунёга чиқишга, халқаро бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар, моллар ишлаб чиқаришга ҳамда Ғарб билан Шарқ ўртасида азалдан давом этиб келган муҳим воситачилик - кўприклик ролини ўйнашга фаол интилоқда. У шу олижаноб мақсадлар йўлида фаол изланишлар олиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позициясини янада мустаҳкамлаб, унинг нуфузи ва обрўсининг кўтарилиб боришга хизмат қилади.

Синов саволлари

1. Ўрта Осиё шароитида илк давлат тузилмаларининг юзага келиши жараёни қандай тарихий шароитларда кечди?
2. Қадимги Хоразмнинг илк давлатчилиқ мақоми тўғрисида нималар дея оласиз?
3. Қадимги Бактрия давлати, унинг ўзига хос ҳаёти хусусида гапириб беринг.
4. «Авесто» таълимоти қачон ва қандай тарихий шароитда яратилган?
5. «Авесто»да қандай ғоялар илгари сурилган?
6. Аҳамонийларнинг юртимизга босқини қачон ва қанақа мақсадларни кўзлаб амалга оширилган?
7. «Тўмарис» ва «Широқ» жасоратлари ҳақида сўзлаб беринг.
8. Фрада кўзғолони ҳақида нималарни биласиз?
9. Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга истилочилиқ юришларини уюштиришдан кўзлаган мақсадлари нима эди?
10. Спитамен бошчилигидаги халқ кўзғолони тўғрисида тушунча беринг.
11. Эллинизм маданияти нима ва сиз уни қандай талқин этасиз?
12. Юнон-Бактрия давлати қачон вужудга келган?

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997, 227-228- бетлар.

13. Юнон-Бактрия давлатини ҳалокатга олиб келган сабабларни гапириб беринг.
14. Парфия давлати ҳақида тушунчангиз?
15. Қанғ давлати қачон ва қайси ҳудудларда вужудга келган?
16. Қанғ давлатида бошқарув тизими қандай бўлган?
17. Даван (Фарғона) давлати ҳақида тушунча беринг.
18. Кушонлар давлатининг вужудга келишига оид қандай маълумотларни биласиз?
19. Кушонлар даврида Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай муҳим ўзгаришлар юз берган?
20. Кушонлар даври маданий ҳаётига оид қандай лавҳа, мисолларни айта оласиз?
21. Буюк ипак йўли Ватанимиз халқлари ҳаётида қандай ўрин тутган?
22. Амир Темур ва Темурийлар даврида Буюк ипак йўли шуҳрати нима сабабдан ортиб кетган?
23. Нима сабабдан ҳозирги даврда Буюк ипак йўли анъаналарини тиклашга Ўзбекистонда ва бутун дунёда алоҳида эътибор бериляпти?

III БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Таянч сўз ва иборалар: Уруғ, қабила, элат, халқ тушунчалари. Саклар. Массagetлар. Хоразмийлар. Бактрийлар. Сўғдийлар. Парканаликлар. Қорлуқлар. Яғмолар. Чиғиллар. Барлослар. Жалоирлар. Қўнғиротлар. Манғитлар. Қиётлар. Минглар. «Ўзбек» этнономи. Миллий маданият марказлари.

1. Туронзамида туркий халқларнинг азалий этнос эканлиги

Миллий истиқлолга эришганимиздан кейин ўзбек халқининг этнологияси, этник тарихини ўрганиш, ҳаққоний ёритиш тарих фанининг муҳим ва долзарб масалаларидан бирига айланди. Негаки, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ўсди. Фарзандларимиз тарих ижодкори бўлган ўз аجدодлари кимлар бўлганлигини, ўзбек халқи қачон ва қандай шаклланганлигини чуқур англашни, билишни хоҳлайди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида таъкидланганидек: «ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриш, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиийдир... Тарихий илдини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва аминманки, тўғри хулосалар чиқаради».¹

Кўплаб ишончли тарихий маълумотлар, манбалар, ашъи далиллар барча халқларнинг этник шаклланиши узоқ даврлар давомида, мураккаб тарихий шарт-шароитлар ва омиллар таъсирида содир бўлганлигини тасдиқлайди. Ўзбек халқининг шаклланиши ҳам узоқ тарихий жараён маҳсули бўлиб, унинг ўқ томирлари шу юрт замида азал-азалдан яшаб, уни ўзига макон тутиб, чуқур илдиз отиб, муттасил моддий ва маънавий маданият намуналарини яратиб келган қадимий уруғ, қабила ва элатларга бориб қадалади.

Шу ўринда уруғ, қабила, халқ тушунчалари тўғрисида ҳам бир қадар тўхталиб ўтмоқлик жоиз бўлади. Негаки, улар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш, назаримизда, этник жараёнлар ўзгаришининг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишда ғоятда муҳимдир.

Қадимдан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган, бир томирга бориб тақаладиган, турмуш тарзи, яшаш шароити бир хил бир неча оилалар бирикувидан уруғлар ҳосил бўлган. Уруғ жамоасининг ўз етакчиси - оқсоқоли бўлган. Уруғ жамоаси ҳамма нарсада, ҳар бир масалаю саъй-ҳаракатларда оқсоқолнинг измида бўлган.

¹ И.А.Каримов. Асарлар. Т.7. Т.: Ўзбекистон, 1999, 136-137 бетлар.

Қабила ибтидоий босқичга хос этник бирлик бўлиб, конкориндошлик муносабатлари, бир неча уруғларнинг бирикуви натижасида ташкил топган. Қабиланинг ўзига хос тили, худуди, қабила аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги, қабила номи, ўзига хос анъаналари бўлади. Қабила ҳаётига доир ишларга бошчилик қиладиган қабила оксоқоли сайланган, муҳим масалалар бўйича қабила йиғинлари ўтказилган.

Қабилалар ўртасида этник, хўжалик, моддий ва маданий алоқалар ривожланиши натижасида улар кўшилишиб, бирлашиб кетадилар. Натижада уларнинг етакчи, нуфузли гуруҳи номи билан янги этник бирлик - элат ёхуд халқ шаклланади. Халқ худудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида таркиб топади.

Қадимшунос олимларимиз томонидан археологик тадқиқотлар йўли билан ўрганилиб, исботланган қанчалаб далили ашёлар бу худудда яшаган улуғ ўтмишдошларимиз милоддан аввалги минг йилликлар мобайнида ибтидоий-жамоа тузумининг барча асосий босқичларини бошдан кечириб, истикомат қилиб, ўзига хос ҳаёт тарзини яратиб келганлигидан далолат беради. Буни Хоразм, Сурхон, Зарафшон воҳалларида, Фарғона водийси худудида олиб борилган қидирув ишлари, Марказий Осиё худудида жойлашган 270 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар таҳлили ҳамда бошқа кўплаб мўътабар далиллар ҳам тўла тасдиқ этади. Шуларга асосланадиган бўлсак, милоддан аввалги минг йилликлар давомида бу заминнинг яшашга қулай, табиий шароитлари ўнғай бўлган жойларида яшаган ҳар хил маҳаллий уруғ, қабилалар деҳқончилик, чорвачилик, йилқичилик, овчилик, балиқчилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Масалан, дарё, қўллар атрофларида яшаган аҳоли асосан деҳқончилик ёхуд балиқчилик билан машғул бўлган бўлса, чўлли, адрли жойларнинг одамлари эса кўпроқ чорва, йилқи боқиш билан банд бўлганлар. Қадимий манбаларда айтилишича, ҳозирги Ўрта Осиё худудларида массагетлар, саклар, суғдийлар номи билан аталган қабилалар яшаганлар.

Таниқли этнограф олим К.Шониёзовнинг таъкидлашича, «Ўзбек халқи мазкур худудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизи эса қадимги туркий халқлардан бошланган. Ҳар иккала илдизларнинг бирикиши - ўзаро синтез ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек халқини ташкил этган. Ҳар қандай халқ алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб маълум бир худудда, маълум тарихий даврда шаклланади. Ўзбек халқи аجدодлари ҳам элат бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хоразм худудида ҳамда уларга туташ минтақаларда шаклланган».¹

Эрон манбаларида Ўрта Осиёда яшаган сак (ёки шак) қабила уюшмаларининг 3 хил тоифаси тилга олинади:

¹ К.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни Т.: Шарқ, 2001, 9-бет.

Қадимда Ўрта Осиёда яшаган сак қабилалари.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Сака – Хаумаварга ➤ Сака - Тиграхауда ➤ Сака-Тиай Тара-дарая 	<p>Улар асосан ўлканинг шимолий-шарқий қисмида, яъни Мурғоб водийси, Амунинг юқори оқимида, Олой, Фарғона водийсида яшаганлар.</p> <p>(Чўкки қалпоқ кийганлар). Улар Амунинг қуйи оқими ва Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидан то Орол шимолигача бўлган кенг чўлли ҳудудларда жойлашганлар.</p> <p>Каспий шимолида, Урал тоғ олди минтақаларида яшаганлар.</p>
---	--	---

Бу қабилалар аҳолиси ҳам ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маънавий турмуш тарзига эга бўлиб, нисбатан тўлақонли ҳаёт кечирган, келгуси насллар учун ўзларидан муносиб мерос қолдириш йўлида саъй - ҳаракатларда бўлган.

Муқаддас «Авесто» китобида ҳам ватанимиз ҳудудида яшаган қавм, элатлар ҳақида кўплаб ишончли маълумотлар бор. Жумладан, унда Хоразм, Суғд, Бактрия сингари юртларнинг иқтисодий ва маданий-маънавий тараққиётда юксак даражада бўлганлиги қайд этилади.

Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида ва бошқа мўътабар манбаларда туркий этнослар Ўрта Осиёда яшовчи азалий қавм эканлиги таъкидланади. Шу боисдан бу ўлка қадимдан Турон деб аталиб келинди. Туронзаминдаги қўшни қардош элатлар ўзаро ҳамжихатликда яшаб, чуқур илдиз отиб бориш баробарида табиий зарурият тақозаси ўлароқ бир-бирлари билан қўшилишиб, бирикишиб ўзаро этник жараёнларни бошдан кечирганлар. Бу эса аста-секин бу ҳудудда туркий ва суғдийда сўзлашувчи икки тилли халқнинг шаклланиб боришида ўз ифодасини топган.

Ўрта Осиё аҳолиси тўғрисидаги маълумотларни юнон-рим тарихчилари асарларида ҳам учратамиз. Улар Қора денгизнинг шарқий ҳудудларида яшовчи қабилаларни умумий ном билан «скифлар» деб атаганлар. Геродот «бу халқлар қадимийликда мисрликлардан қолишмайди», деб қайд этади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи – массагетлар ва саклар хусусида кўпроқ эслатилади.

Айниқса она юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уни ажнабий кучлар тажовузи ва босқинидан ҳимоя қилиш зарурияти турли қардош ва қондош уруғ, қабилалар, элатларни бир-бирлари билан яқинлаштирган, дўстлаштирган, бир ёқадан бош чиқариб фаол ҳаракатларга чорлаган. Шу тарзда давом этган ўзаро яқинлик, биродарлик, оға-инилик туйғуси бу қавм, элатларни маънан, руҳан ва жисмонан бир жону бир тан бўлиб ўзаро интенсив этник жараёнларга киришиб боришларига боис бўлган.

2. Юртимиз худудида кечган этник жараёнлар. Ўзбек халқининг шаклланиши

Ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланишида ушбу элатнинг илк аجدодлари бўлган туб ерли этник бирликлар, яъни икки тил (туркий ва эрон) туркумидаги қавмларнинг аралашуви алоҳида ўрин тутади. Икки тил гуруҳидаги этносларнинг аралашув жараёни сак-массагетлардан, улар яшаган худудларга қиёсан айтганда хоразмийлар, бактрийлар, суғдиёналиклардан бошланган. Антрополог олим Т.Қ.Хўжаевнинг тадқиқот хулосаларига кўра, юртимизда ҳозирги ўзбекларга хос антропологик қиёфа мил. авв. III-II асрларда шаклланиб бўлган. Кейинчалик шимолий-шарқий худудлардан Ўрта Осиёга кўплаб туркий этник гуруҳларнинг кириб келиши ва маҳаллий аҳоли билан аралашув жараёни кучайиб боради.

Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон худудларида яшовчи туркий этник гуруҳларнинг Суғдиёна, Бактрия, Фарғона воҳаларига кириб келиши содир бўлади. Улар Хитой манбаларида юечжилар деб аталади. Юечжилар маҳаллий ҳукмдорлар устидан ғолиб келиб, ҳокимиятни эгаллайдилар ва милодий IV асргача давлат ҳокимиятини бошқарадилар. Бир неча асрлик бу тарихий жараён давомида юечжилар деб номланган туркий этник гуруҳлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, қўшилиб кетадилар.

Милодий IV-V асрларда Ўрта Осиё худудига хионийлар, кидарийлар, эфталийлар номли туркий этник гуруҳлар кириб келадилар. Кушонлар сулоласи ағдарилиб, ҳокимият аввал кидарийлар, кейинроқ эфталийлар қўлига ўтади. Бу суронли тарихий жараёнда Ўрта Осиёда яна этник аралашув юз беради. Ташқаридан кириб келган бу туркий этник гуруҳлар маҳаллий аҳоли таркибига қўшилиб кетадилар.

Милодий VI аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ерларининг Турк ҳоконлиги тасарруфига ўтиши билан боғлиқ ҳолда бу худудда шарқдан турли туркий уруғ, қабилаларнинг келиб жойлашиши ва ўтроқлашиши жараёни янада кучаяди. Айни пайтда бу ерларда ўрнашган туркий этник гуруҳлар ўзларига хос кўплаб миллий анъаналар, удумлар ва маросимларни ҳам олиб келганлар. Бу эса, бир томондан, бу худудда аҳолининг аралашуш-қўшилиш жараёнига сезиларли тасир кўрсатган, бу ерда азалдан яшаб келган аҳолининг туркий қатлами салмоғининг кўпайиб боришига боис бўлган. Иккинчи томондан, ўлка ҳаётида кечган бу тарздаги этник ўзгаришлар, шу худудда яшаган халқларнинг бир-бирлари билан яқинлашиб, маданий-маънавий алоқаларининг ўзаро бойиб, тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатиб борган.

Турк ҳоконлиги ҳукм сурган VI-VIII асрларда юртимизнинг шарқий, хусусан Фарғона, Шош худудларига туркий этносга мансуб уруғ, қабилаларнинг кириб келиши кучаяди. Уларнинг кўпчилигини қарлуқлар ташкил этарди. VII аср ўрталарига келиб Фарғона водийсининг шарқий ва марказий ерларида қарлуқлар мустаҳкам ўрнашиб оладилар. Шунингдек, Тошкент воҳасининг тоғли ва тоғ олди

туманлари аҳолиси таркибининг анча қисмини ҳам қарлуқлар ташкил этган.¹ Уларнинг кўпчилиги ўтроқ ҳаёт кечириб, турли хил хўжалик юритиш тизимини яратиб борганлар. Улар яшаган жойлар ўз орасталиги, ободонлиги, гавжумлиги билан ажралиб турган.

Еттисув кенгликларида, Чу водийси, Исиккўл томонларда ҳам қарлуқларнинг катта қисми яшаган. Чу водийси атрофларида уларнинг нисбатан ривожланган шаҳар ва қишлоқлари мавжуд бўлиб, уларда иқтисодий ва маданий ҳаёт даражаси бир мунча юқори бўлган. Аҳолининг анча қисми деҳқончилик, хунармандчиқ савдо сотиқ сингари касблар билан шуғулланган.

200 йил давом этган Турк ҳоконлиги даврида Евроосиё кенглигида яшовчи бир қанча туркий қабилаларнинг бирлашиб бориши натижасида йирик қабилла иттифоқлари, катта-кичик давлатлар вужудга келди. Ҳоконликнинг барча ҳудуд аҳолисига тушунарли ёзув ва тил шаклланади. Ҳоконлик даврида ташкил топган ўғиз, уйғур, қипчоқ, қирғиз ва бошқа этник уюшмалар ўрта асрлар давомида вужудга келган бир қанча элатларнинг шаклланишига асос солади. Ҳозирги кунда Евроосиёда мавжуд бўлган туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг этногенези ҳоконлик давридаги туркий дунё билан бевосита боғлиқ ва шунинг учун бу элатлар қондош халқлар ҳисобланади.²

X аср ўрталарида шарқий Туркистон, Еттисув кенгликларида яшаган қарлуқ, чигил, яғмо ва бошқа туркий қабилаларнинг Абдулқарим Сотиқ Буғраҳон бошчилигида Қораҳонийлар номи билан аталган марказлашган йирик туркий давлатга бирлашуви туркий элатлар тарихий тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қораҳонийлар давлати ҳудудининг Туронзамин томон кенгайиб бориши ва бунинг натижасида Сомонийлар сулоласининг инқирозга юз тутиб, бутун Мовароуннаҳр бўйлаб Қораҳонийлар ҳуқумронлигининг ўрнатилиши жараёнида бу заминга шарқдан кўплаб туркий уруғ ва қабилаларнинг келиб жойлашиши содир бўлди

**IX-X асрларда Мовароуннаҳр
ҳудудларига келиб ўрнашган
туркий элатлар**

- Қарлуқлар
- Чигиллар
- Яғмолар
- Арғулар
- Тургешлар
- Уйғурлар
- Қирғизлар
- Ябақулар в.б.

Агар аввал бошда бу қавмларга мансуб аҳоли асосан Мовароуннаҳр ўлкасининг Фарғона водийси ёхуд Шош воҳаларига кириб келган бўлса, кейинчалик улар бу заминнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўрнашиб, ўтроқлашиб

¹ Қаранг К.Шониёзов. Ўзбек халқининг жараёни, 145 бет.

² Батафсил маълумот олиш учун қаранг. К.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: Шарқ, 2001, 151-189-бетлар.

борди. Бу ҳол, шубҳасиз, юртимиз аҳолисининг этник таркибида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бунинг натижасида ўлкада яшаб келган тубжой аҳоли таркиби, унинг турмуш тарзи, маънавий ҳаёти, миллий қадриятлари сезиларли ўзгаришларга рўбаро келди, муҳим янгиликлар билан бойиди. Аини чоғда аҳоли таркибида юз берган қўшилиш жараёни орқасида туркий этносларнинг салмоғи ва таъсири ортиб борди. Кириб келган туркий элатлар Туронзамин худудини макон тутиб, бу ердаги ерли аҳоли билан қўшилишиб, уларнинг турмуш тарзи, удуми, урф-одатлари, маросимларини ўзлаштириш, қабул қилиш баробарида ўзларига хос кўплаб бетакрор удумлару қадриятларни, маънавият сарчашмаларини ўлка ҳаётига олиб кирди, сингдирди. Зотан, «**Ҳар қандай цивилизация** кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир».¹ Шу тарзда ўзбек халқининг шаклланишида муҳим омил ҳисобланган маданий, маънавий, психологик умумийлик таркиб топади.

Энг муҳими, худди шу асрларда ўзбек адабий тили узил-кесил шаклланди. Ўзбек тилининг шаклланишида қарлуқ-чигил лаҳжаси муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилида умумбашарий ғоялар ва қарашларни ўзида ифода этган кўплаб юксак умрбоқий асарларнинг яратилиши бунинг ёрқин исботидир. Ўзбек тилининг юксак бадиий жарангдорлиги, бойлиги ва қудрати жихатидан ўша даврда кенг эътироф топган араб ва форс-тожик адабиётларидан сира қолишмаслигини кўрсатади. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и сингари юксак инсонпарварлик ғоялари руҳи билан суғорилган бақувваг асарлар бунга мисол бўла олади. Таникли ёзувчи А.Иброҳимов сўзлари билан айтганда, «Барча туркий халқлар даврасида фақат бизким, ўзбеклар биринчи ворис ўлароқ Аҳмад Яссавий шеърятини аслиятида - бевосита ўқиймиз, чунки Аҳмад Яссавий тили ўзбек адабий тилининг халқчил ва ёрқин намуналаридан биридир. Аҳмад Яссавий «Ҳикмати» барча ўзбеклар учун худди шу замонда ёзилгандек тушинарли ва ёқимлидир».¹

Шундай қилиб, ўлкамизда узоқ йиллар давомида юз берган этник жараёнлар натижасида ўзбеклар IX-X асрларда этник бирлик - халқ бўлиб шаклландилар. Унинг асосини ўлкада муқим яшаб келган туб ерли аҳоли ташкил этади. Кириб келган туркий тилли этник гуруҳлар ҳам ўзбек халқининг шаклланишида қатнашган асосий компонентлар ҳисобланади. Лекин уларнинг сони маҳаллий аҳолидан кам бўлган, улар турғун аҳоли билан аралашиб, қоришиб кетганлар.

Кейинги даврларда ҳам шаклланган ўзбек халқи таркибига бошқа этник гуруҳларнинг кириб келиши ва қоришуви давом этди.

XIII асрда Мавороуннаҳр ва Ҳуросонда мўғуллар босқини ва ҳукронлиги давомида этник аралашув жараёни давом этди. Мўғуллар билан биргаликда уларга тобе қўшни юртлардан бир қатор туркий кавмлар-жалоирлар, барлослар, кавчинлар, арлотлар каби туркий уруғ, қабилалар бу ерга келиб ватан топдилар. Жумладан, барлослар Қашқадарё воҳасига жойлашган бўлса, жалоирлар эса

¹ Каримов И.А Асарлар 7-том, 146-бет.

¹ А.Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар.-Т.: Шарқ, 1999, 25-бет.

кўпроқ Оҳонгарон водийсида кўним топдилар. Кавчинлар бўлса асосан Фарғона водийси, Қошғар ҳудудлари бўйлаб жойлашдилар. Арлотлар эса Сурхон воҳаси жанубида ва Афғонистоннинг шимолий минтақасида ўрнашиб, бу ҳудудларда яшовчи аҳоли таркибига сингиб кетдилар.

Ўрта Осиёга келиб жойлашган мўғул жамоалари ҳам аста-секин □троқ ҳаётга ўтиб, ўзларига нисбатан анча юқори маданиятга эга бўлган ерли аҳолининг урф-одатлари, удумлари, турмуш тарзи, мусулмон дини эътиқодларини қабул этиб, кўп ҳолларда улар билан аралашиб борди. Айниқса XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ҳудудда мўғулларнинг исломни расмий дин сифатида эътироф этиши ва унга эътиқод қилиши, шунингдек, уларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиб бориши, туркий (ўзбек) тилда тўлиқ муомала юритиши – булар ўзаро қўшилиш жараёнининг муҳим омили бўлди.

3. XV аср охири – XVI асрда ўзбек халқи таркибида юз берган муҳим ўзгаришлар. «Ўзбек» атамаси ва унинг кенг ёйилиши

Ўзбек халқи этник таркибининг эволюцион ўсиш жараёни XV аср охири ва XVI асрда яна муҳим ўзгаришларга дуч келди. Бу жараён мамлакатда ҳокимиятнинг Темурийлар сулоласидан Шайбонийлар сулоласига ўтиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳокимиятни шайбонийлар сулоласи эгаллагач, бу ҳудудларга Дашти Қипчоқда яшовчи туркий халқлар, кейинчалик ўзларига ўзбек деган номни қабул қилган уруғ-қабилалар кириб келдилар. Баъзи манбаларда 92, бошқа бир манбаларда 96 та деб тилга олинувчи бу кўп сонли уруғ ва қабилаларнинг кириб келиши, ер-сув ва мулк олиб, ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтиши, мамлакатни бошқариш жиловли марказда ва жойларда шу сулола вакиллари кўлида тўпланиши ўз навбатида ўлка ҳаётида кескин ўзгаришларнинг юз беришига олиб келди. Бу ҳол айти пайтда этник жараёнлар борасида ҳам акс этмай қолмади.

Қадим-қадимдан туркий этник гуруҳлар нафақат бизнинг она заминимизда, балки шу билан бирга кенг шарқий ва шимолий жуғрофий ҳудудларда, жумладан Дашти Қипчоқда ҳам узок йиллар давомида истиқомат қилиб келганлар. Дашти Қипчоқ деб аталган, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси ва Орол денгизидан шимол сари чўзилган ҳамда ҳозирги Урал ва Фарбий Сибир оролиғидаги кенг даштли ерларни ишғол этган ҳудудларда туркий қавмларга мансуб уруғ қабилалар олис асрлардан буён яшаб келганлар. Академик Б.Аҳмедовнинг ёзишича, «Ҳозирги ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқларнинг аجدодлари шу халқлар ҳозир яшаётган ерларда қадим замонларда ҳам яшаганлар, лекин ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар. Тарихий, адабий манбаларда Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида қадим замонлардан бери турк қабилалари яшаганлиги ҳақида анчагина маълумотлар мавжуд. Бу ерларни XIII аср бошида

забт этган мўғуллар бўлса, Дашти Қипчоқнинг турк қабилалари орасида тез орада сингиб кетганлар ва ҳатто ўз миллийлигини йўқотганлар»¹

Бу фикру қарашлардан келиб чиқадиган қатъий хулоса шуки, XVI аср бошларида Ватанимиз сарҳадларида рўй берган этник ўзгаришлар, тарихимиз кечмишини қийшиқ ойнада кўрмоқчи бўлган баъзи муҳолифларимиз даъво қилганларидек, ажнабий халқлару элатлар босқини орқасида юз бермаган. Шунингдек, бу жараёнлар мажбурий, зўрлик асосида ҳам кечмаган. Бунинг акси ўлароқ, бу ўзгаришлар узун ўқ томирлари бир бўлган, бир-бирлари билан қонқардошлиқ ришталари ила боғланган, азалдан турли алоқаларда бўлиб келган туркий халқларнинг аста-секин ўзаро қўшилиши, бирикиши давомида юз берган. Тўғри, Дашти Қипчоқда яшовчи ўзбек уруғ, қабилалари билан Мовароуннаҳр ва Хуросон халқи ўртасида турли объектив ва субъектив омиллар орқасида ҳамма вақт ҳам доимий алоқалар, борди-келдилар бўлмаган, уларни қатта масофадаги бўш, саҳроли ҳудудлар ажратиб турган. Шу боис уларнинг турмуш тарзи, машғулот турлари, касб-корлари, урф-одатлари, удумлари бошқача кўринишда бўлганлиги табиийдир. Бунинг устига Дашти Қипчоқ аҳолисининг аксарият қисми кенг яйловларда чорвачилик, йилқичилик хўжалиги билан машғул бўлган. Бунинг аксича, Мовароуннаҳр аҳолиси узоқ асрлар давомида ўтроқ ҳаётга ўрганиб, она замин ҳаётида муқим яшаб келган. Улар азалдан миришкор бободехқонлар, мохир хунармандлар, устамон савдогарлар сифатида ном қозонганлар. Уларнинг сабъ-ҳаракатлари, меҳнати, заҳмати билан юрт обод этилиб, бир-биридан кўркам, гавжум шаҳарлар бунёд топиб, доврўғ топган.

Дашти Қипчоқда яшаган уруғларнинг номлари:	➤ Буркут	Кенегас
	➤ Қиёт	Дўрмон
	➤ Қушчи	Қурловут
	➤ Қўнғирот	Туб
	➤ Ушун (усун)	Ойи
	➤ Ўтачи	Манғит
	➤ Найман	Нўкуз
	➤ Жот	Уйғур
	➤ Чимбой	Хитой
	➤ Қарлик	Тоймас
	➤ Эчки	Туман
	➤ Қирк	Юз, минг в.б.

Дашти қипчоқлик кўп сонли уруғ, қабилалар Мовароуннаҳр ҳудудларига кириб келар эканлар, улар, энг аввало, маҳаллий қардошлари, элатдошлари билан табиий сурагда яқинлашиб, улардек ўтроқ ҳаётга мослашиб, уларнинг турмуш тарзига хос ҳамма энг яхши нарсаларни ўзларига қабул қилиб, сингдириб бордилар. Энг муҳими, кириб келган уруғ, қабилалар бу заминда ўзларининг

¹ Қаранг: Б.Аҳмедов. Ўзбек улуси, Т.Мерос, 1992, 13-бет.

иккинчи ватанларини топиш баробарида аста-секин бу ернинг тубжой аҳолиси таркибига сингишиб борди. Бу нарса айникса уларнинг аввалги кўчаманчилик ҳаётига хос турмуш тарзидан ўзларидан маданий ва маиший соҳаларда анча юқори даражада бўлган маҳаллий халқнинг илғор турмуш тарзига ўтишида, унинг кўп асрли бой маънавий мероси сарчашмаларидан баҳра топиб боришида яққол намоён бўлди. Шунинг учун ҳам улар маҳаллий қардошлари билан қоришиб, маънан юксалишга юз тутиб, уларнинг илғор ҳаёт тарзини ўзларига узил-кесил сингдириб бордилар.

Энди «Ўзбек» атамаси ва унинг истеъмолга кириб келиши ҳамда кенг ёйилиши хусусида тўхталадиган бўлсак, айтиш жоизки, бу масала ҳам маълум маънода принципиал аҳамиятга моликдир. Негаки, бу ном замирида бутун бир халқнинг тарихий кечмиши, тақдири билан боғлиқ ҳолатлар кузатилади. Собик совет тарихшунослигида, шунингдек, айрим кўшни давлатларнинг муаллифлари қарашларида ҳам «Ўзбек» атамасини ўзбек халқининг келиб чиқиши билан атайин боғлашга уриниш ҳоллари кузатилади. Бу эса мазкур нозик масалани чалкашлаштириш ёхуд сувни лойқалатишдан бошқа нарса эмас, албатта. Юртбошимиз ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида мана бу сўзларни бежиз таъкидлаб ўтмаган: **«Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир биз Мовароуннаҳр деб атайдиган икки дарё оралиғида унганча ҳам халқ яшаганку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда»**¹

Бу кескин ва ҳаққоний айтилган сўзларнинг маъно, мазмунини чақар эканмиз, миллатимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни билишимиз, унинг номи билан мазмун-ўзаги ўртасидаги тафовутни аниқ-гиник тасаввур этишимиз нечоғлик муҳим эканлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Маълумки, халқимизнинг «Ўзбек» атамаси билан номланиши XVI аср бошларига тўғри келади. Бу ҳол асосан юртимиз ҳудудларига Дашти Қипчоқдан катта оқим сифатида кириб келган ўзбек деган умумий номни XV асрда қабул қилган уруғлар ва қабилалар ҳаёти билан боғлиқ йўсинда юз берган. Негаки, улар бу заминга келиб жойлашиб, маҳаллий аҳоли қатлами таркибини бойитиш, унинг юксак маънавияти, бой асрий қадриятларини ўзлаштириш баробарида ўзларининг умумий ўзбек номини аста-секинлик билан шу ҳудудда яшаган барча аҳолига ҳам нисбат бера бордилар. Бу эса «Ўзбек» атамасининг шу даврдан эътиборан бутун Мовароуннаҳр бўйлаб кенг ёйилишига, бу ердаги халқнинг шу ном билан аталишига боис бўлди. Бироқ шу нарса равшанки, ўзбеклар, аввало, қайси қабилага мансуб бўлсалар шу номни узоқ вақт сақлаб қолганлар. Ҳатто XX асрга қадар ҳам Туркистон ўлкасида ажодий-қабилавий номлар сақланиб қолганлиги буни тасдиқ этади. Аммо бу дегани ўзбек халқининг келиб чиқиши фақат XVI асрда юз берган, деган маънони асло англамайди. Бу ерда гап фақат «Ўзбек» иборасининг этник ном сифатида пайдо бўлган вақт хусусида борапти. Ваҳоланки ўзбек халқи ўз мазмун, моҳияти, теран

¹ И.А.Каримов. Асарлар, 7-том, 143-бет.

томирлари билан Туронзамин худудида жуда қадимий замонлардан буён яшаб келганлиги, бой тарих, оламшумул аҳамиятга молик маънавият дурдоналарини ижод этганлиги ҳаммага маълумдир. Шу маънода Президентимизнинг: «**Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз**»¹, деб айтган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади.

«Ўзбек» атамаси ва унинг келиб чиқиши, ёйилиши тўғрисида фикр юритганда, бу масаланинг яна бир қатор муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш керак бўлади. Негаки, бу ҳам ўша халқнинг маълум маънода ўзига хос хусусиятларини, табиати, мазмуни, моҳиятини тушунишда асқотади. Шу нуқтаи назардан қараганда «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши, уни халқимизга нисбат берилиши хусусида ҳам тарихимизда турлича қарашлар ва ёндашувлар мавжуддир. Зеро, уларни кўздан кечириш, турли нуқтаи назарларни таққослаш ва аниқлаштириш орқали ҳам халқимиз тарихига оид кўп нарсаларни ойдинлаштириш, ўз тарихий хотирамизни янада бойитиб боришимиз мумкин бўлади. Маълум бўлишича, «Ўзбек» ибораси XIII-XIV асрларда яшаб ўтган ўша даврнинг машҳур тарихчилари Жувайний ва Рашидидин асарларида ҳам учрайди. Машҳур бобоқалонимиз, буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида ҳам «Ўзбекия», «Ўзбеклар мамлакати» деган жумлаларга кўзимиз тушади. Бунда, бизнинг назаримизда, Дашти Қипчоқда яшаган уруғ, қабилалар яшаган жой, худуд номлари кўзда тутилган бўлса керак.

Баъзи манбаларда эса ўзбек номи Олтин Ўрда хонларидан бири Ўзбекхон (1312-1340) номидан олинганлигига ишора қилинади. Рус олимларидан А.Якубовский, Н.Аристов, И.Ивановлар ҳам шундай қарашга мойиллик кўрсатадилар. Венгер олими Херман Вамбери эса янада қизиқроқ маълумотни илгари суради: «Ўзбек» сўзининг туб маъноси – «ўз-ўзига бек, хўжайин, мустақил». Нима бўлганда ҳам «Ўзбек» атамасини дастлаб Дашти Қипчоқда яшовчи туркий қабилалар қабул қилган ном бўлиб, бу қавм, элатларнинг юртимизга ўрнашиши, тубжой аҳоли одамлари билан тақдиран қўшилиши жараёнида «Ўзбек» атамаси Туркистонда яшаган аҳолининг умумий номига айланади.

4. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда миллий тотувликнинг таъминланиши

Ўзбекистон миллий истиқлолининг қўлга киритилиши ўзбек халқининг тарихий тақдирида туб бурилиш яшаш баробарида, унинг том маънодаги эмин-эркинлиги, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаб, ижтимоий тараққиётнинг кенг, истиқболли йўлларига олиб чиқди. Халқимиз ўзгаларга тобелик ва қарамлик асоратидан бутунлай халос бўлиб, ўзлигини таниб, қаддини тиклаб жаҳон ҳамжамияти томон юз тутди. Унинг томонидан кўп асрлар давомида яратилган

¹ И.А.Каримов, Асарлар, 7-том, 144-бет.

бебаҳо маънавий кадриятлар, асори атиқалар, моддий ва маънавий бойликлар барча-барчаси юрт фуқароларининг умумий мулкига айланди.

Мустақиллик айни пайтда миллий муносабатларга ҳам бевосита дахл этиб, бу соҳадаги муаммолар ечимини муваффақиятли ҳал этиш йўлларини белгилаб берди. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлганлиги боис ҳам миллий масалани тўғри, оқилона ҳал этиш унинг демократик ривожланиш йўлидан илгарилаб боришида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг устига республикада ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги, фуқаролар тотувлиги, бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг мароми кўп жихатдан миллатлараро муносабатларни тўғри ташкил этиш, уларни аниқ мақсадлар сари йўналтиришга боғлиқдир. Мустақил Ўзбекистон ҳозирги мураккаб ўтиш даврининг барча қийинчиликларини аста-секин бартараф этиб, илгарилаб борар экан, бунда собиқ советлар тузумидан мерос бўлиб қолган миллий муносабатлар масаласидаги кўплаб зиддиятли, муаммоли масалаларни ҳал этиш йўлидан бормоқда. Маълумки, мустабид совет ҳокимиятининг миллий сиёсати шу даражада бир ёқлама йўналишда олиб борилганки, миллатларнинг ўзига хослик, миллийлик жихатлари муттасил инкор этилиб келинган. Хусусан, ўзбек халқининг кўп асрли асл маънавий кадриятлари, исломий диний эътиқоди, миллий удумлари, анъаналари, маросимларининг чекланиб, таҳқирланиб келинганлиги, кўхна бой тарихи сохталаштирилиб, бузиб талқин этилганлиги, миллий тилининг доимий камситилганлиги ва шу сингари салбий ҳолатлар бунинг яққол ифодасидир.

Хусусан, 1924 йилда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши ва бунинг орқасида ягона Туркистон ҳудудининг бўлиб ташланиши, бу ерда асрлар давомида бирга яшаб келган қон-қардош халқларнинг бир-биридан ажратилиши ҳамда улар орасига сунъий тўсиқлар тортилиши - булар советлар юритган шовинистик сиёсатнинг классик намунаси эди. Бинобарин, 1924 йилда ташкил топган Ўзбекистон республикаси қарийб 70 йил давомида ҳукмрон Марказга қўл-оёғи билан боғланиб, унинг измида яшаб келди.

Иттифоқдош республикалар миллий манфатларининг муттасил инкор этилиши, уларнинг суверен ҳақ-ҳуқуқларининг поймол қилиниши, уларга тааллуқли ҳамма нарсага иттифоқ давлатининг ҳукмронлиги охир-оқибатда бу қизил салтанатни тарихнинг кутилмаган синов-синоатларига дучор этди. СССР ҳаётининг сўнги кезларида унинг турли миллий ҳудудларида, жумладан, Болтиқбўйи, Грузия, Озарбайжон, Қорабоғ, Қозоғистон, Ўзбекистон сингари жойларда воқе бўлган қатор йирик можаролар, қон тўкишлар кўп жихатдан миллий-этник зиддиятларнинг кучайиб бориши негизида юз берганлиги тасодифий эмасдир. Ўтган асрнинг 80-йиллар охири-90 йиллари бошида содир этилган Фарғона, Ўш қонли воқеалари, уларнинг мудҳиш оқибатлари ҳам айни шу нотўғри, бир ёқлама юритилган сиёсат натижаси бўлган эди. Булар пировардида СССР қудратини таназзулга юз туттирган, уни парчаланишга олиб келган асосий сабаблардан бири бўлган.

Бинобарин, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, миллатлар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш, барча миллат ва элат вакиллари учун тенг имкониятлар

яратиш йўлидан бормоқда. Миллий истиқлол арафасида (1989 йил 21 октябрда) Ўзбекистон янги раҳбари ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва шундан эътиборан унинг истеъмол доирасининг кенгайишига кенг уфқлар очилиши республикамиз ҳаётида чинакам фавқуллодда аҳамиятга молик воқеа бўлди. Юрт мустақиллигининг қўлга киритилиши эса она тилимиз мавқеи ва нуфузини юксакка кўтариб, уни жаҳон халқларининг эркин миллий тиллари қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлади. Айни чоғда миллий тарихимиз ва у билан узвий боғлиқ теран маънавий сарчашмаларимизнинг юзага чиқиши, тарихий ҳақиқатнинг қарор топиши, ўзликнинг англаниши ўз навбатида ўзбек халқининг миллат сифатидаги муҳим, ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш, унинг эртанги порлоқ истиқболини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки қадамларидан бошлаб республикада истиқомат қилувчи барча миллат ва элат кишиларининг миллий тили, маданияти, адабиёти, саънати, урф-одатлари, расм-русмлари, анъаналарини авайлаб сақлаш, уларни жонлантириш ва янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилди. Мазкур элат ва халқларнинг ҳаётини масалаларини амалда ҳал этиш ва бу ишларни юксак даражада ташкиллаштириш учун миллий маданият марказлари тузилиб, фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирда юртимизда юздан зиёд шундай марказлар мавжуд бўлиб, улар бу борада тўлақонли иш юритмоқдалар.

Миллий маданият марказлар ва уларга уюшган маданият, адабиёт саънат ва илм-фан намояндалари, фаоллар иштирокида ўша халқ ва элатга хос миллий удумлар, маросиму байрамлар, қизикарли мавзуларга бағишланган кечалар, учрашувлар, турли хил анжуманлар мунтазам, анъанавий тарзда ўтказилиб бориляпти. Бу эса шу халқ, элат одамлари ҳаётининг жамиятда тўла мазмунли кечишигагина самарали таъсир кўрсатиб қолмай, айни замонда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ошишига, маънавий-маданий ҳаёт неъматларидан тўла баҳраманд бўлишига ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, мавжуд миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ибратга лойиқ иш тажрибаларини тўплаш, умумлаштириш мақсадида Тошкентда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилган. Унинг фаолияти ҳам республикада яшовчи барча халқлар, элатларнинг ўзаро дўстлик, қардошлик алоқаларини бундан буён ҳам жипслаштириб, уларнинг маданий ва маънавий ҳаётини яхшилаш, такомиллаштириб бориш, Ўзбекистон диёрининг гуллаб-яшнаши ва равнақига муносиб ҳисса кўшишга йўналтирилган.

Ҳозирда республикамизнинг кўпгина мактабларида ва бошқа таълим тизимларида ўқишлар рус, қозоқ, тожик, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларда ташкил этилган. Улар учун ҳар йили етарли миқдорда ўқув дарсликлари, қўлланмалар нашр этилиб, ўқувчиларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, рус, тожик, қорақалпоқ ва бошқа тилларда вақтли матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Турли тилларда радио, телевидение эшителишлари ва кўрсатувлари мунтазам намойиш этиб борилмоқда.

Ўзбек халқининг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши, демократик ҳуқуқий давлат асосларининг яратилиши, халқимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзини тўла-тўқис намоён этаётганлиги, кўп асрлик бой тарихи тилга кирганлиги, миллий тилининг юксак мавқега кўтарилгани, бетақрор маънавияти, буюк ижодкорлик салоҳияти эътироф топгани – булар унинг тўла маънода миллат сифатида шаклланиб, юксалиб бораётганлигига асосли далолатдир. Зеро, мана шу муҳим ҳолларни кўзда тутган ҳолда Юртбошимиз ҳам «миллатимиз ҳозир шаклланыбди», деб бежиз таъкидлаб ўтмаган.

Синов саволлари

1. Қандай омиллар фуқароларимизда ўз аجدодлари, насл-насаби кимлар эканлигини билиш туйғуларини уйғотади?
2. Уруғ қандай бирлик саналади?
3. Қабила деганда нималарни тушунасиз?
4. Массagetлар ким, улар ҳақида тарихий манбаларда қандай фикрлар билдирилган?
5. Саклар ким, улар ҳақида тарихий манбаларда қандай фикрлар билдирилган?
6. Миллатимизнинг VI-VII асрларида Ўрта Осиёда содир бўлган этник жараёнлар ҳақида нималарни биласиз?
7. IX-XII асрларда Ўрта осиелик туб аҳоли таркибига қандай этник гуруҳлар келиб қўшилди?
8. Ўзбек халқи қачон шаклланди?
9. XVI асрларда Ўрта Осиёда юз берган этник жараёнлар ҳақида сўзланг.
10. «Ўзбек» атамасининг пайдо бўлишини биласизми?

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

IV БОБ. ЭФТАЛИЙЛАР, ТУРК ХОҚОНЛИГИ, АРАБЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁ


Таянч сўз ва иборалар: Кидарийлар. Эфталлийлар. Ерга эгалик қилиш муносабатлари. Дехкон. Кадиварлар. Кашоварзлар. Маздакчилик. Турк хоқонлиги. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Маданий ҳаёт. Араб халифалиги. Араблар истилоси. Солиқ сиёсати. Халқ кўзғолонлари. Муқанна. Исломнинг ёйилиши.

1. Эфталлийлар давлатининг вужудга келиши. Эфталлийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

Кидарийлар. V асрнинг 20-йилларида Ўрта осийга Шарқдан Сирдарё ва орол бўйлари орқали яна бир кўчманчи аҳоли – кидарийлар (юечжи ёки тохарларнинг авлоди) кириб келади. Кидар исмли ҳукмдор йўлбошчилик қилгани учун улар кидарийлар номи билан тилга олинади. Кидарийлар Суғдиёни, Амударё бўйларидаги ерларни эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар. Кидарийлар Балх шаҳрини ўз давлатининг пойтахтига айлантирадилар. Бироқ кидарийлар ҳукмронлиги узоқ давом этмади. Кидарийлар билан сосонийлар ўртасида зиддиятлар кучайиб, улар ўртасида бир неча марта қуролли тўқнашувлар бўлиб бўлади. 456 йилда бўлган навбатдаги жангда кидарийлар сосонийлардан қақшатқич зарбага учрадилар. Айти пайда шимолдан жанубга силжиб келаётган эфталлийлар босимида учраб, шимолий Ҳиндистон томон чекинишга мажбур бўлдилар. Кидарийлар у ерда 75 йилча ҳукмронлик қиладилар.

Эфталлийлар. Уларнинг этник таркиби, давлат ташкил этишлари хусусида тарихий манбаларда турли хил қарашлар мавжуд. Рим ва Византия тарихчилари Марцелин (IV аср), Прокопий Кесарийский, Феофан Византийский (VI аср), арман тарихчилари Лазар Парбский (V аср), Фавст Бузанд (IV аср), хитой солномаларидан Бей-ши (VI аср) берган маълумотлар шулар жумласидандир. Масалан, эфталлийлар Хитой манбаларида «и-да», «йе-да», арманларда «идал», «тетал», хептал, арабларда «хайтал», Сурия ва лотин манбаларида «эпталит», «эфталат», «абдал» деб номланади. Бундай турлича атамалар ҳар бир тил ва ёзувнинг ўзига хос хусусиятлари ифодасидир, албатта. Рус ва Византия тарихчиларининг аксарияти эфталлийларни туркий қабила-массагетларнинг сўнгги бўғинидан келиб чиққан деб фикр билдирадилар. Ф.Византийский эфталлар номини V асрнинг иккинчи ярмида подшоҳлик қилган Вахшунвор Эфталон номи билан боғлайди. Бироқ нима бўлганда ҳам шу нарса ҳақиқатки, эфталлийлар Туркистон минтақасида кўпдан буён яшаб келган туб жой, ерли қавмлардандир.

Эфталийлар хукмдори **Вахшунвор Эфталон** 457 йилда Чағониён (ҳозирги Сурхон ерлари), Тохаристон ва Бадахшонни ўзига бўйсундиради. Сўнгра эфталийлар Суғдда ҳам мустақкамланиб олади. Улар кўп ўтмай ўз худудий ерларини кенгайтиришда давом этиб, Қобул ва Панжоб водийсини, шунингдек, Кучу, Қошғар ва Хўтонни (Шарқий Туркистон) забт этадилар. Хуллас, улар аввалда Кушонлар салтанати эгаллаган худудларни бирин-кетин кўлга киритиб, ўз сиёсий ҳокимиятини кўчайтиришга эришадилар. Улар тузган қудратли давлат Ўрта Осиёдан ташқари Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Эрон худудларига ҳам ёйилган эди.



Эфталийлар бир неча бор ўзларининг энг кучли рақиби Эрон сосонийлари билан ҳам урушлар олиб борадилар. Хусусан Эрон шоҳи **Перўз** билан бўлган урушларда уларнинг қўли баланд келиб, Эрон хукмдори икки бор асирликка тушади. Катта тўлов ва мажбуриятлар эвазига аранг қутилган Перўз ўғли Кубодни узок муддат эфталийларга гаровга беришга мажбур бўлади. Перўзнинг 484 йилдаги учинчи уруши сосонийлар шоҳининг ҳалокати билан тугайди. Эфталийлар Марвни эгаллайди, Эрон устига оғир ўлпон юкланади. Перўздан сўнг ҳокимиятга келган **Кубод (488-531)** даврида ҳам Эрон эфталийларга хирож тўлашга мажбур бўлган. VI аср бошларига келиб Эфталийлар давлати шу қадар кучайиб кетадики, улар 502-йилда Византияга ҳам юриш қилиб унга катта талофат етказадилар. 506 йилда икки ўртада тузилган сулҳ шартномаси бўйича эфталийлар Византиядан катта миқдорда ўлжа олиб қайтганлар. Кубоднинг ўғли **Хусрав I Ануширвон** ҳам 554 йилга қадар эфталийларга ҳар йили хирож тўлаб турган. Кейинроқ Турк хоқонлигининг эфталийларга берган кучли зарбаси натижасидагина Эрон эфталийлар таъсиридан қутилишга муваффақ бўлган.

Эфталийлар даврида давлат яқка хукмдор томонидан бошқарилган, бироқ тахт отадан болага мерос бўлиб қолмай, сулоланинг энг лойиқ деб топилган кишисига берилган. Мамлакат худудлари марказий ҳокимият

ноиблари орқали идора этилган. Давлатни бошқаришнинг ўзига хос қонун-қоидалари бўлган. Мамлакат лашқарини асосан отлик аскарлар ташкил этган.

Ер эгалиги муносабатлари. Илк ўрта асрлардаёқ ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ўзгаришлар юз берди. Воҳаларда йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, янги ерлар ўзлаштириш ишлари кенгайиб борди. Янги ерларни ўзлаштириш ишларига уруғ бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари бошчилик қилади. Шу боисдан улар ўзлаштирилган ерларни катта қисмини, суғориш иншоотлари ёнидаги ерларни эгаллайдилар. Шу тариқа катта ер эгалигига асосланган мулкдорлар табақаси шаклланади, улар бора-бора зироаткор аҳоли устидан хукмронлик қила бошлайдилар. Ўша замонда улар деҳқонлар деб аталган. Деҳқонларнинг шаҳарларда ҳашаматли уйлари, қишлоқларда эса кўрғонлари бўлиб, хизматкор-чўриларга кўриқловчи чопарларга эга бўлган.

V асрда обикор ерларнинг асосий қисми ҳали қишлоқ жамоаларининг қарамоғида эди. Қишлоқ жамоаларида яшаб ер ва сувдан иборат умумий мулкда ўзига тегишли ерлари бўлган эркин зироатчилар кашоварзлар дейилар эди. Уларнинг бир қисми ўзига тегишли ерларидан деҳқонлар фойдасига маҳрум бўлиб, бора-бора Кадиварларга айланиб борганлар. Кадиварлар деҳқонлар ерида ижарадор бўлиб ишлашга мажбур бўлади, деҳқонларга қарам табақага айланиб борадилар. Шу тариқа қишлоқ аҳли уч табақага бўлинади.

**Ижтимоий-
иқтисодий
ҳаётдаги
ўзгаришлар**

- Энг асосий ўзгариш – ерга эгалик қилиш муносабатларининг вужудга келиши
- Йирик мулкдорлар – деҳқон хўжаликлари салмоғининг кучайиши
- Уларга қарам – ижарадор – кадиварлар табақасининг ортиб бориши
- Ўзига тегишли ерларда эркин хўжаликни юритувчи кашоварзлар табақасининг мавжудлиги

Йирик мулкдорлар, зодагонлар зулми ва асоратининг ортиши, аҳоли қуйи табақалари ҳуқуқининг поймол этилиши, уларнинг аёвсиз эксплуатация қилиниши пировардида ижтимоий адолат ва ҳаққоният йўлидаги халқ ҳаракатлари, ғалаёнларининг юзага келишига сабаб бўлди. VI аср биринчи чорагида Эронда бошланиб, Ўрта Осиё ҳудудида ҳам кенг акс-садо берган **Маздак**¹ **кўзғолони** бунинг яққол ифодасидир. Маздакчилар «З» ҳарфи билан бошланадиган 4 нарсанинг аҳоли ўртасида тенг баҳам кўрилишини ёқлаб чиққандилар: **Замин** (ер), **Зар** (олтин, бойлик), **Зўрлик** (куч-ҳокимият) ва **Зан** (хотин). Маздакчилар илгари сурган бу хил ғоялардан шуни англаш мумкинки, улар ижтимоий адолат тушунчасини биринчи ўринга қўйиб, бунда ер-мулк, бойликларни аҳоли

¹ Маздак (470-529) – маздакийлик таълимотининг асосчиси, маздакийлар ҳаракати раҳбари

ўртасида баровар тақсимлаш талабини илгари сурганлар. Улар давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг дахлсизлиги ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини, аёллар тенглигини ёқлаганлар. Бироқ ўша даврда, синфий табақаланиш тобора кучайиб, мулкый тенгсизлик авж олаётган бир пайтда маздакчилик ғояларининг тантана қилиши ёҳуд ҳаётга татбиқ этилиши мумкин эмас эди. Шу боис ҳам Маздак кўзғолони тез орада ҳукмрон тузум кучлари томонидан бостирилди. Маздак ва унинг кўплаб тарафдорлари кўлга олиниб қатл этилди. Шунга қарамай Эрон ва Турон аҳолисининг кенг қатламлари орасида Маздак ғоялари сақланиб, уларнинг ҳақ, адолат йўлидаги курашларига хизмат қилди.

Эфталийлар даврида аҳолининг катта қисми кўчманчи чорвадорлар бўлиб, улар чорвачилик, йилқичилик билан шуғулланган. Сув хавзаси, дарё бўйларига яқин ҳудудларда деҳқончилик ривож топиб борди. Жумладан, Хоразм, Суғд Чағониён ва Тошкент воҳасида деҳқончилик маданияти салмоқли ўрин тутган. Дарғом, Зоғариқ, Бўзсув каналлари сингари сув иншоотлари деҳқончилик тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Бу даврда янги типдаги кўркам ва гавжум шаҳар-қалъалар кўринишидаги аҳоли манзилгоҳлари вужудга келади. Хоразмдаги Беркутқалъа, Бозорқалъа, Тошкентдаги Оқтепа мавзеилари шулар жумласидандир. Бир неча оилалардан ташкил топган мазкур манзилгоҳлар кўрғонлар, қалин пахса деворлар билан ўралган. Уларда ҳукмрон табақа кишиларига хос ҳашаматли, безакли арк-қасрлар, кўп хонали бинолар билан бирликда оддий фуқароларга мос қилиб қурилган оддий кўринишдаги турар жойлар ҳам ўрин олган. Эфталийлар пойтахти Пойканд ўз даврининг энг кўркам, обод шаҳарларидан саналган. Бу ерда ҳунармандчилик, савдо-сотик, қурилиш ишлари анча ривожланган. Шаҳар Буюк ипак йўлида жойлашганлигидан, унда турли мамлакатларнинг савдо қарвонлари хилма-хил моллари билан келиб савдо қилганлар. Бунинг учун шаҳарда кўплаб бозору расталар, қарвонсаройлар мавжуд бўлган. Мамлакатнинг савдо-сотик ишларида Эроннинг танга пуллари билан бир қаторда бухорхудотлар тангаси, Суғдий ва Хоразм тангалари ҳам кенг муомалада юрган. Эфталийлар Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва узоқ Византия давлатлари билан ҳам қизғин савдо-сотик алоқаларида бўлганлар. Бу эса уларга фойда, манфаат келтирибгина қолмай, айна чоғда ўша давлатлар билан ўзаро яқинлашувларида муҳим роль ўйнаган.

Эфталийлар даврида маданияти ҳам ўсди. Варахша шаҳри обидалари, Термиз яқинидаги Болаликтепадан топилган сарой, унинг деворларига ишланган бетакрор тасвирлар, ўймакорлик ва ганжкорлик намуналари - булар аجدодларимиз юксак бадиий маҳоратидан ёрқин далолатдир.

Бу даврнинг моддий маданиятига оид ёдгорлик сифатида Хоразмдаги Тупроқалъа тўғрисида бир қадар маълумот келтириб ўтиш жоиздир. Унинг

тузилиши тўғри бурчакли бўлиб (500x 360 м), гумбазсимон йўлакчи ва буржли мудофаа девори билан ўралган. Деворнинг жанубий қисмидаги дарвозадан ибодатхонага томон асосий кўча ўтган. Кўндаланг тушган кўчалар шаҳарни 10 та мавзегга бўлган. Тупроққальанинг шимолий-ғарбий қисмида махсус кўтарма сува устига хом ғиштдан сарой қурилган. Унга ёнма-ён арк биноти жойлашган. Бундан ташқари 100 га яқин турар-жой, хўжалик бинолари ва 8 та сарой зали мавжуд бўлган. Қальанинг жанубий-шарқий бурчагидаги 4та хонада тери ва ёғочга ёзилган қадимги Хоразм ёзувидаги 80 дан ортиқ ҳужжатлар топилди.

Бу даврда ўлкамизда ёзув маданияти ҳам ривож топган. Аҳоли ўртасида кенг тарқалган суғд ёзуви билан бирликда ундан бир қадар фарқ қилувчи хоразм ва эфталий ёзувлари ҳам қўлланилган. Бу ёзувларда аждодларимизнинг тарихи, тақдирига оид кўплаб қимматли битиклар, маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, эфталийлар даври кўшиқлари ва эпослари А.Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сида ҳам ўз ифодасини топган.

Шарқда қадимдан нишонланиб келинган «Наврўз» ва унга хос халқ маросимлари Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ва ҳудудларда кенг байрам қилинган. Эфталийлар шаҳарларида мангу олов уйлари - оташкадалар бўлиб, улар зардуштийлик дининг муқаддас масканлари сифатида аҳоли томонидан зиёрат этилган. Хуллас, Эфталийлар даврида ўлкамиз одамлари ўзига хос бой маданий ва маънавий турмуш тарзини яратиб, ундан баҳраманд бўлганлар. Айни чоғда улар ўзларидан кейинги авлодлар учун ҳам муносиб из қолдирганларки, бунга уларнинг даврига оид турли ҳудудлардан топилган кўплаб ноёб топилмалар, асори атиқалар гувоҳдир.

2. Турк хоқонлиги. Хоқонлик даврида Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий ҳаёти

Туркий элатларнинг кенг шарқий ҳудудларда қадим-қадим даврлардан буён яшаб, ўзларидан муносиб маданий из қолдириб келганлигини жуда кўплаб тарихий манбалар ҳам тасдиқ этади. Мўътабар Хитой манбалари, машҳур «Ўғизнома», Урхон-Энасой ёзувлари, Култегин битиклари бунга ишончли гувоҳдир. Олтой, Тува ҳамда уларга туташ ҳудудларда турли туркий қабилалар, чунончи, Ашин, Арғу, Ўғиз, Тўққиз ўғиз, Ўтгуз татар, Карлук, Китан, Толис, Турк, Уйғур, Тўқри (тохарлар), Қуриқан, Дуба (туба-тува)ва бошқалар яшардилар.

VI аср бошларида Олтой ўлкасида сиёсий жараёнлар фаоллашади. Ўша пайтда ҳозирги Мўғулистон ва қисман Хитойнинг шимолий ҳудудлари устидан Жужан хонлиги ҳукмронлик қиларди. VI аср бошларида Олтойдаги туркий қавмлар орасида Ашин уруғининг мавқеи кўтарилди. Ашин уруғига мансуб **Асан** ва **Туу 460-545 йилларда** бошқа уруғларни

ўзларига бўйсундирадилар ва Олтойда туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўғли **Бумин** Теле қабиласини ҳам бўйсундиради. Бумин Жужан хонлигига тобеликдан чиқиш учун курашади ва 551 йилда Жужан хонининг кўшинларини енгиб, уларни ўзига бўйсундиради. Бумин 552 йилда Хоқон деб эълон қилинади ва янги давлат - **Турк хоқонлигига асос солади**. Унинг пойтахти Олтойдаги **Ўтукан** шаҳри эди. Хоқонлик тез орада кучайиб, унинг довуғи ортиб борган. У кўп бор Хитойга юришлар қилиб, унинг бир қанча худудларини босиб олган. Хитой подшолиги Турк хоқонлигига ҳар йили ўлпон тариқасида юз бўлакдан иборат ипак мато бериб туришга мажбур бўлган.

553 йилда Буминхон вафот этгач, ҳокимиятга унинг катта ўғли Муғанхон (553-572) ўтиради. **Муғанхон** 558 йилда жўжанларга сўнгги бор қақшатқич зарба бериб, ўз давлати ҳукмронлигини Тинч океангача бўлган худудларда мустаҳкамлайди. Унинг амакиси **Истами** (унга «Ябғу» - баҳодир унвони ҳам берилган) бўлса, бу даврда хоқонлик худудини ғарбга томон кенгайтириб, Еттисув, Қашқар ва бошқа худудларни эгаллайди.

563-567 йиллар давомида Истами ябғу кўшинлари эфталийлар давлатига кетма-кет зарбалар бериб, Ўрта Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ерларни эгаллашга муваффақ бўлади. Бунинг оқибатида Эфталийлар давлати кулайди. Турк хоқонлиги Ўрта Осиё ерларини ишғол этгач, унинг худудлари бевосита Эрон чегарасига туташади.

Хоқонлик Эрон билан яхши кўшничилик, савдо-сотик алоқаларини ўрнатишга интилади. Шу мақсадда Эрон шоҳи **Хусрав I Ануширвон**га турк маликаси узатилади, Эронга элчилар юборилади. Бироқ Турк хоқонининг Эронга икки бор юборган элчилари фаолияти муваффиқсиз чиққач, Эроннинг хоқонлик билан мурасага бормаслиги, унинг қатъий душманлиги маълум бўлади. Бунинг боиси Эрон шоҳининг Ўрта Осиё худудларига даъвогарлигида эди. Бу эса, шубҳасиз, бир неча бор хоқонликнинг Эрон билан урушлар олиб боришига сабаб бўлади. Истами кўшинлари Эрон шоҳи Хисрав I ни енгади. Эрон шоҳлари Турк хоқонлигига 400 минг Византия тиллоси ҳажмида товон тўлашга мажбур бўлади. Муғанхон ва унинг авлодлари ғарбда Қора денгизга қадар худудларни забт этиб ўзларига бўйсундирганлар.

Турк хоқонлиги 568-569 йилларда ўша даврнинг қудратли давлати-Византия билан иқтисодий ва савдо-сотик алоқаларини ўрнатишга интилиб, суғд савдогари **Маниах** бошчилигидаги элчиларни у ерга юборади. Элчилар император **Юстиниан II** қабулида бўлади. Шундан сўнг Византиянинг **Земарх** бошлиқ элчилари хоқонлик давлатига келади. Бу эса шу давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва савдо-тижорат муносабатларини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этган.

Турк хоқонлари Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилса-да, бироқ ўзлари бу худудга кўчиб келмаганлар. Улар Еттисув ва бошқа худудлардаги бош қароргоҳларида қолиб, бўйсунган худудларни маҳаллий ҳукмдорлар орқали

бошқариб, улардан олинадиган солиқ-ўлпонлар ва тўловлар билан кифояланганлар. Бундан кўринадики, Турк хоқонлиги даврида бу ҳудуддаги мавжуд маҳаллий давлат тузилмалари, уларнинг бошқарув тизимлари сақланиб, ички сиёсат бобидаги мустақил фаолиятлари давом этган. Хоқонлик истисно ҳоллардагина ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралашган. Бу нарса кўпроқ ташки сиёсат, халқаро савдо-сотик масалаларига дахл этарди. Хитой манбаларида таъкидланганидек, Зарафшон, Амударё ва Қашқадарё воҳаларида бу даврда 9 та мустақил ҳокимлик мавжуд бўлган: **Самарқанд, Иштихон, Маймуғ, Кеш, Наҳшаб, Кушон, Бухоро, Амул ва Андхой** шулар жумласидандир. Айниқса **Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Чоч** (Тошкент) ҳокимликлари ўзларига анча мустақил бўлганлар. Бухорхудотлар зарб этган танга пуллар кенг муомалада бўлган. Шу билан бирликда бу нисбатан мустақил ҳокимликлар ўртасида ўзаро кураш, ички зиддиятлар ҳам тўхтовсиз бўлиб турган. Бу эса маҳаллий аҳоли ҳаёти, турмушини ночор аҳволга дучор этган. Масалан, 585-586 йилларда Бухорода зодагон деҳқон ва бой савдогарларга қарши кўзғолон кўтарилади. Унга Абрўй бошчилик қилади. Ҳокон Қорачўрин кўшинлари кўзғолонни бостириб, кўзғолончиларни қаттиқ жазолайди.

Бўйсундирилган ҳудудларни маҳаллий ҳокимлар орқали бошқариш тартиби хоқонликни заифлаштира борди. Натижада VI асрнинг 80-йиллари охирида Турк хоқонлиги икки қисмга бўлиниб кетади.

Ғарбий турк хоқонлиги (унинг таркибига Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Жунғария (Хитойнинг шимолий ғарби) ҳудудлари кирган). Шарқий турк хоқонлик (унинг таркибига Мўғулистон ҳудудлари кирган). VII асрда ғарбий хоқонликда шаҳарлар ривожланиши, Эрон ва Хитой билан қизғин савдо-сотик ва дипломатик алоқалар кузатилган.

Дарҳақиқат, Хитойда Тан сулоласи (618-907йил) ҳукмронлиги даврида Ғарбий Турк хоқонлиги билан Хитой ўртасида фойдали алоқалар кенг йўлга қўйилади. Масалан, 627-644 йилларда Ўрта Осиёдан Хитойга 9 марта савдо қарвонлари юборилган. VII асрнинг 30-йилларида хоқонлик ҳудудларини кезган хитойлик сайёҳ **Сюан Цин** Иссиққўл, Чу водийси, Чоч, Самарқанд, Бухоро каби жойларнинг анча гавжум ва обод бўлганлигини қайд этади. Тан сулоласи 659 йилда Шарқий Турк хоқонлигини ўзига бўйсундиради.

VII аср иккинчи ярмида анча кучайган Хитой Ўрта Осиё ҳудудларини ҳам ўз қўли остига киритиш пайига тушади. Бироқ 670 йилда тибетликлар бош кўтариб, шарқий Турк хоқонлигини янгидан тиклаганларидан сўнг ва бу давлат Хитой учун қутилмаган хавф-хатарни келтириб чиқаргач, эндиликда Хитой Ўрта Осиёга бўлган ўз даъвосидан вақтинча воз кечади. Унинг эндиги бутун диққати Тибетга қаратилади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида Ғарбий Турк хоқонлиги таъсири тобора заифлашиб боради. Бунга маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ички зиддиятлар, ер-мулк учун

ўзаро курашлар ҳам сабаб бўлади. Бу эса пировардида бу ҳудудларнинг араб истилочилари томонидан босиб олиншига сабаб бўлди.

Турк хоқонлигининг шарқий ерларидан фаркли ўлароқ Ғарбий ҳудудда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи, маданий даражаси нисбатан юқори бўлган. Негаки, шарқий ҳудудларда яшаган кўпчилик кўчманчи туркий элатларда уруғ-қабилачилик мунобатлари ҳамон кучли сақланган. Аҳолининг қуйи табақаси будун ёки қора будунлар деб аталган. Уруғ-қабиланинг номдор вакиллари «беклар» деб юритилган. Жамоани хоқон ва зодаганлар кенгаши - «Қурултой» бошқарган. Ўрта Осиё ерларида эса бу даврда деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳалари юксак даражада ривожланган. Ўлканинг Фарғона, Хоразм ва Зарафшон воҳаларида кўплаб сув айирғичлар, каналлар, сув ҳавзалари бунёд этилган.

Фарғона ва Суғдда аҳолининг бир қисми тоғ-кўн ишлари билан ҳам машғул бўлган. Бу ерларда олтин, мис, темир эритиш, улардан керакли асбоб-анжомлар ишлаш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, Илоқда қўрғошин, кумуш, Шаҳрисабзда эса қизил туз қазиб олинган.

Хоқонлик даврида шаҳарлар ҳаёти хийла ривож топган. Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Тошкент, Исфара, Қубо (Қува), Косон каби шаҳарлар ўша даврнинг анча тараққий этган хунармандчилик ва савдо-сотик марказлари ҳисобланган. Буюк ипак йўли бу шаҳарларнинг халқаро савдода фаол иштирок этишини таъминлаган. Ўрта Осиёлик қўли гул хунармандлар, тўқувчилар, заргарлар, мискару темирчилар, кўнчию қуролсозлар ишлаб чиқарган нафис, харидоргир буюмлар, асбоб-анжомлар турли юртларга юборилган. Маҳаллий хунармандлар ишлаб чиқарган рангли шишалар, зотдор отларга халқаро миқёсда талаб катта бўлган. Бу даврнинг ўзига хос муҳим ўзгаришларидан яна бири-бу Ўрта Осиё кулолчилиги хунарининг юксак санъат даражасида ривожланганлигидир.

Бу даврда ҳам юртимизда моддий ва маънавий маданиятнинг янги-янги бетимсол намуналари яратилди. Турли олимлар мутахассислар баҳсига сабаб бўлган **Турк-руин, Урхон-Энасой ёзуви, Култегин битиклари, Билга хоқон ёдномаси** ва шу сингари ноёб топилмалар турк ёзма маданиятнинг қадимийлиги ва ранг-баранглигига гувоҳлик беради. 1970 йилда Алмати яқинидаги «Иссик» деган жойдан топилган ва фанга «Иссик ёзуви» номи билан кирган туркий ёзув ҳам бизнинг ёзув тарихимизга оид қарашларимизни янада бойитади. Эндиликда топилган ноёб ашёи далиллар асосида туркий ёзувнинг тарихи милоддан аввалги II-I асрларга бориб туташиши маълум бўлди.

Туронзаминда туркий ёзув билан бир қаторда суғд ва хоразм ёзувлари ҳам кенг қўлланилган. Суғд ёзуви 22 та белгидан иборат бўлиб, чапдан ўнгга қараб ёзилган. Шаҳарларда суғд-турк икки тиллилиги расмий одат бўлганлиги ҳақида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» (XI аср) асарида ҳам қайд этиб ўтилган. Бу ёзувларда улуғ аждодларимизнинг катта тарихи, бой маданиятига оид мислсиз

маълумотлар акс этган. Яна шу нарса диққатга сазоворки, ўша даврларда улуг аждодларимиз ўз навқирон насллари тўғрисида ҳам муттасил қайғурганлар. Шу боисдан ўсмир 5 ёшга тўлиши билан уни билим олишга йўллаб, даставвал, хат-савод ва ҳисоб-китобни ўрганишга жалб этганлар. Болалар ўсмир-балоғат ёшига етгач эса уларни дунё таниш, савдо-тижорат ишларини ўрганиш учун махсус вакиллар ҳомийлигида хорижий элларга юборганлар.

Турк хоқонлигида яшаган халқларнинг диний эътиқоди, тасаввурлари ҳам турлича бўлган, кўп худодилик ҳукм сурган. Бу эса уларда турли хил осмоний ва ер жисмлари - қуёш, ой, ер-сув, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга сиғинишликни келтириб чиқарган. Осмон худоси Тангри турк қавмларининг энг олий худоси ҳисобланган. Ҳозирда ҳам «Тангри» ибораси Аллоҳ номига нисбат сифатида қўлланилади.

Ўрта Осиё халқлари орасида зардуштийлик дини билан бир қаторда жойларда буддизм, монийлик, христианлик динларига эътиқод қилишлик ҳам кенг расм бўлган. Бу нарса қадимги аждодларимизнинг тор, биқик ҳолда ҳаёт кечирмасдан балки бошқа кўплаб қавмлар, элатлар билан боғланиб, аралшиб, маънавий жиҳатдан яқинлашиб ҳаёт кечирганликларидан далолат беради.

Ўрта Осиё халқлари орасида тасвирий санъат ўзига хос услубда ривожланган. Жумладан, Варахша харобаларидан топилган сарой бинолари деворлари пештоқларига битилган ранг-баранг, бир-биридан нафис ва жозибадор расм-суратларни (қуролланган ёхуд ов қилаётган жангчи аскарлар, оқ филлар, туялар, отлар ва бошқа хил ҳайвонлар, паррандаю даррандалар ва ҳоказо) кўздан кечирар эканмиз, бунда аждодларимизнинг ноёб истеъдоди ва ақл-заковатига тан берамиз ва бундан ўзимизда ғурур туямиз.

Шундай қилиб, Турк хоқонлиги ўз даврида кенг худуларга ёйилган энг йирик давлат бўлган. Унинг ҳукмдорлари Хитой, Эрон ва Византия билан бўлган муносабатларда узок йиллар ўз таъсирини ўтказганлар. Шу билан биргаликда хоқонлик даври моддий ва маънавий маданияти, унинг нодир намуналари Туронзамин халқларининг тўлақонли турмуш тарзини ўзига хос йўсинда акс эттириб қолмасдан, улар бобоқалонларимиз даҳосининг теранлигидан, уларнинг юксак ижодкорлиги, изланувчанлигидан ҳам шаҳодат беради.

3. Ўрта Осиё халқлари араблар истилоси ва ҳукмронлиги даврида

VI асрнинг ўрталарига қадар Арабистон ярим оролида яшаган қабила, уруғларнинг ҳаёт тарзи қолоқ бўлиб, уларнинг мутлоқ кўпчилигида ибтидоий-патриархал тузум муносабатлари ҳукм сурган. Кўчманчи бадавий оилалари, уруғлари ўз чорва моллари учун ер-сув, ўтлоқ қидириб кенг саҳролар бўйлаб кезиб юрганлар. Фақатгина ярим оролнинг Қизил денгизга

туташ Ҳижоз воҳаси ва жанубий Яманда аҳвол бирмунча бошқачароқ бўлиб, бу ҳудудларда араб қабилалари асосан ўтроқ ҳаёт кечирган, савдо-сотик, ҳунармандчилик ҳам анча ривож топган эди. Айниқса Ҳижознинг бош шаҳри - Макка халқаро қарвон савдосининг муҳим маркази ҳисобланган. Маккалик қурайш қабиласи савдогарларининг турли минтақалар билан боғланганлиги, савдо-тижорат ва ҳунармандчилик ишларининг кучайиб бориши пировардида тарқоқ араб қабилла, уруғларини бирлаштириш ва марказлашган кучли давлат тузишда етакчилик ўрни эгаллашига икконият яратди Макка аҳолиси теваарагида кўчманчи араб қабилаларининг бирлашуви жараёнига туртки берган яна бир муҳим омил - бу шу ерлик қурайш қабиласининг хошимийлар уруғидан чиққан пайғамбаримиз **Муҳаммад Алайҳивассалом** номи билан боғлиқ ҳолда кенг ёйила бошлаган ислом дини ва таълимоти бўлди.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ	Яккахудолик ғояси:	Аллоҳ ягона, Муҳаммад унинг ердаги расули (элчиси)
	Умуминсоний ғоялар:	Инсонпарварлик, биродарлик, дўстлик, қардошлик, оға-инилик, меҳр-мурувват, илмпарварлик, меҳнатсеварлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, диёнатлик, шарм-хаёлик, иболиқ в.б.
	Исломнинг асосий тамойлари:	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Аллоҳнинг ягоналиги, Муҳаммад унинг пайғамбари эканини тан олиш; ➤ Муқаддас китобларга ишониш; ➤ Барча пайғамбарларни эътироф этиш; ➤ Паришталарни эътироф этиш; ➤ Охират, тақдирга ишониш.
	Исломнинг асосий руқнлари:	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Калимаи шаҳодат; ➤ 5 вақт намоз ўқиш; ➤ Рамазон ойида 30 кун рўза тутиш; ➤ Закоат бериш; ➤ Ҳаж зиёрати.

Муҳаммад бинни Абдуллоҳ (570-632) ҳаётининг охирларига келиб 630 йилда кўп сонли араб қабилаларининг ислом байроғи остида бирлашуви негизида ягона давлатга асос солди. Муҳаммад (с.а.в.) 632 йилда вафот этгач, унинг энг яқин сафдоши Абу Бакр Сиддиқ Халифа деб эълон қилинди. Шу тариқа, Араб Халифалиги ташкил топди.

- | | |
|---|---|
| Пайғамбар
ноиблари- тўрт
чориёрлар | <ul style="list-style-type: none"> ➤ Ҳазрат Абу Бакр Сиддик (632-634) ➤ Ҳазрати Умар (634-646) ➤ Ҳазрати Усмон (646-656) ➤ Ҳазрат Али (656-661) |
|---|---|

Мазкур чориёрлар ҳукмронлиги даврида Халифалик таркибига Шом, Ироқ, Яман ва бошқа ҳудудлар қўшиб олинди. **Умавийлар** даврида (661-750) Араб халифалиги ҳукмронлиги шу қадар катта ҳудудларга ёйилдики, унинг таркибига Ғарбда Миср, шимолий Африка ерлари, Андалузия (ҳозирги Испания), шимоли шарқда Кичик Осиёнинг катта қисми, Эрон ва шимолий-ғарбий Ҳинд сарҳадлари кирар эди.

VII аср ўрталарига келиб халифалик эътибори Ўрта Осиё ерларини босиб олишга қаратилади. 651 йилда араблар жангсиз Марв шаҳрини эгаллайдилар, сўнгра Амударёгача бўлган ҳудудлар истило қилинади. Араблар бу ҳудудларни Хуросон деб атайдилар. Бу вилоят Араб халифаси томонидан тайинланадиган ноиб орқали бошқарилади. Ноиб қароргоҳи Марвда жойлашган эди. Араблар Амударёдан шимолдаги бой вилоятларни истило этишга тайёргарлик кўрадилар. Бу ерларни араблар Мовароуннаҳр, яъни дарёнинг нариги томони деб атаганлар. Ватанимиз сарҳадларида араблар истилоси жараёни икки босқичда амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Унинг биринчи босқичи - VII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврда айрим араб лашкарбошлари кўшини Амударё атрофидаги ҳудудларга бир неча бор ҳужумлар уюштириб, бу ерларнинг бойликларини талаб, маълум ўлжаларни қўлга киритиб, ортга қайтганлигини кузатиш мумкин. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад- бу ҳудудларни яқин келажакда босиб олишга тайёргарлик кўриш эди. Масалан, араб лашкарбошлари **Зиёд ибн Абу Сўфиён**нинг 654 йилда Маймурғга, 667 йилда Чағониёнга, 673 йилда унинг ўғли **Убайдулла ибн Зиёд**нинг Амудан ўтиб Пойканд, Ромитон ерларини эгаллаши, сўнгра Бухоро ҳукмдорини енгиб, ўз фойдасига сулҳ тузиб, катта хазина, бойликларни қўлга киритиши ва ниҳоят, 675-676 йилларда **Саид ибн Усмон**нинг янгидан Бухоро ва Самарқанд томон қўшин тортиб келиши ва маҳаллий ҳукмдорларни енгиб, катта бойлик ва кўп сонли асирлар билан Арабистонга қайтиб кетиши - булар Ўрта Осиё ҳудудларини эгаллаш борасидаги дастлабки уринишлар эди.

Ўлкамизни босиб олишнинг иккинчи, ҳал қилувчи босқичи VIII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Хусусан, 704 йилда **Қутайба ибн Муслим**нинг Хуросон ноибни этиб тайинланиши билан унинг зиммасига бутун Ўрта Осиё ҳудудларини узил-кесил босиб олиш вазифаси юкланади. Қутайба 707 йилда Амударёдан ўтиб Пойкандни эгаллаш сари ҳаракатланади. Араблар маҳаллий халқ қаршилигини енгиб шаҳарни қўлга киритадилар, унинг бойликларини талайдилар. Кеш, Насаф ҳам оғир жанглар билан фатҳ этилади. 710 йилда Қутайба маҳаллий ҳукмдорларнинг

ўзаро келишуви ва иттифоқига изн бермай, Суғднинг бош шаҳри - Самарқандни босиб олишга тайёргарлик кўради. Шу орада Хоразм шоҳи Чағон ўз укаси Нурзод бошчилигидакўтарилган халқ кўзғолонидан кўркиб, 711 йилда ёрдам сўраб Қутайбага мурожаат қилади. Қутайба кулай вазиятдан фойдаланиб Хоразмга юриш бошлайди. Нурзод тармор қилинади ва ўлдирилади. Бироқ Хоразмшоҳ бундан ҳеч нарса ютмайди. Аксинча, у ўз мустақиллигини йўқотиб, халифаликка тобе бўлиб, унинг бождорига айланади. Чағоннинг қўшини Қутайбанинг ҳарбий юришларида иштирок этишга мажбур этилади.

712 йилда Қутайба Самарқандга хужум қилади. Бу пайтда Самарқанд ҳукмдори Ғурак эди. Ғурак араб қўшинларига қарши жанг қилади, аммо кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли енгилди. Қутайба билан **Ғурак** (709-738) ўртасида тузилган Шартномага биноан у арабларга бир йўла 2 минг, йилига эса 200 минг дирхам ҳисобига бож тўлаш, 30 минг бақувват йигитларни қул ўрнида бериши кўзда тутилган эди. Бунинг устига Самарқанднинг энг гавжум мавзеси - Афросиёб келгинди араб аҳолиси учун турар жой сифатида берилди. Унинг туб аҳолиси эса ўз жойидан маҳрум этилади. Араб қўшини 713-йилда Сирдарё орқали юриш бошлаб Ўрта Осиёнинг шарқий ҳудудларини эгаллашга киришади. Қутайба шу юриши давомида Чоч вилояти, Фарғона водийсини эгаллайди, кўп ўтмай ўлканинг бошқа ҳудудлари ҳам бирин-кетин ишғол қилинади. Шу тариқа, 10 йил давом этган қирғинборот жанглар оқибатида араблар Мовароуннаҳр деб ном берган Ватанимиз ҳудудлари босиб олинди. Босиб олинган ҳамма вилоятларга араблардан амирлар тайинланди.

Араблар истилочилар сифатида бу ҳудудда маҳаллий аҳолига нисбатан мислсиз зулм ва зўравонлик ўтказдилар. Халқ томонидан асрлар давомида яратилган ноёб моддий ва маънавий бойликлар, асори атиқалар таланди, яксон қилинди. Маҳаллий ёзувларда битилган сон-саноксиз нодир китоблар, қўл ёзмалар ёндирилди. Зардуштийлик, буддизм динининг кўплаб ибодатхоналари, мукаддас қадам жолари кунпая-кун этилди.

Улуғ бобокалонимиз Беруний ўзининг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида аччиқ алам билан таъкидлаганидек, араблар маҳаллий дин, санъат, адабиёт намояндаларини, олимларни ўлдирдилар, асарларини эса оловда ёндирдилар. Сўнгра улар аждодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган маҳаллий ёзувлар, тарихий хужжатларни йўқ қилдилар. Мусулмончилик динига, ислом ақидаларига зид келадиган жамики нарсалар уларнинг назарида ғайритабиий ҳол ҳисобланиб, аёвсиз йўқ қилинди. Буларнинг ўрнига араблар аҳолидан олинган мўмай даромадлар, тўловлар эвазига ҳашаматли, сервикор масжиду, мадрасалар хонақолар, макбаралар барпо этиб одамларни уларга даъват этдилар. Юртимиз жиловини қўлга олган араб ҳукмдорлари халққа зулму асоратни кучайтириш мақсадида турли хил солиқ, ўлпонларни жорий этдилар.

Араб халифалиги хазинасига тўланиши мажбурий бўлган солиқ турлари	➤ Хирож (ер солиғи) – даромаднинг учдан бир қисми миқдорида йиғилган;
	➤ Ушр, давлат идора ишлари учун даромаднинг 10 фоизи миқдорида олинган;
	➤ Закот, мол-мулкнинг 2,5 фоизи миқдорида олинган;
	➤ Жузья (жон солиғи) - озиқ-овқат, хомашё ёки пул ҳисобида йиғилган;
	➤ Аҳолидан олинадиган марказлашган солиқлар ҳажми даромаднинг қарийб ярмини ташкил этарди;
	➤ Булардан ташқари аҳолига маҳаллий ва мавсумий солиқ ва мажбуриятлар ҳам юкланган эди.

IX аср араб тарихчиси **Хўрдодбеҳнинг** кўрсатишича, халифаликка фақат хирож солиғи ҳисобига Суғд вилояти 326 минг, Фарғона 280 минг, Шош 607 минг, Уструшона 50 минг дирҳам солиқ тўлаган. Бухорога белгиланган хирож солиғи миқдори булардан ҳам кўп бўлган. Шу боисдан истилочилар «куч хирожда» деб бежиз айтмаганлар.

Маҳаллий аҳоли кўзда тутилган солиқларни мунтазам тўлаб боришга мажбур этилган. Бордию бунга қурби етмаса ўша шахснинг ери, мулки тортиб олиниб, оиласи билан кўчага улоқтирилган. Араблар дастлаб жузья солиғини мусулмон динига кирмаган одамларга жорий этганлар. Бироқ кейинчалик ҳамма исломга кира бошлагач, бу солиқ яна барча ерли аҳолига баб-баравар солина берган.

Ўлка аҳолисини исломлаштириш жараёни ғоят мураккаб кечган. Араб маъмурлари кўп ҳолларда зўрлик ва куч ишлатиш йўли билан маҳаллий халқ вакиллари, исломни қабул қилишга ундаганлар. Бунга кўнмаганлар ёхуд бош тортганлар эса шафқатсиз жазоланган. Кўп жойларда маҳаллий кишилар ноиложликдан, қийин-қистов асосида мусулмончиликни мажбуран қабул этган бўлсалар-да, бироқ араблар кўздан нари кетиши билан улар яна бу диндан қайтиб ўзларининг эски диний ақида ва маросимларига амал қила берганлар. Ҳатто араблар ишончини қозониб мусулмон динини қабул қилган Бухорхудот Тоғшода ҳам ислом динини хўжа кўрсинга юзаки қабул қилган бўлиб, аслида зардуштийлик аҳкомларига амал қилган. У вафот этганида ҳам аждодлари диний маросимларига кўра дафн этилган. Бундан кўринадики, ислом дини ва унинг рукнларининг маҳаллий халқ орасида ёйилиши ниҳоятда қийин, мураккаб кечган. Бу жараёнда беҳисоб қурбонлар берилган. Арабларнинг ўзларини хўжалар, саҳобалар, саййидлар, оқ суяклар деб атаб, маҳаллий халққа нисбатан менсимаслик, калондимоғлик билан қарашлари ҳам маҳаллий аҳолида уларга нисбатан нафрат туйғусини кучайтирган.

Арабларнинг ўз юртларидан кўп минглаб қабила, уруғларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириб энг яхши жойларга жойлаштириш, маҳаллий оилаларни ўз ер-мулкидан маҳрум этишлари ҳам уларга қарши оммавий

норзиликларнинг кучайиб боришига боис бўлган. Масалан, дастлабки пайтларда қурайш қабиласининг 5 мингдан зиёд аҳолиси Самарқандга жойлаштирилган. Бухоро, Марв, Пойканд ва бошқа шаҳарларда ҳам масжид ва мадрасалар қуриш баҳонаси билан ерли аҳоли четга суриб чиқарилиб, уларнинг ерларига ҳам араб қабилалари жойлаштирилган. Бунинг асл сабаби шундаки, босқинчилар бу бегона ҳудудда кучли ижтимоий таянч нуқта яратиш йўли билан ўз ҳукмронлигини кучайтиришга уринганлар.

Арабларнинг Ватанимиз ҳудудида юргизган зўравонлик ва мустамлакачилик сиёсати, шубҳасиз, ерли аҳолининг турли ижтимоий қатламларининг кескин норозилилигига сабаб бўлди. Бунинг натижасида араблар ҳукмронлиги давомида ўлканинг турли ҳудудларида халқ ғалаёнлари юзага келиб, алангаланиб борди.

- | | |
|--|---|
| Ўрта Осиёда арабларга қарши халқ кўзғолонлари | <ul style="list-style-type: none"> ➤ Суғдиёнада 720-722 йилларда Ғурак ва Диваштич бошчилигида ➤ Самарқанд, Бухоро, Хуттолонда 725-729 йилларда ➤ Тоҳаристон ва Суғдда 736-737 йилларда ➤ Хуросон ва Мовароуннаҳрда Абу Муслим бошчилигида 746-749 йилларда ➤ Муқанна кўзғолони 769-784 йилларда ➤ Рафи ибн Лаис кўзғолони 806-809 йилларда |
|--|---|

720-722 йилларда Суғдиёнада юз берган Ғурак (Самарқанд ҳукмдори) ва Диваштич (Панжикент ҳоқими) бошчилигидаги кўзғолон араблар ҳукмронликлригига қарши йўналган дастлабки шиддатли халқ ҳаракатларидан бири бўлган. Унда араблар сиёсати ва зулмидан ғзабга келган ўн минглаб маҳаллий халқ вакиллари иштирок этган. Хуросоннинг янги тайинланган ва золимлиги билан ном чиқарган ноиб **Саид Хараший** катта мунтазам ҳарбий куч билан мазкур кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиришга муваффақ бўлади. Кўзғолон раҳбарларидан бири - Диваштич ҳам ушланиб қатл этилади.

725-729 йиллар давомида халифаликнинг оғир солиқ сиёсатига қарши Самарқанд, Бухоро, Хуттолон вилоятларида кўтарилган кўзғолонлар ҳам халқ озодлик курашида сезиларли из қолдирди. Кўзғолончиларнинг анча қисми араб маъмурлари сиёсатига норзилик билдириб, ислом динидан чиқадилар. Кеш атрофида юз берган маҳаллий аҳолининг араблар билан тўқнашуви ростмона жангу жадал тусини олган. 736-737 йилларда Тоҳаристон ва Суғдда янгидан кўтарилган кучли кўзғолон ўз сафига аҳолининг турли ижтимоий қатламларини жалб этганди. Фақат Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори, уста дипломат Наср ибн Сайёр (738-748)нинг уддабурон сиёсати, низоли масалаларни хал этиш борасидаги эпчил тадбирлари туфайлигина кўзғолон ҳаракатларини бартараф этиш,

ўлкада мувозанатни бир қадар сақлаш мумкин бўлди. Бунда у маҳаллий аҳолига, айниқса унинг нуфузли қатламига муайян ён беришга мажбур бўлди. Жумладан, у арабларнинг маҳаллий аҳоли билан қон-қардошлик алоқаларини кучайтиришга интилди. Ўзи ҳам Бухорхудот Тоғшоданинг қизига уйланди. Исломни қабул қилган кишилар жузьядан озод этилди ва барча мусулмонлар ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди. Хирож солиғи тўлаш барча учун барабар деб эълон қилинади.

VIII аср 40-йилларида халифаликда тожу-тахт учун кураш бошланади. 748 йилда Абу Мислимнинг Хуросонда кўтарган кўзғолони, унинг халифалик пойтахтини эгаллаши натижасида Умавий Марвон II тахтдан ағдарилади. 749 йилда аббосийлар хонадонидан Абул Аббос Саффон тахтга кўтарилади. Бироқ аббосийлар даврида ҳам меҳнаткаш аҳолининг аҳоли яхшиланмади. Шу боисдан халқ кўзғолонлари тез-тез кўтарилиб турди.

Муқанна кўзғолони Ватанимиз халқларининг араблар асоратига қарши олиб борган кураши тарихида алоҳида ўрин тутади.

Тарихда «**оқ кийимлилар**» номи билан машҳур бўлган бу кўзғолонга ўз замонасининг ҳар томонлама етук кишиси, халқ дарди, қайғуси ва мақсадларини чуқур тушунган, асл исми **Ҳошим ибн Ҳаким**, аммо Муқанна (яъни юзига ниқоб кийган маънода) номи билан танилган буюк шахс раҳнамо бўлди. Муқанна умавийлар сулоласи инқирозига кучли таъсир кўрсатган **Абу Муслим** кўзғолонида ҳам фаол иштирок этган. Муқанна ҳаётнинг катта машаққатли йўлини босиб ўтган, оддий кир ювувчидан кичик лашкарбоши, кейин вазирлик даражасига кўтарилган (757-759). 759 йилда Хуросон амири Абдужабборнинг халифага қарши исёнида қатнашгани учун зиндонга ташланган. Зиндондан қочиб 769 йилда Марвга келади ва халқ ҳаракатига бошчилик қилади. У ижтимоий тенглик, эркин ҳаёт ва адолат ғояларини ўзига сингдирган таниқли сиймо бўлган. Шунинг учун ҳам унинг янгидан халқ курашига бош бўлиши бу ҳаракатнинг кенг қулоқ ёзишига, узоқ муддат давом этишига (унга тайёргарлик кўриш жараёнларини ҳам ҳисобга олганда 14 йилни ўз ичига олади) сабаб бўлибгина қолмай, айтиш чоғда араб ҳукмрон доиралари учун ҳам қутилмаган оқибатларни вужудга келтириб, уларга катта ҳаётий сабоқлар берди. Кўзғолон Марвда бошланган бўлса-да, у тез орада Мовароуннахрнинг кенг ҳудудларига ёйилди. Муқанна кўзғолони давомида Самарқанду Бухоро, Нахшобу Кеш ҳудудлари аҳолиси ҳам фаол ҳаракатга келди. Уни Илоқ, Оҳангарон, Шош, Фарғона водийсининг кўп сонли аҳолиси ҳам қувватлаб чиқди. Кўзғолоннинг бош ғояси - Ватанимиз халқлари, уларнинг асл фарзандларининг муқаддас юртни ажнабий ҳукмронлардан озод қилиш, унинг мустақиллигини курашиб қўлга киритиш ғояси бўлган. Мана шу юксак ватанпарварлик туйғуси кўзғолончиларга ҳаётий рух, маънавий мадад бағишлаган, уларнинг узоқ вақт давомида арабларнинг катта ҳарбий кучлари билан жон бериб, жон

олишиб кураш олиб боришига, мислсиз курбонлар беришига сабаб бўлган. Бироқ шу билан бирга кўзғолонга тортилган аҳолининг ҳамма ижтимоий табақалари ҳам шу улуғвор ғояга содиқ бўлган, унга охиригача амал қилган, деб хулоса чиқариб бўлмайди, албатта. Негаки, кўзғолон кучайган кезларда ундан ўз худбин мақсадлари йўлида фойдаланишни кўзлаб халқ курашига қўшилган юқори табақа намояндалари ҳам бўлган. Улар кейинчалик кўзғолон пасайиши ва мағлубият сари юз тутган кезде дарҳол хиёнат йўлини тутиб, ажнабийлар билан тил топиб, улар томонига ўтиб кетганлиги ҳам ростдир. Аммо бундай истиснолардан қатъи назар, бир неча йиллар давом этган «Оқ кийимлилар» кўзғолони юртимизнинг озодлик кураши тарихида катта доврў таратди, араб босқинчиларини ларзага солди, уларга сезилари зарбалар берди. Кўзғолон Муқаннага катта мадакдор, жанговар сафардош бўлган **Ҳаким ибн Аҳмад, Ҳашвий, Сархама, Кай ёки Ғурий, Ғарича** каби халқ қахрамонларини ҳам етиштириб чиқарди. Улар охириги томчи қонлари қолгунга қадар босқинчиларга қарши мардонавор курашдилар.

780-783 йилларда кўзғолон ҳаракатлари сўнгги ҳал қилувчи паллага киради. Бу даврда Муқаннанинг асосий кучлари Қашқадарёнинг Кеш воҳасида тўпланган эди. Кўзғолоннинг бош таянч нуқтаси-Сом қалъаси ҳам шу жойда бўлган. Албатта, бу вақтга келиб халифалик қўшинлари катта устунликка эга бўлиб, улар маҳаллий аҳолининг юқори табақаларини ўз томонига жалб этиб, кўзғолончиларни тобора сиқиб бораётган эди. Муқанна Сомда мустаҳкамланиб, ўз тарафдорлари билан сўнгги нафасигача курашди. Пировардида эса душман қўлида мағлуб бўлмай, ўзини ёниб турган оловга отиб, қахрамонларча халок бўлади. Бу воқеа Беруний маълумотида кўра 783 йилда юз беради. Ғарчанд Муқанна кўзғолони енгилган бўлса-да, бироқ у буюк халқ қудратини, агар у бирлашса, уюшса нималарга қодирлигини тўла намоён этди. Кўзғолон айна чоғда халифаликнинг Мовароуннаҳрдаги мустамлакачилик ва босқинчилик илдизларини ҳам қакшатди. Унинг ҳукмронлигининг давом этишини шубҳа остига солиб қўйди. Энг муҳими, у эрк ва озодлик учун талпинаётган юртимиз кишиларида ватанпарварлик туйғусини жўш урдирди, уларни ажнабий золимларга қарши янада шиддаткорлик билан кураш олиб боришга даъват этди. Бунинг самараси эса IX асрнинг бошларига келиб юртимиз устидан халифалик ҳукмронлигининг узил-кесил ағдарилиши ва бир қатор мустақил миллий давлатларнинг юзага келишида тўла намоён бўлди.

Араблар истилоси ва ҳукмронлиги Ватанимиз ҳудудида қанчалик мураккаб ижтимоий-сиёсий оқибатлар билан боғлиқ бўлмасин, шу билан бирликда яккахудолик ғояси, илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларни ўзида мужассам этган ислом дини ва таълимотининг ўлкамизда аста-секин илдиз отиб бориши улуғ аждодларимиз ҳаёти ва тафаккурида катта аҳамиятга эга бўлди. Бутун араб дунёсини бирлаштириш, унинг

маънавий қудратини кучайтиришда етакчи омил ролини ўйнаган ислом дини ва унинг муқаддас китоби - Қуръони Карим ғоялари ва оятларининг маҳаллий халқларнинг онги, шуурига сингиб, уларнинг турмуш ва фикрлаш тарзининг ажралмас қисмига айланиб бориши, шубҳасиз, уларнинг маънавий оламига сезиларли ҳаётбахш таъсир кўрсатди ҳамда юксак моддий ва маънавий маданият намуналарини ижод қилиб боришларида янги уфқлар очиб берди. Бунинг асосий боиси шундаки, Аллоҳнинг ягоналигига имон келтириш, унинг муқаддас китобида ифода этилган юксак инсонпарварлик ғояларига ишонч ва эътиқод - булар юрт кишиларида бир-бирларини қувватлаш, бирлашиш, ўзларини ягона маконда ҳис қилиш, ўзаро ҳамкорликда, кенг саъй-ҳаракатларда бўлиш туйғусини шакллантириб борди. Негаки, ислом таълимоти, Қуръони Карим ғояларининг ўлкамизга ёйилиши, ўтмишдошларимизнинг Аллоҳ буюрган олижаноб амалларга риоя этиб, руҳий-маънавий покланиш сари ҳаракатланиши, табиийки, жамият ҳаёти ва унинг асосий тамойилларининг соғлом негизларда ривожланиб, такомиллашиб боришига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу маънода Юртбошимиз ҳам: «Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзод руҳий дунёсида иймон- эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз»¹, деб бежиз таъкидламаган. Зеро, ўлка халқларининг маънавий юксалишини таъминлаш, уларнинг бир-бирига қон-қардошлиги, ҳамжиҳатлигини жипслаштиришда муҳим омил саналган асрий бебаҳо қадриятларимизни ўзида мужассам этган исломий аҳкомларнинг бугунда ҳам ҳаётимизда ўз муносиб ўрнини топаётганлиги исломнинг жамият таракқиётида муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ислом дини ва мусулмончилик тамойилларининг Ўрта Осиё ҳудудида тарқалиши, чуқур илдиз отиши баробарида ўлкамиз халқлари кенг мусулмон олами билан тутшиб, унинг бой диний ва дунёвий маданияти, илму урфони билан яқиндан ошно бўлиб борди. Айни чоғда азалдан илму маърифат ўчоғи бўлиб келган кўҳна юртимиз бағридан бу даврда жаҳонга доврўғ солган, дунё маданияти ва цивилизацияси хазинасига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб номдор алломалар, буюк муҳаддис олиму уламолар етишиб чиқди.

¹ И.А.Каримов. Асарлар. Т.7. Т.: Ўзбекистон, 1999, 300-бет.

Синов саволлари

1. Эфталийлар давлатининг юзага келиши, худудий кенгайиши тўғрисида нималарни биласиз?
2. Эфталийлар даврида ерга эгалик қилиш муносабатларида қандай ўзгаришлар бўлди?
3. Эфталийлар даврига оид моддий ва маънавий ёдгорликлар намуналаридан сўзлаб беринг.
4. Маздакчилар қандай ғояларни илгари сурганлар?
5. Маздак кўзғолони енгилишининг асосий сабабларини нималарда деб биласиз?
6. Турк хоқонлигига қачон асос солинган?
7. Турк хоқонлиги тарихига оид қандай муҳим тарихий манбалар маълум?
8. Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиё худудидаги давлат бошқаруви тизими қандай бўлган?
9. Турк хоқонлигининг иккига бўлиниб кетишининг асосий сабаблари нимада?
10. Ғарбий ва Шарқий хоқонликларда кечган ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётдаги муҳим тафовутлар нималарда кўзга ташланади?
11. Арабистонда ислом дини қандай омиллар таъсирида юзага келди?
12. Араб истилочиларининг Ўрта Осиёга юришлари ҳақида сўзланг.
13. Араб босқинчиларига қарши юртимиз заминида қандай халқ кўзғолонлари юз берган?
14. Ўрта Осиё худудида исломлаштириш жараёни қандай кечди?
15. Араблар жорий этган солиқ турлари, уларнинг микдорлари тўғрисида тушунча беринг.
16. Қуръони Карим ғояларининг ҳаётийлиги ва яшовчанлигининг боиси нимада, деб ўйлайсиз?

V БОБ. IX-XII АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ: СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Таянч сўз ва иборалар: Тоҳирийлар. Сомонийлар. Давлат бошқаруви. Қорахонийлар. Ғазнавийлар. Салжукийлар. Хоразмшоҳлар. Уйғониш. Илм-фан. Бадиий адабиёт. Ҳадисшунослик. Тасаввуф таълимоти.

1. Тоҳирийлар ва Сомонийлар

Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудларидаги деярли бир ярим асрлик ҳукмронлик даври бу ҳудуднинг эркесвар халқларининг ўз эли, Ватанининг мустақиллиги йўлидаги жўшқин курашини, интилишини сўндира олмади.

Дарҳақиқат, IX аср бошларига келиб Араб халифалигида юзага келган бўҳронли вазият, сиёсий танглик, Хуросон ва Мовароуннаҳрда кечаётган зиддиятли жараёнлар, энг муҳими, бу ҳудудда юз берган **Рофе ибн Лайс** кўзғолони (806-810) мазкур ўлка халқлари учун халифалик тобелигидан кутилиш, юрт мустақиллигини қўлга киритиш йўлида қулай имкониятларни вужудга келтирганди. Хусусан, машҳур халифа Хорун ар-Рашид (786-809) вафотидан сўнг халифалик тахтини эгаллаш учун унинг ўғиллари – **Амин** ва **Маъмун** ўртасида қизгин кураш бошланган эди. Бир неча йилга чўзилган бу сиёсий можаро нафақат халифалик марказини танг аҳволга солиб қолмасдан, балки унга тобе бўлган ҳудудлардаги воқеалар ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Маъмун катта қўшин тузиб, унга Хуросонлик Тоҳир ибн Хусайнни бошлиқ этиб тайинлади. Рей яқинидаги жангда Тоҳир ибн Хусайн ал-Амин қўшинини енгади ва Бағдодга юриш бошлайди. Тоҳир 813 йилда яна ғолиб келиб Бағдодни ҳам қўлга киритади. Маъмун халифалик тахтига кўтарилади. Лекин у 819 йилга қадар Бағдодга бормай Марвдан туриб ҳокимиятни бошқаради. Унинг буйруғи билан Тоҳир ибн Хусайн Ироқ ҳокимияти ва Бағдод ҳарбий гарнизони бошлиғи бўлади (819 йилга қадар). Маъмун Марвдагидаёқ олимлар гуруҳини ўз атрофига тўплаган эди. У 819 йилда Бағдодга борар экан, у ерда Байтул ҳикмат (фанлар академияси)га асос солади. Демак, бу фан масканининг негизини аввало, Туркистонлик олимлар ташкил этганлар.

Маъмун халифалик олдидаги катта хизматлари эвазига Тоҳир ибн Хусайнни 821 йилда Хуросонга ноиб этиб тайинлайди. Шу тариқа, Тоҳирийлар давлати вужудга келиб 873 йилга қадар давом этади. Унинг пойтахти аввал Марв, кейинроқ Нишопур бўлади.

Дастлаб Мовароуннаҳрнинг кўпгина вилоятлари ҳам унинг тасарруфида бўлган. Бунинг боиси шуки, иккала ўлканинг ноиблик маркази Хуросоннинг Нишопур шаҳри бўлган.

Тоҳир ибн Хусайн бошқарув жиловини кўлга киритгач, ундан юрт мустақиллигини, унинг равнақи ва кудратини ошириш йўлида фойдаланишга қатъиян йўл тутди.

Тоҳир ибн Хусайн ўз давлатининг мустақиллигини тиклаш мақсадида 822 йилда халифа номини хутба намозидан чиқариб ташлашга амр килади. Бироқ тез орада унинг сирли ўлими бу борада катта ишлар қилинишига имкон бермайди. Унинг ворислари **Талха (822-828)**, **Абул Аббос Абдуллох (830-844)**, **Тоҳир ибн Абдуллох (844-862)**, **Мухаммад ибн Тоҳир (862-873)** даврларида Тоҳирийлар давлатининг мустақиллиги хийла таъминланди. Тоҳирийлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни, мулкый муносабатларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини тартибга келтириш, сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, сув иншоотлари барпо этиш, шунингдек, фуқаролардан олинадиган солиқларни мўътадиллаштиришга аҳамият берадилар. Пойтахт марвдан Нишопурга кўчирилади. Жумладан, Абдуллох ибн Тоҳирнинг чиқарган бир фармонида “деҳқонларни ранжитмаслик”, бунингсиз хазинага етарли миқдорда солиқ тушмаслиги алоҳида уқтирилганди. Бироқ шунга қарамай, Тоҳирий ҳукмдорлар амалда деҳқонларни эмас, балки кўпроқ йирик мулкдорлар, савдогарларнинг манфатларини ҳимоя қилардилар. Шу боис Тоҳирийлар даврида оддий аҳоли, айниқса деҳқонлар оғир асоратда яшаш, ҳаддан зиёд солиқ-ўлпонлар тўлашга мажбур этилганди. Биргина 844 йилда улардан олинган солиқ миқдори 48 млн. дирхамни ташкил этган. Бу ўша давр шароити учун мислсиз кўп эди. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг Сейистон ва бошқа вилоятларида деҳқон ғалаёнлари юзага келиб, кучайиб борган.

Хуросоннинг шарқий ҳудудларида юзага келган ғозийлар ҳаракати ва деҳқончилик воҳаларидаги ғалаёнлар кўшилиб, кенг миқёслар касб этиб борди. Бу ҳаракатларнинг етакчиларига айланган, асли келиб чиқишлари хунарманд – мискар бўлган ака-ука Ёқуб ва Амир ибн Лайслар 873 йилда Нишопурни эгаллаб Тоҳирийлар сулоласини ағдариб ташлашга муваффақ бўладилар. Бунинг натижасида **Ёқуб ибн Лайс** асос солган Саффорийлар (мискарлар) сулоласи ҳокимиятга келади.

Бироқ янги ҳукмдор Ёқуб ибн Лайс шахсий ҳаётда қанчалик оддий турмуш тарзига амал қилиб яшамасин, ўз армиясининг жанговарлигини кучайтириш, аскарларни маош билан таъминлашга уринмасин, меҳнаткаш халқнинг оғир солиқлар тўлаши, бошқа тўловлар ва мажбуриятларни ўташи аввалгидек ўзгармай қола берди. Бу ҳол охир-оқибатда саффорийлар сулоласи ҳукмронлигининг ижтимоий- иқтисодий илдизларини қакшатиб, уни ҳалокатга маҳкум этмай қолмади.

Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлатининг юзага келиши жараёни ҳам IX аср бошларига тўғри келади. Бунда ҳам халифа Маъмун ўзига содиқ хизмат қилган балхлик маҳаллий ҳукмдорлардан Сомонхудо¹т авлодлари

¹ Сомон қишлоғи оқсоқоли. Манбаларда мазкур қишлоқ Балх, Самарқанд ёки Термиз атрофида жойлашган деган маълумотлар учрайди.

(унинг набиралари)га Мовароуннахр худудларини бошқариш ҳуқуқини топширади. Чунончи, **Нух** Самарқандга, **Аҳмад** Фарғонага, **Яҳъё** Шош ва Уструшонага, ҳокимлик қиладилар.

IX аср ўрталарига келиб **Аҳмад** ва унинг катта ўғли **Наср Сомонийлар** Мовароуннахрнинг кўпчилик худудларини бирлаштиришга муваффақ бўлдилар. **Наср Сомоний** (856-888) даврида Мовароуннахр мавқеи янада кучайиб борди. Самарқанд давлат пойтахти эди. Хуросонда Тохирийлар сулоласи ағдарилгач (873й), унинг таркибига кирган Бухоро ерлари ҳам Сомонийлар тасарруфига олинади. Наср укаси Исмоилни Бухорога ноиб этиб тайинлайди (874й) ва Сомонийлар ҳукмронлиги эндиликда деярли Мовароуннахрнинг барча худудларига ёйилади. Аммо кўп ўтмай Исмоил ўз ҳокимиятини кучайтира боргач, ўзининг вассаллик мавқеини тан олмай, Наср ҳокимияти хазинасига тўлайдиган йиллик даромад миқдорини кескин камайтиради.

Бунинг натижасида ака-укалар ўртасида узоқ муддатли ўзаро кураш бошланади. Оқибатда 888 йилда улар ўртасида катта уруш келиб чиқиб, унда Исмоил ғолиб бўлади ва ҳокимиятни ўз қўлига олади. Акаси Наср вафотидан сўнг (892й) **Исмоил Сомоний** Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдорига айланади. Шу тариқа, Ватанимизда давлат мустақиллиги қайта тикланади ва юксалиб боради. Бухоро - давлат пойтахти бўлиб қолади.

Исмоилнинг 893 йилда шарқдаги даштлик қабилаларга қарши қилган муваффақиятли юриши, Тарозни эгаллаб, катта ўлжа ва асирлар билан қайтиши ҳам Сомонийлар қудрати юксаклигидан яққол далолат беради. Исмоил Сомоний давлати қудратининг ўсиб боришидан чўчиган, уни заифлаштиришни ва ўз таъсирини қайта тиклашни кўзлаган Бағдод халифаси Муътазид (892-902) Хуросондаги Саффорийлар ҳукмдори Амр ибн Лайсга (879-900) Хуросон билан бирга Мовароуннахр устидан ҳукм юритиш ҳуқуқи берилгани ҳақида фармон чиқаради ва уни Исмоилга қарши гиж-гижлайди. Бу эса 900 йилда иккала давлат ўртасида катта урушга сабаб бўлади. Уруш натижаси эса Сомонийлар фойдасига ҳал бўлиб, бунинг оқибатида Хуросон ерлари Сомонийлар қўли остига ўтади. Шу тариқа халқ халифалик истибдодидан халос бўлди.

Исмоил Сомоний бу худудда кечган узоқ йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таяниб, марказий давлат бошқаруви тизимини ва шунга мувофиқ келадиган маҳаллий идора органларини вужудга келтиради. Бу тизим Аҳмад ибн исмоил (907-914), Наср ибн Аҳмад (914-943), Нух ибн Наср (943-954) даврида ҳам такомиллашиб боради.

Сомонийларнинг давлат бошқарув тизими



Нух ибн Наср (Наср II) даврида бухоронинг Регистон майдонида амир қасри қаршисида сарой қурилиб, барча девонлар унга жойлаштирилади. Маҳкама хизматчилари муайян билимга эга бўлган, араб ва форс тилини пухта билган задогон ва руҳонийлардан танланган.

Почта-алоқа хизматидан бошқа ҳамма девонларнинг вилоятларда вакиллари бўлиб, улар ҳам марказий девонга, ҳам вилоят ҳокимига бўйсунган. Ҳар бир шаҳарда шаҳар бошлиғи – раис маъмурияти мавжуд бўлган.

Давлатда ислом динининг таъсири ғоятда катта бўлганлигидан, олий диний мансаб – Шайхул исломнинг роли юқори даражада эътироф топган.

Сомонийлар даврида қишлоқ хўжалиги, маҳаллий ишлаб чиқариш, хунармандчилик, савдо-сотик муносабатлари, шаҳарлар ҳаёти анча юксалди. Ўлканинг Шош, Фарғона ва Хоразм воҳаларида турли хил ғалла экинлари етиштириш, боғдорчилик, соҳибкорлик, полизчилик, пахта етиштириш анча кенгайиб борди. Кўплаб сув иншоотлари барпо этилади.

Қишлоқ аҳли мавжуд хомашё маҳсулотларидан турлича ишлов бериш йўли билан ҳар хил матолар ишлаб чиқара бошлади. Жумладан, Зандана

қишлоғида сифатли, тилла ранг «занданачи» деб ном олган бўз тўқиш (у четга ҳам чиқарилган), Самарқанд яқинидаги Вадор қишлоғида сарғиш тусли чиройли юмшоқ, пишиқ «водорий» деб номланган матолар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ердаги тўқилган матодан мамлкатнинг олий амалдорлари ҳам кийим тиктиришда фойдаланганлар.

Шаҳарларда кўплаб ҳунармандчилик корхоналари, ўнлаб карвонсаройлар, бозор расталари мавжуд бўлиб, доимий равишда ишлаб турган. Шаҳар мақомига эга бўлиш учун мазкур жойда камида 32 хил ҳунар-касб турлари бўлиши кераклиги ўша давр учун хос бўлган.

Сомонийлар даврида Самарқанд, Бухоро, Марв, Шош, Исфижоб, шунингдек, Фарғона, Хоразм воҳаси шаҳарлари савдо-сотик ва ҳунармандчилик марказлари сифатида ғоятда раванқ топган.

Буюк ипак йўли бу шаҳарларни халқаро карвон савдоси билан туташтириб, улар етиштирган барча ноёб мато-ю маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлаган.

Металл ишлаш, нодир металллардан, чунончи, олтин, кумуш, мис ва бошқа маъданлардан қимматли, безакли буюмлар, асбоб-анжомлар тайёрлаш шаҳарларда кенг ривожланган. Уч жойда (Бухоро, Самарқанд, Фарғона) кумуш пуллар зарб этилган. Шошда чарм маҳсулотлари, Фарғона ва Илоқда курол-яроғлар юқори даражада тайёрланган. Шунингдек, Фарғона водийси, Оҳангарон, Самарқанд, Нурота туманларининг тоғли ҳудудларида кон-руда ишлаб чиқариши тараққий топди. Ип - йигириш, тўқувчилик ва тўқимачилик (гиламлар, поёндозлар в.б) ҳунарлари ривожланган бўлиб, бу соҳа юмушларига хотин-қизлар ҳам жалб қилинган.

Сомонийлар даврида ер эгалари

- Мулки султоний (давлат тасарруфидаги ерлар)
- Мулк ерлари (хусусий ерлар)
- Мулки хос (олий мартабали рухонийлар ва саййидлар тасарруфидаги ерлар)
- вақф ерлари (диний муассасаларга тегишли)
- жамоа ерлари

Сомонийлар даврида давлат бошлиғи ўз фарзандлари, яқинларига, амирлар, ҳокимлар, лашкарбошиларга уларнинг хизматлари эвазига туман, шаҳар, ҳатто вилоятларни ҳам инъом қилган. Бундай мулк иқто, уларнинг эгалари иқтодорлар деб аталган. Иқтодорлар ўзига инъом этилган ҳудудларда яшовчи аҳолидан олинадиган солиқларнинг бир қисмини ўзига олиш эвазига даромад олган. Аҳоли иқтодорга буғдой, пахта, қуруқ мева, газмол ёки пул шаклида солиқ тўлаган. Иқтодан фойдаланиш муддати давлат бошлиғига боғлиқ бўлган. Авваллари иқто вақтинча берилган, иқтодор бундай мулкдан маҳрум ҳам этилган, айримлар эса иқтодан умрбод фойдаланганлар.

Кам ерли ёки ерсиз аҳоли катта ер эгаларидан ерларни ижарага олиб меҳнат қилганлар. Улар барзикор-қўшчилар деб аталарди. Барзикор ижарага олган ерда ўз уруғи ва қўши билан деҳқончилик қилса ҳосилнинг 1/3 – 1/5 ҳиссасини, уруғ ва қўш ер эгаси ҳисобидан бўлса ҳосилнинг 1/10 – 1/12 ҳиссасига эга бўлган.

Сомонийлар давлати муайян тарихий босқичларда ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларда қанчалик юксалиш, муҳим ўзгариш жараёнларини бошдан кечирмасин, бироқ кейинчалик аста-секин тушкунлик, парокандалик сари юз тутиб борди. X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, хусусан кейинги Сомоний ҳукмдорлар: Абдумалик ибн Нух (954-961), Мансур ибн Абдумалик (961-976), Нух ибн Мансур (976-997), мансур ибн Нух (997-999), Абдумалик ибн Мансур (999-1000) даврида мамлакатда ҳам маҳаллий феодал беклар, амалдорлар ўртасида, ҳам ҳукмдор сулола вакиллари ўртасида ўзаро ички низолар, зиддиятлар тўхтовсиз кучайиб борди. Давлатнинг ҳарбий таянчи ҳисобланган турк аскарларидан иборат қўшин сафида ҳам бирдамлик, ҳамжиҳатлик етишмасди. Бу эса Сомонийлар салтанатини жиддий тангликка дучор этиши тайин эди. Масалан, лашкарбоши Алптегин Сомонийларни 60 йил ҳимоя қилиб келган. Унинг итоатида 30 минг отлик қўшин бўлиб, зарур бўлганда 100 минг суворийни ўз қўлига кирита оларди. Шу боисдан ҳам Сомонийлар билан Алптегин ўртасидаги ихтилоф ва ишончсизлик охир-оқибатда Сомонийларнинг путурдан кетишига олиб келди. Шунингдек, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалик, бошбошдоқлик ҳагги-ҳаракатларининг авж олиши, уларни жиловлашга марказий ҳокимиятнинг ожизлиги давлатнинг янада заифлашувига сабаб бўлди. Халқ норозилик ҳаракатлари шу қадар алангаланиб бордики, ҳатто амир Абдул Малик вафоти баҳонаси билан 961 йилда Бухоро ҳарбий аскарлари томонидан бошланган ғалаён амир саройини талаш, уни яқсон қилиш билан тугалланди.

Бундай жиддий низолар, зиддиятли жараёнлар оқибатда Сомонийлар давлати заифлашиб, инқирозга юз тутди.

2. Қорахонийлар


Етгисув, Шарқий Туркистон ўлкаларида IX аср иккинчи ярмида турли туркий қавмлар, элатларнинг ўзаро бирикуви натижасида ва қўшилуви давомида Қорахонийлар давлати ташкил топди. Мазкур давлатга асос солган сиймо **Абдулкарим Сотук Буғрохон (859-955)** яғмолар қавмига мансуб бўлган. Бу давлат ҳукмдорлари «арслонхон» ёки «қорахон» унвонлари Қорахон сўзининг луғавий маъноси эса туркий кабилаларда «улуғ», «буюк» деган тушунчаларни англатган. Қорахон «Тамғачхон» ҳам деб юритилган.

Бу давлатнинг қудрати юксалиб, у тез орада катта ҳудудларни ўз қўли остига кирита боради. Унинг пойтахти Шарқий Туркистоннинг Боласоғун

шаҳри бўлган. Абдулкарим Бугроҳон вафотидан кейин (955й) унинг ворислари даврида Марказий Тянь-Шань ва Еттисув ўлкалари эгалланади. Эндиликда Қорахонийлар Сомонийлар ҳукмронлик қилаётган Мовароуннаҳр ерларини ҳам бутунлай эгаллашга киришадилар. Бу даврда Сомонийлар давлати чуқур ички зиддиятлар, синфий ихтилофлар орқасида танглик ҳолатига тушиб қолган эди. Бундан фойдаланган Қорахонийлар ҳукмдорлари - **Ҳасан** ва **Наср Бугроҳонлар** етакчилигидаги кўшин Сомонийлар қаршиликларини қийинчиликсиз енгиб, икки бор (992 ва 999 йилларда) Бухорони эгаллайди, сомонийлар сулоласининг сўнгги вакили Исмоил ал-Мунтасир (1000-1005) ҳукмронлиги барҳам топди. Оқибатда бутун Мовароуннаҳр ҳудудлари Қорахонийлар тасарруфига ўтади. Шу тариқа, Қорахонийлар ҳукмронлиги катта ҳудудларга ёйилади.

XI аср ўрталарига келиб Қорахонийлар ҳокимияти 2 га бўлиниб кетди:

- Маркази Самарқанд бўлган, Мовароуннаҳрнинг катта ҳудудларини ўзида жам этган Ғарбий хонлик.
- Марказий боласоғун бўлган Талас, Исфижоб, Шош (Тошкент), Шарқий Фарғона, Еттисув ва Қошғар ерларини таркибига олган Шарқий хонлик



Қорахонийлар давлатининг бошқарув тизими маҳаллий ҳудудий бошқариш тартибига асосланган. Хонлик ҳудудлари ниҳоятда бепоён бўлганлигидан, ҳар бир йирик ҳудуд ёки вилоят елокхонлар (маҳаллий ҳукмдорлар) томонидан нисбатан мустақил тарзда идора қилинган (Масалан, Самарқанд, Бухоро, Еттисув в.б.). Елокхонлар тегишли микдордаги йиллик хирож ёки тўловларни марказий ҳокимият ҳукмдори - Тамғачхонга юбориб, амалда ўз мулкларини мустақил бошқарганлар.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда, турли сулолавий урушлар, зиддиятли жараёнлар гирдобида кечган. Айниқса хонликнинг муҳим ҳаётий марказлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Балх ва Термиз каби жойларни қўлга киритиш учун салжукийлар, қорахитойлар билан кўп бор уруш ҳаракатлари олиб борилган.

Хусусан, салжукийларнинг сўнги подшоҳи **Султон Санжар** (1118-1157) Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмдори **Арслонхон (1102-1130)**нинг заифлашиб қолганлигидан ва маҳаллий рухонийлар фитнасидан фойдаланиб, Самарқанд ва унинг атрофларини босиб олади. Шундан сўнг Қорахонийлар сулоласига мансуб маҳаллий хонлар амалда Султон Санжарга тобе бўлиб қоладилар. Бироқ кўп ўтмай бу ҳудудлар янгидан шарқдан бостириб келган Қорахитойлар таъсирига тушиб қолади.

Фақат 1211 йилга келиб, яъни сўнгги **Ҳоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200-1220)** даврида Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги расмий бошқаруви бутунлай барҳам топади.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир катор муҳим ўзгаришлар юз беради. Биринчидан, Қорахонийлар ўлкани забт этгач, бу ерда кўп асрлардан буён ҳукм суриб келган ерга эгаллик қилишнинг муҳим шакли – деҳқон мулкчилигини тугатиб, бу мулкларни давлат тасарруфига оладилар. Бу мулклар ўз навбатида қорахонийларга тобе бўлган содиқ амалдорлар, ҳарбий лашкарбошилар, давлат хизматчилари ёки уларга ён босган юқори рухонийлар, дин пешволарига мулк қилиб берилади. “Деҳқон” тушунчаси шундан бошлаб амалда ерни ишловчи, унда меҳнат қилиб кун кечирувчи ижтимоий тоифа мақомига кўчди.

Иккинчидан, Қорахонийлар даврига келиб ер-мулкка эгаллик қилишнинг “иктоъ” ва иктодорлик муносабатлари янада чуқур илдиз отади. Иктодорлар ўз тасарруфидаги ҳудудларда яшовчи аҳолидан олинадиган солиқлар эвазига катта даромадлар олганлар. Учинчидан, Ўрта Осиё ҳудудларининг Қорахонийлар давлати таркибига ўтиши ерли аҳоли этник таркибида ҳам муҳим ўзгаришларни вужудга келтиради. Қорахонийлар ҳокимиятининг бу ҳудудга ёйилиши айна замонда шарқий ҳудудлардан туркий қавмлар, элатларнинг бу ерларга келиб, ўрнашиб, ўтроқлашувига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса, шубҳасиз, ўзбек халқининг этник

шаклланиш жараёнига таъсир этади. Айни чоғда туркий тилнинг истеъмом доираси тўхтовсиз кенгайиб борди.

Шу билан бирга бу тилнинг маҳаллий халқ, элатларнинг адабий тили сифатидаги мавқеи ва мақоми ҳам таркиб топиб борди. Гўзал ва нафис қадимги туркий, яъни эски ўзбек адабиётининг юксак бадиий намуналари ҳисобланган **Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб** ва **Аҳмад Югнакий**ларнинг бетакрор ижодиёти бунга ёрқин далил бўла олади.

3. Ғазнавийлар

961 йилда Сомоний ҳукмдор Абдул Малик вафотидан сўнг давлатнинг заифлашганлигидан фойдаланиб, Ғазна мулкани асли туркий қавмга мансуб бўлган салоҳиятли лашкарбоши **Алптегин** кўлга киритади ва бу ҳудудда янги давлатга - Ғазнавийлар давлатига асос солади. Бироқ Ғазнавийлар давлатининг юксак мақомининг қарор топиши ва кенг эътирофи Сабуктегин номи билан боғлиқдир.

Сомонийлар даврида етук ҳарбий лашкарбоши даражасига эришган Сабуктегин 977 йилда Сомонийлар давлати ичида давом этаётган ўзаро низолардан фойдаланиб, Қобул дарёси ҳавзасига қарашли ерларни ҳам Ғазна вилоятига қўшиб, мустақил давлат тузишга муваффақ бўлади.

У тез орада Хуросонга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам кўлга киритади. Шу тариқа, Қорахонийлар Сомонийлар ҳукмронлигини қулатиб, Мовароуннахрни эгаллагунларига қадар Амударёнинг жанубида Сабуктегин ва унинг вафотидан сўнг ўғли Маҳмуд даврида Ғазнавийлар мавқеи ва давлат бошқаруви тизими кучаяди.

Ғазнавийларнинг энг юксалган, қудратли салтанатга айланган даври **Султон Маҳмуд (998-1030)** вақтига тўғри келади. Кези келганда Султон Маҳмуд катта кўшин тузиб, уни ўша даврнинг энг замонавий қурол-аслаҳалари билан, етарли маош билан таъминлаб, жуда кўплаб босқинчилик юришларини амалга оширди. У XI аср бошларида Амударё билан белгиланган шимолий чегараларни Қорахонийлар билан келишиб олгач, ўзининг асосий эътиборини жанубда - Ҳиндистонга, ғарбда - Хуросон ва унга чегарадош ҳудудлари томон қаратади. Фақат Ҳиндистонга 17 бор юриш қилиб, у ердан катта миқдордаги ўлжа-бойликлар олиб келади. Биргина 1019 йилда Кануаджа шаҳрини эгаллаб, олиб келинган ўлжа – катта миқдордаги олтин, кумуш ва қимматбаҳо буюмлардан ташқари 350 та фил ва 57 минг асир-қулни ташкил этган. У 1008 йилда Қорахонийлар билан тузилган шартномани бузиб, Амударё шимолидаги Чағаниён ва Хутталон вилоятларини босиб олади. 1010-1011 йилларда эса Маҳмуд катта кўшин билан жанг қилиб Ғур вилоятини эгаллайди. 1017 йилга келиб эса Маҳмуд Ғазнавийнинг нигоҳи географик жиҳатдан ғоятда қулай нуқтада жойлашган, бой ҳудуд - Хоразмга қаратилади. У Хоразмшоҳлар салтанатидаги қалтис сиёсий вазиятдан, хусусан Хоразмшоҳ

Маъмурнинг ўлимидан фойдаланиб, у ерга катта қўшин юбориб, осонлик билан Хоразмни тобе қилади. Айти пайтда шухратпараст Султон Хоразм Маъмур академиясининг бир қатор атоқли намояндаларини, шу жумладан, Абу Райҳон Берунийни Ғазнага олдириб келади. Унинг сўнгги истилочилик юришларидан бири 1029 йилда Эроннинг Рей шаҳрини эгаллаш бўлади.

Маъмур Ғазнавийнинг ҳарбий юришлари оқибатларидан бири шу бўлдики, шимолий Ҳиндистон ҳудудининг босиб олиниши натижасида туркий аҳолининг анча қисми бу жойларга келиб жойлаша бошлайди. Бу эса Ҳиндистоннинг кейинги тарихий тақдирига сезиларли таъсир кўрсатди.

Маъмур даврида Ғазнавийлар давлати ҳудудлари бениҳоя кенгайиб, мамлакат шаҳарларида, айтиқса Ғазнада катта иншоотлар, салобатли масжиду мадрасалар, кутубхонаю шифохоналар, илм масканлари кўплаб барпо этилган бўлса-да, бироқ кўпчилик аҳолининг моддий – маиший аҳволи ночор кечган, турли хил солиқ ва мажбуриятлар одамларнинг тинқасини қуритган.

1011 йилда Хуросон ўлкасида бошланган очарчилик минглаб одамларнинг нобуд бўлишига олиб келган. Шу боис Маъмур Ғазнавий давлати ташқаридан гўё қудратли кўрингани билан ҳақиқатда эса унинг ичдан емирилишини, омонатлигини пайқаш қийин эмас. Зеро, унинг вафотидан кейин кўп ўтмай бу салтанатнинг тушкунлик сари юз тутганлиги ҳам шундандир. Бу ўринда шуни айтиш кифояки, Султон Маъмур вафотидан кейинок Хоразм ўз мустақиллигини тиклашга эришди. Шунингдек, салжукий туркларнинг Хуросон ҳудудларини эгаллаш сари ҳаракатлари кучаяди. Агар Маъмур даврида унинг розилиги билан Хуросоннинг айрим ҳудудларига салжукий қабилалар келиб жойлашган бўлса, эндиликда улар бутун Хуросонни ишғол қилишга киришадилар. Ўлканинг Ғазнавийлар сиёсатидан, ҳаддан зиёд солиқ-тўловлар асоратидан норози бўлган маҳаллий аҳолиси ҳам Салжукийларни қўллаб-қувватлаб чиқади. Бу эса икки ўртадаги ҳарбий тўқнашувларнинг пировард якунига ҳал қилувчи таъсир ўтказади. Ғазнавийлар қўшини билан Салжукийлар ўртасидаги биринчи катта уруш 1035 йилда Нисса шаҳри ёнида бўлиб ўтди. У Салжукийлар ғалабаси билан якунланди. Кўп ўтмай Салжукийлар ўз ғалабаларини мустаҳкамлаб, Хуросоннинг анча қисмини, жумладан, Нишопурни қўлга киритдилар (1038й).

1040 йил баҳорида Данданакан ёнида (Сарахс билан Марв оралиғи) бўлган сўнгги ҳал қилувчи жангдан сўнг Маъмур Ғазнавий қўшини қакшатқич зарбага учраб, бутун Хуросон ўлкасидан маҳрум бўлади. Кўп ўтмай Маъмур укаси Муҳаммад томонидан қатл қилинади (1041й). Тез вақт ичида ҳокимиятни эгаллаган Маъмурнинг ўғли Мавдуд ҳам бир неча бор куч тўплаб салжукийлар билан уруш олиб борган бўлса-да, аммо ўз қўшинини мағлубиятдан сақлаб қола олмади. 1059 йилда Ғазнавийларнинг муҳим таянчи - Балхнинг Салжукийлар қўлига ўтиши Ғазнавийларнинг сўнгги умидини ҳам пучга чиқарди. Бу эса пировардида Ғазнавийлар

давлатининг путурдан кетказиб, тарих сахнасидан бутунлай тушиб кетишига сабаб бўлди.

Ғайнавийлар сулоласи

- Сабуктегин (977-997 йй)
- Махмуд Ғазнавий (998-1030йй)
- Маъсуд Ғазнавий (1030-1041йй)
- Мавдуд Ғазнавий (1041-1050йй)

4. Салжукийлар

Салжукийлар бу этник ном эмас, улар туркий ўғиз қабилаларидир. Улар Сирдарё куйи этакларида, Орол ҳавзасида яшаган, кўпроқ кўчманчи ҳаёт кечирган. «Ўғизнома» китобида нақл қилинишича, ўғиз уруғлари, қавмлари жуда қадимий тарихга эга бўлиб, уларга илк бор Ўғизхон номи буюк шахс бошчилик қилган. IX аср охири X аср ўрталарига келиб Оролбўйи ва Каспий шимолида Ўғиз уруғлари иттифоқи шаклланган. X аср охирларида Сирдарё этагида пойтахти Янгикент бўлган ўғизлар давлати ташкил топади. XI аср ўрталарига келиб бу давлат шимолий шарқдан бостириб келган кипчоқлар зарбасига учрайди. Натижада ўғиз уруғларининг бир қисми шимолга - даштли ҳудудларга, бир қисми олд Осиё мамлакатларига чекинади, яна бир қисми эса ҳозирги Туркменистон ҳудудига ўтиб, ерли аҳоли билан қўшилишиб, туркманлар номи билан аталиб кетади. Тарихчи Рашиддин, шунингдек, Махмуд Қошғарий, Абул Ғозийларнинг маълумотларига қараганда, ўғизлар 22 ёки 24 қабиладан, чунончи, чавдир, емрели, ичдир, язир, салир, кородошли, баёт, койи, татурга ва бошқалардан ташкил топган.

Сирдарё куйи оқимида пайдо бўлган ўғиз давлатининг дастлабки ёбғуси (подшоси) **Салжукбек** бўлган. Унинг авлодлари **Туғрулбек**, **Довудбек**, **Чағрибек** ва **Шакарбеклар** ўз даврларида салжукийлар шухратини юксакка кўтардилар.

Салжукийлар сулоласи намоялари

- Салжукбек
- Туғрилбек (1038-1063)
- Алп-Арслон (1063-1072)
- Маликшоҳ (1072-1092)
- Султон Санжар (1118-1157)

Ҳозирги Туркия турклари, Ироқ, Эронда яшовчи туркманлар, шунингдек, гагаузлар, озарбайжон халқларининг шаклланишида салжукий туркларнинг роли ва таъсири алоҳидадир.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида уларнинг рухсати билан салжукий қабилалар Зарафшон воҳасига, Нуротанинг тоғли ерларига келиб ўрнашиб, чорвачилик билан шуғулланганлар. Кейинроқ Мовароуннахр ҳудудлари қорахонийлар сулоласи томонидан эгалланиб, уларнинг чорвадор

хўжаликлари бу ерларни банд этгач, салжуқийларнинг яшаш шароитлари мушкуллашади. Шу боис улар ғарбга томон силжишга мажбур бўладилар. XI асрнинг 20-30 йилларига келиб салжуқий уруғ-қабилаларнинг ҳозирги туркман ерлари орқали Ғазнавийлар тасарруфидаги Хуросон ўлкасига кириб бориши фаоллашади. **1038 йилда** Сарахсада, **1040 йилда** Данданаканда бўлиб ўтган ҳал қилувчи урушлар давомида Салжуқийлар Ғазнавийларни енгиб, бутун Хуросон ерларини эгаллаб, ўз давлати марказини шу ҳудудга кўчирадилар. Шу тариқа, Нишопур шаҳри Салжуқийлар пойтахтига айланади. Салжуқийлар ҳукмдори Туғрулбек эгалланган Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларини ўз авлодлари - Чағрилбек ва Довудбеклар тасарруфида қолдириб, ўзи ғарбга томон ҳарбий юришларини давом эттиради. **Туғрулбекнинг 1038-1063 йилларни ўз ичига олган ҳукмронлик даври** олд Осиё ва Кичик Осиёнинг катта ҳудудларини қўлга киритилганлиги билан тавсифланади.

Бу давр мобайнида Салжуқийлар Гургон, Табаристон, Хоразм, Озарбайжон, Курдистон ҳудудларини, ҳозирги ғарбий Эрон вилоятларининг бир қисмини, шунингдек, Форс, Кермон вилоятларини эгаллайдилар. 1055 йилда эса халифалик маркази Бағдод ишғол қилинади. Айни пайтда Византиянинг Кавказдаги таъсирига ҳам кучли зарба берилади. Шундай қилиб, Туғрулбек кучли Салжуқий султонлигига асос солади. Унинг вориси **Алп-Арслон (1063-1072)** ҳам жаҳонгирлик юришларини давом эттиради. Унинг даврида Ўрта ер денгизига қадар бўлган Кичик Осиё ерлари эгалланади. Эндиликда Салжуқийлар салтанати Мовароуннаҳрдан то Ўрта Ер денгизига қадар бепоён ҳудудларга ёйилади.

Алп-Арслон мамлакат пойтахтини Нишопурдан Марвга кўчиради. У ўз подшолиги даврининг катта қисмини яна шарққа - Мовароуннаҳрнинг Қорахонийлар таъсирида бўлган жойларини эгаллашга қаратади. Шу мақсадда у Хоразм ерларини, сўнгра Жанд, Сабронни қўлга киритади. Кейинроқ Чағаниён ва Хутталон вилоятларини босиб олиш учун қўшин тузади. Бироқ Алп-Арслон 1072 йилда 200 минглик қўшин билан Амударё кечувидан ўтиш чоғида кутилмаганда халок бўлади

Салжуқийлар давлати кудратининг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги энг кучайган пайти **Маликшоҳ (1072-1092)** даврига тўғри келади. Гап шундаки, худди шу йилларда Маликшоҳ ва унинг тадбиркор, доно вазири **Низомулмулк** томонидан мамлакат ҳаётининг кўплаб соҳаларида жуда муҳим ижобий ўзгаришлар амалга оширилади. Аввало, Салжуқийлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги мақоми янада мустаҳкамланади. Маликшоҳ муҳим стратегик аҳамиятга молик Балх ва Термиз ҳудудларини Қорахонийлардан қайтариб олади. Шунингдек Қорахонийлар ҳукмдори **Шамсулмулк** вафотидан сўнг вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланиб, 1089 йилда катта қўшин тортиб Бухоро ва Самарқандни эгаллайди ва **янги хон Аҳмадни** асир қилади. Гарчанд тез орада Аҳмад

Қорахонийлар хонлиги тахтига қайтарилган бўлса-да, бироқ амалда Қорахонийлар Салжукийларга тобе бўлиб қолади.

Маликшоҳ даврида давлат ҳокимиятининг кучайишида доно вазир **Низомулмулк (1017-1092)** роли беназирдир. Катта ҳуқуқ ва кенг ваколатларга эга бўлган биринчи вазир марказий ҳокимиятни кучайтиришга, давлат амалдорларининг масъулияти, жавобгарлигини оширишга, давлатнинг молия, солиқ ва бошқа бошқарув тизимларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият беради. У ўзининг бу борадаги юксак салоҳияти ва тажрибасини умумлаштириб, машҳур «Сиёсатнома» асарини ёзади. Бу китоб катта шухрат ва эътироф қозониб, мана, неча асрлардирки, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг давлат арбоблари, вазиру вузаролари учун сиёсат бобида муҳим дастуруламал қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.

Низомулмулкнинг раҳномолиги ва ташаббуси билан Бағдод, Нишопур, Ҳирот, Балх, Марв каби шаҳарларда олий мадрасалар очилиб, уларда жуда кўплаб ўқимишли ёшларнинг таълим-тарбия олиши яхши йўлга қўйилди. Мамлакат шаҳарларининг хунармандчилик ва савдо-сотик, қарвон савдоси марказлари сифатидаги мавқеи кучайиб, халқаро Ипак йўлининг роли ортиб борди.

Бу даврда «иктоъ» тизими кучли ривожланган бўлиб, унинг билан боғлиқ мулкый муносабатлар қишлоқ хўжалиги соҳасида етакчи мавқе эгаллаган.

Салжукийларнинг энг сўнгги ҳукмдори **Султон Санжар (1118-1157)** бу давлатнинг ҳам юксалиши, ҳам ҳалокатга юз тутиши билан ўзига хос мураккаб, зиддиятли даврни акс эттиради.

Негаки, бу йилларда Салжукийлар ҳукмронлиги Хуросон ва Мовароуннаҳрда янада мустаҳкамланди. Қорахонийлар ҳукмдорлари амалда уларга тобелик мақомига тушиб қолган эди.

Айниқса, 1130 йилда Санжар томонидан бу сулоланинг асосий ҳаётий марказлари Самарқанд, Бухоронинг эгалланганлиги (гарчанд булар яна Қорахонийларга қайтариб берилган бўлса-да) факти ҳам фикримизни исбот этади. Бу даврда Хоразм ерлари ҳам амалда Салжукийлар таъсирида бўлиб, Хоразмшоҳлар, масалан, Қутбиддин Муҳаммад, Отсиз расман уларга итоат этардилар.

Бироқ XI асрнинг 40-йилларига келиб Салжукийлар давлатининг мавқеи путурдан кета бошлади. Бунда айниқса Шарқдан бостириб келган Қорахитойлар бир вақтнинг ўзида ҳам Қорахонийларга ва ҳамда Салжукийлар салтанатига катта хавф солади. Султон Санжар ва Қорахонийлар хони Маҳмуднинг бирлашган қўшини 1141 йилда Самарқанд яқинидаги Катвон чўлида Қорахитойлар билан бўлган ҳал қилувчи жангда қақшатқич мағлубиятга учрагач, Мовароуннаҳр ерлари Қорахитойлар қўли остига ўтади. Салжукийлар эса катта ҳудудларга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қорахитойлар эса Мовароуннахрни ишғол этиш билан бирга, бу ердаги сулолалар ҳукмронлигини йикитмай, уларни ўзларига вассал қилиш, мунтазам бож, хирож олиб туриш шарти билан кифояландилар.

Шунинг учун ҳам Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқалар Боласоғунда турувчи Қорахитойлар ҳукмдори Гурхонга келишилган миқдордаги хирож-ўлпонни юбориб туришга мажбур эдилар.

Султон Санжарнинг кейинги тақдири ҳам фавкулудда ҳолатда кечди. У 1153 йилда Балх вилоятининг тоғли ҳудудида кўчиб юрувчи ғуз қабилаларининг ғалаёнларини бостириш чоғида қутилмаганда асирга тушиб қолади. У уч йил давомида ғузлар қўлида асирда бўлади. Бу вақт ичида ғузларнинг Хуросон ва Мовароуннахрнинг жанубий-шарқий ерларига босқинлари тез-тез такрорланиб туради.

Фақат 1156 йилдагина Султон Санжар тутқунликдан қутулишга муваффақ бўлади ва бир йилдан сўнг вафот этади. Унинг ўлими билан бир вақтда ўз даврида қудратли бўлган марказлашган Салжуқийлар давлати-ю, унинг шону-шуҳрати ҳам сўнади. Бу даврга келиб Кермон ўз мустақиллигига эришади. Форс ва Озарбайжон ҳудудларида мустақил давлатлар пайдо бўлади. Хуросон ҳам Салжуқийлар тобелигидан чиқади. Араб халифалиги ўзининг аввалги мустақиллигини тиклайди. Айни чоғда Кичик Осиё ҳудудида Салжуқий туркларнинг узил-кесил жойлашуви жараёни кучаяди ҳам уларнинг мустақил давлат тузилмалари вужудга кела боради. Булар кейинчалик Усмонли турклар давлатининг таркиб топиб, мустақамланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

5. Хоразмшоҳлар

Хоразм воҳаси ўзининг қулай стратегик ва жуғрофий мавқеи ҳамда қадимдан ривожланган ҳудуд бўлганлигидан, у Марказий Осиё минтақасида турли даврларда кечган муҳим тарихий жараёнларда алоҳида ўрин тутиб, ўз муайян таъсирини ўтказиб борган. Ватанимиз ҳудудида милоддан аввалги сўнгги минг йиллик бошларидаги илк давлатчилик тузилмалари ҳам шу ҳудудда вужудга келган. Милоднинг турли босқичларида ҳам Хоразмшоҳлар сулоласи номи билан ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар хонадони тарихдан маълум. Булар: 305-995 йилларда **африғийлар хонадони, 995-1017 йилларда маъмунийлар (Маъмун I, Абдулҳасан Али, Маъмун II), 1017-1034 йилларда эса Олтинтошийлар (Олтунтош, Ҳорун, Ҳандон) сулолалари Хоразмшоҳлар** унвони билан давлат бошқарувини амалга оширганлар.

Бироқ минг таассуфки, XI асрнинг бошларида юз берган тарихий жараёнлар тақозоси билан Хоразм давлати таназзулликка учраб, заифлашиб, минтақанинг бошқа сулолалари, чунончи, аввал бошда Ғазнавийлар ҳукмронлиги (1017-1044), ундан сўнг Салжуқийлар бошқаруви таъсирига тушиб қолганди. Шунингдек, XI асрнинг 40 йилларида шарқдан бостириб келган кўп сонли Қорахитойлар ҳам Хоразм

ерларини ишғол этиб, бу ҳудудлардан белгиланган миқдордаги хирож тўловларини олиш ҳуқуқини қўлга киритгандилар. Бинобарин, XI аср иккинчи ярмига келиб Хоразм олдида янгидан мустақилликка эришиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди.

Бунда шунини таъкидлаш жоизки, Хоразмнинг қайтадан мустақилликни қўлга киритиши, ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, бутун-бутун ўлкаларни ўз таркибига киритиб, кудратли салтанат даражасига кўтарилиши, сўнгра унинг пировардида инкирозга йўлиқиши - бу жараёнлар янги сулола - Ануштагинлар сулоласи (1097-1231) номи билан узвий боғлиқдир.

**Хоразмшоҳлар
(Ануштагинлар)
сулоласи**

- Ануштагин (1077-1097)
- Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127)
- Жалолоддин Отсиз (1127-1156)
- Алп-Арслон (1156-1172)
- Алоуддин Такаш (1172-1200)
- Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1221)
- Жалолоддин Мангуберди (1221-1231)

Хусусан салжуқий ҳукмдорлардан **Маликшоҳ (1071-1092)** даврида катта обрў - мартабага эришган **ҳарбий лашкарбоши Алптегиннинг Хоразм ҳукмдори этиб тайинланиши (1077-1097)** ҳамда кўп ўтмай унинг Хоразмшоҳ унвонига сазовар бўлиши – бу Хоразмнинг мустақилликка эришишида жиддий қадам бўлган эди. 1097 йилда унинг ўрнига Хоразм тахтига ўтирган ва Хоразмшоҳ унвони соҳиби **Қутбиддин Муҳаммад** ўлка мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Қутбиддин Муҳаммад ҳам Салжуқийлар ҳукмронлигини тан олган ҳолда Хоразмни идора қилди. Бироқ шунга қарамай ўлканинг ҳар томонлама ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалиши учун ҳам муҳим имкониятлар топа билди.

Хоразм мустақиллигини таъминлаш, унинг сарҳадларини кенгайтиришда Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли **Жалолоддин Отсиз (1127-1156)**нинг роли алоҳидадир. Негаки, у Қорахонийлар кучсизлигидан ва Салжуқийлар заифлигидан фойдаланиб, ўз давлати кудратини юксалтира борди. Унинг 1141 йилда олтин тангалар зарб эттириб муомалага чиқариши ҳам Хоразм мустақиллигининг муҳим белгиси бўлган.

У Қорахитойлар билан келишиб, уларга ҳар йили 30 минг дирхам миқдорда тўлов тўлаш шarti билан амалда ўз давлатининг ички мустақиллигини таъминлайди.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатидаги равнақи, ҳудудларининг бениҳоя кенгайиб боришида **Аловуддин Такашнинг ўрни** ва роли катта бўлган. Унинг ҳукмронлик даврида (1172-1200) Хоразм воҳасида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Янгидан қад ростлаган ўнлаб шаҳарларнинг ободонлашувидан ташқари уларнинг савдо-сотик, ҳунармандчилик, карвон савдоси бобидаги доврўғи янада ортди, кишлок хўжалиги, зироатчилик

тармоқлари ривожланди, кўплаб каналлар, сув иншоотлари барпо этилди. Бундай ижобий жараёнлар **Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220)** даврида ҳам давом эттирилди. Айни замонда ўзига хос марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви тизими вужудга келтирилиб, такомиллаштириб борилди. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини мустаҳкамлаш, унинг ички тараққиётини таъминлаш ҳамда изчил ташқи сиёсат олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ануштегинларнинг давлат бошқаруви ҳам икки тизимдан: даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган.

Даргоҳда Улуғ хожиб мансаби алоҳида ўрин тутган. У ҳукмдорнинг хос кишиси саналиб, лозим бўлган ҳолларда вазирлар фаолиятини ҳам назорат қилган. Хожиблар ҳукмдор номидан муҳим давлат аҳамиятига дахлдор масалаларда музокаралар олиб борганлар. Даргоҳдаги яна бир олий лавозим **Соҳиби устоздор** ҳисобланган. Хазина маблағларининг бутун тасарруфи унинг ихтиёрида бўлган. Даргоҳ ҳаётига оид кўплаб муҳим масалалар устоздор назарида турган. Давлатдаги Таштдор лавозими ҳам муҳим саналиб, у султоннинг энг сирдош кишиси ҳисобланган. Таштдор ҳукмдор махфий сирларидан огоҳ бўлиб, доимо у билан баҳамжиҳат ҳолда фаолият юритган. Олий лавозимлардан яна бири - **Қиссадор** бўлиб, у Султон номига келган арз, шикоятларни йиғиб, ўрганиб, уларни ҳукмдор ҳукмига ҳавола қилиб борган. Даргоҳдаги хизмат турлари ичида **Чашнигир** - султонга бериладиган овқат, ичимликларни текширувчи, **Жомадор**, **Даватдор** (котиб), **Шаробдор**, **Байроқдор** (амири алам), хизматкорлар бошлиғи (**Малики хавас**) каби вазифалар ҳам алоҳида кўзга ташланиб туради. Ижроия ишлар девонлар (вазирликлар) томонидан амалга оширилган. Айниқса бунда **Бош вазир** катта мавқега эга бўлиб, у фақат ҳукмдорга бўйсунган. Мансабдорларни ишдан олиш, ишга тайинлаш, маош, нафақа тайинлаш, хазина ва солиқ тизимини назорат қилиш, маҳаллий вазирлар ҳисоботини олиш ва шу кабилар унинг ваколатида бўлган¹.

Девонлар ҳам ўз ваколатлари доирасида фаолият юритганлар. Масалан, **иншо** ёки **туғро** девони расмий хужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шуғулланган. Шунингдек, молия ишлари билан **истифо** девони, давлат назорати тадбирлари билан **ишроф** девони, ҳарбий ишлар билан **Девони арз ёки Жайш** шуғулланган. Султон хонодони ҳаётига, иқтисодиётига тегишли яна бир муҳим девон мавжуд бўлиб, у **Девони хос** номи билан аталган.

Сўнгги Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий соҳага алоҳида аҳамият берилган. Бунда бир неча юз минглик қўшиндан ташқари олий ҳукмдорнинг махсус шахсий гвардияси (Ҳарос) катта мавқега эга бўлган. Султон Муҳаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг нафар кишидан ташкил

¹ Буниёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Т., «Ғофур Ғулом» нашр, 1998, 124-бет.

топган. Ҳарбий қисмларда **Ҳарбий назоратчи, сипоҳсалор, соҳиби жайш** (вилоят кўшини бошлиғи), **Амир ул-умаро, Малик** (10 минг кўшин бошлиғи), **Човуш** (чопар), **Жосус** (разведкачи), **Аскар қозиси** каби мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳларнинг катта кўшин тузиб бошқа мамлакатлар, элларни босиб олиш, уларни ўз тасарруфларига киритиш борасида олиб борган кўп йиллик истилочилик юришлари, бир томондан, Хоразмшоҳлар салтанати шуҳратини ошириб, унинг ҳудудларини бениҳоя кенгайтиришга олиб келган бўлса, иккинчи томондан эса, бу ҳол пировард оқибатда бу давлатнинг чуқур ички тушкунликка, таназзулликка йўлиқишига ҳам сабаб бўлди.

Жумладан, Такаш ўзининг XII асрнинг 80-90 йиллардаги истилочилик юришлари давомида Сарахс, Нишопур, Рей, Марв каби муҳим шаҳарларни ишғол этган.

Такаш вафотидан сўнг давлат ҳукмдори бўлган Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ҳам мамлакат ҳудудлари кенгайишда давом этади. Бу вақтга келиб Хоразмшоҳлар давлати ҳудудлари ғарбий-жанубга қараб Хормуз, Форс қўлтиғи, Ироқ ерларига қадар ёйилади. Унинг таркибига 400 дан зиёд шаҳарлар кирарди. Хоразмшоҳ Бағдод халифалигини қўлга киритиш учун ҳам интилган. Бу эса бутун мусулмон оламининг унга нисбатан қаҳру-ғазабига сабаб бўлган.

Муҳаммад Хоразмшоҳ 1211 йилда қорахитойларни узил-кесил қувиб, Хоразм довуғини кўтарганидан сўнг, у ўзига ортикча бино қўйиб, ўзини **“Искандари Соний”**, **“Аллоҳнинг ердаги сояси”** деб улуғлашни буюради. Гарчанд Хоразмшоҳ қанчалик ўзини кўкларга кўтармасин ёхуд босқинчилик урушлари олиб бормасин, бироқ бундан мамлакатнинг чуқур ички зиддиятлар ва таназзулликларга дучор бўлганлигини қайд этмасдан бўлмайди. Шоҳнинг катта кўшин тузиб, тўхтовсиз олиб борган бесамар урушлари, бунинг асоратли оқибатлари, энг аввало, мамлакат халқининг тинкасини қуритаёзганди. Бунинг устига маҳаллий ҳокимлар, бек-амалдорларнинг ўзбошимчалик билан халқ бошига солаётган беҳад жабр-зулми, бунга жавобан юз бераётган халқ ғалаёнлари (масалан, 1206-1207 йилларда Бухорода, 1212 йилда Самарқандда кўтарилган кўзғолонлар) салтанатнинг ичдан емирилишига сабаб бўлмоқда эди. Сўнгра олий ҳокимият ичидаги кучли муҳолифатчилик ҳаракати, хусусан, Хоразмшоҳ билан унинг онаси **Туркон Хотун** тарафдорлари ўртасидаги очик-ошкор тарздаги сиёсий кураш ҳам Хоразм давлатининг бекарорлик ҳолатини яққол кўрсатарди.

Кўшни Хоразмшоҳлар давлатида кечаётган бу хилдаги чуқур таназзуллик ҳолатларидан тўла хабардор бўлган, ундаги барча жараёнларни ўзининг махсус жосуслик маҳкамаси орқали синчковлик билан кузатиб турган Шарқдаги бошқа бир қудратли мўғул давлати ҳукмдори Чингизхон

эса катта ҳарбий тайёргарлик кўриб, тез орада Мовароуннаҳр сарҳадлари томон истилочилик урушларини бошлашга чоғланаётганди.

Дарҳақиқат, XIII асрнинг биринчи чорагида амалга оширилган мўғул-татар галаларининг шафқатсиз босқини нафақат Хоразмшоҳлар давлати тарихида, балки шу билан бирга унда яшаган барча улуг аждодларимиз қисматида ҳам мислсиз фожиа бўлди.

6. Маданий тараққиёт, илм-фан равнақи

Моддий маданият Туронзамин улус ва элатлари истиқомат қилган ҳудуднинг араблар истилоси ва асоратидан халос этилиши, ўз мустақиллик мақомига эга бўлиши юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига сезиларли ижобий таъсир этди. Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар сулолалари ҳукмронлик қилган IX-XII асрларда Мовароуннаҳр сарҳадларида яшаган улус-элатлар ўртасида нисбатан тинчлик, осойишталик, тотувлик, яқинлик ва ҳамжихатлик вужудга келдики, бунинг орқасида ўлкада моддий ишлаб чиқариш, маданий ривожланиш жараёни анча тезлашди, шаҳарлар ҳаёти юксалди, савдо-сотик, хунармандчилик ўсди, аҳоли фаровонлиги кўтарилди борди.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривож топиб борди. Халқ ичидан чиққан маҳаллий усталар, меъморлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар, мискарлар томонидан юрт довуғини оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, санъат намуналари бунёд топди.

**Уйғониш даври
меъморчилигининг
ноёб обидалари**

- Исмоил Сомоний мақбараси (Бухоро, X аср)
- Регистон мажмуи (Бухоро, X аср)
- Араб ота мақбараси (Самарқанд яқинидаги Тим кишлоғи, X аср)
- Султон Санжар мақбараси (Марв, XII аср)
- Қорахонийлар мақбараси (Ўзган, XI аср)
- Ғазнавийларнинг ёзги саройи мажмуи (Ғазна, XI аср)
- Минораи Калон мақбараси (Бухоро, 1127 й.)

Илм-фан равнақи Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар сулолаларига мансуб маърифатпарвар ҳукмдорларнинг илм-фан ва маданиятга доимий рағбат беришлари орқасида кўплаб истеъдод соҳибларининг салоҳияти, ижоди ўсиб, юксалиб борган. Ўша давр ҳукмдорлари ташаббуси билан бунёд этилган ва фаолият кўрсатган кутубхоналарда сон-саноксиз ноёб, қимматбаҳо китоблар, кўлёмалар тўпланганки, булардан ҳозирги авлод кишилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Ибн Синодек буюк зот ҳам биринчи бор танишиб ҳайратланган Сомонийлар саройи қошидаги бой кутубхона ҳам мана шундай илм масканларидан бири бўлган.

Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг ўсишида ислом маданиятининг аҳамияти катта бўлди. Ислום фақат дингина эмас, балки янги маънавий йўналиш сифатида ҳам бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий-маданий ва маърифий алоқаларнинг кучайишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу даврда маънавиятда ҳурфикрлилик, ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устиворлик қилган. Диний ва дунёвий илмлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривож топиб борди. Қадимги Юнон, Ҳинд ва бошқа юртлар анъаналаридан, билим манбаларидан ҳам кенг ижодий фойдаланилди.

X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср бошларида Хоразмда вужудга келиб кенг фаолият кўрсатган машхур Маъмун академияси илм-фан равнақиға ижобий таъсир этди. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Мансур ибн Ироқ сингари илм пешволари ҳам дастлаб шу фан масканида улғайиб, камолот босқичиға кўтарилганлар.

IX-XII асрларда Мовароуннахрда илм-фан юксалди, ҳозирги замон фанининг кўплаб тармоқлари ва йўналишларига чинакам пойдевор яратилди. Хусусан математика, алгебра, астрономия, тиббиёт, геология, геодезия, жуғрофия, фалсафа сингари дунёвий фанларнинг тамал тоши том маънода шу даврда кўйилди.

**Жаҳон фани ва
цивилизациясига
ҳисса қўшган
буюк
алломаларимиз**

- Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850)
- Аҳмад ал-Марвозий (780-880)
- Аҳмад ал-Фарғоний (797-865)
- Абу Наср Форобий (873-950)
- Абу Бакр Муҳаммад Наршаҳий (899-959)
- Абу Абдуллох Хоразмий (вафоти 997й)
- Абу Райхон Беруний (973-1048)
- Абу Бакр ал-Хоразмий (935-993)
- Абу Али ибн Сино (980-1037)
- Исмоил Журжоний (1042-1136)
- Маҳмуд аз-Замаҳшарий (1075-1149)
- Бурҳониддин Марғиноний (1123-1197)
- Маҳмуд Чағминий (XII-XIII аср бошлари)

Буюк математик, астроном ва географ олим **Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850)** номи фан тарихида алоҳида ўрин тутди. Олим ўзининг «Ҳисоб алжабр вал Муқобала», «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб», «Қуёш соатлари ҳақида рисола», «Астрономик жадваллар» сингари асарлари билан «Алгебра» фаниға асос солди. Унинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги пайтда биз фойдаланаётган ўнлик ҳисоблаш системасининг Европада тарқалишиға сабаб бўлди. Алломанинг «ал-Хоразмий» номи «алгоритм» шаклида фанда абадий муҳрланиб қолди. Олимнинг «Китоб сурат ал-арз» номли географияға доир асари шу қадар фундаментал аҳамиятға эғаки, у араб тилида кўплаб географик

асарларнинг яратилишига замин яратди. Унинг Шарқ географиясининг отаси деб номланиши ҳам шундан. Хоразмий яратган «Зиж» Оврўпада ҳам, Шарқда ҳам астрономия фанининг ривожланиши йўлларини белгилаб берди. Аллома қаламига мансуб «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби») асари Мовароуннаҳр, Хуросон ва Кичик Осиё халқларининг VIII-IX асрларга оид тарихини тўлақонли ёритишда муҳим кўлланмадир. Ал-Хоразмийнинг араб илмий дунёсининг йирик маркази - Бағдоддаги Маъмун академиясида ишлаган даврлари унинг истеъдодининг энг барқ урган пайтлари бўлди. У шу академиянинг раҳбари сифатида илм аҳлига ибрат кўрсатди.

Ўрта Осиёлик буюк алломалар орасида **Аҳмад ал-Фарғоний (797-865)** номи алоҳида кўзга ташланиб туради. Олимнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний бўлиб, аслида Фарғонанинг Қува шаҳрида таваллуд топган. Илм йўлида заҳмат чекиб кўп юртларни кезган. Умрининг кўп қисмини хорижий элларда, халифалик марказларида ўтказган. Унинг бутун онгли ҳаёти ва фаолияти фан йўлига бағишланган. Аҳмад ал-Фарғоний етук астроном, математик ва географ олим сифатида шуҳрат топган. Жуда кўплаб фундаментал асарларнинг муаллифи, Бағдоддаги **Байтул Ҳикма (академия)**нинг номдор намояндаларидан биридир.

Ал-Фарғоний илмий салоҳиятининг маҳсули бўлган «**Астрономия асослари ҳақида китоб**», «**Астурлуб яшаш ҳақида китоб**», «**Ал-Фарғоний жадваллари**», «**Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола**», «**Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида**», «**Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш**» номли китоблари ҳақли равишда жаҳон фани хазинасининг ноёб дурдоналари саналади. У Фарб олимлари орасида «**Алфраганус**» номи билан машҳур.

Жаҳон фани равнақиға беназир ҳисса қўшган Уйғониш даври даҳолари орасида буюк юртдошимиз **Абу Наср Форобий (873-950)** сиймоси ёруғ юлдуздек фан осмонида чарақлаб туради. Ўзининг қомусий билимлари, айниқса фалсафа соҳасидаги бетимсол хизматлари билан у «Ал-Муаллим ас-соний» - «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» номи билан машҳурдир.

Илму урфонга ошуфталик, инсоният бахту саодати йўлиға ўзни бахшида этишлик Форобийни ўз туғилган она юрти - Фороб-Ўтрорни ўсмирлик чоғиданок тарқ этиб, ўша даврнинг энг машҳур илм масканлари ҳисобланган Эрон ва Арабистон шаҳарларига бориб, бир умр илм-фан билан машғул бўлишға ундайди. У табиий ва ижтимоий фанларға оид 160 дан зиёд асарлар яратган. Айниқса фалсафа илмини ривожлантиришға катта улуш қўшган.

Форобийнинг Аристотель (Арасту) асарларини, хусусан унинг «**Метафизика**», «**Этика**», «**Риторика**», «**Софистика**» сингари шоҳ асарларини чуқур илмий шарҳлаш, мазмун-мундарижасини теран ёритиб беришдаги хизматлари беназирдир.

Форобийнинг «**Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи**», «**Фалсафаға изоҳлар**», «**Фозил одамлар шаҳри**» сингари асарлари аллома қизиқиш доираси, маънавий оламнинг нечоғлик кенглиги, беҳудудлигидан нишона бериб туради.

Ўрта асрлар даври шароитида Ватанимиз шарафини ўзининг бекиёс дунёвий асарларида улуғлаган, астрономия, физика, математика, геология, геодезия, география, минералогия, тарих сингари фанлар йўналишида мислсиз кашфиётлар қилган қомусий билм соҳибларидан яна бири **Абу Райҳон Беруний (973-1048)**дир. Асли Хоразм юртидан бўлган алломанинг бутун ҳаёти тўлалигича илм-фанга бағишланган.

Унинг қаламига мансуб юзлаб ноёб асарлар ичида бизнинг давримизгача сақланиб, ўз бебаҳо аҳамиятини йўқотмай, бугунги авлод кишилари учун ўрганиш манбаи бўлиб келаётганлари ҳам талайгина. Булар жумласига **«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Ҳиндистон», «Маъсуд қонуни», «Минералогия», «Сайдона», «Астрологияга кириш», «Астрономия калити», «Жонни даволовчи қуёш китоби», «Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар», «Ибн Сино билан ёзишмалар»** сингари тарихий китобларни киритиш мумкин. Беруний асарлари кўп асрлардан буён Шарқу Ғарбда кенг тарқалган бўлиб, улар юксак қадр топган. Аллома мероси унинг бугунги мустақил юртида, миннатдор авлодлари нигоҳида, доимий эътиборида, эъзозидадир.

Абу Райҳон Берунийнинг замондоши ва сафдоши **Абу Али ибн Сино (980-1037)** ҳам ўз даврининг етук алломаси, фан фидойиси сифатида машҳурдир. Ибн Сино асарлари умумий сонининг 450 дан ошиши ҳам бунга гувоҳдир. Бирок булардан 160 га яқини бизгача етиб келган, холос. Аллома номини дунёга танитган нарса, бу унинг тиббиёт соҳасидаги мислсиз кашфиётидир. Ибн Синонинг араб тилида яратган **5 жилдли «Ал-Қонун» («Тиб қонунлари»)** асари тиббиётга оид беназир дастуриламалдир. 5 мустақил китобдан иборат бу мажмуани кўздан кечирарканмиз, алломанинг юксак табиблик салоҳиятига, касалликларни аниқлаш, уларни даволаш борасидаги маҳоратига, билимдонлигига тан берамиз. Жумладан, «Қонун»нинг иккинчи китобида 800 га яқин дориларнинг шифобахш хусусиятлари баён этилганлиги бунинг айна исботидир.

Абу Али ибн Сино илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам баракали ижод қилган. Унинг **«Донишнома», «Инсоф китоби», «Нажот китоби», 10 жилдли «Араб тили китоби»** ёхуд бадиий ижодга оид **«Тайр қиссаси», «Саломон ва Ибсол», «Хайй ибн Яқзон»** асарлари бунинг ёрқин ифодасидир.

Тарих илмида беназир бўлган **Муҳаммад Наршаҳий (899-959)** ўзининг **«Бухоро тарихи» («Тарихи Наршаҳий»)** асари орқали ўз даврининг катта, кўламли масалаларини ўртага қўйиб, уларни ҳаққоний тарзда ёритиб берди. Китобда арабларнинг Ўрта Осиёни забт этиб, кириб келиши, машҳур Муқанна кўзғолони, шунингдек Сомонийлар давридаги давлат бошқаруви тизими, пул муносабатлари, солиқ тизими, Бухоро давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид кўплаб қизиқарли маълумотлар акс этган.

Кўхна Хоразм фарзанди **Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144)** номи ҳам фан осмонидаги ёрқин юлдузлари сафига киради. Буюк мутафаккир араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳ (қонуншунослик)ка оид 50 дан зиёд ноёб асарларнинг муаллифидир. Унинг

«Ал-Муфассал», «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ал-балоға» («Нотиклик асослари»), «Хутбалар ва ваъзлар баёнида олгин шодалар», «Эзгулар бахори ва яхшилар баёни», «Арузда ўлчов (меъзон)», «Нихоясига етган масалалар», «Нозик иборалар», «Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш» каби асарлари бутун Шарқ ва араб дунёсида эътироф топган.

Шунингдек, **Исмоил Журжоний, Махмуд Чағминий, Бурхониддин ал-Марғиноний** каби алломаларимиз яратган бой илмий-маънавий мерос ҳам Ватанимиз шуҳратини оламга таратди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё худудида юз берган Уйғониш даврида кўплаб фавкулудда истеъдод соҳиблари етишиб чиқдики, улар жаҳон фанининг турли йўналишларида бетакрор кашфиётлар, чинакам мўъжизалар яратдилар. Бу билан улар Ватанимиз шону шарафини юксакларга кўтардилар ҳамда келгуси миннатдор авлодлар учун битма-туганмас бой мерос қолдирдилар.

Бадий адабиёт Ўрта Осиё Уйғониш даври маданияти хусусида гап борар экан, бунда унинг муҳим таркибий қисми, халқ даҳоси маҳсули бўлган бадий адабиёт ва унинг ажойиб намояндаларининг серкирра ижоди тўғрисида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди.

IX-XII асрлар адабий жараёнининг ривожига жиддий ҳисса қўшган, бадий сўз кадрилини юксакка кўтарган даҳо адиблар тўғрисида сўз юритганда **Аҳмад Югнакий, Махмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Хусрав** сингари азиз сиймолар номлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирининг мангуликка муҳрланган ҳаётбахш ижоди неча асрлар оша ҳамон кишилар шуури, қалбига эстетик ҳузур, қувонч бағишлаб, уларни юксак орзу, мақсадлар сари илҳомлантириб келади.

Туркий (эски ўзбек) адабиётининг асосчиларидан саналган **Махмуд Қошғарий (XI аср)** ижоди Ўрта Осиё Уйғониш даври маданий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг мероси ўша давр бадий адабиёти ривожига ҳам, туркий халқларнинг этник таркиби, жуғрофий жойлашиши, ранго-ранг урф-одаглари, удумлари, ўзига хос анъаналари ва бошқа кўплаб ҳаётий жиҳатларини ўрганиш, илмий тадқиқ этишда ҳам бирдек аҳамият касб этади. Алломадан бизга қадар етиб келган ягона «Девону луғатит турк» («Турк тилининг луғати») асарининг бой мазмуни билан танишиш кишини юқоридаги хулосага олиб келади. Дарҳақиқат, туркий халқлар, элатлар яшайдиган кенг худудларни кезиб, ишончли манбалар асосида ўша халқлар тўғрисида ноёб қомусий маълумотларни ўз асари орқали кейинги авлодларга армуғон этган Махмуд Қошғарий номи мангу барҳаётдир.

Махмуд Қошғарийга замондош **Юсуф хос Ҳожиб (XI аср)** ижоди ҳам ўзига хос бадий сайқали, юксак маҳорати билан ажралиб туради. Адиб номини юртлараро, халқлараро машҳур қилган нарса, бу унинг «**Қутадғу билиг**» («Бахт ва саодат элтувчи билим») асаридир. Ушбу китоб туркий халқлар, элатлар ҳаёти

ҳақида ёзилган асар бўлиб, унда даврнинг жуда кўп ўта муҳим муаммолари, ахлоқ, одоб ва маърифат масалалари катта маҳорат билан ёритилган.

Бу китобни чинлилар «**Адабул мулук**», мочинлар - «**Ойинул мамлакат**», Шарқ эли улуғлари «**Зийнатул умаро**», эронликлар «**Шоҳномаи туркий**», туронлилар - «**Қутадғу билиг**», бошқалар «**Пандномаи мулук**» деб атаганлар.

Туркий (эски ўзбек) адабиёти ривожининг илк сарчашмаларида турган ўтмишдош адибларимизнинг йирик намояндаларидан бири **Аҳмад Югнакий (XII-XIII асрлар)**дир.

Адиб Аҳмаднинг «**Ҳибатул ҳақойиқ**» («**Ҳақиқатлар тухфаси**») асари (484 мисрадан иборат)ни кўздан кечирарканмиз, унда инсон шахсияти, унинг таълими, тарбияси билан боғлиқ жуда кўплаб ўткир, долзарб масалаларнинг ўрин олганлигини, уларни тўғри, холис ва эҳтирос билан ёритилганлигини кўрамиз. Адиб Аҳмад билимнинг инсон ҳаётидаги бекиёс ўрнини улуғлаш баробарида одамларни билимли, маърифатли бўлишга даъват этади.

Ўрта Осиё халқлари Уйғониш даври адабиётини айна чоғда форсийзабон ижодкорлар ижоди билангина кўшиб тасаввур этиш мумкиндир. Бу ўринда Сомонийлар даврининг тенги йўқ зукко шоири **Абу Абдуллоҳ Рудакий (860-941)** ижоди алоҳида кўзга ташланиб туради. Негаки, жуда кўп нуфузли манбаларда айтилишича, форс-тожик тилида ижод қилган шоирларнинг бирортаси ҳам унга тенг келадиган даражада асарлар битмаганлар. Баъзи олимларнинг фикрича, Рудакий бир миллион уч юз минг мисрагача шеър ёзган. Бироқ афсуски, шоирнинг бой адабий меросидан бизгача атиги минг байт шеърый асарлар етиб келган, холос.

Рудакий асарлари, айниқса унинг рубойилари шу қадар таъсирчан, оҳангдорки, улар кишилар қалбини ўзига беихтиёр маҳлиё этади. Шоир табиат гўзалликларини жозибали тараннум этиш барбарида одамларни юрт, Ватанни севишга, унга фарзандлик бурчи билан астойдил хизмат қилишга даъват этади. Унинг рубойиларида ифодаланган теран фалсафий фикрлар, ҳаётий лавҳалар бугунги авлод кишилари учун ҳам ибрат бўла олади.

Бу давр адабиётининг даҳо санъаткорларидан яна бири **Абулқосим Фирдавсий (940/941-1030)**дир. Уни оламга машҳур, номини тилларда дoston қилган, абадийликка муҳрлаган нарса-бу алломанинг - бетақрор «**Шоҳнома**» асаридир. Негаки, бу шоҳ асарда Эрон ва Турон халқларининг минг йилликлар қаърига бориб тақаладиган узун кўхна тарихи, туташ тақдир - қисматлари, жангу жадаллари, мислсиз жасорату қаҳрамонликлари катта маҳорат билан ифодаланган. 60000 байтдан иборат бундай йирик эпик асарнинг дунёга келиши Фирдавсийнинг бадий ижоддаги улкан жасоратидир. Шоир Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эроннинг катта ўтмиший тарихига мурожаат қилиб, унинг қат-қатига яширинган ноёб инжуларни шодага чизиб, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини чуқур ўрганиб, уларни ўз замонасининг етилган долзарб масалалари, вазифалари билан уйғунлаштириб, шундай буюк асар яратдики, мана неча асрлардирки, у башарият аҳлининг доимий назарида ва нигоҳида бўлиб келмоқда.

Ислом маданияти IX-XII асрлар даври нафақат дунёвий фанларнинг юксаклаб бориши билан, шу билан бирга исломий маданият ва маънавиятнинг шаклланиб, чуқур илдиз отиб бориши, бу соҳада талай етук олиму уламоларнинг етишиб чиқиб, Ватанимиз шаънини оламаро, улуғлаганлиги билан ҳам тавсифланади.

Гарчанд ислом дини Арабистонда вужудга келган бўлса-да, бироқ янги илоҳий таълимот Туркистон заминидан равақ топди, такомилга эришди. Туркистон мусулмон дунёсига Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Насафийлар, Самарқандийлар таҳаллуслари билан ижод қилган кўплаб ноёб истеъдод соҳибларини етиштириб берди.

Ислом ва унинг асосий таълимоти акс этган «Қуръони Карим» ғояларининг ўлка ҳаётига кириб келиши ва кенг ёйилиши, шунингдек, маҳаллий халқларнинг мусулмончилик тамойиллари ва удумларини қабул қилиши ҳамда уларга эътиқод боғлаши давомида аста-секин ислом маданияти шаклланиб, чуқур илдиз отиб борди. Бунда шу юрт заминидан етишиб чиққан буюк исломшунос алломаларнинг хизмати беназирдир.

**Юртимиз
заминидан етишиб
чиққан ислом
оламанинг буюк
сиймолари**

- Исмоил ал-Бухорий (810-870) Ҳадис илмининг асосчиси
- Абу Исо ат-Термизий (824-892) Ҳадис илми пешволаридан
- Абу Мансур Мотуридий (вафоти 945 й.) Мотуридий тарикати асосчиси
- Абу ал-Муъийн ан-Насафий (1027-1114) Қалом илми йирик намояндаси
- Хўжа Аҳмад Яссавий (1041-1167) Яссавия тарикати асосчиси
- Нажмиддин Кубро (1145-1221) Кубравия тарикати асосчиси
- Абдуллоҳ Ғиждивоний (1103-ХII аср иккинчи ярми) Тасаввуф илми асосчиларидан
- Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) Нақшбандия тарикати асосчиси.
- Хўжа Аҳрор Валий (1404-1490) Нақшбандия тарикатининг йирик намоядаси

Юртимизда исломий маданиятнинг юксалиб бориши баробарида унинг улуғвор ғоялари, асл мақсадларини кенг ташвиқ, тарғиб қилиш, айниқса ҳадис илмини асосли тадқиқ этиш кучайиб бордики, бунда сарзаминимиздан чиққан қатор буюк муҳаддис олимларнинг хизмати қатъга бўлди. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳивассалом номи ва у зоти шарифнинг муборак сўзлари билан боғлиқ «Қуръони Карим» оятлари мазмуни, моҳиятини теран тушуниш ва англаб етишга муҳим қалит бўлиб хизмат қиладиган ҳадисшунослик илми IX асрда жиддий ривож топди. Бутун мусулмон оламида энг ишончли манбалар деб тан олинган 6 та ишончли ҳадислар тўплами (ас-сихоҳ ас ситта) худди шу даврда

яратилди. Улар орасида Ҳадис илмида «Амир ал-мўминин» деган шарафли номга сазовор бўлган **Имом ал-Бухорий (810-870)** номи ёрқин кўзга ташланиб туради. Юксак ақл-заковат соҳибии ал-Бухорий, Шарқнинг йирик илмий ва маърифий марказларидан бири - Бухорои шарифда туғилиб, жуда эрта ёшлигидан диний билимларни чуқур эгаллайди.

Имом Бухорий ўз сафарлари давомида турли шаҳарлардаги 90 га яқин устозлардан таълим олган. Айни чоғда унинг ўзи ҳам сан-саноксиз шогирдларга устозлик қилган. Имом Бухорий шогирдлари орасида Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Муҳаммад ал-Маснадий, Халаф ибн Қутайба, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвозий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал сингари зукко олимлар номи алоҳида ажралиб туради.

Имом Бухорий гўзал инсонийлик сифатларига эга бўлиши билан бирга унинг қувваи хофизаси, хотираси ҳам ниҳоятда ўткир бўлган. Манбаларда унинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билганлиги қайд этилган.

Ал-Бухорий кейинги насллар учун ўзидан катта, бой илмий мерос қолдирган. Унинг қаламига мансуб ноёб асарлар рўйхати 20 дан ошади. Бу асарлар орасида «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари (У «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам юритилади) ўзининг мукамаллиги, аҳамиятининг бениҳоялиги билан ажралиб туради. Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони тақрорланадиганлари билан бирга 7275 та, тақрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат. Энг муҳими шундаки, бу шарафли ишни биринчи бўлиб ал-Бухорий бошлаб берган бўлса, кейинчалик бошқа олимлар унга эргашиб, ҳадислар тўпламини яратганлар.

Алломанинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари асрлар давомида бутун мусулмон дунёсида юксак қадрланиб, неча бор нашр этилиб, ер юзи мусулмонлари учун дастуриламал қўлланма бўлиб келмоқда. Унинг 1325 йилда кўчирилган 8 жилддан иборат мукамал нусхаси ҳозирда Истанбул (Туркия)да сақланмоқда. Унинг асарларида ифодаланган меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгилик, катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, бева-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, ҳалоллик, покизаликка даъват этувчи юксак инсоний фазилатлар, олижаноб туйғулар ҳамиша инсонларга маънавий озика бағишлаб келган.

Имом ал-Бухорийнинг замондоши ва шогирди, ўз даврининг машҳур алломаси - **Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892)** ҳам ҳадисшунослик илмини юксак босқичга кўтарган ёрқин сиймолардандир. Ўрта асрлар даврининг йирик маданий марказларидан саналган Термиз шаҳри атрофида (Буғ қишлоғи - ҳозирги Шеробод тумани) таваллуд топган бўлғуси аллома ўз она юртида дастлабки маълумот олганидан сўнг Ўрта Осиёнинг Урганч, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларида билимини такомиллаштиради. Бундан ҳам етарли қаноат ҳосил қилмаган, ҳамиша илмга чанқоқ ат-Термизий Шарқ мамлакатларига саёҳатга чиқади. Шу тариқа, у узок йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Макка, Мадина сингари шаҳарларда яшаб, илм-фаннинг турли соҳаларидан-илм ал-қироат, илм ал-баён, фикҳ, тарих ва айниқса ҳадис илмидан ўша замоннинг йирик устози бузрукларидан таълим олади. Айни пайтда ат-Термизийнинг ўзи ҳам юзлаб

шогирдларга меҳрибон устоз бўлиб, уларнинг ҳадис илмининг билимдонлари сифатида шуҳрат топишларига катта ҳомийлик кўрсатган.

Ат-Термизийдан бизгача катта илмий мерос етиб келган. Унинг асосий асарлари сирасига «Ал-Жомий» («Жамловчи»), «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги оғишмалар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва бахслар ҳақида рисола»), «Ат-тарих» («Тарих») кабиларни нисбат бериш мумкин.

Биз тилга олаётган тарихий даврнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда ислом дини ва унинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш ҳамда ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган, тасаввуф ва тариқат илмида беназир бўлган ватандош алломаларимиз фаолиятига ҳам бир назар ташлаб ўтмоғимиз жоиз бўлади. Аввало, тасаввуф – бу одамларни ҳалолликка, покликка ундовчи барча мусулмонларнинг ўз ҳалол меҳнати билан кун кўришини, бошқалар кучидан фойдаланмасликни, ижтимоий адолат қоидаларига риоя этишни тарғиб этувчи таълимотдир. Улуғ аждодларимиз – Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждивоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валийлар ана шу руҳдаги ғояларни илгари сурган эдилар. Зеро, «Яссавия», «Кубравия», «Нақшбандия» тариқатларида инсонлар Аллоҳ йўлида, ҳақ йўлида тинимсиз тоат-ибодат, тавба-тазарру қилиш баробарида уларнинг пешона терисини тўкиб, ҳалолу пок меҳнат қилиш, доимий сабъ-ҳаракатларда бўлишлари кераклиги урғуланади. Жумладан, «Яссавия» таълимотида поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз кўл кучи, ҳалол меҳнати билан ҳаёт кечириш, Аллоҳ висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятларнинг ифодаланганини кўрамиз. Бу ҳол бошқа исломий таълимотлар учун ҳам бирдек хосдир.

Синов саволлари

1. Халифаликнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлигининг тугатилишига, сизнингча, қандай омиллар сабаб бўлган?
2. Исмоил Сомонийнинг давлат бошқаруви соҳасида амалга оширган ислоҳоти қандай мақсадларни кўзда тутган эди?
3. Сомонийлар сулоласи инқирозининг асосий сабабларини нималарда, деб ўйлайсиз?
4. Қорахонийлар давлатининг юзага келиши жараёни қандай тарихий шароитда кечди?
5. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида минтақа халқларининг турмуш тарзи, этник таркибида қандай ўзгаришлар рўй берди?
6. Ғазнавийлар сулоласининг тез юксалиб, тез инқирозга юз тутганлиги сабабларини тушунтириб беринг.
7. Салжуқийлар сулоласининг вужудга келиши ва ҳудудий жойлашуви ҳақида нималарни биласиз?
8. Маликшоҳ даврида қандай муҳим ўзгаришлар юз берди?

9. Салжуқийлар салтанати инқирозининг асосий сабабларини тушунтириб беринг.
10. XI асрдан бошлаб Хоразмнинг янгидан мустақилликка эришуви ва юксалиб боришига туртки берган омиллар нималар бўлган?
11. Хоразмшоҳлар салтанатидаги давлат бошқаруви тизими ҳақидаги тушунчаларингиз?
12. Хоразм давлатидаги ички зиддиятлар, мухолифатчилик ҳолатларининг кучайиб бориши қандай оқибатларга сабаб бўлди?
13. IX-XII асрларда юртимизда моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишига қандай тарихий шарт-шароитлар ва омиллар таъсир кўрсатган?
14. Бизнинг заминимизда илм-фаннинг қайси муҳим йўналишларининг тамал тоши қўйилган?
15. Жаҳон фани ва цивилизацияси раванқига салмоқли ҳисса қўшган Ўрта осиелик алломаларни тилга олинг.
16. Туркий (эски ўзбек) адабиёт ривожига ҳисса қўшган буюк адиблар ижоди тўғрисида нималарни биласиз?
17. IX-XII асрлар бадий адабиётида форс-тожик адибларининг тутган ўрни қандай?
18. Имом Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг ҳадис илмини ривожлантиришдаги хизматларини гапириб беринг.
19. Тасаввуф таълимоти ҳақида сиз нималарни биласиз?

VI БОБ. МОВАРОУННАҲР МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ВА ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА

Таянч сўз ва иборалар: XIII аср бошларида Мўғулистон. Чингизхон. Мўғуллар босқини. Жалолиддин Мангуберди. Темур Малик. Чиғатой улуси. Солиқ ва ўлпонлар. Махмуд Ялавоч. Горобий кўзғолони. Масъудбек. Улуснинг бўлиниши. Ижтимоий-сиёсий вазият. Маданий ҳаёт.

1. Чингизхон бошчилигида мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқини. Озодлик кураши. Жалолиддин Мангуберди

Ўз довлораклиги устакорлиги, маккорлиги билан машҳур бўлган Темучин (1155-1227) XII асрнинг охирларига келиб нафақат мўғулларнинг кўп сонли уруғ-қабилаларини, шу билан бирга улар билан ёнма-ён, қўшни яшаб келган кўплаб туркий элатлар, чунончи, жалоирлар, ойратлар, қарайтлар, найманлар, қорахитойлар, қирғизлар, уйғурлар, қарлуқлар ва бошқаларни ҳам бирин-кетин бўйсундириб, кучли давлатга асос солди. Бу давлат ҳарбийлашган тизимга асосланганлиги билан ажралиб турарди. Қўшинларга: ўн жангчига бир бошлик – ўн боши, шунингдек, юз боши, минг боши ва туманбошилар бошчилик қиларди. Туман деганда ўн минглик қўшингина эмас, балки шу қўшин сафини доимий тўлдириши керак бўлган бутун бир туман, яъни беш – ўн минг ўтовли ёки 50 мингга яқин аҳолиси бўлган ҳудуд назарда тутиларди. Ҳар бир шундай туманга тайин қилинган туманбоши фақат ўн минг жангчининг қўмондони бўлибгина қолмай, айти замонда ўз тасарруфидаги минглаб фуқароларнинг тақдирини ҳам ҳал этувчи ҳокими мутлоқ ҳисобланарди. Мазкур тумандаги барча судлов, жиний- жавобгарлик ва фуқаролик ишлари ҳам тўлалигича унинг тасарруфида бўлган.

Темучин олий ҳокимият мурувватларини ўзининг ўғиллари ва энг яқин кишиларига топширади. Жумладан, унинг яқин сафдошларидан Субитой, Хубилой, Жебе, фарзандлари: Жўжихон, Чиғатой, Ўқтой, Тўлуйхонлар биринчи бўлиб туман соҳиблари бўлганлар.

Темучиннинг мўғулларнинг улуғ ҳоқони сифатидаги ўрни ва мавқеини ҳар жихатдан мустаҳкамлаш, бунга қонуний тус беришда 1206 йили пойтахт Қорақурумда бўлиб ўтган умуммўғул Қурултойи алоҳида аҳамиятга молик бўлди. Қурултойда Темучин барча мўғул - татар хонларининг улуғ хони /қоони/ деб эълон қилинди ва унга Чингизхон лақаби берилди. (Чингизхон лақаби турли муаллифлар томонидан турлича, чунончи, «кучли», «кудратли», «тоза» ёки денгизлар /Денгизхон/, океанлар ҳукмдори ва хоказо маъноларда талқин қилиниб келинади). Қурултой томонидан қабул қилинган «Ясо» ҳужжати /мўғуллар давлатининг асосий қонунлари мажмуаси/ улуғ хон ҳокимиятини янада мустаҳкамлади. «Ясо» мўғул жамиятидаги мулкӣ тенгсизликнинг ифодаси сифатида кўзга яққол ташланади. У янги пайдо бўлган ҳукмрон табақа - тархонларга катта имтиёзлар берилишини кўзда тутарди.

Чингизхон улуғ ҳоқон деб эълон қилинган биринчи кундаёқ ўзининг энг яқин кишиларидан **95 нафарини баҳодур**, мингбошилар этиб тайинлайди ва бир неча минг кишига тархонлик ёрликлари берилади. Чингизхон айна пайтда 10 та олий ҳокимият лавозимларини таъсис этади ва 150 кишидан иборат шахсий гвардия ҳамда мингта «довюрак» жангчилардан таркиб топган шахсий дружина тузади (Кейинчалик унинг сони 10 минг кишига етказилади). Бутун мамлакатда кучли темир интизом, қаттиққўл тартиб ўрнатилиб, жанговар ҳарбий сафарбарлик ишлари авжга олдириб борилди. Бу ҳол Чингизхонинг хорижий элларни забт этишдан иборат ўз олдига қўйган ёвуз, агрессив мақсадларини тез орада амалга оширишга имкон яратиб борди.

XIII аср бошларига келиб Чингизхон қўшни давлатлар ва хонликларни бирин - кетин босиб олишга киришади. Агар 1206 йилга қадар бепоён Ғўби саҳросидаги қавм - қабилалар итоатга келтирилган бўлса, **1206 - 1211 йиллар давомида Сибир ва Шарқий Туркистон халқлари** /бурят, ёкут, ойрат, қирғиз ва уйғурлар/ бўйсиндирилади. Мўғул саркардаси **Хубилой Етгисувнинг шимолий худудларини ишғол этиб, бевосита Хоразмшоҳлар давлати чегараларига яқинлашиб** боради. 1211 йилда уйғурлар ери истило этилгач, шундан сўнг **Чингизхон Хитойга ҳужум бошлайди**. 1215 йил бошларига келиб Шимолий Хитой пойтахти **Пекин ишғол этилади**. 1217 йилда Хуанхэ дарёсининг шимолидаги барча ерлар мўғуллар тасарруфига ўтади. Айна чоғда **1218 йилга келиб ғарб томонда Етгисув худудининг қолган қисми** ҳам эгалланиб, мўғулларга тобе бўлади. Эндиликда Чингизхоннинг асосий бош мақсади - унинг жаҳонга ҳукмрон бўлишига қатта тўғоноқ бўлиб турган буюк **Хоразмшоҳлар қўшинини тор-мор келтириб**, унинг ерларини ўз қўл остига киритиш эди.

Бу даврда Хоразмшоҳлар давлатининг ички ижтимоий-сиёсий ҳаёти ғоятда муррақаб, зиддиятли кечаётганди. Бу давлат ташқаридан улуғвор, кенг худудларга ёйилган, қудратли салтанат тарзида қўринса-да ва унинг ҳукмдори Мухаммад Хоразмшоҳ ўзини «Искандари соний», «худонинг ердаги сояси» деб билса-да, бироқ ҳақиқатда эса **Хоразмшоҳлар сулоласи ичдан емирилишга, таназуллиқка юз тутган** эди. Аввало, олий ҳокимият бошқарувида чуқур ихтилофлар ҳукм сурарди. Бир томондан, Мухаммад юргизаётган расмий сиёсатга нисбатан унинг онаси Туркон Хотун ва унинг қавмларидан иборат нуфузли сиёсий кучлар доимий муҳолифатчилик муносабатида бўлиб келарди. Иккинчи томондан, маҳаллий худудлар беклари ва ҳокимлари ҳам марказий ҳокимият билан ҳисоблашмай, ўзбошимчалик қилар, халққа ҳаддан зиёд жабр - зулм ўтказарди. Бу даврда Хоразмшоҳлар давлати олий девонида ҳам, маҳаллий ҳокимлар, амалдорлар ўртасида ҳам порахўрлик, хоинлик, соткинлик ҳолатлари авж олиб бораётганлиги сир эмасди. Учинчидан, халқнинг ҳокимиятдан норозилиги кўплаб ғалаёнларни келтириб чиқармокда эди. Бундай қалтис вазият, шубҳасиз, мамлакат бирлигига раҳна солиб, уни тобора заифлаштираётган эди.

Бунинг устига Мухаммад Хоразмшоҳнинг халифалик худудларини қўлга киритиш даъвоси билан 1217 йилда Бағдод сари қўшин тортиши ҳам халифалик ҳукмдорларини қаҳру ғазабга келтирганди. Ҳатто халифа ан-Носир Чингизхонга

элчилар орқали махсус нома йўллаб, ундан ёрдам сўрайди, мўғул кўшинларини Мовароуннахр мулкларига бостириб киришига ҳам ишора қилганди.

Чингизхон кўшни давлатдаги барча сиру – синоатлардан тўла хабардор эди. У Хоразм давлатидан Мўғулистонга қатнайдиغان бир гуруҳ йирик савдогарлардан иборат ўз жосуслик маҳкамасини ташкил қилиб, улар хизматидан фойдаланиб келарди. Махмуд Ялавоч, Ҳасан Хожа, Юсуф Ўтрорий сингари кишилар шулар сирасига кирарди. Шу боис Чингизхон ва унинг ўрдаси Хоразмшоҳлар давлатида кечаётган барча зиддиятли воқеалардан, унинг заиф нуқталаридан хабардор эди. Чингизхон барча воситаларни ишга солиб, керак бўлса шуҳратпараст шох Муҳаммадни тинчлантириб, амалда Мовароуннахр устига юришга пухта ҳозирлик кўради. 1218 йили Чингизхон амри билан Хоразм давлатига 500 туяда қиммат баҳо совғалар, тилло-кумуш бисотлар, савдо моллари ортилган, асосий таркиби мусулмон савдогарларидан иборат 450 кишилик карвон юборилади. Бироқ карвон Ўтрорга келиб кўниши биланоқ Хоразмшоҳнинг махсус топшириғи билан Ўтрор ҳокими Ғоирхон (Иналчук) уни йўқ қилишга буйруқ беради. Шу тариқа, карвон бутунлай таланиб, қирғин қилинади. Чингизхон учун энди Мовароуннахрга бостириб кириш фурсати етган эди. Бу вақтга келиб Чингизхон ва унинг лашкарбошилари тасарруфида 60 туманли /яъни 600 минг нафарли/ жанговор кўшин тайёр ҳолга келтириб қўйилганди.

Чингизхон кўшинининг хужуми хавфи яқинлашиб келаётганлигини Муҳаммад Хоразмшоҳ ва унинг аркони давлати ҳам яхши биларди. Шох муайян ҳарбий тайёргарликлар кўриш, шаҳарларнинг муҳофаа истехкомларини мустаҳкамлаш, кўшинлар сафини купайтириш ҳаракатида бўлди. Бироқ асосий ҳарбий стратегик масалаларда у ўта нўноклик, нодонлик ва калтабинлик қилади. У ўзининг саркарда ўғли **Жалолиддин**, Хўжанд ҳокими, довюррак баҳодир **Темур Малик** сингари етук кишиларнинг ҳарбий кучларни асосий нуқталарда тўплаб, душманга ҳал қилувчи зарбалар бериш кераклиги тўғрисидаги тўғри, доно маслаҳатларига ҳам кулоқ солмади. Султон ўз кўшинларини турли шаҳарларда алоҳида ҳолда жойлаштириш ва муҳофаачилиқдан иборат хато тактикани маъқул кўрди. 1219 йилда Чингизхоннинг сон-саноксиз кўшинлари мамлакатга бостириб кира бошлагач, Хоразмшоҳ ўз тинчи, ҳаловатини кўзлаб, мамлакат тақдирини ўз ҳолига ташлаб, яқин хешу ақраболари билан жанубга томон силжиши (қочиши) хоинлик бўлди. Бундай ҳолат тез орада бутун мамлакат учун фожиали оқибатларга олиб келди, юрт химоячилари тақдири, руҳиятида ўчмас, асоратли из қолдирди. Халқнинг соғлом, ватанпарвар кучлари эса юрт улуғларининг бундай иккиланиши, хиёнатига қарамай, мукқадас она заминни кўкрак кериб химоя қилиш, босқинчиларга қарши қаҳрамонларча курашга ташландилар. Бу мислсиз жангу жадалларда уларнинг қанча - қанчаси ўзларини юрт озодлиги учун қурбон қилдилар.

Мўғулларнинг биринчи хужумига дучор бўлган ҳудуд Ўтрор бўлди. Чингизхон ва унинг лашкарининг ўтрорликлардан алоҳида ўчи бор эди. Негаки, Чингиз юборган савдо карвони ҳудди шу ерда саронжом қилинганлиги уларнинг ёдидан кўтарилмаганди. Чигатой ва Ўқтойнинг сон-саноксиз кучлари шаҳар

қалъаларига босқин уюштирган кезларда ўтрорликлар уларга қарши мардонавор жанг қилдилар. Шаҳар аҳолиси Ғоирхон /Иналчук/ ва Қорачор баҳодирлар етакчилигида тенгсиз душман билан узоқ вақт жон бериб, жон олишдилар. Шаҳар мудофааси 5 ойдан зиёд давом этди. Халқ қаршилиги мислсиз бўлди. Бироқ охиrhoқибатда шаҳар душман томонидан эгалланди.

Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида таъкидланганидек: «... Ўтрорнинг бутун аҳолисини саҳрога ҳайдаб чиқдилар ва қатл қилдилар. ... Ўтрор хисорини қўлга киритиб, ер билан баробар қилдилар. Тирик қолганлардан, райят ва ҳунармандларнинг баъзиларини ҳибсга олдилар, баъзиларни эса қул қилиб ҳайдадилар».

Мўғул босқинчилари Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўз қўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларни содир этдилар. Бунинг яққол ифодасини уларнинг гуллаб-яшнаган Бухоро, Самарқанд, Хўжанд сингари шаҳарлар ва уларнинг аҳолисига нисбатан қилган беҳад ёвузликлари мисолида ҳам қўриш мумкин. Масалан, Чингиз қўшини 1220 йилнинг феввалида мусулмон Шарқининг йирик ислом марказларидан саналган Бухоро устига бало-казодек ёпирилиб келади. Бухоро халқи бир неча кун давомида душманга матонат билан қаршилиқ кўрсатади. Бу эса Чингизхонни дарғазаб этади. Натижада у шаҳарни яқсон қилиш, бойлигини талаш, халқини қирғин қилишга буйруқ беради. Бухоро қамали 12 кечаю-кундуз давом этди. Мўғуллар ёндирилган, қули қўкка совурилган шаҳарни эгаллагач, қўнгилларига сикқан номаъқулчиликларни амалга оширдилар, шаҳар ҳимоячилари бутунлай қириб ташланди.

Чингизхон галалари 1220 йил март ойида энг йирик ва обод шаҳарларидан бири Самарқандни қўлга киритиш учун барча маккорона тадбирларни қўлладилар. 100 мингдан зиёд сара қўшинлар тўпланган, мустаҳкам истехкомлар барпо қилинган шаҳарга ўз кучларини ташлаб кўрди, атроф жойларни олдин босиб олиб, шаҳарни ташқи дунёдан ажратишга ҳаракат этди ёхуд бошқа баҳодирлар қўшинидан қўшимча кучлар чорлаб, уч кунлик қаттиқ жангдан сўнг Чингизхон қўшини шаҳарга ёриб киришга ва уни бутунлай ўзига бўйсундиришга эришади.

Мўғул истилочиларига қарши улуғ аждодларимизнинг қаҳрамонона курашида Хўжанд ҳимоячилари кўрсатган фавқулодда жасорат алоҳида ўрин тутади. Темур Малик бошчилигидаги мудофаа кучлари қарийиб 5 ой давомида қўксиларини қалқон этиб, ёвуз душман ҳамласини даф этиб, беҳисоб қурбонлар бериб ўз юртини ҳимоя қилдилар, иложсиз қолган пайтдагина олов ичида ёнаётган шаҳар қалъасини тарк этдилар. Шунда ҳам Темур Малик бир қисм довюррак, кўркмас жангчилари билан Сирдарёга йўналиб, махсус оролда жойлашиб душман билан мардларча олишади. Ниҳоят, улар махсус кемаларда мўғуллар ҳужумига бардош бериб, йўл-йўлакай жанг қилиб, Хоразм сари ҳаракатланадилар. Халқ қаҳрамони Темур Маликнинг бундан кейинги ватанпарварлик фаолияти Хоразм ва она юртнинг бошқа ҳудудларини ҳимоя қилувчилар сафида давом этди.

Мамлакатнинг Бухоро, Самарқанд, Хўжанд сингари ҳаётий марказларининг қўлдан кетиши Хоразмшоҳ ва унинг арқони давлатини шу қадар ларзага солдики,

бунинг натижасида хукмдор ўз салтанатининг жанубий-ғарбий ҳудудлари бўйлаб чекиниб борди. Ўзининг калтабин сиёсати, катъиятсизлиги, кўрқоклиги орқасида кечаги «кудратли» хукмдор эндиликда ожизу нотавон бир кимсага айланиб қолди. Иложсиз қолган шоҳ охири Каспий денгизидаги Ашура оролига қочади. Ўша ерда катта ўғли Жалолиддинни тахт вориси этиб тайинлаб, 1220 йилнинг декабрида хору-зорликда вафот этади.

Жалолиддин Мангуберди Гурганча етиб келиб, шаҳар мудофаасига киришади. Лекин Гурганчадаги Қипчоқ амирлари Туркон хотуннинг акаси Хумортегинни султон деб эълон қилиб, Жалолиддин Мангубердига қарши суиқасд уюштирмоқчи бўладилар. Бундан хабар топган Жалолиддин Темур Малик бошчилигидаги 300 суворий билан Гурганчни тарк этиб Хуросонга кетишга мажбур бўлади.

Хоразм пойтахти Гурганч мудофааси ҳам мўғуллар истилоси тарихининг алоҳида бир фожиаи саҳифаси бўлган, десак хато бўлмайди. 1221 йил бошларида Жўжи, Чигатой ва Ўқтой аскарлари Гурганча ҳужум бошлайдилар. Гурганч қамали 6 ой давом этди, ҳадсиз-ҳисобсиз қурбонлар берилди. Шаҳар эгаллангач, мўғулларнинг бу ерда содир этган мислсиз ёвузликларини баён этишга қалам ожизлик қилади. Барча эркаклар, болалар қиличдан ўтказилади. Хотин-қизлар қип-яланғоч қилиниб, бир-бири билан уришишга мажбур этилади, сўнгра мўғул жангчилари танловига берилади, қолганлари қириб ташланади. Ҳеч кимга шафқат кўрсатилмайди. Шаҳарнинг ўзини ер билан баробар қилиш учун Аму тўғони очиб юборилиб, Гурганч сув остида қолади. Шаҳардаги узок асрли маънавият дурдоналари, қимматли қўлёзмалар, китоблар сақланиб келган кутубхоналар, барча ноёб асори-атиқалар ер билан яқсон этилади.

Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғиллари: Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар ҳам мўғуллар томонидан асир олинди, қийнаб ўлдирилади. Подшоҳ билан кўп йиллар мухолафатчиликда бўлиб, юртнинг парокандаликка, чуқур зиддиятларга йўлиқишига сабабчи бўлган, ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган, салтанат ичида салтанат қурган Туркон Хотун қисмати ҳам охирида фожиаи яқун топади. У ҳам мўғуллар томонидан асир олинди, беҳисоб молу дунёси таланиб, ўзи Мўғулистонга ҳайдаб кетилади. Тарихий манбаларда Туркон хотуннинг Чингизхон хотинларидан бирига чўри сифатида тортиқ қилингани айтилади.

Мовароуннахрнинг асосий шаҳарларини босиб олган, беҳисоб бойликларга эга бўлган мўғуллар 1221 йил давомида Хуросон ўлкаси ҳудудлари томон ҳужум бошлаб, бирин-кетин Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Ҳирот, Мозандарон сингари бой шаҳарлар, қалъаларни босиб олдилар. Бироқ шуни айтиш жоизки, мўғул босқинчилари Мовароуннахр ва Хуросон ерларини осонликча қўлга киритган эмаслар. Улар бу ерларда маҳаллий халқ ва унинг кўрқув билмас, шерюрак фарзандларининг тилларда дoston бўлгилик мардлик жасоратларига дуч келдилар, катта талофатлар бердилар. Шу ўринда Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли, жасур лашкарбоши **Жалолиддин Мангуберди** фаолиятига тўхталиб ўтмоқлик жоиздир. У мўғуллар истилоси бошланган кунданок доимо юрт ҳимоячилари томонида турди, уларга раҳнамо бўлди. Она Ватанига бўлган чексиз меҳр хисси, фарзандлик

бурчи уни шу қадар элга машхур қилдики, ҳатто унинг номини эшитган Чингизхоннинг ҳам сочи тик бўлиб, юзи тундлашар, уни қўлга тушириш, йўк қилиш чора-тадбирларини изларди.

Жалолиддин Мангуберди анча йиллар илгари Ғазна, Волиён, Гуч, Буст ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларга ҳоким этиб тайинланган эди. Шу боисдан у Ғазна томон юрди, йўлга кўпгина кўшин бошлиқлари Султон Жалолиддинга кўшилиб борди. Султон Жалолиддин Нисо, Қандаҳорда мўғуллар кўшинини тор-мор этиб, Ғазнага етиб келди. Жалолиддин Мангуберди қатта кўшин тўплаб, Валиён қалъаси, Парвон текислигида мўғул кўшинлари билан жанг қилиб, уларни тор-мор этади.

Чингизхон қатта кўшин тўплаб Жалолиддин Мангубердига қарши шахсан ўзи кўшин тортади. 1221 йил 25 ноябрда Синд (Ҳинд) дарёси бўйида тенгсиз жанг бўлади. Бу жангда Жалолиддин Мангуберди кўрсатган жасоратга мўғул ҳукмдорининг ўзи ҳам тан бериб, лол қолган. Бу ҳаёт – мамот жангида Хоразм баҳодири, унинг йигитлари арслонлардек жон бериб, жон оларди. «Қайси томонга от чоптирмасин, тупрокни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у султон Жалол (уддин) нинг қўлини ўпган бўларди».¹

Чингизхон лашкари ҳисобсиз бўлсада, унинг жанг майдонидаги асосий кучлари пароканда холига тушиб қолганди. Бироқ пистирмадаги 10 минг нафар сара лашкар жанг оқибатини Чингизхон фойдасига ҳал қилади. Ночор, танг аҳволга тушиб қолган Жалолиддин қора тўриқ отига миниб, сўнгги бор мўғулларга ҳамла қилиб, сўнг от жilовини ортга тортади. Совутини елкасидан ташлаб, отига қамчи босади ва баландликдаги қоядан ўзини Синд дарёсига отади. Жалолиддин баҳайбат дарё тўлқинларини шиддат билан кесиб ўтиб нариги соҳилга ўтиб олади. Унинг 4000 жангчиси ҳам бунга муваффақ бўлишади. Ҳозирги пайтда ҳам бу дарёнинг бир томони «От сакрат», нариги томони «Чўли Жалолий» деб аталади.

Жалолиддин ўзининг ботир жангчилари билан яна ўн йил давомида ҳали Афғон ва Ҳинд, ҳали Эрон ёки Кавказ орти ҳудуларидида пайдо бўлар, янгидан халқ лашкарларини жамлаб, мўғул босқинчилари зулми ва ҳукмронлигига қарши тиним билмай жанг қилар, халқ эрки, озодлиги йўлида сабот билан курашарди.

Жалолиддин гоҳ зафар қучди, гоҳ мағлубият аламини торгди, бироқ қучли душман олдида бош эгиб, мағлуб бўлмади. Лекин не кўргиликки, Жалолиддин Мангубердининг азиз умри ёвлар билан жанг майдонида, яккама-якка олишувда эмас, балки бир аламзада қурднинг баногоҳ тифидан хазон бўлди. Бу мудҳиш воқеа 1231 йилнинг 17-20 августларида Озарбайжон ҳудуларидида содир этилди.

Жалолиддиннинг эл - улус, ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги фидойилиги, мислсиз жасорати мангуликка дахлдордир. Истиклол нашидасини сураётган мустақил Ўзбекистонда улуг аждодлар руҳининг эъзозланаётгани, жумладан, Жалолиддин Мангуберди қутлуғ таввалудининг 800 йиллик юбилеи умуммамлакат миқёсида кенг нишонланганлиги ҳам бунинг яққол ифодасидир.

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи., Т., Чўлпон, 1994, 182-бет.

² Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., 183-184 бетлар.

Ислом Каримов: «Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва пахлавонларни кўп кўрган. Уар орасида миллий қахрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради»

(И.А.Каримов, Асарлар, Т. 8, 75-бет)

Саркарда юбилейи муносабати билан Урганчда Жалолиддин Мангубердига бағишлаб меъморий мажмуа ва боғ ташкил қилинди

Баҳодир, саркарда, давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди қиёфасига баъзи чизгилар:

Жалолиддин таваллудининг 800 йиллигини нишонлаб, Ўзбекистон ҳукумати 2000 йилда «Жалолиддин Мангуберди» орденини таъсис қилди

Шихобиддин ан-Насавий: У буғдойранг, ўрта бўйлик, туркий қиёфалик ва туркийда гапирадиган одам эди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, «... у шерлар орасида энг зўр шер эди, кўркмас чавондоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У ҳақгўйликни, адолатни улуғларди...»

Чингизхон: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг (акула) каби ботир.. «Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб – олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди!». (Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.: Чўлпон, 1994, 183-184 - бетлар

Шундай қилиб, мўғул истилочилари қисқа давр ичида гоҳ беадад қирғинликлар келтириш, гоҳ маҳаллий халқлар орасида ғулғула, хавф-хатар солиш, ёхуд улар орасидаги хиёнаткор, сотқин унсурларни ишга солиш орқасида Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларини эгаллаб, бу ҳудудларга мислсиз моддий ва маънавий зарар етказиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Кечагина гуллаб-яшнаган водийлар, ям-яшил, обод кишлоклар, сув иншоотлари, тўғонлар яқсон этилди, экин майдонлари сувсизликдан қовжираб қолди. Буюк ипак йулининг шухрати сўнди, шаҳарлар ҳаёти фэйзсиз бўлиб қолди. Халқнинг кўп асрлик маънавий бисоти, ноёб асори атикалари, кадриятлари оёқ ости қилинди.

2. Чиғатой улусининг ташкил этилиши, унинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти

Чингизхон ўз ҳукмронлигининг сўнги даврларига келиб, 1224 йилда ўз қўл остига киритган барча ҳудудларни авлодлари ўртасида тақсим қилади. Чунончи, Иртиш дарёси соҳилларидан ғарбга томон то «мўғуллар отининг туёғи етган жойгача» бўлган ерлар, Сирдарёнинг қуйи оқими ва Хоразмнинг шимолий - ғарбий қисмлари тўнғич ўғли Жўжига, Шаркий Туркистон, Еттисув ва

Мовароуннаҳр ерлари Чингизнинг иккинчи ўғли Чиғатойга берилди. Учинчи ўғил Ўқтойга эса ота улуси Мўғулистон ва Хитой ажратилди. Кенжа ўғил Тулуга Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон мерос қилиб берилди. Кейинчалик Чингизхоннинг жаҳонгирлик юришларини давом эттириб, Шарқий Европанинг катта қисмини босиб олиб, Олтин Ўрдага асос солган унинг набираси Ботухон ҳукмронлиги даврида /1227-1255й./ Мовароуннаҳрнинг қатор ҳудудлари ҳам унинг таъсирида бўлган.

Шундай қилиб, Чингизхон авлодлари ўртасидаги меросий бўлиниш натижасида Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон ва Еттисув ўлкалари Чиғатой ва унинг ворисларига ўтиб, у Чиғатой улуси номи билан атала бошлади. Эндиликда Мўғул ҳукмдорлари Мовароуннаҳр ўлкасини бошқаришга киришар эканлар, улар қандай қилиб бўлмасин, унинг халқини янада итоатда тутиш, бу ердан мўғул зодагонлари учун кўпроқ солиқ ва ўлпонлар ўндириш, кўшимча мажбуриятлар юклаш ҳаракатида бўладилар. Мўғуллар Мовароуннаҳрни идора этишда туб ерлик амалдорлар хизматидан устамонлик билан фойдаландилар. Шу ўринда Маҳмуд Ялавоч, Бадриддин Амид, Ҳасан Хожа, Али Хожа, Юсуф Ўтрорий, Кутбиддин Хабаш Амид сингари мўғул ҳукмдорлари билан яқиндан ҳамкорлик қилган маҳаллий амалдорлар исмларини келтириб ўтиш жоиздир. Шу боисдан ҳам Чингизхон вафотидан (1227) сўнг улуғ ҳокон бўлган Ўқтой /1227-1241/ ва Чиғатой улуси ҳукмдори Чиғатой /1127-1241/ даврида Мовароуннаҳрни бошқариш маҳаллий йирик савдогар, дипломат, сотқинлик эвазига мўғуллар ишончини қозонган Маҳмуд Ялавоч тасарруфига берилгани тасодифий эмасдир. У ҳокон номидан раиятни бошқаради. Унинг қароргоҳи /пойтахти/ Хўжанд эди. Ҳарбий ҳокимият, аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш ишлари дорухачи ва тамғач деб аталувчи мўғул амалдорлари қўлида бўлади. Мўғул босқоқлари ихтиёридаги кўп сонли жангчилар Маҳмуд измига бўйсундирилган. Аҳолидан марказий ҳокимият хазинаси учун кўплаб солиқлар ундирилган.



Бундан ташқари аҳоли турли-туман тўловлар беришга мажбур этилган. Масалан, аҳоли савдо йўлларидаги бекатлар (ёмлар) учун гўшт, ун, гуруч, от-улов беришга ҳам мажбур этилган. Босиб олинган мамлакат хунармандлари «дин тугун» деб аталган махсус ўлпон тўлаб турганлар.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳр худудини босиб олиб, шиб-шийдом этиб, талон-тарож қилиши, сўнгра маҳаллий аҳолини ҳаддан зиёд солиқ, ўлпон ва тўловлар йўли билан зулм-асоратга дучор этиши, пировард оқибатда халқнинг кўтарилишига, ўз эрки, мустақиллиги учун қалқишига сабаб бўлади. 1238 йилда Бухоро яқинидаги Тороб қишлоғида бошланган оддий ғалвир ясовчи хунарманд Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ қўзғолони шу тариха юз берган эди. Келгинди мўғул зодагонларининг маҳаллий юқори табақа вакиллари билан тил бириктириб, бечораҳол халқни талаб, бойлик орттираётганлиги, шохона айшу

ишрат кураётганлиги, оддий фуқаронинг турмуши тобора ночорлашиб борётганлиги Маҳмуд ва унинг маслакдошларини ғазабга келтиради ва қўлга қурол олиб мўғуллар зулмини ағдариб ташлаш учун курашга ундайди. Унинг теварагига минг-минглаб аламзада оддий меҳнат кишилари тўпланишади. Бухоро атрофидаги кишлоклар аҳолиси билан кўпайиб борган кўзғолончилар Бухорога келиб, мўғул амалдорларини, шунингдек, маҳаллий зодагонлар, садрларни енгиб, шаҳарни эгаллайдилар. Бухоро садрлари Маҳмуд Торобий ҳокимиятини тан олиб, уни халифа деб эълон қилишга мажбур бўладилар.

Маҳмуд Торобий Бухорони эгаллагач, ҳукмрон кучлар ҳокимиятини чеклайди ва оддий халқ манфаатларини кўзлайдиган бир қатор тадбирлар ўтказди. Кўзғолончилар зарбидан Карманага қочган мўғул босқоқлари ва маҳаллий амалдорлар кўзғолонни бостириш учун янгидан катта куч тўплайдилар ва Бухорога юриш бошлайдилар. Аммо бу даврга келиб катта кучга айланган кўзғолончиларнинг қўли баланд келади. 10 мингдан зиёд мўғул аскарлари қириб ташланади. Кўзғолончилар мўғуллар Карманача қувиб борадилар. Бирок, мана шу хал қилувчи олишувда кўзғолон раҳнамолари - Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубийлар ҳалок бўлади. Тез орада кўзғолонга қарши юборилган Элдиз Нўён ва Чекан Қурчи бошчилигидаги мўғул қўшинлари Кармани яқинидаги Малик работида кўзғолонни бостиради. Бу жангу жадал тўқнашувда 20 мингдан зиёд кўзғолончилар ҳалок бўлади. Гарчи бу халқ кўзғолони мағлуб этилса-да, бирок у Мовароуннаҳр эрксевар халқининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги мардонавор кураши, қатъиятини тўла намоён этди. Айни чоғда Торобий кўзғолони мўғул ҳукмдорларига маҳаллий халқ билан муносабатларини қайта кўриб чиқиш, сиёсий ва тактик йўлларни ўзгартириш учун муҳим сабоқ бўлди. Маҳаллий халқ орасида анча обрўсизланиб қолган Маҳмуд Ялавочнинг мўғул ҳукмдорлари томонидан Мовароуннаҳрдан олиниб, Пекинга ҳоким этиб тайинланиши, унинг ўрни катта ўғли Масъудбекка берилиши ҳам кўзғолоннинг муҳим сабоқларидан бири бўлди.

Масъудбек (1238-1289 йй) бир томондан, ҳукмрон мўғул хонлари, аслзодалари билан умумий тил топишга ҳаракат этиб, уларнинг манфаатлари, қизиқишларига мос келадиган сиёсат юргизган бўлса, иккинчи томондан мўғул хонлари ўртасидаги тожу-тахт, ҳукмронлик учун юз берган ўзаро ихтилофлардан усталик билан фойдаланиб, ўлкада савдо-сотикни жонлантириш, иқтисодий тадбирларни амалга оширишга интилди.

**Масъудбек
юритган
сиёсат ва
унинг
натижалари**

- Мўғул зодогонларининг юртда қилган ўзбошимча ҳагги-ҳаракатларига чек қўйилди
- Ўлкада нисбий тинчлик, яратувчилик жараёни ҳукм сурди
- 1271 йилда ўтказилган пул ислоҳоти ва бир хил вазндаги соф кумуш тангаларнинг зарб этилиши ўлканинг иқтисодий-молиявий аҳволини, савдо-тижорат ишларининг анча яхшиланишига тurtки берди
- Бухоро, Самарқанд, Шош, Термиз, Фарғона шаҳарларининг янгидан тикланиши, уларнинг савдо-сотик ва ҳунармандчилик марказлари сифатидаги мавқеи кўтарилди
- Ислom дини ва унинг пешволари нуфузи тикланди. Ислomнинг Мовароуннаҳрнинг расмий дини сифатидаги мавқеи ортиб борди
- Мўғуллар ва бир қатор туркий қавм, элатларнинг Мовароуннаҳрга келиб ўтроқлашуви ва муқим яшашга мослашуви жараёни фаоллашди

Мовароуннаҳр худудларида юз берган бу хилдаги ижобий ўзгаришларда Чиғатой улуси хони ташаббуси билан мўғул нўёнлари ва шоҳзодаларининг 1269 йилда Талас водийсида бўлиб ўтган қурултойи ва ундаги тарихий келишувнинг роли ва таъсири катта бўлди. Мазкур қурултой барча мўғул хонлари, аслзодаларига қаерда яшашларидан қатъи назар маҳаллий аҳоли ҳаёти, турмуш тарзига аралашмаслик, белгилаб қўйилган солиқ, тўловлар билан қаноатланиш, экин майдонларини пайхон қилмаслик мажбуриятини юклади. Уларни Мовароуннаҳр ерларига кўчиб, аста-секин ўтроқ ҳаётга ўта боришга даъват этди.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғулларнинг маҳаллий аҳолига, уларнинг турли ижтимоий қатламларига нисбатан муносабатлари ҳам кескин ўзгариб борди. Мўғул ҳукмрон доираларининг бил қисми ерлик аҳолининг йирик мулкдорлари, рухонийлари, савдо-сотик, ҳунарманд табақалари билан умумий тил топиб, ўз қарашларини ўзгартириб, мусулмон рухонийларига хайрихоҳлик ва ҳурмат билан муносабатда бўла бошладилар. Чиғатой улусида ислom расмий давлат дини мақомига эга бўлди. Шунингдек, мўғул қабилалари, элатлари билан бирга XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўплаб туркий уруғ-қавмлар ҳам Мовароуннаҳрга келиб ўрнаша бошлади. Жумладан, барлослар Қашқадарёда, жалоирлар Оҳангарон водийсида, арлотлар Афғонистон шимолида, кавчинлар Тожикистон жанубида, туркийлашган мўғуллар уруғи-сўфийлар Хоразмда жойлашиб, чуқур томир отиб борди. Бу эса туркий халқлар, элатларнинг ўлкадаги мавқеининг янада мустаҳкамланишига, туркий тил ва унинг шевалари таъсирининг ортиб боришига боис бўлди. XIV асрдан бошлаб Чиғатой улусида мўғул хонлари бошқаруви соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар, даставвал, Чиғатой хонларидан Дувохон /1282-1306/, унинг ўғиллари Кебекхон /1318 - 1326/, Тармаширин /1326 - 1334/ номлари билан боғлиқдир.

Жумладан, Дувахон даврида катта ваколатга эга бўлган Масъудбек саби-харакатлари билан шаҳарсозлик ривожланганлиги, савдо-сотик аҳли катта наф топганлиги, кишлоқ хўжалиги анча юксалганлиги кўзга ташланади. Кебекхон эса ўз қараргоҳини мўғул ҳукмдорлари орасида биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга кўчирди. Қашқадарё воҳасидаги Насаф шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда унинг буйруғи билан сарой /мўғулча маъноси «қарши»/ бунёд этилиб, Қарши номи билан пойтахтга айлантирилиши ўша даврнинг муҳим воқеаларидан бўлган.

Кебекхоннинг муҳим хизматларидан яна бири - бу унинг пул ва маъмурий-худудий соҳаларда ўтказган ислоҳотларидир. Хусусан 1321 йилда ўтказилган пул ислоҳотида хулагийлар давлати ва Олтин Ўрдадаги амалдаги пул тизими ҳисобга олинган эди. Оғирлиги 8 граммлик ката кумуш танга ва 1 граммлик кичик танга зарб этилди. Катта танга «динор» деб, кичик танга «дирхам» деб аталган. Янги пул бирлиги «Кепаки» номи билан машҳур бўлган. Ислоҳотнинг дастлабки йилларида Кебек номи билан машҳур бўлган бу тангалар кўплаб ҳажмларда Самарқанд ва Бухорода зарб қилиниб, муомалага чиқарилган. Бу икки хил қимматга эга бўлган кумуш тангалар кейинчалик бошқа ҳукмдорлар томонидан ҳам чиқарилган. Масалан, Тармаширин даврида Ўтрорда кўплаб кумуш тангалар чиқарадиган зарбхона мунтазам ишлаб турган. Кебекнинг пул ислоҳоти ташқи ва ички савдонинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилди.

Маъмурий ислоҳотга кўра, Мовароуннаҳр худудлари вилоятларга, вилоятлар туманлар (мўғуллар тартиб қилган 10 минг аскар берадиган, аҳолиси 40-50 минг нафар бўлган, ҳозирги туманларимизга қиёс этса бўлади - изоҳ) га бўлинди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 7 та, Фарғона вилоятида 9 та туман таркиб топган. Кебекхоннинг ўлкада тинчлик, осойишталик ва тотувлик ўрнатиш борасидаги сиёсатини Тармаширин изчил давом эттирди. У исломни қабул этиб, уни давлатнинг расмий дини даражасига кўтарди. Кебекхон йўналишида сиёсат юргизган мўғул хонларининг навбатдаги вакили Қозонхон /1334-1346/ ҳам Мовароуннаҳр худудлари бирлигини сақлаш, тубжой аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш учун маҳаллий мўғул ва турк амирлари, нўёнларининг олиб бораётган бир ёклама курашларини бартараф этишга интилди. У ўзи учун қароргоҳ сифатида Қарши билан Бухоро оралигида (ҳозирги Муборак тумани худудида) машҳур Занжирсарой қалъасини қурдирди. Бироқ марказдан қочувчи кучларнинг, даставвал, кўчманчи мўғул амирларининг кучайиб бораётган таъсири ва фитнаси оқибатида 1346 йилда Қозонхон қатл этилади. Шундан сўнг ҳокимият тепасига келган амир Қазоғон (1347-1358) мўғул зодагонлари манфаатларини ёклаб сиёсат юргизди. Унинг ўзи ҳам бир жойда муқим яшамасдан кўп вақтини босқинчилик юришларида ўтказарди. Бунинг оқибатида унинг даврида маҳаллий аҳоли туб манфаатлари билан мўғул ҳукмдорлари манфаатлари бир-бирига тобора зид кела борди. Бу эса Мовароуннаҳрда яна сиёсий вазиятнинг кескинлашувиغا, ҳокимиятга интилувчи кучларнинг фаол ҳаракатга келишига сабаб бўлди. XIV асрнинг 40 - йилларида Чигатой улуси икки қисмга: Еттисув, Шарқий Туркистондан иборат Мўғулистонга ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетди. 1348

йилда Чикатой наслидан бўлган Туғлуқ Темур Мўғулистон хоки этиб кўтарилди. Мовароуннаҳрда ҳокимиятни эгаллаган амир Ҳусайн 1358 йилда ўлдирилади.

Бундай шароитда Мовароуннаҳр юртини бирлаштириш, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалик, бошбошдоқлик ҳаракатларига чек қўйиш, жафокаш халқни мўғуллар зулми ва истибдодидан буткул халос этиш ва унда қудратли марказлашган давлат барпо этишдан иборат юксак вазифа тарихий зарурият тақозоси билан кун тартибига қўйилди. Уни муваффақиятли уддалаш эса улуг бобоколонимиз Амир Темурга насиб этди.

3. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаёти

Босқинчи ёвлар азалдан юқори цивилизация ўчоғи саналган, улуг аждодларимиз ақл-заковати ва донишмандлиги билан яратилган юксак моддий ва маънавий маданият, бетакрор обидалар, асори-атиқалар макони бўлган бу азим юртни қанчалик хонавайрон этмасинлар, бироқ халқ иродасини, унинг буюк бунёдкорлик, ижодкорлик салоҳиятини сўндира олмадилар. Аксинча, бу юртнинг мағрур ва эрксевар кишилари, бир томондан, муқаддас Ватан туйғусини дилларига мустаҳкам жо айлаб, озодлик ва мустақиллик йўлида жонбозлик билан кураш олиб борган бўлсалар, иккинчи томондан эса, улар асрий халқ анъаналари, удумларига содиқ қолиб, яратувчилик ишлари билан машғул бўлганлар. Зеро, ўлмас халқ даҳоси бу даврда ҳам янги-янги салоҳиятли ижодкорлар авлодини етиштира борган. Шу боисдан саҳройи мўғуллар харобазорга айлантирган култепалар ўрнида кўп ўтмай янгидан кўркам шаҳарлар, меъморилик обидалари қад ростлаб, ҳаёт яна янгидан изга тушиб борди. Маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан ажойиб меъморлар, наққошу-хунармандлар саъй-ҳаракати, маҳорати билан бетакрор моддий маданият намуналари яратилиб, бундан ўлка ҳаёти ўзгача файзу манзара касб этиб борди. Бу даврда бунёд этилиб, гавжум савдо-сотик, хунармандчилик марказларига айлана борган Андижон, Қарши, Урганч, қайтадан таъмирланиб чирой очган, олдинги мавқеини тиклаган Самарқанд, Бухоро, Шош, Термиз сингари шаҳарлар, уларнинг ўзига хос меъморилик кифоаси шундан далолат беради. Кўхна Урганчда қад кўтарган, баландлиги 62 метрли улугвор минора XIII аср архитектурасининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. Самарқанддаги Шоҳизинда мажмуи, Бухородаги Баёнқулихон, Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро, Тўрабекхоним, Мухаммад Башар макбаралари, Хўжанддаги Тубахон макбараси ва шу сингарилар XIV асрнинг нодир меъморий ёдгорликлари сирасига киради.

Халқ амалий санъати, кулолчилик намуналари, сирли нақшинкор сополли идишлар, шу жумладан, кўзалар, чинни буюмлар, уй-рўзгор ашёлари, бинолар пештоқига битилган, санъат даражасидаги насталик битиклари - булар Ўрта Осиё моддий маданиятининг XIII-XIV асрларда ҳам ривожланишда давом этганлигидан шаҳодат беради. Бу даврда илм-фан, айниқса тарихшунослик ривожидида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Тарихшунос Жуванийнинг «Тарихи

жаҳонгуша» /Жбҳон фотиҳи тарихи/, Рашидидиннинг «Жомеут-таворих» /«Йилномалар мажмуаси»/ асарлари мўғуллар истилоси ва ҳукмронлиги даври тарихини чуқур ўрганишда қимматли манбалардан ҳисобланади.

Шунингдек, ўлкада бадиий адабиёт соҳаси ҳам анчайин раванқ топди.

**XIII-XIV асрларда
етишиб чиққан
бадиий адабиёт
намояндалари**

- Жалолиддин Румий (1207-1273) («Маснавийи маънавий»)
- Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1219-1293) («Гулистон», «Бўстон»)
- Кутб («Хусрав ва Ширин»)
- Хоразмий («Муҳаббатнома»)
- Сайфи Саройи («Сухайл ва Гулдурсин», «Гулистони бит туркий»)
- Амир Хисрав Дехлавий (1253-1325) («Хамса»)

Жумладан, XIII асрнинг иккинчи ярми ҳамда XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган юртдош даҳо шоиримиз Паҳлавон Маҳмуд ижоди бу жиҳатдан ибратлидир. Унинг туғилган йили номаълум бўлиб, вафот этган даври манбаларда 1322 йил деб кўрсатилади. У хунарманд оилада дунёга келган. Ўзи ҳам пўстиндўзлик билан шуғулланган, ўз замонасининг илғор, маърифатпарвар кишилари билан бўлган. Паҳлавон Маҳмуд номи билан зикр қилинган барча тазкираларда у ғазал, рубоий жанрларида самарали ижод қилган шоир сифатида тилга олинади. Бирок, Маҳмудни элга машҳур этган, авлодлар эҳтиромига сазовор қилган нарса, бу, энг аввало, унинг оташнафас рубоийларидир. Шоирнинг ижтимоий, фалсафий қарашлари ҳам унинг рубоийлари мазмунида акс этган. Умуман Паҳлавон Маҳмуд шеърлятида кенг маънодаги ҳаётий воқеалар, инсоний кечинмалар, чуқур ахлоқий, фалсафий қарашлар ифодаланганки, бу ҳол шоирнинг ўз даврининг ижтимоий-сиёсий жараёнларига фаол муносабатда бўлганидан далолат беради.

XIII аср охири ва XIV аср биринчи чорагида Туркистонда кечган адабий жараённи Бурҳониддин ўғли Носириддин Рабғузий ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса бунда унинг қаламига мансуб «Қиссаи Рабғузий» асари адиб номини асрлар оша сарбаланд этиб келмоқда. Бу асар илк ўзбек насрининг дастлабки намунаси сифатида қимматлидир. Рабғузий асаридаги дунёвий рух билан суғорилган кўплаб шеърлий парчалар ғазалчилик жанрининг кейинги ривожини учун ҳам айрича аҳамият касб этади.

Тарихнавис ҳам тараққий топди. Жузжокийнинг «Табакоти Носирий» («Носир туркумлари»), Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой» («Жаҳон фотиҳи тарихи»), Рашидиддин Ғазлуллохнинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») каби тарихий асарларда ўша давр тарихига доим қимматли тарихий манбалардир.

Шундай қилиб, XIII-XIV асрлар давомида Мовароуннаҳр худуди мўғуллар ҳукмронлиги билан боғлиқ тарзда қандай зиддиятли, мураккаб жараёнларни ўз бошидан кечирмасин, унинг кўхна маданияти, илм-урфони

анъанавий равишда ўзига йўл топиб, ривожланишда давом этади. Халқ даҳоси, ижодкорлиги унинг салоҳиятли намояндалари саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари ила сайқал топиб, янги - янги қирралар кашф этиб боради. Бу эса, шубҳасиз, ўлка халқлари маънавий мероси, қадриятларининг мазмунан бойиб, юксалишига ижобий таъсир кўрсатиб борган.

Синов саволлари

1. Чингизхон шахси тўғрисида ниларни биласиз?
2. Чингизхон 1219 йилгача қандай ҳудудларни истило этган эди?
3. Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатининг ички аҳволи қандай эди?
4. Мовароуннахр шаҳарлари қандай мудофаа қилинди?
5. Жалолоддин Мангуберди шахси, унинг мўғулларга қарши курашлардаги бекиёс жасорати ҳақида сўзланг.
6. Жалолоддин Мангуберди юбилеи юртимизда қачон ва қандай нишонланди?
7. Чигатой улуси қандай вужудга келди, у қай тарзда бошқарилди?
8. Мўғуллар маҳаллий аҳолига қанақа солиқ ва тўловлар солди?
9. Маҳмуд Торобий кўзғолони тўғрисида тушунча беринг.
10. Торобий кўзғолони нима учун мағлубиятга учради?
11. Масъудбекнинг Мовароуннахрдаги бошқарувчилик ва ислохотчилик фаолияти ҳақида сўзланг.
12. Кебекхон ўлкада қандай ўзгаришларни амалга оширди?
13. Нима сабабдан XIV асрнинг 40-60 йилларига келиб Чигатой улуси иқтисодий тушкунлик, ҳудудий парчаланишга юз тутди?
14. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқларининг маданий-маънавий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?
15. Бу даврга хос Ўрта Осиё халқлари моддий маданияти намуналаридан нималарни биласиз?
16. Туркий (эски ўзбек) адабиёт ижодкорлари асарларидан сўзлаб беринг.

ҲҲ БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ЮКСАЛИШИ. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Таянч сўз ва иборалар: Сиёсий тарқоқлик. Амир Темур. Амир Темур-марказлашган давлат асосчиси. Амир Темур юришлари. Темур тузуклари. Мовороуннахр. Хуросон. Шохрух Мирзо. Мирзо Улуғбек. Ҳусайн Байқаро. Маданият. Улуғбек академияси. Алишер Навоий.

1. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши. Марказий давлат бошқарувининг такомиллашуви

Амир Темур Ватанимиз тарихида, ўзбек давлатчилиги тараққиётида бекиёс хизмат кўрсатган шахс. Амир Темур жаҳон халқлари тарихида буюк давлат арбоби, машхур саркарда сифатида эътироф топган ёркин сиймодир.

Афсуски, Амир Темур номи собиқ мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида қораланиб, авлодлар назаридан четга сурилиб келинди. Бирок ўзбек давлатчилигини қайта тиклаган, буюк давлат даражасига кўтарган, жаҳонга шуҳрат таратган Амир Темурнинг тарихий хизматини жаҳон афкор оммаси назаридан яшириш, уни қатағонлик занжирида ушлаб туриш вақти ўтди. Миллий истиқлол туфайли ўз она тарихимизни холисона ёритиш, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш баробарида Амир Темур бобомизнинг номини, нуроний қиёфасини тиклаш бахтига муяссар бўлдиқ. Юртбошимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши ва шу йили буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллигини мамлакатимизда ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси билан бутун дунё миқёсида кенг нишонланиши - бу ҳозирги миннатдор авлодларнинг, қолаверса, жаҳон аҳлининг бу буюк зотга, унинг улуғвор ишларига билдирган чексиз ҳурмати ва эъзози рамзидир.

Амир Темурнинг шахсий фазилатлари

- Маърифатпарварлик, илмпарварлик
- Донишмандлик
- Раиятпарварлик
- Адолатпарварлик
- Кечиримлилиқ, раҳимдиллик
- Олижаноблик
- Мардлик, баҳодирлик
- Қаттиққўллик
- Иродалилиқ
- Жасоратлилиқ
- Собитлик, вазминлик, чидамлилиқ
- Сабр-бардошлиқ, инсофлилиқ
- Меҳрибонлик, мурувватпешалиқ

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

Амир Темур

«Ҳамиша халқ ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик. Бу йўлда бобокалонимизнинг: «Адолат ва озошлик - дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган доно ўғитлари доимий шиоримиз бўлсин»

И.Каримов

Амир Темур туркий барлос уруғининг бий(уруғ оқсоқоли)ларидан бўлмиш Муҳаммад Тарағай ва Бухоро шариат қонунларини шарҳловчисининг кизи Такина Моҳбегимларнинг фарзанди бўлиб, 1336 йилда Шаҳрисабзга яқин Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми шарифи Соҳибқирон Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Бурқулдир. Темур сиёсий кураш майдонига кириб келган XIV асрнинг 60-йилларида мўғулларнинг Чиғатой улусидаги ҳукмронлиги давом этаётган эди. 1346 йили Чиғатой улуси хони Қазонхон амир Қазоғон томонидан ўлдирилади. 1358 йилда амир Қазоғон ҳам ўлдирилади, улусда парокандалик жараёни кучаяди. Ўлканинг турли ҳудудларида мустақиллик даъвоси билан иш кўраётган 10 га яқин маҳаллий бекликлар, чунончи, Хоразмда сўфийлар, Қашқадарёда барлослар, Оҳангарон водийсида жалоирлар, Бухорода садрлар, Термиз атрофида сайидлар амирларининг ва ҳоказо кучларнинг ажратувчилик ҳаракатлари юрт бутунлигига жиддий хавф туғдираётганди. Улус ўнтакча мустақил бекликларга бўлинган бўлиб, уларнинг беклари ўртасида доимо низо, жанжал бўларди. Бунинг устига ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1360 йилда Мовароуннаҳрга катта кўшин тортиб келган Мўғулистон хони Туғлуқ Темур¹ хуружи ҳам дард устига чипқон бўлган эди. Бундай қалтис вазиятда сиёсий кураш майдонида ҳозир бўлган ёш Темурбек олдида ниҳоятда эҳтиёткорлик, ақл-заковат билан иш кўриш, ўз атрофига юртпарвар, ватанпарвар кучларни тўплаш, сўнгра қулай имконият туғилиши билан юрт душманларига қаттиқ зарба бериш вазифаси турарди.

Темурбек уддабуронлик билан ўзига хос тактика қўллаб, ўзининг бош орзу-мақсадларидан воз кечмаган ҳолда, вазият тақозаси билан вақтдан ютиш, ишончли куч топиш учун вақтинча 1361 йилда Туғлуқ Темур хизматига киради. Бироқ бир йил муддат ўтар-ўтмай, Балх ҳокими, келиб чиқиши Чингизийлар насабидан бўлган Амир Ҳусайн билан дўстлашиб, у билан биргаликда юрт бирлиги ва

¹ Бу ерда гап Чиғатой улусининг бўлиниши натижасида ташкил топган. Мўғулистон номи билан аталган хонлик ҳукмдори тўғрисида бораяпти.

озодлигини тиклашга киришади. У 1362-1364 йилларда мўғул кўшинларига бир неча марта зарба беради.

Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхўжа 1365 йил баҳорида Мовароуннаҳрга юриш қилади. Чиноз атрофида, Сирдарё бўйидаги «Лой жанги»да Амир Темур ва амир Хусайн кўшинининг Илёсхўжа бошлиқ мўғул кўшинидан кутилмаганда енгилиши Амир Темур учун жуда катта сабоқ бўлди. Илёсхўжа кўшинлари Самарқандга томон юрди. Ҳокимиятсиз қолган маҳаллий аҳоли (Самарқанд ҳокими қочиб кетган эди) мудофаага кўтарилди, бу ҳаракат сарбадорлар ҳаракати номи билан машҳурдир. Самарқанд унинг марказига айланди. Ҳаракатга толиби илм вакили Мавлонозода, жун титувчилар оқсоқоли Абу Бакр Калавий ва мохир мерган Хўрдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Жоме масжидида тўпланган 10 мингга яқин аҳоли Мавлонозода даъвати билан мўғулларга қарши курашда фаол қатнашадилар. Илёсхўжа Самарқандда катта зарбага учраб Мовароуннаҳрдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Самарқандда ҳокимият сарбадорлар қўлига ўтади. Улар халқ турмушини яхшилашга қаратилган тадбирлар кўради, мўғулларга тарафдорлик қилганларнинг ер ва мулклари мусодара этилади.

Самарқанд сарбадорлари ғалабасидан хабар топган амир Хусайн ва Амир Темур 1366 йил баҳорида Самарқандга келадилар. Амир Хусайн хийласи билан сарбадорлар бошлиқлари қўлга олиниб, ўлдирилади. Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина Мавлонозода тирик қолади. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик амир Хусайн қўлига ўтади. Амир Хусайн Мовароуннаҳрда Амир Темурни қолдириб ўзи Хуросонга кетади.

Амир Темурнинг кейинги жўшқин фаолияти давомида унинг амир Хусайн билан иттифоқи мустаҳкам бўлолмади. Табиатан шухратпараст, ҳокимиятпараст шахс бўлган амир Хусайн қандай қилиб бўлмасин Амир Темурга панд бериш, унга хиёнат қилишдан қайтмайди. Шарофиддин Яздий айтганидек, «уларнинг ўрталарида садоқат ва дўстлик муносабати яқинлик ва қариндошлик алоқаси билан қатъий қилинган эди. Аммо Амир Хусайннинг кўнгли мақр ва ғаддорлик ўй-ҳаёлидан бўшамасди» (Ш.Яздий. «Зафарнома», 207-бет).

Халқимизда «бирова чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» дейилганидек, амир Хусайн ҳам ўзи қазиган чоҳга ўзи йиқилди. Вазият тақозаси билан Амир Темур амир Хусайн ўрнашиб олган Балхга 1370 йилнинг баҳорида кўшин тортиб боради ва уни маҳв этади. Шундан сўнг Амир Темур Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди. Самарқанд мамлакат пойтахтига айланди. Эндиликда юртни бошқариш жиловини қўлга киритган Амир Темур олдида ҳали ғоятда катта, мураккаб вазифалар кўндаланг бўлиб турарди. Энг асосийси, мамлакат ҳудудларини бирлаштириш, ягона марказлашган давлат тузишдан иборат бош вазифани ҳал этиш керак эди. Бунингсиз мамлакат тараққиётини олға бостириш, унинг довуғини жаҳон миқёсига кўтариш мумкин эмасди. Шу боисдан дастлаб Сирдарё ва Амударё оралиғидаги ҳудудлар дипломатик йўл билан бирлаштирилди.

Амир Темур шарқий ҳудудларни мўғуллар таъсиридан озод этиш учун 1370 йил охири ва 1371 йил бошида Шарқий Туркистон томон юриш қилади. Мўғул

хони Кепак Темурга қақшатқич зарба берилиши орқасида Фарғона мулки ва бошқа бир қатор ҳудудлар эгалланади. Кўп ўтмай Афғонистон шимолидаги Шибирғон вилояти ҳам унинг тасарруфига олинди.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг Мўғулистон томон 7 марта ҳарбий юришлар қилгани тилга олинади.

Унинг қудратли мўғул ҳукмдорларидан саналган амир Қамариддин билан олиб борган кўп йиллик урушлари мамлакатининг шарқий ҳудудларини мўғуллар асоратидан ҳалос қилиш, юрт тинчлиги, осойишталигини қарор топтиришга қаратилган эди. Ўз тасарруфида Қошғар, Иссиқкўл ва Еттисув воҳасини бирлаштирган ҳамда 1369 йили Илёсхўжани тахтдан ағдариб, Мўғулистон хони бўлиб кўтарилган Қамариддин билан 1370-1389 йиллар давомида Амир Темур ҳаёт-мамот жанглари олиб борди. Бу жангу жадаллар оқибатида Мовароуннаҳрга қарашли асосий шарқий ҳудудлар унинг таркибига кўшиб олиндики, бу ҳол юртимиз ҳудудида марказлашган давлатнинг вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

- | | |
|--|--|
| Амир Темур
томонидан
марказлашган
қудратли
давлатга асос
солиниши | <ul style="list-style-type: none">➤ 1361-1365 йиллар Мўғулистон хони Туғлуқ Темур ва унинг ўғли Илёсхўжага қарши уруш.➤ 1370 йили Амир Хусайнга қарши Балхга юриш ва уни бартараф этиш.➤ 1370-1371 йилларда Фарғона, Ўтрор, Ясси, Тошкент, Ҳисор, Бадахшон, Қундуз бўйсундирилди.➤ 1381 йили Ҳирот, Сеистон, Мозандарон, Сарахс, Сабзавор бўйсундирилади.➤ 1371-1389 йилларда жами 7 марта Мўғулистон ҳукмдори Амир Қамариддинга қарши жангу жадаллар олиб бориш ва шарқий, шимолий ҳудудларнинг юртга бирлаштирилиши➤ 1371, 1373, 1375, 1379, 1388 йилларда Хоразмдаги сўфийлар сулоласи ҳукмдорлари: Хусайн, Юсуф ва Сулаймон Сўфийларга қарши олиб борилган урушлар ва Хоразмнинг юрт таркибига кўшиб олинди |
|--|--|

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, Амир Темур ўз салтанати таркибига Хоразм мулкини ҳам кўшиб олиш учун кўп саъй-ҳаракатларда бўлди. Чингизхон томонидан Жўжи улусига берилган Хоразм ерлари Олтин Ўрдадан мустақил бўлиб ажралган бўлиб, ҳокимият тепасида Қўнғирот сўфилари турарди. Кейинроқ иккига бўлиниб, жанубий қисми Чигатой улусига бўйсундирилган эди, аммо Қўнғирот сўфилари жанубий қисмни ҳам фатх этади. Амир Темур эса бутун Хоразмни ўз улусининг таркибий қисми деб ҳисоблар эди. Шу боисдан Хоразмни ўз тасарруфига киритиш учун бир неча марта юриш қилади. 1388 йилги сўнгги Хоразм юриши натижасида Сулаймон Сўфий ҳукмронлиги ағдарилиб, бу ўлка Темур салтанати таркибига узил-кесил кўшиб олинди.

Шундай қилиб, Амир Темур бир неча йиллар давом этган қонли ва қонсиз курашлар, муҳим тадбирлар, кези келганда дипломатик алоқаларни муваффақиятли қўлланиш натижасида мамлакатни мўғуллар зулмидан озод этди, сиёсий тарқоқлик, ўзаро низоларни бартараф қилди. Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудлари бирлаштирилиб, ягона марказлашган давлат барпо этишга муваффақ бўлинди.

Амир Темур кучли, марказлашган давлат барпо этиш баробарида ўз қудратини жаҳонга машхур қилиш, ҳудудларини кенгайтириш мақсадида XIV асрнинг 80 йилларидан эътиборан хорижий юртлар томон кўплаб ҳарбий юришлар уюштиради. Унинг 1386-1388 йиллардаги «уч йиллик», 1392-1396 йиллардаги «беш йиллик» ва нихоят 1398-1404 йиллардаги «етти йиллик» юришлари худди шу мақсадларга қаратилганди. Бу ҳарбий юришлар давомида Эрон, Кавказ орти ҳудудлари, шимолий Ҳиндистон, Сурия, Ироқ ерлари, Кичик Осиёнинг талай қисми эгалланади. Шу тариқа, қудратли салтанат вужудга келиб, унинг довуғи бутун оламни тутди. Бироқ кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Соҳибқироннинг кўплаб жаҳонгирлик юришларига фақат бир ёқлама нуқтаи назардан баҳо бериб бўлмайди. Негаки, бу юришлар гоҳо мамлакат ҳудудларига тажовуз қилган ажнабий кучларга зарба бериш, гоҳо муқаддас ислом таълимоти ғояларини, уларнинг таҳқирловчиларидан ҳимоя қилиш ёхуд Соҳибқирон юртига муттасил душманлик қилиб келган хорижий давлатларга нисбатан сўнгги чора сифатида амалга оширилган. Жумладан, Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши бир неча марта (1389, 1391, 1394-1395 йй.) олиб борган жангу жадаллари, энг аввало, юрт осойишталиги, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мақсадига йўналтирилган эди. Айниқса Тўхтамишнинг Хоразм ерларига даъвоси бунда муҳим сабаблардан бири бўлган. Амир Темур томонидан Олтин Ўрданинг мавҳ этилиши эса, табиийки, унинг таркибига кирган ҳудудларнинг, чунончи, рус князликларининг мустақилликка эрушувида айрича аҳамиятга эга бўлганлиги ҳам тарихий фактдир.

Шунингдек, Соҳибқирон кўшинининг Туркия султони Боязид кучлари билан 1402 йилда Анқара яқинида бўлиб ўтган ҳаёт-мамот уруши ҳам, аввало, турк султонининг қайсарлиги, манманлиги, муросасизлиги, адолат талабига қўл силтаганлиги орқасида юз берган. Бу беомон жангни ўз фойдасига ҳал этган Амир Темур эса айна пайтда ўз қудратини нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам намойиш этишга мушарраф бўлди. Шу буюк ғалабадан сўнг Ғарбий Европанинг Англия, Франция, Испания сингари нуфузли давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан яқиндан алоқа боғлаш, ҳамкорлик қилиш, айниқса савдо-сотик муносабатларини ўрнатишга фаол йўл тутганликлари шундан яққол далолатдир. Дарҳақиқат, Амир Темурнинг нақадар узоқни кўра билиш салоҳиятини унинг Европа ҳукмдорлари – Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1413), Кастилия ва Леон қироли Генрих III (1390-1407) билан дипломатик алоқалари ва ёзишмаларидан ҳам билса бўлади. У жумладан, Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида савдо алоқаларини йўлга қўйишни таклиф қилиб «Дунё савдо аҳли билан обод бўлажак», деган фикрни билдирган эди.

Франция қироли 1403 йил 15 июнда ёзган жавоб хатида таклифни мамнуният билан қабул қилганини билдиради. Бу даврга келиб Буюк ипак йўли шухратининг янада ортиши давомида Мовароуннахр ва Хуросон дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳар жиҳатдан яқиндан боғланиб, халқаро қарвон савдосининг энг муҳим марказига айландики, бу эса Ватанимизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий юксалишига катта ижобий таъсир кўрсатди.


Амир Темур қудратли салтанатни вужудга келтирар экан уни омилқорлик билан идора қилиш, бошқарув тизимини янада такомиллаштириб боришга ҳам алоҳида аҳамият берди. У ўзбек давлатчилигининг Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар даврида таркиб топиб, ривожланиб борган тизими, тартиб-қоидалари, ҳуқуқий асосларини янги тарихий даврнинг талаб, эҳтиёжларига мослаб янада такомиллаштирди, уларга янги рух, мазмун ва сайқал берди.

Амир Темур ўзига шаклланган ўзбек давлатчилигининг асосларига изчил амал қилиш билан бирга уларни мазмунан бойитишга жиддий улуш қўшди.

Амир Темур миллий давлатчилик асосларини ривожлантиришда, жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва уларнинг манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берди. Шундан келиб чиқиб Амир Темур дунё тарихида биринчи бўлиб жамият ижтимоий таркибини 12 табақага ажратиб, уларнинг ҳар бирининг алоҳида маънавий, манфаатларини, шунга мувофиқ келадиган давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берган.

Унинг даврида бошқарув икки идорадан, яъни даргоҳ ва вазирликлардан иборат бўлган. Даргоҳ тепасида олий ҳукмдорнинг ўзи турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятига молик масалалар унинг кўрсатмаси билан ҳал этилган.

Давлатнинг сиёсий бошқарув тизими



Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлари, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечаётган жараёнлар билан боғлиқ ишлар олий девон зиммасида бўлган. Олий девонда ҳар куни 4 вазир, яъни ижроия идоралари номидан бош вазир, харбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб, ўзига хос равишда ҳукмдорга ҳисоб бериб турган.

- Мамлакатда диний ҳокимият тизими куйидаги тарзда бошқарилган**
- Шайхулислом
 - Аълам
 - Қозикалон
 - Садри аъзам
 - Мухтасиб
 - Қозийи аҳдос
 - Қози аскар
 - Мударрис
 - Мутавалли

Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувига хос энг муҳим хусусиятларидан бири унда адолат меъзониغا алоҳида аҳамият берилганлигидир. У ҳар доим «Куч - адолатда» деб таъкидлар ва унга амал қиларди. Унинг давлат бошқаруви тизими масалаларига бағишланган машҳур тузукларида ҳам ҳар бир ишда адолат меъзониغا амал қилишлик, ноҳақлик, адолатсизликка нисбатан мурасасизлик ғояси чуқур ифодаланганлиги бежиз эмасдир. Зеро, хоҳ молия-солиқ тизимида, хоҳ савдо-тижорат соҳасида ёхуд мулкий масалаларда бўлсин, ҳамма нарсада адолат кўзи билан, конунчилик қоидалари, талабларига асосланиб иш

юритиш Амир Темурнинг қатъият ва изчиллик билан ўтказган давлатчилик сиёсатининг асосий меъзони бўлган. Ўз амали, мансабини суистеъмол қилишлик, порахўрлик, маиший бузуқлик қабилар оғир жиноятлар саналиб, уларни содир этувчилар қаттиқ жазоланган.

Амир Темур тузукларига асос қилиб олинган давлатчилик сиёсатининг муҳим жиҳати яна шундан иборатки, унинг даврида ҳар бир соҳага кадрлар танлаш, лавозимларга тайинлашда уларнинг иқтидору қобилиятига, билиму истеъдодига, насл-насабига алоҳида эътибор берилган. Давлатга садоқат билан хизмат қилган ходимлар доимо рағбатлантирилиб, мартабалари ошириб борилган.

2. **Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон**

Гарчанд Амир Темур қудратли салтанат барпо этиб, унинг ҳудудларини шарқу ғарбга, шимолу жанубга кенгайтириб, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатлардан юксалтириб доврўғини оламга машҳур қилган бўлса-да, бироқ унинг вафотидан кейин мамлакат таназуллиққа учраб борди. Бунинг асосий боиси аввало шундаки, Амир Темур тасарруфига кирган эллар ва юртлар шу қадар хилма-хил, узоқ масофаларга чўзилган бўлиб, уларни ягона бир марказдан туриб узоқ вақт бошқариш мураккаб эди. Бунинг устига улардаги мавжуд турли-туман муҳолифатчи кучлар эртами-кеч ўз ҳудудий мустақиллиги учун ҳаракат этишлари табиий эди.

Соҳибқирон салтанатини заифлаштириш ва парчаланишга олиб келган муҳим сабаблардан яна бири - кўп сонли темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт талашиб бошланиб кетган ва бир неча йилларга чўзилган ўзаро бесамар урушу низолардир. Чунки, Амир Темур вафотидан сўнг унинг кўп сонли ворислари унинг доно васиятлари, ўғитларига қулоқ осмай, марказий ҳокимиятни эгаллаш йўлида жангу-жадалга киришадилар.

Амир Темур Хитой юришига отланган бир пайтда Ўтрорда 1405 йил 18 февралда касалланиб вафот этган пайтда унинг 4 ўғлидан 2 таси (**Мироншоҳ** ва **Шохруҳ Мирзолар**) ва 19 та неvara, 15 чевара, шунингдек, қизлари - **Оға бегим**, **Султон Бахт бегим** ва Оға бегимнинг ўғли **Султон Ҳусайн Мирзолар** қолган эди.

Амир Темур васиятига кўра унинг ўрнини Қобул, Қандаҳар ва Шимолий Ҳинд ерларини бошқариб турган набираси **Пирмуҳаммад** (Жаҳонгир Мирзо ўғли) эгаллаши керак эди. Бироқ шаҳзода Ҳалил Султон (Мироншоҳ ўғли)нинг ўзбошимчалик билан Самарқандни эгаллаб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилиши, табиийки, бошқа шаҳзодаларнинг ҳам кўзғалишига, салтанатнинг дарз кетишига олиб келди. Бунинг оқибатида тез орада ғарбий ҳудудларнинг анча қисми мустақил бўлиб ажралиб кетди. Озарбайжон томонда туркманларнинг **Оқ қуюнли** ва **Қора қуюнли** сулолаларининг Темур салтанатига бўйсунмаслик ва унга қарши қаршилиқ ҳаракати кучайди. **Амир Худайдод** ва **Шайх Нуриддинлар** эса Мовароуннаҳрнинг турли ҳудудларида бош кўтардилар. Фақат қатъиятли, шижоатли Шохруҳ Мирзо бу қонли низолар, урушларга барҳам бериб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳокимият жиловини қўлга киритади. У 1409 йилда

Мовароуннаҳрдаги вазиятни ўз фойдасига ҳал этиб, уни катта ўғли Улуғбекка топширади. Ўзи эса Хуросон ҳукмдори бўлиб қолади (1407-1447).

Мирзо Улуғбекнинг асл исми Мухаммад Тарағай бўлиб, у 1394 йилда Султонияда таваллуд топган. Бобоси Амир Темур унга катта меҳр билан қараб ёшлигидан ўз тарбиясига олган. Улкан туғма истеъдод, ақл-заковат соҳиби бўлган Улуғбек (Соҳибқирон хонадонидан уни шундай ном билан эрқалашган) давлат бошқарувини пухта эгаллашдан ташқари диний ва дунёвий билимларни ҳам етук даражада ўзлаштирган. У Мовароуннаҳр тахтини эгаллаганида энди 15 ёшга тўлган эди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги (1409-1449) темурийлар салтанатининг анъанавий ривож ва муҳим ижтимоий ўзгаришлар йўлидан илгарилаб беришида алоҳида даврни ташкил этади. Негаки, бунда донишманд ҳукмдорнинг катта саъй-ҳаракатлари, тўғри йўналтирилган сиёсати туфайли мамлакат дахлсизлиги, тинчлиги ва осойишталиги нисбатан таъминланди. Бу эса унинг иқтисодий, маданий ва маънавий раванкига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Ўша давр тарихчиларининг яқдил фикрича, Улуғбек бобоси давридаги бошқарув тизимини, барча тартиб-қоидаларни тўла сақлашга ҳаракат қилган. Солиқ ва молия сиёсатида ҳам бунга амал қилган. Тўғри, Улуғбек Амир Темур сингари жангу жадалларга кизиқмади. Бу соҳага унинг ортиқча рағбати ҳам бўлмаган. Фақат зарурият такоза қилгандагина у ҳарбий юришларга отланган. Масалан, 1414 йилда Фарғона ҳукмдори шаҳзода Аҳмад итоатдан бош тортишга уринган пайтда у катта кўшин тортган ва бу юриши билан нафақат Аҳмадни итоатга келтириб қолмай, айти чоғда шарқий Туркистон ерларини ҳам ўз давлати таркибига кўшиб олишга муваффақ бўлган. 1425 йилга келиб Улуғбек Мирзо Иссиққўл тарафга юриш килиб, у ердаги исён кўтарган маҳаллий муҳолифатчи кучларни баргараф этиб, мамлакатнинг шарқий чегараларини анча мустаҳкамлашга эришади. Бирок ҳукмдорнинг 1427 йилда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сиғноқ ва унинг атрофида худудий даъволар билан бош кўтарган Дашти Қипчоқ аслзодаларидан саналган Бароқхонга қарши юриши унинг учун кутилмаганда муваффақиятсиз якун топди. Бу мағлубият Улуғбекни ҳокимиятдан маҳрум бўлишига ҳам олиб келаётганди. Отаси Шохрухнинг катта кўшин билан етиб келишигина уни яна ўз ҳукмронлигини қайта тиклашига имкон берди. Шундан сўнг Улуғбек Мирзо уруш ҳаракатларидан кўра кўпроқ ўз фаолиятини мамлакат ишлари, унинг ички сиёсати масалалари билан шуғулланишга қаратади. Шу боисдан ҳам эндиликда унинг фаолиятида мамлакат ободончилиги, юрт тинчлиги, фаровонлиги, илм-фан раванкига оид масалалар асосий ўрин эгаллайди. Мамлакатда савдо-сотик, хунармандчилик ва зироатчилик аввалгидек ривожланишда давом этади. Кўплаб сунъий суғориш иншоотлари барпо этилади. Мамлакат Буюк ипак йўли орқали ҳалқаро қарвон савдосида фаол иштирок этади. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Шош ва бошқа шаҳарларда кўплаб хашаматли мадрасалар, масжиду макбаралар, қарвонсаройлар қад ростлайди. Унинг бевосита раҳнамолигида қурилган тенгги йўқ меъморий иншоот - расадхона ўша давр илм-фани ва техникасининг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган эди.

Улуғбекнинг 1428 йилда ўтказган пул ислоҳоти ҳам мамлакатда савдо-сотик ва пул муомаласини, молия сиёсатини йўлга қўйишда муҳим воқеа бўлган. Улуғбек муомалага чиқарган янги вазндаги танга пуллар ўз қадри, қиммати билан иқтисодий ҳаётни жонлантириш, савдо-сотикни ривожлантиришда алоҳида роль ўйнади. Унинг даврида ҳам юқори табақа вакилларига, ҳарбий саркардалар, олий руҳонийларга аввалгидек алоҳида имтиёзлар бериш тартиби ҳукм сурди. Бундан ташқари давлатнинг катта маънавий таянчи ҳисобланган диний муассасалар ихтиёрида ҳам улкан миқёсдаги вақф ерлари тўпланган эди.

Темурийлар даврида аҳоли тўлайдиган турли-туман солиқлар орасида хирож (ер солиғи) алоҳида ажралиб турарди. Дехқонлар етиштирган ҳосилнинг камида учдан бир қисми хирож солиғига тўланган. Бундан ташқари ушр (даромаднинг ўндан бир қисми), тамға (савдо-сотик, хунарманд аҳлидан олинадиган солиқ), закот, тутун солиғи, боғ солиғи, улоқ (давлат хизматидагилар учун), доруғона (ҳарбий қўриқчилар учун), миробона (сув етказиб берувчилар учун), ясоқ (чорва моллари учун), бегор (давлат ҳисобига ишлаб бериш: сарой қурилиши, ариқ, каналлар қазилар учун) ва бошқа солиқ ва мажбуриятлар жорий этилганди.

Улуғбек ўз давлат сиёсатида қанчалик оқил ва изчил сиёсат юритишга, илм-фан аҳлига, дин пешволарига ҳомийлик қилиш, савдо-тижорат ва хунарманд аҳлига рағбат кўрсатишга ҳаракат қилмасин, унга қарши муҳолифатчи кучлар ҳам анчагина бор эди. Улуғбек катта ер эгаларининг оддий фуқароларга нисбатан суиистеъмолчиликларини чеклаш тадбирларини кўрганда, улар «тахтдаги олим»га қарши чиқдилар. Руҳонийлар орасидаги жаҳолатпараст унсурлар Улуғбекни ислом динига зарар келтирувчи «бетавфик ҳукмдор» деб ташвиқот юритдилар. Шу тариқа, жаҳолатпарастлар илмга, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйишлар тараққиётга қарши чиқдилар. Улуғбек мамлакатдаги турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ички зиддиятларни, мутаассиб, реакцион кучлар муҳолифатчилигини охиригача бартараф эта олмади. Бу эса XV асрнинг 40-йиллари охирига келиб Мовароуннаҳр давлатини беқарорлик ва чуқур ижтимоий ларзаларга дучор этди. Мамлакат қўшинининг жанговор ҳолатда бўлмаганлиги ва турли жойларга сочилганлиги эса Дашти Қипчок кўчманчиларининг бу ерларга тез-тез бостириб келиб, юртни талаши учун кенг йўл очиб берганди. Хусусан, 1447 йилда Шохрух Мирзо вафоти муносабати билан Улуғбекнинг ота тахтига даъвогарлик қилиб Хуросонга юриши, жияни Алоудовла ва бошқа меросхўрлар билан ҳокимият талашиши, унинг йўқлигида Абулхайрхон бошлиқ Дашти Қипчокликларнинг Мовароуннаҳр ерларини ғорат қилиши ва ниҳоят, қора кучлар иғвоси туфайли ўз ўғли Абдуллатиф билан бошланган низонинг катта жангга айланиб, унда Улуғбекнинг мағлуб бўлиши - булар нафақат унинг фожиали ўлими билан яқун топиб қолмай, айти пайтда Темурийлар сулоласи инқирозини янада чуқурлаштиришга олиб келди. Улуғбек академияси тарқалиб кетди, кутубхонадаги китоблар ёндирилди, олимлар боши оққан томонга кетишга мажбур бўлди.

Улуғбек ўлимидан сўнг тез орада окпадар Абдуллатифнинг ўлдирилиши, ундан кейин Самарқанд ҳокимияти тепасига келган **Абусаид Мирзо (1451-1468)**нинг давлатни бошқариш ўрнига асосий вақтини Эрон ва Хуросон хуудларида ҳарбий юришлар билан ўтказиши, вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган авлодлари - **Султон Аҳмад (1468-1493)**, **Султон Маҳмуд (1493-1494)** ва **Султон Али Мирзо (1494-1501)** даврида юртнинг янада ички зиддиятлари таназзулликка юз тутиши пировард оқибатда Темурийлар ҳукмронлигининг барҳам топишига олиб келди. XV асрнинг 90-йиллари бошларида Фарғона мулкида Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг ҳокимият жиловини кўлган олган унинг ўғли навқирон ва шижоатли **Бобур Мирзо¹ (1482-1530)**нинг Темурийлар салтанатини тиклаш ва сақлаб қолиш йўлида Муҳаммад Шайбонийхонга қарши олиб борган бир неча йиллик жангу жадал ҳаракатлари ҳам натижасиз тугади. Буюк орзулари саробга айланган, вужудини умидсизлик қоплаган Бобур Мирзонинг шундан сўнг Афғон ва Ҳинд ерлари сари бош олиб кетишга мажбур бўлганлиги боиси ҳам мана шундандир.

Хуросонда XV асрнинг иккинчи ярмида Абусаид Мирзо ўлимидан сўнг (1469) ҳокимиятга келган **Хусайн Бойқаро (1438-1506)** даврида бу ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида кўплаб муҳим ўзгаришлари силжишлар юз берди. Бунинг боиси шундаки, Темурий шахзодалар ичида жаъсур ва тадбиркор, салоҳиятли ва маърифатли ҳукмдор бўлган Хусайн Бойқаро ўзининг салкам 40 йиллик ҳукмронлиги даврида Хуросонда катта хайрли ишларни амалга ошириш, салтанат қудратини кўтаришга муваффақ бўлди. Бу улуғвор ишлар ва саъй-ҳаракатларда унинг мактабдош дўсти, буюк донишманд сиймо, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий хазратлари (1441-1501)нинг роли бекиёсдир.

Улуғ Навоийнинг Бойқаро саройида биринчи вазир сифатида катта мавқе ва нуфузга эга бўлиши, албатта, кўплаб муҳим давлат масалаларини оқилона, раият фойдасига ҳал этишда кўл келган. Айниқса пойтахт Ҳирот ва унинг теваарак-атрофларида қанчалаб ободончилик ишларини рўёбга чиқаришда, кўплаб салобатли меъморчилик обидалари, халқ хўжалик иншоотларини барпо этишда бу икки улуғ зотнинг баҳамжихат саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Тарихчи Хондамирнинг маълумотича, Хусайн Бойқаро даврида бунёд этилган йирик иншоотларнинг сони 40 дан ортади. Ҳиротда бунёд этилган ўнлаб кўркам масжиду мадрасалар (шу жумладан 403 гумбази, 130 та равоқи ва 44 та устунли бўлган улкан жомеъ масжиди), шифохонаю ҳаммомлар, илм масканлари, сув иншоотлари - булар Хуросон давлатида кечган катта бунёдкорлик ишларидан яққол нишонадир.

Чошмағул мавзесида А.Навоий ташаббуси билан Турукбанд сув омборининг қурилиши Машҳад ва унинг атрофларини об-ҳаёт билан таъминлашда беназир аҳамиятга эга бўлган. Бироқ неажиб ҳолки, Хусайн Бойқаро

¹ У Темурийлар авлодига мансуб Султон Абу Саид Мирзонинг набираси, Умаршайх Мирзонинг ўғли. Бобур она томондан Мўғулистон хонларидан бўлган Юнусхоннинг набираси, Қутлуғ Нигорхонининг фарзанди.

даврида Хуросонда ҳам ички зиддиятларнинг кучайиб бориши, бек-амалдорларнинг фитна-фасоди, соткинлигининг авж олиши, ёш шахзодалар ўртасида низоларнинг келиб чиқиши, газак олиб бориши давомида XV аср охирларига келиб инқироз сари юз тутиб борди. Айниқса Хусайн Бойқаронинг севимли набираси шахзода Мўмин Мирзонинг фожиаги ўлимидан кейин подшо билан унинг ўғиллари ўртасидаги низолар тўхтовсиз кучайиб бордики, уни бартараф этишнинг сира иложи кўринмай борди. Ҳатто бу ишга қўл уриб, ота-болалар ўртасидаги душманликка нуқта қўйиш, уларни муроасага келтириб, салтанат бирлиги, тинчлиги ва осойишталигини қарор топтиришга уринган Алишер Навоийдек буюк зотнинг саъй-ҳаракатлари ҳам беҳуда кетди. Бу эса Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллаб, Хуросон сарҳадларига кўз тикиб турган Муҳаммад Шайбонийхон беклари ва амирлари учун қўл келди. XVI аср бошларига келиб, яъни Хусайн Бойқаро вафотидан сўнг (1506) Хуросон ерлари томон юриш бошлаган Шайбонийхон қўшини Бадиузамон ва Музаффар Мирзо қўшинларини бирин-кетин енгиб, тез орада бутун Хуросон ўлкасини ўз қўл остига киритиб олади.

Худди шу ўринда тарихий асосга қурилган бир ибратли жонли лавҳани мухтарам талабаларимиз эътиборига ҳавола этмоқчимиз: Бу 1497 йилда содир бўлган эди. Мўмин Мирзо занжирбанд ҳолда Хиротнинг Ихтиёриддин қалъасида маҳбусликда эди. У Қуръони Каримнинг «Ёсин» сурасини қироат қиларди. Бобоси Хусайн Бойқаронинг ўз набираси Мўмин Мирзони бўғиб ўлдириш тўғрисида муҳри босилган фармонни (уни шохнинг сармастлигидан фойдаланиб Ҳадичабегим бошлиқ фитначилар қўлга киритган эдилар) кўтариб хонага 4 жаллод ярим тунда кириб келади.

Мўмин Мирзо бобоси фармонини ўзи ўқиб кўришини, муҳрини ўзи аниқлашини амирона талаб қилади. Жаллодлар розилик беришади. Шахзода «Бобом муҳри чекилган бул фармон мен учун табаррукдир» дея фармонни аввал кўзига суртади, ўпади ва кейин эса ўқийди. Фармонда, жумладан, шундай мудҳиш сатрлар бор эди:

«Нишон етиши ила пайсалга солмай Муҳаммад Мўмин Мирзони камон ипига тортиб, йўқлик чиллахонасига жўнатилсин». Мўмин Мирзо ўзини дадил, мардона тутиб, жаллодларга бундай дейди: «ишингиз битгач, бобомнинг бул фармонини ўша камон ипининг бир қаричи ила боғлаб ўзларига қайтариб беринг. Бул менинг сўнгги васиятимдир. Уларга айтингки, ўз авлоди ила муроасага келолмай, жаллод хизматига муҳтож подшоҳ салтанати узоқ чўзилмайди. Бобо, эҳтиёт бўлинг! Ал-қасосу минал ҳақ!». Шу сўзларни айтиш асносида у ердан кишан занжирини олиб боши узра айлантиради, икки жаллодни яралайди, бироқ кучлар нисбати тенг эмасди. Қолган икки жаллод уни йиқитиб, фармонда айтилган камон ипи билан бўғиб ўлдирадилар.

Зотан, 1506 йилда Хусайн Байқаронинг хушидан кетиши, ўлди деб кўмилиши, қабрда хушига келиши, чиқишга уриниши, аммо чиқа олмаганлиги – булар аслида «Ал-қасосу минал-ҳақ» инъикосидир.

Шу тариқа, қарийб бир ярим аср давом этган, ўз даврида Ватанимиз номини шону шухратга буркаган, уни ижтимоий тараққиётнинг юксак марраларига олиб чиққан, улуғ аждодларимиз тарихида ўчмас из қолдирган Темурийлар салтанати ҳукмронлиги тарих тақозаси билан ҳалокатга маҳкум бўлди. Бироқ бу мураккаб, зиддиятли тарихий жараён кейинчалик янги-янги авлодлар учун жуда кўплаб ҳаётий масалаларнинг мағзини чақиш, истиклолни тиклаш йўлида битмас - туганмас сабоқ ва ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қилди.

3. Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти

Моддий маданият Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукм сурган тарихий даврни назардан ўтказар эканмиз, бунда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксак марралари сари кўтарилган Мовароуннахр ва Хуросоннинг бутун ёрқин манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Марказий Осиё халқлари цивилизацияси ва маданияти равнақининг юқори чўққиси ҳисобланган Темурийлар даври нафақат шу минтақа доирасида, балки умумжаҳон миқёсида ҳам ўзига хос юксак босқич бўлди. Унинг қудратли акс садоси асрлар оша миннатдор авлодлар дили ва тафаккурини ҳамон нурлантириб келмоқда.

Она тарихимизнинг мана шу муҳим босқичида халқ даҳоси, қудрати билан бетимсол моддий ва маънавий маданият намуналари, мислсиз асори атиқалару монументал меъморий обидалар бунёд этилди. Илм-фан юксалди. Бундай юксалиш Амир Темур ва унинг авлодларининг илм-фан, маърифат равнақиға алоҳида рағбат, қатта саъй-ҳаракат боғлаганликлари натижаси бўлди.

Хусусан, Амир Темур сиймосига тўхталадиган бўлсак, унинг ўзи юксак маърифатпарвар ҳукмдор сифатида халқ ичидан чиққан қанчадан-қанча ноёб истеъдодлар, илму урфон ва дин аҳллари, меъмору хунармандларни парваришлаб ўстириш баробарида мамлакат ободонлиги, равнақи учун ҳам доимий ҳаракатда, изланишда бўлди. Унинг даврида Самарқанд ва юртнинг бошқа ҳудудларида қад ростлаган серхашам саройлар, боғ-роғлар, масжиду мадрасалар, равогу карвонсаройлар, кўприклар, сув хавзалари ва бошқа иншоотлар Соҳибқирон салоҳияти ва фаолиятининг нечоғлик кўп қирралилигига далолатдир.

Амир Темури ва Темурийлар даврида бунёд этилган меъморий обидалар ва боғлар

Самарқандда:

- Гўри Амир мақбараси
- Шоҳи Зинда ансамбли мажмуи
- Кўк сарой
- Бўстонсарой
- Бибахоним масжиди ва мадрасаси
- Улуғбек мадрасаси
- Улуғбек расадхонаси
- Боғу Дилкушо
- Боғи Беҳишт
- Боғи Жаҳонаро
- Боғи Нав
- Боғи Давлатобод
- Боғи Шамол
- Боғи Зағон
- Боғи майдон в.б.

Ҳирот ва унинг атрофида:

- Бойсунқур Нигористони
- Гавҳаршодбегим мадрасаси
- Ихлосия мадрасаси
- Халосия хонақоси
- Шифоя шифохонаси
- Ҳусайн Бойқаро даврида қурилган 300 дан зиёд ноёб иншоотлар: масжиду мадрасалар, мақабараю шифохоналар, роботу карвонсаройлар, сув ҳавзалари, кўприклар в.б.

- **Тошкент** атрофида қурилган Зангиота мақбара мажмуи
- **Туркистонда** Аҳмад Яссавий мақбара мажмуи
- **Шахрисабздаги** Оқсарой мажмуи
- **Бухоро,** **Ғиждувонда** барпо этилган масжид, мадрасалар
- **Тошкент** яқинида **Шоҳрухия** шаҳри қурилиши

Хуросоннинг обод ўлка сифатида гуллаб-яшнаши ҳам Темурийлар даврига тўғри келади. Шоҳруҳ Мирзо ва унинг ворислари томонидан барпо этилган 150 дан зиёд машҳур обидалар, жумладан, «Боғи Зоғон», «Боғи жаҳон» қалъа масканлари, «Гавҳаршодбегим» мадрасаси, Бойсунқур «Нигористони» (Бадиий академияси), ёхуд Ҳусайн Бойқаро даврида (1469-1506) унинг дўсти, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳирот ва унинг атрофида қурилган 300 дан зиёд ноёб бино ва иншоотлар: масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ, ҳаммому шифохоналар, саройлар, истироҳат боғлари, роботу карвонсаройлар, сув ҳавзалари, кўприк, коризлар-булар ҳаммаси Темурийлар замонаси маданий юксалишининг ишончли тасдиғидир.

Илм-фан равнақи Темурийлар маънавий маданияти тўғрисида гап борганда, даставвал, она юртимизда Уйғониши даврининг иккинчи босқичи бўлган бу олтин асрда илм-фаннинг нечоғлик равнақ топганлиги ҳамда унинг жаҳон илму урфони таракқиётига қўшган бебаҳо хиссаси ҳақида ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Улуғбек академияси олимлари ижодидан намуналар	Мирзо Улуғбек қаламига мансуб асарлар:	<ul style="list-style-type: none"> ➤ «Зижи Кўрагоний». Бу асарда 1018 та юлдузнинг ўрни, ҳолати аниқланган. жаҳондаги 683 та географик жойларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгиланган. ➤ «Тўрт улус тарихи»
	Қозизода Румий асарлари:	<ul style="list-style-type: none"> ➤ «Рисола фил ҳисоб» («Ҳисобга доир рисола») ➤ «Шарҳи Мулахҳас фил-хайъят» («Астрономия асосларига шарҳ») ➤ «Рисолатул жайб» («Синус ҳақида рисола») ➤ Тафтазонийнинг «Мифтаҳул-улум» («Илмлар калити») асарига шарҳ
	Ғиёсиддин Жамшид асарлари:	<ul style="list-style-type: none"> ➤ «Суслам ус-само» («Осмон норвони») ➤ «Рисолат ул-атвор вал-жайб» («Ватарлар ва синус ҳақида рисола»)
	Али Қушчи асарлари:	<ul style="list-style-type: none"> ➤ «Рисола дор илми ҳисоб» ➤ «Рисолаи қусур» ➤ «Рисола дар хандаса» ➤ «Рисола дар фалакиёт» ➤ «Рисола дар илми хайъят» ➤ «Рисолаи мантиқ»

Бу даврнинг яна бир муҳим ютуғи-бу ижтимоий фанлар, хусусан, тарихшунослик соҳасида катта тадқиқотларнинг яратилганлигидир. Бу хайрли ишларнинг юзага чиқишида ҳам темурий ҳукмдорлар ташаббуси ва раҳнамолиги бекиёс бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг «Тузуқлари», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Бобур Мирзонинг «Бобурнома»си ижтимоий фанлар ривожига айрича таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир. Темурийлар даврида салмоқли из қолдирган аллома олимлардан Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Яздийнинг «Зафарнома», Хофизу Абрунинг «Зубдат ат-таворих», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ул-саъдаин» ва «Мажмаъ ул-бахраин» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ўрни ва икки азим дарёнинг қуйилиш жойи»), Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», Мирхонднинг етти жилдли «Равзат ул-сафо» («Поклик боғи»), Хондамирнинг «Макоримул ахлоқ» («Яхши фазилятлар»), «Хабибус сияр фи ахбору афодул башар» («Хабарлар ва башарият одамларидан дилга яқин сийратлари») асарлари ўша замон тарихшунослик илмининг юксаклик даражасини ўзида ифода этади. Уларнинг ҳар бирида нафақат у ёки бу ҳукмдорларнинг давлат сиёсати ёхуд ҳарбий юришлари ёхуд шахсиятларига оид маълумотлар акс этиб қолмай, балки шу билан бирга ўша даврнинг барча мураккаб, зиддиятли жараёнлари, тарихий воқеалар, ҳодисалар силсиласи ҳам ишонарли тарзда ёритилганлиги аён бўлади.

Темурийлар даврида хаттотлик, тасвирий санъат ва мусиқа маданияти ривож топди. Бу соҳада Мирали Табризий, Шайх Муҳаммад, Жунаид Наққош, Темурийлар даври хаттотлиги ва наққошлиги мактаби атоқли вакиллари: Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Мирали Қилқалам, Султон Муҳаммад Нур ва бошқаларнинг ижоди беназирдир. Масалан, насталик хатининг мислсиз устози, «Қиблат ул-кутуб» (Котиблар пешвоси) унвони соҳибби Султонали Машҳадий А.Навоий ва Ҳ.Бойқаронинг кўплаб бебаҳо қўлёзмаларини китобот ҳолига келтиришда катта заҳмат чеккан. Бундан ташқари Низомий, Фаридидин Аттор, Хўжа Хофиз, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий сингари мумтоз адабиётимиз даҳоларининг кўплаб асарлари ҳам унинг бетиним саъй-ҳаракатлари билан кўчирилиб, авлодларга армуғон этилган.

Тасвирий санъатда Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдулҳай, Шайх Туроний, Абдулла Ҳиравий, Устоз Гунг, Устоз Жаҳонгир номлари алоҳида кўзга ташланиб туради. Улар чизган ёрқин тасвирлар, портретлар, табиат манзаралари ёхуд жанг тафсилотлари ўзининг табиийлиги, тиниқлиги ва оригиналлиги билан кишини ҳайратга солади.

Амир Темур набираси (Шоҳрух Мирзо ўғли) Бойсунқур Мирзо ҳомийлигида бунёд топган ўзига хос **бадий академия ролини ўйнаган унинг Нигористонида** ижод қилган кўплаб мўйқалам соҳиблари томонидан мукамал тарзда ишланган сон-саноксиз рангли тасвирлар, миниатюра намуналари, китоб безаклари, чунончи, ҳинд халқи эпоси «Калила ва Димна», Саъдийнинг «Гулистон», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Хамса» ва бошқа асарларга ишланган тасвиру безаклар ҳанузга қадар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Мусаввирлик санъатининг тенги йўқ юлдузи Камолиддин Беҳзод (1455-1537) ижоди ҳам Темурийлар даври санъатининг юқори чўққиси ҳисобланади. Унинг мўйқаламига оид ҳадсиз-ҳисобсиз рангин тасвирлар, чунончи, Яздийнинг «Зафарнома», Жомийнинг «Саломон ва Ибсол», Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Низомийнинг «Хамса» асарларига ишланган миниатюра намуналари ёхуд Ҳиротдаги «Боғи Беҳишт», «Ов қилаётган Баҳром Гўр», «Туялар жанги» тасвирлари ва шунга ўхшаш рассомчилик асарлари бу туғма ижодкор истеъдодининг юксак маҳорати намуналаридир.

Темурийлар даври маданий ҳаётида **мусиқа санъати** ҳам алоҳида ўрин тутган. Алишер Навоий «Мезонул-авзон» асарида халқ кўшиқчилигининг саккиз тури ривожланганлигини қайд этади. Булар - туюқ, чангчи, туркий, орзуворий, мухаббатнома, мустаҳзод ва шу кабилар. Амир Темур даврида санъат ва мусиқа оламида машҳур бўлган сиймолардан бири Абдуқодир Гўянда (1334-1435) бўлиб, унинг ҳаётининг катта қисми Самарқандда кечган. Темурийлар даври мусиқа санъатида Ҳирот ижодий муҳитининг ўрни бениҳоя катта бўлган. Ҳирот мусиқашунослари ўз ижодларида Навоийнинг шеър ва ғазалларидан кенг ижодий фойдаланганлар.

Бадиий адабиёт Амир Темур ва темурийлар даври маданий мухитининг ёркин саҳифасини туркий (эски ўзбек) адабиётининг равнақисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, сарчашмалари анча олис даврлардан бошланган бу адабиёт бу вақтга келиб янада сайқал топиб, унинг бадиий имкониятлари янги уфқлар кашф этиб, юксак ривожланишга эришди. Бунинг натижасида янги-янги номдор шоиру адиблар ижод майдонига кириб келиб, ўз бетакор, умрбоқий асарлари билан бадиий тафаккур хазинасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошини қўйган Мавлано Лутфий (1366-1465) дан бошлаб Ҳайдар Хоразмий (XIV аср охири, XV аср бошлари), унинг замондошлари Дурбек, Гадоий, Атоий, Саккокий сингари забардаст туркигўй шоирлар ижодининг равнақи туфайли мумтоз адабиётимиз янги марраларга кўтарилди ва унинг хилма-хил жанрларида бир-биридан гўзал, нафис ва бақувват бадиий асарлар яратилди.

Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Хоразмийнинг «Маҳзунул асрор» («Сирлар хазинаси»), Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» асарлари ёхуд Гадоий ва Атоийларнинг ишқ-муҳаббат, ҳаёт нашъу намосини, инсон шахси ва унинг юксак орзу-армонлари, интилишларини куйлаган оташнафас шеър-ғазаллари, қасидалари - булар мумтоз ўзбек адабиёти ривожининг муҳим ютуғидир. Мазкур асарларда ўзбек тилининг жарангдорлиги, унинг бадиий имкониятларининг бениҳоялиги, қолаверса, унинг ҳалқчиллиги, юксак эстетик қудрати ва таъсирчанлиги тўла куч билан ифодаланганлиги кўзга ташланиб туради.

Ўзбек адабиётининг янада юксак даражага кўтарилиб, кенг эътироф топишида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири **Алишер Навоий (1441-1501)** ижоди алоҳида ўрин тутди. Негаки шеърят мулкининг султони Навоий ўзига қадар бўлган туркигўй шоирлар ижоди эришган ютуқларни ўзида мужассамлаштирибгина қолмай, балки айни замонда ўзининг серқирра ижоди билан бу адабиётнинг юксак камол топиши ва доврўғини кўтарилишига мислсиз улуш қўшди.

Алишер Навоийнинг ижод гулшани		
<p>Жами 51 минг мисрадан иборат 5 та гўзал дostonни ўзида жам этган машҳур «Ҳамса» асари:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ «Ҳайратул Аброр» ➤ «Фарход ва Ширин» ➤ «Лайли ва Мажнун» ➤ «Саббаи Сайёр» ➤ «Саддий Искандарий» 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ 45 минг мисрадан иборат «Ҳазоинул-маоний» («Маънолар хазинаси») асари ➤ «Муҳокоматул луғатайн» («Икки тил муҳокомаси») ➤ «Мажоисул ул-Нафоис» («Нафис мажлислар») ➤ «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгиллар маҳбуби») ➤ «Меъзон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») в.б. 	<p>12 минг мисрани жам этган, Фоний таҳаллусида битилган форсий тилдаги нафис бадиий асарлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Муфрадат ➤ Ситгаи зарурия ➤ Фусуми арбая

Навоий «Хамса»сига кирган «Хайротул-аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саббаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларининг хар бири ўзининг бебаҳо маънавий кудрати, бадий юксаклиги, тил бойлигининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, ўзбек тилида илк бор «Хамса» битишдек ғоятда машаққатли вазифани шараф билан адо этган Навоий даҳоси хар қанча таҳсинга сазовордир.

Улуғ мутафаккир асарларини мутолаа қилар эканмиз, уларда акс этган, илгари сурилган чин инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаётга ошuftалик, кенг маънодаги ишк-муҳаббат ғоялари вужудимизни қамраб олади, ўзига мафтун этади. Бу ҳам Навоий ижодининг умрбоқийлигидан, умумбашарий кадриятлар руҳи билан чуқур суғорилганлигидан яққол далолатдир.

Шу билан бирликда бу даврда форс-тожик адабиёти ҳам анъанавий тарзда ривожланишда давом этди. Бу адабиёт доврўғини баланд кўтарган, юксак бадий ижод намуналарини яратган Камол Хўжандий, Хофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Биноий, Ҳилолий ва Восифий сингари даҳо сўз санъаткорлари номини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиздир. Уларнинг юксак бадий тафаккур ила яратилган умрбоқий асарлари, мана, неча асрлардирки, тарих ва даврлар синовидан ўтиб, қанчалаб авлодлар онги, шуурини ёлқинлантириб келмокда.

Шундай қилиб, Амир Темур ва Темурийлар даври Ватанимиз халқларининг ҳаётий тақдирида, уларнинг ижтимоий тараққиётнинг юксак марраларига кўтарилиб бориши давомида ўчмас из қолдирган алоҳида бир тарихий босқич бўлди. Энг муҳими, бу давр Амир Темурдек буюк сиймони тарих майдонига чиқарди. Бу зоти шариф ва унинг авлодларининг мислсиз саъй-ҳаракатлари, бунёдкорлик фаолияти туфайли Мовароуннахр ва Хуросон ўлкалари улкан ўзгаришларга юз тутди. Мўғулларнинг бир ярим асрлик босқини ва зулм-асоратидан бутунлай халос бўлган она юртимиз кудратли салтанат даражасига кўтарилди. Айна чоғда у ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий жихатлардан юксалиб, жаҳонга доврўғ таратди. Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг юксак намуналари, дуру жавоҳирлари мана неча асрлардирки, жаҳон аҳлини хайратга солиб, миннатдор авлодлар ардоғида эъзозланиб келмокда.

Синов саволлари

1. Амир Темур шахсини таърифлаб беринг.
2. Амир Темур қандай вазиятда сиёсий кураш майдонига кириб келди?
3. Амир Темурнинг буюк тарихий хизматлари нимада?
4. Амир Темур даврида шаклланган марказий давлат бошқаруви тизими қандай тамойилларга асосланган эди?
5. Амир Темурнинг хорижий элларга уюштирган ҳарбий юришлардан кўзлаган мақсадлари нималардан иборат бўлган?
6. Темурийлар даврида ҳукм сурган солиқ тизими ҳақида тушунча беринг.
7. Амир Темурни ҳарбий саркарда сифатида таърифлаб беринг.
8. Унинг юксак дипломатик маҳоратининг сир-асрори нимада?
9. Мирзо Улуғбек шахси тўғрисида нималар дея оласиз?
10. Мирзо Улуғбек амалга оширган ички давлат сиёсатининг муҳим жиҳатлари нимада?
11. Темурийлар сулоласи инкирозининг асосий сабабларини гапириб беринг.
12. Хусайн Бойқаро даврида Хуросон давлатининг иқтисодий ва маданий юксалишининг муҳим омилларини тушунтириб беринг.
13. Қандай омиллар Амир Темур ва темурийлар даври моддий ва маънавий маданиятининг раванқини таъминлаган?
14. Темурийлар даврида бунёд этилган моддий маданият намуналари қаторига нималарни киритиш мумкин?
15. Мовароуннаҳрда илм-фан раванқини таъминлаган омиллар тўғрисида сўзлаб беринг.
16. Улуғбек академиясининг ютуғи ва юксак шуҳратини асослаб беринг.
17. Темурийлар даврида тарихшунослик фани эришган муҳим ютуқлар тўғрисида маълумот беринг.
18. Темурийлар давридаги хаттотлик, тасвирий ва мусиқа санъати раванқи тўғрисида нималарни биласиз?
19. Алишер Навоий шахсини таърифлаб беринг.
20. Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси эканлигини исботлаб беринг.

VIII БОБ. ТУРКИСТОННИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: Дашти Қипчоқ. Шабонийлар. Хива хонлиги. Қўнғиротлар. Бухоро хонлиги. Абдуллахон II. Аштархонийлар. Бухоро амирлиги. Манғитлар. Қўқон хонлиги. Минглар. Тошкент беклиги. Давлат бошқаруви. Давлат лавозимлари. Ўзаро ва ички кураш. Қолоқлик сабаблари.

1. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниши

Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараққиёти бир текисда ўтмаганлиги, унинг ривожига зафарли ва инқирозли даврлар бўлганидан гувоҳлик беради. Сохибқирон Амир Темур асос солган салтанат энг йирик ва қудратли давлат бўлганлиги жаҳонга маълум. У ўз ворисларига нафақат қудратли давлатни, шунингдек, салтанат куриш ва давлатни бошқариш қонун-қоидалари баён этилган машҳур тузукларни қолдирган эди. «... Фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири,- деб ёзган эди у ўзининг тузукларида,- унга мувофиқ иш юритсин... Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлғай»¹. Аммо унинг дастури ва васиятларига амал қилинмади. Тахт, ҳокимият илинжида авж олган ўзаро ва ички кураш, жангу жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатни инқирозга ва парокандаликка олиб келди.

Бухоро хонлиги XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Қипчоқ томондан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Муҳаммад Шохбахт Шайбоний хужуми бошланди. Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Ҳисор вилоятини, 1504-1505 йилларда Урганчни, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балхни, шунингдек, Марв, Астробод ва Нишопур шаҳарларини забт этди. Тошкент, Фарғона, Сирдарё ва Хоразм ерлари Афғонистоннинг Қандаҳор, Заминдовур вилоятлари эгалланди ва Муҳаммад Шайбонийхонга қарам бўлиб қолди. Шайбонийхоннинг Хуросондалигидан фойдаланган қозоқ султонлари Мовароуннахрга бир неча марта бостириб кириб, уни талон-тарож қиладилар. 1506-1509 йилларда Шайбонийхон Хуросондан қайтиб келиб, қозоқ султонларига зарба беради ва Дашти Қипчоқ ичкарасига қувиб боради. Бу юришлар натижасида Сифноқ, Ясси, Саброн шаҳарлари қайта қўлга киритилади. Шундай қилиб, Мовароуннахр ва Хуросон бирлаштирилди ва **Шайбонийлар сулоласи** ҳукмронлиги қарор топди. Муҳаммад Шайбонийхон «Имом уз-замон, халифат ур-рахмон» унвонини олиб ўз қўлида дунёвий ва диний ҳокимиятни бирлаштирди.

¹ Темур тузуклари. Т.: Нашриёт мағбаа бирлашмаси, 1991, 53-бет

Шайбонийхон жанубда Эроннинг ички вилоятларига юриш қилади. Машхад ва Тус шаҳарларини эгаллаб орқага қайтади. Эрон шоҳи Исмоил Сафовий катта қўшин билан етиб келади. Шайбонийхон Мовароуннаҳрдан ёрдамчи қўшинлар келишини кутмасдан жангга киришга мажбур бўлади. 1510 йилда Марв яқинида бўлган жангда Шайбонийхон қўшинлари енгилади, хоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Тахтга Шайбонийхоннинг амакиси, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимнинг ўғли Кўчкунчихон (1510-1530) чикди. Бироқ шайбоний султонлар, беклар жипслашиб Исмоилшоҳга қарши курашиш ўрнига Шайбонийхон тириклигидаёқ суюрғал сифатида тақсимлаб берилган вилоятлар ва ерларга эгалик қилиш билан ўралашиб қолдилар, улар ўртасида ўзаро келишмовчилик, зиддиятлар авж олди. Бундан фойдаланган Исмоилшоҳ тез орада Хуросон ва Хоразм ўлкаларини, Шимолий Афғонистонни босиб олди. Пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрда эса шайбонийлар ҳукмронлиги сақланиб қолди.

Мовароуннаҳрда 100 йилгача давом этган Шайбонийлар даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинборот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. 1512 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ноиб бўлиб келган Убайдулло султон 1533 йилда Шайбонийлар давлатининг Олий ҳукмдори этиб кўтарилди. Убайдулла султон Самарқанддаги Кўчкунчихон авлодлари қаршилиги сабабли олий ҳокимиятни Бухорода туриб бошқаради ва Бухорони давлат пойтахти деб эълон қилади. Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) даврида Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайди. Аммо тарқоқлик давом этарди, Мовароуннаҳр XVI аср ўрталарида ҳам мустақил ҳокимликлардан иборат эди. Бухорода Абдулазизхон, Самарқандда Абдулатифхон ҳукмдор эдилар.

Тарқоқликка барҳам бериш, мамлакатни бирлаштириш долзарб бўлиб турган бир пайтда Абдулла султон майдонга чикди, уни катта мавқега эга бўлган жуйбар шайхлари қўллаб-қувватлади. Абдуллахон II Бухоро тахтини эгаллайди. **Абдуллахон II** (1557-1561 йилларда амакиси Пирмуҳаммад, 1561-1583 йилларда отаси Искандархон олий ҳукмдор деб эълон қилинган бўлсада, амалда ҳукмдор Абдуллахон II эди). 1557 йилда Бухорони давлат пойтахти, мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантиради. Шу боисдан давлатнинг ўзи ҳам **Бухоро хонлиги** деб аталадиган бўлди.



Абдуллахон II сиёсий тарқоқликка қарши узоқ йиллар уруш олиб бориб, 1573 йилда Фарғонани, 1574 йилда Шахрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятларини, 1578 йилда Самарқандни, 1582 йилда Тошкент, Шохрухия, Оҳангарон ва Сайрамни, 1583 йилда Балхни, 1584 йилда Бадахшонни, 1588 йилда Ҳиротни, 1595 йилда Хоразмни забт этиб, мамлакатни бирлаштириш ишини уддалади, Бухоро хонлигини кучли ва марказлашган давлатга айлантирди. Бироқ ички низо, адоватни бартараф этолмади. Ғанимлар Абдуллахонга қарши унинг ўғли Абдулмуминни қайрайди, Абдуллахон II билан унинг ўғли Абдулмумин ўртасида тахт масаласида келишмовчиликдан фойдаланган қозоқ хонларидан Таваккалхон Тошкент вилояти ерларига бостириб киради. Унга қарши сафарга отланган Абдуллахон II Самарқандга етганда вафот этади. Абдуллахон II ўрнига тахтга кўтарилган Абдулмумин 6 ойча ҳукмдор бўлди, у отасининг амирларидан бири-Абдулвосеъ томонидан отиб ўлдирилди. Тахтга чиққан сўнги Шайбоний Пирмуҳаммад ҳам 1601 йилда Самарқандда Боқи Муҳаммад билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Шайбонийлар сулоласи барҳам топди.

Шайбонилар Сулоласи (1500-1601)	➤ Муҳаммад Шайбонихон	- 1500-1510
	➤ Кўчкунчихон	- 1510-1530
	➤ Абу Саидхон	- 1531-1533
	➤ Убайдуллахон	- 1533-1539
	➤ Абдуллахон I	- 1539-1540
	➤ Абдулазизхон (Бухорода)	- 1540-1550
	➤ Абдулатифхон (Самарқандда)	- 1540-1551
	➤ Наврўз Аҳмадхон (Барокхон)	- 1551-1556
	➤ Пирмуҳаммадхон I	- 1557-1561
	➤ Искандархон	- 1561-1583
	➤ Абдуллахон II	- 1583-1598
	➤ Абдулмўминхон	- 1598-1599 (6 ой)
➤ Пирмуҳаммадхон II	- 1599-1601	

1601 йилдан эътиборан Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи қўлига ўтади. 150 йилча (1601-1753) ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амирлар ва бекларнинг ўзбошимчилиги, марказий ҳокимият амалдорлари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, ур-йикит мамлакат тинқасини қуритиб борарди. Буни Аштархонийлар сулоласидан Бухоро тахтига кўтарилган ўн та хондан иккитасининг тахтдан ағдарилгани, тўрттасининг тахт устида ўлдирилгани ҳам яққол кўрсатади.

Аштархонийлар сулоласи (1601-1752)	➤ Боқи Муҳаммад	- 1601-1605
	➤ Вали Муҳаммад	- 1605-1611
		(тахтдан ҳайдалади)
	➤ Имомқулихон	- 1611-1642
	➤ Нодир Муҳаммадхон	- 1642-1645
		(тахтдан ҳайдалади)
	➤ Абдулазизхон	- 1645-1681
	➤ Субҳонқулихон	- 1681-1702
	➤ Убайдуллахон	- 1702-1711
		(ўлдирилади)
	➤ Абулфайзхон	- 1711-1747
		(ўлдирилади)
➤ Абдулмўмин (сохта хон)	- 1747-1751	
	(ўлдирилади)	
➤ Убайдулла султон (сохта хон)	- 1751-1754	
	(ўлдирилади)	

Бухоро амирлиги Бухоро давлатининг заифлашиб қолганлигидан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ XVII асрнинг 30-40-йилларида Бухоро хонлигига юриш қилади. Нодиршоҳ Бухоро хонлигида қатта мавқега эга бўлган манғит уруғидан чиққан оталиқ Муҳаммад Ҳақимбий билан шартнома тузади ва у Бухоро хонлигининг олий ҳукмдори деб тан олинади. Абулфайзхон амалда ҳокимиятдан четлатиб кўйилади, Ҳақимбий Бухоронинг тўла ваколатли ҳокими этиб тайинланади. 1743 йилда Ҳақимбий, унинг ўғли Муҳаммад Раҳим Нодиршоҳ хизматига киради. Нодиршоҳ 1747 йилда вафот этгач, Муҳаммад Раҳим ҳокимиятни ўз кўлига олишга киришади.

Бухоро хонлигида қатта нуфузга эга бўлган манғит қабиласининг вакили Муҳаммад Раҳим 1747 йилда Абулфайзхонни, сўнгра расман хон деб (сохта хон) эълон қилинган унинг ўғиллари Абдулмўмин ва Убайдулло султонларни ўлдириб, ҳокимиятни ўз кўлига олади. Муҳаммад Раҳим 1756 йилда тахтга ўтириб, ўзини Бухоро амири деб эълон қилади ва ҳокимиятни мустақил идора қилади, **Манғитлар сулоласига** асос солади. Шундан эътиборан Бухоро хонлиги **Бухоро амирлиги** деб атала бошланди. Амирликда ҳокимият 1920 йилгача **Манғитлар сулоласи** кўлида бўлди.

Муҳаммад Раҳим ҳукмронлигини беклик-вилоятлардаги бошқа қавмлардан бўлган ҳокимлар тан олмадилар. Амир манғитларга таяниб ҳокимиятни марказлаштиришга интилди. Барча қабиаларнинг ҳукмдорларини Бухорога йиғиб, улардан марказий ҳокимиятга бўйсуннишни талаб қилди, акс ҳолда қаттиқ жазоланиши ҳақида огоҳлантирди. Вилоятлардаги кўпгина ҳокимлар, бебош амалдорлар ҳокимиятдан четлаштирилиб, ер-мулки тортиб олиниб бошқа жойларга кўчирилди. Улар ўрнига амир қабиладошларидан тайинланди. Муҳаммад Раҳим Бухоро минораси ёнидаги ўз қароргоҳини махсус қурдирган Аркка кўчирди. Ўзбошимча бекларни Аркка чақириб қаттиқ жазолади. Тарқоқликни бартараф этиш мақсадида кўпгина бекликларга - Самарқанд, Жиззах, Ўратепа, Хисор, Бойсун, Шахрисабзга қарши қонли урушлар қилди, кўпгина вилоятлар вайрон бўлди. Муҳаммад Раҳим Нуротада истиқомат қилувчи бургут қабиласи кўзғолонини бостириб, уларнинг харбий истехкомларини бузиб ташлаб, ўзларини Бухоро туманига кўчирди. Миёнқалъа қипчоқларига ҳужум қилиб, истехкомларини бузиб ташлайди, йўлбошчиларини қатл этиб, қолганларини кўчириб юборади.

Муҳаммад Раҳим вафотидан кейин ўзаро урушлар янада кучайди. Вилоят ҳукмдорлари манғитларнинг марказий ҳокимиятига қарши кўзғолонлар кўтарди.

Кенагас, юз, баҳрин, бургут, сарой қабиаларининг кўзғолонлари, ҳокимиятга ўтирган Дониёлбийнинг уларни бостириш учун қилган урушлари минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Дониёлбий кўшинлар харажати учун кўшимча солиқлар жорий этиб аҳоли норозилигини оширди. Бухоро хунармандлари ва тижорат аҳли 1784 йилда кўзғолон кўтарди. Кўзғолонни бостириш жараёнида минглаб одамлар қурбон бўлди.

Амир Маъсум («беғуноҳ амир») деб ном олган Шохмурод (1785-1800 йиллар) тарқоқликка қарши курашни давом эттирди. Амир Шохмурод бошқарув тартибини ўзгартириш, амалдорлар таркибини янгилаш чораларини кўрди. Амир икки йирик давлат арбоби - Давлат қушбеги билан Низомиддин қозикалонни сарой, қўшин ва бошқа соҳадаги амалдорлар ҳузурида ўз қўли билан ўлдирди. Солиқларни тартибга солди. Бухоро аҳолисига тархан ёрлиғини топширди. Унга биноан аҳоли савдо даромадидан бож тўлашдан, хунармандлар пул йиғимидан, мажбурий меҳнат ва солиқлардан озод этилди. Шунингдек, хирож, никоҳ пули, тарози ҳақи ва бошқа йиғимлар миқдори камайтирилди.

Шохмурод даврида Бухоро амирлиги нисбатан мустақкамланган бўлсада, ўзаро урушлар тўхтамади. Ғарбий чегараларда эса Хива хони қўшинлари ҳужумга ўтар, экинзор ва боғлар пайхон қилинар, қишлоқлар вайрон бўлар, одамлар ва чорва моллар ҳайдаб кетилар эди.

Хива хонлиги Хоразм XV аср охири - XVI аср бошида теурий Султон Ҳусайн Бойқаро бошлиқ давлатнинг бир қисми эди. 1505 йилда Муҳаммад Шайбонийхон қўшинлари Хоразмни эгаллади ва қўнғирот уруғидан Кепакбий Хоразмга ҳоким этиб тайинланади. Эрон шоҳи Исмоил билан жангда Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлгандан кейин Хоразм Исмоилшоҳ томонидан забт этилади. Исмоилшоҳ Хоразмни ўз давлати тасарруфига киритгач, Вазир, Урганч ва Хива шаҳарларини бошқариш учун 3 та доруға (ҳоким) тайинлади.

Хоразмда Исмоилшоҳ ҳукмронлиги узоққа бормади. Хоразмда Исмоилшоҳ ҳукмронлигига қарши ҳаракат бошланди. Бу ҳаракатга Вазир шаҳри қозиси Умар қори ва Сайид Ҳисамиддин етакчилик қилди. Улар Шайбон авлодидан бўлган Берка султоннинг ўғли Элбарсхонга мурожаат қилиб, хон бўлишни таклиф қилдилар. Элбарсхон 1511 йилда қўшин билан келиб Вазир, Урганч, Хива, Хазораспни Исмоилшоҳ қўшинларидан тозалади, Хоразмда Элбарсхон ҳокимияти ўрнатилди. Шундай қилиб, 1511 йилда мустақил **Хива хонлиги ташкил топди**, Элбарсхон унинг биринчи хони бўлди. Хивада шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги 1770 йилгача давом этди. Хива хонлиги пойтахти Урганч эди. XVI аср охири – XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан Урганчнинг мавқеи пасайди, аҳолиси қулайроқ жойга кўчиб бориб жойлашади ва бу ерда Янги Урганч шаҳри пайдо бўлади. Бу орада Хива шаҳрининг мавқеи кўтарилади. 1556 йилда Аванешхон Хивани давлат пойтахти деб эълон қилади, бироқ у ўз ҳукмронлигини фақат Хивадагина ўтказа олар эди. Араб Муҳаммадхон (1602-1623) даврида Хиванинг мавқеи кучайиб, хонликнинг расмий пойтахтига айланди. Хива хонлиги тасарруфига Амударё қуйи оқимидаги воҳалар, Манғишлок, Дахистон (Машҳад) ва Ўзбой атрофидаги кўчманчи туркман ҳудудлари кирарди. Бироқ, хонликда тинчлик бўлмади. Узоқ йиллар давомида хонлик тепасида турган ўзбек қабилалари билан туркман қабилалари ўртасида, шунингдек, шаҳзодалар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турди. Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида Мурғоб дарёси бўйлари учун, Марв учун қирғинборот

урушлар бўлиб турар, бу худудлар кўлдан-кўлга ўтарди. Хонликка шимолдан қалмоқлар, козоқлар, Урал казаклари тез-тез хужум қилиб фалокатлар келтирарди.

XVIII аср ўрталарида Эрон шоҳи Нодиршоҳ, унинг ўғли Насрулло Хива хонлигини босиб олиб, ўз бошқарувини ўрнатди, туркман қабилаларини Хоразмдан Хуросонга кўчирди. Бироқ Хива хонлигида тинчлик бўлмади. Эрон ҳукмдорларига қарши тез-тез ғалаёнлар бўлар, аҳоли боши оққан томонга кетарди. Шундай вазиятда хонликдаги ўзбек қабилаларидан Кўнғирот уруғининг бошлиғи Муҳаммад Амин иноқ 1770 йилда ҳокимиятни кўлга олди ва Хива хонлигида янги сулола - **Кўнғирот сулоласига** асос солди (бу сулола 1920 йилгача ҳукм сурди).. Муҳаммад Амин Иноқ туркманлар кўзғолонини бостирди, Бухоро ҳукмдорининг хужумини даф этди ва Хива хонлигидаги вилоят ҳокимларини марказий ҳокимиятга бўйсундирди.

Кўқон хонлиги Бухоро хонлигидаги ички курашлар, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви сабабли, у XVIII аср бошларида иккига бўлиниб кетди. Аштархонийлар ҳукмронлигининг заифлашуви оқибатида Фарғона водийсига унинг шимолида ташкил топган Жунгарлар давлати тез-тез бостириб кирадиган, талон-тарож қиладиган бўлиб қолди. Бундай вазият Фарғонадаги ички кучларнинг бирлашувига, мустақил давлат тузишга интилишини кучайтирди. Фарғона водийсининг худудий яхлитлиги ва иқтисодий имкониятлари, унинг Бухоро хонлигидан ажралиб чиқишга қулай омил бўлиб хизмат қилди.

Чуст яқинидаги Чодак қишлоғида яшовчи хўжалар жамоаси (дин пешволари)нинг мавқеи XVIII аср бошларидаёқ Фарғонада анча кучайиб, 1709 йилда ўз ер-мулкларини мустақил деб эълон қилади ва водийда ҳокимиятни кўлга олишга интиладилар. Бироқ уларнинг ҳокимияти бошқа қабилалар томонидан тан олинмади. Бир гуруҳ ҳарбий зодагонлар Риштонда кўзғолон кўтариб, Фарғона ҳокими Хўжа Аширқулни ўлдирадилар.

1710 йилда Кўқон атрофида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири - минглар ўз етакчиси Шохрухбийни ҳокимият тепасига кўтарадилар. Шу тариха, **Кўқон хонлиги** ташкил топди, ўзаро ички курашлар ботқоғига ботиб қолган Бухоро хони Убайдуллахон ўзига қарашли худуднинг ажралиб чиқиб, алоҳида давлат тузишига қаршилиқ кўрсатолмади. Кўқон хонлигида минг қабиласи сулолалари 1876 йилгача ҳукмронлик қилди. Кўқон шаҳри четида жойлашган Тепакўрғон Кўқон хони Шохрухбийнинг қароргоҳига айлантирилди. Тепакўрғонда мустақкам қалъа, бозор ва аҳоли яшайдиган маҳаллалар қурилди.

Кўқон хонлари Фарғона водийсини, Хўжанд, Ўратепани бирлаштиргач, Кўқон хонлигининг мустақиллиги XVIII аср ўрталарида Бухоро давлати томонидан тан олинди. XVIII аср охирларида Кўқон хонлари Тошкентни бўйсундиришга киришдилар.

1784 йилда Шайхонтохур даҳаси собиқ ҳокимининг ўғли Юнусхўжа Тошкентни Бухоро тобелигидан чиқариб, мустақил сиёсат юритарди. Тошкент беклиги ўзига хос бошқарув тизимига эга эди. Юнусхўжанинг тўрт маслаҳатчиси бўлган. Тошкент шаҳар назорати ва солиқ йиғиш Бошхўжанинг қўлида бўлиб,

савдо-сотикни қози ва девонбеги назорат қилишган. Шариат қонун-қоидалари, нарх-наво, ўлчовлар устидан Раис лавозимидаги амалдор назорат қилган. Юнусхўжа XVIII аср охирларида қозоқ султонлари ҳужумларини бартараф этиб, Сайрам, Чимкент, Туркистон, Қурама, Қорабулоқ шаҳарларини Тошкентга бўйсундирган эди. Тошкент беклиги мавқеининг ошиб бориши Қўқон хонларига ёқмади. 1799 йилда Қўқон ҳукмдори Норбўтабий Тошкентга юриш қилди, аммо Чирчиқ бўйидаги жангда мағлубиятга учради.

1805 йилда Қўқон ҳукмдори Олимбек хон унвонини қабул қилади ва шу пайтдан эътиборан Фарғонада ташкил топган давлат расман Қўқон хонлиги деб атала бошланди. Юнусхўжа вафотидан кейин Қўқон хони Олимхон кўшинлари юриш қилиб, 1809 йилда Тошкентни ва унга қарашли Чимкент, Сайрам ва бошқа ҳудудларни Қўқон хонлигига бўйсундиради. Қўқон хонлиги ҳудудий жиҳатдан йирик давлатга айланди.

Шундай қилиб, асрлар давомида ягона ҳудудда, ягона иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқ, мамлакат уч қисмга бўлиниб кетди. Учта давлат - Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келди.

**Хонликларнинг
иқтисодий ва
маданий ҳаёти**

Хонликлар тарихи иқтисодий ва маданий ҳаётнинг бир текисда бормаганлигидан, айрим даврларда силжиш кузатилса-да, хонликлар ўртасидаги ўзаро кураш авж олган йилларда таназуллик ҳоллари юз берганлигидан гувоҳлик беради.

Шайбонийлар, хусусан, Абдулахон II даврида деҳқончилик ишларини ривожлантиришга аҳамият берилди. Зарафшон, Сирдарё, Амударё, Чирчиқ, Вахш, Мурғоб дарёлари бўйларида кўплаб каналлар, анҳорлар, ариқлар қазилиб, атрофдаги ерларга сув чиқарилган, янги экинзорлар ва боғлар барпо этилган. Биргина Қашқадарё бўйларидаги ерларга сув чиқарувчи ўндан ортиқ каналлар қазилганлиги ва ишлаб турганлиги маълум. Абдуллахон II даврида қурилган Зарафшон дарёсидаги Кармана, Меҳтар Қосим, Чаҳорминор, Жондор кўприк сув айирғичлари, Сангзар дарёсидаги Туятортар канали, Амударё-Чоржўй канали, Тошкент вилоятидаги Захарик, Нурота тоғлари сувларини тўпловчи Оқтоб ва Банд сув омборлари йирик иншоотлардан эди. Бу тадбирлар ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик каби соҳларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Хива хонлигида ҳам сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган. XVI-XVII асрларда барпо этилган, узунлиги 143 км бўлган Шохобод, узунлиги 96 км бўлган Урмуш, Ғозиобод ва бошқа ўнлаб каналлар деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Қўқон хонлигида ҳам ариқ ва каналлар тармоғи кенгайтирилди. Наманган ҳудудида Янгиарик канали, Сирдарёдан Ўратепа томон суғориш тармоқлари, кўплаб ариқлар қазилди, деҳқончилик анча ривожланди.

Хонликларнинг асосий бойлиги, тирикчилик манбаи ер бўлиб, ерга эгалик қилишнинг турли шакллари мавжуд эди:

- Мулки султоний – давлатга қарашли ерлар;
- Мулки холис – хусусий ер мулклари (Хон ва унинг яқинлари, харбий-маъмурий амалдорлар, йирик дин пешволарига иқтоъ, суюрғол ва танхо каби шаклларда берилган ерлар);
- Вақф – диний маҳкамалар, хонақоҳлар, мадраса ва масжидларга қарашли ерлар;
- Қишлоқ жамоалари ва дехқонлари эғалик қиладиган ерлар.

Ерда меҳнат қиладиганларнинг кўпчилик қисми ўз ер майдонига эга бўлмай, ижарага олинган ерда ишловчи камбағал қишлоқ аҳолиси эди.

Дехқончилик. Буғдой, арпа, шоли, жўхори, маккажўхори, мош, нўхат, ловия, кунжут, сули, беда экинлари етиштирилган. Шунингдек, қовун, торвуз, қовоқ, бодринг, пиёз, қалампир, саримсоқ экилиб ҳосил қилинган. Пахта, ипак маҳсулотлари, боғдорчилик ҳам ривожланиб, олма, гилос, ўрик, узум, шафтоли, анжир, олхўри каби мевалар етиштирилган.

Чорваччилик. Яйловларда қўй, эчки, йирик шохли моллар (сигир, хўкиз), от ва туялар боқилиб, гўшт-сут, жун, тери ва бошқа маҳсулотлар олинган.

Хунармандчилик. Хонликларнинг йирик шаҳарлари хунармандчилик марказлари бўлиб, уларда 60 дан ортиқ турдаги хунармандчилик буюмлари тайёрланган. Пахта, ипак, жун, тери каби маҳаллий хом ашёлардан ип йигириш, газламалар тўқиш, тайёр кийимлар тикиш, кигиз ва гиламлар тайёрлаш, кўнчилик ривожланган. Металл ва ёғочга ишлов бериш, мискарлик, темирчилик, ганч ўймакорлиги, дурадгорлик, кулолчилик, қандолагчилик, ошпазлик, новвойлик ва бошқа хунармандчилик тармоқлари анча кенгайди.

Савдо-сотик. Хонликларда савдо-сотик иқтисодиётнинг муҳим тармоғи эди. Шаҳарларда, йирик қишлоқлардаги бозорларда дехқончилик, чорваччилик, хунармандчилик маҳсулотлари сотилган ёки айирбош қилинган. Йирик маблағларга эга бўлган бадавлат кишилар, кичикроқ дўконлар сони кенгайган. Ташқи савдо ҳам ўсиб борган, чет мамлакатлар билан савдо қарвонларига эга бўлган хон, сарой амалдорлари ва вилоят ҳокимларининг ишончли вакиллари, бадавлат кишилар савдо-сотик ишлари билан шуғулланганлар. Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан савдо-сотик йўлга қўйилган. Россиядан мис, чўян, темир, кўрғошин каби металллар келтирилган.

Солиқ. Хонликларда раият (деҳқон, чорвадор, хунарманд, савдогар)га турли-туман солиқлар солинган, турли мажбуриятларни – канал ва ариқлар қозиш, уларни тозалаш, мудофаа иншоотларини қуриш ва бошқа ишларга мажбур этилган.

Солиқ турлари

- Хирож (ердан олинган ҳосилнинг бешдан бир қисми)
- Закот (чорвадор ва савдогарлар учун молнинг қирқдан бир миқдорида)
- Тамға (хунармандлар ва дўконлар маҳсус солиқ тўлаган)
- Тахти жой - тағжой (ўз маҳсулотларини ижарага олинган дўконда сотувчилар учун)
- Жузья (бошқа динга мансуб савдогарлар ўз маҳсулотининг бешдан бир қисмини тўлаган)
- Ихрожат (сарой харажатларини таъминлаш учун йиғиладиган солиқ)
- Кўналға (элчилар, амалдорлар, чопарларни текинга меҳмон қилиш)
- Тарихий манбаларда қайд этилишича, хонликларда 60 дан 90 гача турдаги солиқлар ундирилган.

Маданий-маърифий ҳаётда бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Бу йирик шаҳарларда бунёд этилган масжид, мадраса, работ, карвонсарой, ҳаммом, бозор ва бошқа қурилиш мажмуаларида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги кунгача қад кўтариб келаётган Бухородаги Мир Араб, Абдуллахон, Қулбобо, Кўкалдош, Калон, Абдулазизхон, Убайдуллахон мадраса ва масжидлари, Тошкентдаги Кўкалдош, Қаффоли Шоший, Бароқхон мадрасалари, Самарқанддаги Шердор ва Тиллакорий мадрасалари, Хивадаги Араб Муҳаммадхон, Шерғозихон, Муҳаммад Амин иноқ мадраса ва масжидлари хонликлар даврида қурилган ва юксак маҳорат билан безатилган меъморчилик ёдгорликларидир. Кўплаб мадрасаларда ёшларни ўқитиш, таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилган. Маориф икки босқичдан иборат бўлиб, қуйи босқичда ўқиш-ёзишга ўргатилган. Юқори босқичда диний илмлар, шунингдек грамматика, мантиқ, алжабр, хандаса, ҳисоб амаллари ўргатилган. Мадрасани битирганлар қози, унинг ёрдамчиси, масжид имоми лавозимларида ишлаганлар, мударрислик қилганлар.

Маданий ҳаётга назар ташлар эканмиз, хонликларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини тасвирловчи кўплаб китоблар ёзилганлигининг гувоҳи бўламиз. XVI асрда ёзилган «Таворихи гузида», «Нусратнома», Мулла Шодийнинг «Фатҳнома», Биноийнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг «Зубдат ал-асрор», Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» каби асарлари хонликлар тарихини ўрганишда муҳим манбалардир.

Бухоро хонлиги тарихини ўрганишда ўша замонда ёзилган Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор», Самандар Термизийнинг «Дастур ал-мулук», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон тарихи», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллахон тарихи», Абдурахмон Толенинг «Абулфайзхон тарихи», Хожамқулихон Балхийнинг «Қипчоқхон тарихи», «Тарихи амир

Ҳайдар», «Фатҳномаи султоний», «Манғитлар хонадони салтанати қисқача тарихи» каби асарлар муҳим ўринга эга.

Хива хонлиги тарихига доир кўпгина асарлар ҳам бизгача етиб келган. Улар орасида Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима», Шермуҳаммад Муниснинг «Фирдавс ул-икбол ёки Иқболнома», Огаҳийнинг «Риёз ад-давла», Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи», «Иқболи Ферузий» ва бошқалар шулар жумласидандир. Араб ва форс тилларида ёзилган бир қатор асарлар ҳам ўзбек тилига таржима қилинган.

Кўкон хонлиги тарихини ўрганишда «Тарихи Умархон», «Мунтахаб ат-таворих», «Тарихи Шохрухбий», «Тарихи жаҳоннамой», «Тарихи жадиди Тошканд» каби асарлар ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Хонликларда юзлаб олимлар, шоирлар ижод қилганлар. Тиббиёт илми ривожлантиришга олим Султан Али катта ҳисса қўшган. У инсон танаси касалликлари ва уларни даволаш тўғрисида «Дастур ал илож» ва «Муқаддимаи дастур ал илож» асарларини ёзган. XVI асрда Бухоро хонлари ҳузурда табиблик қилган Муҳаммад Юсуф ва Шох Али кўз касалликлари ва уларни даволашга доир «Кўз табиблари учун қўлланма», «Кўз касаллигига оид асарлар сараси» асарларини ёзганлар.

Хонликларда шоиру фозиллар адабиёт соҳасида ижод қилганлар. Бухорода ижод этган Мирза Содик Мунший 15 минг ғазал ва маснавийлардан иборат «Девон» китобини яратади. Фазлий, Мушриф, Махмур, Гулханий ва бошқа кўплаб қалам соҳиблари Кўконда ижод этдилар. Кўконда адабий муҳитнинг ривожига Умархон ва унинг хотини Нодира катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таклифи билан сарой шоирлари Фазлий ва Мушриф Кўкон шоирларининг «Мажмуат уш-шуаро» номли таскирасини яратдилар, унга кўплаб ижодкорларнинг шеърлари киритилган эди.

Муסיқа ва кўшиқчилик санъати ҳам анча ривож топиб борди. Пуфлаб ёки уриб чалинадиган, торли мусиқа асбоблари, миллий кўшиқчилик, миллий рақс аҳоли ўртасида кенг тарқалиб борди. Кўшиқчиликда терма, лапар, ялла, мақом жанрлари кенг қўлланиларди. Ҳофизлар, бахши дostonчилар халқ томонидан эъзозланар эди. Тўй ва сайилларда «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Тоҳир ва Зухра» каби ўзида ватанпарвалик, мардлик, севги, меҳр, инсоф ва диёнат ғояларини мужассамлашган дostonлар зўр мароқ билан қуйланар ва тингланар эди. Шунингдек, халқ орасида қизиқчилик, масхарабозлик, аскиябозлик, кўғирчоқ ўйини, дорбозлик санъати ҳам кенг тарқалган эди.

2. XIX аср биринчи ярмида ўзбек хонликларининг жуғрофий-сиёсий ўрни, давлат бошқаруви ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти

Бухоро амирлиги. Бухоро амирлиги ўзбек хонликлари орасида ўзининг худудий ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари жиҳатидан муҳим мавқеига эга эди.

XIX асрга келганда, Бухоро амирлигининг худуди қарийб 200 минг квадрат километрни ташкил этарди. Унинг чегаралари жанубда Амударёнинг сўл

қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилиб, қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Амирлик шарқда Помир тоғлари, ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган худудни ишғол этарди. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланарди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон худудидаги Вахш, Кафирниҳон, Панж дарёлари водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, ҳозирги Туркменистон худудидаги Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар Бухоро амирлигига қарар эди.

Бухоро амирлигининг пойтахти Шарқда энг нуфузли шаҳар сифатида эътироф этилган Бухорои Шариф эди. Йирик шаҳарлардан Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Термиз, Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Кўлоб ва бошқалар амирлик тасарруфида эди. Марв ва Чоржўй шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги ўртасида, Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Кўкон хонлиги ўртасида тез-тез урушлар бўлиб, бу шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турарди.

XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 миллионга яқин аҳоли яшарди. Аҳоли амирликнинг серсув воҳаларида яшаб, жазирама иссиқ, сувсизлик ҳукмронлик қилувчи Қизилқум саҳролари ва чўллари кимсасиз ястаниб ётарди. Зарафшон водийсида 300-350 минг, Қашқадарё воҳасида 500 минг, Сурхондарё воҳасида 200 минг, Шарқий Бухорода 500 мингча аҳоли яшарди. Амирликнинг йирик шаҳарлари - Бухорода 60 минг, Самарқандда 50 мингга яқин аҳоли яшарди.

Аҳоли этник жиҳатдан кўпгина элатлардан иборат бўлиб, уларнинг қарийб 57 фоизи ўзбеклар эди. Ўзбеклар бир қанча қабилалардан ташкил топган бўлиб, улар орасида манғит, сарой, кўнғирот, жабоғу, қарлуқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз қабилалари кўпчилиқни ташкил этарди. Улар асосан Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги шаҳар ва қишлоқларда яшарди.

Бухоро амирлигининг Ҳисор, Душанбе, Шарқий Бухородаги Вахш, Кафирниҳон ва Панж дарёлари водийларида, асосан тожиклар яшар эди.

Амирликнинг жанубий ва ғарбий қисмида туркманлар, шимолий-шарқий томонида қозоқ ва қирғизлар яшарди. Шуниингдек, амирлик худудида афғонлар, эронийлар, араблар, яҳудийлар, хиндлар ва бошқа этник гуруҳлар мавжуд эди.

Аҳолининг аксарият кўпчилиги қишлоқларда истиқомат қиларди. Улар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланарди. Суғориладиган ерларда пахта, буғдой, шоли, жўхори, боғ ва полиз маҳсулотлари етиштирилар эди. Узум, олма, нок, шафтоли, ўрик, гилос, анжир, қовун, тарвуз етиштириларди. Мева-чевалар қуритилиб ширинлик ўрнида ишлатиларди. Чорвачилиқда қўйчилик, қорақўл қўйчилиги, ҳунармандчиликда гиламдўзлик, ўймакорлик, зардўзлик, тегирмончилик, кўнчилик, тўқувчилик, темирчилик, қулоччилик, бешиқчилик, сандиқчилик, этиқдўзлик, мойжувозлик, совунгарлик кенг тарқалган эди.

Амирлик иқтисодий ҳаётида қолоқлик, турғунлик ҳоллари мавжуд эди, аҳолининг турмуши паст даражада эди. Ерга эғалиқ шакли минг йиллар давомида ўзгармай келмоқда эди, аҳолига солинадиган ўлпон ва солиқлар ҳаддан ташқари кўп эди. Аҳоли сотиб олиш қобилиятининг пастлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қиларди.

Бухоро амирлиги монархия типигаги давлат бўлиб, амир чекланмаган ҳокимиятга эга эди. Амир ўз фуқароларини ўлдириши ёки ҳаёт қолдириши, бутун аҳоли мулкига эга бўлишга ҳам ҳақли эди, кўнгли тусаганини қиларди.

Манғитлар сулоласи (1753-1920)	➤ Мухаммад Раҳим	- 1756-1758
	➤ Дониёлбий (оталиқ)	- 1758-1785
	➤ Шохмурод	- 1785-1800
	➤ Ҳайдар	- 1800-1825
	➤ Насрулло	- 1826-1860
	➤ Музаффар	- 1860-1885
	➤ Абдулахад	- 1885-1910
	➤ Олимхон	- 1910-1920

XIX аср бошларига келганда, амирликда хизматкор амалдорлар табақаси шаклланди. Фақат амир саройининг ўзида 300 га яқин амалдор хизмат қиларди. Бу табақа давлат хазинасидан маош олар, амирга батамом қарам бўлиб, уларни амирнинг ўзи тайинлар ёки эгаллаб турган лавозимидан олиб ташлар эди. Амалдорлар амир фармойишини бажарибгина қолмай, унинг истак-хоҳиши ва кўнглини топа билишлари, унга доимо хушомад қилишлари керак эди. Шу боис саройда хушомадгўйлик, амир шахсини улуғлаш расм бўлиб қолади. Амир ва унинг оиласигагина эмас, қуйи мансабдагилар юқори амалдорларга ҳам хушомадгўйлик қилардилар. Ўз мавқеи, турмуши, оиласининг омонлиги, мулки учун кўрқиш, эртанги кунга ишонмаслик каби оғир вазият вужудга келади. Қисқаси, мансабдорнинг тақдири тўлиғича юқори амалдор кўлида эди. Мансабни сотиш, порахўрлик кенг тарқалди.

Амирликдаги энг катта сарой мансаблари ва унвонлари

- **Қушбеги**, даргоҳ вазири, яъни бош вазир лавозими эди. Давлатнинг барча бошқарув идоралари унга итоат этар эди. Бир сўз билан айтганда, барча ижроия ҳокимият қушбегининг кўлида эди. Вилоят ва туман ҳокимлари ҳам қушбеги тавсиясига биноан тайинланар эди. Қушбеги хон истиқомат қилиб турган арки олийда турар эди.
- **Девонбеги** - хонликнинг молия-хазина ишларини бошқарган. Солиқ ва жарималарнинг ундирилиши устидан назоратни ҳам девонбеги амалга оширган. Девонбеги арки олийнинг бир четида яшаган.
- **Кўкалдош** -(хон билан бир онадан сут эмган киши) бутун амирлик ҳудудида амирга ва амирликка нисбатан дўстона ёки душманлик муносабатида бўлувчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаб ҳукмдорга етказиб турган.
- **Мушриф** - лавозимида ишлаган амалдорлар хонга инъом этилган буюмларни ҳамда ҳарбий анжомларни рўйхатга олиш билан машғул бўлган. Солиқ тушумларини ҳам махсус дафтарга ёзиб борган.
- **Миршаб** - тунги қоровуллар бошлиғи вазифасини бажарган.
- **Додхоҳ** - фуқароларнинг арз ва шикоятларини тингловчи, ҳал этувчи мансабдор бўлган, буларни керак бўлса хон ёки қушбегига етказиб турган.

- **Иноқ** - бу лавозимда ишлаган амалдорларнинг вазифаси амир фармойишларини бек ва бошқа табақадаги маҳаллий мансабдорларга етказишдан иборат бўлган.
- **Мирохўр** - амирнинг овчи қушларини тасарруф қилувчилар устида турган, хон овларини уюштириш ишига мутасадди бўлган.
- **Дастурхончи** - амир хузурида уюштириладиган зиёфатлар учун масъул амалдор.
- **Тўқсобо** - амир туғи соҳиби бўлган ҳарбий мансабдор.
- **Парвоначи** - бирор шахснинг бирор лавозимга тайинланганлиги ҳақидаги ёрликни ўша шахсга етказувчи амалдор.
- **Садрлар** - вақф мулкларини бошқарувчи мансабдорлар. Вақф муассасасининг бошлиқлари бўлган мутаваллилар садрларга бўйсунганлар. Садрларнинг вазифа ва ҳуқуқлари вақф ёрлиғи шартларида қайд этиб қўйилган. Садрлар вақф хўжалиги даромадининг маълум қисмини олардилар.
- **Шайхулислом** - мусулмон жамоаси бошлиғи. Қозилик ишларида ҳамда кундалик ҳаётда қонунларга риоя этилишини таъминловчи амалдор. Бу лавозим авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган.
- **Катта қози (Қози калон)** - давлатнинг олий қозиси (судьяси). Амир аралашмайдиган барча қозилик ишларига раҳбарлик қилувчи олий давлат лавозими. Қози калон «Шариат паноҳ» деб аталарди. Қози калон хузурида аълам ва 12 муфтийдан иборат девон тузилган. Унинг вазифаси жинойий ишларни ҳар томонлама кўриб чиқишдан иборат бўлган.
- **Муфтий** - қози калон мураккаб деб ҳисоблаган турли диний-ҳуқуқий масалалар бўйича, шариат қонунларига асосланиб фатво чиқарган. Бу фатво унинг ёки бир неча муфтийнинг муҳри билан тасдиқлангач, қозига берилар эди. Қози бу фатвога асосланган ҳолда ҳукм чиқарарди.

Амалдорларга амир назарига тушган хизматлари учун **оталиқ, эшик оғаси** каби эътиборли унвонлар берилган. Хоннинг, унинг ўғилларининг ҳам оталиғи бўлган. Амалдорлар ҳарбий юришларда ҳам қатнашган.

Хон йиғинида амалдорларнинг амалига қараб ўрни бўлар эди. Шунга кўра улар хоннинг ўнг ва сўл томонида, унга яқинроқ ва узоқроқ ерда ўтирардилар. Баъзилари ўтиришар, баъзилари эса тик туришарди. Каттароқ амалдор саройга от миниб кирса, баъзилари пиёда кирарди.

Амирликда амалдорлардан ташқари диний уламолар ҳам ҳукмрон мавқега эга эди. Улар ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларимиз деб ҳисобловчи саййидлар ҳамда чориёр ҳалифалар - Абубакр, Умар, Усмон ва Али авлодлариданмиз дейувчи хўжалардан иборат эди. Улар катта ер-сувга, савдо дўконларига, ҳунармандчилик устахоналарига эга эдилар. Амирликда жўйбор шайхлари алоҳида мавқега эга бўлиб, XIX асрда улар Бухорода 16 маҳалла бўлиб яшарди.

Судлов ишларида шариат қонун - қоидаларига риоя этилишини таъминлашда шайхулислом, аълам ва қозилар амирнинг энг яқин ёрдамчилари эди. Амирликда энг катта мансабдорлардан бири Қози калон ҳисобланарди. Унинг

махкамасида ҳар бир вилоятдан биттадан қози иш олиб борарди. Уларни амирнинг ўзи тайинларди. Қози дин масалалари, оила, мерос, жиноий ишларга оид масалалар бўйича ҳукмлар қабул қиларди.

☑ Бухоро амирлиги 27 беклик: Кармана, Хатирчи, Зиёвуддин, Нурота, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Карки, Чоржуй, Хисор, Кўлоб, Қоратегин, Дарвоз, Балжувон, Шўғнон-Рушон, Қўрғонтепа, Қободиён, Калиф, Бўрдалиқ, Қобокли ва Норазм бекликларидан иборат эди. Ҳар бир бекликни амир томонидан тайинлаб қўйиладиган ҳокимлар - беклар идора қиларди. Ҳоким ҳузурида юзлаб маҳаллий маъмурлар хизмат қиларди. Манбалар амирликда маҳаллий маъмурлар штати 30000 кишини ташкил этганлигидан гувоҳлик беради. Ҳоким ва унинг хизматкорларига маош давлат хазинасидан берилмас эди, улар маҳаллий аҳолидан олинган турли - туман солиқ ва тўловлар ҳисобига тирикчилик қилишардилар. Ҳокимлар, солиқ йиғувчилар, қозилар хоҳлаганча иш юритардилар, уларнинг фаолиятини белгиловчи қонун-қоидалар йўқ эди. Уларнинг суистеъмоллари халқ гарданига оғир юк бўлиб тушарди.

XIX аср 30-йилларида амир қўшинида 19 мингга яқин ёлланган аскарлар бўлиб, улар турли шаҳар ва истехкомларда ҳарбий хизматни ўтаганлар. Қўшин аскарлари, асосан, ўқ-ёй, найза, қилич, ханжар, ойболта кабилар билан қуролланган. Манбалар амир қўшинида пилтали милтиқлар ва кичик тўплар ҳам бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Амир қўшинининг жанговорлик даражаси паст эди. Аскарлар ҳарбий машқларга нисбатан кўпроқ меҳнат билан банд бўларди. Сипоҳликка 15 ёшдан 70 ёшгача эркаклар олинарди, қўшин сафида кексайиб қолганлар анчагина бўларди. Амирликнинг йиллик даромади 2 млн. 300 минг сўм бўлгани ҳолда, унинг 1 млн. 300 минг сўми қўшинни сақлашга сарфланарди. Озиқ-овқат етишмаслигидан сипоҳлар қочарди, кийими юпун эди. XIX аср ўрталарида аскарлар сони, пилтали милтиқ ва тўплар ҳам анчагина кўпайган. Қўшинда юз боши, минг боши сингари ҳарбий лавозимлар бўлиб, умумий қўмондонликни лашкарбоши бошқарган. Амирликнинг қўшини мунтазам бўлмай, зарурият бўлганда тўпланарди, уларни тўплаш қийин кечарди. Бу амирликнинг заифлик омилларидан бири эди.

Хива хонлиги. Манбаларда кўрсатилишича, XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигининг худуди 19 минг квадрат милни ташкил этган. Хонлик жанубда Эрон билан, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда Каспий денгизи, шимолда козоқ жузлари билан чегарадош эди. Сувсиз, чексиз Қорақум, Қизилқум саҳролари Хива хонлигини худудий жиҳатдан бошқа мамлакатлардан ажратиб қўйган эди. Қуйи Амударё бўйи Хива хонлигининг марказий қисмини ташкил этарди. Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Қиёт, Кўна Урганч, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (Хозирги Чимбой) шаҳарлари хонликнинг йирик шаҳарлари эди. Ўрта Осиёнинг энг бой савдо марказларидан бири бўлган Хива шаҳри хонликнинг пойтахти ҳисобланарди. Шаҳар икки қисмдан Ичан қалъа (шаҳарнинг ички қисми) ва Дишон қалъа (шаҳарнинг ташқи қисми)дан иборат эди. Ичан қалъада хон қароргоҳи ва ҳарам, 17 та масжид, 22 та мадраса, карвонсарой ва бозор

жойлашган бўлиб, улар асосан XIX асрда барпо этилган. 1842 йилда Дишон қалъа қурилиб, девор билан ўраб олинади. Дишон қалъада хунармандлар, савдогарлар, мардикорлар, қисман дехқонлар ҳам истиқомат қилганлар.

Хива хонлигида тахминан 800 мингга яқин киши яшарди. Аҳолининг кўпчилиги қисми ўзбеклар бўлиб, улардан энг кучли ва кўп сонлилари қўнғирот, найман, киёт, уйғур, нукуз, қангли, хитой, қипчоқ қабилалари эди. Ўзбек қабилалари асосан Амударё тармоқ ёйган қисмида, каналлар бўйларида жойлашган эди.

Аҳолининг анчагина қисмини (тахминан 1/4 қисми) туркманлар ташкил этарди. Туркманлар қадимги ўғизларнинг авлодлари бўлиб, форсча гаплашувчи маҳаллий халқлар, ўзбеклар билан қоришиб кетган эди.

Қорақалпоқлар яшайдиган Амударёнинг қуйи ҳавзаси ва Орол дегизининг жанубий қирғоқлари Хива хонлиги тасарруфида эди. Қорақалпоқлар бу ҳудуддаги шўрхок ерларни қанча машаққатлар билан ўзлаштириб тирикчилик қиларди. Дехқончилик, чорвачилик, балиқчилик, овчилик қорақалпоқларнинг асосий машғулоти эди.

Хонликнинг шимолий қисмида қозоқлар яшарди. Шунингдек, хонликда қисман форслар, араблар ва бошқалар ҳам яшаган.

Муҳаммад Раҳим I (1806-1825 йиллар) даврида хонликдаги ўзаро урушлар бироз тинчиди, хонликни бирлаштириш ниҳоясига етди. Қорақалпоқлар ҳамда туркманларнинг чавдор қабилалари ҳам бўйсундирилди. Мамлакатда ўтказилган солиқ ислоҳоти, божхона жорий этилиши, олгин пул зарб этилиши хўжалик ишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз вақтида йиғиб олинган солиқлар хонлик даромадини оширди.

Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлар сингари Хива хонлиги ҳам монархия типидagi давлат эди. Давлат тузуми Бухоро амирлигига ўхшарди. Олий ҳокимият хон қўлида бўлиб, унинг ҳуқуқи чегараланмаган - ҳокими мутлақ эди. Хива хонлигида кулчилик расмий жиҳатдан ҳамон мавжуд эди. Дишон қалъада кул бозори бўлиб, сотилгунча кулларни ушлаб турувчи махсус бино мавжуд эди. Кул савдоси айрим тоифадаги одамлар учун даромадли эди, кул сотиш билан кўпроқ туркманлар шуғулланарди. Улар Эрон, Афғонистон, Бадахшонга ҳужум қилиб, қишлоқ аҳолисини кул қилар, бозорда сотарди.

Қўнғиротлар сулосаси 1770-1920	➤ Муҳаммад Амин Иноқ	- 1770-1790
	➤ Авазхон	- 1790-1804
	➤ Элгузархон	- 1804-1806
	➤ Муҳаммад Раҳимхон I	- 1806-1825
	➤ Оллоқулихон	- 1825-1842
	➤ Раҳимқулихон	- 1842-1845
	➤ Муҳаммад Аминхон	- 1846-1855
	➤ Абдуллахон	- 1855-1856
	➤ Сайид Муҳаммадхон	- 1856-1864
	➤ Муҳаммад Раҳимхон II	- 1864-1910
	➤ Асфандиёрхон	- 1910-1918
	➤ Сайид Абдуллахон	- 1918-1920

Хонликда энг нуфузли лавозим бош вазир ёки кушбеги бўлиб, у солиқларни тўплаш ва хоннинг топшириқларини бажариш билан шуғулланган.

Саройда Оталиқ, Раис, Қози калон, Шайхулислон, Мироббоши, Миршаббоши, Тўпчибоши, Ясовулбоши каби амалдорлар хон хизматида бўларди. Девонбеги хон девонини бошқарарди. Хазиначи хонликнинг кирим ва чиқим ҳамда сарф-харажатларини юритар, бу ҳақда хон ёки бош вазирга ҳисоб берар эди.

Хонликдаги энг кагга мансаб ва унвонлар иноқ, оталиқ, бий ҳисобланарди. Бундай лавозимга кўтарилганлар хонга энг яқин одамлар бўлиб, солиқлардан ҳам озод қилинар эди. Бундай унвонлар хон фармони орқали эълон қилинган ва ёрликлар берилган.

Саройда мирзабоши, муншай, маҳрамбоши каби мансабдорлар ҳам фаолият кўрсатишган.



Маъмурий-худудий жиҳатдан Хива хонлиги Хазарасп, Гурлан, Хонқа, Кўна Урганч, Қўшқўпир, Питнак, Ғазовот, Қиёт, Шоҳаббоз, Шовот, Тошҳовуз, Амбор-манок, Урганч, Хўжайли, Тўманой, Қўнғирот каби беклик ёки вилоятларга бўлинган.

Бекликларни хон томонидан тайинланган беклар, ноибликларни ноиблар идора қилган. Бек ва ноиблар ҳузурида уларга хизмат қилувчи кўпдан-кўп амалдорлар бўлган.

Хива шаҳри шахсан хоннинг ва бош вазирнинг измида бўлган. Шаҳар ички тартиблари ва осойишталиги миршаббоши, жиноий ишларни кўриш ва жазо тайинлаш шаҳар қозиси, пойтахтни тасодифий хужумлардан ҳимоялаш Тўпчибоши ва Ичан-қалъа, Дишон-қалъа қутлови (коментанти) зиммасида бўлган.

Хива хонлигида тахминан 40 минг отликдан иборат қўшин бўлиб, қўшинга лашкарбоши кўмондонлик қилган. Аскарлик хизматида бўлганлар солиқлардан озод этилган. Юришда қатнашган ҳар бир суворий 5 олтин танга олган. Хоннинг кўрсатмасига биноан, ўзини кўрсатган харбий лавозимдагиларга 10,20, 50,100 ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда олтин танга берилган. Бийларга 50-100 танга, юзбошиларга 10-20 танга маош берилган. Тинчлик пайтларида аскарлар хўжалик ишлари билан шуғулланганлар.

Хон қўшинлари Бухоро қўшинлари каби қилич, ўк-ёй, найза билан қуролланган. Озчилик аскарларда пилта милтиқлар ҳам бўларди, оз миқдорда тўплар ҳам бор эди.

Кўкон хонлиги. XIX аср биринчи ярмида Кўкон хонлиги худудий жиҳатдан Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди. Кўкон хонлиги шарқда Шарқий Туркистон, ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош эди. Хонлик худуди шимолда уччала козоқ жузларини батамом ўзига бўйсундириб олган Россия билан чегараланарди. Хонликнинг жанубий чегаралари Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Шўғнон сингари тоғли худудларни ўз ичига олар, бу худудлар учун Бухоро амирлиги билан қонли урушлар бўлар, улар қўлдан-қўлга ўтарди.

Кўкон хонлиги худуди Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқли ўларок серсув дарёлари, сўлим водийлари, серхосил ерлари кўп эди. Хонликнинг маркази Кўкон, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар жойлашган Фарғона водийси эди. Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёта, Пишпак, Сўзак, Оқ-мачит каби йирик шаҳарлар ҳам Кўкон хонлиги тасарруфида эди.

Кўкон хонлигида аҳоли нисбатан зич жойлашган бўлиб, тахминан 3 миллионча киши яшарди. Хонликнинг пойтахти Кўконда 80 000, Тошкент шаҳрида 60000 аҳоли яшаган.

Кўкон хонлиги аҳолисининг кўпчилик қисми ўзбеклар эди. Шунингдек, хонлик аҳолиси тожиклар, қирғизлар, козоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Булар билан ёнма-ён яҳудийлар, татарлар, ҳиндлар ва бошқа элатларнинг вакиллари ҳам яшарди.

Кўкон хонлигида давлат бошқаруви Бухоро ва Хиваникига ўхшарди. Хон ҳуқуқи ҳеч нима билан чегараланмаган ҳокими мутлақ эди. Хондан кейинги иккинчи шахс вазир ҳисобланиб, у муҳим давлат масалаларини хон билан келишган ҳолда ҳал этарди. Марказий давлат бошқарувида Қушбеги, Оталик, Девонбеги, Мингбоши, Шайхулислом, Қози калон, Парвоначи, Шиғовул, Саркор, Инок, Дастурхончи, Амин, Яссовулбоши каби амалдорлар хизмат қиларди. Сарой қошида махсус кенгаш тузилган бўлиб, унинг таркибига энг олий мансабдор шахслар кирган. Хон кенгашнинг раиси ва масалани ҳал қилувчи шахс эди.

Кўконда минглар сулоласи (1710-1875)	➤ Шохрухбий	- 1710-1721
	➤ Абдурахимбий	- 1721-1733
	➤ Абдулкаримбий	- 1733-1750
	➤ Абдурахмон	- 1750 (9 ой)
	➤ Эрдона	- 1751-1752
	➤ Бобобек	- 1752-1753
	➤ Эрдона (иккинчи марта)	- 1753-1762
	➤ Сулаймон	- 1762-1763
	➤ Норбутабий	- 1763-1798
	➤ Олимхон	- 1798-1810
	➤ Умархон	- 1810-1822
	➤ Муҳаммад Алихон	- 1822-1841
	➤ Шералихон	- 1842-1844
	➤ Муродхон	- 1844
	➤ Худоёрхон	- 1845-1858
	➤ Маллахон	- 1858-1862
➤ Худоёрхон (иккинчи марта)	- 1862-1863	
➤ Султон Саййидхон	- 1863-1865	
➤ Худоёрхон (учинчи марта)	- 1865-1875	

Кўкон хонлигида кўшинни, аслаҳахонани, ҳарбий ишларни Мингбоши бошқарарди. Кўшинда бешюзбоши, юзбоши ва ўнбоши ҳарбий лавозимлари бор эди. Кўшиннинг бир қисми мунтазам хизматда бўлиб, марказий ҳокимият ихтиёрида бўларди. Хон гвардияси деб аталган бу ҳарбий қисмда кипчоқлар, қирғизлар ва тожиклар қатта ўрин тутарди. Уруш пайтларида хон тажрибали зобитни лашкарбоши қилиб тайинларди. Ҳарбий хизматдагиларга бир от ва эгаржабдук берилар эди. Юзбошига бир йилга 147 сўм, элликбошига 98 сўм, ўнбошига 65 сўм, оддий сарбозга 48 сўм маош тўланарди. Марказий ҳокимият тасарруфида бўлган 10 минг кишига яқин суворийлар қисми ҳарбий хизматчиларига давлат хазинасидан маош тўланган. Ҳарбий кўшин қилич, найза, пилтали милтиқ билан қуроллантирилган. Шунингдек, кўшинда тўплар ҳам бор эди.

Кўкон хонлиги 15 беклик, ҳарбий округга бўлинган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпига хоннинг ўғиллари ёки қариндошлари ҳокимлик қиларди. Ҳокимлар ўз ҳудудидаги ҳарбий кучлар қўмондони ҳамда фуқаролик бошқарувининг бошлиғи эди. Ҳокимлар хоннинг биринчи даъватиданок ўз кўшинлари билан белгиланган жойга етиб келиши шарт эди. Шу тариқа, хон анча кўшин тўплаш имкониятига эга эди. Кўкон хони зарурият бўлганда, озиқ-овқат ортилган 12 минг аравага эга бўлган 60 мингтача сипоҳни йиға оларди.

3. Хонликларда ўзаро ва ички курашларнинг авж олиши, унинг оқибатлари

Чор Россияси бутун Сибирни босиб олиб, қозоқ ва қирғизлар яшовчи ҳудудлар - кичик жуз, ўрта жуз ва қатта жузни ўзига бўйсундириб, энди Ўрта Осиёга силжиб келмоқда эди. Россия билан Кўкон хонлиги бевосита чегарадош бўлиб қолган эди.

Рус ҳукуматининг Кўкон хонлигига тазйиқи хонликнинг қозоқ ва қирғизларга нисбатан таъсир доирасини қирқиш сиёсати ва амалиётида яққол кўринмоқда эди. Бу ёвуз ниятни барча ўзбек хонлари тушунарди, аммо ожизлиги туфайли тажовузни бартараф этиш бўйича тақозо этган даражада тадбир тополмадилар.

Вазият уччала хонликнинг бирлашиб душманни даф этиш йўлидан боришини талаб қиларди. Амалда эса бунинг акси бўлди, улар бирлашиш ўрнига ўзаро курашни авж олдирдилар. Хусусан, Кўкон хонлигида нотинчлик, ҳокимият учун ички кураш авж олиб кетди.

Кўкон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) тахтга ўтиргандан бошлаб 1834 йилгача Қоратегин, Кулоб, Дарвоз вилоятига тўхтовсиз юришлар қилиб, уларни Кўкон хонлигига бўйсундирди. 1826-1831 йиллар давомида эса бир неча марта Қошғарга бостириб борди, хитойликлар билан уруш қилди, минг-минглаб кишиларнинг қирилиб кетишга сабабчи бўлди.

Муҳаммад Алихон ўз атрофидагиларнинг таъсирига тушиб, ҳатто ўз отасининг энг обрўли аъёнларини таъқиб қилди, хон ҳокимияти билан маҳаллий амалдор-зодагонлар ўртасида таркиб топган иттифокни бузди. Уларнинг айримлари қатл этилди, сургун қилинди, баъзилари Бухорога қочиб кетишди.

Омон қолганлар хондан норози бўлганларни ўз атрофига тўплаб, хонни тахтдан қулатишга тайёрлана бошладилар. Хоннинг енгилтаклиги, айш-ишратга берилиши аҳолини ўзига қарши қилиб қўйди. Руҳонийлар хонни ахлоқсизликда, шариатга қарши жиноятларда айблаб, унга қарши очиқ тарғибот олиб боришди.

Хондан норози бўлганлар 1839 йилда ўз элчиларини Бухоро амири Насрулло хузурига юбориб, ёрдам сўрайди. Бу вақтда Бухоро амири билан Қўқон хони ўртасида Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд учун уруш бораётган эди. Амир Насрулло Қўқон қўшинини тор-мор этиб, Жиззах, Ўратепа ва Хўжандни ўз тасарруфига киритади. Энди Қўқон сари отланди. Айни пайтда, 1841 йилда Муҳаммад Алихоннинг зулмига қарши Қўқон шаҳар аҳолиси кўзғолон кўтарди. Хон Ўрдадан қочиб кетди. Кўзғолончилар талабига биноан бир неча айбдор шахслар қатл этилди.

Халқ Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга хужум қилмоқчи бўлганлигини эшитгач кўзғолонни тўхтатдилар. Бухоро амири ўз қўшинлари билан Қўқонга яқин жойлашган Бешарикқа келганда Муҳаммад Алихон элчилар орқали амир Насруллога қимматбаҳо совғалар юбориб, Хўжандни амирга топширади ва ўзини Бухоро амирининг ноибидеб тан олади. Амир Насрулло эса Бухорога қайтиб кетади. Ўз тахтини сақлаб қолган Муҳаммад Алихон ўзига ёқмаган кишиларни яна таъкиб этиш, қатл қилишни давом эттирди. Пойтахтда яна норозилик кучайиб, кўзғолон бошланди. Ниҳоят, 1841 йил ноябр ойида Муҳаммад Алихон тахтдан воз кечишга мажбур бўлади ва унинг укаси Султон Махмуд хон бўлади. 1842 йили Бухоро амири Насрулло Қўқонга қарши ўз қўшинларини сафарбар этди. Қўқон қўшинлари тор-мор этилди. Қўқон хонлиги Бухоро амирлигига бўйсундирилди. Қўқоннинг таслим бўлишига хонликдаги парокандалик ва халқнинг ўз ҳукмдоридан норозилиги сабаб бўлди. Муҳаммад Алихон ўз аъёнлари билан тутиб олинди ва амир Насрулло буйруғига биноан қатл этилди. Ҳатто халқнинг сеvimли шоираси Нодирага ҳам шафқат қилинмади.

Амир Насруллонинг Қўқон хонлигидаги ҳукмронлиги узокқа чўзилмади. Амирнинг Қўқондаги ноибидеб Иброҳим додхоҳнинг Қўқон хонлиги аҳолисини илгаридан ундириб келинган солиқларга қўшимча равишда Бухоро амирлигида жорий этилган солиқларни ҳам мажбур қилиши натижасида бутун Қўқон хонлиги худудида 1842 йили катта кўзғолон кўтарилди. Унинг оқибатида амирнинг Қўқондаги ноибидеб ва беклари ҳокимияти ағдарилди.

Бухоро амирлиги ҳокимиятига қарши курашда Қўқон аҳолисининг кўзғолонини ташкил этган маҳаллий кучлар Фарғона водийсида кўчиб юрган қипчоқлар мададига таянган эдилар. Қўқон хонлигининг мустақиллиги тикланди. Тахтга Норбўтабийнинг укаси Шерали ўтказилди. Қўқон хонлиги мустақиллигини тиклашда минг қабиласига катта мадад берган қипчоқлар хонлик сиёсий ҳаётида катта маънавият эга бўлиб олдилар. Қипчоқлар йўлбошчиси Мукулмонкул қўшин бошлиғи, бош вазир, бош маслаҳатчи этиб тайинланди. Амалда давлат бошқаруви ишлари унинг қўлида тўпланган эди. Энг масъулиятли давлат ишлари лавозимларига қипчоқ зодагонлари тайинланди.

Кўқондаги мағлубиятга чидай олмаган амир Насрулло яна Кўқонга юриш қилди. У Кўқон шаҳрини 40 кун камалда тутди. Айни пайтда, Хива хони Оллоқулихон Бухоро амирлигига қарашли Чоржўйга ҳужум бошлади. Амир Насрулло Бухорога қайтишга мажбур бўлди. 1843 йилда Хазорасп яқинида Бухоро ва Хива кўшинлари ўртасида қатта жанг бўлди. Амир Насрулло мағлубиятга учради. Бундан фойдаланган Кўқон хонлиги Хўжанд билан Тошкентни яна ўз тасарруфига киритди.

Шералихон ҳукмронлиги даври аҳолидан солиқ ундириш кучайиши билан ажралиб туради. Бу ҳол меҳнаткаш аҳолининг норозилигини келтириб чиқарди. Бундан ташқари давлат ишларида муҳим лавозимларни эгаллаб олган қипчоқлар давлат ҳаётининг ҳар бир соҳасида ўз ҳукмронликларини ўтказишга, бошқа ўзбек қавмлари, қирғиз ва тожикларнинг мамлакат ҳаётидаги таъсирини камайтиришга уриндилар. Қипчоқларнинг Кўқонга кўчиб келиши янада кучайди. Улар маҳаллий аҳолининг уй-жойини, мол-мулкни зўравонлик билан эгаллаб ола бошладилар. Буларнинг бари хонликда қипчоқларга нисбатан норозиликни кучайтира борди. Шералихон бу вазиятни тушуниб етди ва Мусулмонқулдан қутилиш пайига тушди. Мусулмонқул хоннинг ниятини сезиб қолади ва унга қарши фитна уюштиради. Бу фитнани амалга ошириш учун қулай фурсат ҳам етган эди. Фитна режасига кўра, Мусулмонқул солиқларнинг ҳаддан ташқари оғирлигидан норози бўлиб кўзғолон кўтарган Ўш аҳолисининг кўзғолонини бостириш учун кўшин билан жўнаб кетиши, айрим сиёсий кучларнинг вазиятдан фойдаланиб Самарқандда яшаётган марҳум Кўқон хони Олимхоннинг ўғли Муродхонни олиб келиб Кўқон тахтига ўтказилиши назарда тутилади. Қипчоқлардан норози бўлган маҳаллий аҳолининг Муродхонни қўллаб-қувватлашига Мусулмонқул ишонар эди. Мусулмонқул Ўшдан қайтгач, «давлат тўнтаришида» иштирок этганларнинг барчасини жазолаши, шу йўл билан ўзининг барча рақибларидан қутулмоқчи, қипчоқларнинг тўла ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эди. Амалда ҳам шундай бўлиб чиқди.

Бу машъум ниятдан хабари йўқ Муродхон Исфара ҳокимининг таклифига кўра Кўқонга келади ва тахтга даъво қилади. Бу бўлаётган қатта «сиёсий ўйин»нинг тагида нима ётганини тушуниб етган Шералихон Муродхон фойдасига тахтдан воз кечади. Тез орада Муродхон буйруғи билан Шералихон ўлдирилади. Мусулмонқулга эса ўз лавозимларида қолганлиги ҳақидаги фармон жўнатилади. Машъум нияти амалга оша бошлаган Мусулмонқул ўз кўшинлари билан Наманганга келади. Аввал ишни ўзининг 12 яшар қизини марҳум Шералихоннинг ўғли Худоёрхонга никоҳлаб беради. 13 ёшли Худоёрхон бу даврда Наманган ҳокими эди. Шундан сўнг Кўқонга келиб Муродхон ва уни қўллаб қувватлаганларни фитначи сифатида айблаб, уларни қатл эттиради. Куёви Худоёрхонни тахтга ўтказди. Худоёрхон ёш бўлганлиги туфайли амалда хонликни қайнотаси Мусулмонқул бошқаради. Шундай қилиб, хонликда амалда қипчоқлар ҳукмронлиги даври бошланади.

Эндиликда қипчоқлар Кўқонга ёппасига кўчиб кела бошладилар, маҳаллий аҳолини шаҳардан ҳайдаб чиқардилар. Уларнинг уй-жойларига эгалик қилиб

оладилар. Суғориш иншоотларини қўлга киритдилар, аҳоли энди сув учун кипчоқларга солиқ тўлайдиган бўлди. Буларнинг бари ўз навбатида хонликда ҳукмронларга қарши кўзғолон кўтариш хавфини туғдирди. Бундай вазиятда Мусулмонкул ўз мавқеини йўқатмаслик йўлида руслар билан алоқа ўрнатишга интилади ва рус қўмондонлиги вакили В.В.Вельяминов - Зернов билан махфий равишда учрашади. Бу ҳол Худоёрхонни қаттиқ чўчитиб қўяди. Ана шундай шароитда хон бирдан-бир тўғри йўлни танлайди. Бу йўл - қайнотаси Мусулмонкул ва кипчоқлар ҳукмронлигига хотима бериш йўли эди. У шундай қилди ҳам. Бироқ, бу ният жуда шафқатсизлик билан амалга оширилди. 1852 йил 9 октябрь - Қурбон ҳайити куни у Тошкентдан чақирилган кўшин билан кипчоқлар қирғинини уюштирди. Унинг бу йўлини маҳаллий аҳоли қўллаб қувватлади. Қайнотаси Мусулмонкул асир олиниб, Қўқонга келтирилди ва қатл этилди. Кипчоқларнинг мол - мулклари мусодара қилинди, улар маҳаллий аҳолига сотилди. 1854 йилда кипчоқлар Андижон ва Марғилонда кўзғолон кўтарди, Бухоро амири кўзғолончиларга мадад берди. 1855 йилда яна кўзғолон кўтарилди. Тошкент, Чимкент, Туркистон шаҳарларида ҳам кўзғолонлар бўлди.

Мусулмонкул ҳукмронлигига хотима берилган, кўзғолонлар бостирилган бўлсада, ички низолар бу билан барҳам топмади.

Худоёрхон аҳолидан солиқ йиғишни кучайтиради, аҳолига жабр- ситам ошиб борди. Халқнинг норозилигидан фойдаланиб, хоннинг укаси Маллахон кўшин тўплаб, 1858 йилда хон тарафдорларини тор-мор келтирди ва Қўқонни эгаллади. Худоёрхон Бухорога қочиб кетди. Маллахонга ҳам фитна тайёрланди ва 1862 йилда Маллахон ўлдирилди. Шохмурод хон деб эълон қилинди. Маллахоннинг тарафдорлари қатл этилди.

Алғов-далғов авж олган бир пайтда Тошкент ҳокими Қаноат ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида Худоёрхонни Тошкентга таклиф этди. Худоёрхон Тошкентга келди ва Бухоро амири ёрдамида 1862 йилда Қўқон тахтини эгаллади. Бироқ лашкарбоши Алимкул Худоёрхонга қарши уруш бошлади, Худоёрхон яна Бухорога қочишга мажбур бўлди. Алимкул Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхонни Қўқон хони деб эълон қилди. Аммо бу билан Қўқон хонлигида сиёсий барқарорлик таркиб топмади. Худоёрхон 1865 йилда учинчи марта тахтни эгаллайди. Тахт учун ўзаро ички курашлар авж олиб борарди. Бу Россия босқини арафаси ва босқин бошланган даврда юз бераётган эди.

Чор Россияси босқини арафасида Бухоро амирлигида ҳам зодагонлар ва бекларнинг мол-мулк, тахт, амал талашиб ўзаро зиддиятлари кучайди, қирғинбарот урушлар бўлди. 1826-1860 йилларда амирлик қилган Насрулло шафқатсиз ҳукмдор эди. У тахтга чикқач, ўз йўлида тўсиқ бўлмасин, деб акалари Хусайнни заҳарлаб ўлдирди, Умарни қатл эттирди. Насрулло тахтни эгаллашда, унга ёрдамлашганларни ҳам тирик қолдирмади. Тахтга ўтирган кунидан бошлаб, бир ой давомида ҳар куни 50-100 кишини қатл қилиб турди. Шу боис амир Насруллога «қассоб амир» деб лақаб қўйилган эди.

Амир Насрулло амирликдаги парокандаликни тўхтатиш учун шафқатсиз урушлар қилди, бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқ аҳолисини қиличдан ўтказарди.

Бунга ўзларини мустақил деб ҳисобловчи Шаҳрисабз беклигига қарши олиб борилган қонли урушлар мисол бўла олади. Амир Насрулло Шаҳрисабзга қарши 32 марта ҳужум қилиб, охири 1856 йилда уни забт этди.

Ўзбек хонликларининг ҳукмдорлари Рус давлати тажовузларига эътиборсизлик, масъулиятсизлик қилди. Ўзаро урушлар гирдобига ботиб, катта кучларни беҳуда қурбон қилди, мамлакат бойлигини бесамар ишларга совурди. Вақтини айш-ишрат, кайфу сафода ўтказди.

Таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар» романида Юсуфбек хожи тилидан қуйидаги аламли сўзларини баён этади. «Мақсадлари жуда очик... Биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормухаммаднинг ўрнига ўтирмоқчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Иттифокнинг нима эканлигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолатда кетадиган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядиган бўлсак, яқиндирки, чор истибдоди Туркистонимизни эгаллар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгусимизни ўрис қўлига қолдирган бўлармиз».

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Туркистон жаҳон таракқиёти жараёнидан тобора четда қолаборди, илғор давлатлардан орқада қолди.

Юртбошимиз Ислом Каримов хонликлар даври тарихига янгича назар ташлар экан, тарихчи мутахассисларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади: «Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоккача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қоқоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қоқоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин?»¹.

Дарҳақиқат, XVII-XIX аср жаҳон тарихига моддий ва маданий юксалиш даври бўлиб кирганлиги маълум. Хусусан, Европадаги бир қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди, завод-фабрикалар қурилиб янги техник ускуналар билан жиҳозланди, темир йўллар қурилди, китъалараро денгиз йўллари очилди, меҳнат унумдорлиги ошди, одамларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси кўтарилди. Ўрта Осиё хонликлари ана шундай ижобий жараёндан четда қолди, қоқоқликка юз тутди.

Ўзбек хонликлари ҳаётидаги қоқоқликнинг илдизи, сабаблари нималардан иборат?

Қоқоқликка бир қатор омиллар сабаб бўлди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: «Шарқ», 1998, 9-бет.

Хонликларнинг асрлар давомида ўзгармай келаётган давлат идора усули, тор доирадаги ҳукмдорлар зулми тараққиётга ғов бўлиб қолган эди.

Асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, бир иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган аҳолининг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги парокандалик, бошбошдоқлик ва ўзаро ҳокимият учун тинимсиз давом этган ички кураш, иғво-фасоднинг авж олиши, ўзаро низо- жанжаллар, урушлар вилоят ва туманларни, қолаверса бутун мамлакатни хонавайрон қиларди.

Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар, этник низолар қабилалар кўчишини келтириб чиқарарди ёки улар зўрлик билан яшаб турган жойларидан кўчирилари эди. Бу жараён этник гуруҳбозликни келтириб чиқарарди, қабилаларнинг этник аралашувига, бир бутун халқ бўлиб қовушишига, жипслашишига халақит берарди. Давлат даражасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам ягона халқ, ягона Ватан тушунчасининг кадри англаб олинмади. Одамларни Туркистонни, халқни бирлаштириш ғояси остида уюштириш оладиган йўлбошчи топилмади.

Аҳоли хон ва бекларнинг, лавозимдаги амалдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан, суиистеъмолларидан, ғайриқонуний солиқ ва тўловлардан азоб чекарди. Турмуш даражаси паст бўлиб, аҳоли истеъмол учун энг зарур бўлган тор доирадаги оддий буюмлар ва маҳсулотлар билан қаноатланарди. Ишлаб чиқаришнинг фақат истеъмолга йўналтирилганлиги иқтисодийнинг ўсиши учун туртки беролмасди.

Хонлар ва сарой амалдорлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига халақит бераётган ишлаб чиқариш усулини ҳимоя қиларди. Асосий бойлик бўлган ерга мулкчиликнинг эски усули бир неча асрлардан бери ўзгармасдан келарди. Хонликларда ҳукмдор ернинг бирдан-бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга - деҳқонларга хатлаб, ижара тарзида бириктирилган эди. Деҳқон ер эгаси эмас, ердан олинган ҳосилнинг эгаси эди. Шу боисдан деҳқон ерни асраб авайлашга, унинг унумдорлигини оширишга интилмади, манфаатдор эмасди. Деҳқон ер эгаси бўлмагани учун бошқа жойларга кетаверарди.

Деҳқончилик ночор аҳволда эди. Ерга ишлов бериш ўша-ўша бир жуфт хўкиз, сўқа-омоч даражасида қолиб кетган эди. Ирригация иншоотларига аҳамият пасайиб, суғориладиган ер майдонлари қисқариб борарди.

Хонликларда саноат ишлари ривожланмади. Олтингугурт, рангли металллар, мрамар, тошкўмир, нефть каби табиий бойликлар тўла бўлган қонлар бўлса-да, уларни излаб топиш, қазиб олиш, қон-тоғ ишларини йўлга қўйишга бефарқлик қилинди. Ўлкада етарли даражада йирик дарёлар бўлса-да, уларда балиқчиликни ривожлантириш, кемасозликни йўлга қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Товар-пул муносабатлари ривожлантирилмади. Даромад истеъмол ва қўшин харажатларини зўрға қопларди, пул, олтин-кумуш хон ва амалдорларнинг хазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди, иқтисодий ривож учун сарфланмасди, ўлик мол сифатида сақланарди, капиталга айланмасди.

Хонликларнинг савдо муносабатларида ҳамон айирбошлаш тарзи давом этарди. Ўрта Осиё жаҳон бозоридан ажралиб қолгани устига, ягона ички бозор ҳам ташкил топмаган эди.

Ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий бекарорлик, иқтисодий ва ҳарбий ночорлик кўшни мамлакатларни ўз тасарруфига киритиб олиш сиёсатини жадаллаштираётган чор Россиясига кўл келди. Хонликлардаги парокандалик, ўзаро низо ва урушлар, охир-оқибат, уларнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айланишига олиб келди.

Синов саволлари

1. Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннахр ва Хуросонни нисбатан осон эгаллашига нималар сабаб бўлди?
2. Шайбонийлар қачон ва қандай шаҳарларни забт этди?
3. Нима сабабдан Шайбонийлар Хуросонни қўлда ушлаб туrolмадилар?
4. Нима учун Туркистон уч хонликка бўлиниб кетди?
5. Бухоро хонлигининг ташкил топиши ҳақида сўзлаб беринг, бу ҳақда реферат ёзинг.
6. Хива хонлиги қандай муҳитда, қачон ташкил топди?
7. Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?
8. Аштархонийлар ким, улар Бухоро хонлигида ҳокимиятни қачон қўлган киритдилар?
9. Қачон ва нима учун Бухоро хонлиги амирлик деб аталадиган бўлди?
10. Қўқон хонлигининг ташкил топишини, ҳокимиятни қандай сулола бошқарганини биласизми?
11. Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари тарихига доир қандай асарлар ёзилган?
12. XV-XIX асрларда барпо этилган тарихий меъморий ёдгорликларни биласизми?
13. Нима сабабдан хонликларда ўзаро ва ички курашлар узок йиллар давом этди?
14. Хонликларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги қолоқликнинг сабабларини биласизми?
15. Хонликлар ўртасидаги ўзаро кураш қандай оқибатларга олиб келди?

ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

IX БОБ. ЧОР РОССИЯСИННИНГ ТУРКИСТОННИ БОСИБ ОЛИШИ. ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИ. ЖАДИДЧИЛИК

Таянч сўз ва иборалар: «Шарқни эгалла» сиёсати. Россия харбий экспедициялари. Англия-Россия рақобати. Харбий истехкомлар. Окмасжид қалъаси. Тошкентга хужум. Мулла Алимқул. Туркистон генерал губернаторлиги. Фон Кауфман. Зирабулоқ жанги. Самарқанд кўзғолони. Вассал. Хивага юриш. Гандимиён шартномаси. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Бошқарув тизими. Мустамлакачилик сиёсати. Тошкент кўзғолони. Дукчи эшон. 1916 йилги кўзғолон. Жадидчилик. Махмудхўжа Бехбудий.

1. Туркистонни Чор Россияси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик идора усулининг жорий этилиши

Туркий халқлар яшовчи бепоён худудларни босиб олиш Россия подшоҳларининг азалий орзуси эди. Бу борадаги амалий ҳаракат Иван Грозный замонидан бошланган эди. У Қозон (1552), Аштархон (1556), Сибир (1581-1590) хонлиқларини босиб олади ва энди Туркистон тўғрисида маълумотлар тўплашга киришади. Шу мақсадда 1558-1559 йилларда Антони Женкинсон бошлиқ элчиларни Бухорога юбориб жосуслик маълумотлари тўплагани маълум. Русия ҳукумати XVII аср давомида 9 марта элчи юбориб, Бухоро ва Хива хонлиқларининг иқтисодий ва харбий аҳволини ўрганади.

«Шарқни эгалла» сиёсати. Россия подшоҳи Пётр I замонида «Шарқни эгалла» сиёсати юритилди. Бу сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири Туркистонни эгаллаш эди. Туркистонни босиб олиш режаси тузилди. Хива, Бухоро, Қўқон хонлиқларининг ғарбий, шимолий, шарқий чегараларида харбий истехкомлар қуриш, хонлиқларни Россия тобелигига олиш мақсадида катта харбий экспедициялар уюштирилди. 1715 йилда шарқий чегараларда Бухгольц раҳбарлигида, 1716-1717 йилларда Хива хонлигида Бекович-Черкасский раҳбарлигида харбий экспедициялар тажовузкорона ҳаракат қилдилар. 1721-1724 йилларда Флорио Беневени бошлиқ элчилар Бухорода жосуслик фаолиятини юритди. XVIII аср давомида Рус давлати козоқ ва қирғизларнинг Кичик Жуз, Ўрта Жуз, Катта Жуз худудларини ўзига бўйсундириб, уларнинг худудида ўзбек хонлиқларига бостириб боришда фойдаланиш мақсадида 46 та катта ва 96 та кичикроқ харбий қалъа ва истехкомлар қурдиради, уларга қўшинларини жойлаштиради.

Англия-Россия рақобати. XIX асрда йирик мустамлакачи давлатлар томонидан Африка, Осиё, Америка ва Океания мамлакатларини бўлиб олиш учун кураш янада кучаяди.

XIX аср ўрталарида икки йирик мустамлакачи империя - Буюк Британия ва Россия давлатлари манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Иккала давлат бири-биридан яширин равишда Ўрта Осиёга кириш, хонликлардаги ҳукмрон сулолалар билан тил топиш йўлларини кидирарди, шу мақсадда ҳарбий миссиялар юборар эди. Англия Ҳиндистон томондан, Россия қозоқ чўллари ва Сибир томондан ҳаракат қиларди, ўзбек хонликларини ўз таъсир доирасига олиш, ўз манфаатлари йўлида хонликларнинг бойликлари, табиий ресурсларидан фойдаланиш, ўз мустамлакасига айлантиришга интиларди. Шу боисдан инглиз-рус рақобати кундан-кунга кучайиб борди.

Ҳиндистон ва Афғонистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-сотиқ, дипломатик алоқалар олиб бораётган Буюк Британия Россиянинг Туркистонга кириб келаётганидан хавфсирамоқда эди. Россиянинг Туркистонни босиб олиш режаларидан хабардор бўлган Англия ҳукумати Россия режаларини барбод қилиш чораларини кўрди. Ост-Индия компанияси томонидан жосуслик маълумотлари тўплаш мақсадида юборилган Е.К.Мейендорф 1824 йилдаёқ Бухорода бўлган, аммо мақсадига эришаолмай шу ерда ҳалок бўлган эди. 1831-1833 йилларда мазкур компания лейтенанти Александр Бернс Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан Бухорога гўё сайёҳ сифатида келади. У йиғилган далиллар ва шахсий кузатувлар асосида уч жилдлик «Бухорога саёҳат» номли китоб ёзиб, унда, жумладан: «Ўзбеклар... менинг ким эканимни билмаганларидан барча нарсалар хусусида, ҳукмдорлари сиёсатидан тортиб бозордаги аҳвол ҳақида ҳам тортинмай сўзлашдилар», -деб ёзади.

Англия ҳукумати Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини Россияга қарши иттифокка уюштиришга ҳаракат қилди. 1841-1842 йилларда Англия ҳукумати майор Коноллини Хивага, полковник Стодартни Бухорога махсус миссия билан юборди. Улар Хива хони ва Бухоро амири ҳузурида бўлиб, Россия тажовузидан сакланиш учун уччала Хонлик бир-бирларига ёрдамлашишини, кучларни бирлаштиришни, иттифок тузишни таклиф қилиб, рус кўшинларига қарши курашиш учун кўшин билан ёрдам беришга ваъда қиладилар. Бироқ уларнинг расмий ҳужжатлари бўлмагани сабабли амир Насрулло уларни зиндонга ташлатади. Буларни қутқариш учун Англия томонидан Туркия ҳомийлигида майор Вольф Бухорога юборилади, аммо унинг 1843-1845 йилларда Бухородаги уринишидан ҳам натижа чиқмади, зиндондагилар қатл этилади, Вольфнинг ўзи зўрға қочиб қутилади. Шунингдек, 1843 йилда Хивага келган капитан Эббот ҳам Англия манфаатлари йўлида ишлагани маълум.

Ингилизларнинг Ўрта Осиёда жиддийроқ сиёсат юритишига Афғонистон ҳалакит берарди. Шу боисдан ингилизлар махсус «афғон сиёсати»ни ишлаб чиқиб, Афғонистон амирини бўйсундириш, Ҳирот ва Қандаҳорни ингилизлар мулкига айлантириш, уларда ҳарбий кучларни жойлаштиришни режалаштиради. Шу мақсадда Англия 1838-1842 ва 1878-1880 йилларда Афғонистонга икки марта босқинчилик урушлари уюштирди. Бироқ Афғонистонни бўйсундира олмади.

Ост-Ҳиндистон компанияси Ўрта Осиё бозорларига кириш ва эгаллаб олиш, бозорларда ингилиз товарларининг Россия товарларини сиқиб чиқаришини

таъминлашга зўр берди. Бу борада улар ҳинд ва форс савдогарларидан кенг фойдаланди.

Буюк Британиянинг Ўрта Осиёга кириш ва уни эгаллашга интилиши чор Россиясини ташвишга солди. У хонликларга бевосита чегарадош бўлганидан фойдаланиб, ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди.

Хонликларнинг шимолий-ғарбий ҳудудида Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский катта кўшин билан хужумга шайланиб турарди. У 1834 йилда Каспий денгизи қирғоғидаги Манғишлокда ҳарбий истехком қуриб, унга Ново-Александровская деб ном берди. 1845 йилда Оренбург ва Ёйиқ, 1847 йилда Сирдарёнинг Орол денгизига кўйилиш жойида Раим (Орал) ҳарбий истехкомлари қурилди. Перовский кўшинлари 1853 йилда Қўқон хонлигининг стратегик аҳамиятга молик бўлган Оқмасжид қалъасини босиб олади ва у ерда мустаҳкам ўрнашади.

Хонликларнинг шимолий-шарқий томонида эса Ғарбий Сибир генерал-губернатори Г.Госфорд хужумга тайёрланиш учун 1847 йилда Етгисувдаги Улутов яқинида иккита ҳарбий истехком, 1848 йилда Қорабулоқ қалъасини, 1854 йилда Олмати овули ёнида Верний истехкомини қуриб, ҳарбий кучларни жойлаштиради. 1860 йилда Қўқон хонлиги ҳудудига қарашли ҳарбий истехкомларга хужум қилиб, Тўқмоқ, Пишпак ва бошқа қалъаларни бирин-кетин босиб ола бошлади.

Перовский ва Госфордларнинг ҳарбий ҳаракатлари амалда Россиянинг Ўрта Осиёга эълон қилинмаган босқинчилик юришининг бошланиши эди.

Туркистонни босиб олиш масаласи подшоҳ Александр II томонидан 1859 ва 1861 йилларда ўтказилган сарой кенгашида муҳокама қилинади ва биринчи навбатда Қўқон хонлигини бир ёқлик қилиш, унга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилинади. Ўрта Осиё хусусидаги рақобатда Россия устунлик қилди. Англия Россиянинг ҳарбий куч билан Ўрта Осиёни эгаллашга қаратилган ҳаракатларини тўхтатиб қололмади.

Россия босқини. 1864 йил май ойида **Қўқон хонлиги** ҳудудига Шарқ томондан полковник Черняев қўмондонлигидаги Россия кўшинлари, Ғарбдан полковник Веревкин кўшинлари бостириб кирди. Улар томонидан Қўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарлари- Авлиёта, Сўзак, Туркистон шаҳарлари эгалланди. Босқинчлар 1864 йил 14 июлда Чимкентга юриш бошладилар. Бу орада Қўқон хони Саййидхон ва лашкарбоши Мулла Алимқул бор кучларини тўплаб, Чимкент атрофида жангга тайёрландилар. Туркистон шаҳри яқинидаги Иқон кишлоғида уч кун давомида қаттиқ жанг бўлди. Манбаларда ёзилишича, жангда шундай қирғин бўлдики, ўликлардан тепалар ҳосил бўлди. Жангда Мулла Алимқул кўшинлари ғолиб чиқди, Черняев кўшинлари жангда енгилиб орқага чекинишга мажбур бўлди.

Мулла Алиқули ўз кўшинларини босқинчилар эгаллаган шаҳарларни озод қилиш учун жангга тайёрлаётган бир пайтда Бухоро амири Музаффарнинг Қўқон хонлиги ҳудудларига бостириб кирганлиги тўғрисида хабар олинди. Мулла Алимқул ўз кўшинлари билан Қўқон ҳимоясига отланишига мажбур бўлди.

Вазият Черняевга қўл келди, унинг қўшинлари Оренбург отрядлари билан Сайрамда қўшилиб, 1864 йил 14 сентябрда Чимкентга янгидан юриш уюштирди ва шаҳарни босиб олди.

Черняев 1864 йил 2 октябр куни Тошкентга хужум бошлади. Тошкент Қўқон хонлигининг энг йирик, муҳим стратегик аҳамиятга молик шаҳари бўлиб, узунлиги 25 чакирим, эни 2-3 метр, баландлиги 5-7- метр бўлган девор билан ўраб олинган эди. Девор тепасининг кенглиги 2 м. бўлиб, мудофаа миноралари, ўк отадиган шинаклари бўлган, девор атрофи сув тўлдирилган зовур билан ўраб олинган эди.

Тошкент мудофаачиларининг мардона ҳаракати туфайли Черняев каттик мағлубиятга учради, 72 зобит ва аскарни йўқотди. Чимкентга қайтишга мажбур бўлди.

Черняев 1864-1865 йил қишини тайёргарлик билан ўтказди, унинг қўшинлари Сибир ва Оренбургдан етиб келган қурол-яроғ, янги батальонлар, сапёрлар роталари билан тўлдирилди. Маҳаллий аҳоли орасида ўз Ватанига хиёнат қилувчи, душмандан паноҳ изловчилар ҳам топилди. Абдурахмонбек, Саидазимбой, Соатбой каби соткинлар Тошкентни эгаллашда Черняевга қўмаклашдилар. 1865 йил баҳоридан Черняевнинг янги хужуми бошланди. 28 апрель куни Чирчиқ дарёси қирғоғидаги Ниёзбек қалъасини эгаллаб, Тошкентни сув билан таъминлаб турувчи Кайковуз анхорига Чирчиқ дарёсидан сув чиқариб берувчи тўғонни бузиб ташлаб, шаҳар аҳолисини сувсиз қолдиради. Амирлашкар Алимқул катта қўшин билан Қўқондан Тошкентга етиб келади. Тошкент учун шиддатли жанглар бўлди. 9 май куни Салар ариғи бўйида катта жанг бўлди. Алимқул оғир ярадор бўлади ва ҳалок бўлади. Ниҳоят шаҳар ҳимоячиларининг қаршилиги синдирилди, 15 июн куни Черняев Тошкентни забт этди. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон вилояти тузилди, унинг ҳарбий губернатори этиб М.Черняев тайинланади.

Черняев 1866 йил январида Жиззахга хужум қилади ва мағлубиятга учрайди. Ўзбошимчалиги учун Черняев Санкт-Петербургга чақириб олинади, ўрнига генерал Д.Романовский тайинланади.

Романовский Сибир ва Оренбургдан ёрдам олиб **Бухоро амирлигига қарши юриш бошлади**. Чор Россияси қўшинлари томонидан Қўқон хонлиги ҳудудлари босиб олинаётган пайтда Бухоро амири томошабин бўлиб турган бўлса, энди Бухоро амирлиги ҳудудларига хужум бошланган пайтда Қўқон хони Худоёрхон сукут сақлаб турди. Модомики у амир Музаффар ҳомийлигида Қўқон тахтини учинчи марта эгаллаган эди. 1866 йил май ойида Ержарда бўлган жангда амир Музаффар қўшинлари енгилди, амир Жиззахга қочди. Романовский юришни Хўжанд томонга йўналтирди, 1866 йил 19-22 май кунлари бўлган каттик жанглар натижасида Хўжандни эгаллади. 1866 йил августда Оренбургдан генерал-губернатор Крижановский Тошкентга келди ва Романовский билан биргаликда Бухоро амирини тобе қилиш ҳаракатини бошлашди. Катта қўшин тортиб 1866 йил октябрда Ўратепа вилояти, Зомин қалъасини босиб олди. Жиззах учун каттик жанг бўлди. Жиззах шаҳри баландлиги 4 метр ва эни 3 метрлик икки қават девор билан

ўраб олинган бўлиб, қалъага ўхшарди. Шаҳарда 10 минг ҳимоячи аскар, 53 тўп бор эди. Ҳимоячилар шаҳарга кириб-чиқадиган дарвозаларни тупроқ билан кўмиб ташлаб, ё ҳаёт, ё ўлим деб жанг қилдилар. 11-18 октябр кунлари бўлган жанг натижасида босқинчилар Жиззахни эгаллади. Ҳимоячилардан 6000 киши ҳалок бўлди, 2000 киши асирга олинди. Истилочилар атиги 100 га яқин киши йўқотди. Босқинчилар хувуллаб қолган шаҳарни талон-тарож қилдилар. Хўжанд, Ўратепа, Жиззахда қонли жанглар бўлаётган бир пайтда Кўқон хони, Бухоро амири қаерда эди, улар нима қаромат кўрсатди? деган табиий савол туғилади. Улар ўз жойида, ҳали ҳам ўзларини давлат бошлиғи, ҳукмдор деб ҳисоблар эдилар, аммо бирон-бир тадбир кўришга ожиз, вазиятни тўғри таҳлил этишга ақл-фаросатлари ҳам етмас эди, шекилли. Улар босқинчиларни эмас, бири-иккинчисини мағлуб қилиш, кўзини ўйишга ҳаракат қиларди. Бўлинганни бўри ер, деб шуни айтсалар керак-да.

Россия императори Александр II нинг 1867 йил 11 июлдаги фармонида биноан Туркистон генерал-губернаторлиги ва унинг таркибида Туркистон ҳарбий округи тузилди. Генерал-губернатор ва округ кўмондони этиб генерал-адъютант К.П. фон Кауфман тайинланди. Унга бирор давлатга уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, ҳарбий-маъмурий, молиявий-иқтисодий, фуқаролик ишларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқлари берилган, шу боисдан у «ярим подшо» деб аталарди. Бу тадбир чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш йўлидаги ҳаракатида янги босқич бўлди.

Фон Кауфман Самарқандга томон юриш бошлади. 1868 йил 1 май куни шаҳар яқинидаги Чўпонота тепалигида Бухоро амири кўшинлари билан жанг қилиб, уларни осонгина мағлубиятга учратди, бир пайтлар доврўғи оламни тутган Самарқанд 2 май куниёқ деярлик жангсиз душманга таслим бўлди. Бу воқеадан дунё ҳукмдорлари, жумладан, Россия подшоҳи ҳам ҳайратланган. Бухоро амири Музаффар Самарқанднинг босиб олингани тўғрисидаги хабарни етказган одамни осиб ўлдиришга фармон бериб, ўзи алаmidан йиғлаган.

Бухоро амири ўз кўшинларини тўплаб душманни даф этиш учун Самарқанд томон юрди. Фон Кауфман бу хабарни эшитиб Бухоро томон юрди. Икки томон кўшинлари Зирабулоқда 1868 йил 2 июнда тўқнашди, қаттиқ жанг бўлди, амир кўшинлари тор-мор этилди. Бу орада истилочиларга қарши **Самарқандда кўзғолон кўтарилди**. Шахрисабз, Китоб беклари Жўрабек ва Бобобек ҳамда амирнинг ўғли Абдумалик Тўра 27 май куни Самарқандга кўшин билан етиб келиб, кўзғолончилар билан биргаликда фон Кауфман томонидан Самарқандда қолдирилган полковник Назаров ва майор Штемпел бошлиқ ҳарбий қисмлар билан қаттиқ жанг қилдилар. Жанг 8 кун давом этди. 500 кишидан иборат душман кучларидан 275 таси ўлдирилди ва ярадор қилинди. Самарқанддаги воқеалардан хабар топган фон Кауфман зудлик билан Самарқандга қайтиб келади ва 8 июн куни шаҳарни тўплардан ёппасига ўққа тутишга, аҳолини беомон отиш, шаҳарни ёндиришга буйруқ беради. Аҳоли қирғин қилинди, масжидлар ва тарихий ёдгорликлар ёндирилди, қадимий ноёб моддий ва маънавий обидалар Петербургга олиб кетилди.

1968 йил 23 июнда **Кауфман билан амир Музаффар ўртасида сулҳ битими имзоланди.** Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига, яъни хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқалар қилаолмайдиган давлатга айлантирилди. Сулҳга биноан Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон Россия империяси таркибига киритилди, амир олтин ҳисобида 125 минг тилла (500 минг рубль) товон тўлаш, рус савдогарлари учун амирликда қулай шароит яратиш мажбуриятини олди. Бундай босқинчилик, талончилик сулҳи аҳоли юқори табақа вакилларининг нафратини кучайтирди. Абдумалик, Жўрабек ва Бобобек кучлари нафақат босқинчиларга, шунингдек, амир Музаффарга қарши ҳам қаратилади. Улар Абдумаликни амир деб эълон қиладилар. Амир Музаффар энди босқинчиларга эмас, фон Кауфман ёрдамида ўз ватандошларига қарши урушга киради ва 1870 йил августда уларни куч билан бостириб, ўз тахтини сақлаб қолади. Шахрисабз ва Китоб бекликлари амирлик таркибида қолади.

Россия ҳукумати ўзининг Ўрта Осиёдаги босқинчилик ҳаракати билан Ғарб мамлакатлари, жумладан, Англия билан муносабатларни кескинлаштирмаслик тадбирларини ҳам кўрди. Россиянинг Лондондаги элчиси Ф.И.Брунов ва Англия ташқи ишлар вазири лорд Кларендон ўртасида бўлган музокаралар бунга мисол бўла олади. Улар Туркистон «буфер» пояси, яъни Ўрта Шарқда Россия билан Англия ерлари ўртасида бирини-бирига туташтирмайдиган бетараф ҳудуд масаласини муҳокама қилдилар. 1873 йилда Англия ва Россия ўртасида Афғонистоннинг Англия таъсирида бўлиши, унинг шимолий қисми ва Амударё бўйлари «бетараф ҳудуд» бўлиб қолиши тўғрисида битим имзоланади. Бу битим Россия империясига энди Хива хонлиги тақдирини ҳал қилишга киришишга қулай имконият яратди.

Хива хонлигига юриш. Фон Кауфман 1873 йил баҳорида 12 мингдан ортиқ зобит ва аскар, 56 та тўп-замбараклар билан Хива хонлигига юриш бошлади. Айна пайтда Хивага қарши Оренбург, Манғишлок, Красноводск, шунингдек Кавказ округи кўшинлари ҳам юришга киришган эди. Умумий кўмондонлик Кауфман зиммасига юклатилган эди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон босқинчиларга қарши ўз кўшинларининг бир қисмини Муҳаммадмурод девонбеги бошчилигида Чоржўй томонга, яна бир қисмини Элгузар инок бошчилигида Кўнғирот томонга, яна бир қисмини амир Тўра бошчилигида Хазараспга, Инокбек бошчилигидаги қисмни Хўжайлига сафарбар этди. Хон чор Россияси кўшинларига бас келолмаслигини англаб етган эди. Амударё бўйларида қирғинбарот жанглари бўлди. 1873 йил 18 май куни Кауфман отрядлари Амударёдан ўтиб Хазараспни эгаллади, Кўнғирот ва Хўжайли шаҳарлари, Манғит қалъаси забт этилди, таланди. Истилочи кўшинлар Хивага яқинлашиб қолганда Муҳаммад Раҳимхон пойтахтни ташлаб чиқади ва Измиқшўр тарафдаги туркман овулига яширинади. Хивалик Отажон тўра Кауфман ҳузурига бориб шаҳарни вайрон этмасликни сўрайди. Кауфман шаҳарни забт этиб, Отажон тўрага хонни топишни буюради ва хон хазинасини, моддий-маънавий бойликларни қўлга киритади.

1873 йил 12 августда Хивага яқин Гандимиён қишлоғида Кауфман билан Раҳимхон учрашуви бўлади ва тарихда **Гандимиён шартномаси** деб ном олган

шартнома имзоланади. Шартномага мувофиқ Хива хонлиги Россиянинг вассалига айлантирилди. Амударё қуйи оқимининг ўнг томонидаги ерлар Россия империяси таркибига киритилди, хонликка олтин ҳисобида 2 миллион 200 минг сўм товон тўлаш юклатилди. Россия савдо-саноатчилари Хива хонлигида божсиз савдо қилиш, хонлик ҳудудида ер олиш, саноан корхоналари қуриш ҳуқуқини олди. Хон ўзини Россия подшоҳининг итлоаткор хизматкори, деб тан олишга мажбур бўлди.

Қўқон хонлигининг тугатилиши. Кауфман Хива хонлиги тақдирини ҳал қилгач, Қўқон хонлигини тугатишга киришди. Бу вақтда Қўқон хонлигида ҳокимият учун ички кураш авжга чиққан эди. 1868 йил 13 февралда Кауфман ва Қўқон хони Худоёрхон ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, хонликнинг истилочилар босиб олган ҳудудлари Россия тасарруфига ўтганлиги эътироф этилган эди. Россия савдогарларига Қўқон хонлигининг барча ҳудудларида ҳечқандай монеликсиз фаолият юритиш, карвонсаройларга эга бўлиш ҳуқуқи берилган эди. Бу шартномадан қониқмаган Қўқон хонлигидаги кучларнинг Худоёрхондан норозилиги ортиб боради. Бунинг устига хонлик ҳудуди қисқарганлигини рўқач қилиб хазинани тўлдириш учун янги-янги солиқлар жорий этилади. Худоёрхон босқинчиларга ўзини яқин тутар, Қўқон билан Россияни бир давлат деб ҳисобларди. **1973 йилда Фарғона водийсида** Худоёрхонга қарши **қўзғолон бошланди.** Қўзғолончиларнинг бир қисмига қирғизларнинг бостон уруғидан чиққан мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли бошчилик қилади. У Қўқон хони Олимхоннинг невараси Пўлатхон деб эълон қилинади ва у Наманга келиб қўзғолонга раҳбарлик қила бошлайди. Айни пайтда хонликда Худоёрхоннинг ўғиллари Насриддинбек ва Муҳаммад Аминбек, Шерали додхоҳ, Абдурахмон офтобачи ва бошқалар ҳам бош кўтардилар. Улар бир томондан, Чор Россияси босқинчиларига қарши, иккинчи томондан, Кауфманга батамом тобе бўлиб қолган Худоёрхонга қарши кураш бошлаган эдилар. Халқ қўзғолончи кучларга эргашади. Қўзғолончилар 1875 йил 9 октябрда Қўқонни эгаллайдилар. Худоёрхон уларни бостиришга ожизлик қилиб, 1875 йил 22 июлда Қўқондан Тошкентга қочиб кетади.

Кауфман Худоёрхоннинг 40 аравадаги қимматбаҳо бойликларини мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қилади. Худоёрхон, чор маъмурлари ҳийласини англаб еткач, бир амаллаб бандилиқдан қочит ҳажга кетади ва ҳаёти аянчли яқун топади. Худоёрхон қочгач, қўзғолончи кучлар қимни хон қилиб кўтариш масаласида иккига бўлиниб кетади. Айрим кучлар Насриддинбекни, бошқалари Пўлатхонни тахтга чиқармоқчи бўлади, зиддият янада кучайиб боради.

Кауфман хонликдаги ички келишмовчиликдан фойдаланиб, уни батамом босиб олиш учун 1875 йил августда катта қўшинларни урушга сафарбар этди. Хонликни босиб олишда генераллар М.Д.Скобелев, Головачев ва бошқа зобитлар «жонбозлик» кўрсатдилар. Насриддинбек, лашкарбоши Абдурахмон офтобачи босқинчиларга таслим бўлиб улар томонига ўтдилар. 1876 йил февралда халқ қўзғолонлари қон билан бостирилади. Пўлатхон 1876 йил 1 мартда дорга осилди, унинг сафдошлари аёвсиз жазоланди. 1873-1876 йиллардаги Фарғона водийсидаги

кўзғолонлар халқнинг озодлик ҳаракати эди. Буни ўша даврда Кауфман ҳам халқ кўзғолони деб эътироф этган.

1876 йил февралда Россия императори Александр II нинг махсус фармони билан **Кўкон хонлиги тугатилди**, унинг ўрнига **Фарғона вилояти тузилиб**, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Вилоятга М.Д.Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланди. У тез орада Олой водийсини ҳам ўз тасарруфига киритди.¹

Энди босқинчилар туркманлар яшайдиган ҳудудларни истило қилишга киришдилар. 1877 йилда Қизил Арвот, 1881 йилда Асхабод, 1884 йилда Марв босиб олинди. Босиб олинган ерларда Каспийорти вилояти тузилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди.

Шундай қилиб, Россия империяси 20 йил давом этган қонли уруш билан бутун Ўрта Осиёни босиб олди. Босиб олинган ўлкада мустаҳкам ва батамом ўрнашиб олиш мақсадида чет мамлакатлар билан чегараларни аниқлаш чораларини кўрди. 1881 йилда Россия-Эрон чегара конвенцияси имзоланиб, янги Россия мулклари ва Россия-Эрон ўртасидаги чегара белгиланди. 1885-1887 йилларда Россия ва Англия ҳукуматлари томонидан Россия-Афғонистон чегараси, 1895 йилда эса Помирдаги чегаралар белгиланади. Бу чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги босқинчилик ҳаракатининг якунловчи нуқтаси бўлди.

Мустамлакачилик идора усули.

Россия ҳарбий вазири, граф Д.Милютин, подшоҳ маслаҳатчиси В.Гирс 1867 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тартиби» ҳақида қонун лойиҳасини туздилар, у Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланди ва амалда кучга кирди. Ўлкада мутлақ ҳокимият генерал-губернатор қўлида тўпланди. Генерал-губернаторлик Кенгаши ва тўрт бўлимдан иборат маҳкама тузилди. Биринчи бўлим маъмурий ва назорат, иккинчиси молиявий-хўжалик, учинчиси солиқ ва шаҳарлар маблағлари ишларини бошқарган. Тўртинчиси махсус бўлим деб аталган. Генерал-губернатор бир вақтда подшоҳ ноиб, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, бош миршаб, бош прокурор бўлган. У Бухоро амири фаолиятини Россия императори агентлиги орқали, Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиғи орқали назорат қилиб турган.

¹ Олий маликаси Қурбонжон додгоҳ жасорати тўғрисида қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, 174-178 бетлар.


Туркистон генерал-губернаторлиги бошқаруви



Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларга, вилоятлар уездларга, уездлар участкаларга бўлинган. Вилоят ҳарбий-губернаторлигига генерал даражасидаги, уезд бошлиғига полковник даражасидаги, участка бошлиғига капитан даражасидаги зобитлар тайинланган. Мазкур маъмурий тузулманинг ўзаги уезд бўлиб, унинг бошлиғи генерал-губернатор томонидан тасдиқланган ва катта ваколатга эга бўлган. Уезд бошлиғи маъмурий, полиция, ҳарбий ҳокимиятларни ўзида бирлаштирган, одамларга жарима солиш, 7 кунгача ҳибсда сақлаши мумкин бўлган, шу боисдан уни «ҳоким тўра» деб ҳам аташган. Участка бошлиқлари ҳам одамларга жарима солиш, 3 кунгача ҳибсда сақлаб туриши мумкин бўлган.

Қишлоқларни бошқариш учун участка бошлиғига бўйсунувчи бўлис (волость) ва овул маъмурий бошқаруви жорий этилди. 1-2 минг хонадон яшовчи ҳудуд бўлис, 1-2 юз ўтовли ҳудуд овул деб аталди. Маҳаллий аҳоли орасидан бўлис бошқарувчиси (оқсоқол ёки мингбоши), қишлоқ оқсоқоллари (юз боши, эллик боши, ўн боши) ҳамда овул оқсоқоллари, уларнинг ўринбосарлари сайланадиган бўлди. Аммо бу маҳаллий бошқарув тизими Россия маъмурияти қўлида бўлган, номигагина сайланган маҳаллий аҳоли вакиллари уларнинг қўлида қўғирчок бўлганлар.

Ўлканинг маъмурий ҳудудий тузилиши.



Мустамлакачилар Тошкент шаҳрини Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази этиб танлашди. Шаҳарда 80 мингча аҳоли яшарди, унинг ҳудудида 270 та маҳалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та ҳаммом, 15 та дўконли сарой ва бошқа иншоотлар бўлган. Босқинчилар Тошкентнинг шарқий қисмидан жой танлаб, танланган жойдаги маҳаллий аҳолини

кўчириб, Россиядан келганлар яшайдиган уйлар, кўчалар, оромгоҳлар курдилар. Шаҳарнинг бу қисми Янги шаҳар деб аталди. Шаҳарни ҳоким бошқарган.

Тошкент шаҳар Думаси. Тошкент шаҳрини бошқариш Низоми ишлаб чиқилди ва у 1877 йилда Санкт-Петербургда тасдиқлангач кучга кирди. Низомга кўра Тошкент шаҳар Думаси ва бошқарма сайлаш назарда тутилган. Тошкент шаҳар Думаси ноибларининг учдан икки қисми янги шаҳардан, учдан бир қисми эски шаҳар аҳолисидан сайланади, деб белгиланган эди. Кўчмас мулки миқдорига қараб, сайловчилар уч тоифага ажратилади. Мулк цензи нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, кўчмас мулк қийматининг бир фоизи ҳисобидан 3000, 1000, 500 сўмдан зиёд кўчмас мулк эгаларидан уч тоифали сайловчилар рўйхати тузилади. Етарли мулкка эга бўлмаган зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар, хунармандлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдилар.

1877 йилда Тошкент шаҳар ҳокими раислигида ҳар бир тоифа бўйича сайловчилар йиғини бўлиб ўтди ва Думага 71 ноиб (гласный) сайланди. Думага Тошкентнинг 80 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган эски шаҳар қисмидан, яъни туб ерли аҳолидан атиги 21 нафар ноиб сайланди, аксарият кўпчилик ноиблар эса 4000 мингга яқин киши яшайдиган янги шаҳар қисмидан сайланди. Бу ҳолат бошқарувнинг мустамлакачилик моҳиятини яққол очиб берувчи далилдир.

Тошкент шаҳар Думаси фармойиш берувчи орган бўлиб, уни шаҳар ҳокими – оксокол бошқарарди. Туркистон генерал-губернатори томонидан Дума оксоколи (голова) этиб шаҳар ҳокими полковник Э.П.Пукалов тайинланади. Ноиблар орасидан ижро этувчи ҳокимият – шаҳар бошқармаси (маҳкамаси) тузилади.

Тошкент шаҳар Думаси маъмурий ва ўқув бинолари, йўл қурилиши, ободонлаштириш, сув таъминоти ва бошқа шаҳар хўжалиги билан боғлиқ ишлар билан шуғулланарди. Жумладан, 1892 йилда шаҳарда телефон алоқасининг йўлга қўйилиши, 1901 йилда от тортувчи трамвай йўлининг, 1912 йилда электр токи билан юривчи трамвай йўлининг барпо этилиши, кўчаларни ёритувчи электр лампочкаларининг ўрнатилиши кабиларни Тошкент шаҳар Думасининг ижобий ишлари қаторига киритиш мумкин.

Ўлкада ташкил этилган полиция ва суд идоралари ҳам мустамлакачилик тартибини мустаҳкамлашга, маҳаллий аҳолининг ҳар қандай норозилик ҳаракатини бўғиш ва бостиришга қаратилган эди. Чоризмнинг маъмурий идора усули ўлкани иқтисодий ўзлаштириш, аҳолини маънавий жиҳатдан тобеликда сақлаш, руслаштириш сиёсати билан уйғунлаштирилган эди.

Туркистон генерал - губернаторлари	➤ К.П. фон Кауфман	- 1867-1881
	➤ Г.А. Колпаковский	- 1881-1882
	➤ М.Г. Черняев	- 1882-1884
	➤ Н.О. Розенбах	- 1884-1888
	➤ А.В. Вревский	- 1889-1898
	➤ С.М. Духовский	- 1898-1901
	➤ Н.А. Иванов	- 1901-1904
	➤ П.Н. Тевяшов	- 1904-1905
	➤ Д.И. Субботич	- 1905-1906
	➤ И.И. Гродеков	- 1906-1908
	➤ П.И. Мищенко	- 1908-1909
	➤ А.В. Самсонов	- 1909-1913
	➤ Флуг, Мартсон	- 1913-1916
➤ А.Н. Куропаткин	- 1916-1917	

2. Мустамлакачиларнинг иқтисодий, маънавий-маданий сиёсати ва амалиёти

Россия ҳукумати Туркистонни иқтисодий жиҳатдан батамом бўйсундириш, унинг бойликларини ташиб кетиш, рус саноатини хом- ашё билан таъминловчи ўлкага ва тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозорга айлантириш сиёсатини юритди. Бу сиёсатни чор Россияси дворян-помешиклари ва буржуазияси қўллаб-қувватлади, улар ўлкани зулук каби сўришга киришиб кетдилар.

Россия тўқимачилик саноати учун келтириладиган Америка пахтаси учун йилиги 30-40 миллион сўм бож тўлаб келарди. Шу боисдан Туркистонни пахта хомашёси етиштирадиган базага айлантириш Россия аграр сиёсатининг бош мақсади, деб белгиланди. Хонликлар даврида давлат мулки ҳисобланган катта-катта ер майдонлари Россия давлати хазинасига тегишли, деб эълон қилинди. Вақф мулклари ҳам аста-секин давлат ихтиёрига олинди. Хусусий мулк ҳисобланган ерлар ҳам давлат мулкига айлантирилди, уларни илгариги эгаларига меросий равишда фойдаланишга берилди ва солиқ солинди. Ижарага ер олиб, ундан амалда фойдаланиб келаётган хонадонларга ўша ерлар мерос қилиб бириктирилди ва уларга солиқ солинди. Шу тариқа ўлканинг барча хосилдор ерлари Россиянинг даромад манбаига айлантирилди. Ер солиғи XIX аср охирида 4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1916 йилда 38 миллион сўмдан ошиб кетди.

Подшоҳ маъмурияти Туркистоннинг доимий эгаси бўлиш учун «кўчириш» сиёсатини қўлади. Фон Кауфман ташаббуси билан 1875 йилдаёқ Авлиёота туманида Россиядан кўчириб келтирилганлар ҳисобига 8 та рус қишлоғи вужудга келди. 1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га мувофиқ рус деҳқонларини кўчириб келтириш ва жойлаштириш кучайиб кетди. Чор ҳукуматининг «Осиё Россиясида бўш ётган ерлардан» фойдаланиш борасида яратган имкониятидан фойдаланган кам ерли ёки ерсиз рус хонадонлари, казаклар

маъмуриятнинг ижозатисиз Туркистонга бойиш мақсадида оқиб кела бошлади. Шу тариқа, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида 1910 йилга келиб 124 та рус қишлоғи вужудга келди, уларда 70 мингга яқин кўчиб келганлар яшарди. Кўчиб келганлар маҳаллий аҳолига қарашли серсув ва ҳосилдор ерларни ҳам эгаллай бошлайдилар, ер-сув масаласида улар ўртасида норозилик, тўқнашувлар бўлди. Рус маъмурлари кўчиб келган казакларга таяниш, маҳаллий аҳоли ғалаён кўтаргудай бўлса, уларнинг ёрдамида бостириш мақсадида Туркистонда дехқончилик қилувчи рус казакларини қуроллантирди. Улар амалда чоризм учун захира қўшинга айланттирилди.

Мустамлакачилар ўлкада, хусусан Фарғона вилоятида **пахта плантациялари** ташкил этди, суғориладиган экин майдонларини кенгайттирди. 1885-1916 йилларда пахта экиладиган ер майдони 40 минг танобдан 550 минг танобга кўпайди. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида 1884 йилда **тажриба уруғчилик станцияси** очилди. Толаси сифатли уруғлик чигити яратилди. Пахтачиликда пишиқ толали ва ҳосилдор «**Америка**» навини экиш кенг тарқалди, бошқа экин майдонлари йилдан йилга қисқартириб борилди. Қишлоқ хўжалигида пилла етиштириш кўпайтирилди, канд-лавлаги, картошка, қарам экинларини экиш ўзлаштирилди. Виночилик, асаларичилик пайдо бўлди. 1867-1896 йилларда Россия империяси хазинасига 150 миллион сўм соф даромад тушди.

Подшоҳ маъмурияти Туркистонни Россиянинг бир қисмига айланттириш, унинг жанубий чегараларида ҳарбий истехкомлар қуриш, бойликларни ва етиштирилаётган хом-ашёни ташиб кетиш мақсадида Темир йўл қурилишини бошлаб юборди. 1880-1889 йилларда зудлик билан Красноводск, Асхабад, Марв, Чоржўй, Қушқа, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Андижон шаҳарларини боғловчи **Ўрта Осиё темир йўли қурилди**. 1890-1905 йилларда **Тошкент-Оренбург темир йўли** қурилиб, Туркистон Россиянинг маркази билан боғланди. 1915 йилда Бухоро-Қарши ва Термиз-Қарши-Шаҳрисабз-Китоб темир йўли қурилди. Темир йўллар қурилиши муносабати билан Россиядан кўплаб ишчилар, инженер-техник ходимлар кўчиб келишди ва улар қадимий Туркистон шаҳарларига жойлаштирилди, улар жойлаштирилган қисм янги шаҳар, ерли аҳоли яшайдиган қисм эски шаҳар деб аталадиган бўлди. Янги шаҳарлар, жумладан, Скобелев (Ҳозирги Фарғона) шаҳри вужудга келди.

Туркистон Россиянинг маркази билан темир йўл орқали боғлангач, рус капитали (сармоялари) ўлкага оқиб келабошлади. Туркистон хом ашё базасида савдо-саноат юритиш, завод-фабрикалар қуришга интилувчиларга Рус-Осиё банки, Москва савдогарлар банки, Россия давлат банки пул қарз бериб турди. Натижада бир қатор заводлар, савдо шохобчалари, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилди. Пахта ва уни харид қилиш билан шуғулланувчи 30 та савдо шохобчаси вужудга келди. 1913 йилда тузилган «Бешбош» деган пахта-ёғ ширкати Туркистонда 29 та пахта заводи қурди, ўлкада етиштирилган пахтанинг 30 фоизини харид қиларди, 80 минг тонна пахта толасини ташиб кетар, 160 минг тонна чигит тайёрларди. Катта сармоядор Водьяевлар Туркистонда «Водьяевлар

савдо уйи»ни ташкил этиб, 30 та пахта заводи қурди. Фарғона водийсидаги кенг пахта далалари, темир йўллар, пахта тозалаш заводлари ва Иваново тўқимачилик корхоналари Водьявлар назоратидаги катта комбинат таркибига киритилган эди. Улар йилига Фарғона водийсида етиштирилган 7-8 миллион пуд пахтани Ивановога ташиб кетарди.

Мустамлакачилар қанчалик бойиб борса, арзон ишчи кучи бўлган маҳаллий аҳоли шунчалик қашшоқлашиб борди. Дехқонлар оғир шартлар асосида қарз оларди, қарзини тўлайолмай ўзига тегишли ерини сотиб, ерсиз қоларди, мардикорлик, чоракорлик қилишга мажбур бўларди. Улар ёки ер эгалари қўлида ёлланиб батраклик қилишга ёки янги очилаётган корхоналарга арзимаган иш ҳаи эвазига ишлашга мажбур бўларди. Ерни Россия банклари ёки пулдор маҳаллий бойлар сотиб оларди. Шу тариқа ўлкада 90-100 гектарча суғориладиган ери бўлган бой хўжаликлари вужудга келди. XX аср бошларидаги маълумотларга кўра ўлка аҳолисининг 70 фоизи камбағал ва қашшоқлар, 17 фоизи ўрта ҳол, 13 фоизи ўзига тўқ, бой оилалар ҳисобланарди.

Россиялик сармоядорлар ўлкада пахта тозалаш, ёғ ва спирт ишлаб чиқариш, пиво, тамаки, ун, қанд, совун, ғишт, кўн, мис эритиш, жун ювиш, оҳақ қиздириш заводлари ва озиқ-овқат корхоналари қуриб, улардан мўмай даромад олишни йўлга қўйдилар. 1908 йилда ўлкада 378 та саноат корхоналари фаолият юритган бўлса, 1917 йилда уларнинг сони Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида қурилган корхоналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1200 тага етган.

Ўлкада саноат тармоқларининг ривожланиши аҳолининг табақаланишига таъсир этиб, миллий буржуазия ва ишчилар синфи шакллана бошлади. 1914 йилги маълумотларга кўра ўлкада 49,5 минг ишчи бўлиб, улардан 25,5 минги саноатда, 24 минги темир йўл ва унга хизмат қилувчи устахоналарда ишлаган. Туркистонда пахта тозалаш заводлари, дўконлари, тегирмонлар, катта-катта боғ узумзорларга эга бўлган маҳаллий буржуазия табақаси ҳам фаолият юритди. Маҳаллий аҳолига мансуб ишчиларга россиялик ишчиларга нисбатан 2,5-3,5 баравар кам иш ҳақи тўланган. Дехқонми, мардикорми, ишчими маҳаллий аҳоли Россия мужиклари ва ишчилари олдида камситиларди.

Туркистон Россиянинг жаҳон бозорларида ўтмайдиган товарлари сотиладиган бозорга айлантирилди. 1895 йилда Туркистонда Россия корхоналарида тайёрланган 6 миллион сўмдан ортиқроқ суммада темир, мис, чинни буюмлар, газлама, ёғоч, чой, озиқ-овқат ва бошқа буюмлар сотилган бўлса, 1914 йилда сотилган буюмлар салмоғи 243 миллион сўмдан ошиб кетди. Сотилган маҳсулотларнинг 40 фоизи ўлкадан ташиб кетилган пахтадан Россия тўқимачилик корхоналарида тўқилган газламалар ташкил этарди. Россия савдо-саноатчилари Туркистонда саноат маҳсулотлари сотишдан ҳам, Туркистондан хом- ашё сотиб олишдан ҳам катта даромад олардилар.

Шундай қилиб, Туркистон нафақат Россия давлатининг, шунингдек, россиялик савдо-саноатчилар манфаатига хизмат қиладиган ўлкага айлантирилди.

Россия империяси Туркистон халқини **маънавий-маданий жиҳатдан тутқинликка солиш**, ўзининг узоққа мўлжалланган манфаатига бўйсундириш сиёсатини юритди. Унинг моҳияти, мазмуни маҳаллий халқни унинг миллий, тарихий илдиэларидан узиб ташлаш, халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, руслаштиришдан иборат эди. Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти харбий-губернатори Скобелев шундай деб ёзган эди: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди»¹. Туркистонда ана шундай ёвуз қарашларга мос сиёсат ва амалиёт юритилди.

Туркистоннинг ноёб тарихий, маънавий, маданий бойликлари талон-тарож қилинди. 1870 йилда Тошкентда очилган **кутубхона** ва 1876 йилда ташкил этилган **музейда** ўлканинг маънавий-маданий ҳаётини акс эттирувчи олтин, кумуш, мисдан ясалган қимматбаҳо буюмлар, гиламлар, амалий санъат намуналари, тарихий ёдгорликлар, архив ҳужжатлари, қўлёзма китоблар ва бошқа осори-атикалар тўпланди. Улар кўриқдан ўтказилиб, қимматбаҳо ва нодир деб баҳоланганлари Петербург ва Москвага ташиб кетилди. Санъат даражасида ишланган Муҳаммад Раҳим тахти, Амир Темур мақбарасининг нақшинкор дарвозаси, ундаги битиклар, ойналар, олтин кошинлар, Аҳмад Яссавий мақбарасидаги нақшинлар, қатта қозон («Назир-ниёз қозони»), турли тарихий буюмлар, ноёб китоблар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ислом динига эътиқод, руҳонийлар, масжид ва мадрасалар оёқ ости қилина борди. Россия маъмурлари мусулмон муассасалари, мадраса ишларига аралашиб, уларнинг фаолиятини тобора чеклаб борди.

Маориф ва маданият соҳасида руслаштириш сиёсати юритилди. Туркистонлик болаларни руслар билан аралаштириб ўқитиш ва тарбиялаш ғояси илгари сурилди ва 1884 йилда Тошкентда дастлабки **«рус-тузем мактаби» очилди**. XIX аср охирида уларнинг сони юзтадан ошиб кетди. Бундай мактабларда рус ва ўзбек муаллимлари дарс машғулотларини ўтадиган бўлди. Мақсад ўзбек ёшларига рус тилини ўргатиш ва рус турмуш тарзини сингдириш эди. Чоризм маъмурлари ерли аҳоли болаларини «рус-тузем мактаблари»га жалб қилиш, қизиқтириш учун ўлкадаги маҳаллий маъмурият бошқарувида рус тилини билганлар ишлайди, деган талабни қўйдилар. Бу талабдан мақсад «ерлиларда мансабга қизиқиб» рус тилини ўрганиш, руслашиш манфаатини уйғотиш эди. Рус тилини билган маҳаллий аҳоли вакилларига имтиёзлар яратилди. Шу тариқа, ўлкада иш юритиш аста-секин рус тилига ўтказилаборди.

Чор маъмурлари маҳаллий аҳолига Россиянинг улуғворлигини кўрсатиш, европача турмуш тарзига қизиқтириш учун Россиянинг марказий шаҳарларига саёҳатлар уюштирдилар. Қатта ёшдагиларни, шунингдек, ёшларни гуруҳ-гуруҳ қилиб Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларга олиб бориб оқ подшоҳнинг қудратини, баланд иморатлар, ишлаб чиқариш корхоналарини кўрсатишарди. Мустамлакачилар саёҳатчилар ўз юртига қайтиб боргач, Россиянинг улуғворлиги

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998, 24-бет

ҳақида ватандошларига сўзлаб беради, Россия таркибида бўлганидан ғурурланади, деган мақсадда эдилар. Бу тадбирлар рушлаштириш манфаатларини кўзлаб уюштирилди.

Мустамлакачиларнинг ерли аҳоли турмушига маънавий-руҳий тазйик ўтказиш дастурида ўлка хотин-қизларини русча ҳаёт тарзига ўргатиш масаласига алоҳида ўрин берилган эди. Шу мақсадда шаҳарларда хотин-қизлар амбулаториялари ташкил этилиб, уларда рус шифокорлари фаолият кўрсатди. Амбулаторияларда аёлларга зарур тиббий маслаҳатлар, тиббий ёрдамлар кўрсатилди, бу ижобий ҳол, албатта. Шу билан бирга аёлларга русча турмуш тарзига ўтиш, уларнинг фарзандлари тарбиясига таъсир этиш, православча қарашларнинг афзаллиги, «паранжи зулмидан халос бўлиш, очилиш» зарурлиги ҳақида ташвиқот-тарғибот ҳам қилинарди.

Мустамлакачи маъмурлар рушлаштириш сиёсатини юритсаларда, рус тилини яхши ўзлаштирган зиёлиларга шубҳа билан қарарди, улар устидан назорат, тазйик уюштирарди.

Хулоса қилиб айтганда, маориф ва маданий ҳаётда ҳам чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати яққол намоён бўлди. Ўлканинг маданий-маърифий ҳаётини чеклаб, ўз манфаатларига бўйсундурувчи йўл тутди. Чоризм буюк давлатчилик ғояларини Туркистонга зўрлик билан жорий этди, миллий маданият ва маънавий кадриятларни топтади. Тўғри, Россия империяси Туркистонда коммуникация ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, миллий кадрларни тайёрлаш, маърифатчилик ва аҳолини жаҳон маданиятидан баҳраманд қилиш каби ижобий тадбирларни кўрди. Бироқ мустамлакачилик сиёсати ва амалиёти ўлканинг иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. «Бу салбий оқибат ташқаридан олиб кирилган цивилизация натижаларидан кўра бир неча баровар ортиқ эди».¹

3. Чоризм мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракати

Чор Россиясининг Туркистонда жорий этган маъмурий- бошқаруви тизими халқнинг бошига солинган сиёсий сиртмоқ бўлди. Босқинчилар аввало, Туркистон бойликларини талон-тарож қилди, сўнгра ўлкани хом ашё базасига айлантириб иқтисодиётни ўз манфаатлари йўлида жиловлаб олди. Оғир солиқлар, ғайриқонуний мажбуриятлар аҳолини тобора қашшоқлаштириб борди. Мустамлакачилар маҳаллий аҳолининг миллий кадриятлари, урф-одатларини оёк ости қиларди, маънавий зуғум кучайиб борарди.

Россия Туркистонни ўз мустамлакасига айлантиргач, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий зулми кучайиб борди. Чоризмнинг мустамлакачилик зулмига қарши халқнинг норозилиги, нафрати ошиб борди, кўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Кўзғолонларнинг ҳаракатлантирувчи кучи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 55-бет.

деҳқонлар, шаҳар хунарманд-косиблари, камбағаллар бўлди. Бу ҳаракатларда ватанпарвар рухонийлар, миллий ғурурини йўқотмаган бой заминдорлар ҳам иштирок этдилар.

1879 йилда 600 га яқин ғалаёнчи Фарғона вилоят бошқармаси биносини қуршаб олиб, ҳарбий губернатордан Марғилон туманидан олинаётган солиқларни камайтиришни талаб қилади. Ғалаёнчилар авзоидан чўчиган, вазиятнинг жиддийлигини англаган вилоят ҳарбий губернатори бўлажак катта жанжалнинг олдини олиш мақсадида халққа ён босиб, уларнинг талабларини ўрганиб чиқишга ваъда беради ва ғайриқонуний солиқ йиғувчиларни аниқлаб, уларни ишдан четлаштиришга мажбур бўлади.

1880-1883 йилларда мустамлакачилик зулмига қарши қатор чиқишлар бўлиб ўтди. Хўжанд, Ўратепа, Наманган, Ўш ва Чустда кўтарилган кўзғолонлар бунга мисол бўла олади. Манбаларда 1885-1892 йилларда Фарғона вилоятида халқнинг 205 марта сиёсий чиқишлари, ҳаракатлари кўтарилгани қайд этилган.

Фарғонадаги вазиятдан чўчиган вилоят ҳарбий-губернатори Вревский аҳолидан кўз-қулоқ бўлиб туриш учун Марказий ҳукуматга махфий сиёсий полиция хизматини ташкил этиш таклифини илгари суради. У Фарғона вилоятининг ҳар бир туманида махфий айғоқчилар тармоғини вужудга келтириш учун ўз ихтиёридаги маблағдан фойдаланди. Ўлканинг олий ҳарбий-сиёсий доиралари тобора кучайиб бораётган норозилик тўлқинини пасайтириш учун таъсирчан восита излай бошлади. Қуролли кучлар ва полиция хизматини кучайтириш тадбирлари учун бир йилда 5,5 млн. сўм сарфланарди. Қолбуки, ундан ҳам муҳим ҳисобланган темир йўл учун бор йўғи 190 000 сўм ажратилганини ҳисобга олсак, чор ҳукуматининг халқ ҳаракатидан нақадар хавотирга тушгани аниқ бўлади¹.

Тошкент кўзғолони. 1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда рус мустамлакчиларини талвасага солган ва тарихга «вабо исёни» ёки «тошотар воқеаси» сифатида кирган кўзғолон бўлди. Июнь ойида Тошкентда вабо тарқалди. Шаҳар маъмурияти шошилинич чоралар кўрди. Вабо касали билан ўлганларни шаҳар ичкарасидаги 12 та қабристонга кўмиш ман этилди, шаҳар ташқарисида 4 та янги қабристон очилади, деб эълон қилинди. Шаҳардан чиқиш ва кириш назорат остига олинди. Шаҳарда вабо касалига чалинганлар йўқ қилинар экан, деган миш-мишлар тарқалди.

Тошкент шаҳар маъмурияти тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган бу тадбирлар ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормади, мусулмончилик одатлари, маросим қонун-қоидаларини ҳисобга олмади. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилди. Бошқа касаллик билан ўлганларни шаҳар ичкарасидаги қабристонларга кўмиш ишларини расмийлаштириш ҳам чўзилиб кетди, суиистеъмолликлар кучайди. Одамлар ноилож ўликни эски қабристонларга олиб бориб кўмишга мажбур бўлди. Полиция

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, 344-348 бетлар.

бундайларни топиб ҳибсга ола бошлади. Қабристонни очиб, ўлганларнинг руҳи ҳақорат қилинди.

Шаҳарнинг энг таниқли кишиларидан ҳисобланган Азизёр Эшон, Абулқосим хўжа, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад ва бошқа кишилар бошчилигидаги мингга яқин киши 24 июнда шаҳар бошлиғи маҳкамаси томон йўл олдилар. Уларга ҳоким тўра-шаҳар бошлиғи полковник С.Р.Путинцев ва эски шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Ёқуб тўқнаш келишди. Қамчисини ўйнатиб келган оқсоқол халқнинг сўзларини, арз-додини тинглаш ўрнига унга дағдаға қила бошлади. Халқ унинг бошига тошлар ёғдирди. Машҳур «Тошотар» воқеаси бошланиб кетди. Оқсоқол отдан тушиб ҳокимнинг идорасига қочиб яширинди. Полковник Путинцев эса ўзининг содиқ қулини паноҳига олиб, халқни тинчйтишга уринди. Халқ ундан оқсоқолни беришини талаб қилди. Путинцев ҳам музокара ўрнига куч ишлатишни афзал кўриб, тўппончасини ғилофидан чиқариб, дағдағага ўтди. Сабр қосаси тўлган халқ, узок ўйлаб ўтирмай, ҳокимга ҳужум бошлади, Путинцев ва унинг миршабларини дўппосладилар, ҳалойиқ маҳкамани ҳам остин-устун қилдилар.

Қуроқланган солдатлар етиб келгач, халқ аямай ўққа тутилди. Ноилож қолган оломон Анҳор сувига ўзини ташлайди, кўп киши ҳалок бўлади ва яраланади. Ўлганлар ва ярадорларнинг миқдори ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Чунки халқнинг ўзи жасадларни ва ярадорларни ўзлари билан олиб кетишган. Кейинги кунлари Анҳордан топилган майитлар сони 80 тага етган. Қўлга олинган 60 киши турли муддатларга қамоқ жазоси ва сургунга ҳукм қилиндилар. Мустамлакачиларнинг зўравонлиги халқнинг озодлик ҳаракатини тўхтатиб қололмади.

Андижон кўзғолони. Туркистонда кўтарилган озодлик ҳаракатининг энг йириги 1898 йилги Андижон кўзғолонидир. Кўзғолонга Андижон яқинидаги Мингтепа қишлоғида яшовчи Муҳаммадали эшон бошчилик қилди. У отасининг касбини олиб дук ясарди, шунинг учун уни Дукчи эшон деб аташарди. Муҳаммадали Бухорода ўқиди, Маккага ҳажга боради, Фарғона вилоятидаги Султонхон Тўра эшон хизматида бўлади. Унинг вафотидан кейин ўзи Эшон бўлади. Унинг мақсади рус ҳукмронлигидан қутилиш, Фарғонада ўз кишисини хон қилиб кўтариш эди. Унинг агрофида камбағаллар тўплана борди, боғлар яратди, сувсиз ерларга сув чиқарди. Муҳаммадали эшон ўз муридлари билан кенгашиб, мустамлакачиларга қарши Андижон, Марғилон ва Ўшда жойлашган ҳарбий лагерларга ҳужум қилиш режасини тузади.

1898 йил 17 май куни Муҳаммадали эшон ҳалойиқни кўзғолонга даъват қилади. Шу куни хуфтон пайтида ҳар ким кўлига тушган нарсани олиб Андижон шаҳарига жўнадилар. Эшон бошлиқ кўзғолончилар Қўтчи қишлоғига киришганда яна 200 киши қўшилган. Қоракўрғон ва Оқчидан ўтиб Қўйлига яқинлашганида уларга мингбоши Ғойибназар ўз йигитлари билан қўшилади. Кўзғолончилар Андижонга яқинлашганларида уларга бой савдогар Алибой қуроқланган 190 йигити билан қўшилади. Кўзғолончилар сони 2000 кишига етади.

Кўзғолончилар Андижондаги мустамлакачиларнинг ҳарбий гарнизонига бостириб киради ва казарманинг пирамидаларида турган 30 га яқин милтиқни ўлжа қилиб олиб, биринчи қатордаги солдатлар устига ташланишади. Уларга ичкаридаги солдатлар қаршилик кўрсатадилар. Чорак соат давом этган отишмадан сўнг кўзғолончилар тўрт ўлган шерикларини ташлаб чекинадилар. Ҳарбий гарнизондагилардан 22 киши ўлдирилади, 24 таси ярадор бўлади.

Андижонда, айниқса россияликлар яшайдиган янги шаҳарда мустамлакачи амалдорлардан тортиб то оддий фуқарогача ваҳимага тушиб, уйларига бекинган ва мусулмонлар ялпи хужумини кутган. Ҳатто туманбоши полковник Коишевский ҳам кўчага чиқишдан кўркиб уйида бекиниб ётади. Эски шаҳар оксоқоли Холбаходир мингбоши унинг олдига келганидагина у воқеанинг тинч тугаганини билган ва дарҳол аскар чақиради. Улар янги шаҳардан бошлаб кўзига кўринган мусулмонларни отади. Бу воқеалардан мутлақо беҳабар, эрталаб ишлашга чиққан минглаб деҳқонлар ва хунармандлар мустамлакачилар ўқидан нобуд бўлишади. Ҳарбий кўшинлар шаҳарни ўраб олиб, кўзғолонни ҳарбий куч билан шафқатсизларча бостиради.

Мустамлакачилар Муҳаммадали эшонни тутиш учун Мингтепага юрдилар, йўлда дуч келган кишини отиб ўлдириб Мингтепага бостириб кирдилар, уч соатча отишма ва тинтув ўтказдилар. Ниҳоят, эшон Арслонбоб яқинидаги Тошкўприкда қўлга туширилди. Эшон ва унинг муридлари, таниш-билишлари, маслакдошларига нисбатан даҳшатли қатағон уюштирилди. 1898 йил 12 июнда Муҳаммадали эшон ва унинг яқин маслакдошларидан 5 нафари осиб ўлдирилди, юзлаб кишилар қамоқ жазосига ҳукм этилди, 18 киши Сибирга сургун қилинди.

Дукчи эшон кўзғолони изсиз кетмади. Бутун Фарғона водийсида мустамлакачиларга қарши ҳаракат давом этди. Яккатут, Наманган, Бешариқ, Марғилон ва бошқа туман ва қишлоқларда босқинчиларга қарши ҳаракатлар бўлди. 1898 йилги кўзғолон чоризмга қаттиқ зарба берди, унинг негизларини титратди. Кўзғолончилар Ватан озодлиги учун кураш тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин эгалладилар.

1916 йил халқ кўзғолони. Биринчи жаҳон уруши унда иштирок этаётган Россия империясини тобора ҳолдан тойдирмоқда эди. Ўн минглаб аскарлар жангда қурбон бўлдилар. Талвасага тушган Россия Олий Бош қўмондонлик штаби ҳарбий вазирликдан «армия эҳтиёжлари учун салмоқли микдорда куч ажратишни» зудлик билан талаб қилди. Бу кучни ҳарбий вазирлик мустамлакалардан тўплашга умид боғлади. Натижада Россия императори Николай II 1916 йил 25 июнда Туркистон, Сибир ва Кавказдаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни фронт орқасидаги хизматлар учун сафарбар қилиш тўғрисида фармон чиқарди.

Туркистон генерал-губернаторига зудлик билан фармонни амалга ошириш буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 38 минг, Фарғона зиммасига 50 минг киши юбориш мажбурияти юкланди. Ўлкада сафарбар қилинувчиларнинг рўйхатлари тузила бошланди. Халқ бу тадбирга «мардикорликка» олиш деб ном берди. Маҳаллий маъмурият мардикорликка чақиришни бойлик орттириш воситасига айлантирди. Бойларнинг ўғли пул билан

кутулиб қолар, камбағал оилалар эса ёлғиз ўғилдан, боқувчисидан айрилар эди. Бу ҳол халқнинг кучли норозилигига олиб келди. Петрограддан баъзи табақадагилар товон эвазига мардикорликдан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисида қўшимча кўрсатмалар етиб келганидан кейин халқ норозилиги кўзғолонга айланиб борди.

4 июлда Хўжанд шаҳрида норозилик намоёиши бошланиб кетди. Унда деҳқонлар, мардикорлар, чоракорлар, аёллар - жами 3000 дан ортиқ киши қатнашиб, намоёиш «Мардикор бермаймиз!» шиори остида ўтди. Полиция намоёишни бостиришга киришди, улар устига тош ёғилди. Ҳарбий қисмдан солдатлар етиб келиб полициячилар билан биргаликда намоёишни бостирди, икки киши ўлди, бир киши ярадор бўлди. Хўжанд воқеаси ҳақидаги хабар бутун Туркистонга ёйилди. 5 июлда Самарқанд уездининг Ургут кишлоғида ғазабга келган 2000 кишилиқ деҳқонлар волость бошқарувининг маҳкамаси олдида тўпланди. Маҳкама ходимлари калтакланди. Ўша куни Самарқанд уездининг Сиёб, Маҳалла, Хўжа Аҳрор ва Ангар волостларида ҳам намоёишлар бўлиб ўтди.

11 июлда Тошкентда катта ғалаён бошланиб кетди. Ҳунармандлар, ишчилар, шаҳар камбағаллари ва шаҳар атрофидаги деҳқонлар Бешёғочдаги полиция бошқармаси томон йўл олдилар. Бу ерда кўғолончиларнинг катта гуруҳи тўпланди. Намоёишчилар «болаларимизни бергандан кўра ўзимиз ўлганимиз яхшироқ, подшо ўлиб кетсин» дея майдонни ларзага келтириб қичқирдилар. Маҳаллий аҳоли фаолларидан Йўлчи Иброҳимов (кўнчи), Фулом Камолов (ғишт терувчи), ишчи аёл Зухрабиби Мусаева ва бошқалар халқни подшоҳ ҳукуматига қарши қатъий кураш бошлашга даъват этдилар. «Ур, полициячиларни!» деган қичқириқлар билан бошқармага ҳужум қилдилар. Қамал ва отишма бошланганидан бир соат кейин ёрдамга жазо қўшини етиб келди. Казак қисмлари 5 кишини отиб ўлдиришди, 15 киши ярадор бўлди.

Кўзғолоннинг фаол иштирокчиси Зухрабиби ҳам курашнинг олдинги сафидаги тўқнашувда тош отаётиб ҳалок бўлди. Кўзғолончилар чекинишди. Сал кейинроқ яна чинакам жанг бошланиб кетди. Энди подшоҳ аскарлари чекинишга мажбур бўлдилар, улар бошқарма ичига кириб олиб, баррикада қуриб химояландилар. Подполковник Савицкий бошлиқ жазо отряди, унинг кетидан келган генерал Галкин кучлари жангга кириб кўзғолонни бостиришга эришдилар. Тошкент атрофидаги кишлокларда деҳқонларнинг ғалаёнлари полиция ва кўшинлар билан тўқнашувга айланди. Бундай тўқнашувлар 12 июлда Янгибозор, Тўйтепа кишлокларида, 14 июлда Троицк, Хонобод ва Пскент кишлокларида ҳам бўлиб ўтди.

Норозиликлар Россиянинг асосий пахтакор районида айлантирилган Фарғона водийсида тобора кучая бошлади. Ғалаёнлар Кўқон шаҳри, Каттакўрғон, Риштон, Ганжиравон кишлокларида ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг барчаси аёвсиз бостирилди.

9 июль куни Андижон жоме масжидида подшоҳ фармони ўқиб эшиттирилди. Аҳоли яшин тезлигида майдонни тўлдирди. Халқ «ҳозир ҳамма мингбошилар ва амалдорларнинг бошини кесиб ташлаймиз ва мол-мулкни ер билан яксон қиламиз», деб таҳдид солиб, сафарбарликни бекор қилишни талаб

этишди. Полиция ва казакларга хужум бошланди. Жазоловчилар кўзғолончиларга ўт очиб 3 кишини ўлдириб, 12 кишини ярадор қилдилар.

Скобелев уездида халқ ғалаёнлари 10 июль якшанба куни эски Марғилондаги чиқишлар билан бошланди. Тўпланган кишилар сони 25 мингтагача етган. Қаттиқ тўқнашувда икки миршаб ўлдирилган, бир неча оқсоқол калтакланган. Халқ билан ёмон муносабатда бўлган бойлар ҳам ўлдирилган. Бойларнинг уйлари ва маъмурий бинолар вайрон қилиниб, подшо расми йиртилиб, оёқ остига ташланган. Бу ерга жазо полки етиб келиб кўзғолончиларга қарши ўт очиб, 63 кишини ўлдириб, кўпчиликни ярадор қилганлар.

1916 йилдаги кўзғолоннинг энг кучли нуқтаси Жиззах кўзғолони бўлди. Жиззах шаҳри аҳолиси 13 июль куни сафарбарликка чақирилганлар рўйхатини талаб қилиб оқсоқол ва мингбоши маҳкамасига тўпландилар. Оқсоқолни ўлдириб, мингбоши маҳкамасини вайрон қилдилар, рўйхатни топиб олиб ёндириб ташладилар. Назир Ҳожи эшон Жиззах беки деб эълон қилинади. Кўзғолонни бостиришга етиб келган жазо отряди катта зарбага учради. Кўзғолончилар сафи кенгайиб борди. Назир Ҳожи эшон бошчилигида кўзғолончилар янги шаҳарга томон юрдилар. Жазо отряди билан кўзғолончилар ўртасида бўлган тўқнашувда иккала томондан ҳам қурбонлар бўлди. Кўзғолончилар телефон симларини узиб, нефтли бакларни ёндириб, биноларни вайрон қилдилар. Ломакино бекатида темир йўл кўприги, рельслар бузиб ташланди. Обручево, Курапоткино, Ростовцово темир йўл бекатлари ҳам вайрон қилинди, 6 та темир йўл кўприги бузиб ташланди. Абдурахмон жевачи бошчилигидаги кучларнинг Боғдон волостида ҳам ғалаёнлари бошланиб, Жиззах томон юрадилар. 21 июль куни Жиззах яқинидаги Қили деб аталган манзилда кўзғолончилар билан жазо отряди ўртасида тўқнашув содир бўлади. Пулемётдан ўққа тутилгач кўзғолончилар енгилди. Абдурахмон жевачи, Назир Ҳожи эшонлар қўлга олинади, ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Туркистон генерал-губернатори Жиззах кўзғолонини бостириш учун полковник Иванов бошчилигида олти та түпи бор 13 та рота аскар, 300 кишилик казак отряди, 2 та артиллерия қисми ва 3 рота сапёрларни сафарбар этади. Жазо отряди кўзғолонни шафқатсизларча бостирди. Омон қолган Жиззах аҳолиси жазирама чўлга ҳайдалади. Жиззах иши бўйича 1000 киши ҳибсга олинди, 151 киши суд қилиниб турли муддатларга камалди.

1916 йилги кўзғолон бутун Туркистонга ёйилди, дехқонлар ва камбағаллар кўзғолонни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлди. Кўзғолон бостирилган бўлсада, мустамлакачилар ҳам анчагина кучларидан ажралдилар. Шунинг учун ҳам 1916 йил 13 декабрда IV Давлат Думасида сўзга чиққан А.Ф. Керенский «Уруш фронтларига янги бир фронт - Туркистон fronti қўшилди», - деб вазиятга жиддий ва холис баҳо берган эди.

Генерал-губернатор императорга йўллаган мутлақо махфий ахборотида 97 рус аскарлари ўлдирилиб, 86 таси ярадор бўлганини ва 76 аскар бедарак йўқолганини, 7 рус амалдори, рус аҳолисидан 2325 киши ўлдирилиб, 1384 киши бедарак

йўқолганини ёзган. Аммо у Туркистон фронтида ўз талофатини аниқ ёзгани ҳолда ваҳшиёна ўлдирилган ўн минглаб маҳаллий аҳоли ҳисобини бермайди.

Қўзғолон ўлкадаги Чор Россия мустамлакачилик тизимининг таги бўш заминда эканлиги ва унинг устунлари қимирлай бошлаганини ҳамда Туркистон халқларининг ватанпарварлиги, ғурури сўнмаганлигини намоён этди.

4. Туркистонда жадиждлар ҳаракатининг вужудга келиши, уларнинг ислохотчилик фаолияти

Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик зулми XIX аср охири XX аср бошларида янада кучайди. Чоризм иқтисодий жиҳатдан маҳаллий халқни талаш, эзиш билан бирга, уларни жаҳолатда, саводсизликда тутиб туриш, маънавий қашшоқлантиришга интилар эди. Мустамлакачилар шу мақсадда ўлкага чиновниклар, ҳарбийлар, банкирлар, савдо-саноатчилар, муҳандис-техниклар, руҳонийлар, илмий кучлар, ишчилар, мужиклардан иборат малайларини сафарбар этган эди. Золимлар қанчалик уринмасин, маҳаллий аҳолининг ҳурлик, озодлик учун интилишини сўндиролмади, миллий озодлик ҳаракати кучайиб борди. Тарихий вазият миллат равақини ўйловчи зиёлилар, маҳаллий буржуазия вакиллари, уламолар орасидан халқни уйғотиш, миллий онгини ошириш, бирлаштириш учун курашувчи кучларни тайёрлаб етиштирди.

Шарқ билан Ғарбни таққослаб мусулмонлар ва туркийлар дунёси, хусусан Россия тасарруфига олинган мусулмонларнинг жаҳон тараққиётидан узилиб қолаётганини қрим-тагар фарзанди Исмоил Гаспирали (1851-1914) биринчи бўлиб англади. У туркий халқлардаги жаҳолатни йўқ қилиш, маънавият-маърифат орқали тараққий топган мамлакатлар даражасига кўтарилиш ҳаракатини бошлаб берди. Исмоил Гаспирали маорифни ислох қилиш, мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди. У 1884 йилда Қримдаги Бокчасарой шаҳрида жадижд мактабига асос солди.

«Жадижд» арабча сўз бўлиб «янги» деган маънони билдиради. У ўзи ташкил этган мактаб ўқувчилари учун ўқув дастури тузди ва дарсликлар ёзди. У 40 кун ичида 12 ўқувчининг саводини чиқариб, тезда шуҳрат қозонди. «Таржимон» газетасини чиқариб, ўз ғояларини ёйди. 1888 йилда «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» китобини нашр этиб, жадижд мактабларининг қурилиши, дарс ўтиш мазмуни, жиҳозланиши, синов ва имтиҳонлар олиш усулларини баён этиб берди.

Исмоил Гаспирали ғоялари Туркистонга ҳам кириб келди. 1893 йилда У Туркистонга келиб, илғор зиёлилар билан учрашди, Бухоро амири ҳузурида бўлиб битта жадижд мактаби очишга розилик олди. Туркистонлик зиёлилар жадиждчиликни ёқлаб маорифни ислох қилиш, «Усули жадижд» мактабларини ташкил этишга киришдилар. 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадижд мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадижд мактаблари фаолият кўрсатди.

Туркистон жадиdlарига Махмудхўжа Бехбудий, Абдукодир Шакурий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқа ўнлаб миллий зиёлилар раҳнамолик қилдилар. Улар дастлаб маорифни ислох қилиш йўлидан бордилар. «Усули жадиd» мактаблари тармоғи кенгайиб борди, уларда диний таълимот билан бирга тиббиёт, ҳикмат, кимё, нужум, ҳандаса каби дунёвий билимлар ўргатилди, савод чиқариш тезлаштирилди.

Талабаларга Туркистон, туркийлар тарихини ўргатишга алоҳида эътибор берилдики, бу уларнинг миллий онгини уйғотишга, жамиятни этник жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қиларди. М.Бехбудийнинг «Ўз уруғининг отини билмаган, етти отасини танимаган кул-манқуртдир» деган сўзлари талабаларни миллий ўзлигини англашга чақирар эди. Мунаввар қорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», М.Бехбудийнинг «Китобатул атфол», «Болалар мактуби», «Мухтасари тарихи ислом», «Жуғрофия», А.Авлонийнинг «Адабиёт», «Биринчи муаллим», «Туркий гулистон», «Мактаб гулистони» каби дарсликлари миллий мактаб ва миллий тарбияни юқори савияга кўтаришга хизмат қилди. Жадиd мактабларида ҳар томонлама билимли, маънавий етук, ўз халқининг тарихини ва дунё ишларини яхши ўзлаштирган кадрлар тайёрлаб чиқарилди.

Жадиdлар ёшларни чет элларга ўқишга юбориш ташаббуси билан чиқдилар. Бой табақанинг илғор вакиллари жадиdларнинг бу ҳаракатини маъқуллаб, тегишли маблағ билан кўмаклашдилар. Кўпгина умидли ёшлар Германия, Миср, Туркия ва Россиянинг марказий шаҳарларига ўқишга юборилди. 1910 йили Бухорода мударрис Хожи Рафий ва бошқалар «Болалар тарбияси» хайрия жамиятини ташкил этиб, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та талабани Туркияга ўқишга жўнатди. 1909 йилда Мунаввар қори тузган «Жамияти хайрия» ҳам мискин ва ожиз талабаларга ёрдам берар, ёшларни чет элга ўқишга юборишга ёрдамлашар эди.

Жадиdлар Туркистонда миллий матбуотга асос солдилар. Мунаввар қори 1906 йилда «Хуршид» («Қуёш») журналин ташкил этиб, унга ўзи муҳаррирлик қилди. Журнал халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини танишга, миллий уйғонишга хизмат қилди. Аммо мустамлакачи маъмурлар тезда журнални чиқаришни ман қилдилар. М.Бехбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналин чиқара бошлади. У «Нашриёти Бехбудия» хусусий нашриётини, унинг ҳузурида «Кутубхонаи Бехбудия»ни ташкил этди. Газета ва журналда миллат ва она юрт дарди, халқни маърифатли қилиш, эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган долзарб мақолалар чоп этиларди. Улар чор Россияси тасарруфидаги туркий халқларга, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача бориб етарди.

Тараққийпарвар ўзбек зиёлиларининг етакчиси Асадуллахўжа ўғли Убайдуллахўжа 1913 йилда «Тараққийпарвар» деб ном олган зиёлиларнинг фиркасини тузади ва 1914 йилда фирқанинг «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталари чиқарилади. Бу газеталар саҳифаларида эълон қилинган мақолалар оммани мустабид тузумга қарши кўзғатишга хизмат қилди.

Жадиdлар миллий театрга асос солдилар. Мунаввар қори раҳнамолигида 1913 йилда мусулмон драма санъати хаваскорлари жамияти - «Турон» труппаси

тузилди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Колизей» театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи расмий очилиш маросими бўлди. Мунаввар қори ўзбек миллий театрининг биринчи пардасини очар экан шундай деган эди: «Туркистон тилида хануз бир театр ўйналмағонлиги барчангизга маълумдир... Театрнинг асл маъноси «ибратхона» ёки «улуғлар мактаби» деган сўздир. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг хусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур». Ўша куни сахнада М.Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси намойиш этилди. Унда ислом динининг Туркистондаги бузилишлари тасвирланиб, тамошабин эътиборини нажот йўли - маориф, маорифни эса «покланган дин» бераолади, деган ғояга қаратади. «Тўй», «Заҳарли ҳаёт», «Жаванмарг», «Бахтсиз куёв» пьесаларида хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, кўпхотинлик, мажбурий никоҳ оқибатлари каби муаммолар ёритилади. Миллий театр санъати одамларга миллатда мавжуд бўлган қусурлар ва ижобий томонларни тушунтурувчи ойна бўлиб хизмат қилди.

Жадидлар матбуоти ва театрида айрим мутаассиб рухонийларнинг порахўрлиги, ахлоқсизлиги ҳам қаттиқ танқид остига олинди. Абдурауф Фитрат «Мунозара» номли асарида Бухоро уломаларининг нодонлиги ва порахўрлигини очиқ ташлади. «Ҳинд сайёҳининг саргузаштлари» асарида эса Бухоро, Қарши ва бошқа шаҳарлардаги иқтисодий таназзулга айрим рухонийларнинг ўз мавқеини суиистеъмол қилганликларини асосий сабаб қилиб кўрсатди. Жадидчи журналист ва драматурглар нашавандлик, кашандалик, зиногарлик, фоҳишалик каби иллатларни қоралашди.

Жадидлар гуруҳий, ижтимоий ва ҳудудий бирлик тўғрисидаги масалаларни кўтариб, халқни миллий ва диний бирликка, жипслашишга, ҳудудий бирликка чақирди, ижтимоий онгни XX аср даражасига кўтаришга интилдилар.

Жадидларга, бир томондан, мутаассиб рухонийлар, иккинчи томондан, мустамлакачи маъмурлар қаршилик кўрсатдилар. Мутаассиб рухонийлар жадидлар кўтарган барча янгиликларга қарши чиқишди. Улар жадидларни падарқушлар, мактаблари ҳақида эса «бу хил мактабда ўқувчи-талабалар биринчи йили газета ўқий бошлайди, иккинчи йили озодликни талаб қилишади, учинчи йили эса жаноби олийларини тахтдан ағдариб турмага тикиб қўйишади» дер эдилар. Мутаассиблар тарихни тасвирлаш, ўқитиш беъманилик, даҳрийлик деб ҳисоблашди. М.Бехбудий уларни фош қилар экан, Қуръони Карим ҳам, Мухаммад пайғамбарнинг ҳадислари ҳам тарихга даҳлдор эканлигини, Қуръони Каримнинг чорак қисми тарихий маълумотлардан иборатлигини асослаб беради.

Мустамлакачи маъмурлар жадидлар ҳаракатини жиловлаш чораларини кўрдилар. Улар устидан назорат ўрнатар, газета ва журналларини ман этиб, нашриётларини бузиб ташлар, китоб дўконлари, кироатхоналарни ёпиб ташлар эди. Айниқса 1905-1907 йиллардаги Россия инқилобидан кейин катағонлик кучайди. Бу инқилобдан маҳаллий буржуазия ва заминдорларнинг бир қисми кўрқиб кетиб мустамлакачи маъмурлар паноҳига интилдилар. Жадидлардан ўнг қанот ажралиб чиқиб реакция лагерига қўшилдилар. Қадимчилар деб аталган бу гуруҳ Россиянинг обрўси бизнинг обрўйимиз, худодан кўрк, подшоҳни ҳурмат

қил, подшоҳнинг амри фуқаролар учун вожибдур, деб чиқдилар. Улар ислохотларга қарши чиқиб, қадимги тартибларни ҳимоя қилдилар. Улар пантуркизм - туркий халқларни Туркия давлатининг қўли остида бирлаштириш, панисломизм - ислом динидаги барча халқларни бирлаштириш ғоялари соясида қолиб кетдилар.

Жадидлар тобора олға юрдилар. Мустамлакачиларнинг жадидларга нисбатан қўллаган зўравонлик чоралари, уларни маънавий-маърифий ислохотдан сиёсий қаршилик кўрсатиш даражасига кўтарилишига олиб келди. Дастлабки сиёсий уюшма ва фиркалар вужудга келди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда майдонга келган жадидчилик маданий-маърифий, миллий, ижтимоий-сиёсий ҳаракат эди. У ўсиб мустамлакачиларга қарши кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатининг мафқурасига айланди.

Синов саволлари

1. Ўзбек хонликларида жосуслик ишлари билан шуғулланган Россия элчилари, экспедицияси ҳақида нималарни биласиз?
2. Россия нима учун хонлик чегараларида ҳарбий истехкомлар курди? Шундай истехкомлар қаерларда барпо этилган?
3. Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати қандай борди?
4. Россия босқини қандай бошланди?
5. Чимкентдаги жанглар қандай борди?
6. Тошкент мудофааси ҳақида нималарни биласиз?
7. Амир лашкар Алимқул жасорати ҳақида сўзланг?
8. Жиззах мудофааси, жанг натижаларини биласизми?
9. Туркистон генерал-губернаторлиги қачон тузилди, унинг ҳудудларини биласизми?
10. Зирабулоқ жанги ҳақида нималарни биласиз?
11. Самарқанд кўзғолони ҳақида сўзланг.
12. Кауфман билан амир Музаффар ўртасида қачон шартнома тузилди, унинг шартларини биласизми?
13. Кауфманнинг Хива хонлигига юриши, унинг натижалари ҳақида сўзланг.
14. Гандимиён шартномаси қачон тузилди, унинг шартларини биласизми?
15. Кўқон хонлигида кўтарилган кўзғолонларнинг сабаблари, раҳбарлари, натижаларини биласизми?
16. Кўқон хонлигининг тақдири нима бўлди?
17. Мустамлакачилар қандай идора усулини жорий этдилар?
18. Мустамлакачиларнинг иқтисодий сиёсати ва амалиёти ҳақида нималарни биласиз?
19. Мустамлакачилар маънавий-маданий соҳада қандай сиёсат юритдилар?
20. Мустамлака сўзининг маъноси нима?

21. Жаҳонда қайси давлатлар мустамлакачи давлат деб ҳисобланади ва нима учун?
22. Туркистонда чор Россиясининг мустамлакачилиги даври қайси йилларни қамраб олади?
23. Миллий озодлик ҳаракати деганда нимани тушунасиз, унинг сабаблари нимада?
24. Тошкент кўзғолонининг сабаблари, натижаларини биласизми?
25. Андижон кўзғолони ҳақида нималарни биласиз?
26. Қандай воқеа 1916 йилда Туркистонда кўзғолон кўтарилишига туртки бўлди, асосий сабаби нимада эди?
27. Жиззах кўзғолони ҳақида нималарни биласиз?
28. 1916 йилги кўзғолоннинг аҳамияти нимада?
29. Жаидлар ҳаракати нима ва у Туркистонда қачон бошланган?
30. Кимлар Туркистонда жаидлар ҳаракатига раҳнамолик қилдилар?
31. Маҳмудхўжа Бехбудий фаолияти ҳақида сўзланг?
32. Мунаввар қори Абдурашидхонов фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
33. Жаидлар қандай газета ва журналларни нашр этганлар?
34. Жаидлар қандай ғояларни илгари суришган?

МУСТАБИД СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИ

Х БОБ. ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ

Таянч сўз ва иборалар: 1917 йил февраль инқилоби. Икки ҳокимиятчилик. Жаҳидларнинг фаоллашуви. «Шўрои Исломия». «Шўрои уламо». Туркистон ўлка мусулмонлари Шўроси. Октябрь давлат тўнтарилиши. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети. Шовинистик сиёсат. Туркистон Мухторияти. ТАССР. Қуролли ҳаракат. Қўрбоши. Ёш хиваликлар. Хива хонлигининг ағдарилиши, ХХСР. ХССР. Ёш бухороликлар. Бухоро амирлигининг ағдарилиши. БХСР. БССР.

1. 1917 йил февраль инқилобининг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири. «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо»

1917 йилги февраль инқилоби ва Туркистон Россияда 1917 йил февралда буржуа - демократик инқилоби содир бўлди, кўп асрлик Романовлар сулоласи ҳукмронлиги ағдарилди. Чоризм сиёсий тузумининг барҳам топиши Россия империяси ва унинг турли худудларида ҳам ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Бунинг натижасида Россияда тарихда камдан-кам учрайдиган ҳодиса - икки ҳокимиятчилик вужудга келди.

- буржуазия вакилларида иборат Муваққат ҳукумат
- Ишчи, аскар, деҳқон депутатлари советлари

Агар буржуазия Муваққат ҳукумати мамлакатни юқоридан туриб бошқарадиган орган сифатида фаолият юритиб, аста - секинлик билан ҳокимият мурувватларини ўз қўлига олиб борган бўлса, ишчи, аскар, деҳқон депутатлари советлари эса ҳокимиятни қуйидан бошқаришда катнашиб бордилар. Уларнинг ҳокимият органи - Петроград Совети худди шу йўналишда фаолият юритди.

Чор Россиясининг мустамлакачилик асорати таъсирида бўлиб келган Туркистон ўлкаси ҳаётида ҳам бу даврга келиб сезиларли тарихий воқеалар содир бўлди. Чор мустамлакачилик бошқарув органи – Туркистон Генерал-губернаторлиги тугатилди. Унинг ўрнига Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 7 апрелдаги қарорига биноан кадет Н.Н.Щепкин раислигида 9 кишидан 4 нафари туб ерли аҳоли иборат Россия Муваққат ҳукуматининг **Туркистон Қўмитаси** ташкил этилди. Вилоятларда ҳарбий губернаторлик тизими барҳам топтирилиб, вилоят комиссарлари институти вужудга келтирилди. Шунингдек, Россияда фаолият юритаётган большевиклар, меньшевиклар ва эсерлар партияларининг Туркистондаги маҳаллий ташкилотлари етакчилигида ўлканинг бир қатор йирик шаҳарларида **ишчи, аскар депутатлари советлари** ташкил топди. Тез орада маҳаллий аҳоли вакилларида иборат мусулмон ишчи ва аскар депутатлари советлари ҳам тузила бошланди. Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил

май ойи бошларида чиқарган фармонига биноан Туркистондан жалб қилинган мардикорлар ўз она юртларига қайтиб кела бошлади.

Юрт истиқболи ва истиқлоли учун қайғурувчи ватанпарвар, хурриятпарвар кучлар ҳаракат қила бошлади ва ташкилий жиҳатдан уюша борди. Бу жараёнда озод ва мустақил Туркистон учун кўп йиллар фидойилик билан курашиб келган жадиждлар ҳаракатининг раҳнамолари алоҳида ўрин тутди. Улар маҳаллий аҳолининг сиёсий онгини ўстириш, ҳал қилувчи курашларга етаклаб бориш мақсадида ўлканинг кўплаб шаҳарларида вақтли матбуот нашрлари - газета ва журналлар чиқара бошладилар. Масалан, Тошкентда “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Турк эли”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Шўрои ислом”, Самарқандда “Ойна”, “Хуррият”, Бухорода “Турон”, “Бухорои шариф”, Кўконда “Садои Фарғона”, “Тирик сўз” номли матбуот нашрлари ўз саҳифаларида марказдаги сиёсий вазиятни, жойлардаги аҳволни, ўткир ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритишда, маҳаллий аҳоли оммасини сиёсий - ғоявий жиҳатдан тайёрлаб боришда муҳим роль ўйнади.

Абдулла Авлоний томонидан Тошкентда 1917 йил апрелидан чиқарила бошлаган “Турон” газетасининг илк сониди “Яшасин халқ жумҳурияти” шиори биринчи бор янграган эди. Унда аниқ мақсад -маслак: “Мусулмонлар орасида кўп йиллардан буён давом этган умумга зўрлик, бидъат одатларни битирмак, келажакда бўладиган жумҳурий идорага халқни тайёрламоқ” ғояси илгари сурилган эди.

Худди шунингдек, Мунаввар Қорининг ўша йили “Нажот” газетасининг 26 март сониди босилган «Хуррият берилмас, олинур», деган хитоб ҳам жадиждларнинг халқ озодлиги ва истиқлоли йўлида жиддий курашга бел боғлаганликларидан далолат берарди.

Шўрои Исломия Туркистон жадиждлари фақат тарғибот-ташвиқотчилик ишлари билангина чекланиб қолмасдан, шу билан биргаликда сиёсий ташкилотлар, партиялар тузиш, уларнинг фаолиятини ислохотчилик мақсадлари сари йўналтириш билан ҳам жиддий шуғулланиб бордилар. Чунончи, 1917 йил 14 мартда Тошкентда **“Шўрои Исломия”** ташкилоти тузилди. Ҳур ва демократик Туркистон учун кураш унинг асосий ғояси ва бош мақсади эди. 15 кишидан иборат раёсат таркибидан Мунаввар қори Абдурашидхонов (етақчи), Абдувоҳид қори, Миркомилбой Мўминбоев, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Салимхон Тиллахонов сингари юрт раҳнамолари ўрин олган эдилар.

Ўлканинг турли жойларида **“Шўрои Исломия”**нинг қуйи шубалари тузилиб, улар аҳоли орасида қизғин фаолият юритдилар. Шунингдек, “Шўрои Исломия” таъсирида жойларда турли номларда ташкилотлар тузилди. Тошкентда “Турон”, “Иттиҳоди тараққий”, Андижонда “Озод халқ”, “Хуррият”, “Маърифат”, Самарқандда “Мирваж-ул Исломи”, “Клуб Исломия”, Каттакўрғонда “Равнақул Исломи”, “Тулистон” ва бошқалар шулар жумласидандир. М. Бехбудийнинг “Халқ олинур, берилмас”, Мунаввар Қорининг “Хуррият берилмас, олинур” шиорлари уларнинг чинакам кураш байроғига айланган эди..

Туркистон истиқлоли учун курашга бел боғлаган ва “Шўрои Исломия” таъсирида фаолият юритган жадидларнинг бир қисми “Қадимчилар” номи билан аталарди. 1917 йил июнига келиб “Қадимчилар” “Шўрои Исломия” тарафдорлари билан узил - кесил алоқани узиб, “Шўрои Уламо” ташкилотини туздилар (унинг раҳбарлари: Шерали Лапин, Абдумалик Ҳожи Набиев ва бошқалар).

Бўлинишнинг асосий сабаблари Туркистоннинг миллий муустақиллигига эришиш йўлидаги икки хил қарама-қарши тактик кураш масаласи эди.

Консерватив, мутаассиблик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашган “Қадимчилар” ўлка мустақиллигини ҳукмрон мустамлақачиларга қарши фақат ғазовот, яъни қуролли кураш йўли билан қўлга киритишни ёқлардилар.

Жадидларнинг илғор намоёндалари эса Россияда юзага келган қулай инқилобий шарт-шароитлардан фойдаланиб, юрт мустақиллигини сиёсий воситалар орқали, беҳуда қон тўкмасдан, босқичма–босқич қўлга киритишни истардилар. Уларнинг демократик **Россия Федерацияси таркибидаги Туркистон мухторияти** талаби ҳам шу мақсадни кўзда тутарди.

Ўлканинг миллий кучлари ўртасида юз берган бу ажралиш ва ғоявий ихтилофлар, шубҳасиз, уларнинг ҳаракат бирлигига жиддий путур етказарди. Айниқса “Шўрои Уламо”чиларнинг нашри - “Ал-Изоҳ” журнали саҳифаларида миллатнинг илғор кучларига, ватанпарвар миллий зиёлиларга нисбатан адоват уруғини ёйишга алоҳида урғу берилди. Бу эса аслида шовинистик кучлар тегирмонига сув қуйиш эди. Негаки бундан ўлкада фаолият юритаётган ёт бегона сиёсий кучлар ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар.

Туркистонда демократик ҳаракатларнинг ўсиб боришида, турли ижтимоий қатламлар ва табақаларни истиқлол учун кураш байроғи остида бирлаштиришда 1917 йилда бўлиб ўтган Умумтуркистон мусулмонлари қурултойлари ва улар ишлаб чиққан дастурий ҳужжатлар, ташкилий тадбирларнинг роли катта бўлди.

Туркистон ўлка мусулмонлар шўроси “Шўрои Исломия” ташкилоти ташаббуси билан 1917 йил 16 апрелда **Умумтуркистон мусулмонларининг I қурултойи** чақирилди. Қурултой анча вақолатли анжуман бўлиб, унинг ишида Туркистоннинг кўплаб атоқли кишилари қатнашадилар. Улар орасида М. Чўқаев, М. Абдурашидхонов, М. Бехбудий, У. Асадуллаҳўжаев, Ш. Лапин, Т. Норбўтабеков, А. З. Валидий, С. Юсупов, И. Шоаҳмедов ва бошқалар бор эди. Қурултой кун тартибига 16 та масаланинг қўйилишининг ўзи ҳам унинг катта аҳамиятидан дарак берарди. Қурултойда ўлканинг бўлажак давлат қурилишига алоҳида тўхталиниб, Туркистонга кенг мухторият ҳуқуқини берадиган демократик Россия федерацияси тузилиши ғояси илгари сурилди. Қурултойда - **Туркистон ўлка мусулмонлари шўросини** тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Туркистон ўлка мусулмонлар Шўросининг биринчи йиғилишида унинг марказий органи - **Марказий шўро** тузилди. Мустафо Чўқаев Марказ раиси, Мунаввар Қори раис муовини, Аҳмад Закий Валидий котиб, М. Бехбудий,

У.Ассадуллахўжаев ва бошқалар аъзолар этиб сайландилар. Марказий шўро зиммасига ўлкадаги барча таркоқ, ўз ҳолича иш юритаётган, низом ва дастурларига эга бўлмаган уюшма ва ташкилотларни бирлаштириш, фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланди. Буни уддалашда Марказий шўронинг жойларда ташкил этилган шуъба (бўлим)лари муҳим роль ўйнади. Жумладан, Тошкент шуъбасини М. Абдурашидхонов, Самарқанд шуъбасини М. Бехбудий, Фарғона шуъбасини эса Носирхон Тўра Камолхон Тўра ўғли бошқарди. Шу тарихда Туркистонда **учта ҳокимият** органи вужудга келди:

- Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон Қўмитаси
- Ишчи, аскар депутатлари совети
- Туркистон ўлка мусулмонлари шўроси, унинг марказий органи – Марказий шўро

Ўлка халқларининг раҳнамолари бўлган жадидлар, руҳоният арбоблари ўз саъй-ҳаракатларида маҳаллий, ҳудудий манфаатлар, қизиқишлар билан чекланиб қолмай, бошқа минтақалардаги мусулмонлар оммаси, уларнинг илғор вакиллари билан ҳам яқиндан ҳамжиҳат бўлишга интилдилар. Шу мақсадда улар 1917 йилнинг 1-2 майида Москвада бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлари I қурултойида иштирок этдилар. Унда мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат қурилиши шаклан миллий-ҳудудий, федерация асосидаги демократик республика бўлиши таъкидланди. Қурултойда **Бутунроссия Мусулмонлари шўроси**, унинг **Ижроия Қўмитаси** таъсис этилди. Ижроия Қўмигага ўлкамиз вакилларида **У.Асадуллахўжаев** ва **И. Шоаҳмедовлар** аъзо этиб сайландилар.

Туркистон вакиллари иштирок этган ва 1917 йилнинг 21 - 31 июль кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонларининг II қурултойи ҳам Россия мусулмон аҳолисининг озодлик ва мустақиллик сари ҳаракатланиш йўлини аниқлаштириш ва мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлди. Унда Туркистон, Кавказ ва Қримда давлат бошқарувини меҳнаткашларнинг ўзлари ҳал этиши, мусулмонлар қурашини ташкил этиш учун **Бутунроссия Ҳарбий Шўросини** таъсис этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

1917 йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган **Умумтуркистон мусулмонлари вакилларининг II Қурултойи** ўлка халқлари ҳаётида муҳим роль ўйнади. Унда 500 нафар вакиллар иштирок этди. Қурултойда таркиби 12 кишилик **Туркистон ўлка Қўмитаси**, 24 кишилик **“Маҳкамаи Шарик” (парламент)** ташкил этилди. Қурултойнинг махсус қарорида уларнинг Россия давлати конституциясига мувофиқ келадиган шариат қонунлари асосида фаолият юритиши таъкидланган эди. Қурултойда “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо”, “Турон”, “Иттиҳод” ва шу каби бошқа маҳаллий миллий ташкилотларни бирлаштириб, улар негизида ягона “Иттифоқи Муслимин” (“Мусулмонлар Иттифоқи”) сиёсий партиясини тузиш ғояси илгари сурилди. Қурултойда М. Бехбудий оташин нутқ сўзлаб, ҳаммани бирликка, жипслашишга даъват этганди. “Улуғ Туркистон” газетаси қурултой руҳини акс эттириб, Туркистоннинг ўз ички ишларини мустақил ҳал этишга қодир бўлган

ўлканинг маҳаллий ва миллий мухториятини тузиш ғоясини асосий ўринга қўйган эди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг илғор зиёлилари миллий истиқлолга эришиш йўлида ўлкадаги барча соғлом, ватанпарвар кучларни бирлашиб, жипслашиб ҳаракат қилишга даъват этгандилар. Бироқ, афсуски, Туркистонда айрича фаолият юритган, ўз нафсониятига берилган ҳамда муҳолифатчилик устивор бўлган айрим маҳаллий, миллий ташкилотлар мана шу юзага келган имкониятлардан фойдалана олмадилар. Бу эса, шубҳасиз, вазиятни устамонлик билан ўз измига буриб юборишга интилаётган большевикларга қўл келди.

2. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг шовинистик сиёсати

Муваққат ҳукуматнинг мамлакатни жаҳон урушидан олиб чиқа олмаганлигидан, аграр ва миллий масалаларни ҳал этолмаётганлигидан большевиклар устамонлик билан фойдаландилар. Большевиклар илгари сурган “Бутун ҳокимият Советларга!”, “Ер деҳқонларга”, “Халқларга тинчлик” шиорлари уларнинг ҳокимиятга келишларида айниқса асқотди. Россия пойтахти Петроградда 1917 йил 24-25 октябрда давлат тўнтарилиши содир бўлди. Уни Ленин бошчилигида большевиклар партияси зўрлик билан амалга оширди. 1917 йил 25 октябрда большевиклар томонидан Петроградда Бутунроссия Советларининг II қурултойи чақирилиб, унда Ленин бошлиқ Совет ҳукумати – Халқ Комиссарлар Совети тузилди. Сулҳ ва Ер тўғрисида декретлар қабул қилинди. Совет ҳукумати нафақат Марказда, балки шу билан бирга собиқ чор Россияси тасарруфидаги барча худудларда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатиш ҳаракатида бўлдилар.

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Большевиклар Марказда сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, Туркистонда ҳам совет ҳокимиятини қарор топтиришга интилдилар. Туркистонда шўролар ҳокимиятини ўрнатиш ғоятда мураккаб жараёнда кечди. Бунинг боиси, аввало, октябрь ғояларининг маҳаллий туб жой аҳолининг дили ва шуурига ботмаганлигидадир. Негаки, бу замин аҳолиси большевиклар партияси дастурида назарда тутилган социалистик ўзгаришлар орқали ҳамма нарсани умумлаштириш ва миллийлаштиришни ёқтирмасди. Маҳаллий халқ ўзининг тарихан таркиб топган, асрлар давомида шаклланган ўзига хос турмуш тарзини, яшаш шароитини, хўжалик юритиш, идора қилиш тартиб-қоидаларини бир лаҳзада тубдан ўзгартиришни хоҳламасди. Бу нарса унинг онги, тафаккурига, миллий ўзлиги ва маънавий қиёфасига мос келмасди. Айниқса большевикларнинг атеистик руҳдаги мафқураси, унинг хужумкор йўналиши ислом кадриятлари доимо эъзозланиб келинган бу юрт одамларининг руҳияти ва дунё қараши билан сингиша олмасди. Бир сўз билан айтганда, маҳаллий туб ерли аҳоли табиий равишда октябрь ғояларини қабул қилмади ва унга мойиллик кўрсатмади. Бироқ бегона маслак ва ғоялар

большевиклар партияси ва унинг Туркистондаги яловбардорлари томонидан куч ва зўрлик билан ўлка халқларига мажбур қилинди.

Тошкентда фаолият кўрсатаётган, асосий таркиби европалик аҳоли вакилларидан иборат ҳарбий қисмлар, ишчи отрядлари маҳаллий большевистик ташкилотлар бошчилигида қуролли қўзғолон йўли билан совет ҳокимиятини қарор топтиришга киришдилар. Большевик В.С.Ляпин бошчилигида инқилобий кўмита тузилди ва қўзғолон бошланди. 1917 йил 27 октябрь оқшомида Тошкентда бошланган қўзғолон натижасида 1 ноябрга келиб Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Кўмитаси ағдарилди. Генерал Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Кўмитаси аъзолари қамокқа олинди. **Тошкентда Совет ҳокимияти ўрнатилди.** Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёни конли, фожиали воқеалар билан боғлиқ ҳолда кечди. Жумладан, Фарғона вилоятида совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёнида, Марғилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг беғуноҳ кишилар қирғин қилинди. Самарқанд, Каттакўрғон, Янги Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларда ҳам совет ҳокимияти ўрнатилди.

Туркистонда совет ҳокимияти органларини тузиш вақтида ҳам большевик йўлбошчиларнинг улуғдавлатчилик ва шовинистик сиёсати тўла куч билан намоён бўлди. 1917 йил 15-22 ноябрь кунлари Тошкентда Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советларининг III Ўлка қурултойи ҳокимият масаласини ўзбошимчалик ва бирёқламалик билан ҳал этди. Унда большевик Колесов бошчилигида **Туркистон Халқ Комиссарлари Совети** тузилади. Унинг таркибига 7 большевик ва 8 та сўл эсер вакиллар киритилди. Унинг таркибига бутун ўлка аҳолисининг 95 ғойизини ташкил этувчи ерли миллат аҳолисидан эса бирорта ҳам вакил киритилмади.

Ваҳоланки, октябрь ўзгариши раҳнамози Ленин имзо чеккан “Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси”, “Эзилган ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари Декларацияси”, “Россия ва Шарқ мусулмонларига” хитобномаси ҳамда бошқа ҳужжатларда миллатларнинг озодлиги, эрки, ҳуқуқлари расман эътироф этилган эди. Амалда эса улуғ давлатчилик сиёсати юритилди..

Советлар маҳаллий аҳолининг асрий орзуларини руёбга чиқаришни эмас, балки аксинча уни ҳар соҳада камситиш, миллий ва диний кадрларини таҳқирлаш йўлидан бордилар. Совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолининг хусусий мулкларини тортиб олиш, ҳамма нарсани Советлар манфаатлари йўлида умумлаштириш йўлида амалга оширган ғайритабиий фаолияти пировард оқибатда ўлка халқларининг кескин норозилик ҳаракатларининг кучая боришига сабаб бўлди.

3. Туркистон мухторияти

Туркистон мухторияти Совет ҳокимияти Туркистон жilовини қўлга олиб, ўзининг аввал эълон қилган баландпарвоз ваъдаларидан воз кечиб, ўлка халқларига қарата олиб борган иккиюзламачилик ва мунофиқлик сиёсатига жавобан юртнинг

миллатпарвар раҳнамолари фаол ҳаракатга келдилар. 1917 йил 26 ноябрида Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV Ҳаққулодда қурултойи чакирилди. Унда Туркистон ўлка сининг 5 вилоятдан 200 нафардан зиёдрок вакиллар иштирок этди. Қурултой ишида “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо”, Мусулмон ҳарбийлари Шўроси, ўлка яҳудийлар жамияти намояндалари ҳам қатнашдилар. Қурултойда **Туркистон Мухторияти** тузилди. Бу хусусда қабул қилинган қарорда шундай дейилади:

“Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шакллари Таъсис мажлисига ҳавола этади”. Шундан сўнг қурултой “Туркистонда яшаб турган миллий озчилик аҳоли ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилади”.

Янгидан таркиб топаётган давлат **Туркистон Мухторияти** деб аталадиган бўлди. Қурултойда Туркистон Мухториятининг ҳокимият органи- **Муваққат Кенгаши** тузилди. Муваққат Кенгаш таркиби 12 кишидан иборат этиб белгиланди. Дастлаб унга қуйидаги номзодлар киритилди:

1. М. Тинишпаев - бош вазир, ички ишлар вазири¹;
2. Илом Шоҳмедов - бош вазир ўринбосари;
3. Мустафо Чўқаев ташқи ишлар вазири (кейинроқ бош вазир);
4. Убайдулла Хўжаев - ҳарбий вазир;
5. Юрали Агаев - ер ва сув бойликлари вазири;
6. Обиджон Маҳмудов - озиқ-овқат вазири;
7. Абдурахмон Ўразаев - ички ишлар вазири ўринбосари;
8. Соломон Герцфельд - молия вазири.

Ҳукумат таркибига европалик аҳоли орасидан яна тўртта вакил киритилиши белгилаб қўйилган эди.

Қурултойнинг яна бир қатга хизмати, бу унинг томонидан Туркистон Миллий мажлиси (парламенти) тузилганлиги бўлди. Унга “Шўрои Уламо” ташкилоти раҳбари Шерали Лапин раис этиб сайланди.

Миллий Мажлис таркибига Муваққат Кенгаш аъзоларидан ташқари ўша даврнинг атоқли арбоблари: Т. Норбўтабеков, С. Шарифхўжаев, Носирхонтўра Комолхонтўра ўғли, М. Бехбудий, Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров сингари юрт пешволари ҳам сайланган эдилар.

Шундай қилиб, ўлканинг мўътабар миллатпарвар зотларидан иборат миллий ҳокимият ташкил этилиб, унинг зиммасига улуғвор вазифалар юкланди. Энг муҳими, Туркистон халқининг эрки, мустақиллигини аста-секин тиклаш - бу халқчил ҳукуматнинг бош вазифаси эди. Шу боисдан ҳам ўлканинг миллионлаб фуқаролари Туркистон Мухторияти эълон қилинганлигини қатта қониқиш руҳи

¹ Қозок тараққийпарварлари 1917 йил декабрда Оренбургда съезд ўтказиб «Алаш-Ўрда» автоном Республикасини туздилар, унинг ҳукумати таркибига М.Тинишпаев сайланади. Шу муносабат билан М.Тинишпаев «Алаш Ўрда» пойтахти Семипалатинска кетади.

билан қарши олдилар. 1917 йил декабрь оyi бошларида Тошкент, Наманган, Жалолобод, Қўқон, Самарканд шаҳарлари аҳолиси митинглар, намойишлар уюштириб, мухториятни қизғин қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Бирок ўлкада ўрнашиб олган ва асосий бошқарув жиловини қўлда ушлаб турган Туркистон совет ҳукумати ва унинг жойлардаги ҳокимият маҳкамалари Туркистон мухторияти ва унинг тарафдорларини йўқ қилиш йўлини бутун чоралар билан ўтказиб борди. 1917 йил 13 декабрда Тошкентда мухториятни ёқлаб ўтказилган катта митингни зўрлик билан тарқатиб юборилиши, бугина эмас, унда совет кучлари отган милтиқ ва пулемётлар садоси остида кўплаб қурбонлар берилиши (эски шаҳарлик 16 киши отиб ўлдирилган эди) - бу Туркистон мухториятига нисбатан уюштирилган дастлабки суиқасд эди.

1917 йил 25 декабрь куни Қўқонда ўлка мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларининг I фавқулодда қурултойи иш бошлади. Унда 200 га яқин киши иштирок этди. Қурултой мухториятни ҳар томонлама қувватлаш, унга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш шиори остида ўтди. Унда Туркистон Муваққат Кенгаши таркибини мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари қурултойи вакиллари ҳисобига тўлдириш тўғрисида қарор қилинди. Қурултой ўзининг сўнгги иш куни - 27 декабрда Петроградга, Халқ Комиссарлари Совети Раиси В. И. Ленин номига телеграмма йўллади. Унда Туркистон мухториятини эътироф этиш, Тошкент Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни Туркистон мухторияти Муваққат Кенгашига топшириш тўғрисида фармойиш бериш сўралган эди.

Ленин ва унинг сафдошлари эса очик ва яширин тарзда Тошкентда фаолият юритаётган Туркистондаги совет ҳукумати олдига миллий мухториятни тугатишни вазифа қилиб қўйганлиги ҳеч кимга сир эмас. Туркистондаги совет ҳокимияти ўлка мухторияти фаолиятини чеклаш, уни бутунлай барҳам топтиришга қаратилган хоинона йўл тутди. Бу манфур мақсадни амалга ошириш учун советлар ҳокимияти тасарруфида бўлган ҳамма воситалар ишга солинди. 1918 йил 19-26 январда бўлиб ўтган Туркистон ўлка советларининг IV съезди Туркистон мухторияти ҳукуматини, унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳисоблади ва уларнинг бошлиқларини қамоққа олишга қарор қилди.

Бунинг устига Туркистон мухторияти ўзини ўзи етарли даражада ҳимоя қила олиш имкониятига эга бўлолмади. Мухториятчилар орасида кўпгина муҳим ҳаётий масалаларда бирлик, ҳамжихатлик, жипслик мавжуд эмасди. Унга моддий, маънавий ҳамда ҳарбий, молиявий мадад кўрсата оладиган реал кучлар ва имкониятлар йўқ эди. 1918 йил 18 февралда «Уламо» жамияти ташаббуси билан Мухториятда тўнтариш содир этилди. Мустафо Чўқаев бошчилигидаги ҳукумат ағдарилди. Ҳукумат бошқаруви Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи Кичик Эргашга ўтади.

Туркистон совет ҳукумати 1918 йил 14 февралда Фарғона вилояти ҳудудида фавқулодда ҳарбий ҳолат жорий этди. Унинг Қўқондаги маҳ.аллий ҳокимияти - ишчи ва аскар депутатлари совети 17 февралда мухторият

вакиллари таслим бўлишга даъват қилди. Аини вақтда Тошкентдан Перефильев бошчилигида қуролланган кўп сонли қизил кўшин олиб келинди ва улар дарҳол ишга солинди. Қўқондаги ашаддий миллатчи арман дашноқлари¹ ҳам бу босқинга жалб қилинди. Айниқса 19-21 февраль кунлари Қўқон халқи устига бало-казо ёғилди. Шаҳар ўт ичида ёнди. Шу тариқа, Туркистон Мухторияти мағлубиятга учради.

Энг даҳшатлилиги шуки, бу хунрезлик тагида ҳеч бир гуноҳи бўлмаган минг-минглаб Қўқон фуқароси мислсиз жабр торғди, беҳисоб қурбонлар берди. Қўқонда советлар содир этган қонли фожиани совет давлати арбобларидан бири Д. Манжара кейинроқ шундай деб эътироф этганди: “Миллий сиёсатда йўл қўйилган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди. Уни йўқотиш пайтида яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига, биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-тароғ, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли қатта зарар кўрди”.

Совет ҳокимияти ўзининг аввалдан режалаштирган социалистик йўналишдаги иқтисодий ва сиёсий қайта қуришлар йўлини изчил амалга оширишга киришди. Чунончи, ер тўғрисидаги декрет асосида ерга бўлган хусусий мулкчиликни тугатиш бошланди. Шу мақсадда жойларда **ер қўмиталари** тузилди. Жумладан, 1918 йил кузида Сирдарё вилоятида 51 та, Самарқанд вилоятида 50 та, Ёттисузда 25 та шундай қўмиталар ташкил этилди. Бироқ деҳқонлар совет маъмурларининг ер қўмиталарини тузиш ҳаракатини кескин норозилик билан қарши олдилар. Шунга қарамасдан большевиклар бу йўлни қатъий амалга оширишда давом этдилар. Бунинг натижасида ўлкадаги қўплаб миқдордаги йирик мулклар, хусусий ерлар мусодара этилди ва миллийлаштирилди.

ТАССРнинг тузилиши Совет ҳукмдорларининг яна бир хийлакорлиги ва устамонлиги шунда кўринадики, улар Туркистон мухторияти тажрибасидан муҳим хулоса чиқариб, бу ҳудудда ўзига хос совет мухтор республикасини тузишга йўл тутдилар. Бундан кўзда тутилган бош мақсад - Туркистоннинг келажакда мустақил, суверен давлат бўлиб, ажралиб чиқиб кетишига изн бермаслик эди. Советлар ишлаб чиққан режага кўра 1918 йилнинг 20 апрелидан 1 майгача Тошкентда бўлиб ўтган ўлка Советларининг V қурултойида **Туркистон автоном совет социалистик республикаси (ТАССР)** тузилди ва РСФСР таркибига киритилди. Синфийлик тамойилларига асосланган ўзига хос давлат бошқарувида ҳокимият функциялари бутунлай советлар ва уларнинг органлари ихтиёрида эди. Қурултойда республиканинг ҳокимият органлари: Марказий

¹ Дашноқ - 1890 йилда Тифлисте ташкил этилган «Дашнакцутюн» («Иттифоқ») арман миллий партияси аъзоси. Дашноқларнинг бир қисми 1915 йилги турк-арман қирғинида қўчиб Туркистонга келган эдилар.

Ижроия Кўмитаси (МИК) ва Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) сайланди. МИКнинг жами 36 аъзосидан атиги 9 нафари маҳаллий миллат кишилари эди. Автоном республика МИКнинг раиси этиб большевик П. А. Кобозев сайланди, Большевик Ф. И. Колесов бошчилигида 16 кишидан иборат тузилган ХКС таркибига ҳам 3 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари киритилган эди, холос.

1918 йил июнда 2 минг нафар большевикларни ўз сафида бирлаштирган Туркистон Компартияси тузилди. 1919 йил мартада Туркистон Компартияси хузурида Турор Рисқулов раислигида **Ўлка мусулмонлари бюроси** тузилади. Мусбюронинг органи - «Иштирокиюн» газетаси нашр этила бошланди, унда Туркистон маъмурларининг шовинистик сиёсати фош этила борди.

1918 йил октябрида бўлган ўлка советларининг VI курултойида **ТАССР Конституцияси қабул қилинди**. Унда Туркистонни РСФСРнинг “ажралмас, таркибий қисми” эканлиги, ўлка халқларининг барча ҳаётий масалалари унинг масъуллигида эканлиги қонунлаштирилди.

Туркистонда совет ҳокимиятининг тобора кучайиши, унинг яккахукмронлигининг ортиб бориши, ўлка ҳаётининг ҳамма жабҳаларининг қаттиқ марказлаштирилиши, қаттиққўл иқтисодий тадбирларнинг ўтказилиши фақат маҳаллий аҳоли қатламларининг кескин норозилигига сабаб бўлиб қолмасдан, бошқа сиёсий муҳолифатчи кучларни ҳам ҳаракатга келтирди. 1919 йил 19 январиди ҳарбий комиссар К.Осипов уюштирган исён натижасида Тошкентда 14 нафар Туркистон халқ комиссарларининг отиб ўлдирилиши ҳам бунинг аниқ ифодаси бўлганди. Аммо тезликда ўзларини ўнглаб олишга улгирган большевиклар вазиятни ўз фойдаларига ўзгартириб, совет ҳокимиятини яна сақлаб қолишга муваффақ бўлди., ҳокимият органлари янги кадрлар билан тўлдирилди. Раҳбарлик лавозимларига маҳаллий миллат вакиллари ҳам жалб этила борди.

Москва совет Туркистонига ўз таъсирини кучайтириш, уни ҳар томонлама ўзига қарам қилиш мақсадида 1919 йил кузида Тошкентга алоҳида фавқулодда ваколатлар берилган **Турккомиссия** (Ш. Элиава - раис, В. Бокий, Ф. Голошчекин, В. Куйбишев, М. Фрунзе, Я. Рудзутак)ни юборди. Унинг зиммасига катта вазифалар юкланган эди. Унинг бутун фаолияти ТАССР совет ва партия қурилиши ишларини жадал суръатлар билан олиб бориш, янги тузумни чуқур илдиз оттириш эди. ТАССР ҳаётида кечаётган барча ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар билан боғлиқ энг асосий масалаларнинг бирортаси ҳам Турккомиссия аъзоларининг измисиз ҳал этилмас эди.

Бу даврда маҳаллий халқ орасидан чиққан, совет ва партия қурилишида анча тажриба ортирган, чиникқан Т. Рискүлов, Н. Тўрақулов, А. Раҳимбоев, Н. Хўжаев, Қ. Отабоев, А. Икромов, С. Сегизбоев каби юрт арбоблари у ёки бу раҳбарий мансабларда фаолият юритган бўлсалар-да, аммо уларнинг инон-ихтиёри москвалик ҳукмдорлар тизгинида бўлган. Хуллас, Турккомиссия сиймосида ТАССР ҳаётида зўрлик билан қарор топдириб борилаётган большевиклар диктатурасининг асл мазмун-мундарижаси мужассамлашган эди.

4. Хоразм ва Бухорода демократик ҳаракатларнинг ўсиб бориши. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг емирилиши

Маълумки, Россияда 1917 йилда юз берган февраль инқилобий ўзгариши чоризмнинг ярим мустамлака ўлкалари ҳисобланган Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида ҳам акс-садо бермай қолмади. Аввало, бу тобе давлатларнинг Россия таъсиридан халос бўлишга интилиши кўзга ташланса, иккинчи томондан, маҳаллий халқнинг демократик эркинликлар ва ҳуқуқларга эга бўлиш сари ҳаракатлари фаоллашди.

Жумладан, Хоразмда **Ёш хиваликлар** ҳаракати хонликдаги сиёсий вазиятни ўзгартириш ва бир қатор демократик ўзгаришларни юзага чиқаришга отландилар. Ёш хиваликлар етакчилари ишлаб чиққан **манифестда** конституцион монархия тузиш, хоннинг ваколатларини чеклаш, иқтисодиёт, таълим ва маданий ҳаёт жабҳаларини ислоҳ қилиш талаблари илгари сурилганди. Хивада ижтимоий-сиёсий вазият кескин тус олаётганидан чўчиган Исфандиёрхон 1917 йил 5 апрель кунини манифестни имзолашга мажбур бўлди. Манифест талабларига кўра хонликда конституцион монархия тузуми ўрнатилди. Аини пайтда таркиби 30-50 кишидан иборат руҳонийлар ва савдо-саноат аҳли вакилларидан сайланган **Мажлис ва Нозирлар Кенгаши** тузилади. Улар халқ вакиллиги бошқаруви органлари сифатида хон ҳокимияти ваколатларини маълум даражада чеклади. Манифестга мувофиқ ёш хиваликларнинг таниқли раҳбари Бобоохун Салимов Мажлис раиси, Матмуродов эса Нозирлар Кенгаши раиси этиб сайландилар. Хон хазинаси ва уни тасарруф қилиш устидан назорат ўрнатилди. Хон темир йўллар қуриш, почта-телеграф ўрнатиш, янги жаҳид мактаблари очиш тўғрисида ваъдалар берди. Бирок Хива хони ва унинг атрофидаги мутаассиб кучлар бу демократик ўзгаришларни йўққа чиқариш, эски тартибларни қайта тиклаш пайида бўлдилар.

1917 йил июнига келиб Исфандиёрхон Россия Муваққат ҳукуматининг Хивадаги вакили, генерал Мирбадалов ёрдамига таяниб, Матмуродов бошлиқ Ёш хиваликлар раҳбарларини қамоққа олади. Бу партиянинг фаолияти қонундан ташқари деб эълон қилинади. Ёш хиваликларнинг кўплари қўлга олиниб жазоланади. Қолганлари хонлик ҳудудини тарк этадилар.

Хива хонлигининг тугатилиши 1917 йил кузида Россияда рўй берган октябрь ўзгариши, Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши давомида Хивада ҳам демократик ҳаракат янги босқичга қадам қўяди. Демократик кучлар, аҳолининг камбағал табақалари фаол ҳаракатга кела бордилар. Қўнғирот, Кўхна Урганч, Хожайли, Тахта, Порсу бекликларида маҳаллий аҳоли қатъий ҳаракатларга чиқди. Бунинг устига мамлакатни бошқара олмай қолган хоннинг 1918 йил январидан туркманлар сардори Жунаидхонни Хивага чақириши ва уни бош қўмондон этиб тайинланиши ҳам вазиятни янада чигаллаштириб юборди. Жунаидхон тез орада Исфандиёрхонни қатл эттириб, ўрнига унинг тоғаси, иродасиз Саид Абдуллони номига хон қилиб қўтариб, амалда яқка ҳукмдор бўлиб олди. Жунаидхоннинг ҳарбий диктатураси зулмидан оғир азият чеккан

кўплаб аҳоли кўшни Туркистонга қочиб ўта бошлади. Уларнинг кўплари Советлар тайёрлаган кизил кўшинлар сафини тўлдириб борди. Буларнинг ҳаммаси Советларга қўл келди. Шу заминда уларга қаршли Амударё бўлимида (Туртқўлда) Н. А. Шайдаков ва Н. М. Шчербаков бошчилигида шимолий ва жанубий ҳарбий дасталар тузилиб, хонлик тузумини ағдаришга шай қилиб қўйилди. Дарҳақиқат, Туркистон совет раҳнамолари йўл-йўриқлари асосида ҳаракатга келган кизил кўшинлар ва шунингдек, ўзбек ва туркман аҳолисидан ташкил топган кўзғолон дасталари 1919 йил декабри охиридан Жунаидхон режимига қарши ҳарбий юриш бошлайдилар. Бу кучлар Жунаидга кетма-кет зарбалар бериб, бирин-кетин хонлик ҳудудларини қўлга киритиб бордилар. 1920 йил 2 февралда Хива эгалланди.

Жунаидхон қолган-қутган кўшини билан Қорақум саҳросига чекинади. Қўғирчоқ хон Саид Абдулло тахтдан воз кечади. Шу тариқа, советлар кучи билан Хива хонлиги ағдарилди ва 5 кишидан иборат Инқилобий кўмита тузилди. Унинг таркибига Ёш хиваликлар ва туркман уруғ-қабилаларидан вакиллар киритилди. Инқилобий кўмита раиси этиб Ёш хиваликлар раҳбари Д.Султонмуродов сайланди. Тез орада Ёш хиваликлар ишлаб чиққан манифест эълон қилинади.

Манифестда назарда тутилган тадбирлар

- Хон ва унинг ҳукумати томонидан мамлакатни мутлақ бошқаришни буткул барҳам топдириш.
- Хива хонига, шахзодалар ва вазирларга тегишли бўлган маблағлар ва мулкларни халқ мулки деб эълон қилиш.
- Камбағаллар ҳаётини яхшилаш йўлида йирик заминдорлар ерларидан фойдаланиш.
- Болаларни бепул ўқитиш учун хонликнинг ҳамма жойида мактаблар очиш.
- Шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳларида бепул шифохоналар ва соғломлаштириш муассасалари очиш.
- Хива хони ва беклари томонидан камбағал аҳолидан тортиб олинган ерлар, мулк ва бошқа нарсаларни қайтариб бериш.
- Мажбурий меҳнатга жалб қилиш (бегор)ни бутунлай йўқ қилиш.

1920 йилнинг 27-30 апрель кунлари Хивада бўлиб ўтган халқ вакиллари **Бутунхоразм қурултойи** хонлик тугатилганлиги ва янгидан **Хоразм Халқ Совет Республикаси** тузилганлигини эълон қилди. Қурултой ХХСРнинг муваққат Конституциясини қабул қилди. Қурултой шунингдек 15 кишидан иборат ҳукумат - **Халқ Нозирлар Кенгашини** сайлади. Ёш хиваликлар раҳбарларидан Полвонниёз Юсупов унинг биринчи раиси бўлди. Тез орада (июнда) Россия большевик раҳбарлари кўмагида Хоразм Компартияси ташкил этилиб, унинг ҳуқуқронлик мавқеи ҳаётда тайин этиб борилди. Совет Россияси айна пайтда янги тузилган Хоразм Халқ Совет Республикасини ўз таъсир доирасига олиш мақсадида 1920 йил 13 сентябрда ХХСР билан иттифок

шартномасини тузади. Бу шартнома билан бирга иккала республика ўртасида имзоланган харбий-сиёсий ва иқтисодий келишувлар асосида Хоразм Халқ Совет Республикасига совет Россияси томонидан тегишли харбий, иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган эди. Бироқ “катта оға”нинг бундай ёрдами замирида Хоразм Халқ Совет Республикасининг ички ишларига аралашиб, унинг сиёсатини ўз манфаатларига бўйсундириш мақсадлари ётарди. Фақатгина 1921 йил давомида Хоразм Халқ Совет Республикасида уч марта (март, сентябрь, ноябрда) ҳукумат ўзгариши ясашиб, Москвага маъқул келмаган унинг таркиби ўзгартирилди. Ўз халқининг миллий манфаатларини кўзлаб сиёсат юритган Полвонниёз Юсупов, М. Ибниязминов, О. Муҳаммадраҳимов бош бўлган ҳукумат таркиблари бекор қилинди, уларнинг раҳбарлари асосиз қораланди, сўнгра турли жазоларга гирифтор этилди.

1923 йил октябрида бўлиб ўтган IV Бутунхоразм Советлари Курултойи Хоразм Халқ Совет Республикасини Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилди ва республиканинг янги конституциясини қабул қилди. Унда Хоразмда Советлар раҳбарлигида амалга оширилган жиддий ўзгаришлар орқасида бу республика эндиликда ўз тараққиётининг янги, социалистик босқичига кирганлиги алоҳида таъкидланди. Конституция ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилди, барча ерлар умумхалқ мулки деб эълон этилди. Вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига олинди. Хоразм халқларининг хоҳиш-иродасига зид тарзда амалга оширилган бу хил тадбирлар ва энг асосийси, республикани бошқариш жиловини тобора Советлар ҳукмронлиги қўл остига ўтиб бориши, пировардида воҳа аҳолисининг умумий норозилигининг кучайиб боришига сабаб бўлди.

Бухоро амирлигининг ағдарилиши Бухоро амирлигида ҳам ижтимоий-сиёсий вазият Хива хонлигидагига ўхшаш тарзда кечди. Амирлик ҳам Россияга тобе, вассал давлат эди. Ички сиёсатда мустақил бўлган амирнинг мутлақ ҳокимияти ҳукм суриб, бундан оддий халқ оммаси беҳад зулм тортиб келарди. XX аср бошларида бу ерда ҳам амирлик тузумига қарши демократик ҳаракатлар юзага кела борди. Мамлакатнинг илғор, тараққийпарвар зиёли ёшларидан ташкил топган **Ёш бухороликлар** ташкилоти бу ҳаракатларга етакчилик қилдилар. Ўз сафларида Абдувоҳид Бурҳонов, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Муҳитдин Мансуров, Пўлатхўжа Усмонхўжаев каби юрт фидойиларини бирлаштирган Ёш бухороликлар ҳаракати кенг халқ манфаатлари фойдасига муҳим сиёсий ўзгаришларни рўёбга чиқаришга интиланлар. Улар ишлаб чиққан ислохотлар лойиҳасида мамлакатда конституцион монархия тузуми ўрнатиш, ижтимоий-сиёсий эркинликлар жорий қилиш, маориф ишини яхшилаш масалаларига алоҳида урғу берилганди.

Кенг халқ оммаси тазйиқи ва Ёш бухороликлар ислохий талаблари асосида амир 1917 йил 7 апрелида баъзи ён беришларга бориб **манифест** чиқаришга мажбур бўлади.

**Манифестда
берилган
ваъдалар**

- Солиқларни тартибга солиш.
- Турли ижтимоий табақалар вакилларида иборат Мажлис ташкил қилиш.
- Маориф, тиббиёт, суд тизимларини яхшилаш.
- Маъмурий бошқариш ишларини акомиллаштириш.

Бироқ амирликнинг мутаассиб, ҳукмрон доиралари тиш-тирноқлари билан бунга қаршилик кўрсатдилар. Улар ислохот тарафдорларига нисбатан очикдан-очик шаҳар кўчаларида қирғин уюштирдилар. Кўплаб ислохотчилар Бухорони тарк этишга мажбур бўлдилар. Бу гал амир тарафдорларининг кўли баланд келди.

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Бухоро амирлиги учун ҳам жиддий сиёсий вазиятни вужудга келтирди. Негаки, социалистик инқилоб ғоясини бошқаларга ёйишга интилган большевиклар чегарадош Бухорони ўз мўлжалига олгандилар. Хусусан 1918 йил мартда “Колесов воқеаси” номи билан тарихга кирган қонли воқеа бунга аниқ мисол бўла олади. Туркистон совет республикаси ҳукумати раиси Ф. И. Колесов Бухорога очик тазйиқ ўтказиб, 1918 йил 2 мартда Когон темир йўли ёқалаб қизил кўшинлар интервенциясини уюштирди. Бунга жавобан Бухоро амири халқни ғазовотга чорлаб, ўз кўшинлари ва ғазабга келган аҳолини урушга сафарбар этди. Оқибатида Колесов хуружи шармандаларча мағлуб бўлди. Бу эса амир ва унинг арқони давлатига барча демократик кучлардан қонли ўч олиши учун баҳона бўлди. Айниқса Ёш бухороликлар аёвсиз қирғин қилинди. Большевикларининг бу авантюраси Ёш бухороликлар учун ғоятда қимматга тушди. Ф.Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, бу қирғинда Ёш бухороликлар, уларнинг тарафдорларидан 1,5 минг киши қурбон бўлади.

Бироқ шунга қарамай совет мутасаддилари Бухорода сунъий инқилоб тайёрлаш, бунинг учун Туркистондан паноҳ топган кўп сонли бухоролик муҳожирларни ишга солиш, улардан кўплаб инқилобчи кучлар етиштириш ва уларни ташкиллаштириш ҳаракатида бўлдилар. 1918 йил сентябрида Тошкентда Бухоро муҳожирлари томонидан Бухоро компартияси ва унинг Марказий Кўмитаси тузилади (унинг раиси А. Ёқубов, ўринбосари М. Қулмуҳаммедов). 1920 йил январда Тошкентда Ф. Хўжаев бошчилигида “Ёш бухоролик инқилобчилар партиясининг Туркистон Марказий бюроси” ташкил этилади ва Турккомиссия, РСФСР ҳукумати томонидан эътироф этилади.

Ёш бухороликлар партиясини ишлаб чиққан дастурда тез вақт ичида деспотик тузумни тугатиш, мамлакатда демократик республика тузиш ва кенг халқ оммасининг туб манфаатларини кўзлаб кўплаб ижтимоий-демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифалари баён этилган эди.

Ёш бухороликлар ташаббуси билан 1920 йил июндан Тошкентда чиқа бошлаган «Учкун» газетасида ҳам илғор демократик ғоялар илгари сурилди. Бухоро халқи амирнинг ҳокими мутлақ тузумини ағдариб ташлаш учун фаол курашга даъват этиб борилди.

Совет ҳокимиятининг асл мақсади Бухоро амирлигини ағдариш эди. Унинг расмий ҳужжатлари, кўрсатмаларида амирликка қарши кураш қуйидан, маҳаллий кучлар томонидан бошланиши уқдирилган эди. Шу билан бирга амирликни ағдариш учун зарур ҳарбий тайёргарлик ҳам кўрилди. Фрунзе бошлиқ Туркистон фронти кўмондонлиги томонидан 1920 йил июнь ўрталаридаёқ замонавий қурол-аслаҳалар билан қуролланган қизил кўшинлар Бухоро чегараларига келтириб қўйилган эди. Айни пайтда амирликни ағдариш учун М.Фрунзе, В.Куйбишев, Н.Тўрақулов, Н.Хусаинов, Ф.Хўжаевлар таркибида ҳарбий-инқилобий бюро ташкил этилади.

1920 йил 29 августда Чоржуйда амир тузумига қарши ғалаён бошланди ва Бешим Сардор бошчилигидаги кучлар аввалдан белгиланган келишувга биноан дарҳол совет ҳукуматидан «ёрдам сўраб» мурожаат қилади. Бу совет кўшинларининг Бухорога қарши уруш ҳаракатларини бошлашига баҳона бўлади.

Расмий маълумотларга кўра, совет кўшини ихтиёрида шу даврда 10 минг қизил аскар, 40 та тўп, 230 га яқин пулемёт, 10 та зихрли автомобил, 5 та зихрли поезд ва 12 та самолёт бор эди. Шунингдек, Туркистон фронти кўшини билан бирга ҳужум ҳаракатларида 5 минг кишига яқин бухоролик “инқилобчи тузилмалар” ҳам иштирок этдилар.

Амир лашкари сон жиҳатидан кўп бўлгани билан (20 мингга яқин), бироқ унинг қуролланиш даражаси қизилларга нисбатан анча заиф ҳолда эди. Ҳужумга ташланган совет кўшинлари амирликнинг Чоржуй, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз ва бошқа ҳудудларини эгаллаб, Бухорога томон силжиб бордилар. Бухоро ва унинг аҳолиси советлар ҳужуми чоғида мислсиз зарар кўрди. Шаҳар кўп бор ҳаводан бомбардимон қилинди. Унинг кўплаб ноёб осори атиқалари, тарихий обидалари вайрон этилди.

Амир Олимхон 1920 йил 2 сентябрда Бухорони тарк этишга мажбур бўлди. Пойтахт совет кўшинлари томонидан эгаллангач, ҳокимият Муваққат Бутунбухоро Инқилобий кўмитаси кўлига ўтди. 1920 йил 14 сентябрда БКП МҚ ва Муваққат Бутунбухоро Инқилобий кўмитасининг бирлашган мажлиси бўлди. Мажлисида А.Мухитдинов бошчилигида қонун чиқарувчи олий орган – Бутунбухоро Инқилобий кўмитаси ва Файзулла Хўжаев раислигида Халқ Нозирлар Кенгаши (ҳукумат) тузилди. Ўша йилнинг 6-8 октябрь кунларида I Бутунбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Унда **Бухоро Халқ Совет Республикаси** ташкил этилганлиги эълон қилинди.

1921 йил 4 мартда Москвада БХСР ва РСФСР ўртасида Иттифок шартномаси ва иқтисодий битим имзоланди. Бу эса Россия Федерацияси ва унинг Туркистондаги ваколатли намояндаларига Бухоро Республикаси ички ишларига бевосита аралашиб, у ердаги ўзгаришларни назорат этиш ва уни аниқ социалистик мақсадлар сари йўналтириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Шунингдек, Бухоро Халқ Совет республикасининг асосий раҳбар ташкилоти - Бухоро Компартияси РКП (б) нинг вилоят ташкилоти мақомида фаолият юритарди.

РКП (б) МҚ 1922 йил майида “Туркистон-Бухоро ишлари хақида” қарор қабул қилди. Унда Ўрта Осиёда, жумладан, Бухорода жадаллик билан “социалистик тузумни мустаҳкамлаш” катъий уқтирилди. Шунингдек, РКП (б) МҚ нинг 1923 йил 12 июнда қабул қилган Бухоро масаласига доир махсус қарори ҳам бу давлатнинг ички ишларига қўполлик билан аралашши эди. Негаки, унда Бухоронинг ривожланиш жараёнини “социалистик изга” буриб юбориш мақсади кўзда тутилганди. Бухоро халқининг туб миллий манфаатлари йўлида фидойилик билан фаолият юритган, инкилобий ҳаракатларнинг фаол иштирокчиларидан бўлган А.Фитрат, М.Аминов, Отахўжаев, Ёқубзода ва бошқалар Москва вакилларининг талаби билан республика ҳукумати таркибидан четлатилди.

Бухоро ХСРнинг 1921 йил сентябрида қабул қилинган Конституцияси ҳам РСФСР Конституцияси андозасида тузилган эди. Ҳукмрон Марказ ташаббуси билан 1923 йил мартада Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши ва унинг таркибига Бухоро ХСРнинг ҳам жалб қилиниши бу унинг иқтисодий мустақиллигининг аста-секин қўлдан бой бериб борилишига сабаб бўлди. Москва тазйиқи остида бу ҳудудда социалистик ўзгаришлар изчил амалга оширилиб борилди. 1924 йил сентябрда бўлиб ўтган V Бутунбухоро қурултойи БХСРни **Бухоро Совет Социалистик Республикаси** деб эълон қилди. Ниҳоят, 1924 йилда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши натижасида унинг ҳудудлари Ўзбекистон ва Туркманистон Совет социалистик республикалари таркибига қўшиб юборилди, Бухоро давлат сифатида тугатилди.

5. Туркистонда мустабид совет тузумига қарши қуролли ҳаракат

Қуролли ҳаракатнинг юзага келиш сабаблари. Туркистоннинг яқин ўтмиши тарихида ёрқин саҳифа ёзган ҳамда хийла узок давом этган, фожиали воқеаларга тўлиб-тошган совет ҳокимиятига қарши кўтарилган бу қуролли ҳаракатнинг мазмун моҳиятини совет мустамлакачилари муттасил бузиб, сохталаштириб келдилар. Уни совет тарихшунослигида «босмачилар ҳаракати», «аксилинқилобий кучлар босқини», «бир тўда юрт бузғунчилари ҳаракати» сингари номларда таърифлаб келинди. Бироқ халқимизда «ойни этак билан ёпиб бўлмайди» дейилганидек, улуғ аждодларимизнинг Ватан, элу юрт эрки, озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган бу мардона кураши тўғрисидаги тарихий ҳақиқат миллий истиклол шарофати билан тўлиқ тикланиб, ўз ҳаққоний, холис баҳосини топди. Бу ҳаракат советлар мафқураси тўқиб чиқарган шунчаки «босмачилар» ҳаракати эмас, балки совет ҳокимиятининг зўравонликка асосланган сиёсати ва амалиётига қаршилик кўрсатиш ҳаракатидир.

Хўш, бу ҳаракатнинг Туркистон заминида юзага келишининг муҳим ижтимоий омиллари, сабаблари нималардан иборат эди? Нега 1918 йил баҳоридан Фарғона водийсида бошланган бу қуролли ҳаракат аста-секин аланга олиб, Туркистон (Ўзбекистон)нинг кенг ҳудудлари бўйлаб ёйилди?

Халқимиз 1917 йилда содир этилган февраль ва октябрь ўзгаришларига катта умидворлик билан кўз тиккандилар. Улар илғор жадиждчилик ҳаракати раҳнамолигида Россияда ривожланиб бораётган инқилобий-демократик ҳаракатлардан фойдаланиб, эрк, озодликни қўлга киритмоқчи, ўлка халқларини мустақилликка олиб чиқмоқчи бўлгандилар. Маккор большевик йўлбошчиларнинг октябрь ўзгариши арафасида ва ундан кейин эълон қилган миллатлар эрки, мустақиллигини тан олган расмий ҳужжатлари Туркистон халқларида ўз орзу-умидларимиз рўёбга чиқади, миллий мустақиллигимиз қарор топади, деган умид туғдирган эди.

- Бироқ совет ҳокимияти ўрнатилиб, мустақкамлана борган сайин большевиклар дохийларининг иккиюзламачилик, мунофиқлик қиёфаси ҳам очилиб борди. Уларнинг берган баландпарвоз ваъдаларидан қайтиши, маҳаллий халқларни сиёсий фаолиятдан ошқора четлатиши, жойларда совет тузумини ўрнатишда зўравонликнинг авжга миниши маҳаллий аҳоли норозилигининг ошишига сабаб бўлди.
- Маҳаллий халққа бутунлай ёт коммунистик мафқурани байроқ қилиб олган совет зулмкорлари аҳолининг миллий кадриятлари, удумлари, диний эътиқодини таҳқирлаш, масжид, мадрасалар, зиёратгоҳ жойларни оёқ-ости қилиш, ноёб маънавий бисотларни талаш, диндорларни таъқибу қувғин остига олиш каби номақбул ишлари аҳоли нафратини кучайтирди.
- Ўлка халқларининг хоҳиш-иродаси билан вужудга келиб, уларнинг миллий манфаатлари йўлида илк қадамлар қўйиб бораётган Туркистон Мухториятини қонга беланиши, юрт фарзандларининг қирғин қилиниши, Кўкон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг аёвсиз хунрезлик ва талон-тарожликка дучор этилиши бутун Туркистонни мустабид совет ҳокимиятига қарши оёққа турғизди.
- Совет ҳокимиятининг аҳолининг хусусий мулкани тортиб олиш, давлат тасарруфига олишга қаратилган иқтисодий сиёсати одамларнинг совет тузумига нисбатан кучайиб бораётган нафрат-ғазабига сўнгги томчи бўлиб қўшилди.

Юз минглаб миллатпарвар, ватанпарвар юрт кишиларини қўлда қурол билан советлар зравонлигига қарши кураши мана шу зайлда бошланиб кетди.

Фарғона водийсида қуролли ҳаракат. Ўлкада бошланган совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг энг дастлабки қайноқ марказларидан бири Фарғона водийси бўлди. Бу ҳаракатга халқ орасидан етишиб чиққан, унинг ғам-алами, орзу-армони, мақсад-интилишларига ҳамдард ва шерик бўлган Кичик ва Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон, Ислон Паҳловон, Раҳмонкул, Тўйчи, Алиёр кўрбошилар сингари таниқли раҳномолар етакчилик қилдилар. 1918 йил баҳоридан водийнинг турли жойларида 40 дан зиёд кўрбоши дасталари фаолият кўрсата бошлади. Жумладан, Мадаминбек Скобелев (Фарғона) уездида, Шермуҳаммадбек Марғилон атрофида, Омон Полвон, Раҳмонкул Наманган уездида, Парпи кўрбоши Андижон атрофида, Кичик ва Катта Эргашлар Кўкон

атрофида, Жонибек қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новқатда ҳаракат қилмоқда эдилар.

Кичик Эргаш қизиллар кўшини билан бўлган жангу жадалда ҳалок бўлганидан сўнг (1918 йил февраль) Қўқон уезди теварагидаги қуролли ҳаракатга Мулла (Катта) Эргаш бошчилик қила бошлади. У ўзининг фаол ҳаракати, халқ раҳномосига хос сифатлари билан тез орада бутун водийдаги озодлик курашининг танилган етакчисига айланди. 1918 йил кузига келиб унинг қўл остида ҳар бирида 20 тадан 1800 нафаргача йигити бўлган бўлган 70 та кўрбоши дасталари ҳаракат қилаётганди. Улардаги жангчиларнинг умумий сони 15 мингга етарди. Мадаминбекнинг 5 минг, Шермуҳаммадбекнинг 6 минг, Холхўжанинг 3 мингдан зиёд, Парпи кўрбошининг 3,6 минг, Жонибекнинг 5,7 минг, Муҳиддинбекнинг 4,5 минг жанговор йигитлари озодлик курашига отланган эдилар. Умумий мақсад ва вазифаларни биргаликда аниқлаш, асосий ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўли билангина тиш-тирноғигача қуролланган совет кўшинларини енгиш, юрт мустақиллигини қўлга киритиш мумкин эди. Шу боис бу жангу жадал даврларда кўрбошиларнинг бир неча бор қурултойлари чақирилиб, уларда муҳим ҳаётий масалалар муҳокама қилинади. Дастлаб шундай қурултой **1918 йил мартда** Қўқон уездининг Бачқир қишлоғида ўтказилди. Унда Катта Эргаш бутун Фарғона водийси ҳаракатининг раҳбари этиб сайланди. Унга кўшинларнинг бош қўмондони – «Амир ал-Муслимин» унвони берилади. Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек эса унинг ўринбосарлари этиб сайландилар. Ҳаракат кўламнинг ўсиб, кенгайиб бориши, унинг сафларига янги ижтимоий табақалар вакиллариининг қўшилиши, табиий суратда унинг олдига улкан масъул вазифаларни, янги муаммоларни келтириб чиқара борди. Уларни ҳал этиш эса кураш раҳнамоларидан катта матонат, кучли ирода, юксак ҳарбий маҳорат, ташкилотчилик қобилияти ва узокни кўра билишлик салоҳиятини намоён қилишни тоқоза етарди. Фарғона кўрбошилари ичида **Мадаминбек Аҳмадбек** ўғлигина мана шундай ноёб фазилатлар соҳиби эканлиги билан ажралиб турарди. Навқирон ёшда бўлишига қарамадан катта ҳаёт ва кураш тажрибаси бой, юрт кезган, юксак ҳарбий саркардалик истеъдодига эга Мадаминбек (1892 – 1920) тез орада водий курашчилари сардорига айланади. Советларнинг расмий ҳужжатларидан бирида таъкидланишича, «ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Фарғона мухториятини тиклаш вазифасини қўйган Мадаминбек тадбиркор сиёсатчи ва уддабурон ташкилотчи фазилатларига эга эди».

Дарҳақиқат, Мадаминбек ўзининг қаттиққўл сиёсати, ташкилотчилик фаолияти ва энг муҳими, ўлкада кечаётган ижтимоий – сиёсий ва ҳарбий вазиятни тўғри баҳолай олиши билан ажралиб турарди. Бунинг устига мавжуд вазиятга мувофиқ келадиган амалий ҳаракатларни қўллаш олиши, сарфдошларига ўз таъсирини ўтказа олиши ҳам унинг кўп ўтмай бутун Фарғона кўрбошиларининг нуфузли раҳбарига айлантирган эди. 1919 йилнинг ўрталарига келиб унинг йигитларининг сони 25 минг кишидан ошарди. Скоблев, Марғилон, Андижон, Наманган, Ўш каби ҳудудларда ҳаракат

қилаётган таниқли кўрбошилар, уларнинг жангчилари Мадаминбекнинг яшил байроғи остига бирлашаётган эдилар. Мадаминбекнинг халқ лашкарлари айниқса 1919 йилнинг биринчи ярмида совет кўшинларига қарши бир қатор сезиларли зарбалар бердилар. Чунончи, январда Марғилон, февралда Скоблев ва Чуст шаҳарларини вақтинча эгалланиши, маҳаллий халқ манфаатига жавоб берадиган бир қатор муҳим амалий тадбирларнинг ўтказилиши унинг обрўсини янада кўтариб юборди. 1919 йил апрель ойида Мадаминбек йигитлари Наманган ва Кўкон шаҳарлари атрофларидаги жангларда ғолиб келдилар. «Мадаминбек турли сиёсий оқимдаги кишиларни бирлаштира олади. Шунинг учун ҳам ҳеч қайси кўрбоши унингчалик куч – қудратга эга бўлмаган эди», деб ёзганди унинг мухолифларидан бири ўша кезларда.

Совет ҳокимиятига қарши ҳаракатнинг ижтимоий таркибини кузатарканмиз, бунда аҳолининг совет тузумидан норози бўлган, турли – туман ижтимоий қатламлари, чунончи, деҳқонлар, хунармандалар, косиблар, батрақлар, мардикорлар, зиёлилар, диндорлар, руҳонийлар, маҳаллий бойлар у ёки бу даражада фаол иштирок этганлиги аён бўлади.

Хусусан совет ҳокимияти органларининг маҳаллий аҳолига нисбатан юритган ўта миллатчилик, шовинистик ва босқинчилик сиёсати уни оқибатда бу тузум душманига айлангирди ва ўз эрки, ҳуқуқи, озодлигини химоя қилиб курашга қалқитди. Фарғона fronti кўмондони М. Фрунзедек зот ҳам: «... Бу ердаги совет ҳокимияти илк тузилиши даврида рус ва ерли ишчи, деҳқон оммаларини ўзига тортиш ўрнига, меҳнаткаш халқни ўзидан узоклаштириш учун кўлидан келганча ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришнинг национализация қилинишида фақат буржуазиянинг мулки эмас, балки **ўрта ҳол** деҳқонларники ҳам тортиб олинди. ...Бу ерда ҳаракат қилган қизил аскар қисмлари, инқилобни химоя қилган баъзи раҳбарлар ерли меҳнаткаш халқнинг туб манфаатлари билан ҳисоблашмади, унинг арзу – додига қулоқ солмади. Босмачилик ҳаракати шу асосда вужудга келди. Босмачилик – оддий қароқчилар эмас. Шунда уларни тез йўқ қилиш мумкин бўларди», деб эътироф қилган эди.

ТАССР ХКК раиси К. Отабоев 1922 йил июлида Туркистон МИҚ 4- пленумида сўзлаган нутқида бу ҳаракатни халқ кўзғолони сифатида баҳолаган эди: *«Биз 4 йил давомида бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ кўзғолони бўлгани ҳолда босмачилик деб атадик.* Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони англатади, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндашувларга олиб келди. Ва алалоқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон бир жиҳатини тугата олмадик».

Совет раҳбарларининг бу эътирофлари советларга қарши ҳаракатнинг нечоғлик ўлканинг ҳаётий қон томирларига дахл қилганини, уни ларзага келтирганини яққол тасдиқ этади.

Фарғонанинг бечораҳол халқи ўз халаскорларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашда давом этди. Ҳаракат сафи доимо янги кучлар ҳисобига

тўлиб борди. Водий кўрбошиларининг бирлашиш, қўшилиш сари ҳаракатлари ҳам сезиларли тус олиб борди. 1919 йил кузига келиб Мадаминбек лашкарларининг жанговорлик ҳаракатлари кенг ҳудудларга ёйилди. Бу даврга келиб Монстровнинг рус крестьянлари (деҳқонлари)дан ташкил топган анча таъсирли ҳарбий қисмлари Мадаминбек кучлари билан бирлашди. Бу ҳол халқ курашининг нафақат ижтимоий таркибига, балки айна чоғда миллий таркибига ҳам сезиларли таъсир кўрсатар, унинг мақсад - вазифаларига янгича ёндашишни тақозо этарди. Гап шундаки, бунга қадар советларга қарши ҳаракат сафларида ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар ва қорақалпоқлар сингари ерли миллат кишилари курашиб келаётган бўлсалар, эндиликда унга советлар сиёсатидан кескин норози бўлган рус деҳқонлари ҳам қўшилган эдилар. Ҳаракат таркибидаги бу ўзгариш 1919 йил октябрида Помирнинг Эргаштом овулида Мадаминбек тарафдорлари ташаббуси билан тузилган **«Фарғона Муваққат Мухторият ҳукумати»** тузилишида ҳам ўз ифодасини топганди. Ҳукумат таркиби 24 кишидан иборат бўлиб, унинг 16 вакилини мусулмонлар ва 8 нафарини руслар ташкил этарди. Фарғона ҳукумати бошлиғи ва мусулмон қўшинлари бош қўмондони этиб Мадаминбек сайланган эди. Бироқ афсусланарли жиҳати шундаки, мазкур Муваққат ҳукумат ўз фаолиятини амалда уддалай олмади. Бунинг боиси биринчидан, унинг мутасаддиларининг боши уруш ҳаракатларидан чиқмади. Иккинчидан, у бирор бир хорижий давлат билан дипломатик алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлолмади. Бу эса, табиийки, унинг ўз қобиғига ўралиб, амалий фаолият юритишига имкон бермади.

1919 йил октябрь ойи охирида Андижонга яқин Ойимқишлоқда тўпланган водий кўрбошиларининг қурултойида водийда ҳаракат килаётган 150 тага яқин жанговор қисмларни ўз таъсирида ушлаб турган 4 йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон қўшинларини бирлаштиришга келишилди. Қурултойда ислом қўшинларининг бош қўмондони - «Амир ал – муслимин» этиб Мадаминбек сайланди. Бироқ бу келишув, аҳдлашув ҳам мустаҳкам бўлиб чиқмади. Улар ўртасидаги сансоларлик, ўзаро ички зиддиятлар ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Масалан, Холхўжа тез орада ўз кучларини ажратиб, мустақил фаолият кўрсата бошлади. Водийдаги жанговар ҳаракатларнинг кейинги бориши ташаббуснинг кўпроқ тажовузкор совет қўшинлари қўлига ўтишига, халқ озодлик курашининг пасайиб, сўниб боришига олиб келди. Ўлкада мустаҳкамланиб олишга улгурган большевиклар ҳокимияти Марказдан етарли даражада ҳарбий куч, қурул – яроғ олиб, сон – саноксиз ҳарбий мутахассисларни жалб қилиб, уларни Фарғона фронтига йўллаш, халқ лашкарларидан қонли ўч олишга сафарбар қилди. 1920 йил бошларида совет қўшинлари Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва Холхўжа кучларига сезиларли зарбалар бердилар. Жумладан, 1920 йил январидан қизиллар Эргаш кучларига зарба бериб, унинг таянч маркази – Бачқирни эгаллади. Худди шу вақтда совет қўшини Монстровнинг деҳқонлар армиясини тор – мор

этиб, Гулча қалъасини ишғол этди. Монстровнинг ўзи асир олинди. Шунингдек, февралда Гарбува – Қоратепа – Шаҳрихон йўналишида қизил кўшинлар Шермуҳаммадбек лашкарига кучли зарба берди. Бунинг натижасида Шермуҳаммадбек енгилиб, Олой водийси томон чекинди. Айни пайтда қизиллар Норин ва Қорадарёнинг кўшилиш жойида Мадаминбек аскарларига қарши муваффақиятли жанг қилиб, унга катта талафот етказдилар.

Совет кўшинлари қўмондонлари водийдаги қаршилиқ кўсатиш ҳаракатини сиёсий келишув йўли билан тўхтатиш чораларини ҳам кўрдилар. Улар кўрбошиларга вакил юбориб сулҳ тузишни таклиф қилдилар. Оғир, мураккаб воқеалар шароитида баъзи кўрбошиларнинг советлар томони билан келишув йўлига бориши тушунарлидир. Чунончи, Мадаминбек 1920 йил мартида совет қўмондонлиги билан музокара олиб боради ва сулҳ имзолаб ўз ҳаракатларини тўхтатади. Бу сулҳ шартларига асосан Мадаминбек ва унинг 1200 нафардан зиёд аскар йигитларининг дахлсизлиги, ўз қурол – яроғларига эга бўлиши, керак бўлганда уларнинг водийда тинчлик, барқарорлик ўрнатишда фаол иштирок этиши таъкидланган эди. Гарчанд сулҳнинг бир қатор шартлари кейинроқ совет қўмондонлигининг маккорона ҳатти – ҳаракати билан ўзгартирилган бўлса-да, бироқ Мадаминбек бу келишувга, унинг маҳаллий халқ учун фойдали, манфаатли бўлишига ишонган эди. Шу боис ҳам у ўзининг бошқа сафдошларига ҳам советлар билан музокаралар олиб бориб, шундай йўл тутишни маслаҳат беради. Бироқ Шермуҳаммадбек ва Холхўжа ўз ҳузурларига музокара учун келган юртнинг бу мард ўғлонини сотқинлик ва хоинликда айблаб, уни қатл эттирадилар. Содир этилган бу фожиали воқеа ҳам водий кўрбошилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қанчалик мўрт, омонат бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Гарчанд Фарғонада совет ҳокимиятига қарши кураш бундан кейин ҳам янги-янги кучлар билан кўшилишиб турли тарзда давом этсада, бироқ у аввалгидек кенг қамровли жанговар, ҳужумкор йўналиш касб этолмади. 1920 – 1923 йиллар давомида водий ҳудудлари бўйлаб олиб борилган халқ озодлик курашларига ака – ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек, улардан сўнг Ислом Паҳлавон ва Раҳмонқуллар етакчилик қилдилар. Уларнинг ҳар бирининг мислсиз жасорати, қаҳрамонлиги, ҳақ ва озодлик йўлидаги фидойилиги халқ хотирасида муҳрланиб қолди. Водийда бошланган советларга қарши ҳаракат кейинчалик Туркистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйилди.

Совет тадбирлари ва бошқарувидан норози бўлган, диний ва маънавий кадриятлари таҳқирланган Хоразм аҳлининг турли ижтимоий қатламлари ҳам бош кўтардилар. Бу совет ҳокимияти ашаддий душмани Жунаидхонга қўл келди. Унинг жанговар отрядлари сафи янги курашчилар ҳисобига муттасил кўпайиб борди. Масалан, 1922 йил апрель ойида Жунаидхон кўшинлари Порсу ва унинг афроларини қизил аскарлардан озод қилишди. Кўхна Урганч ҳудудида ҳам шиддатли жанглар олиб борилди. 1923 йил декабрида Питнак, Хазорасп, Боғот, Хонқа туманларида ҳам деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари юз берди.

1924 йил январь-февралада Хива, Питнак ва Хазорасп атрофлари халқ исёнкорларининг шиддатли кураш ўчоқларига айланди. Бунда Жунаидхон ва Оғажон Эшонларнинг кўп минг кишилиқ кучлари ҳукмрон совет истибдодига қарши мардонавор курашлар олиб борганлар. 1920 йилларнинг иккинчи ярмидан 1930 йилларнинг бошларигача Хоразм воҳасида Аҳмадбек, Дурди, Муродхон, Ўроз Гелди, Худойберди, Ражаб Қора сингари 20 га яқин кўрбоши дасталари жанговар ҳаракатлар олиб бордилар, мислсиз қурбонлар бердилар. Бироқ кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги орақсида тиш-тирноғигача қуролланган совет кўшинлари уларни мағлубиятга учратди. Советлар Хоразмда ўз ҳукмронлигини воҳа узра қарор топтиришга муваффақ бўлди.

Бухорода ҳам советларнинг зўравонлиқ сиёсати маҳаллий халқларнинг қаршилигига учради. Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати тарафдорлари ўн йиллар давомида советлар зўравонлигига қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Бу ҳаракатга Иброҳимбек, Давлатмандбек, Дониёрбек, Мулла Абдуқаҳҳор, Фузаил Маҳсум сингари халқ халоскорлари раҳнамолик қилдилар.

Масалан, Ғарбий Бухорода Мулла Абдуқаҳҳор (1884-1924) етакчилигидаги ҳаракат сафига 20 га яқин кўрбоши дасталари (Ўрмон полвон, Метан Полвон, Наим Полвон, Шуқур Хўжа, Жўра Амин, Саид Мансур, Мурод Мешкоб ва бошқалар) бирлашган эди. Бу халқ лашкарлари Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан туманлари ва Нурота тоғларида фаол ҳаракат қилганлар. Мулла Абдуқаҳҳор кучлари халқнинг кенг ижтимоий табақаларидан доимий мадад олиб то 1924 йил кузигача она юрт душманларига қарши тўхтовсиз кураш олиб борган. Унинг ўзи ҳам Қизилқумда қизиллар билан бўлган тинимсиз жангларда ҳалок бўлади.

Шарқий Бухорода советлар ҳокимияти зўравонлигига қарши йўналган ҳаракат 1930 йиллар ўрталаригача давом этди. Шарқий Бухоро ҳудудлари бўйлаб кенг ёйилган ҳаракатларнинг таниқли раҳнамоси Иброҳимбек (1889-1932) бўлиб, унинг умумий кўл остида ўн минглаб халқ қасоскорлари жамланган эди. Фузаил Маҳсум, Давлатмандбек, Қулмуҳаммадбек, Султон Садр, Фазлиддин Қози каби ўнлаб кўрбошилар ўз жанговар йигитлари билан жон фидо этиб курашдилар. Бироқ ўлкада қаттиқ ўрнашиб олган советлар ҳокимияти ва унинг яхши қуролланган мунтазам қизил кўшинлари охир-оқибатда бу ҳаракатни бостиришга муваффақ бўлди. Хусусан 1931 йил июнида Иброҳимбек лашкари мағлубиятга учратилиб, унинг ўзи кўлга олиниши билан Шарқий Бухоро ерларидаги қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати барҳам топди.

**Қуролли ҳаракат
мағлубиятининг сабаблари ва
оқибатлари**

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кўтарилган қуролли ҳаракат мағлубиятининг кўйлаб асосли сабаблари бор, албатта.

- Энг асосий сабаблардан бири - бу Ватан курашчиларининг улўғвор мақсадлар сари аҳоли барча табақаларини жипслаштиришга қодир бўлган ягона миллий ғояга таянмаганлигида эди. Ҳаракат ягона дастур асосида ташкил этилмади.

- Қўрбошилар сиёсий курашда тобланган илғор жадид намояндаларини ҳаракатга фаол жалб қила олмадилар.
- Ҳаракатнинг бир марказдан туриб бошқарилмаганлиги, жойларда ҳаракат қилган кучлар ўзларининг тор ҳудудий чегаралари билан ўралашиб қолганлиги, маҳаллий қўрбошиларнинг ўз манфаатларига берилиши, дунёқараши торлиги, чекланганлиги, манманлик касалига чалинганлиги, бир - бирлари билан келишолмаслиги, ўзбошимча хатти-ҳаракатларга интилиши каби ҳоллар охир – оқибада бу курашнинг боришига жиддий салбий таъсир қилди.
- Қуролли ҳаракатга қалқиган кучларнинг етарли моддий – таъминот базасига, қурол – аслаҳа захирасига эга бўлмаганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.
- Ташқи дунё билан алоқа қилиш, четдан ёрдам, ҳарбий мадад олиш имконияти бўлмади.
- Ўлка зўравони бўлиб олган советлар эса ўз қўшинини етарли даражада замонавий қурол – яроғлар ва ҳарбий кучлар билан таъминлай олган эди. 1919 йилда унинг тасарруфида 115376 нафар жангчи, шунингдек 11112 та пулемёт, юзлаб тўплар, бронопоездлар, ўнлаб самолётлар ва бошқа замонавий қуроллар мавжуд эди. Ҳарбий кучлар нисбатидаги бундай устунлик кураш тақдирини қизиллар фойдасига ҳал этилишига олиб келди.
- Айёрликда пихини ёрган совет мутасаддилари ҳар бир вазиятдан устамонлик билан фойдаландилар. Улар керак бўлса ўзлари йўл қўйган кўпол хатоларини тузатиш, дехқонларга ер бериш, уларни афв этиш, солиқлар миқдорини бир қадар камайтириш, Мадамминбек сингари таниқли қўрбошилар билан музокаралар олиб бориш, ўзаро ён бериш орқали маҳаллий аҳоли норозилигини юмшатиш, уларни ўз томонига ағдариб олиш тадбирларини ҳам қўлладилар. Бу тадбирлар қуролли ҳаракат истиқболига салбий таъсир ўтказмасдан қолмади, албатта.

Бу халқ ҳаракати миллионлаб юртдошларимиз ҳаёти ва қисматида ўчмас фожиали из қолдирди. Баъзи аниқланган расмий маълумотларга қараганда, у миллиондан зиёд маҳаллий миллат кишиларининг азиз умрларига зомин бўлди. Минглаб оилаларнинг ўз она заминини тарк этиб, бегона юртларга бош олиб кетишларига сабаб бўлди. Колаверса, қанчалаб сон – саноксиз одамлар мана шу миллий фожа боис мамлакатнинг бошқа, узок ҳудудларига сургун ва бадарга қилинди.

Бироқ бу халқ ҳаракати бежиз кетмади. У юртдошларимизга катта, ибратли сабоқлар берди, уларнинг кураш тажрибасининг бойишига муҳим таъсир кўрсатди. Зеро, она Ўзбекистонимизнинг истиқлолга юз тутиб, дориламон замонларга мушарраф бўлишида, бугунги бахтиёр авлод кишиларининг мустақиллик олий неъматидан тўла баҳра топишида ўша 20–30-йилларда бобокалонларимиз қилган улкан саъй – ҳаракатлар, тўккан қутлуғ қонлар, берган бемисл қурбонларнинг ибрати оз мунча эмас. Уларнинг ёркин,

порлок хотираси ҳозирги миннатдор авлод кишиларининг ёдида, шуурида хамиша сақланади, фахр – ифтихор туйғуси билан эсланади.

Синов саволлари

1. 1917 йилги февраль инқилоби Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай ўзгаришларни юзага келтирди?
2. “Шўрои Исломия” ташкилоти қандай мақсадлар йўлида ташкил этилганди? Унинг фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Қандай кучлар “Шўрои Уламо” ташкилотини туздилар?
4. Нима сабабдан «Шўрои Исломия» ва “Шўрои Уламо” ўртасида бўлиниш юз берди?
5. Умумтуркистон мусулмонлари I қурултойида қандай масалалар ҳал қилинди?
6. Умумтуркистон мусулмонлари II қурултойи ҳақида нималарни биласиз?
7. Туркистонда Совет ҳокимияти қай тарзда юзага келди?
8. Туркистонда тузилган биринчи совет ҳукумати - Халқ Комиссарлари Совети таркибини сиз қандай баҳолайсиз?
9. Туркистон Мухторияти тузилишини тақозо қилган асосий омиллар деб нималарни биласиз?
10. Туркистон Мухторияти зиммасига қандай тарихий вазифалар юкланган эди?
11. Туркистон Мухториятини ҳалокатга олиб келган асосий сабаблар нималардан иборат?
12. Туркистон автоном (мухтор) совет социалистик республикасининг тузилиши қандай мақсадларни кўзда тутарди?
13. Нима учун Фарғона водийси советлар зўравонлигига қарши қуролли қаршилик ҳаракатининг асосий марказларидан бирига айланган?
14. Бу қаршилик ҳаракатининг таниқли намояндалари кимлар?
15. 1917 йилги февраль ва октябрь ўзгаришлари таъсирида Хива ва Бухорода ижтимоий-сиёсий вазият қай тарзда ривожланиб борди?
16. Ёш хиваликларнинг мақсади нималардан иборат эди?
17. Хива хонлиги қандай йўсинда тугатилди?
18. Ёш бухороликлар кимлар? Уларнинг раҳнамоларидан кимларни биласиз?
19. Бухоро амирлиги қандай тарзда ағдарилди?
20. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўрнида қандай республикалар тузилди?

XI БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК МОҲИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар: Шовинистик миллий сиёсат. Миллий давлат чегараланиши. Ўзбекистон ССР. Ер-сув ислоҳоти. Индустрлаштириш. Ёппасига жамоалаштириш. Халқ хўжалигини қайта тиклаш. Пахта яккаҳоқимлиги. Орол фожиаси. Саноат. Транспорт. Ижтимоий ҳаёт.

1. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши. Ўзбекистон ССРнинг тузилиши

Миллий сиёсат Большевиклар партияси бош бўлган совет ҳокимияти Туркистон мустақиллиги учун курашган ватанпарвар кучлар ҳаракатини даф этишга муваффақ бўлгач, эндиликда бу ҳудудда узокқа мўлжалланган ўз маккорона режаларини амалга оширишга киришди. Шу мақсадни кўзлаб у XX асрнинг 20-йиллари бошларидан бу заминда мустамлакачиларга хос «орани буз, ҳокимлик қил» кабилидаги ўз миллий сиёсатини ҳаётга изчил тадбиқ этиш йўлини тутди. Аслида советларнинг миллий сиёсати чоризмнинг кўп замонлар бу юртда юритиб келган шовинистик, улуғ давлатчилик сиёсатидан моҳият эътибори билан фарқ қилмасди. Фақат унинг шакли-шамойили ўзгарган эди, холос.

Гап шундаки, чоризм ҳукмронлиги даврида чекка ўлкалар халқлари очиқ-ошкора тарзда камситилар, уларнинг инсоний кадр-қиммати, орномуси, аслий миллий кадриятлари таҳқирланар эди. Совет мутасаддилари эса ўзларининг ниқобланган сохта ишлари, ёлғон-яшиқ ваъдалари билан мазлум миллат кишиларини ўз ҳукмларига бўйсундиришга интилдилар.

Туркистон халқлари ўз миллий давлатчилигини тиклаш ва ривожлантиришга интилди. 1920 йил январда бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида Туркистон АССР МИҚ раиси Т. Рисқулов сўзга чиқиб «**Ягона Туркистон ғояси**»ни илгари суради, асосан туркий халқлардан иборат Туркистон АССРни **Турк Республикаси**, Туркистон Компартиясини **Турк компартияси**, деб ўзгартиришни таклиф қилади. Бу таклифлар конференцияда, шунингдек, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида, РКП(б) Марказқўми, унинг Сиёсий бюроси, совет ҳокимияти доираларида турли баҳсларга сабаб бўлади. Т.Рисқулов таклифлари миллатчилик, оғмачилик руҳидаги қарашлар деб баҳоланди.

Т.Рисқулов, Н.Хўжаев ва бошқалар таркибида тузилган делегация Москвага бориб, совет ҳукумати олдида Турккомиссияни тугатиш, Туркистонга ўз қуроли кучларига эга бўлиш ҳуқуқини бериш, Шарқ мамлакатлари билан алоқа ўрнатишда Туркистон ҳукуматига мустақиллик бериш каби талабларни қўйдилар. Шу боисдан «Туркистон масаласи» бир неча бор Марказда, РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг 1920 йил март-июнь ойларидаги мажлисларида муҳокама қилинди. Оқибатда натижа шундай бўлдики, мазлум халқлар «дохийси»

ва «нажоткори» Ленин, бу масалани 1920 йил 29 июлида кўрган РКП(б) Марказқўми Сиёсий бюроси туркистонлик делегация илтимосномасига ижобий баҳо бермади. Бунинг аксича, Совет ҳукумати ва партия раҳбарияти ўлкадаги вазиятни тезликда бартараф этиш учун шошилиш тарзда «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида» деган ном остида бир неча қарорлар қабул қилди. Жумладан, ўлка ҳаёти устидан назоратни кучайтириш, совет ҳокимияти негизларини мустаҳкамлашга қаратилган «Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Унда Туркистонда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ва РКП(б) Марказий Қўмитасининг доимий ваколатхонаси бўлиши зарур деб кўрсатилди. Унда шунингдек, федерал ҳукумат билан Туркистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари доираси аниқ-равшан белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, ўлка халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз миллий давлатчилигини ўз хоҳишларича, ҳуқуқий асосда ташкил қилиш борасидаги яна бир уриниши барҳам топдирилди. Ҳамма гап шундаки, Россия Совет Федерацияси ҳукумати Туркистоннинг эмин-эркин ривожланиш йўлидан илгарилаб боришини эмас, балки уни доимий ўз назоратлари остида бўлишини хоҳлардилар. Ўлканинг меҳнатсевар, жафокаш халқи, унинг битмас-туганмас бойликлари, табиий ва минерал ресурслари Марказ фойдасига ишлаши уларнинг бирдан-бир муддаолари эди. Ҳуқмрон Марказ ташаббуси билан ташкил этилган Турккомиссия, Ўрта Осиё Бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши сингари нуфузли органларнинг ўлка ҳаётининг барча жабахаларини ўз назоратига олиш, ўз измларига бўйсиндириш йўлида ҳаракат этиб келганлигининг боиси ҳам мана шундадир.

СССРнинг ташкил этилиши Большевиклар бошлиқ советлар ҳокимияти собиқ чор империяси ҳудудларида вужудга келган мустақил совет республикалари жиловини ўз қўлига олиш мақсадида **совет республикалари иттифоқини** тузишга, уларни РСФСР атрофига жипслаштиришга асосий эътибор қаратди. РСФСР ҳукумати 1918-1920 йилларда янги совет республикаларига дипломатик, сиёсий-иқтисодий, ҳарбий, молиявий таъсир ўтказиб борди.

Гарчи бўлажак иттифоқ совет республикаларининг дўстлик ва тенгликка асосланган ихтиёрий иттифоқи бўлади, дейилсада, бироқ узокни кўра билган республикаларнинг қатор раҳбарлари бунга қарши эдилар. Масалан, Украинада УКП(б) Марказий Қўмитаси котиблари Х.Г.Раковский ва Д.Л.Пятаков ягона иттифоқ давлати ғоясига қарши чиқиб, умумиттифоқ ҳокимият органлари бўлмаган **«конфедерация»** тузишни ёқлаб чикдилар. РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросида, большевиклар партиясининг съездлари ва пленумларида, шунингдек совет ташкилотларида бу масала кенг муҳокама қилинди.

Нихоят, РКП(б) раҳбарлигида жойларда узок вақт олиб борилган ташвиқот-тарғибот ишлари ва кўрсатилган тазйиқлар ўз натижасини берди. Украина, Белоруссия, Закавказье Федерацияси Компартиялари, бу республикалар

советларининг съездлари РКП(б) Марказқўмининг «СССРни тузиш тўғрисида»ги таклифларини қўллаб-қувватлашларини баён қилдилар.

1922 йил 26 декабрда Бутунроссия Советларининг X съезди совет республикаларини ягона совет давлатига бирлаштиришни зарур деб топди. Съезд ўзи сайлаган делегацияга УССР, БССР ва ЗСФСР делегациялари билан биргаликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Иттифоқ шартномасини тайёрлашни топширди.

1922 йил 29 декабрда Москвада тўрт республика ваколатли делегацияларининг конференцияси бўлиб ўтади. Конференция СССРни тузиш тўғрисида РКП(б) Марказий Қўмитаси пленуми тасдиқлаган Декларация ва Шартнома лойиҳасини муҳокама қилиб, уни мақуллайди. 30 декабрда уни тўрт республикаларнинг ваколатли делегациялари имзолайдилар.

1922 йил 30 декабрда Москвада Бутуниттифоқ Советларининг I съезди ўз ишини бошлади. Съезд РСФСР, УССР, ЗСФСР ва БССР Советлари съездлари сайлаган ваколатли делегатлари имзолаган **СССРни тузиш тўғрисидаги Декларация лойиҳасини кўриб чиқиб, Декларация ва Иттифоқ Шартномасини тасдиқлайди.**

Съезд янги иттифоқ - СССРнинг юқори ҳокимият органлари - **Марказий Ижроия Қўмитасини ва ҳукуматини тузди.** СССР МИҚ 4 та раис (ҳар бир республикадан биттадан) - РСФСРдан М.И.Калинин, Украинадан Г.И.Петровский, Белоруссиядан А.Г.Червяков, ЗСФСР дан Н.Н.Наримановдан иборат МИҚ Раёсатини сайлади. В.И.Ленин СССР ҳукумати - **Халқ Комиссарлари Совети** раиси этиб тасдиқланди. Шундай қилиб, **1922 йил 30 декабрда СССР тузилди.**

Бу иттифоққа асос солган барча дастуриламал хужжатлар ва ғоялар қанчалик жимжимадор оҳангларда битилмасин ва улар тенглик, баробарлик, биродарлик тушунчаларини ақс эттирмасин, бироқ амалда у ҳукумрон Марказ учун бутун-бутун халқларнинг тақдир-қисмати, инон-ихтиёрини тамомила ўз тасарруфига бўйсундиришга хизмат қилган тузоқ ролини ўтаб келди.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши

Маълумки, Ўрта Осиё худудида қадим-қадимдан тили, дини, тарихи, маданияти, анъаналари бир-бирига

жуда яқин ва муштарак қардош ва қондош халқлар яшаб келганлар. Бу ерда истиқомат қилган ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқларнинг хўжалик ҳаёти, турмуш тарзи, удумлари ҳам ўхшаш бўлиб, шу муқаддас она заминни ўзларининг асл Ватанлари деб билганлар.

Бироқ, афсуслар бўлсинки, пихини ёрган Совет ҳокимияти арбоблари **тарихан бир ягона худудда яшаб келган биродар халқларни бир-биридан ажратиб ташлаш**, уларнинг бирлашиб, ягона давлат тузишларига изн бермаслик учун бутун чораларни ишга солдилар. Бундан кузатилган бош мақсад - ўлка халқларининг бирлашувига, ўз истиқлолини ва

истикболини биргаликда бунёд этишига йўл қўймаслик ва шу асосда Марказнинг бу ердаги ҳукмронлигига, социалистик қайта қуриш жараёнининг авж олишига кенг майдон яратиш эди. Шу мақсадда **Туркистонни** миллий ўзига хослик, тил бирлиги асосида **бўлиб ташлаш ғояси илгари сурилди**. Марказ иродасини бажаришга даъват этилган Туркистон ишлари бўйича махсус комиссия - Турккомиссия зиммасига ўлкада миллий давлат чегараланишини ўтказиш ва шу асосда бу ҳудудда бир қатор совет миллий ва мухтор республикаларини ташкил қилиш вазифаси юкланган эди.

Марказ мўлжаллаётган миллий сиёсат мазмуни, моҳиятидан хабардор бўлган Туркистоннинг илғор зиёлилари, узоқни кўра билган донишманд арбоблари ўлка бирлиги, яхлитлигини, унинг қардош халқлари жипслигини зўр бериб ҳимоя қилишга уриндилас. Бироқ ўлка жиловини қўлда маҳкам тутган большевик мутассадилар уларнинг ҳаққоний фикрларини ҳисобга олмадилар. Бугина эмас, ягона ва мустақил Туркистон ғояси учун курашган ватанпарвар кучлар, миллий зиёлилар миллатчиликда, туркпарастликда ва совет ҳокимиятига қаршиликда айбландилар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёни миллий - ҳудудий жиҳатдан алоҳида республикаларга бўлиб ташлаш масаласи бир неча бор Марказда, Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида, уларнинг Компартиялари пленумларида, шунингдек уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи орган - РКП(б) МҚ Ўрта Осиё Бюроси Пленумида муҳокама этилиб, маҳаллий халққа кучли босим ўтказиб борилди.

Шу билан биргаликда 1922-1923 йилларда ерли миллатларнинг бир қатор раҳбар ходимлари совет ҳокимиятининг Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида олиб борилаётган миллий сиёсатига очикдан-очик норозилик билдира бошладилар. Аммо уларнинг фикр-қарашлари нотўғри топилиб, ўзлари фаол сиёсий ҳаётдан четлатиб борилди. РКП(б) МҚ, унинг Ўрта Осиё Бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартиялари фаолиятига тазйиқ ўтказиб, миллий - ҳудудий чегаралаш ўтказиш сиёсатини маъқуллаб, қарор қабул қилишларига эришиб борди.

Миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи 1924 йил 5 апрелда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюросида, 11 майда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё Бюросида кўриб чиқилди. Унда Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш лойиҳасини тайёрловчи махсус комиссия тузилди. Лойиҳа РКП(б) Ўрта Осиё Бюросининг 1924 йил 2 июндаги йиғилишида муҳокама этилиб, асосан маъқулланди.

Бундан норози бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари, хусусан Хоразм республикасининг бир гуруҳ масъул ходимлари, чунончи, ХКП МҚ котиби Одинаев, ички ишлар нозири Абдусаломов, Туркистон ва Бухоро вакиллари: С.Хўжанов, С.Асфандиёров ва бошқалар ягона **Туркистонни бўлиб ташлаш мақсадга мувофиқ эмас, деб эътироз билдирдилар**. Шунингдек, 1924 йил 8 майда РКП(б) Марказий Кўмитасига «Хоразмда миллий масалани ҳал этиш тўғрисида хат» келиб тушди. Бу хатда ҳам Хоразм республикасини бўлиб юбориш

мақсадга мувофиқ эмас, дейилган эди. **Ха, ўлка халқлари миллий чегараланиш сиёсатига қатъиян қарши эдилар**, бироқ маҳаллий халқларнинг талаб ва таклифлари инобатга олинмади. Аксинча, 1924 йил 12 июлда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюроси «Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш тўғрисида»ги масалага яна қайтиб, уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

1924 йил 25 сентябрда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюроси, 9 ва 11 октябрда РКП(б) Марказий Қўмитаси бу масалани кўриб чиқиб, миллий чегараланишни расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ деб топади. Бу қарор 14 октябрда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан ҳам маъқулланади. Шу тариқа, Совет ҳукумати, РКП(б) МҚ ва унинг жойлардаги маҳаллий ташкилотларининг 1920-1924 йиллар давомида Ўрта Осиёда олиб борган, халққа катта ваъдалар беришни кўзда тутган «ленинча миллий сиёсат»ни ҳаётга тадбиқ этиш бобидаги амалий ишлари яқун топди. **Нихоят, 1924 йилнинг 27 октябрида бўлиб ўтган СССР Марказий Ижроия Қўмитаси II-сессиясида Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказиш тадбирлари тўла маъқулланди.**

Шундай қилиб, ҳукмрон Марказ саъй-ҳаракатлари орқасида Ўрта Осиёнинг сиёсий жуғрофияси сунъий равишда ўзгартирилди. Ўрта Осиё худудидаги Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида олтига миллий давлат бирлашмалари ташкил этилди.

- **Ўзбекистон ССР**
- **Туркменистон ССР**
- **Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР**
- **Қирғизлар яшаган ҳудудлар РСФСР таркибида Қорақирғиз (Қирғизистон) мухтор вилояти**
- **Қозоқлар яшайдиган туманлари РСФСР таркибида Қозоғистон АССР**
- **Қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудлар Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоқ мухтор вилояти**

Натижада ягона Туркистон халқлари бир - биридан сунъий равишда узоқлаштирилди. Бу ҳол советларга ўлкада ўз ҳокимиятини мустақамлаш учун катта имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистон ССР Миллий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Ўзбекистон ССР худудида бутун ҳокимият Ўзбекистон ССР советларининг таъсис қурултойига қадар Муваққат инқилобий қўмита ихтиёрига берилди. Собиқ Бухоро республикаси ҳукумати раиси, таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси раиси этиб тасдиқланди. Ўзбекистон ССР таркибига қуйидаги ҳудудлар киритилди:

- **собиқ Туркистон АССР дан 9 та уезд, 133 туман ва 7 қишлоқ округи;**
- **собиқ Бухоро республикасининг 9 та тумани;**
- **собиқ Хоразм республикасининг 23 та тумани.**

Ўзбекистон ССР ташкил этилган пайтда унинг ҳудуди 312394 кв. км.ни, аҳолиси 4 млн. 447 минг 55 кишини ташкил этар эди. 1926 йил маълумотлари

бўйича миллий таркибига кўра аҳолининг 74,2 фоизини ўзбеклар, қолганини эса бошқа халқлар вакиллари ташкил этар эди.

1924 йил 5 декабрида Инқилобий Кўмита бутун Ўзбекистон халқига муражаат қилиб, Ўзбекистон ССР тузилганлигини, унинг таркибига Тожикистон АССР кирганлигини маълум қилди. Миллий чегараланиш билан бир вақтда иқтисодий бўлиниш ҳам ўтказилди. Собиқ Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларига тегишли барча бойликлар янги миллий республикалар ўртасида қайта тақсимланди. Бу ишлар Совет ҳукумати томонидан махсус тузилган **Ўрта Осиё тугатиш комиссияси** бошчилигида амалга оширилди.

1925 йил 13 февралда Бухородаги «Халқ уйи»да Бутунўзбек советлари биринчи курултойи очилди. Курултой «**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисидаги Декларация**»ни қабул қилди. Курултойда давлат ҳокимияти олий органлари тузилганлиги расмийлаштирилди. Ўзбекистон ССР Советлари МИҚ Раиси лавозимига фарғоналик деҳқон, «Кўшчи» уюшмаси раҳбарларидан бири Йўлдош Охунбобоев сайланди. Ўзбекистон ССР ҳукумати - Халқ Комисарлари Кенгаши Раиси лавозимига Файзулла Хўжаев тасдиқланди. Самарқанд шаҳри Ўзбекистон ССРнинг пойтахти этиб белгиланди, 1930 йилда пойтахт Тошкентга кўчирилган.

Миллий чегараланиш даврида Ўрта Осиёда фаолият кўрсатиб келган партия, комсомол ва хўжалик ташкилотларида ҳам бир қатор ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди. Собиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм комунистик партиялари, комсомол, ва хўжалик ташкилотлари, касаба уюшмалари қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон компартияси 1 таъсис съезди 1925 йил 8 февралда Бухорода очилди. Съездда Ўзбекистон Комунистик (большевиклар) партияси ташкилий жиҳатдан расмийлашди. Унинг Марказкўми сайланди. В.И. Иванов ва А. Икромов (1927 йилдан биринчи котиб) Марказий Кўмитанинг масъул котиблари этиб сайландилар. Шу йили Ўзбекистон комсомоли (Ўз ЛКСМ), республика касаба уюшмалари, уларнинг раҳбар органлари ҳам тузилди.

1925 йил майда Ўзбекистон СССР таркибига киритилди. СССР Конституцияси, унинг асосий қонун- қоидалари Ўзбекистон ССР ҳудудида ишлайдиган бўлди. 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг биринчи ва 1937 йилдаги иккинчи Конституцияси ҳам амалда СССР Конституциясининг кўчирма нусхаси эди. Чунки Ўзбекистон қоғоздаги «суверен» республика бўлиб, амалда Марказга тобе бир ўлка эди, холос. У ўз халқининг миллий манфаатларига оид бирор-бир долзарб, ҳаётий аҳамиятга молик масалани иттифок ҳукуматидан холи, мустақил ҳал эта олмасди. Бинобарин, республиканинг ички ва ташқи сиёсатига дахлдор барча масалалар фақат Марказ хохиш-иродаси билангина ҳал этиларди. Ҳатто Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилишига оид масалалар ҳам иттифок ҳукумати тасарруфида эди. Масалан, 1929 йилда Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибидан чиқарилиб, Тожикистон ССРга айлантирилди ҳамда СССР таркибига олинди. Шунингдек, 1936 йилга келиб аввал Қозоғистон АССР, кейин РСФСР (1932-1936 йил) таркибида бўлган **Қорақалпоғистон мухтор**

вилояти мухтор совет социалистик республикасига айлантирилиб, Ўзбекистон ССР таркибига киритилди. Шундай қилиб, коғозда суверен республика сифатида шакллантирилган, хукмрон совет империяси таркибига кирган Ўзбекистон ССР амалда Марказга тўла бўйсунувчи, арзон хомашё маҳсулотлари етказиб берувчи ўлка бўлиб қолаверди.

2. Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий сиёсати, унинг мустамлакачилик моҳияти

XX аср 20-йиллари бошларига келганда ўлка ҳаёти, ерли аҳолининг маиший - турмуш тарзи ночор аҳволда эди. 1-жаҳон урушининг оғир асоратлари, янги совет тузумини ўрнатишда большевик хукмдорларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан қўллаган зўрлик сиёсатининг оқибатлари ҳар қадамда кўзга ташланиб турарди. Саноат издан чиққан, транспорт ва алоқа воситалари ишламаётган, экин майдонлари пайхон бўлиб кетганди. Энг ёмони, ўлкада очлик, қашшоқлик, оммавий ишсизлик ҳукм суларди.

Бунинг устига мамлакатда фуқаролар уруши давом этаётган пайтда Советлар ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилиб ҳаётга зўрлик билан жорий этила борган озиқ-овқат разверсткаси ва у билан уйғунлашган «ҳарбий коммунизм» сиёсати ўлка ҳаётини яна ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилган бу фавқулодда сиёсат аҳолининг бор-будини тортиб олиб, унинг эрки, мустақиллигини қатъиян чеклаб, савдо, бозор муносабатларига изн бермай, оқибатда бу ердаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг янада мураккаблашиб боришига сабаб бўлди.

Янги иқтисодий сиёсат Вазият Советлар йўлбошчилари олдида аҳволни ўнглаш, танг вазиятдан чиқиш ва хўжалик сиёсатининг янги вазифаларини белгилашни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифалар 1921 йил март ойида бўлиб ўтган РКП (б) X съезди белгилаб берган **янги иқтисодий сиёсат (НЭП)** да ўз ифодасини топди. Бу сиёсатнинг муҳим бўғинлари **озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш**, савдо-сотикни эркинлаштириш, саноатда, майда хунармандчилик ва бошқа соҳаларда хусусий тадбиркорликка рухсат этиш, бозорни тартибга солиш, ёлланма меҳнат чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди.

Энг муҳими, бу сиёсат шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни изга солишга, янги ҳокимиятнинг таянч негизи ҳисобланган ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиларди. Янги иқтисодий сиёсатнинг бош мақсадларидан бири - бу деҳқон хўжалигини оёққа турғизиш, уни ривожлантириш эди. Негаки, бусиз саноатни ҳам, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам ҳеч бир юксалтириб, етарли хомашё базасини яратиш бўлмасди. Озиқ-овқат солиғи талабига кўра экиш мавсуми олдидан яқка деҳқон хўжалиги билан давлат ўртасида маҳсулот етказиб бериш мажбурияти тўғрисида шартнома тузиладиган бўлди. Бу эса деҳқонларни

ердан кўпроқ ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилишга ундарди. Хуллас, янги иқтисодий сиёсат деҳқоннинг ўз меҳнатидан манфаатдор бўлишини тайин қилди. Эндиликда деҳқоннинг ортиқча ғалласи тортиб олинмайдиган бўлди, ўзи етиштирган ошиқча маҳсулотни бозорда эркин сотиш ҳуқуқи берилди.

Янги иқтисодий сиёсат Туркистон учун бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эди. Биринчидан, Туркистон қоқок чекка, асосан қишлоқ хўжалиги ўлкаси эди. Демак, бу ерда замонавий қишлоқ хўжалиги ва саноатни янгидан барпо этиш керак эди. Иккинчидан, ўлкада миллий ишчилар синфини шакллантириш зарур эди. Учинчидан, Туркистон кўп миллатли ўлка бўлиб, янги иқтисодий сиёсатга ўтишда ерли халқларнинг кадриятлари, анъаналари, урф-одатлари хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўларди. Аммо РКП (б) ва совет ҳукумати Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни жорий этишда ўз манфаатларидан келиб чиқиб иш юритдилар.

1921 йил апрелда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси озиқ-овқат, ем-хашак ва хомашё развёрсткасини маҳсулот солиғи билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда 1921-22 йиллар учун солиқ миқдори белгиланди. Туркистон меҳнатқашларидан олинадиган солиқ марказий районлардан фарқли ўлароқ йил охирида йиғиб олинган ҳосил миқдорига қараб эмас, балки экилган ернинг ҳар десятинаси, шунингдек, қора мол ва майда моллар ҳисобидан олинадиган бўлди. Бу эса Туркистон деҳқонининг камситилишини билдирарди.

Бундан ташқари, совет ҳукумати ўлкада биринчи навбатда ўзи учун зарур бўлган тармоқларни, чунончи, пахта, қанд лавлаги, тамаки ва бошқа техник экинларни ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратди. Ёрдам кўрсатиш баҳонасида 300.000 дан ортиқ ишчи ва деҳқон оилалари Россия марказий районларидан Туркистонга келтирилиб жойлаштирилди.

Янги иқтисодий сиёсат асосида саноатни хўжалик ҳисобига ўтказиш жараёни амалга ошириб борилди. Бу эса саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг бироз бўлсада жонланишига олиб келди. Майда ва ўрта саноат корхоналари, йирик кооператив ташкилотлари ва уларнинг бирлашмалари тадбиркорларга ижарага берилди. Ўлкада янги саноат корхоналари, темир йўллар қурилди. **Хилково цемент заводи, Фарғона пиллачилик фабрикаси, Тошкент гуруч заводи, Қизилқия, Хилково темир йўл шахобчалари шулар** жумласидандир.

Ўлкада айниқса **пахтачилик** ва у билан бевосита боғлиқ бўлган пахта тозалаш корхоналари тез суръатда ўсди. Бу Марказ тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига талаб-эҳтиёжи ортиб бораётганига кўп жиҳатдан боғлиқ эди.

Натижада пахта экиладиган майдонлар 1924 йилда 1921 йилга нисбатан 3 баробар кўпайди. Ишлаб турган саноат корхоналари сони 144 тага етди. Биргина пахта тозалаш саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1923 йилдаги 23,9 млн. сўмликдан 1924 йилда 57,8 млн. сўмга етди. Бундан кўринадики, янги иқтисодий сиёсат асосида Туркистон саноати тикланиб сезиларли даражада ривожлана бошлади.

Бирок партия ва совет ҳукумати янги иқтисодий сиёсат Туркистонда синфий курашнинг кескинлашувиға олиб келмокда, маҳаллий бойлар, миллий буржуазия қолдиқлари, йирик савдогарлар, мусулмон руҳонийлари ва бошқа эксплуататор унсурлар жонланмокда, деб уларға қарши мафкуравий ташвиқот ва тарғибот ишларини кучайтириб юборди. Жумладан, РКП(б) XII съездида (1923) Бухоро ва Хивада туркман ва қирғизларға қарши «ўзбек шовинизми» мавжуд, деб қайд этишгача борилди. Бу асоссиз даъво ва эътирозлар ўлкада миллий низоларни келтириб чиқаришдан бошқа нарса эмас эди.

Бу хол аста-секинчилик билан ўлкада янги иқтисодий сиёсат йўлидан чекинишга олиб келди. Дехқонга берилган имтиёзлар қайтариб олинди. Улар қишлоқ хўжалик артелларига бирлаштирила бошланди. Саноатни миллийлаштириш жараёни авж олдирилди. Айниқса 20-йилларнинг охирларига келиб иттифокнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви тизимининг кучайиши натижасида янги иқтисодий сиёсат ўз мазмуни ва моҳиятини тобора йўқота борди.

Индустрлаштириш XX аср 20-йиллари ўрталаридан эътиборан советларнинг бутун диққат-эътибори мамлакатни индустрлаштиришга қаратилди. Бунинг асосий сабаби шундаки, индустрлаштириш СССРда социализм куриш дастурий режасининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланарди. ВКП (б) XIV съездида (1925) мамлакатни индустрлаштириш социализмни барпо этишнинг бош стратегик вазифаси, деб белгиланди. Ҳуқмрон Марказ бу асосий вазифани бажаришга халқни сафарбар этар экан, бунда бу ишни мамлакатнинг барча минтакаларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам тезкор суръатларда амалга оширишга қарата қатъиян йўл тутди.

Ўзбекистонда индустрлаштириш ишини амалга ошириш орқали советлар кўп нарсага умид боғлагандилар. Энг асосийси, улар бу ўлкада кўплаб саноат корхоналари ва тармоқларини яратиш йўли билан унинг бой табиий ва минерал ресурсларини ишга солиш, арзон ишчи кучидан фойдаланиш ва охир-оқибатда Марказ учун кўпроқ фойда ундириб олишни кўзлаганлар.

Индустрлаштириш жараёни Ўзбекистонни Марказ таъсирига олиш, унинг ҳуқмига янада бўйсундириш учун қулай имкониятлар яратарди. Гап шундаки, замонавий саноат тармоқларини вужудга келтириш, ишга тушириш республиканинг иқтисодий тараққиёти учун ғоятда катта аҳамият касб этарди. Бирок бу жараён жуда кўп миқдордаги молиявий ресурслар, пул маблағлари, хилма-хил техника жиҳозлари, илмий-техника салоҳияти, кўп сонли юқори маълумотли муҳандис-техник ходимлар, малакали ишчи кадрлар ва хоказо омиллар билан боғлиқ эди. Бундай салоҳиятга Ўзбекистон мутлақо эга эмас эди. Негаки, республика бу даврга келиб, халқ хўжалиги тармоқларини қайтадан тиклашга аранг эришиб бораётган эди. Шу боис бу минтакада индустрлаштириш жараёнининг ташаббускори ва ташкилотчиси бевосита Марказ ва Коммунистик партия бўлди. Бу ўринда айтиш жоизки, иттифок ҳукуматининг режасида

Ўзбекистонда замонавий йирик индустриал тармоқларни эмас, балки кўпроқ хомашёни қайта ишлайдиган саноат корхоналари, тоғ-кон саноатини ривожлантиришга асосий урғу берилганди. Негаки, бу ҳудуд Марказ учун кўпроқ хомашё маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослаштирилиши керак эди. Шу боис ҳам муҳим эътибор пахтачилик ва у билан бевосита боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга қаратилганди. Ўзбекистонда 1925 йилда атиги 21 саноат тармоғига тааллуқли 149 та корхона мавжуд эди, холос. Улар ҳам асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мослашган эди.

Индустриаллаштириш даврида республикада 17 та пахта тозалаш заводлари барпо этилди. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Марғилон ва Шаҳрисабзда пиллакашлик фабрикалари, Фарғона ва Тошкент тўқимачилик, Чирчиқ электрокимё комбинатлари, Тошкент машинасозлик заводи ва шу сингари корхоналар қурилди. Ўша давр расмий маълумотларига кўра Ўзбекистонда биринчи беш йиллик (1928-1932 йй)да 289 та ва иккинчи беш йиллик (1933-1937 йй) даврида 189 та саноат корхоналари барпо этилган. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йил сайин ортиб борди. Чирчиқ, Олмалик, Бекобод, Ангрен, Янгийўл, Қувасой каби саноат шаҳарлари вужудга келди. 1925-1940 йиллар давомида республикада қурилган ГЭСлар сони 49 тага етди. Тошкент-Ангрен темир йўли, Тошкент-Термиз катта автомобиль йўли қурилди.

Иккинчи жаҳон урушига қадар Ўзбекистоннинг саноат салоҳияти 1445 та йирик ва ўртача саноат корхоналари ва 19 мингга яқин майда корхоналарни ўз ичига оларди. Гарчанд саноат қурилиши анча кўзга кўринарли тарзда ривожланиб, муайян ютуқларга эришган бўлса-да, бироқ бу соҳада кўплаб жиддий муаммолар, нуқсонлар мавжуд эди. Аввало, юқоридан тазйиқ қилиш амалиёти, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари Ўзбекистон саноати тармоқларида чуқур илдиз отган эди. Жумладан, республика метрополиянинг рангли ва нодир металллар, олтингугурт, вольфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминловчи минтақасига айлантирилди.

Марказ амри билан республиканинг хомашё, табиий ресурслари аёвсиз эксплуатация қилинган ҳолда унинг ўзига хос иқтисодий манфаатдорлиги ҳеч қандай назар-писанд қилинмасди. Ўзбекистонда қурилган саноат корхоналарининг талай қисми тўлиғича иттифоқ ихтиёрига бўйсунарди. Бинобарин, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва ундан келадиган тушумлар ҳам Марказ хазинасини бойитишга хизмат қиларди.

Республикада индустриаллаштиришнинг муҳим бир характерли томони шундаки, бу жараён давомида малакали ишчи кучи етишмаганлигидан, хусусан РСФСР ҳудудидан бу ерга жуда кўплаб одамлар оқими кириб келди. Улар ҳисобига республиканинг ишчилар синфи сафлари тўлдирилиб борилди. Жумладан, 1926 йилдан то 1940 йилга қадар **Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10%дан ортиқроққа кўпайди.** СССРнинг марказий туманларидан аҳолини сунъий тарзда оммавий кўчириб келиниши кўп жиҳатдан халқ хўжалик мулоҳазалари билан эмас, балки кўпроқ

сиёсий мулоҳазалар тақозоси билан, республика ишчи ва хизматчиларига ғоявий, маъмурий босим ўтказиш мақсадида амалга оширилган эди. Агар жойларда ўзининг малакали ишчи кадрларини кенг миқёсда тайёрлаш ташкил этилганда эди, кўплаб маҳаллий ёшларни фойдали ишга жалб этиш ҳамда уларни малакали ишчи кадрлар қилиб тарбиялашга сезиларли таъсир кўрсатиши шубҳасиз эди.

Шундай қилиб, индустриалаштириш йилларида партия ва совет ҳукуматининг сўзи билан амалий иши ўртасида яқдиллик ва уйғунлик бўлмади. Социализмнинг капитализмдан афзаллиги, **меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳаёти мазмунини чуқур ўзгартириш тўғрисидаги ғоялар амалиётда пуч бўлиб чиқди.** Халқ оммасининг ўн йиллар давомида тўккан пешона тери, амалга оширган тинимсиз меҳнати, чеккан заҳмати, фидокорлиги унга фаровонлик келтирмади.

3. Ўзбекистонда ер-сув ислохоти ва деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш, унинг оқибатлари

Азалдан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти маскани ҳисобланган ҳамда аҳолисининг мутлоқ кўпчилиги кишлоқ хўжалигида банд бўлган Туркистон халқлари учун ер-сув, ундан фойдаланиш масаласи фавқуллодда аҳамият касб этарди. Негаки, ўлка аҳолисининг анчагина қисми ерсиз эди. Бир парча ерга мухтож бўлганлар бойлар, заминдорларнинг мулкида чоракорлик билан ҳаёт кечириб, оила тебратиб келарди. Бунинг устига кўплаб серҳосил, унумдор ерлар Россиядан кўчириб келинган рус оилалари фойдасига мажбуран олиб берилган эди. Чоризмнинг Туркистондаги бу мустамлакачилик сиёсати ерсиз, батрак деҳқонларнинг аҳолини танглаштириб юборган эди. Шу боис ҳам маҳаллий ерли аҳоли янги совет ҳокимиятининг «Ер деҳқонларга» деган ваъдалари, даъватларига умид боғлаб, унинг ер тўғрисидаги дастлабки декретининг амалга ошувига кўз тикиб келаётганди.

Совет ҳукумати кўп сонли деҳқон аҳолисини ўз томонига қаратиб олишни кўзлаб ер тўғрисидаги декретни қабул қилган бўлса-да, аммо уни амалга оширишдан кузатган мақсадлари бошқача эди. Советларнинг ер-сув ислохоти масаласида тутган сиёсатининг пировард мақсади хусусий ер-мулкларни мусодара қилиш, миллийлаштириш орқали уларни тугатиб, жамоалар ихтиёрига бера бориб, аста-секинлик билан йирик социалистик хўжаликларни қарор топтириш эди. Туркистонда шу мақсадларни кўзлаб ер-сув ислохотини ўтказишга киришилди.

Ер-сув ислохоти Туркистон советларининг XI съездида (1920 йил) ўлкада ер-сув ислохоти масаласи кўриб чиқилди, бу соҳадаги асосий вазифалар белгиланди. Бунга кўра аҳолининг қўлидаги қатта ерларни мусодара қилиш, европалик келгинди аҳоли билан ерли халқлар ўртасида ер-сув масаласида вужудга келган тенгсизлик муносабатларига барҳам бериш, меҳнаткаш аҳолини советлар теварагига жипслаштириш зарур деб топилди. Шу мақсадда жойларда кишлоқ ва овуллар маҳаллий аҳолисининг ерсиз, камбағал қисмини бирлаштирувчи

«Кўшчи» уюшмалари тузила бошланди. «Кўшчи» уюшмалари коммунистларнинг деҳқонлар орасидаги таянчига айланиб, ер-сув ислохотини ўтказишда партиёга катта ёрдам кўрсатиб борди. Туркистон АССР ҳудудида 1921-1922 йиллар давомида ер-сув ислохотининг биринчи босқичи йирик ер-сув эгаларига қарши кескин кураш шиори остида ўтказилди. Масалан, Самарқанд вилоятида 350 та катта ер эгаларидан 13 минг десятина ерлар тортиб олинди. Республика бўйича бой ва ўзига тўқ аҳолидан 1,7 млн. десятина ер тортиб олинди, уларнинг 117 минг десятинаси ерсиз камбағалларга берилди, қолган катта қисми асосида «Кўшчи» уюшмалари тузилди. Бу совет ҳокимиятининг камбағалларни ўз томонига оғдириб олишга қаратилган ҳаракати эди. Ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари сақлаб қолинди.

1925 йил декабрда бўлган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитасининг Фавқулодда сессияси «**Ер ва сувни миллийлаштириш тўғрисида» декрет** қабул қилди.

Декретга биноан қуйидаги тарзда ерлар батамом мусодара қилиниши керак эди:

- Қаерда туришидан қатъи назар Фарғона вилоятида 40 десятинадан, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 50 десятинадан ортиқ суғориладиган ери бўлган мулк эгаларининг ерлари, жами жонли ва жонсиз мулки билан;
- Қишлоқ ва овулларда яшамаган, ўзлари ва оила аъзоларидан бирортаси ҳам ерда ишламайдиган шахсларга қарашли ерлар, бошқа мол-мулки билан;
- Вақф ерлари, хўжайинлари номаълум ерлар.

Ер-сув ислохотининг иккинчи босқичи қишлоқда асосий куч бўлган ўртаҳол деҳқон билан алокани мустаҳкамлаш шиори остида ўтди. Фарғона вилоятида 7 десятина, Тошкент ва Самарқанд вилоятида 10 десятинагача ери бор ўртаҳол деҳқонлар мулки сақланиб қоладиган бўлди. Бундан кўзланган мақсад уларни совет ҳокимиятининг таянчига айлантириш эди.

1926 йил декабрда юқорида номлари қайд этилган уч вилоятда ўтказилган ер-сув ислохоти тажрибаси республика миқёсида умумлаштирилиб, уни қолган вилоятларда ҳам ўтказишга қарор қилинди. Ислохот Зарафшон вилоятида бошланиб, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида давом эттирилди.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда 20 гектар суғориладиган ва 45 гектар лалмикор ва баҳорикор ерга эга бўлган катта ер эгаларининг ошиқча ерлари мусодара қилинди. 1929 йилда ер-сув ислохоти Қорақолпоғистонда ҳам ўтказилди.

Ер-сув ислохоти натижасида Ўзбекистонда жами 4801 «помещик» типигаги хўжаликлар тугатилди. 13036 та бадавлат мулкдорларнинг ортиқча ерлари тортиб олинди. Республиканинг ер фондига 474393 десятина ер кўшилди. Қишлоқ аҳолисини қишлоқ хўжалик артелларига бирлаштириш кучайиб борди. 1929 йилда уларнинг сони 1665 тага етди. Жамoa хўжалиги ҳисобланган артелларга 30 минг киши аъзо бўлган эди.

20-йилларда ўтказилган ер-сув ислохоти даврида бадавлат деҳқонларнинг ерлари, вақф ерлари, руҳонийларга тегишли ерлар давлат томонидан тортиб олинган эди. Ер билан бирга ҳамма от-улов ва асбоб-ускуналар ҳам мусодара

қилинди. Умуман 1925-1929 йилларда бойлар, йирик савдогарлар ва рухонийларнинг 45 мингга яқин хусусий хўжаликлари батамом тугатилади. Кўпгина хўжаликлар тасарруфидаги ортиқча ерлар ҳам тортиб олинган эди. Бу ерлар қайта тақсимланиб, уларнинг катта қисми ерсиз ёки кам ерли деҳқон хўжаликларига мулк қилиб берилди. Бунинг натижасида батрак - камбағаллар тоифаси ислохотдан олдин барча деҳқонларнинг 76 фоизини ташкил этган бўлса, ислохотдан сўнг уларнинг сони 39 фоизгача қисқарди. Уларнинг хўжалик турмуши яхшиланиб, ўсиб борганлиги боис ўрта ҳол деҳқонлар салмоғи 17 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. Шу тариқа, қишлоқда товар-ғалла етиштирувчи майда ишлаб-чиқарувчиларнинг салмоғи кўпайиб борди. Бу ислохот жараёни давомида республикада жамоа хўжаликлари, яъни колхозлар ташкил этилади. Бироқ уларнинг ҳали хўжалик ва молиявий заифлиги, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пастлиги кўзга ташланиб турарди.

20-йиллар охирига келиб республика қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик соҳасининг Марказ ҳукуматида қарамлиги, **пахта яккахокимлиги** кучайди. Чунончи, 1927-1928 хўжалик йилида ўлкадан Марказга олиб кетилаётган товарлар умумий қийматининг 77,8 фоизини пахтачилик маҳсулотлари ташкил этган. Бунинг устига совет мамлақати эҳтиёжи учун етиштириб берилаётган ўзбек паhtасининг харид нархи дунё баҳосидан анча кам белгиланарди. Ғалла нархларининг бу даврда мамлакат миқёсида 20-25 фоизга пасайтирилганлиги айниқса 1927 йилги ғалла тайёрлаш соҳасидаги ишларда жиддий қийинчиликлар туғдирганди.

Совет ҳокимиятининг 20-йилларда қишлоқда юритган бир қадар мўътадил сиёсатидан баҳра олиб, ер-сув ислохотидан наф топиб, ўз хўжаликларини анчайин оёққа тургизиб, ўрта ҳоллар даражасига кўтарилиб олган ўзбек деҳқонлари ҳаёти ва қисмати, таассуфки, тез орада ҳукмрон партия бошлаб юборган оммавий коллективлаштириш жараёни гирдобига ғарқ бўлди. Оммавий коллективлаштириш жараёни қишлоқ аҳли ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборди.

Ёппасига коллективлаштириш ВКП(б) XV съезди (1927) белгилаб берган қишлоқда **коллективлаштириш сиёсати** ва уни изчил амалга ошириш бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистон ва унинг халқи учун ҳам асосий амалий вазифага айланганди. Тоталитар ҳокимият қишлоқда коллективлаштириш сиёсатини зўрлик, ўзбошимчалик ва маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан ўтказишга киришди.

Марказ буйруғи ва кўрсатмасини бажаришни ўзлари учун катта шараф деб билган, унга кўр-кўрона асосланган раҳбарлар **деҳқонларни зудлик билан колхозларга киритиш** учун «жон куйдирдилар». Айниқса 1929 йилнинг иккинчи ярми ва 1930 йил бошларидан мавжуд реаллик билан ҳисоблашмай омонат жамоа хўжаликлари тузиш мавсуми авж олдирилди. Масалан, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг 1930 йил 17 февралдаги «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида»ги қарорида республиканинг 17 та туманида ёппасига жамоалаштириш вазифаси белгиланган эди. Кўп жойларда қулоқларни

тугатиш шиори остида ўртаҳол, ҳаттоки камбағал деҳқон хўжаликларига нисбатан ҳам зулм ўтказилди. 1929 йил октябрга қадар республикадаги деҳқон хўжаликларининг 3,4 фоизи колхозларга киргани ҳолда, 1930 йил мартага келганда деҳқон хўжаликларининг 47 фоизи колхозлаштирилган эди. 1931 йил охирида бу кўрсаткич 68,2 фоизга етди.

Коллективлаштириш ишидаги шошма-шошарлик, жойлардаги реал шарт-шароитлар билан ҳисоблашмаслик, миллий ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолисининг миллий анъаналари, удумларини, диндорлик даражаси, маданий-маънавий савиясини эътиборга олмаслик охир-оқибатда бундан ҳам кўнгилсизроқ ҳолатларнинг юз беришига сабаб бўлди. Кўп қишлоқ туманларида ҳокимият органларининг зўравонлиги, ўзбошимчалигига аҳоли кескин норозилик билдириб, турли ҳаракатлар уюштиришга мажбур бўлди. 1929-1930 йилларда деҳқонларнинг совет тузумига нисбатан оммавий норозилик ҳаракатларида фақат Қашқадарё округидан 14 минг нафар киши қатнашган. Маълумотларда қайд этилишича, бундай **оммавий норозилик ҳаракатлари шу даврда республика бўйича 240 марта содир бўлган**. Энг ачинарлиси шуки, кўплаб оддий деҳқон хўжаликлари арзимаган сабаблар билан ёхуд биргина жамоа хўжалигига киришга рағбат билдирмаганлиги вазидан бор будидан маҳрум этилиб, уй-жойи, мол-мулки тортиб олиниб, қулоқлар рўйхатига тиркаб юборилаверган. Бу ноҳақликни олдини оладиган, уни адолатли ҳал этиб ажрим қиладиган бирор бир мард топилмаган ўша кезларда. Ҳамма ўзини ўйлаш, бу бало-қазолардан эҳтиётланиш чораларини излашга мажбур бўлган эди у замонларда.

Қулоқлаштириш Статистик маълумотларга қараганда жамоалаштириш бошларида Ўзбекистонда шартли равишда «қулоқ» хўжалигига киритиш мумкин бўлган хўжаликларнинг салмоғи аслида умумий деҳқон хўжаликларининг 5 фоизидан камроғини ташкил этарди, холос. Бироқ оммавий жамоалаштириш бошланиши билан **15 фоиздан ортиқ хўжаликлар «қулоқлаштириш»га дучор бўлди**. Ҳақиқатда эса булар ўртаҳол деҳқон оилалари эди. Фақат 1930 йилнинг ўзида республикада «бой» ва «қулоқ» хўжаликлар тоифасига киритилган 2648 та ўртача деҳқон хўжаликлари тугатилган эди. 1931 йил августига келиб республикада кўшимча яна 3828 та «қулоқ хўжаликлари» тугатилди.

Республиканинг ўзига тўқ, бозорга товар ғалла етиштириб беришга қодир сон-саноксиз деҳқон хўжаликлари бор нарсасидан маҳрум бўлиб, ҳақсиз-ҳуқуқсиз ҳолда ўз оила аъзолари билан узоқ ҳудудларга (Сибирь, Украина, Қозоғистон) ёки янги ўзлаштирилаётган чўлли, тўқайзор, қамишзор ерларга бадарға қилиндилар.

Айни пайтда деҳқон хўжаликларини мажбурий қулоқ қилиш, бошқа жойларга сургун қилиш ишлари авж олдирилди. Ўзбекистондан Украина, Сибирь ва Шимолий Кавказга 3871 «қулоқ оиласи» сургун этилди. 1933 йилда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликлари сони 5500 тага етди. Минг-минглаб қишлоқ оилалари бундай хавф-хатарнинг бўлишини олдиндан ҳис қилиб, ўз киндик қонлари тўкилган муқаддас заминни тарк этиб, узоқ бегона юртларга бош олиб

кетишга мажбур бўлдилар. Уларнинг кўплари узоқ йиллар хорижий элларда умргуздорлик қилиб, она юрт соғинчи билан, унга талпиниб яшаб ўтдилар. Фақат Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнггина орзу-армонлари ушалиб, янгидан Ватаннинг мўътабар тупроғини тавоф қилиш бахтига мушарраф бўлдилар.

Маъмурий таълим, ошкора зўравонлик, иқтисодий террор усуллари ва шу каби таъсир чоралари орқасида «Колхоз қурилиши» ривожлантириб борилди. 1932 йил охирига келиб умуман Ўзбекистонда жамоалаштирилган хўжаликлар барча деҳқон хўжалиklarининг 81,7 фоизини бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжалиklари негизда 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилганди. Бу жараён кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. 1937 йилда деҳқон хўжалиklarининг жамоалаштириш даражаси 95 фоизга етган бўлса, 1939 йилда у 99,2 фоизни ташкил этди. Оммавий коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон бўйича 60 мингдан ортиқроқ киши «қулоқлар»га мансубликда айбланиб қатогон қилинди. Шундай қилиб, 30-йиллар давомида Ўзбекистонда зўравонлик йўли билан «Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш», «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсати узил-кесил хал қилинди.

«СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш» асосан Ўзбекистон халқи зиммасига юклатилган эди. 1935 йилда Ўзбекистонда 1 млн. тонна пахта тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич 1939 йилда 1,5 млн. тоннани, 1941 йилга келиб эса 1 млн. 656,2 минг тоннани ташкил этди. Бу Бутуниттифок бўйича тайёрланган пахтанинг 60 фоизидан зиёдроғини ташкил қиларди. 30-йиллар давомида республика қишлоқ хўжалиги тизимида пахта яккаҳоқимлиги мустақкам ўрин эгаллаб борди. Жумладан, агар 1933 йилда пахта маҳсулоти республика етиштириб тайёрлаб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 81,5 фоизини ташкил этган бўлса, 1937 йилга келиб бу рақам кўрсаткичи 93,4 фоизга етди.

Техникавий таъминот Ўзбекистонда деҳқон хўжалиklarини оммавий тарзда жамоалаштириш ишлари айна чоғда янги хўжалиklarга моддий-техник база бўлиб хизмат қиладиган **машина-трактор станциялари (МТС)** ни ташкил этиш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилди. Ўзбекистонда дастлабки машина-трактор станцияси 1929 йилда Андижон вилоятининг Асака туманида ташкил этилиб, у янгидан тузилган жамоа хўжалиklarига техник ёрдам кўрсатган эди. Аста-секин уларнинг сони ортиб борди. 1931 йилга келиб МТСлар 48 та қишлоқ туманларида ташкил этилиб, қишлоқ аҳлининг дала юмушларига хизмат кўрсатди. МТСларнинг йирик деҳқон хўжалиklarига нафи катта бўлганлигидан, уларнинг сафи республикада тўхтовсиз ортиб борди. Жумладан, 1937 йилда уларнинг сони 163 тага, 1941 йилга келганда эса 189 тага етди. Гарчанд йирик жамоа ерларини ишлаб бериш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, қишлоққа техника олиб кириш, техника илмидан қишлоқ меҳнатчиларини хабардор қилиш, маълумотини оширишда МТСлар муҳим рол ўйнаган бўлсада, бироқ бу нарса жамоа хўжалиklarининг давлатга тобелигини янада кучайтирди. Бунинг асосий

сабабларидан бири шундаки, йирик ишлаб чиқариш воситалари МТСлар орқали тобора давлат қўлида тўплана борди. МТСлар жамоа ерларини натурал ҳақ эвазига ишлаб беради, бу ҳақнинг миқдори эса юқоридан, давлат органлари томонидан белгиланади.

Ирригация ва мелиорация ишлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва айниқса унинг етакчи тармоғи-пахтачилик соҳасининг тезкор ривожланишидан манфаатдор бўлган совет ҳукумати аввал бошдан республикада **ирригация ва мелиорация** тизимини яхшилаш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор бериб борди.

Шу мақсадда 1922 йилдаёқ республикада ирригация тизимини қайта тиклаш ва янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати таркибида сув ва қишлоқ хўжалиги Халқ Комиссарлиги, унинг ҳузурида эса сув хўжалиги бош бошқармаси, жойларда вилоят, туман, участка сув қўмиталари ташкил этилди. Уларга давлат ёрдами кўрсатиб берилди. Жумладан, 1922 йилда ирригация ишларига 6 млн. олтин рубль ҳисобида маблағ ажратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад суғориладиган ерларни 2 йил ичида 2 млн. десятинага етказиш эди. Жойларда сув иншоотлари қурилиши авж олдириб юборилди. Янги каналлар, ариқлар қурилди. Кўплаб янги ерлар ўзлаштирилди. Натижада 1924 йилга келиб суғориладиган ерлар миқдори 2,4 млн. десятинага, шу жумладан, пахта экиладиган майдон эса 500 минг десятинага етказилди.

Бу ишлар Ўзбекистон ССР тузилгач, янада авж олди. Урушгача бўлган даврда республикада Дарғом, Норпой, Совой, Далварзин, Лоған, Катта Фарғона каналлари, Каттакўрғон сув омбори каби кўплаб сув иншоотлари қурилди. Далварзин, Совой, Учкўрғон, Мирзачўл, Чирчик-Оҳангарон водийларида, Зарафшон дарёси хавзасида, шунингдек, Қашқадарё ва Сурхондарёда ирригация тармоқлари анча яхшиланди. 1929-1933 йилларда бу соҳага 234,9 млн. рубль сарфланди.

1939 йилда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси ва республика ҳукумати хашар йўли билан Катта Фарғона каналини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўша йилнинг 1 августидан 160 минг колхозчи канал қурилишини бошлаб юборди. Узунлиги 270 километр бўлган бу канал асосан қўл меҳнати билан 45 кун ичида қурилди.

Катта Фарғона канали Фарғона водийсининг асосий қон томири бўлиб қолди. Водийда 60 минг гектар чўлли ерлар ўзлаштирилиб, 500 минг гектар ерни сув билан таъминлаш имконияти яратилди. Шунингдек, иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда Шимолий ва Жанубий Фарғона каналлари, Тошкент канали, Кампирровот сув тўғони, Қорақалпоғистонда Қизкетган канали, сифими 1 млн куб\метр бўлган Каттакўрғон сув омбори ва кўплаб бошқа сув иншоотлари барпо этилди. Бунинг натижасида 1937-1940 йилларда республикада суғориладиган ер майдонлари кўшимча 200 минг гектарга кўпайди.

Шундай қилиб, Совет ҳокимияти қишлоқда коллективлаштириш сиёсатини олиб боришда қишлоқ аҳлига нисбатан нечоғлиқ зуғум ўтказмасин ҳамда не-не оғир синов-синоатларга дучор этмасин, бироқ улар халқ иродасини, унинг азму қорорини сўндира олмади. Ўзбек халқи фидойилик билан меҳнат қилишда давом этди.

4. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, пахта яккахокимлиги

Гарчи иккинчи жаҳон уруши ва унинг яқунлари советлар мамлакати фойдасига ҳал бўлиб, бундан кейин унинг халқлари олдида ижтимоий таракқиётнинг янги марралари очилгандек кўринсада, бироқ тез орада тоталитар тузумнинг уларга зуғуми, зўравонлиги, таъсир-таъйиқи янгидан кучая борди. Ўзбекистон иқтисодиётини бир томонлама ривожлантириш, уни мамлакатнинг асосий пахта базасига айлантириш, бу ҳудудда пахта яккахокимлигини кучайтириш - Иттифок ҳукмдорларининг бош мақсадига айланди. СССР ХКС ва ВКП (б) МҚнинг 1945 йил 15 июлдаги «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» ги ва СССР ХКСнинг 1946 йил 2 февралдаги «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарорлари ҳам шу мақсадга қаратилган эди. Туб аҳоли манфаатларига ҳамоҳанг бўлмаган, пахта яккахокимлигини кучайтиришга йўналган бу қарорлар Ўз КП МҚнинг 1945 йил сентябрида бўлган XII пленумида муҳокама этилиб, ижро этиш учун қабул қилинди.

Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган маблағларнинг кагта қисми пахтачиликка ажратилди ва унинг билан боғлиқ бўлган тармоқларга сарфланди. Республика трактор парки сезиларли кўпайди, колхозларга техник хизмат кўрсатувчи МТС лар сони 245 тага етди, улардаги тракторлар сони 1950 йилда 29,5 мингтани, пахта териш машиналари сони 3617 тани ташкил этди.

Республика қишлоқ хўжалигининг юк автомобиллар парки 1950 йилда 7934 та юк автомобиллари ва автоцистерналарни ташкил қилди.

1950 йилга келиб амалга оширилган муҳим тадбирлардан яна бири, бу мавжуд жамоа хўжаликларининг йириклаштирилиши бўлди.

Ўзбекистон ССРда 1777 та майда колхозлар ўрнига 752 та йирик колхозлар ташкил этилди.

Хукмрон совет мафқурасининг зўр бериб юрт одамлари ўртасида сохта ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик ғояларини ёйиши, доимий меҳнат сафарбарлигининг ўтказилиши ва шу сингари зўрма-зўраки тадбирлар натижасида республикада пахтачилик ва бошқа соҳалар бутун чоралар билан ривожлантириб борилди. Агар 1940 йилда гектаридан 14,9 ц. пахта ҳосили олинган бўлса, 1950 йилда республика пахтакорлари 2282,4 минг тонна пахта хомашёси етиштирдилар, ҳосилдорлик гектарига 20,1 ц.ни ташкил қилди.

50-йиллардан бошлаб Марказ амри билан республика меҳнат аҳлининг бутун эътибори тақир ва бўз ерларни ўзлаштириш ва у ерларда пахтачилик хўжаликларини янгидан ташкил этишга қаратилди. Собиқ КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг 1956 йилги «пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўл кўрик ерларини суғориш тўғрисида»ги, 1958 йилги «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва Тожикистон ССР даги Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш ишларини янада кенгайтириш ва жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан Мирзачўлда катта майдонларда кўрик ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилди.

Янги ерларни ўзлаштириш жараёни янги совхозлар, уларнинг хўжалик бинолари, аҳоли яшайдиган поселкалар бунёд этиш билан бирга олиб борилди. 1956-65 йилларда Мирзачўлда 84 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, 16 та пахтачиликка ихтисослашган, битта боғдорчилик-узумчилик совхозлари ташкил этилди. Шу йилларда ўзлаштирилган жойларда 456 минг кв метр турар жой бинолари, ўнлаб мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, ошхоналар, маданий маиший муассалар барпо этилди. 170 км темир ва 759 км автомобиль йўллар қурилди, 637 км электр линиялари ўтказилди, хўжаликлар, турар жой бинолари газлаштирилди. Мирзачўл ерларини суғориш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш тадбирлари амалга оширилди. Жанубий Мирзачўл канали қурилди. 1957 йилда Янгиер ва 1961 йилда Гулистон шаҳарлари вужудга келди. 1963 йил 16 февралда маркази Гулистон шаҳри бўлган **Сирдарё вилояти** ташкил этилди. Вилоятда пахта экиладиган ер майдонлари 1956 йилдаги 130 минг гектардан 1965 йилда 211 минг гектарга, пахта хом-ашёси етиштириш эса 243 минг тоннадан 441 минг тоннага кўпайди.

Марказий Фарғона, Қорақалпоқ АССР, Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ҳам суғориладиган ерларни кенгайтириш, ирригация қурилиши ишлари кенг кўламда олиб борилди. Қорақалпоғистонда янги шоликорлик совхозлари ишга тушди. Бухоро вилоятида 1963 йилда **Аму-Қорақўл машина-канали**, 1965 йилда **Аму-Бухоро машина-канали** қурилиб фойдаланишга топширилди. Натижада Бухоро вилоятида **90 минг гектар ер**, жумладан 26 минг гектар янги ер майдонлари суғориладиган, Қизилкум саҳросида майдони 300 минг гектардан ортиқ яйловларга сув борадиган бўлди.

1953-1963 йилларда Марказий Фарғона чўлларида 72,4 минг гектар ер ўзлаштирилди, 16 та янги колхоз ва 2 та янги совхоз вужудга келди.

50-60 йилларда Косонсой, Қамаш, Фарғона, Пачкамар, Чорвоқ, Қуйимозор, Жанубий Сурхон, Чимкўрғон, Тошкент, Оҳангарон сув омборлари, сувдан тежаб фойдаланиш мақсадида 545 км бетон ариқлар қурилди.

Собиқ КПСС МҚнинг 1966 йил Май Пленумининг мелиоратив ишларни кенгайтириш ҳақидаги қарори Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш ишларини янада кенгайтиришга асос бўлди.

Жиззах чўлида 70 минг гектардан кўпроқ янги ерлар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ерларда Мирзачўл (1967), Дўстлик (1970), Зафаробод (1973), Арнасой (1977) туманлари ташкил этилди. Саноат корхоналари барпо этилган,

аҳоли зичроқ яшайдиган поселкалар базасида Пахтакор (1974), Дўстлик(1974), Гагарин (1974), Ульяновск(1974), Ильич (1980) шаҳарлари вужудга келди. Жиззах чўлида 1454 минг кв метр турар жой бинолари, 21,9 минг ўринли мактаблар, 6800 ўринли болалар боғчалари, клублар, шифохоналар, ошхоналар қурилди. 1973 йилда **Жиззах вилояти** ташкил этилди.

Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон АССРда ҳам сув хўжалиги, янги ерлар ўзлаштириш ишлари кенг миқёсида олиб борилди. 70- йилларда Амударё суви ҳисобига энг йирик Туямўйин, Кампировот дарёси бўйида Андижон, Наманган вилоятида Чортоқ ва Эскар, Самарқанд вилоятида Қоратепа, Сурхондарё вилоятида Дехқонобод сув омборлари бунёд этилди. Катта Наманган, Паркент ва бошқа каналлар қурилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон худудида 1946-65 йилларда қарийиб 600 минг гектар янги суғориладиган ерлар ишга туширилган бўлса, 1966-85 йилларда 1,6 миллион гектар янги ерлар ўзлаштирилиб фойдаланишга топширилди. 1985 йилда 10 миллиард кубометр сувни тўпловчи 23 сув омбори. 197 минг км узунликдаги каналлар, 900 та суғориш тармоғи, 92 минг гидроузеллар ишлаб турди. Ўзлаштирилган кўриқ ерларда 160 совхоз ташкил этилди. 7,7 млн кв м турар-жой, 37 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 102 минг ўринли умумтаълим мактаблари барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техник базаси мустаҳкамланди. Хўжаликларни электр энергияси билан таъминлаш, уларга тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар етказиб бериш ишлари анча яхшиланди. Масалан, 1985 йилда колхоз ва совхозларда 189 минг трактор, 37 минг пахта териш машинаси ва бошқа турдаги техника воситалари бор эди.

Чўлларни ўзлаштириш учун минг-минглаб одамлар сафарбар этилди. Бу жойларни ободонлаштириш, пахта плантацияларини кўпайтириш учун юз минглаб аҳоли оилалари билан яшаб турган сўлим масканларини ташлаб, мажбуран кўчирилди. Қанчалаб ёшлар, йигит-қизлар комсомол йўлланмаси билан бу дашт-биебонли ерларга келиб, оғир меҳнат машаққатини чекиб, давлатга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш учун тер тўкдилар. Республикада пахта яккахокимлигининг кучайиб борганлиги фактини шунда кўриш мумкинки, агар 1950 йилда 1,1 млн гектар ерга ғўза экилган бўлса, 1985 йилга келиб бу кўрсаткич 2 млн гектаргача етди. Пахта хомашёси шу йилларда 2,3 млн. тоннадан 5,4 млн. тоннага кўпайди. Ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 20,1 ц дан 27,0ц. га кўтарилди.

Республика қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш салмоғининг ортиб бориши давомида ўзбек халқи номини не замонлар дунёга машҳур қилган муҳим зироатчилик соҳалари: ширин-шарбат мева, полиз, сабзавот, соҳибкорлик, дончилик ва бошқа маҳсулотлар етиштириш аста-секин камайиб, қисқариб борди. Энг ачинарлиси шуки, халқимизнинг азалий машғулоти самараси бўлган бу хил маҳсулотларнинг кўпи бора-бора республикамизга четдан келтириладиган бўлиб қолди. Масалан, буғдой, арпа етиштириш имконияти катта бўлгани ҳолда, уни экиш учун суғориладиган ерлар ажратилмас, шу боис бу экин турлари асосан

лалмикор ерларда етиштирилди. Ҳосилдорлик ҳам гектар бошига атиги 5-8 центнерни ташкил этарди, холос. 1985 йилда республика бўйича атиги 387,9 минг тонна ғалла етиштирилган. Бу унинг эҳтиёжини мутлақо қаноатлантирмас эди, албатта. Чорвачилик, парандчилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантиришда республиканинг имконият даражаси қанчалик кенг ва ва катта бўлмасин, бироқ булар ҳам советлар даврида етарли фойда ва даромад билан ишлайдиган хўжалик тармоқларига айлана олмади.

Бунинг устига пахта майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, об-ҳаёт билан таъминлаш борасида ҳам жиддий муаммолар келиб чиқиб, уларнинг йиллар давомида ҳал этилмай келиши эса кўплаб нохуш ҳолларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Атроф-муҳитнинг бузилиши, сув хавзаларининг ифлосланиши, касаллик турларининг ортиши, ерларнинг кимёвий моддалар билан захарланиши каби ҳолат вужудга келди.

Экин майдонларининг сурункали зарарли кимёвий ўғитлар, аралаш бирикмалар билан ишланиши нафақат ерларнинг яроқсиз ҳолатга, тупроқ эрозиясига олиб келиб қолмасдан, балки айти пайтда минг-минглаб дала меҳнатқашларининг умрига ҳам завоқ бўлди, сон-саноксиз касалликларнинг вужудга келиб, кенг тарқалишига олиб келди.

5. 1946-1985 йилларда Республика саноати, унинг бир томонлама ривожлантирилиши

Тикланиш Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда саноатни тиклаш ва ривожлантириш ҳукмрон Марказ олий манфаатларидан келиб чиқилиб, унинг «социализм ва коммунизм жамияти» қуришдан иборат бош стратегик вазифалари, дастурий режаларига асосланиб ҳамда Ўзбекистонинг бой хомашё ва минерал ресурсларидан максимум фойда олишни кўзлаб бу соҳага эътибор қаратиб борилган.

Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг муҳим бўғини саналган саноати урушдан кейинги 1946-1950 йилларда тикланди ва ривожланиб борди. 1946-1950 йилларда 150дан зиёд янги саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Қувватига кўра СССРда учинчи ўринда турувчи Фарход ГЭСнинг биринчи ва иккинчи навбатлари қуриб битказилди. 1-Оққовоқ, 1-Бўзсув, 2-Бўзсув ва бошқа гидроэлектр станциялар қурилди. Қора металлургия саноати ривожланди. Ўзбек металлургия комбинатининг «300» прокат стани ва юбка листли «700» прокат стани қурилди, мартен ва прокат цехлари лоиҳада белгиланган қувватга етди. «Тошсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш», Самарқандаги «Красный двигатель» ва бошқа заводлар пахтачилик билан боғлиқ машиналар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдилар. 1950 йилда 4803 та чигит сеялкалари, 7784 та трактор культиваторлари тайёрланди. 1950 йилда 4641 та СХ-40 пахта териш машиналари тайёрланди. Пахта тозаловчи машиналар ишлаб чиқариш 1946 йилда 363 та бўлган бўлса, 1950 йилга келиб уларнинг сони 1251 тага етди.

Шунингдек ёқилғи саноати тикланди ва ривожланди. Фарғона водийсида Мойлисой, Шаҳрихон, Сурхондарёда Кокайди ва Лалмикор нефт конлари очилиб фойдаланишга топширилди. Олтиариқ нефтни хайдаш заводи кенгайтирилди. Нефт ишлаб чиқариш 1950 йилда республикада 163 млн. тоннадан ошиб кетди. Полвонтош-Асака газ қувури қурилди.

Енгил саноат ўсиб борди. Фарғона ва Қўқонда янги тўқимачилик комбинатлари, Тошкентда трикотаж фабрикаси, Бухоро, Самарқанд ва Наманганда ип йиғириш фабрикалари қурилиб ишга туширилди. Агар 1941 йилда 107 млн. метр ип-газлама ишлаб чиқарилган бўлса, 1950 йилда 161 млн. метр ип-газлама тайёрланди.

1950-1985 йиллар Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврлардан биридир. Бир томондан, Ўзбекистон халқининг фидокорона, бунёдкорлик меҳнати туфайли Республика иқтисодиёти анчагина ривожланди. Иккинчи томондан, собиқ Иттифокда ҳукумрон бўлган тоталитар тузум, маъмурий буйруқбозликнинг кучайиши натижасида ижтимоий, иқтисодий ва манавий ҳаётда бир қатор муаммолар, нохуш ҳолатлар тўпланиб бориб пировардида инқирозли вазиятни келтириб чиқарди.

Энергетика ва ёқилғи саноати 50-80 йиллар электр энергияси тармоғи кенгайтирилди. 7-Шаҳрихон ГЭСи, иккита Наманган ГЭСлари, иккита Бўзсув ГЭСлари, Чорвоқ ГЭСи, Хожикент ГЭСи қурилиб ишга туширилди. Газ билан ишлайдиган Ангрен, Тахиатош, Навоий, Сирдарё, 2-Ангрен ГРЭСлари қурилиб ишга туширилди. 1985 йилда Ўзбекистон электростанцияларининг умумий қуввати 9,9 млн. киловаттдан ортди. Шу йили 47,9 миллиард киловатт-соат, яъни 1940 йилга нисбатан 100 баравар, 1950 йилга нисбатан 18 баравар кўп электр энергияси ишлаб чиқарилди. Электр узатгич линиялари қурилиши кенгайди. Республиканинг барча электр станциялари Ўзбекистон ягона энергосистемасига уланди. Шунингдек Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг йирик электр станциялари Марказий Осиё ягона электр системасига уланди. Натижада саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш анча кенгайди, хонадонларни электр энергияси билан таъминлаш яхшиланди.

Ёқилғи саноати ўсди. 50-йилларда Сурхондарё вилоятидаги Шарғун тошқўмир кони ўзлаштирилди ва юқори сифатли қўнғир қўмир казиб чиқарила бошланди. 60-йилларда Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги Газли, Жарқоқ, Шўртепа, Шўрчи нефть конлари ўзлаштирилди. 70-йилларда Фарғона водийсида янги нефть конлари ишга тушурилди. 1959 йили қурилиб фойдаланишга топширилган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи анча кенгайтирилди. Заводда техника мойлари, бензин, дизель ёқилғиси, парафин ва бошқа 35 хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда газ саноати Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида йирик газ конларининг излаб топилиши ва ўзлаштирилиши билан боғлиқ равишда юксалиб борди. 50- йилларнинг иккинчи ярмида “Ўзбекнефтегазразведка” трести амалга

оширган геологик-қидирув ишлари натижасида 1956 йили газ захиралари 500 миллиард кубометрга тенг бўлган, фойдаланишга энг қулай Газли кони очилди. Шунингдек, Муборак, Ўртабулоқ, Қултоғ, Шапатти, Учқир, Жарқоқ, Қоравулбозор, жами 100 дан ортиқ нефть ва газ конлари топилди. Уларда 2 триллион кубометр газ, 250 млн тонна нефть захиралари борлиги аниқланди. 1959 йили Бухорода нефть ва газ казиб олишни йўлга қўйиш мақсадида “Бухоронегтегаз” бошқармаси тузилди.

1958-1960 йилларда 767 км узунликдаги “Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент” газ қузури қуриб битказилди. Унинг йиллик қуввати 4,5 млрд куб-метр газга тенг эди. 1964-1966 йилларда Муборак-Тошкент-Чимкент-Алмати газ қузури қурилиб фойдаланишга топширилди. Узунлиги 1317 км, диаметри 720 мм пўлат қувурлари орқали Қашқадарё газидан Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарлари, шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистон халқи баҳраманд бўлди. Кейинги йилларда Тошкент-Бишкек-Алмати оралиғида иккинчи газ қузури қурилди. Шундай қилиб, 1958-1980 йилларда Бухоро ва Қарши, Газли районларидан Тошкент-Бишкек-Алматигача ётказилган газ қувурларининг умумий узунлиги 5686 км (унинг 3618 км Ўзбекистонда ётказилган), йиллик қуввати 23 млрд куб-метр газ ёқилғисини ташкил этарди. 70 йилларда Муборакда қурилган энг йирик газни қайта ишлаш заводи йилига 10 млрд кубометр газни тозалаб бериб турди ва йилига 160 минг тонна олтин гугурт ишлаб чиқаришни таъминлади.

1974-78 йилларда Урсатевск-Фарғона қузури ётказилди. Узунлиги 677,8 км дан иборат бўлган бу газ йўлининг 425,8 км Ўзбекистон, қолганлари Тожикистон худудидан ўтди. Қашқадарё ва Бухоро “Зангори ёқилғи”сидан қардош Тожикистон халқи ҳам баҳраманд бўлди.

Ўзбекистонликлар республикамиз худудидан кўплаб бой табиий газ конларининг топилиши ва ўзлаштирила бошланишидан беҳад хурсанд бўлдилар. Ҳар бир оила ўз хонадонида “Зангори ёқилғи” дан фойдаланишни орзу қиларди. Аммо ўзбек халқи республикамиз худудида топилган газ конларига хўжайин эмас эди, уларнинг хўжайини узоқда - Москвада эди. Ўзбекистон газидан қандай фойдаланишни Марказий ҳокимиятда ўтирганлар белгиларди. Марказий ҳокимият Ўзбекистон газидан, аввало, Уралдаги, СССРнинг Европа қисмидаги шаҳар ва посёлкаларни, корхона ва хонадонларни газлаштиришда фойдаланишга киришди.



1961-63 йилларда зудлик билан Бухоро-Урал ўртасида газ қузури йўлининг 1-нчи, 2-нчи ва 3-нчи навбатлари қурилди. Умумий узунлиги 6100 км дан узун бўлган Бухоро-Урал газ транспорт системасининг йиллик ўтказувчи қуввати 21 млрд куб метр ўзбек зангори оловига тенг эди.



Марказий ҳокимият бу билан чекланиб қолмади, Ўзбекистон ва Туркменистон газини бир йўла катта микдорда Фарбий вилоятларга узатиш режаларини туздилар. Бу режа Ўрта Осиё-Марказ газ қузури номини олди. 1965-75 йилларда 2750 км узунликдаги Ўрта Осиё-Марказ газ йўли қурилди. Икки

йўллик Ўрта Осиё-Марказ газ қувурининг умумий узунлиги 5500км бўлиб, бу йўллар йилига 80 млрд куб-метр ёқилғи узатиш қувватига эга бўлди.

Шундай қилиб, ўзбек “зангори ёқилғиси” узок-узок жойлардаги корхоналар ва хонадонларни иситди, ўзбекистонликлар, асосан қишлоқ аҳолиси ёнгинасидан ўтган газ қувурларига минг алам билан қараб қолаверди, бу мамлакатимиз қарамлигининг оқибати эди, албатта. 1985 йилга келиб республикада аттиги 2,8 млн квартира жумладан қишлоқлардаги 1,3 млн квартира газлаштирилган эди, холос.

Кимё саноати Кимё саноатини ривожлантиришда газ, нефть, олтингургурт, озокрит, ошгузи, оҳак, графит, рангли металлургия чиқиндилари, пахта ва каноппи қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндилар бой хомашё бўлиб хизмат қилди. 50-йилларда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи Самарқанд суперфосфат заводи, 1962 йилда Фарғона азот ўғити заводи, 1965 йилда Навоий кимё комбинати, 1969 йилда Олмалиқ кимё заводи қурилиб ишга туширилди. 1985 йилда республика кимё корхоналарида 7,8 млн тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди, бу 1960 йилдагидан 7 марта, 1950 йилдагига нисбатан 15 марта ортиқ эди. Республика қишлоқ хўжалиги минерал ўғитлар билан таъминланди ва бошқа республика, вилоятларга ўғитлар чиқарилди.

Ўзбекистонда кимё толалари (Фарғона кимё толалари заводи), пластмассалар (Оҳангарон “Сантехник” заводи, Жиззах пластмасса турбалари заводи), маиший кимё маҳсулотлари (1971 йилда барпо этилган Олмалиқ маиший кимё заводи, Қувасой, Наманган кимё заводлари, 1971 йилда Тошкент ёғ-мой заводи таркибида қурилган синтетик ювиш воситалари заводи) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Республика кимё саноатида заҳарли воситалар, кислоталар ишлаб чиқариш катта ўрин тутарди. Андижон гидролиз заводи, Фарғона фуран бирикмалари заводи, Янгийўл биохимия заводи пахта, шоли, пахта чиқиндиларидан спирт, оксил, дрожжилари, фуран ва бошқа маҳсулотлар тайёрладилар. Фарғонада триацетилцеллюлоза, Навоийда котаран, Чирчиқда капролактама ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1960 йилда 235,4 минг тонна сульфат кислоталари ишлаб чиқарилган бўлса, 1985 йилда 2,3 млн тонна тайёрланди.

Марказий ҳокимият томонидан заҳарли кимё воситалари ишлаб чиқариш республикага тикиштирилди. 1985 йилда 47,9 минг тонна турли заҳарли химикатлар ишлаб чиқарилди.

Заҳарли воситаларининг республика пахта майдонларида ҳаддан ташқари кенг қўлланилиши натижасида атроф-муҳит, экологик вазият бузилди, одамлар турли - туман касалликларга чалинди. Одамлар соғлиғи ҳисобига пахта хом ашёсига кўрсатилган «ғамхўрлик» халққа қимматга тушди.

Металлургия саноати 1962 йилда Ўзбекистон металлургия саноати комбинатида узлуксиз пўлат қуюв қурилмаси ишга туширилди. 1970-1980 йилларда электр ёрдамида пўлат эритиш комплекси ва унинг иккита печи қуриб

ишга туширилди. Комбинатда пўлат идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пўлат эритиш 1985 йилда 1,2 миллион тоннага етди.

50-йилларда Олмалик -Ангрен тоғ саноати районида мис, кўрғошин, рух, вольфрам, молибден ва бошқа нодир металллар кони топилди, уларни ўзлаштириш жараёнида йирик Олмалик кон-металлургия комбинати бунёд этилди.

Ўзбекистонда 60-йилларда **олтин қазиб олиш саноати** бунёд этилди. Мурунгов, Чодак, Конбулоқ олтин конлари, Фарғона водийсидаги дарё ўзанларидан сочма олтин, Нурога, Қурама, Зарафшон, Ҳисор, Помир тоғларида олтин таркибли кварц томирлари ва рудалар мавжудлиги аниқланди. Республика ҳудудида 30 та олтин кони аниқланди. Олтин қазиб олувчи Мурунгов тоғ бойитиш комбинати, Маржонбулоқ комбинати қурилди. «Ўзбек олтин» бирлашаси тузилгач, унинг таркибида Чодак бойитиш комбинати(1965), Ангренда олтин саралаш фабрикаси қурилиб ишга туширилди.

Ўзбекистон ҳудудидаги рангли металл конларига, шунингдек, олтин конларига, улардан ноёб ва нодир металллар қазиб олишга республика хўжайинлик қилмасди, уларга Иттифок ҳукумати хўжайинлик қиларди. Ўзбекистон ҳукумати бу конлар ва корхоналарда қанча олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, молибден ва бошқа нодир металллар қазиб олинаётганини, уларни кимлар қаерга олиб кетаётганини, қаерда ва қанча пулга сотилаётганини билмас эди. Бу ҳақда гапириш ва ёзиш ҳам тақиқланган эди. Бу ҳолат ўша пайтларда «Ўзбекистон суверен республика» деган иборанинг нақадар ёлғон, қуруқ гап эканлигини ёққол кўрсатувчи мисолдир.

Машинасозлик саноати

50-80-йилларда Ўзбекистон машинасозлик индустрияси кўп тармоқли соҳага айланди. 1985 йилда республика саноатида фаолият кўрсатган 1549 та ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлари ва корхоналарининг 100 дан ортиғи машинасозлик тармоғига тегишли бўлиб, уларда тайёрланган машиналар салмоғи бутун саноат маҳсулотининг 16 фоизини ташкил этарди.

Республикада, биринчи навбатда, пахтачиликка хизмат қилувчи машинасозлик тармоғини ривожлантириш тadbирлари амалга оширилди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи (Ташсельмаш) қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг бош корхонаси ҳисобланарди. «Ташсельмаш» заводида 1960 йилда 3184 та пахта териш машинаси ишлаб чиқарилган бўлса, 1985 йилда 9425 та шундай машина тайёрланади.

1957 йилда пахта тозалаш саноати учун машиналар ишлаб чиқарувчи «Ташхлопкомаш» заводи базасида йирик «Ташавтомаш» заводи барпо этилди. Заводда пахтани қоп- канорсиз ташувчи транспорт воситалари ва газ-51 юк автомобили учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу завод 1967-1971 йилларда қайта жиҳозланиб, трактор ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва унга Тошкент трактор заводи номи берилди.

1948 йилдан бошлаб Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги (Ўзбексельмаш) заводи ўриш машиналари, дискли бараналар, чархлаш станоклари, насос

чанглагич-пуркагичлар, мотигалар, чигит экиш машиналари ишлаб чиқарарди. 1960 йилда бу заводда кўрак чувиш машинаси, 1965 йилда ерга тўкилган пахтани терадиган, ғўзапоя юладиган машиналар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1956 йилда қурилиб ишга туширилган Андижон ирригация машинасозлиги заводида янги ерларни ўзлаштириш, каналлар ва сув омборлари қурилиши билан боғлиқ зовур ковлайдиган машиналар, сув насослари, автобензоцистерналар, ер текислайдиган бульдозерлар ва скреперлар, грейдерлар ва каналлар тозалайдиган машиналар, юк ортиб туширадиган мураккаб механизм ва ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 50-60-йилларда қурилган Тошкент машинасозлик заводи, Андижон «Коммунар» заводида пахта тозалаш машиналари, линтерлар, пахта тойларини қабул қилиш, сақлаш, хиллашнинг кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларини механизациялаштириш машиналари, қуритиш-тозалаш асбоблари, юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Ўзбекистон авиация саноати ҳам ўсиб борди. Тошкентда 1941 йилда Химки шаҳридан келтирилган завод асосида авиация заводи барпо этилган эди. Дастлаб у ПС-84 ва ИЛ-2 самолетларини ишлаб чиқара бошлади. Тошкент авиация заводида 1953 йилда ИЛ-14, 1958 йилда турли типдаги транспорт самолётлари, 1966 йилда эса АН-22 самолётлари тайёрлаш йўлга қўйилди. 1972 йилда В.П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Уюшмага Тошкент авиация заводи (бош корхона), Андижон механика заводи, Фарғона механика заводи ва Тошкент кислород заводи бирлаштирилди.

Бирлашмада самолёт йиғилади, унинг турли деталь ва узеллари тайёрланади, шунингдек халқ истеъмолчи буюмлари ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1961 йилдан бошлаб беш йил давомида Тошкент авиация заводида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади ва тобланди.

Қурилиш саноати 50-80-йилларда Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланди. 1985 йилда қурилиш материаллари саноатининг 1851 корхонаси, 11 та йирик панелли уйсозлик комбинатларида турли хил қурилиш материаллари-цемент шифер, асбоцемент қувурлар, пардозлаш плиталари, иссиқни сақлайдиган (термоизоляция), гидроизоляция материаллари, керамика қувурлари, эмалланган чўян ванналари, раковиналар, чўян канализация қувурлари, керамика буюмлари, сопол қувурлари ишлаб чиқарилди. Маҳаллий саноат корхоналарида алибастер, ганч, охак, черепица, чий, камиш, плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди.

Енгил саноат Республикада енгил саноатни устун даражада ривожлантиришга имкон берувчи барча омиллар - кўплаб пахта, пилла, каноп хомашёси, ёғилғи-энергетика, етарли даражада мавжуд эди Қолаверса, Республиканинг тез кўпайиб бораётган аҳолиси енгил саноат маҳсулотларининг асосий истемолчиси ҳам эди.

Тарих бундай омиллар давлат мустақиллиги шароитидагина тўла ҳисобга олинishi мумкин эканлигини кўрсатди. 50-80-йиллардаги қарамлик шароитида

Ўзбекистонда енгил саноат бир томонлама ривожланишга йўналтирилди. Асосий эътибор пахта қабул қилиш, пахта тозалаш, пиллакашлик, қоракўл терига ва каноп толасига дастлабки ишлов бериш, жун ювиш тармоқларини ривожлантиришга қаратилди. Ўзбекистон бундай хомашёлардан тайёр маҳсулотлар тайёрлаш имкониятига ҳам, ҳуқуқига ҳам эга эмас эди. Бу масалани марказий ҳокимият ҳал қиларди. Тайёр хомашё Иттифокнинг бошқа шаҳарларига олиб кетиларди ва тайёр маҳсулотга айлантириларди, ортиб қолган хомашё бошқа мамлакатларга сотиларди ва ундан катта даромад олинарди.

Республикада 80-йилларда 107 та пахта тозалаш заводи, кўпчилиги қуришиш тозалаш цехларига эга бўлган 490 пахта манзиллари ишлади. 70-80 йилларнинг бошларида республика тўқимачилик саноати корхоналари - Бухоро тўқимачилик комбинати (1973), Андижон ип газлама комбинати (1979), Нукус ип газлама комбинати (1983), Жиззах пахта йиғирув фабрикаси, йирик тўқимачилик комбинатларининг Кўрғонтепа, Марҳамат, Янгиқўғон, Бешариқ, Риштон, Вобкент, Ғиждувон филиаллари қурилди. Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари таркибидаги бир қатор фабрикалар қайта жиҳозланди. Ип-газлама ишлаб чиқариш 1960 йилдаги 234,7 миллион метрдан 1985 йилда 395,7 миллион метрга кўпайди. Йилига Республикада 1,5 миллион тонна пахта толаси етиштириб бериларди.

Республика тўқимачилик саноати етиштирилган пахта толасининг атиги 10 фоизини қабул қилиш ва тайёр маҳсулотларга айлантириш имкониятига эга эди. 90 фоизи эса олиб кетиларди.

Озиқ-овқат саноати Ўзбекистонда маҳаллий хомашёни қайта ишлашга асосланган озиқ-овқат саноатининг ёғ-мой, консерва, нон, ун ёрмаси, қандолат, гўшт, сут, балиқ, чой, тамаки, вино етиштирувчи тармоқлари ишлади. 1985 йилда озиқ-овқат саноати комплексида 271 корхона фаолият кўрсатди. Тармоқнинг республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи 14 фоизни ташкил этди. Бу тармоқда ёғ мой саноати етакчи ўринда турарди. 1970 йилларда республикада ишлайдиган 17 та йирик ёғ-мой корхонаси 2,2 миллион тонна пахта чигитини қайта ишлаб, 294 минг тонна пахта ёғи ишлаб чиқарган бўлса, 1985 йилда Ўзбекистонда 451 минг тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилган.

Республикада гўшт комбинатлари 1960 йилда 97,4 минг тонна гўшт, 18 минг тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлса, 1985 йилда 232,3 минг тонна гўшт, 54 минг тонна колбаса маҳсулотлари етиштирилган. 24 та сут заводида 1985 йилда 554 минг тонна сут маҳсулотлари, 1167 тонна сир, 10,9 минг тонна мол ёғи етиштирилган.

Республикада қандолат саноати ҳам бирмунча ўсди. 50-йилларда Наманган ва Бухоро шаҳарларида кондитер-макарон фабрикалари, 1964 йилда Янгийўл кондитер фабрикаси ишга туширилди. Йигирманчи йилларда қурилган Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси 1965 йилда тубдан реконструкция қилинди. 1968 йилда Янгийўл дрожжи (ачитқи) заводи қурилди. 1985 йилда қандолат саноати тармоғига қарашли 60 га яқин завод ва цехларда 165 минг тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Транспорт 50-80-йилларда темир йўл транспорти анча ривожланди. 50-йилларда узунлиги 627 км бўлган Чоржўй-Кўнғирот темир йўли қурилди ва Қуйи Амударё шаҳар ва туманлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ҳамда Иттифоқ маркази билан темир йўл орқали боғланди. 1962 йилда қурилган, узунлиги 280 км бўлган Навоий-Учкудук темир йўли янги топилган конларни саноат маркази билан боғлади.

Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларида янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ равишда 1962 йилда Жиззах- Мехнат (133 км), 1970 йилда Самарқанд-Қарши (144 км) темир йўллари қурилди ва янги ташкил этилган хўжаликлар Республика маркази ва саноат марказлари билан қисқа масофада туташтирилди. 1974 йилда Термиз-Қўрғонтепа (218 км), 1975 йилда Тахиатош-Нукус (13 км) темир йўллари қурилиб ишга ишга туширилди ва Қорақалпоғистон пойтахти республиканинг темир йўл тармоғи билан боғланди.

1972 йил Кўнғирот-Бейнов (408 км) темир йўлининг қурилиши натижасида Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларидан собиқ СССР Европа қисми ва Кавказга иккинчи темир йўл очилди. Республика темир йўлларининг узунлиги 1985 йилда 3,5 минг кмни ташкил этди.

Автомобил транспорти тез суръатлар билан ўсди. 50-70-йилларда республикада замонавий автомобил йўллари -Катта Ўзбекистон тракти (Тошкент-Термиз) таъмирланди, Тошкент-Олмалик, Тошкент-Бухоро-Нукус, Мўйноқ-Зарафшон, Самарқанд-Чоржўй, Фарғона халқа йўли, Тошкент халқа йўли қурилиб фойдаланишга топширилди. Тўрткўл шаҳридан Амударёнинг сўли соҳили бўйлаб Нукус шаҳри орқали Тахтакўпирга олиб борувчи Қорақалпоғистон тракти қурилди. Қизилқум чўлини кесиб ўтувчи ва қоракўлчилик хўжалиklarини вилоят ва республика марказлари билан боғловчи Бухоро-Газли-Сазакино автомагистрали, Қамчиқ давони орқали республика пойтахтини қисқа масофада Фарғона водийси билан боғловчи Тошкент-Ангрен-Қўқон автомобиль йўли қурилди.

Тошкентдан барча вилоят марказларига ва йирик шаҳарларга, туман марказларидан колхоз ва совхозларга, посёлка ва қишлоқларга қатнайдиغان автомобил маршрутлари ташкил этилди. Республикада 70 дан ортиқ автобус ва таксомотор парклари барпо этилди ва улар ўз даврининг техника воситалари билан таъминланди. Республиканинг автомобиль йўллари узунлиги 80,4 минг км ни, шу жумладан усти қаттиқ қоплама билан қопланган йўллар 66,7 минг км ни ташкил этди. 1985 йилда автомобил транспорти 1960 йилга нисбатан 5,5 марта кўп юк ташиди ёки 1985 йилда 1,1 млрд тонна халқ хўжалиги юкларини ташиди. Умумий фойдаланишдаги автобусларда пассажирлар ташиш 1985 йилда 2,5 млрд кишини ташкил этди, бу 1960 йилга нисбатан 7 марта ортиқ эди.

Ҳаво транспортининг аҳамияти ортиб борди. Ҳаво йўллари республиканинг 120 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли манзилгоҳларини боғлади. Тошкент шаҳри ҳаво йўллари орқали Иттифоқнинг марказий шаҳарлари, республикаларнинг пойтахтлари, йирик саноат марказлари билан боғланди.

Шаҳар йўловчи транспорти ҳам кенгайди. 1947 йилда Тошкентда темир йўл вокзали билан эски шаҳар орасида узунлиги 18 км бўлган биринчи троллейбус йўли қурилиб, троллейбус қатнай бошлади. 1946-47 йилларда шаҳарларда такси машиналари орқали пассажирлар ташиш йўлга қўйилди. Троллейбус қатнови Самарқанд (1956), Олмалиқ (1968), Фарғона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973) шаҳарларида ҳам йўлга қўйилди. Республиканинг 80 та шаҳар ва поселкаларида автобуслар қатнови ташкил этилди.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишда Тошкент метрополитенининг ўрни катта. Тошкент метроси 1972 йилдан бошлаб қурила бошланди, унинг 12, 1 кмлик биринчи йўналиши 1977 йилда, иккинчи йўналиши 80-йилларда фойдаланишга топширилди.

Алоқа воситалари Республикада алоқа воситалари тармоғи кенгайди. Урушдан кейинги йилларда шаҳарлараро телефон, телеграф алоқаларининг кенг тармоқлари вужудга келди. Кабель ва радиореле линиялари қурилди. 1965 йилда Тошкент Москва ва Иттифокнинг бошқа шаҳарлари билан коаксиаль кабели орқали боғланди. 1971 йилда Тошкентда шаҳарлараро кучли автоматик телефон станцияси ишга туширилди. 1972 йилда Самарқанд, Бухоро, Термиз, кейинроқ Наманган, Қарши, Фарғонада АМТС-ИМ типигаги шаҳарлараро автоматик станциялар ишга туширилди. Натижада шаҳар телефон тармоқларининг 160 минг абоненти ўз телефонларидан код ёрдамида шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси билан боғланиш имкониятига эга бўлди. 1985 йилда шаҳарлардаги телефон станцияларининг абонент телефонлари сони 953,9 мингга етди. Колхоз ва совхозлар телефонлаштирилди. 1985 йилда республикада 4166 почта, телеграф ва телефон алоқаси корхоналари ишлади.

Радио эшиттириш тармоқлари кенгайди. 1956 йил 5 ноябрда Ўзбекистонда биринчи марта Тошкент телевизион маркази ишлай бошлади. 60-йилларнинг охиригача Фарғона водийси, Самарқанд вилояти ҳам телевизион кўрсатувлар билан таъминланди. 1977 йилда Самарқанд ва Андижонга Тошкент телевидениесининг икки программасини рангли тасвирда узатишга эришилди. 1978-1979 йилларда Тошкентда баландлиги 350 метрли телевизион минора қурилди. Урганч ва Нукусда телевизион марказ қурилиб ишга туширилди.

Хулоса қилиб айтганда, Республика саноати бир томонлама ривожлантирилди, бошқа минтақалардаги корхоналар учун хомашё базасига айлантилди. Олтин, мис, кўрғошин-рух, вольфрам молибден каби нодир металлар хомашё сифатида бошқа минтақаларга олиб кетиларди. Пахта, каноп маҳсулотларининг мўл-кўллиги енгил саноатни устун даражада ривожлантириш ва катта даромад олиш имкониятини берарди, аммо бу имкониятлар назар-писанд қилинмади. Республика аҳолиси бой табиий ресурслардан, оғир меҳнат эвазига етиштирилаётган қимматбаҳо пахта хомашёсидан баҳраманд бўлолмадилар.

Республикада анчагина саноат корхоналари қурилган бўлсада, улар мустақил равишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқараолмас эди. Бу корхоналарда тайёрланадиган машиналар, асбоб-ускуналар учун зарур бўлган бутловчи қисмлар

минтақалардан келтирилар эди, Республика корхоналари Иттифокнинг ғарбий республикаларидаги корхоналарга қарам эди.

70-йилларга келиб чуқур турғунлик ҳолатига маҳкум бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг таҳлили шундан далолат берадики, бунда саноат ишлаб чиқаришини режалаштиришда илмий аниқлик, реал ёндашув, мантиқий изчилликнинг йўқлиги асосий сабаблардан бири бўлганлиги шубҳасиздир. Мустабид совет ҳокимияти белгилаган 8,9,10,11,12 - беш йилликлар режаларининг нореаллиги, ноизчиллиги, етарли илмий асосланмаганлиги, конкрет ҳаёт амалиёти билан боғланмаганлиги охир-оқибатда уларнинг олдиндан барбод бўлишига олиб келди. Бунинг оқибатида хўжалик тармоқларида зўриқиш, узилиш ҳолатлари юз берди, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишга солинмади, меҳнат унумдорлиги муттасил камайиб борди, миллий даромад салмоғи 3-4 бараварга камайиб кетди. 80 йилларга келиб Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти кескин пасайди. Бунинг натижасида республиканинг экспорт балансида саноат маҳсулотининг салмоғи атиги 11 фоизни ташкил этарди, ҳолос. Республика саноат ишлаб чиқаришидаги бундай турғунлик, номутоносиблик ҳолатларининг юзага келиши, ишлаб чиқариш қувватларининг қисқариб, унинг салоҳият даражасининг пасайиб бориши оқибатда Ўзбекистон иқтисодиётининг умумий ҳолатига, аҳоли кенг ижтимоий қатламларининг турмуш даражасига салбий таъсир этмасдан қолмади.

Ижтимоий эҳтиёжлар учун маблағлар тақсимлашнинг қолдиқ принципи ва тақсимотда текисчилик тартибининг устун бўлиши ижтимоий адолатсизликларнинг авж олишига боис бўлди. Ижтимоий танглик ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, порахўрлик сингари салбий иллатларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Ижтимоий муносабатларда меҳнатни рағбатлантириш тизими бузила борди. Кўп ҳолларда юқори малакали меҳнатга ҳақ тўлаш камситилди. Бу аҳолининг меҳнатга қизиқиши ва фаоллигига салбий таъсир кўрсатди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида жиддий етишмовчиликлар, оғрик нуқталар яққол кўзга ташланиб борди. Иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг тобора ёрқин намоён бўлаётган инкирозий ҳолатларини бартараф этиш, Ўзбекистонни юқори тараққиёт даражасига олиб чиқиш учун янгича йўл тутиш зарурияти тўлиқ етилган эди.

Синов саволлари.

1. XX асрнинг 20-йилларида Советларнинг Ўзбекистонда юритган миллий сиёсатининг моҳияти нимадан иборат бўлган?
2. Ҳуқмрон Марказнинг Ўрта Осиёда миллий-худудий давлат чегараланишини ўтказишдан кўзга тутган асосий мақсад-муддаоси нимада эди?
3. Ўзбекистон ССР тузилиши унинг халқи ҳаётида қандай ўзгаришларни юзага келтирди?

4. Советларнинг Туркистон (Ўзбекистон)да юритган иқтисодий сиёсати қандай мақсадларга йўналтирилган эди?
5. Туркистонда ўтказилган ер-сув ислохотининг биринчи босқичида нималарга асосий эътибор берилганди?
6. Ўзбекистонда амалга оширилган ер-сув ислохотининг иккинчи босқичи қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?
7. Ўзбекистонда амалга оширилган деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш сиёсати ва унинг келтириб чиқарган хунук оқибатлари нимада?
8. Ўзбекистонда саноатлаштириш жараёни қандай амалга оширилди ва қандай оқибатлар билан боғлиқ тарзда кечди?
9. Республикада амалга оширилган индустрлаштириш сиёсати ва унинг мустамлакачилик моҳияти ҳақида тушунча беринг.
10. Хукмрон Марказ нима сабабдан урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда пахтачиликнинг устивор ривожланишига асосий эътибор берди?
11. Пахта яккаҳоқимлигининг кучайиши қишлоқ аҳолиси ҳаётига қандай асоратли таъсир кўрсатди?
12. Орол фожиаси ҳақида сўзлаб беринг.
13. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон саноати ривожидида қандай ўзгаришлар юз берди?
14. Республика иқтисодиёти жабҳаларида юз берган турғунлик ҳолатлари ҳақида нималарни биласиз?
15. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида юз берган тифизлик, кескинлик ҳолатлари нималарда яққол намоён бўлди?

XX БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҚАРАМЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: Маданий сиёсат. Халқ таълими. Олий таълим. Ўрта махсус таълим. Илм-фан. “Хужум” ҳаракати. Адабиёт ва санъат. Коммунистик мафкура тазйиқи.

1. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистоннинг маънавий-маданий ва маърифий ҳаёти, унга ҳукмрон коммунистик мафкура таъсири

XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маънавий соҳа ҳам ўзига хос мураккаблик, қийинчилик билан кечди.

Халқ таълими 20-йиллар бошларига келиб Ўзбекистон ҳудудида маданий қурилишнинг энг долзарб вазифаларидан саналган совет таълим тизимини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди. Советлар Ўзбекистонда янги таълим тизимини яратишга йўл тутар экан, бундан кўзлаган асосий мақсадлари ўлкада халқ таълими бўғинларини раванқ топтириш, халқ саводхонлигига эришиш, илм-маърифатдан баҳраманд этиш орқали юрт фарзандлари онги, шуурига коммунистик ғоялар ва идеалларни чуқур сингдириш ва шу йўл билан ўзларига жўн хизмат қиладиган авлодни тарбиялаб вояга етказиш эди.

Советлар аввал бошда Ўзбекистондаги мураккаб вазиятни, маҳаллий халқ кайфияти ва руҳиятини, унинг ўзига хос миллий анъаналари, исломий кадриятларини бир қадар ҳисобга олиб, бу ерда эски ва жаҳид усулидаги мактаблар, мадрасаларнинг ҳам фаолият юритишига монелик кўрсатмади. Бунинг орқасида бу ўқув даргоҳлари навқирон авлодга таълим бериш, улуғ бобокалонлар мероси ва шарқона одоб, ахлоқ руҳида тарбиялашда ўз улушини қўшиб борди. Лекин советларнинг бу вақтинчалик тактикаси узоққа бормади. Улар ўлка ҳаётига мослашиб олгач, 20-йиллар ўрталаридан эътиборан ўзбек халқи маънавий ҳаётининг кўп замонлар узвий қисми бўлиб келган эски мактаб ва мадраса таълим-тарбия тизимини барҳам топтирди. Унинг кўп сонли зиёлилар фаолияти тўхтатиб қўйилди. Уларнинг тақдир-қисмати оғир синовларга дучор этилди. Бу ҳам советларнинг тили бошқа-ю, дили бошқа эканлигидан, уларнинг маданий сиёсати замирида қандай маккорона мақсадлар яширинлигидан яққол далолатдир.

1920 йил 17 сентябрда Туркистон АССР ҳукумати ўлкада 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган кишиларни ўқитиш ва саводхон қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Бундан кўзда тутилган мақсад маҳаллий халқни тобора советлар сиёсати ва мафкураси таъсирига олиш эди. Шуларни ҳисобга олиб республиканинг турли ҳудудларида кўплаб саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилди. Уларга турли ёшдаги кишилар жалб қилиниб, саводларини чиқардилар. Жумладан, 1-беш йиллик (1928-1932 йй.)да Ўзбекистонда жами 700 минг нафар киши саводсизлик курсларини тугатган бўлса, бу кўрсаткич 2 беш йиллик (1933-1937 йй.) даврида 1 млн.400 минг нафар кишини ташкил қилди.

Республикада бошланғич таълим тизимининг жорий этилиши, кейинроқ эса 7 йиллик таълимга ўтилиши ҳам халқ таълими соҳасида муҳим ўзгаришлардан бўлди. Мактаб қурилиши, унинг малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминланиши, ўқувчилар сони йил сайин ўсиб борди. Маълумотларга кўра, агар 1924-25 ўқув йилида Ўзбекистонда 160 та совет типдаги мактаблар ташкил қилиниб, уларда 17209 нафар ўқувчи таълим олган бўлса, 1941 йилга келиб бундай мактаблар сони 5504 тага ва уларда таълим олаётган ўқувчилар сони эса 1 млн. 315 минг нафарга етган.

Совет ҳукумати таълим тизимини, янги авлод тарбиясини тўлиқ равишда ўз измига бўйсундириш мақсадида араб алфавитига асосланган эски ўзбек ёзувини ҳам ислоҳ қилишга киришди. Шу мақсадда 1928 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Биргина эски ўзбек ёзувини ўзгартиришда қўлланилган шошма-шошарлик республика халқ таълимининг кейинги тақдири учун нечоғлик салбий оқибатлар келтириб чиқарди, албатта.

Янги ташкил этилган таълим масканларининг моддий базаси, заиф бўлиб, зарур жиҳозлар билан таъминланмади. Миллий республикалардаги таълим жараёни Москвадан тайёрлаб юбориладиган дастурлар, дарсликлару ўқув қўлланмалари асосида олиб бориладиган бўлиб қолди. Бу эса халқ таълимининг миллий мазмуни, характерига сезиларли таъсир кўрсатди. 30-йилларга келиб республиканинг мактаб таълимига мафкуравий тазйиқ ўтказиш, муаллимлар таркибини элак-элак қилиш атайин кучайтирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим Советларнинг халқ таълими соҳасида юритган сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири, бу олий ва ўрта махсус таълим тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантириш эди. Ҳар қандай тузумда бўлгани сингари, совет ҳокимияти ҳам янги тузум ғоялари ва идеаллари руҳида тарбияланган, унга садоқат билан хизмат қиладиган кўплаб юқори малакали, ўқимишли кадрларга ўткир эҳтиёж сезарди, албатта.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Туркистонда олий таълимни ташкил этиш ғоясини, даставвал, ўлканинг илғор жадид намоядалари илгари сурганлар. Хусусан, улар ташаббуси билан 1918 йил майида Тошкентда илк бор миллий университет очилиб, у илмга чанқоқ кўплаб маҳаллий ёшларни ўз бағрига олган эди. Бироқ ҳар нарсада ўзини кўрсатишга интилган советлар юртпарвар жадидлар ташаббусини бўғиб, 1920 йил сентябрида Тошкентда Туркистон Давлат Университети ташкил этдилар. Кейинчалик Ўрта Осиё Университети мақомини олган бу олийгоҳ ўлкада олий таълимни ривожлантириш, юқори мутахассис кадрлар тайёрлаш ўчоғи бўлди. Бироқ бу ўқув даргоҳи профессор-ўқитувчиларининг мутлоқ таркиби европалик миллат вакилларидан иборат эди. Шу боис унда ўқитиш рус тилида олиб бориларди. Бу эса маҳаллий миллат ёшлари учун жиддий қийинчиликлар туғдирарди. Шунинг учун ҳам университет талабалари сафида уларнинг салмоғи жуда озчиликни ташкил этарди. Кейинроқ 30-йилларда бу бош олий ўқув юрти негизида кўплаб турли хил йўналишлардаги Олий ўқув юртлари, жумладан, политехника, молия-иқтисод, тиббиёт, кишлоқ

хўжалик, тўқимачилик институтлари, Самарқанд давлат университети ва бошқалар ташкил этилди. Шунингдек, бу даврда юқори малакали педагогик кадрларга талаб ўсиб борганлигидан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Нукус, Хива, Урганч, Фарғона ва Наманган сингари шаҳарларда педагогика ва ўқитувчилар тайёрлаш институтлари ташкил этилди. Натижада 1932 йилга келиб республикадаги жами олий ўқув юртлари сони 31 тага етди. Улардаги талабалар сони 12,2 минг нафарни ташкил этарди. Талабаларнинг сони 1937 йилда 15,5 мингга, 1941 йилда эса 18 минггага етди.

Ўзбекистоннинг бу даврдаги таълим тизимида ўрта махсус таълим ўқув юртлари фаолияти ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. 20- йилларда Республикада 6 та кишлоқ хўжалик техникуми, 1 та тиббиёт техникуми, 16 та ҳунар-техника мактаби ташкил қилинди. Уларда 6800 нафар ёшлар ўқиди. Шунингдек, шу вақтда 5 та педагогика техникуми, 2 та педагогика билим юрти, битта хотин-қизлар билим юрти мавжуд бўлиб, улар орқали кўплаб билимли, малакали педагог кадрлар тайёрланди. XX аср 40-йиллари бошларига келиб Ўзбекистонда махсус билим юртлари сони 92 тага етган бўлиб, уларда 12,6 минг нафар ёшлар таълим олмоқда эди.

Ф а н Республикада илм-фаннинг равнақ топиши ҳам табиий ҳолдир. Юртнинг кўплаб иқтидорли, заковатли ёшлари ўзларини илм-фанга бағишлаб, аста-секин унинг чўққиларига кўтарилиб бордилар. 30-йилларга келиб ўзбек фанининг турли йўналишларида ўз юксак салоҳиятини намоён этиб, ўз илмий мактабига асос солган Қори Ниёзий, Абдурахмон Саъдий, Абдулла Авлоний, Яхъё Фуломов, Пўлат Солиев, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳалил Раҳматуллин, Ҳабиб Абдуллаев, Собир Юнусов сингари фан алломалари етишиб чиқди. Айни замонда республикада кўплаб илмий-тадқиқот институтлари, марказлари ташкил этилиб, фаннинг турли долзарб муаммолари устида изланишлар олиб бордилар. Булар жумласига Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ), Маданий қурилиш, Ҳуқуқ-тадқиқот инситутлари, Гидрометрология институти, Гелиотехника лабараторияси, Астрономия обсерваторияси ва бошқаларни нисбат бериш мумкин. Мазкур институтлар ва илмий марказларга жалб этилган илмий кучлар, фан фидойилари иттифоқ ва республика аҳамиятига молик қанчалаб ҳаётий муаммолар, масалаларнинг ечимини топишда жиддий тадқиқотлар олиб бордилар. Айниқса пахтачилик, унинг тез пишар, сифатли навларини яратиш соҳасида муҳим янгиликлар қилинди. Геолог олимлар саъй - ҳаракатлари билан янги конлар, турли хил маъдан топилмалари кашф қилинди. 1927 йилда Фарғона водийсида Шўрсув нефть кони очилди. Цемент ишлаб чиқариш учун хомашё кидириб топилди.

Қатор мис, олтин, қумуш, қалай, мармар конлари топилиб, ишга туширилди.

Республикада ижтимоий фанлар, шу жумладан, тарих ва археология соҳаларида ҳам анча илмий-тадқиқот ишлари кўзга ташланди.

Йирик археолог олимлар: Я.Фуломов, С.Толстов Хоразмда, М.Е.Массон Самарқандда, В.А.Шишкин, О.Набиев, А.Т.Окладниковлар Оҳангарон водийси ва

Термиз атрофида катта ҳажмдаги қазилма ишларини олиб бордилар. Бойсунда энг қадимги аждодларимиз наслига оид неандертал одами қолдиқлари, маданий излари топилиши фанда муҳим янгилик бўлди. Ўзбекистон фани марказ олимлари томонидан ҳам эътироф этилди.

1940 йил 9 январда Ўзбекистон ХКС (ҳукумати) ҳузуридаги Фан қўмитаси негизида СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали таъсис этилди. Ўша кезларда унинг таркибида 75 та илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари мавжуд эди. Улар 3024 нафар илмий ходимларни ўз сафига бирлаштирганди. Буларнинг 109 нафари фан докторлари, 510 нафари фан номзодлари эдилар. 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси очилди, унинг биринчи президенти этиб таниқли олим Т.Н.Қориниёзий сайланди.

«Хужум» ҳаракати XX асрнинг 20-йилларида ўз моҳияти билан ўзбек хотин-қизларини тутқинликдан озод қилишга қаратилган ҳаракат бошланади.

Маълумки, Туркистон хотин-қизлари ҳаёти асрлар давомида мусулмончилик қонун-қоидалари ва анъаналари асосида кечган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Жумладан, улар аксарият ҳолларда уй-рўзғор ишлари ва фарзанд тарбияси билан шуғулланишган. Совет ҳукумати эса бундай турмуш тарзига диний хурофот сифатида қаради. Шу билан бирликда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг тор оила муҳитидан озод бўлиб, кенг ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортилиши ғояси илгари сурилди.

Шу нарса ҳақиқатки, жамият ривожланиб борар экан, одамларнинг онги ҳам ўзгариб боради. Турмуш тарзи янгиланади, у замонга мослашади. Шу маънода ўзбек аёлларини паранжидан озод қилиш янги тузум олдидаги муҳим вазифалардан эканлиги табиийдир. Бироқ бу масалани энг аввало жамият фуқаролари орасида кенг қўламли тушунтириш, маърифий йўллар орқали ҳал қилиш мумкин эди. Жаҳидлар раҳбарлари М.Бехбудий, Ф.Хўжаев, А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Авлонийлар ҳам бу масалани ҳал этишни ўз олдиларига муҳим вазифа қилиб қўйган эдилар. Шу мақсадда ташкил этилган республика, вилоят, туман, шаҳар совет ташкилотлари қошидаги хотин-қизлар бўлимларида дастлаб умуман тўғри иш олиб борилганди.

Бунинг натижасида хотин-қизлар ижтимоий фойдали меҳнатга, жамоатчилик ишларига фаол тортила бошлаганди. Уни ўзбек хотин-қизлари хурсандчилик билан кутиб олди. Чунки очиқ юриш, ёруғ оламни кўриш, илм олиш, эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиш уларнинг ҳам асрий орзуси эди.

Бироқ ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1926 йил сентябрдаги махсус қарори асосида бу ҳаракатни сунъий равишда тезлаштиришга киришилди. Оқибатда бу мажбурий ҳаракат «Хужум» номини олди. Бироқ бу ҳаракат афсуски, шошма-шошарлик, маъмуриятчилик йўли билан маҳаллий шарт-шароитларни, халқ удумлари, урф-одатларини эътиборга олмасдан жадаллаштирилди. Бунга ҳаттоки эркак коммунистлар ҳам тайёр эмас эдилар.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш ҳаракати дастлаб анча сезиларли ютуқларга эришиб борди. 1927 йил баҳорига келиб 100 минг аёл

паранжи ташлади. Минг-минглаб аёллар корхоналарга, турли юмушларга тортилдилар. Улар орасидан кўплаб тракторчилар, бригадирлар, колхоз раислари, клуб ва кутубхона мудирлари тайёрланди. Жумладан, 1927-1929 йилларда судларнинг халқ маслаҳатчилари орасида ўзбек аёллари 563 кишига етди. 1926 йилда биргина Тошкент ва Фарғона вилоятлари «Кўшчи» уюшмаларининг 4900 аёл аъзолари бор эди. 1927 йил давомида 7169 аёл касаба уюшмаларига аъзо бўлиб кирди. 5916 аёл мағлубот кооперацияларига аъзо бўлди. 2343 хотин-қизлар давлат органларига сайланди.

1927-1928 йилларда «Хужум» ҳаракати янада кенг қулоқ ёзди. Паранжи ташлаган аёллар учун 32 та саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил қилинди. 1927 йилда биргина Кўкон округида бундай мактаблар сони 75 тага етказилди. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 1409 ўқувчини қамраб олган 35 та аёллар мактаби фаолият кўрсатди.

Бироқ бу борада қўлланилган зўрлаш, мажбурлаш йўли ва усуллари ўзининг салбий натижаларини бермасдан қолмади. Жойларда хотин-қизларни ўлдириш ҳоллари руй берди. Масалан, Олтиариқ тумани Полосон қишлоқлик деҳқон Абдуқодир Ҳожиматов ўз хотинини осиб ўлдирди. Андижон вилоятида фаол ишчи аёллардан саналган Хадича Эшбобоева қора кучлар томонидан ўлдирилди. Умуман, 1927-1928 йилларда 2,5 мингдан ортиқ фаол аёллар ёвуз кучлар қурбони бўлди.

Аммо «Хужум» ҳаракати қийинчиликлар, чекинишлар билан бўлсада, ҳаётга тадбиқ этиб борилди. Бунинг натижасида ўзбек аёли ижтимоий ишлаб чиқаришга, ҳатто энг оғир меҳнат талаб қиладиган ишларга ҳам тортилди.

«Хужум» ҳаракатининг ўсиб бориши давомида 1937 йилга келиб 273637 нафар ўзбек хотин-қизлари саводсизликни тугатиш курсларини муваффақиятли битирдилар. Аёл ишчилар ва хизматчилар сони 1940 йилда 232 минг кишига етди. Бу эса бутун республикадаги ишчиларнинг 40,7 фоизига тенг эди. Улар тикувчиликда 82,3 қандолатчиликда 65,5, тўқимачиликда 88 фоизни ташкил этарди.

Шу билан бирликда бу мавсумий ҳаракат кўпгина салбий оқибатларнинг юз беришига ҳам сабаб бўлди. «Хужум» ҳаракатида фаол иштирок этиб, бутун онгли ҳаёти, фаолиятини социализм ишига, унинг сохта ғоялари чинлигига ишонган қанчалаб илғор хотин-қизлар кейинчалик қатағонлик қурбони бўлдилар. Бунга ўзбек хотин-қизлари озодлиги курашининг таниқли намояндалари – Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Марям Султонмуродова, Хайринисо Мажидхонова сингариларнинг фожиали ҳаёти тўла мисол бўла олади.

Маънавий-маданий ҳаёт Бу йилларда ўзбек халқининг олис асрларга бориб қадалувчи моддий ва маънавий маданияти дурдоналари, осори атиқалари, масжиду мадрасалар, макбаралар кўринишидаги ноёб меъморий обидаларига зўр бериб хужум уюштирилди. Бинобарин, бу масканларнинг бора-бора қаровсиз, хароб аҳволга келтирилганлиги тасодифий эмасдир. Айниқса бунда халқимизнинг дилидан чуқур жой олган унинг узоқ асрлик исломий қадриятлари завол

топдирилганлиги ачинарлидир. Ҳатто бу разил мақсадга эришишда жойларда «Худосизлар жамиятлари» тузилиб, диний тасаввурларга, унинг пешволарига қарши ҳужумдор атеистик кураш авж олдирилди. Бунинг оқибатида юрт зиёлилари саналган қанчалаб рухонийлар, уламою фузалолар аёвсиз таъқибу қувғинларга дучор этилди ёхуд қирғин қилинди.

Шунга қарамай ўзбек халқининг кўплаб юртпарвар зиёлилари фидойилик намуналарини кўрсатиб, барча қийинчиликларга дош бериб республика маданий ҳаётида фаол катнашдилар.

1929 йилда ўзбек мусикали театрига асос солинди. 1933 йилга келиб Ҳамза номли академик драма театри иш бошлади. Ҳар қандай мафкуравий тазйиқларга қарамасдан миллий рух устивор бўлиб қола берди. Халқимиз орасидан Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Мадраҳим Шерозий, Домла Ҳалим Ибодов, Аброр Ҳидоятгов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Сорахоним, Тамарахоним, Лутфихоним, Мукаррамахоним сингари номдор санъаткорлар етишиб чикди.

1936 йилда Тошкентда консерватория очилиши маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Ўзбек мусиқа маданиятининг забардас вакиллари – Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиков, Тўхтасин Жалилов сингари санъаткорлар ижоди халқ дилидан чуқур жой олди.

1937 йилда Москвада ўтказилган биринчи ўзбек санъати ва адабиёти декадасида «Гулсара», «Лайли ва Мажнун» опералари, «Фарҳод ва Ширин» мусикали драмаси ва бошқа сахна асарлари катта маҳорат билан намоиш этилди.

30-йилларда Ўзбекистонда кино санъати шаклланди. Унинг ёрқин ифодаси сифатида шу даврда яратилиб экранларга чиқарилган «Асал», «Қасам», «Работ қашқирлари», «Азамат» сингари фильмларни тилга олиб ўтиш жоиздир.

Уларни яратишда Комил Ёрматов, Наби Ғаниев, Сулаймон Хўжаев, Йўлдош Аъзамов, Раҳим Пирмуҳамедов сингари ажойиб ўзбек кино усталари хизматлари беназирдир.

20-30-йилларда республикада кўплаб маданий иншоотлар қурилди. 1932 йилда республикада 707 та кутубхона, 3087 та клуб, 409 та кино қурилма, 32 та театр, 13 та музей мавжуд эди.

1937-1940 йилларда Ўзбекистон шахар ва қишлоқлари радиолаштирилди. Янгидан 264 та кўчма ва доимий кино қурилмалари ўрнатилиб, уларнинг сони 797 тага етказилди. 1941 йилда китоб нашр қилиш 4375 номга етказилди ва 48 млн. нусхани ташкил этди. 40-йиллар бошларига келиб кутубхона, клуб, бадиий хаваскорлик жамоалари сони 2 бараварга кўпайди.

А д а б и ё т Бу даврда ўзбек адабиёти ҳам жиддий ҳаётга синовлар жараёнини бошдан кечирди. Ўзининг бой тарихий анъаналарига эга бўлган бу адабиёт халқ руҳининг кўзгуси сифатида унинг маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Бироқ бу муҳим соҳа фаолияти советларнинг доимий назорати остида кечди. Уларнинг назарида адабиёт кучли мафкуравий қурол сифатида янги тузумни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, миллионлар омасини шунга даъват этмоғи керак

эди. Бу, албатта, ҳар бир ижодкор зиммасига жиддий масъулият юкларди. Негаки, ҳар бир шоир ёки адиб совет мафкураси талабларидан четлашгудай бўлса, ўз халқининг бой тарихий ўтмиши ёхуд улуғ аждодлари ҳаётидан асар ёзгудай бўлса, унинг оғир жазога рўбару келиши ҳеч гап эмас эди. Мана, нима учун 30-йилларда халқимиз фахру-ғурури бўлиб қолган бир қатор фавқуллодда истеъдод соҳиблари қатағон қилинди, ижодлари бўғилди. Хусусан, «халқ душманлари» тамғаси билан номлари бадном қилинган А.Қодирий, А.Чўлпон, У.Носир, А.Фитрат, Элбек, Ғ.Юнус, М.Боту сингари сўз санъаткорларининг аччиқ қисмати бунга яққол мисолдир.

Бироқ ҳар қандай тазйику таъкибларга қарамай ўзбек адабиёти бу йилларда муайян ютуқларга эришиб борди. Ҳамза, С.Айний, А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат сингари катта авлод намояндалари изидан Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, М.Ойбек, Ҳ.Олимжон, У.Носир, К.Яшин, Р.Уйғун, Миртемир, Ғайратий, Ойдин, С.Абдулла сингари қалам аҳллари адабиёт жараёнга кириб келди. Улар ўзларининг серкирра ижодлари билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитишга муносиб улуш кўндилар. Бу ўринда А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», А.Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», С.Айнийнинг «Одина», «Судхўрнинг ўлими», А.Фитратнинг «Абулфайзхон», «Ҳинд сайёҳи баёноти», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий», А.Қаҳҳорнинг «Сароб», Ғ.Ғуломнинг «Кўкан», «Ёдгор» ва шу сингари ўз даври учун муҳим воқеа бўлган, бадиий ғояси юксак асарларни алоҳида қайд этмоқ лозим бўлади. Лекин не кўргиликки, бу адабиётнинг не-не норлари тоталитар тузум ихтиро этган қатағонлик домига ташланиб, айбсиз айбланиб, қатли ом этилдилар. Уларнинг бетакрор ижоди эса авлодлар нигоҳидан узоқлаштириб келинди.

Миллий истиқлол шарофати туфайлигина уларнинг ижоди янгидан дунё юзини кўриб, халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда ва ўрганилмоқда.

2. XX асрнинг 50-80 йилларида республика маънавий-маданий ҳаёти

Халқ таълими 50-йилларда мактаб қурилиши, болаларни мактабга жалб қилиш ишлари анчагина кенгайди. Етти йиллик умумий мажбурий таълим амалга оширилди. Бироқ халқ таълимида жиддий нуқсонлар мавжуд эди. Таълимнинг мазмуни ҳаётдан орқада қолганлиги яққол кўринарди. Биринчидан, мактаб ўқувчиларининг билим савияси паст эди. Иккинчидан, ўн йил ўқиб, мактабни тамомлаб чиқувчилар бирорта касб-хунарни эгалламаган, меҳнат малакаларига эга эмас эдилар.

1958 йил декабрда собиқ СССР Олий Совети «СССРда мактабнинг турмуш билан алоқасини мустақамлаш ва халқ маориф системасини янада ривожлантириш тўғрисида» қонун қабул қилди. Қонунда таълимни турмуш билан боғлаб бориш, ёшларни ақлий, маънавий, жисмоний жиҳатдан етук қилиб шакллантириш, уларга умумий политехник билим бериш вазифалари қўйилди. Айти шунга ўхшаган қонун 1959 йилда Ўзбекистон ССР Олий

Кенгаши томонидан ҳам қабул қилинди. 10 йиллик ўрта мактаблар 11-йиллик мактабларга айлантирилди.

1962 йилда умумий мажбурий саккиз йиллик таълимга ўтиш амалга ошди. Барча етти йиллик мактаблар саккиз йиллик мактабларга айлантирилди.

Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган ёшларга таълим бериш мақсадида ишлаб чиқаришдан ажралмасдан ўқиш имкониятини берувчи кечки ва сиртки мактаблар ташкил этилди. 1958-1965 йилларда 1000 га яқин шундай мактаблар очилди, уларда ўқийдиган ёшлар 1965 йилда 134,5 минг кишини ташкил этди.

70-йилларнинг ўрталарида умумий ўрта таълимга ўтиш яқунланди. 1965-1985 ўқув йиллари орасида ўтган 20 йил давомида барча турдаги умумтаълим мактаблари 8716 тадан 9188 тага кўпайди, ўқувчилар сони эса 3055,8 минг боладан 6519,6 минг болага кўпайди. 1965-1985 йилларда Республика мактабларида ўрта маълумот олганлар сони 5,7 миллион кишидан ошди.

Халқ таълимида жиддий муаммолар ҳал этилмади. Мактаблар синф хоналарининг сони қанчалик ошмасин, болалар сонининг табиий ўсишидан орқада қолаверди. Мактаб биноларининг етишмаслиги, моддий-техник жиҳатдан заифлиги сурункали касалликка ўхшарди.

1984 йилда совет ҳокимияти ёшларга таълим ва тарбия бериш мазмунини яхшилаш мақсадида мактаб ва ҳунар-техника билим юртларини ислоҳ қилишга қарор қилди. Мактабларда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсини ўқитиш, барча мактабларни микрокалькулятор, электр ҳисоблаш машиналари, компьютерлар билан таъминлаш каби вазифалар қўйилди. Аммо республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи бу вазифани бажаришни таъминлай олмади. Мактаб ислоҳоти иқтисодий ва ижтимоий тангликлар орқасида қолиб кетди. Таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозалари даражасига кўтариш томон қилинган яна бир уриниш самарасиз тугади.

Олий ва ўрта махсус таълим Республикада олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш иқтисодий ва маданий қурилиш ишлари тараққиёт истиқболлари билан боғлаган ҳолда олиб борилди.

Урушдан кейинги йилларда олий ва ўрта махсус таълим анча ўсди. 50-йилларда 3 та олий ўқув юрти-Андижон медицина институти, Тошкентда Электротехника алоқа, Физкультура институтлари, 60-йилларда 8 та янги олий ўқув юрти-Андижон пахтачилик институти, Фарғона политехника институти, Самарқанд архитектура-қурилиш институти, Термиз, Сирдарё, Тошкент вилоят педагогика институтлари каби олий ўқув юртлари ташкил этилди. 70-йилларда яна 5 та олий ўқув юртлари-Нукус Давлат университети, Тошкент автомобиль-йўллар институти, Педиатрия институти ва бошқалар очилди.

1960 йилда 30 та олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрланган бўлса, 1985 йилда уларнинг сони 42 тани ташкил этди. 1961-1985 йиллардан республика олий ўқув юртлари 828 мингга яқин муҳандислар, иқтисодчилар, агрономлар, ҳуқуқшунослар ўқитувчилар, маданият ва санъат ходимлари етиштириб берди.

Шунингдек, ўрта махсус ўқув юртлари тармоғи ҳам кенгайди. 1960 йилда 75 та ўрта махсус ўқув юртлари фаолият кўрсатган бўлса, 1965 йилда уларнинг сони 249 тага етди. 1961-1985 йилларда 1млн.135 мингга яқин ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрлар тайёрланди.

Айни чоғда бу тизим фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд эди. Мутахассислар тайёрлашда сон жиҳатидан кўп кадрлар тайёрлаш биринчи ўринда борди. Кадрлар тайёрлаш сифатини кўтариш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар кутилган натижа бермади.

Ф а н Уруш йилларида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академияси республикада илм-фаннинг маркази бўлиб қолди. 1945-85 йилларда кўплаб янги илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, илмий станциялар ташкил этилди. 80-йилларнинг бошларига келиб академия таркибида Қорақалпоғистон АССР филиали ва 35 илмий тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатди. 38 минг илмий ходим, шу жумладан, 1215 фан доктори, 15664 фан номзоди фаннинг турли соҳаларида тадқиқот ишлари олиб борди.

Академик О.С. Содиков ғўзадан ўстирувчи моддалар ва бошқа препаратлар синтез қилди. Ҳ.А.Раҳматуллин, У.О.Ориповлар аниқ экиш мақсадида чигитни туксизлантиришнинг механик ва аэрокимёвий усуллари ишлаб чиқдилар. Селекционер олим С.М. Мираҳмедов ва бошқалар пахтанинг «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3», «Тошкент-4» сингари ҳосилдор, тез пишар, толаси сифатли янги навларини етиштирдилар. Шолининг 20 дан, сабзавот ва полиз экинларининг 50 дан, мева, резавор-мева ва узумнинг 60 дан ортиқ навлари етиштирилди.

Ўзбекистонда геология фани катта ютуқларга эришди. Ҳ.М.Абдуллаев, И.Х.Ҳамрабоев, И.М.Исомухаммедов, Х.Н.Боймухамедов, К.Л.Бобоев, А.М.Акрамхўжаев, Х.Т.Тўлаганов, Ғ.М.Мавлонов сингари машҳур олимлар дунё рудали-петрографик провинциялари классификацияси, элементларнинг геохимёвий классификацияси, Ўрта Осиё литосферасининг геологик-геофизик моделларини ишлаб чиқдилар. Олтин, газ ва нефть казиб чиқарувчи саноатлар, шиша, керамика, абразив материаллар саноати тармоқларини барпо этишга, аҳоли манзилларида ер ости сувларидан фойдаланишни йўлга қўйишга кўмаклашдилар.

Ўзбекистонда машина ва механизмлар назариясининг ривожланиши М.Т.Ўрозбоев, Ҳ.А.Раҳматулин, В.Қ.Қобулов, Ҳ.Ҳ.Усмонхўжаев, Г.А. Кошевниковлар номлари билан боғлиқ. Улар машина ва механизмлар назарияси бўйича илмий мактабга асос солдилар.

Республикада 1966 йилда Кибернетика институти ташкил этилгач, академик В.Қ. Қобулов етакчилигида саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида кибернетика ва ҳисоблаш техникаси воситалари асосида бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари яратилди ва жорий қилинди.

Аниқ ва фундаментал фанларнинг бошқа йўналишларида ҳам муҳим кашфиётлар, жиддий ютуқларга эришилди. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида ҳам бир мунча тадқиқотлар олиб борилди. Археолог, этнограф, антрополог олимларнинг изланишлари натижасида ўзбек халқининг этник таркиби, этногенези шаклланиши тарихига бағишланган асарлар яратилди. Бироқ ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги тадқиқот ишлари марксизм-ленинизм доирасида қолиб кетди. Социализм ғалабаси, Ўзбекистоннинг нокапиталистик тараққиёт йўли, ривожланган социализм қурилганлигини асослаш, миллатлар ва синфларнинг яқинлашуви натижасида кишиларнинг янги тарихий бирлиги совет халқининг вужудга келиши каби беҳуда самарасиз масалалар билан ўралашиб қолди.

А д а б и ё т 50-80-йилларда адабиётда роман ва повесть жанрлари ривожланди. Уруш воқеалари, меҳнаткашларнинг фронт орқасидаги меҳнати Ойбекнинг «Нур қидириб» ва «Қуёш қораймас», Ш.Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Шухратнинг «Шинелли йиллар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», О.Ёқубовнинг «Эл бошига иш тушса», Ҳ.Ғуломнинг «Тошкентликлар» романларида акс этирилди.

Урушдан кейинги тиклаш ва тинч қурилиш даври ҳаётини тасвирловчи «Олтин водийдан шабадалар» (Ойбек), «Қўшчинор чироқлари» ва «Синчалак» (А.Қахҳор), «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» (Ш.Рашидов), «Ихлос» (И.Раҳим) каби романлар ва повестлар яратилди. Ёзувчи Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи қишлоқ зиёлилари фаолиятини очиб берди.

Примкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Уч илдиз», О.Ёқубовнинг «Диёнат», Мирмуҳсиннинг «Умид» асарларида ёш замондашларимизнинг маънавий қиёфаси, ҳаёти ва меҳнати акс этирилди. Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Ў.Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», Ў.Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романларида одоб-ахлоқ масалалари ёритилди.

Ўзбек шеърятининг 60-80-йиллардаги тарққиёти А.Орипов, Э.Воҳидов, Сайёр, Н.Назруллаев, Б. Бойқобилов, Э. Охунова, О.Ҳожиева, Ҳ.Худойбердиева, О.Матжон ва бошқа кўплаб шоирларнинг ижодий камолоти билан боғлиқ ҳолда кечди. Уйғуннинг «Абу Райҳон Беруний», О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» каби тарихий мавзудаги асарлари яратилди.

С а н ъ а т Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъати бир мунча ўсди. Ҳамза номидаги театр жамоаси Шекспирнинг «Отелло» ва «Юлий Цезарь», Уйғуннинг «Навбахор», Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Н.Ҳикматнинг «Севги афсонаси», Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» асарларини сахналаштирди.

Ўзбек давлат филармониясининг мусиқий жамоалари самарали фаолият кўрсатди. Фақат Т.Жалилов номидаги Ўзбек давлат оркестри репертуаридан 1300га яқин асарлар ўрин олди. «Лазги», «Шодлик», «Гўзал» хореографик ансамбллари ҳам ўзбек ва бошқа қардош халқлар ашула ва рақсларини намойиш этдилар. «Баҳор» халқ рақс ансамбли, Ялла вокал чоғу ансамбллари жамоаларининг концертлари халққа манзур бўлди.

Ўзбек театрининг ривожланишига режиссёрлардан М. Уйғур, Е.Бобожонов, А.Гинзбург, Т.Хўжаевлар, актёрлардан Аброр Ҳидоятлов, О.Хўжаев, А.Бакиров, С.Эшонтўраева, Ш.Бурҳонов, Н.Раҳимов, Р.Ҳамраев, З.Муҳаммаджонов, Б.Қориева, Я.Абдуллаева, Ғ.Аъзамов, Ё.Аҳмедов ва бошқа санъаткорлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Халқимиз ўзбек санъати довуғини баланд кўтарган Ҳ.Носирова, М.Турғунбоева, Тамарахоним, Г.Измаилова, С.Қобулова номларини ҳурмат билан эъзозлаб келмоқда.

1946-1985 йиллар Ўзбекистон кино санъатининг юксалиш йиллари бўлди. Н.Ғаниев яратган «Тоҳир ва Зухра» (1945), «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари», «Фарғона кизи» каби кинофилмлар халқ олқишига сазовор бўлди.

60-70-йилларда ўзбек кино санъатига ёш талантли режиссёрлар, актёрлар кириб келди. Ш.Аббосов, А.Ҳамроев, Р.Ботиров, Э.Эшмуҳаммедов, Ҳ.Аҳмаров шулар жумласидандир. Ш.Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап» (1961), «Сен етим эмассан»(1963), «Тошкент - нон шаҳри» (1970), «Абу Райҳон Беруний»(1974), А.Ҳамроевнинг «Шиддат»(1971), Р.Ботировнинг «Сени кутамиз, йигит» (1972), Э.Эшмуҳаммедовнинг «Нафосат»(1967) ва «Умид қуши» (1975) каби филмларида давр фарзандларининг ҳаёти, истеъдоду изланишлари тасвирланган.

Тасвирий санъат ривожланди. Ч.Аҳмаров ва Ў.Тансиқбоевлар деворий расмлар, мозаика ва манзара жанри бўйича, В.Е.Кайдалов ва М.Набиевлар портрет жанри бўйича муҳим асарлар яратдилар. Рассомлар, ҳайкалтарошлар ва архитекторлар бирлашиб йирик монументал биноларни, майдонларни таъмирлаш, нақшлар, рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарлари билан безатиш анъанага айланди. Пойтахтнинг йирик жамоат бинолари М.Усмонов раҳбарлигида ганч ўймакорлиги, Қ.Ҳайдаров ва О.Файзуллаев раҳбарлигида ёғоч ўймакорлиги билан безатилди.

Ўзбек цирк усталари - Тошкенбоевлар, Зариповлар, Хўжаевлар, Мадалиевлар ва масхарабоз-қизиқчи Ақром Юсупов ва бошқаларнинг

чиқишлари, нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам муваффақият қозонди ва томошабинларга манзур бўлди.

Шундай қилиб, Республика маданий-манавий ҳаётида 1945-1985 йилларда муайян ютуқларга эришилди. Халқ маорифи, олий ва ўрта махсус таълим тармоғи, аҳолининг умумий саводхонлик даражаси ўсди, мутахасислар, ижодий зиёлилар даражаси сезиларли юксалди. Фан, адабиёт, санъат ривожланди. Илмий, бадиий мусиқа асарлари яратилди, маънавий ҳаётда истеъдодли ёшлар ўрин олиб борди.

3. Маънавий ҳаёт соҳаларидаги мафкуравий чеклашлар, бюрократик ҳолатларнинг авж олдирилиши ва унинг оқибатлари

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Ўзбекистоннинг маънавий-маданий ҳаётига назар ташлар эканмиз, бунда ҳукмрон тузум сиёсати ва мафкурасининг босими тобора кучайиб борганлигига амин бўламиз. Негаки, коммунистик мафкура бутун чоралар билан жамият маънавий ҳаётини ўз домига тортишга, фуқароларнинг онги, дунёқарашини ўз ғоялари, қарашлари руҳида таркиб топтириб боришга ҳаракат этди. Бу таълим ва тарбия тизимида, илм-фан жаҳҳасида ёхуд адабиёт ва санъатда бирдек намоён бўлди.

Компартия ва совет ҳукумати Ўзбекистонда гўё халқ таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уни жонли ҳаёт, амалиёт билан боғлаш баҳонаси билан ҳақиқатда бу соҳанинг асл мазмун, моҳиятини мафкуралаштириш йўлини тутди. Ўша даврда халқ таълими тизимининг ҳукмрон Марказ инон-ихтиёрида бўлганлигини Москвадан тайёрлаб юборилган, ўқув жараёнининг барча бўғинларига тааллуқли дастуру стандартлар, дарсликлару қўлланмалар ва бошқа ўқув жиҳозлари ҳам тўлиқ тасдиқ этади. Совет мутасаддилари нима сабабдан бу муҳим соҳани ўз таъсирида ушлаганлиги ва бундан кўзлаган мақсадлари маълумдир. Шу боис Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, **«Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир».**

Айниқса кадрлар тайёрлаш сифати паст эди. Президентимиз таъбири билан айтганда, кўпчилик ҳақиқий билим олиш ёки малака ортириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида олий ўқув юртларига кирарди.

Бунинг устига ўқув юртларига кирган талабалар, айтайлик, чинакам миллий руҳда чуқур билим ва тарбия олиш имкониятидан маҳрум этилганди. Негаки, бу таълим тизими ўз моҳияти эътибори билан ҳукмрон тузум сиёсати ва мафкураси билан йўғрилган эди. У даврда яратилган барча ўқув дастурлари, таълим андозалари, қўлланмалар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари мана ша руҳда тайёрланарди.

Марказда бир гуруҳ «билоғон» мутахассислар тайёрлаган, миллий худдудлар, у ерда яшовчи одамларнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий ўзликлари, ҳаётий тажрибалари, анъаналарини мутлақо инкор этган ўқув дастурлари, таълим ҳужжатлари бутун СССРдаги мактаблар, ўқув юртларига тўғридан-тўғри мажбур этиларди.

Шунингдек, ўқув юртларининг ўқув режалари ва дастурлари турли сабаблар орқасида 60-70 йилларда уч марта ўзгартирилди. Ҳар сафар ўқитиладиган фанлар янгилари ҳисобига кўпайиб, ўқув материаллари ҳажми ошиб борди, талабаларнинг мустақил ўқиб, ўрганишларига ажратиладиган вақт эса тобора камайиб борди. Талабаларнинг узок муддатли кишлоқ хўжалик ишларига сурункали жалб этилиши ҳам ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Ўқув юртларида таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, тамагирлик сингари хавфли иллатларнинг илдиз отиши ҳоллари ҳам бу тизим обрўсига жиддий путур етказди. Айниқса бундан кадрлар тайёрлаш сифати сезиларли зарар кўрди.

Айни чоғда ҳукмрон тузум тазйиқи илм-фан соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Катта мамлакат ва унинг турли миллий худудларида фаолият кўрсатувчи илмий муассасалар, илмий-тадқиқот институтлари, кўп сонли иқтидорли, салоҳиятли илмий кадрларнинг инон-ихтиёри Москва ва унинг кенг тармоқ отган илмий маркази тасарруфига бўйсундирилганди. Бу кучлар собиқ тузум мутасаддилари буюртмасини бажариб, кўп замонлар миллий республикаларда илму фан равнақига, унинг заҳматкаш фидойилари меҳнатининг кадрланиши, эътироф топишига тўсқинлик қилардилар. Бунинг натижасида олимларимизнинг кўп йиллик изланишлари маҳсули бўлган қанча-қанчалаб ноёб кашфиётлар, ихтиролар ҳаёт юзини кўрмай, амалиётга татбиқ этилмай қолаверарди. Бунинг устига илм-фанда катта кашфиётлар қилган, ўз мактабини яратган республиканинг не-не машҳур алломалари ҳам совет фанининг бош маркази – СССР Фанлари Академияси назар-эътиборидан четда қолаверди. Совет ҳукмронлигининг бутун 70 йиллик даври давомида собиқ СССР ФА таркибига О.Содиқов, Ҳ.Абдуллаев, С.Юнусов, Э.Юсупов сингари бармоқ билан санарли ўзбек олимларинггина аъзо бўлиб сайланганлиги факти ҳам бунга жонли мисол бўла олади.

Ҳукмрон совет мафқураси тазйиқи ва исканжаси таъсиридан республиканинг **адабий ва маданий** жараёни жабҳаси ҳам четда қолмаган, албатта. Ўзбек адабиёти ўзининг буюк истиқлол сари аста-секин илгарилаб бориши давомида тез ўзгарувчан тарихий жараёнларнинг кутилмаган не-не синовларига, ҳукмрон тузумнинг зарбаларига дуч келганлиги шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан ўзбек ижодкорлари фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, сўз саънаткорлари вазият тақозоси билан ҳукмрон тузум сиёсати ва мафқураси талаблари ва йўл-йўриқларини бажаришга мажбур этилдилар. Шу боис улар синфийлик, партиявийликка, марксизм-ленинизм

ақидаларига асосланган ҳолда ижод қилдилар. Ижод эркинлигининг бундай чекланганлиги, табиийки, ижод аҳлининг эмин-эркин фаолият юритишига ҳалақит берар, кўплаб муҳим ижтимоий масалаларни ҳаққоний, тўлақонли ёритишдан маҳрум этарди. Шундай тарзда ижод этишга мажбур бўлишлик кўплаб шоиру адиблар учун ўша замонда қисмат бўлган.

Ҳукмрон тузум мафқурасининг кучли босими **санъат асарлари** ва уларнинг ижодкорлари фаолиятида ҳам ўз яққол ифодасини топмай қолмади.

Хўш, совет даврида яратилган асарларда қандай гоёлар, тушунчалар кўпроқ ўрин олган эди?

Агар бунга холис жавоб берадиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида собиқ тузумни улуғлаш, социалистик жамият афзалликларини, унинг «янги замон кишилари» учун очиб берган «мислсиз» имкониятларини кўкларга кўтариб макташ оҳанглари «уфуриб» туради. Бу ҳол амалий, тасвирий санъат ёхуд монументал санъат асарларига ҳам бирдек хосдир.

Чунончи, совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда яратилган маҳобатли ҳайкалларнинг асосий қисми «Инқилоб йўлбошчиси» - Ленинга бағишланганлиги аниқдир. Шунингдек, Ленин ва компартия мавзуларини кенг режада ёритиш ва улуғлаш республикада ишланган ва экранларга чиқарилган беҳисоб кинофильмларнинг бош мазмуни, моҳиятини ташкил этгани фактдир. Бундай фильмлар сирасига «Инқилоб тонги», «Инқилоб чавандозлари», «Йўлчи юлдуз», «Ленин йўлланмаси билан», «Оловли йўллар» сингари кино маҳсулотларини нисбат бериш мумкин. Уларнинг бош қаҳрамонлари, «ҳаракатлантирувчи» кучлари ҳамишагидек Ленин ва унинг яқин сафдошлари, комфирқа раҳномалари эди. Бордию бу асарларга асосий қаҳрамон этиб маҳаллий инқилобчи ёхуд илғор меҳнат кишиси олинган тақдирда ҳам воқеаларнинг ўсиши, ривожиде давомиде унинг фаолияти «улуғ оғалар» гоёвий-тарбиявий таъсирида уларга қоришиб, сингишиб, сезиларсиз ҳолга келиб қоларди. Советлар мамлакатада шакллантирилган қудратли мафқуравий воситалар - радио, телевидение, матбуот ва бошқа оммавий ахборот каналлари тўлиғича ҳукмрон тузум минбарига айлантирилиб, улар воситасида халқ оммасининг онги, тафаккури ва дунёқарашини забт этиш учун том маънода информацион кураш олиб борилган.

Тузум мафқурачилари ва маддоҳларининг ўзбек заминида қилган қабоҳати, қолдирган асорати яна шундаки, намоён бўладики, улар халқимизнинг минг йилликлар қаърига бориб туташувчи бебаҳо маънавий кадриятлари, умрбоқий удумлари ва анъаналарини йўқ қилиш унинг имони, эътиқодини сушлаштириш ва барҳам топтиришга зўр бериб ҳаракат этдилар. Бу билан улар юртимиз фуқароларини ҳукмрон тузумнинг ҳар қандай топшириғини сўзсиз пассив, лоқайд, манқурт кишиларга айлантиришга умид боғлаган эдилар. Айниқса бундай хатти-ҳаракатлар

тоталитар тузум ўзининг сўнгги нафасини кечираётган 80-йилларнинг иккинчи ярмида авж олдирилганлиги фактдир. Маънавиятимиз душманлари ҳатто халқимиз асрлар давомида эъзозлаб, кадрлаб келган миллий байрамимиз – «Наврўз»ни ҳам тортиб олиш пайида бўлдилар. Шу мақсадда уни тақиклаш даражасига бориб етилди. Шунга қарамай иймон-этиқоди бут, буюк аждодлар удумларига содиқ ўзбек халқи ўз Наврўзини хоҳ ошқора, хоҳ пинхона бўлсин, баҳоли қудрат нишонлаш, у билан боғлиқ хайрли маросимларни ўтказишда давом этди ва бу орқали ёруғ, дориламон замонлар келишига умидворлик туйғуси билан интиқиб яшади.

Нихоят, Мустақиллик даври келиб бошқа бебаҳо миллий кадриятларимиз қаторида Наврўзимиз ҳам ўз муносиб мақомига эга бўлди ва халқимизнинг энг севимли байрами сифатида ўтказиладиган бўлди.

Хуллас, ўзбек халқи тоталитар тузумнинг барча маккорона найранглари, зуғумига дош бериб, ўз бошига тушган оғир синов-синоатларни мардонавор енгиб, охир-оқибатда ғолиб чиқди. Унинг табиатан бардошлиги, эътиқодида собитлиги, маънавий, исломий кадриятларга содиқлиги, тарихий хотирасининг бутунлиги, қолаверса, буюк бобоколонларимиз маънавий сарчашмаларидан тўйинганлиги – булар ҳукмрон тузум зулмкорларининг ҳар қандай найрангу уринишларидан устун келди.

Синов саволлари

1. Советларнинг «Маданий инқилоб» ғоясининг асл мақсад, муддаоси нимада эди?
2. Улар Ўзбекистонда халқ таълимини ривожлантиришга қандай нуқтаи назардан ёндашдилар?
3. Республикада Олий ва ўрта махсус таълимни шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини қандай сабаблар ва омиллар тақозо этганди?
4. Олий таълим муаммолари нималарда акс этган эди?
5. Ўзбекистонда илм-фан ривожига қай тарзда кечган?
6. 30-йилларда етишиб чиққан таниқли олимлардан кимларни биласиз?
7. Ўзбекистонда «Хужум» ҳаракати мавсумини ўтказишдан кўзланган мақсад нима эди?
8. 20-йилларда республикада «Хужум» ҳаракатини амалга ошириш учун етарли объектив ва субъектив шароитлар бормиди?
9. «Хужум» ҳаракати қандай оқибатларни юзага келтирди?
10. «Хужум» ҳаракати ўзбек хотин-қизлари ҳаётига қандай ўзгаришлар олиб кирди ва қанақа салбий оқибатларга сабаб бўлди?

11. Нима сабабдан Ўзбекистонда дин ва диндорларга қарши ҳужумкор кураш авж олдирилди?
12. 30-йилларда маданий ҳаётда юз берган энг муҳим воқеалардан қайси бирларини айтиб бера оласиз?
13. Ўзбек адабиёти ва санъатининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муносабатингиз?
14. Машҳур адиблар ва санъаткорлардан кимларни биласиз?
15. Урушдан кейинги республика таълим тизимининг аҳволи қандай кечди?
16. Урушдан кейинги даврда Ўзбекистон илм-фанининг ривожини ва муаммоларини ҳақида таассуротларингиз?
17. Ўзбек адабиёти ва санъати ривожланишининг ўзига хос мураккаб, зиддиятли жараёнларига сизнинг муносабатингиз?
18. Республика маънавий ҳаёти жаҳаларига Марказнинг зўравонлик таъсири ва таъйиқи қай тарзда кучайиб борди?

ХШ БОБ. МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОНЧИЛИК СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: Тоталитар тизим. Миллий кучларни бўлиш. «18-лар гуруҳи». «Иноғомовчилар». «Қосимовчилар». Зиёлилар қатағонлиги. Диний таъкиблар. Қатағонликнинг янги тўлқини. Фан ва маданиятга босим.

1. Собик Иттифокда маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар тизимнинг қарор топиши. Республика ҳуқуқлари, манфаатларининг чекланиши

Тоталитар режимининг қарор топиши XX асрнинг 20 – йиллари иккинчи яримларига келиб советлар мамлакатининг ҳокимият бошқарув - идора тизимида ҳам кескин ўзгариш ҳоллари юз бериб борди. Партия ва давлат бошқаруви мурувватларини ўз қўли остига киритиб борган И. В. Сталин аста - секинлик билан ўзининг яқка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш ҳаракатида бўлди. Шу мақсадга эришиш йўлида у ўз атрофига бир гуруҳ хушомадгўй, лаббайчи раҳбар кадрларни тўплаб, уларни ишга солиб, партиянинг кўплаб тажрибали, инқилобий курашларда жараёнида тобланган, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан етук, нуфузли арбобларини обрўсизлантиришга интилди. 20-йилларда атайин авж олдирилиб, одатий тусга кирган «партиявий тозалашлар» баҳонасида мамлакат ҳаётининг у ёки бу муҳим масаласида соғлом, холис фикр билдирган кадрларни эгаллаб турган юқори вазифаларидан четлаттириб борилди. Сталин ўз йўлига ғов бўлган бундай муҳолифатчи кучлар, кадрларни тор - мор этиш, ўз шахсий ҳокимияти режимини қарор топтириб боришда В.М.Молотов, К.Е.Ворошилов, Л.М.Каганович, Л.П.Берия сингари маслакдошу ҳамфикр сафдошлари хизматидан устамонлик билан фойдаланди. Мамлакатда юз бераётган барча ўзгаришлар, янгиланишлар Сталин номига нисбат берилди. Ҳукмрон Марказ мафқураси бу номни зўр бериб кўқларга кўтариб мақташ, мадҳ қилишга йўналтирилди.

20-йиллар охирларига келиб Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган «социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради», деган сохта ғоя бутун мамлакат учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Сталин ва унинг яқинлари мамлакат ва партия ҳаётига оид ҳар бир масалада ўз иродаси, ҳукмини бошқаларга мажбур этиб бордилар. Ўз даврида компартия ва совет ҳокимияти раҳбариятининг ўзак – негизини ташкил этган Троцкий, Бухарин, Каменов, Зиновьев, Риков, Томский сингари таниқли арбоблар шундай муҳолифатчи гуруҳ вақиллари сифатида эгаллаб турган лавозимларидан олиниб, кейинчалик қатағонлик домига дучор этилдилар.

Шу тариқа, собик Иттифокда 1917 йилдан бошлаб шаклланана бошлаган тоталитар сиёсий режим 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларида тўлиқ

қарор топди. Тоталитар режимнинг мазмун-моҳияти, белгилари қуйидагилардан иборат:

- кўппартиявийлик тугатилади, битта партия (ВКП(б)) бутун мамлакатда ягона ҳукмрон партиёга айланади, унинг қарорлари, кўрсатмалари барча ҳокимият органлари томонидан сўзсиз бажарилиши мажбурий бўлади;
- давлат бошқаруви марказдан, диктатор томонидан маъмурий-буйруқбозлик тарзида амалга оширилади, маҳаллий ҳокимият органлари амалда кўғирчоқ бўлиб қолади;
- ижтимоий муносабатлар сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, жисмоний зўрвонлик асосда тартибга солинади, хусусий мулкни миллийлаштириш орқали шахснинг иқтисодий эркинлиги тугатилади, режали иқтисодиёт қарор топади;
- ошқоралик, турли хил фикр билдириш, муҳолифатчилик ҳаракатлари қатъиян ман этилади;
- оммавий ахборот воситалари, таълим тизими, ижодий уюшмалар орқали тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, аҳоли расмий (коммунистик) мафкура нуқтаи назардан қайта ишланади, улар онгига мафкуравий ақидалар сингдирилади;
- сиёсий қатағонлик шахснинг онги ва ҳатти-ҳаракатларини назорат остига олиш, мавжуд тузумга нисбатан хайрихоҳлик, содиқлик, қўллаб-қувватлаш туйғусини сингдиришнинг асосий воситасига айланади;
- расмий мафкурага мос бўлмаган барча нашрий маҳсулотларни йўқ қилишга, интеллектуал ва ижодий фаолиятни бўғишга йўналтирилган цензура органи фаолият юритади;
- сиёсий қатағонликни амалга ошириш учун махсус ҳокимият органлари, меҳнат ва ахлоқ тузатиш лагерлари тармоғи тузилади ва фаолият юритади, бирга ишловчи, кўни-кўшнилардан кузатувчи, ифвогар-чақимчилар ёлланади, аҳоли кўрқув остига олинади.

Республика ҳуқуқларининг чекланиши Мамлакатда тоталитар тизимнинг қарор топиши, шубҳасиз, миллий совет республикалари ҳаётига ҳам дахл қилиб, уларнинг бутун инон - ихтиёрини Иттифок давлати тасарруфига боғлаб қўйди. Бу Ўзбекистон тимсолида ҳам яққол кўзга ташланди. Аввало, республика ҳокимияти бошқарувининг ҳамма бўғинлари тўлиқ равишда ССР иттифоқи органларига бўйсундирилди. Шунингдек, бу ердаги ягона раҳбар ташкилот - Ўзбекистон компартияси ҳам ВКП(б) нинг вилоят бўлими мақомида фаолият юритади. Бинобарин, ҳукмрон партия ва унинг Марказқўми қабул қиладиган ҳар қандай қарору фармойишлар, раҳбарий кўрсатмалар республика партия ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий ва шарт эди.

Республиканинг касоба уюшмалари, ёшлар ташкилоти (Комсомоли) ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам Марказдаги шу хилдаги ташкилотларнинг айнан андозаси асосида тузилган бўлиб, уларга тўлиқ бўйсунган ҳолда фаолият юритади. Шу билан бирликда бу ташкилотларнинг барчаси компартия

етақчилигида, унинг сиёсий - ғоявий таъсирида бўлиб, ўз аъзоларининг онги, тафаккурини шу партиянинг мафкураси, ғояси руҳида шакллантириб, тарбиялаб боришлари керак эди. Негаки, мустабид тузум шароитида жамият аъзоларини бошқача руҳда тарбиялаш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди.

Сталинча маъмурий – буйруқбозлик тизими кўзга кўринарли ва кўзга кўринмас минг хил қизил иплар билан Ўзбекистонни ўз домига илинтириб, унинг амалдаги расмий мустақиллигини йўққа чиқарган эди. Унинг маҳаллий раҳбарияти республиканинг иқтисодий, хўжалик, маданий- маънавий ҳаётига оид бирор бир масала, муаммони мустақил ҳал этишга ҳақли, ҳуқуқли эмас эди. Бунинг учун аввало Марказнинг розилигини олиш талаб этиларди. Ўзбекистон мустақиллигининг нечоғлик расмий, юзаки мазмунда бўлганлиги факти унинг юксак қонуний ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган эди. Жумладан, Ўзбекистоннинг 1937 йилда қабул қилинган Конституцияси ҳам моҳият эътибори билан асосан 1936 йил 5 декабрдан кучга кирган СССР конституциясининг айнан нусхаси эди. Унда республиканинг мустақиллиги, фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари мадҳ этилмасин, бироқ улар амалиётда нечоғлик сохта, қуруқ сафсаталар бўлиб чиққанлиги ҳаммага аён дидир.

2. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари

Мустабид тузум Марказда ва жойларда ўз мутлақ ҳокимиятини шакллантириб, мустаҳкамлаб борар экан, бунда у ўзига содиқ муайян сиёсий ва ижтимоий кучларга таяниб иш юритмоғи керак бўларди. Шу мақсадда Марказ ҳукумати янги социалистик жамият қурилишининг бутун давомида Ўзбекистонга ўзининг кўп сонли садоқатли ходимлари, вакиллари раҳбарий лавозимларга юбориб турганлиги бежиз эмас. Хусусан улар ёрдамида ўлка ҳаётида кечаётган барча жараёнлар, ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиш, уларнинг йўналишларини, мақсад, вазифаларини белгилаш, маҳаллий кадрлар фаолиятини кузатиш, назорат қилиш мумкин бўларди. Марказ Ўзбекистонлик миллий кадрларнинг кундалик ишларига «кўз кулоқ» бўлиш, улар фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш баробарида социализм қурилиши йўлига садоқат билдирганларни танлаш, тарбиялаш, уларни юқори мансабларга кўтаришни ўз эътиборидан четда тутмади.

Шу боис Марказ ишончини қозониб, унинг нуфузли намоёндалари билан яқиндан ҳамкорлик қилган, керак бўлганда ўз халқининг манфаати, қизиқишларини кўзлаб иш юритган билимдон кадрлар сони ҳам кўпайиб борганлиги факт дидир. Аммо Сталиннинг яққа ҳокимлиги кучайиб, тоталитар тузум бедодлиги авж олиб борган сари бундай кадрларни арзимас сабаб ва баҳоналар билан қийин-қистовга олиш, вазифаларидан четлаштириш одатий тусга кириб борди.

Раҳбар кадрлар, айниқса ўз халқи, юртининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг истиқболини кўзлаб, ўзида куч, ирода топиб, бор

ҳақиқатни айтишга журъат қилган миллат кишилари биринчи навбатда ҳукмрон Марказ уюштирган қатағонликка дучор бўлди. Бунинг ёрқин ифодасини Совет мафкурачилари томонидан ўзбек миллий кадрлари шаънини булғашга қаратилган, атайин тўқиб чиқарилган «18 лар гуруҳи», «Иноғомовчилар», «Қосимовчилар» гуруҳлари тимсолида кўриш мумкин. Уларнинг фаолиятига оид тарихий ҳужжатларни кўздан кечирар эканмиз, бу инсонлар фаолиятида уларни айблашга боис бўладиган ҳеч бир асосли ашёи далиллар бўлмаганлигига тўла амин бўламиз. Уларнинг ягона «гуноҳи» - бу ўз миллати дарди, ташвиши ва манфаатини кўзлаб айрим муаммоларни кўтарганлиги ва уларни ҳал этишга юқорининг эътиборини жалб этганлиги ҳолос.

Хўш, бу гуруҳлар таркиби қимлардан иборат бўлган? Улар совет мутасаддилари олдидан қандай гуноҳ қилган эдилар?

Республиканинг таниқли арбобларидан иборат «18 лар гуруҳи» (И.Хидиралиев, М. Саиджонов, У. Ашуров, Р. Раҳимбобоев, Эшоннов) га ер-сув ислоҳотига қарши чиққан, бой-қулоқ ва ер эгаларининг манфаатини ҳимоя қилиб чиққанлар, маҳаллийчилик ва миллатчилик ғояларини илғари, деган сохта айбнома кўйилди. Аслида эса улар ҳукмрон Марказнинг улуг давлатчилик ва шовинистик сиёсатига, миллий кадрларга нисбатан беписандлик, лоқайдлик йўлига қарши чиқиб, адолат ва ҳаққонийлик тамойилларини ҳимоя қилганлар. Шу боис расмий партия органлари томонидан мазкур гуруҳ кескин қораланади ва унинг аъзолари турли жазоларга гирифтор этилади.

«Иноғомовчилик» гуруҳи тўғрисида гап борганда ҳам унга кўйилган барча айбларнинг тўлиқ тарзда тўқиб чиқарилганлиги аён бўлади. Маълумки, Раҳим Иноғомов ЎзКП(б) Марказқўми Матбуот бўлими мудири ва ЎзССР Маориф Халқ Комиссари вазифасида фаолият юритиб келган. Р.Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон компартиясининг мустақил фаолият юрита олмаётганлигига, Марказ органларининг ўлка ҳаётидаги зўравонлигига ҳам алоҳида урғу берган. Республиканинг бир қатор масъул ходимларидан Н.Мавлонбеков, И. Исамуҳаммедов, М.Алиев, Бобоназаров сингари ҳаммаслақлар Иноғомов қарашларини қўллаб - қувватлаб чиққандилар. Бундай муҳолифатчи чиқишлар ҳукмрон партия мутасаддиларининг қаҳрига учрамасдан қолмасди, албатта. Шу боис 1926, 1927 йилларда бу гуруҳ фаолияти партия ташкилотларида бир неча бор муҳокама қилиниб, оғмачи гуруҳбозликда айбланди. Иноғомов тарафдорлари вазифаларидан олинди, номлари қораланган.

«Қосимовчилик» гуруҳи ҳам 1929 - 1930 йилларда совет ҳукмрон режими томонидан миллий кадрларни, зиёиларни қатоғон қилиш, жазолаш мақсадида атайин уюштирилган навбатдаги уйдирма эди. Ўз ССР Олий Судининг раиси лавозимида ишлаган С. Қосимов ва унинг яқин маслақдошлари: Н. Алимов, Мусабоев, Шарипов, Сирожиддинов ва бошқа жами 7 киши 1929 йилнинг 2 - ярмида «босмачилик» ҳаракатига ён берганликда айбланиб қамоққа олинди. Улар республикадаги миллатчи ташкилотлар билан алоқа боғлаганликда

айбландилар. Бу гуруҳнинг 4 та аъзоси шундай асоссиз айблар билан айбланиб, отиб ташландилар. Қолганлари эса кўп йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Мустабид тузум ҳукмдорлари учун Ўзбекистон сингари миллий совет республикаси раҳбарлари, ходимларини тўла итоатда тутишнинг бирдан - бир шарти - бу уларнинг мустақил фаолиятига изн бермаслик, вақти – вақти билан силкитиб туриш, мабодо хато, камчиликлари топилгудай бўлса, шафқатсиз жазолаш йўли эди. Миллий кадрлар фаолиятига нисбатан бундай ноинсоний, ғайриқонуний ёндашув оқибатида республикада ўз онгли ҳаёти, жўшқин фаолиятини советларнинг ёлғон, сохта ғоялари, социализм ғалабаси учун бағишлаган, шу йўлда жон фидо этиб курашган қанчалаб етук партия ва давлат раҳбарлари қатағонлик домига ғарқ бўлдилар. Ўзбекистон равнақи, халқининг бахту саодати учун фидойилик кўрсатган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Раҳимбоев, Исроил Ортиқов, Абдулла Каримов ва бошқа ўнлаб маҳаллий раҳбар кадрларнинг ҳаёт қисмати пироварида мана шундай фожиа билан яқун топди.

Мустабид тузум ҳукмдорлари ва уларнинг чакқон дастёрларининг енг шимариб қилган «саъй - ҳаракатлари» натижасида 1937 - 1938 йиллар давомида Ўзбекистонда бир қатор йирик аксилинқилобий тузилмалар тузилган, фаолият юритмоқда, деган сохта маълумотлар тўпланди. Мана шундай сохта маълумотлар асосида республика раҳбарлари А.Икромов ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги «Буржуа - миллатчилик аксилинқилобий ташкилоти маркази», Абдурауф Қориев раҳбар бўлган «Мусулмон руҳонийларнинг миллатчи -исёнкор ташкилоти», «Аксилинқилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази», «Бухоро ва Туркистон бахт-саодати» номли аксилинқилобий ташкилоти, И.Ортиқов бошлиқ «Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти», «Инглиз жосуслик резидентураси», «Япон жосуслик-қўпоровчилик резидентураси» каби ташкилотлар совет ҳокимиятига қарши фаолият юритмоқда деб эълон қилинди, уларни тузишда гумон қилинганлар қатағон қилинди.

Энг сўнгги маълумотлар, тарихий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилишлар, суриштиришлар бундай ташкилотларнинг республикада умуман бўлмаганлигини тўла тасдиқламоқда. Демак, бундай аксилинқилобий ташкилотлар қатағонлик тузуми буюртмаси асосида Марказ ва унинг жазо органлари томонидан атайин тўқиб чиқарилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилган. Бунинг орқасида минг - минглаб беғуноҳ инсонлар шафқатсиз жазоланган умрлари хазон бўлган. XX аср бошидан 40-йилларгача 450 минг ватандошларимизга нисбатан «жиноий иш» очилганлиги, уларнинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетганлиги фактдир.

Фақат 1937 - 1939 йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 43 мингдан зиёд киши қамоққа олинган. Улардан 6 минг 920 нафари отиб ташланган. 37 минг нафари эса турли муддатли қамоқ ва сургунларга ҳукм этилган.

Мустабид тузум жаллодларининг бу бедодлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Яқин миллий тарихимизнинг бу қоронғу зулмати халқимиз дилида мангу ўчмас армон бўлиб қолди. У фақат миллий истиқлол туфайлигина тўла

юзага чиқиб, бундан юртимиз фуқаролари чинакам рўшнолик кўриш бахтига мушарраф бўлдилар.

Зиёлиларнинг қатағон қилиниши Сталинча сиёсий қатағонликдан жамиятнинг соғлом кучлари, миллий зиёлилар энг кўп азият чекди, мислсиз қурбонлар берди. Негаки, тоталитар режим мутасаддилари ўзлари жаҳолатпараст кимсалар бўлганлигидан, илму маърифат, зиё аҳлини кадрлаш, эъозлаш ўрнига уларни хўрлаш, таҳқирлаш, керак бўлса йўқ қилишни ўзларига касб қилиб олгандилар. Шу боис вақти – вақти билан зиёли кадрларни қатли ом чиғиригидан ўтказиш, сафларини «ягоналаб» туриш улар учун одатий ҳол бўлиб қолганди. Масалан, бутун ҳаёти ижодини миллат бахт - саодати, юрт истиқболи учун бағишлаган Мунаввар қори шу даврда авж олган советлар ифвоси ва бўҳтонининг айбсиз қурбони бўлди. Унинг раҳномолигида миллат равнақи ва истиқлоли йўлида фаолият юритган, халққа зиё таратиб келган «Миллий истиқлол» ташкилотининг 87 аъзоси устидан суд уюштирилди. Уларнинг 49 нафари «Халқ душмани», «буржуа миллатчиси» деган айблар билан қораланиб, оғир жазоларга ҳукм қилинди.

Ўзбек адабиётининг устунлари бўлган, ноёб ижодлари халқ меҳрини қозонган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир, Махмуд Боту (Ходиев), Элбек (Маширик Юнусов), Ғози Юнус каби ажойиб истеъдодларни қуруқ бўҳтону тўхматлар асосида «халқ душманлари» сифатида жисмонан йўқ қилиниб, ёрқин фаолияти сўндирилди.

Масалан, улардан бири - профессор Ғози Олим Юнусовни оладиган бўлсак, у 50 дан зиёд асарлар муаллифи эди. Араб, форс, немис, инглиз ва барча туркий тилларни пухта биларди. У хатто рус, араб ва немис тилларида Самарқанд университети, Тошкент педагогика институти ҳамда Тил ва адабиёт илмий - тадқиқот институтида умумий тилшунослик ва тил билимига кириш каби махсус курслардан маърузалар ўқирди. Бироқ бундай истеъдодлар қатағон жаллодлари учун сарик чақалик кадр - қимматга эга бўлмаган. Мустабид тузум фармонбардорлари айниқса бунда ўзбек халқининг миллий онги, тафаккурини ёритиш, унинг ўзлигини танитишга фидойилик қилган, истиқлол дарғалари бўлган жадилизм намояндаларини йўқ қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Бунга эришдилар ҳам.

Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан 20-йилларда хорижга ўқишга юборилиб, яхши мутахассислар, фан арбоблари бўлиб етишган кишилар атайин қатлиом қурбонлари бўлдилар. Агар Германия ёки Туркияда таълим олган бўлсалар уларга ўша мамлакатларнинг жосуслари деган айб қўйилди. Бунинг учун уларнинг уйида тинтув пайтида чет элда босилган китоб топилгудай бўлса, шунинг ўзи етарли далил эди. Ахир улар чет эл олий ўқув юртларида ўқиган бўлсалар уларда шундай китоблар бўлиши табиий эди. Масаланинг бундай мантиқий жихатлари чаласавод жазо органлари вакилларини қизиқтирмаган. Хорижда таълим олиб, профессорлик унвонига сазовор бўлган Аҳмаджон Иброҳимов, Мажид Иброҳим, Иброҳим Ёрқин, Тохир Шоқир,

Абдуваҳоб Исҳоқ, Саида Шермуҳаммад кизи, Сагтор Жаббор, Отажон Ҳошим ва бошқалар ўша даврларда миллат фахри бўлганлар. Уларга ҳам “халқ душмани”, “чет эл жосуси” қабилдаги тавқи лаънат тамғаси босилиб қатлиом этилдилар.

Сталинча тоталитар-мустабид тузум бедодлиги ва зулмининг ҳаддан зиёд кучайиб бориши давомида нафақат юртпарвар миллий кадрлар, фидойи зиёлиларнинг ҳаёт тарзи, қисмати завоқ топди, балки шу билан бирга миллионлаб юрт фуқароларининг оддий инсоний кадр-қиймати, ор - номуси топталди, таҳқирланди. Ғаддор тузум зулмкорлари ўз ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларини авж олдириб, бунда ҳар бир инсоннинг юриш - туриши, кундалик машғулоти, муомаласидан тортиб то унинг қандай тафаккур юритишигача бўлган ҳамма жараёнларни ҳам ўз назоратига олишга интиланлар. Бундан кўзланган асосий мақсад эса инсонлар эрки, иродасини жиловлаш, уни муайян чегара доирасида ушлаб туриш ва шу йўл билан бадқирдор тузум шаънига доғ туширмаслик, унинг сохта обрў - нуфузини асраш, авайлаш эди.

Советлар ўз сиёсатидан салча оғиш, унга зид келувчи ҳолларга шафқатсизлик билан муносабатда бўларди. Бунинг оқибатида кишилар дунёқараш, эътиқодини ўз измига бўйсундириш, уни коммунистик ахлоқ, илмий ва атеистик тамойиллар руҳида шакллантириш учун ҳужумкор кураш олиб борган совет мафқурасининг республика меҳнатқашларининг маънавий ҳаётига етказган зарари беҳисоб бўлди. Шу йўл билан халқ маънавий – руҳий ҳаётига асрлар оша муҳим ҳисса қўшиб келган бутун бошлиқ руҳонийлар табақаси йўқ қилинди. Дин пешволари қаттиқ таъқибу қувғинга олинди.

Бу даврда инсонни қоралаш, унинг пешонасига «халқ душмани» тамғасини босиш тузум золимлари учун ҳудди «хамирдан қил суғургандай» гап бўлган. Ҳатто шундай ҳолларга дуч келиндик, республикадаги кўп хонадонларда вақти – вақти билан ўтказилган тинтув пайтида мабодо араб ёзувида босилган бирор китоб топилгудай бўлса, унинг номи, мазмуни сўраб, суриштирилмасдан ўша хонадон соҳибига жамиятга ёт унсур деган лаънат тамғаси босилиб, у қамоқ ёки сургун жазосига ҳукм этилаверган.

Шундай қилиб, сталинча қатағонлик республикамиз ҳаётининг барча соҳалари учун қонли фожиалар, беадад йўқотишлар билан тўлиб тошган давр бўлди. У миллионлаб одамларнинг тақдир - қисматида асоратли из қолдирди ва мислсиз хунук оқибатларни юзага келтирди. Шунга қарамай халқимиз ўз буқилмас иродасини, матонатини намоён этиб, ёруғ, чароғон кунлар келишига интиқиб, курашиб яшади. У сталинча қатли омнинг ҳар қандай шиддатига дош бериб, ўз асрий қадриятларини, удумлари, расм – русумларини сақлаб, имон – эътиқодида содиқ қола билди ва ҳамиша миллий истиқлол сари дадил ҳаракатланишда давом этди.

Биз, миллий истиқлол даври кишилари жонажон юртимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашиб, сталинча қатағонлик қурбонлари бўлиб кетган азиз инсонлар хотирасини доимо қалбимиз тўрида сақламоғимиз керак бўлади. Бу ҳар биримиз учун фарзу қарзидир. Юртбошимизнинг 2001 йил 1 майдаги фармони билан ҳар йили 31 август кунини «Қатағон қурбонлари» хотирасини нишонлаш

куни, деб эълон қилинганлиги ғоятда қувонарлидир. Бу ҳозирги миннатдор авлод кишиларининг шаҳид кетганлар хотираси олдидаги эҳтиромининг умумхалқ эътирофидир.

3. Урушдан кейинги йилларда маъмурий-буйруқбозлик тизими зўравонлигининг кўчайиши

Урушдан кейин мамлакатда раҳбарлик қилиш усуллари нормал ҳолатга ўтади, тинч қурилишга мослаштирилади, ижтимоий - сиёсий ҳаёт демократлаштирилади, деган орзу-ниятлар рўёбга чиқмади. Аксинча иқтисодиётда, ижтимоий -сиёсий ва маънавий ҳаётда маъмуриятчилик кучайди. Мамлакатни бошқариш партия-давлат аппаратида раҳбарлик лавозимларини эгаллаган тор доирадаги ходимлар томонидан тайёрланадиган, шахсан Сталин имзоси билан матбуотда эълон қилинадиган фармон ва қарорлар орқали амалга ошириладиган бўлиб қолди. Ҳаммани, хусусан жойлардаги раҳбарларни назорат остига олган тоталитар тузум Кремлда ўтирганларга мамлакатни фармон ва қарорлар билан бошқариш имкониятини берарди.

Республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқлари янада чекланиб борди. Сталиннинг ғалабани таъминлашда рус халқи асосий роль ўйнади, деган машъум ғояси бутун малакатни руслаштириш сиёсатига айланди. Оммавий ахборот воситалари, Компартия ва комсомол ташкилотлари русларни «катта», «улуғ оғамиз» деб барала тарғиб қила бошлади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданок бошланган қишлоқ аҳолисини ердан маҳрум қилиш жараёни урушдан кейин ҳам давом этди. 1946 йил сентябрда ВКП(б) МҚ ва СССР ҳукуматининг «колхозларда қишлоқ хўжалик уставининг бузилишини тугатиш чоралари тўғрисида» қарори эълон қилинди. Қишлоқ хўжалиги билан алоқаси бўлмаган 1300 ташкилотга ёрдамчи хўжалик сифатида бериб қўйилган 6 минг гектар ерни колхозларга қайтариш, колхозлардаги бошқарув аппарати штатидан 51 минг кишини қисқартириш каби ижобий ишлар билан бирга жиддий хатоликларга, адолатсизликларга йўл қўйилди. Колхозлар манфаатларини ҳимоя қилиш байроғи остида республика қишлоқларида истиқомат қилаётган 50 минг колхозчи оиласи қўлидаги томорка ерларидан 25 минг гектари уставда белгиланганидан «ортиқча» деб тортиб олинди. Кохоз худудида яшаган, аммо унга аъзо бўлмаган 20 минг хўжаликнинг гўё, «қонунга ҳилоф» равишда эгаллаган 2,5 минг гектар ерлари ҳам тортиб олинди. Қишлоқ аҳолисини ердан маҳрум этиш жараёни 50 - йилларда ҳам давом этди. Бу тадбирлар турмуши ночор бўлган қишлоқ аҳолисининг аҳволини янада оғирлаштирди. Бундай адолатсизликка ҳеч ким қарши чиқа олмади. Қишлоқ хўжалик артелининг одамлардан сўрамасдан тузилган низомини ўзгартиришни, низом қоидаларини қишлоқ аҳолисининг манфаатларига мослаштиришни республика раҳбарияти ҳам, қишлоқ аҳолисининг ўзи ҳам кўтариб чиқа олмади.

Негаки, тоталитар тузум ҳаммани жиловлаб олган эди. Одамлар асоратга солинган, сиёсий мутеликда яшарди.

Тоталитар тизимнинг эски касали яна қайталаниб, совет жамияти урушдан кейин бошдан кечираётган бениҳоя оғир иқтисодий қийинчилик, маънавий-рухий кемтиклик, ўткир ижтимоий-сиёсий танглик шароитида мамлакатда ҳеч бир норозилик, тушқунлик ҳолатларга изн бермаслик мақсадларида бир ёклама қаттиққўл сиёсат юритиш йўлини тутди. Бунда коммунистик мафкура босимини айна чоғда Марказда ва жойларда, хусусан миллий республикаларда бутун чоралар билан кучайтиришга асосий урғу берилди. Хукмрон компартиянинг бу борадаги маккорлиги шундаки, у кенг миллий худудлар аҳолисини, унинг илғор, ўқимишли, зиёли кучларини, маҳаллий миллий кадрларни доимий таҳликада тутиш, силтаб туриш, итоатда сақлаш учун бу янги қатли ом мавсумини аввало Марказдан бошлашни мақбул топди. Хусусан 1946-1948 йилларда ВКП(б) Марказқўми томонидан адабиёт, санъат, илм-фан соҳаларида ўтказилган бир қатор анжуманлар, баҳслар ва улар юзасидан қабул қилинган, моҳиятан «ғоясизлик ва космополитизмга қарши кураш руҳи» билан суғорилган талай «муҳим» қарорлар ва хужжатлар қатағонликнинг янгидан бошланиб, авж олишига сабаб бўлди.

Масалан, ВКП(б) МҚнинг 1946 йил феврида қабул қилган «Звезда», «Ленинград» журналлари тўғрисида, сўнграқ «Катта ҳаёт» кинофильми, В.Мураделининг «Буюк дўстлик» операси тўғрисидаги қарорлари бунга туртки бўлиб хизмат қилди.

Шу асосда 30-йиллар машъум қатағонлигининг давоми сифатида илғор, мустақил фикр юритувчи, юрт, миллат манфаатларини ўйловчи, қайғурувчи, шу руҳда ижод қилувчи зиёлиларни ҳам Марказда, ҳам жойларда таъқиб ва қувғин қилиш жараёни авж олиб кетди. Бундан шу хукмрон тузумга тобе бўлган, қўл-оёғи занжирбанд этилган жафокаш Ўзбекистоннинг қўллаб илғор зиёлилари, ижодкорлари ҳаёти ва қисмати ҳам четда қолмади.

4. Миллий зиёлиларни қатағон қилишнинг янги тўлқини

Марказ мутасаддилари, мафкурачилари раҳнамолигида ўтган асрларнинг 50-йиллари бошларида Ўзбекистонда бошланиб кетган илғор зиёлилар, илм-фан, адабиёт, санъат, маърифат намоядаларини қувғин ва таъқиб қилишлар, улар ижодидан кир излаш, айб топишга уринишлар, шубҳасиз, республика маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмади. У қўллаб олиму ижодкорлар, шоиру адиблар, истеъдод соҳиблари ҳаётини таҳликали ҳолатга дучор этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг 1949 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзининг иши тўғрисида»ги қарорида А.Қаххорнинг «Қўшчинор чироклари» романи танқид қилинди. Ёзувчилардан Ойбек, Миртемир, Ҳ.Ғулом, Ў.Рашидов, М. Шайхзода, М.Бобоев, А.Қаюмов ва бошқалар бадном қилинди. «Шарқ юлдузи», «Звезда востока» журналларининг таҳририятларига бир қатор «ярамас» асарларни чоп этишга йўл қўйган, деган жиддий айблар қўйилди.

1948-1949 йиларда 20 дан ортиқ йирик талантли олимлар, ёзувчи ва шоирлар камокка олиниб, ёпик равишда сўроқ қилиниб, миллатчиликда айбланиб, 15-25 йилга озодликдан маҳрум этилади ва сургун қилинади.

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1950 йил 1 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иши тўғрисида»ги қарорида бир қатор иқтисодиёт, тил ва адабиёт соҳасидаги олимлар миллатчиликда айбланди.

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1951 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон ССРда мусика саънатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари, «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» халқ дostonларининг афсонавий фольклор сюжетларига асосланган опера, балет ва мусикали драма спектакллари яратиш ва сахналарда кўрсатиш «зарарли» иш деб баҳоланди. Бундай спектакллари сахналаштирган ижодий ходимлар қаттиқ танқид остига олинди. Шунингдек, кўпгина концерт ташкилотлари ва мусикали театр ходимлари «Эски, архаик мусикани ва жуда ғамгин, мунгли мақом намуналари»ни тарқатганлиги учун қораланди. Қарорда «Ўзбекистоннинг мусика санъати ҳаётдан орқада қолмоқда, ўзбек халқини коммунистик руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифаларига тўла-тўқис хизмат қилмаётир», деб таъкидланди.

1951 йил 10 августда республика матбуотида “Баъзи шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бузғунликлар тўғрисида” деган мақола эълон қилинди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А.Бобожонов, Собир Абдулла, Ҳабибийларнинг асарлари коммунистик мафкурага, халқлар дўстлигига зид ғояларни илгари сурувчи асарлар сифатида танқид қилинди, улар миллатчиликда айбланди.

1951 йил 24 августда матбуотда эълон қилинган “Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда” номли мақолада Ойбек, Х.Зарипов, Ҳ.Ёқубов, И.Султонов ва бошқа адиблар мафкуравий оғишларда қораланди. М.Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Ғуллом Алимов (Шухрат)лар 1951 йилда “советларга қарши миллатчилик фаолияти”да айланиб камокка олинди ва кейинчалик 25 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

1952 йил феврида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МҚнинг X Пленуми илмий ва ижодий зиёлиларни қувғин, таъқиб остига олишда яна бир туртки бўлди. Пленумда “Республикада мафкуравий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди. Пленумда файласуф В.Зоҳидовнинг илмий ишларига буржуа-миллатчилик хатолари юкланди. Тарихчи А.Бобохўжаев ва иқтисодчи О.Аминов пантуркизмни тарғиб қилишда айбланди. Улар “сиёсий ва ишчанлик сифатлари жихатидан эгаллаб турган лавозимларига тўғри келмайдиган шахслардир”, деб ҳисобланди ва ишдан бўшатилади. Т.Тўла ва М. Шайхзодаларнинг шеър ва кўшиқлари “ғоясиз ва ахлоқсиз” асарлар, деб баҳоланди.

Ўзбек халқининг маънавий мероси, миллий қадриятлари яна бир бор оёқ ости қилинди, бу соҳада фаолият юритган ижодкорлар қатағон қилинди. Тарихий

ўтмиш ҳам, замонавий ҳаёт ҳам коммунистик мафкура, синфийлик нуқтаи назардан туриб кўпол равишда бузиб баҳоланди. Натижада маънавий ҳаётга, фалсафий ва бадиий тафаккурга, маданиятга катта зарар етди.

Сталин вафотидан кейин бутун СССРда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш тадбирлари кўрилди. Қатағон қилинганлар ишини қайтадан кўриб чиқишга киришилди. Кўпгина жинойий ишлар тўқиб чиқарилгани, минглаб одамлар ноҳақ қамалиб, озодликдан маҳрум этилгани аниқланди ва улар оқланди. А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа кўплаб ёзувчи ва шоирлар оқланди. Минглаб партия, совет, комсомол ходимлари номлари покланди. 50-йилларнинг бошларида шубҳа остига олинган, ҳар бир қадами назорат қилинаётган 60 нафардан зиёд йирик олимлар, адиблардан «миллатчи, советларнинг душмани» деган ёрликлар олиб ташланди, тўхматлардан ҳалос бўлди.

Бирок, афсуски, жамият маънавий ҳаётида воқе бўлган бу бир қадар илиқлик муҳити унча узоқ давом этмади. Одамлар хоҳиш-эркини бўғиб, инон-ихтиёрини ўзига бўйсундириб, ҳамма нарсани ҳукмрон тузум манфаатларига хизмат қилдириб келган коммунистик мафкура ва унинг маддоҳлари кўп ўтмай ўз зулмкорлигини қайтадан кучайтиришга киришди. Унинг тиғи аввало ижодкорларга нисбатан қўлланила бошланди. Бунинг натижасида республиканинг илм-фани, маданиятига салмоқли ҳисса қўшган таниқли алломалар, истеъдодли ижодкорлар кўпроқ азият чекканлиги, тақдирнинг кутилмаган зарбаларига учраганлиги айни ҳақиқатдир. Афтидан, тоталитар тузум мутасаддилари атоқли зиёли арбобларни вақти-вақти билан тавбасига таянтириш, ўзларига тиз чўқдиришга мажбурлаш йўли билан қўллари узунлигини ҳаммага намойиш этиб қўймоқчи бўлган бўлсалар ажаб эмас. Бунинг учун эса улар ҳеч нарсадан ҳазар қилмаганлар. Жумладан, геология-минералогия фанида номи жаҳонга машҳур, республикамиз ҳудудида қанчалаб нефт-газ, қимматбаҳо маъдан конларини, уларнинг захираларини кашф этган, кўп жилдли асарлари АҚШдек мамлакатларда нашр этилган академик Ҳабиб Абдуллаев ғаддор тузум қаҳрига, қуруқ тўхматлар касрига учраб, бошидан не азобларни кечирмади. Алломанинг совет тоталитар тизим ҳукмдорлари олдида қилган ягона «гуноҳи» бу унинг юртпарварлиги, элсеварлиги, миллий зиёли кадрлар тайёрлашга жону дили билан ҳаракат қилганлигидир, холос. Айниқса у республика Фанлари Академияси президенти бўлиб ишлаган йилларда истеъдодли маҳаллий миллат ёшлари орасидан кўплаб кишиларни илм-фан даргоҳларига, аспирантура ва докторантураларга ўқишга юбориб, уларнинг келажакда етук олимлар бўлиб етишишлари учун раҳнамолик кўрсатган. Шунингдек, аллома ўзбек халқининг бой миллий маънавий меросини ўрганиш ва тиклаш ишларига ҳам муттасил бош-қош бўлган. Жумладан, А.Навоий асарларининг 15 жилдлиги, Беруний, Ибн Сино асарларининг араб тилидан ўзбек тилига ўгирилиб нашр этилиши сингари хайрли ишларда ҳам Ҳ.Абдуллаев хизмати оз бўлмаган. Шубҳасизки, ўз юрти, унинг соғлом авлоди ташвиши билан яшаган, шу аснода фаолият олиб борган Ҳ.Абдуллаев партия ва давлат арбобларига ёқмаган. Шу боис уни обрўсизлантириш, фаолиятига қора чизиклар

тортиш учун ҳар хил иғво-фасод йўллари ишга солинган. Буюк истеъдод соҳибига қилинган бундай ноҳақ хуруж ва таъқиблар унинг ижоди айна барқ уриб турган пайтида ҳаётдан бевақт кўз юмиб кетишига боис бўлди.

Яна бир забардаст олим, академик Иброҳим Мўминов тарихий ҳақиқатни очишга қўл уриб, улуғ бобокалонимиз Амир Темур шахси ва унинг қилган бетимсол улкан ишлари ҳақида тўғри, холис фикрлар билдириб рисола яратганлиги учун ҳукмрон тузум зулмига учради. Москванинг нуфузли нашрлари саҳифаларида олимга қарши иғвою бўҳтонлардан иборат материаллар босилди, номи ёмон отлиқ қилинди. Начора, тарихий ҳақиқатни айта олишга ўзида ирода, жасорат топа билган аллома шундай оғир кўйга мубтало бўлди. Унинг тиник мусаффо юраги ҳам охиригача бардош бера олмади.

Ўзбек археология фанининг чинакам фидойиси, академик Яхъё Ғуломовнинг ҳам ўлкамиз тарихини илмий, холис ва ҳаққоний ўрганиш, миллий тарихимиз тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқариш борасидаги кўп қиррали фаолияти ва барча илмий изланишлари ҳам юқори совет маҳкамаларию, уларнинг консерватив фикрловчи тўра раҳбарларининг не-не қаршиликлари ва тўсиқларига дуч келмаган. Гап шундаки, ҳукмрон тузум шаънига салта бўлсин ноўрин ишора ёхуд ҳаракат юз бергудай бўлса, ўша заҳоти унинг кўп сонли маддоҳлари нишонни беҳато ола билар эдилар.

Бу даврда ўзбек адиблари, шоирлари ижоди ҳам доимий суратда совет мафқурасининг диққат-эътиборида бўлган. Шу боис уларнинг ҳар бир асари расмий цензуранинг қатъий назоратига олинар, юз чиғириқдан ўтиб, нашрга тавсия этиларди. Бордию ҳақиқат ғояси билан суғорилган баъзи асарлар босилиб чиққудай бўлса, у ҳолда уларнинг муаллифларию муҳаррирлари боши билан жавоб берардилар. Масалан, 60-йилларда таниқли шоир Эркин Воҳидовнинг биргина “Ўзбегим” шеъри муаллифга қанчалик беҳаловатлик келтирганлиги бунга мисолдир. Ёки атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг миллий тарихимизнинг номдор вакили, оташнафас шоир ва адиб, давлат арбоби, моҳир саркарда З.М.Бобур ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи “Юлдузли тунлар” романи ҳам феодал ўтмиш намояндаси тимсолини акс эттирувчи асар сифатида кескин қораланди. Ваҳоланки, бу буюк тарихий сиймо тўғрисида кўплаб хорижий мамлакатларда сон-саноксиз тарихий ва бадий асарлар битилганлиги аниқдир.

Шундай қилиб кўрамизки, мустабид совет тузumi ўзининг 70 йилдан зиёдрок давом этган ҳукмронлиги даврида ўзига қарам ва тобе бўлган миллий худудларда, жумладан, Ўзбекистонда ўз бедодлиги ва қабоҳатини ҳар қандай йўллар билан бўлмасин, амалга оширишга эришиб борди.

Айниқса бундан юртимиз фуқароларининг сара қисми саналган илғор, тараққийпарвар зиёлилар, миллий кадрлар энг кўп жафо чекди, минг бир хил азобу уқубатларга дучор этилди. Юртимизнинг бундай юртпарвар, ватанпарвар соғлом кучлари ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам ўз фуқаролик позицияларида собит туриб, собиқ тузум зўравонлари зуғуми ва хуружига дош бериб, Ватан истиқболи йўлида мардонавор ҳаракатда давом этдилар.

Синов саволлари

1. Советлар мамлакатида тоталитар-маъмурий буйруқбозлик тизими қачондан бошлаб шакллана борди?
2. Унинг вужудга келишининг асоси объектив ва субъектив омиллари нималардан иборат?
3. Ўзбекистоннинг совет тоталитар тизими домига олина бориши жараёни қай тарзда кечган?
4. Республикамиз миллий кучларини бўлиб ташлаш Марказга нима учун керак бўлди?
5. “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик” сингари гуруҳлар ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисида сохта “ишлар” тўқиб чиқаришдан кўзланган мақсад нима эди?
6. Нима сабабдан ўтган асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда раҳбар кадрлар қатағон қилинди ва уларга қандай “айблар” қўйилди?
7. Илғор ўзбек зиёлиларининг қатлиом қилинишини қандай изоҳлаш мумкин?
8. Тоталитар тузум маъмурларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи борасидаги мунофиқлиги ва иккиюзламачилигини сиз қандай изоҳлайсиз?
9. 40-йиллар охири ва 50-йиллар бошларида илғор ўзбек зиёлиларини қоралаш ва қатли ом этишдан асосий мақсад, муддао нима эди?
10. Сталин шахсининг қораланиши ва унинг оқибатларининг тугатилиши жараёни республика маънавий ҳаётига қандай таъсир кўрсатди?
11. Турғунлик йилларида ўзбек зиёлилари ва миллий кадрларнинг ҳаёти ва фаолияти қандай кечган?

XIV БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Таянч сўз ва иборалар: Фашизм. Урушни келтириб чиқарган сабаблар. Ўзбекистондаги сафарбарлик. Уруш йилларида саноат. Қишлоқ хўжалиги. Фан. Маориф. Маданият. Байналмилаллик ёрдами. Ўзбекистонлик жангчиларнинг жасоратлари. Хотира ва кадрлаш куни.

1. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши, моддий ва маънавий кучларнинг фронтга сафарбар этилиши

Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши 1939 йил 1 сентябрда Фашистлар Германияси кўшинларининг Польшага бостириб кириши билан иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, агрессив давлатлар - фашистлар Германияси, фашистлар Италияси ва милитаристик Япония бошладилар. Улар орасида Германия фашистлари уюштирувчи, етакчи роль ўйнади.

Фашистлар блоки давлатлари томонидан олиб берилган уруш босқинчилик, адолатсизлик уруш эди. Фашизмга қарши урушган давлатлар адолат учун курашдилар. Агрессия қурбони бўлган мамлакатларда ватанпарвар кучлар, халқ томонидан қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошлангач, урушнинг озодлик характери янада кўчайди.

Англия ва Франция ҳукмрон доиралари биринчи жаҳон урушида қўлга киритган ҳудудларни ўз тасарруфида сақлаб қолишга, Гитлер кўшинларини Шарққа, Совет Иттифоқи томон йўналтиришга интилдилар.

Совет давлатининг ташқи сиёсати фашистлар Германиясини Англия ва Францияга қарши қўйишга ва уларнинг ҳарбий кучлари заифлашган пайтда зарба беришга қаратилган эди. 1939 йил 23 августда собиқ СССР билан Германия ўртасида 10 йил муддатга ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома имзоланади. Шартноманинг маҳфий кўшимча баённомасига мувофиқ Германия ва СССР ўзларининг таъсир доираларини бўлиб оладилар. Герман ва совет манфаатлари Польша давлати ҳудудлари билан боғлиқ эди. Германия Болтиқбўйи мамлакатларига даъво қилишдан воз кечади. Германия 1939 йил 1 сентябрда Польшага бостириб киргач, Совет давлати 1939 йил 17 сентябрда ўз кўшинларини Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссияга киритади ва бу ҳудудларни ўз тасарруфига олади. 1940 йил июнда СССР Болтиқбўйи республикаларини ҳам эгаллади.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки давридаёқ фашистлар Германияси Ғарбий ва Марказий Европада ҳукмронликни қўлга киритди. Германия ва Италия Европадаги 10 давлатни – Польша, Чехословакия, Югославия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия, Францияни босиб олди.

Фашистлар Германияси Европанинг ҳарбий, иқтисодий ресурсларини қўлга киритиб бўлгач, 1941 йил 22 июнь якшанба куни тонг саҳарда ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон қилмасдан Совет Иттифокига хоинона ҳужум бошлади. Фашистларнинг мақсади СССРни босиб олиш, бойлигини талаш, миллионлаб кишиларни кириш ва қолганларини кул қилишдан иборат эди.

Германия билан ҳамкорликда унинг иттифокчилари-Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам Совет Иттифокига қарши урушга киришдилар.

Совет халқининг фашизмга қарши уруши бошланди. СССР таркибидаги барча республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам уруш гирдобига тортилди.

Шу тариқа, иккинчи жаҳон уруши жаҳондаги 61 мамлакатни, Ер шари аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1,7 миллиард кишини ўз гирдобига тортди.

Ҳарбий сафарбарлик Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий кучларини урушга сафарбар этишга киришилди. Барча вилоят, шаҳар ва туман ҳарбий комиссариатлари ҳарбий хизмат мажбуриятида бўлганларни сафарбар этиш билан шуғулландилар. Урушнинг дастлабки ойидаёқ юз минглаб ватандошларимиз қўлга қурол олиб фронтга жўнаб кетдилар.

Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун жангчилар ва зобитлар тайёрлайдиган ўчоққа айлантирилди. Бу округ 1941 йил июнидан 1942 йил охиригача бўлган муддатда ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий қўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош Қўмондонлик қароргоҳи захирасига 86 дивизия ва бригада жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ватанпарвар кучлари миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартигача бўлган даврда 14 та миллий ҳарбий қўшилмалар, жумладан, 9 та ўқчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жўнатилди.

1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси жами 6,5 миллион кишини ташкил этган, уларнинг ярмини болалар ва кексалар ташкил этган бўлса, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи, аниқроғи 1433230 киши урушга сафарбар бўлган.¹ Ўзбек халқи, кексалар, ота-оналар даҳшатли синов пайтида ўз фарзандларини фронтга жўнатар экан, уларга мард ва ботир аскар бўл, қаҳрамонларча жанг қил, ғалаба билан қайт, деб насиҳат қилиб қолдилар.

Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари фронт орқасини мустаҳкамлаш, хўжаликни ҳарбий изга тушириш, барча одамларни меҳнатга сафарбар этиш, қўплаб жанговар техника, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича шошилишч тадбирларни амалга оширдилар.

1941 йилнинг охиригача 300 га яқин корхона ҳарбий изга солинди, жанговар техника, қуроллар, ўқ дори ишлаб чиқаришга мослаштириб қайта қурилди. Бу корхоналарда фронтга сафарбар этилган эркаклар ўрнини кексалар, хотин-қизлар эгалладилар. Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим

¹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.:Ўзбекистон, 1996, 80-бет

юртлари, фабрика- завод таълими мактаблари уруш даври талабларига мос кадрлар тайёрлашга йўналтирилди. Якка тартибда ва бригада тарикасида хунар ўргатиш ишлари йўлга қўйилди. Республикамиз қишлоқларининг аҳолиси фронт ва фронт орқасини озиқ-овқатлар билан, саноатни ҳомашё билан таъминлаш учун оёққа турди.

**Кўчириб келтирилган
корхоналарнинг
жойлаштирилиши**

Уруш бўлаётган ва душман яқинланиб келаётган ҳудудлардан муҳим саноат корхоналарини, колхоз, совхоз ва МТС ларнинг мулкларини,

маданий бойликлар ва ўқув юртларини Шарққа, жумладан, Ўзбекистонга зудлик билан кўчириб келтириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. Фашистлар томонидан вайрон қилинган шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси, ота-оналари ҳалок бўлган болалар, миллион-миллион кишилар улкан оқим бўлиб кўчиб кела бошладилар. Кишилиқ тарихида бундай катта кўламли мудҳиш воқеа биринчи марта содир бўлди. Ўзбекистонга юзга яқин саноат корхонаси, жумладан, 48 та машинасозлик, металл ишлаш, кимё ва бошқа ҳарбий техника ва маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик заводларнинг асбоб-ускуналари кўчириб келтирилди, зудлик билан барпо этилган биноларга жойлаштирилди ва монтаж қилинди. Ишчи, хомашё жиҳозлари билан таъминланди ва фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкентда жойлаштирилган Ростсельмаш заводи «Катюша» ва миномет снарядлари, авиация заводи жанговар самолётлар етказиб бера бошлади.

Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчирилиб келтирилган кишиларни, шу жумладан, етим болаларни ўз бағрига олди.

1941 йил 3 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кўчирилиб келтирилган фуқароларни қабул қилиш ва жойлаштириш юзасидан махсус қарори чиқди. Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида 1941 йил 10 июлда тузилган махсус Республика комиссияси ва Маҳаллий советларнинг ижроия қўмиталари қошида тузилган алоҳида бўлимлар кишиларни ҳисобга олиш ва жойлаштириш билан шуғулландилар. Кўчириб келтирилганлар шаҳар ва қишлоқ туманларига жойлаштирилди.

Ўзбекистон бўйича 1942 йил баҳоригача кўчириб келтирилган 716 минг киши қабул қилиниб олинди, ишга жойлаштирилди, улар учун яшаш шароитлари яратилди.

Ўзбеклар кўчирилиб келтирилган ота-онасиз болаларга алоҳида ғамхўрлик қилдилар, 200 минг дан кўпроқ етим болаларни ўз бағрига олдилар. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошида болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия тузилди. Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлиги ташаббуси билан болаларни қабул қилиш-тақсимлаш маркази тузилди. Республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида болаларни қабул қилиш пунктлари

очилди, уларда ўқитувчилар кечаю кундуз навбатчилик қилдилар. Милиция бўлимлари қошида 30 дан ортиқ болалар хоналари ташкил этилди.

1942 йил 2 январда Тошкент шаҳрида хотин-қизларнинг йиғилиши бўлиб, унда республикамиздаги барча аёлларга қарата мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилди. Кўплаб оилалар 4000 дан ортиқ етим болаларни ўзларига фарзандликка олдилар, топган-тутганларини улар билан баҳам кўрдилар.

Ўзбекистонга Ғарбий вилоятлардаги жангларда ярадор бўлган минглаб аскар ва зобитлар ҳам олиб келинади. Уларни қабул қилиб олиш, госпиталга жойлаштириш, саломатлигини тиклаш ишларига алоҳида меҳрибонлик қилинди. Республикамиз соғломлаштириш марказларидан бирига айланди. 1941 йил 1 октябрча Ўзбекистон соғликни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпиталь барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди. Айти пайтда Москвадан, Калинин, Ростов-Дон ва бошқа вилоятлардан 15900 ўринга (кроватьга) эга бўлган 48 госпиталь кўчирилб келтирилди, жойлаштирилди ва ишга туширилди. Жами 39140 ўринга эга бўлган 113 госпиталь ярадор ва бемор жангчиларга тиббий хизмат кўрсатдилар. Соғайганлар фронтга ёки корхоналарда ишлашга жўнатиб қўйиларди. Ногирон бўлиб қолганларга зарур ёрдам кўрсатилди, холига яраша иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Ўзбекистонликлар орасида мудофаа фондиди ташкил этиш, фронт учун иссиқ кийимлар тўплаш ҳаракати кенг ёйилди. Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар шахсий жамғармаларини, қимматбаҳо буюмларини мудофаа фондига топширдилар. Мудофаа фондига 650 миллион сўм пул, 22 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 55 килограмга яқин олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тўпланди. Бу жамғарма ҳисобига республикамизда танк калонналари, авиация эскадрильялари, бронепоездлар қурилиб фронтга жўнатилди. Ўзбекистонлик жангчиларга эшелонлаб иссиқ кийимлар, мевалар жўнатиб турдилар. Давлат ҳарбий заёмларига ёзилиш йўли билан анчагина маблағлар тўпланди. Аҳолидан иссиқ кийимлар тайёрлаш учун жун, терилар йиғиб олинди. Аҳолига давлат заёми, пул-буюм лотереяси сотиш ҳисобига 4,2 миллиард сўм маблағ йиғилиб ғалаба манфаатлари йўлида фойдаланилди.

Хуллас, урушнинг дастлабки йилиёқ Ўзбекистоннинг бутун моддий ва маънавий кучлари фашизмга қарши ғалаба учун сафарбар этилди, ҳаёт ҳарбий изга туширилди, халқ Ватан ҳимоясига отланди.

2. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги фронт хизматида

Саноат Республика саноати уруш манфаатларига мослаштирилган ҳолда жадал ривожлантирилди, янги тармоқлар яратилди. 1941 йил охирларида Ўзбекистоннинг 300 саноат корхонаси фақат ҳарбий маҳсулот бера бошлади.

Республика саноат корхоналари қувватларининг кенгайиши, янгидан қурилган заводларнинг ишга туширилиши электр энергияси ва ёқилғи ишлаб чиқаришни кескин оширишни талаб қилди. Ўзбекистон партия ва ҳукумати Иттифоқ ҳукуматига хат йўллаб бу муаммони ҳал этишда кўмак сўради. Тез орада 1942 йил 10 ноябрда ВКП (б) МҚ ва СССР Халқ Комиссарлари Совети «Ўзбекистон ССРда бешта гидроэлектр-станция қурилиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Ўзбекистонда металлургия заводи қуриш, кўмир ва нефть қазиб олишни кўпайтириш тадбирлари ҳам белгиланди.

1943 йилда Ўзбекистонда энг йирик гидроэлектрстанция - Фарход ГЭСи қурилиши бошланди, қурилиш зарур материаллар ва ишчи кучи билан таъминланди. Фарход қурилиши умумхалқ қурилишига айланди, бинокорлик ишлари хашар йўли билан бажарилди. 10 ойлик фидокорона меҳнат натижасида Сирдарё жиловланди.

Уруш йилларида Бўзсув дарёси ўзанларида Товоксой, Оққовок, Салар, Қуйибўзсув, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари, шаҳарлар ва йирик корхоналар ёнида кичик ГЭСлар ишга туширилди. Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш қарийб 2,5 бараварга, яъни 1940 йилги 462 млн киловатт соатдан 1945 йилда 1187 млн киловатт соатга кўпайди. Уруш даврида «Ангренуголь» кўмир қонида яна учта шахта ва очиқ усулда кўмир қазиб олинган карьер бунёд этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида Қизилқия кўмир қони фойдаланишга топширилди.

1940 йилда Ўзбекистонда атиги 3,4 млн тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1945 йили 103 млн тонна, яъни 30 марта кўпроқ кўмир қазиб олинди.

Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тадбирлари кўрилди. Нефть-геология қидирув трести, нефть тармоғи қурилиш монтаж трести, нефть қазиб олувчи 2 та трест, нефть қазиб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи, нефть машинасозлиги заводи барпо этилди. Фарғона водийсида ишлаб турган «Андижон», «Полвонтош», «Чангартош», «Чимён» нефть қонларида маҳсулот ишлаб чиқариш кучайтирилди. Янги нефть қонлари, нефтни хайдаш заводи ишга туширилди. Уруш йилларида Республикада нефть ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди ва 1945 йилда 478 минг тоннадан ортди.

Ғарбдан кўчириб келтирилган заводлар базасида 16 та станоксозлик, тўқимачилик ва машинасозлик корхоналари ташкил этилди. Урушдан олдин қурилган республикамиздаги кўпгина заводлар ҳам турли ҳарбий асбоб-ускуналар, машиналар, жанговар техника ишлаб чиқаришга мослаб қайта қурилди.

ЎзССР ХКС 1942 йил 17 июнда Бекободда металлургия заводи куриш тўғрисида қарор қабул қилди. Металлургия заводини куриш бутун республика меҳнатқашларининг зарбдор ишига айланди. Саноат корхоналари зарур мутахасислар билан, колхоз ва совхозлар ишчи кучи билан таъминлашди. Завод курилишида 30 мингдан кўпроқ кишилар иштирок этдилар. Ўзбекистоннинг биринчи металлургия заводи 1944 йил 5 март куни дастлабки металл маҳсулотларини бера бошлади ва тез кунларда заводнинг биринчи навбати, 1945 йил февралдан иккинчи навбати ишга туширилди.

Геологик-қидирув ишлари натижасида кўплаб қора ва рангли металл конлари очилди. Уруш йилларидаёқ Лангар, Ингичка, Қўйтош, Қоратепа, Олмалик рангли металл конлари, Оқтош боксит кони ўзлаштирилди. Улардан қазиб олинган вольфрам, молибден, мис, алюмин ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналар курилди.

Уруш йилларида кимё, курилиш материаллари саноати, тўқимачилик ва пойабзал саноати, озик-овқат саноати, маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Фақат 1943 йилда 12 та ёғ заводи, 3 та пахта тозалаш заводи, 4 та қанд ва 4 та консерва заводлари курилиб ишга туширилди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 280 та янги саноат корхоналари курилиб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоқлари - авиация, станоксозлик, оғир машинасозлик, қора ва рангли металлургия ва бошқа тармоқлари вужудга келди.

Саноатчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон Совет Армиясининг қурол аслаҳахонасига айланди. Ўзбекистон фронтга 2090 самолёт, 17342 авиамотор, 2318 минг авиабомба, 1,7 мингдан ортиқ миномет, 22 млн мина, 560 минг снаряд, миллионтача граната, 330 минг парашют, ҳарбий эҳтиёжлар учун 100 минг км дан ортиқ махсус сим, 125 минг км телефон кабеллари ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Бу ўзбекистонликларнинг фашист босқинчиларини тор-тор этишига қўшган улкан ҳиссаси сифатида жаҳон тарихидан муносиб ўрин олди.

Транспорт ва алоқа Республикамизда транспорт ва алоқа воситаларининг тўхтовсиз ва самарали ишлашини таъминлашга эътибор берилди. 1943 йил 25 январда «Тошкент темир йўли иши тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Темир йўл ҳарбий ҳолатга ўтказилди, унда ишловчилар сафарбар этилган деб ҳисобланди, ҳарбий хизматчилар каби қаттиқ интизомга риоя этиш мажбур қилиб қўйилди.

1941-1945 йилларда темир йўллар 2 баробар узайди. Тошкент-Ангренуголь, Бойсун-Отқулоқ-Турангли, Тошкент товар станцияси темир йўллари курилиб ишга туширилди. Республика автотранпортида ташилган юклар ҳажми 1945 йилда 1940 йилга нисбатан 2,5 барабар ўсди ва 2116 минг км тоннадан 5139 минг км тоннага етди.

Алоқа, телефон, телеграф ходимлари ҳам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Алоқа ходимлари Ўзбекистонни Марказ билан, Республика раҳбариятини вилоят, шаҳар, туманлар, юзлаб саноат корхоналари билан алоқасини йўлга қўйдилар. Тошкент-Самарқанд-Ашхабад, Тошкент-Самарқанд-Боку, Тошкент-Самарқанд-Красноводск Тошкент-Самарқанд-Бухоро телефон алоқа йўллари қурилди. 1943 йилда қуриб ишга туширилган 500 километрлик телефон йўли Республика пойтахтини Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон билан боғлади.

Йирик корхоналарнинг ўзларида ҳам 50-100 ўринли телефон станциялари қурилди. Натижада хўжаликларга раҳбарлик қилиш, уларга ўз вақтида қўмаклашиш ишлари яхшиланди.

Қишлоқ хўжалиги Уруш республика қишлоқ хўжалик ходимларини каттик синовдан ўтказди. Улар олдида саноатни хомашё билан, аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан узлуксиз таъминлашдек улкан, мураккаб вазифа турар эди. Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики, биринчидан, республика қишлоқ хўжалиги асосан пахта етиштиришга йўналтирилган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари иттифоқ фондидан келтирилар эди. Уруш бошлангач, озиқ-овқат келтириш тўхтади, аҳолини боқиш учун ички имкониятларни топиш зарур бўлиб қолди. Иккинчидан, қўчирилиб келтирилган аҳоли ҳисобига шаҳарлар аҳолисининг қўпайиши озиқ-овқатга бўлган талабни янада оширди. Учинчидан, куч-қувватга тўлган деҳқонлар фронтга ва ҳарбий саноатда ишлашга сафарбар этилган, деҳқончиликнинг машақатли ишлари кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига тушган эди. Тўртинчидан, МТС ва совхозларга Фарбдан янги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар келтириш тўхтаб қолди. Бугина эмас, хўжаликлардаги тракторлар, отларнинг бир қисми Қизил Армия эҳтиёжлари учун фронтга олиб кетилди.

Уруш йилларида республика деҳқончилигининг таркибий тузилиши кескин ўзгарди. Пахтачиликни асосий тармоқ сифатида сақлаб қолган ҳолда, дон, қанд лаблағи, каноп, пилла, сабзаёт-полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари қўрилди. Биринчи навбатда экин экиладиган майдонларни кенгайтириш, ирригация қувватларини ошириш тадбирлари қўрилди.

ЎзКП(б) МҚнинг биринчи котиби Усмон Юсупов 1941 йил декабрда бўлган МҚнинг V Пленумида Ўзбекистонда ғалла масаласини ҳал қилиш, ўзимизни-ўзимиз ун-нон билан таъминлашимиз керак, деган вазифани илгари сурди. Дон экиладиган, суғориладиган ер майдонлари кенгайтирилди. Заранг ерлар, қўриқлар, лалмикор ерлардан ҳам фойдаланилди. 1942 йилда 1408,1 минг гектар, 1943 йилда 2090,2 минг гектар ерга ғалла ва дуккакли экинлар экилди. Натижада дон маҳсулотларини етиштириш кўпайиб, 1941 йилги 4,8 млн. ц. ўрнига 1943 йилда 5,3 млн. ц. дон олинди.

Қишлоқ хўжалигида Ўзбекистон учун янги тармоқ - қанд лавлағи етиштириш йўлга қўйилди. Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари лавлағи етиштириш бўйича ихтисослаштирилиб, 1942 йилдаёқ 65 минг гектарга,

кейинги йилларда 70 минг гектардан ортиқроқ ҳосилдор ерларга қанд лавлаги экилди. Республика бўйича 1944 йилда давлатга 1 млн. 373 минг ц., 1945 йилда эса 1 млн. 646 минг ц. қанд лавлаги топширилди. Қанд лавлагини қайта ишлаш, шакар-қанд ишлаб чиқариш учун Зирабулоқ, Красногвардейск, Қўқон, Янгийўл қанд заводлари қурилди. Уруш йилларида Ўзбекистон бутун Иттифокда ишлаб чиқарилган қанднинг тўртдан бир қисмини берди. Республикамиз кишлок хўжалиги ходимлари уруш йилларида давлатга 4 млн. 806 минг тонна пахта хомашёси, 1282 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 57,5 минг тонна мева ва узум, 36 минг тонна қурук мева, 159 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун етказиб бердилар.

Уруш йилларида ишчи ва деҳқонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ёрдам янада мустаҳкамланди. Улар мустаҳкам жипслашиб фронтни моддий жиҳатдан таъминлаш орқали душман устидан қозонилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон хўжалик ходимлари уруш йилларида душмандан озод этилган вилоят, шаҳар, туман, хўжаликларини қайта тиклашга ҳам кўмаклашдилар. Россия ғарбий вилоятлари, Украина, Белоруссияда кўплаб корхоналар, темир йўллар, колхоз ва совхозларни тиклашга моддий жиҳатдан ҳам, мутахасисларни сафарбар этиш йўли билан ҳам ёрдам берилди.

3. Уруш йилларида фан, маориф ва маданият

Ф а н Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Иттифок Фанлар Академиясининг ўзбек филиали, республикада ишлаб турган 75 та илмий муассасалар, шу жумладан, 25 та илмий-тадқиқот институтлари, 23 та илмий станция ва бошқалар, барча олимлар хўжаликни ҳарбий изга солиш билан алоқадор муаммоларни ҳал этишга жалб этилди. Уларнинг заводлар, фабрикалар, темир йўл, ва автомобиль йўллари, транспорт корхоналари билан бевосита алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистонлик олимлар кўчиб келган йирик олимлар билан яқин алоқа боғладилар. Республикамизда мавжуд бўлган ва кўчирилиб келтирилган илмий муассасаларнинг тадқиқот йўналиши қайта кўриб чиқилди, уруш талабларига мослаб ўзгартирилди.

Геолог олим Ҳ.М.Абдуллаев ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижасида қалай, вольфрам, молибден, ўтга чидамли металллар, нодир металллар ва бошқа турдаги хомашё конлари топилди ва ўзлаштирилди. А.С.Уклонский бошчилигидаги геологлар гуруҳининг Турангли темир конини топиш, ўзбек металлургия комбинати қурулишини лойихалаштириш ва уларни фойдаланишга туширишдаги хизматлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Д.М.Богданов ва муҳандис Г.С.Чикризовлар Ангренда қидирув ишларига бошчилик қилдилар ва кўмир конининг бой ресурсларини топиб янги шахталар қуришга кўмаклашдилар.

Дори-дармонлар тайёрлаш борасидаги тадқиқотлар натижасида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Тошкентда фармацевтика заводи қурилиб ишга туширилди.

Уруш йилларида гуманитар фанлар ҳам анча ривожланди. Тошкентга кўчиб келган йирик тарихчи, археолог, ҳуқуқшунос, шарқшунос, адабиётшунос олимлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти ва адабиётининг муҳим масалаларини ишлаб чиқдилар. В.В.Струве, В.А.Шипкин, Е.Э.Бертельс, И.К.Додонов, В.Ю.Зоҳидов, Х.Ш.Иноятов, А.Ю.Якубовский, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Я.Ф.Ғуломов ва бошқалар Ўзбекистоннинг энг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, моддий маданияти ва маънавияти, Ўрта Осиё халқларининг этногенези бўйича қатор асарлар тайёрладилар. Икки томлик «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг яратилиши тарих фанининг катта ютуғи бўлди.

Ёзувчи Алексей Толстой раҳбарлигида рус ва ўзбек олимлари биргаликда «Ўзбекистон адабиёти тарихи» асарини яратдилар.

1943 йил 27 сентябрда СССР ҳукумати Ўзбекистонда Фанлар Академиясини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Фанлари Академияси очилди, унинг биринчи президенти этиб таниқли олим Т.Н.Қориниёзов сайланди. Маҳаллий миллат вақлларидан фан доктори ва номзодлари тайёрлаш йўлга қўйилди. 1944 йилда ЎзФА Президиумида аспирантура ташкил этилди.

Таълим Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Воронеж, Одесса ва бошқа шаҳарлардан кўчирилиб келтирилган 31 олий ўқув юрти ва 7 ҳарбий академия қабул қилиб олинди. Уларнинг баъзилари ўзаро ёки Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан бирлашдилар.

1945 йилда олий ўқув юртлари сони 1940 йилга нисбатан 3 тага кўпайди. Улар 33 тани ташкил этди, талабалар сони эса 19,1 мингдан 21,2 минг кишига ортди. Уруш йилларида ҳаммаси бўлиб 10 мингдан кўпроқ олий малакали ва 3,7 мингга яқин ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрланди.

Халқ маорифи тизимида жиддий қийинчиликлар ҳам мавжуд бўлди. Кўплаб мактабларнинг бинолари госпиталлар, ётоқхоналар, ҳарбий ўқув юртларига берилди. Мактаблар бирлаштирилди, кўп сменали ўқиш жорий қилинди. Республика мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 74,6 фоизини эркаклар ташкил этарди. Улар фронтга, ишлаб чиқариш ишларига сафарбар этилди. Дарсликлар, ускуналар, дафтарлар етишмас эди.

Ўзбекистон ҳукумати умумтаълим тўғрисидаги қонунни бажариш, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари билан мунтазам шуғулланди. Қисқа муддатли ўқишлар ташкил этилиб, бошланғич синфлар учун ўқитувчилар тайёрланди.

Мактабларда таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тартиби, бошланғич ва етти йиллик мактабларни тамомловчилар учун битирув имтиҳонлари, ўрта мактабни тамомловчилар учун етуклик аттестати-гувоҳномаси учун имтиҳонлар топшириш мажбурияти, мактаб ўқув дастурларини аъло ўзлаштирган ва аъло хулқли

ўқувчиларни олтин ва кумуш медаллар билан тақдирлаш жорий этилди. Бу дарс машғулотлари савиясини кўтаришга, ўқувчилар интизомини яхшилашга олиб келди.

Кўчирилиб келтирилган муассасалар ўз жойларига қайтиб кета бошлагач, мактаб бинолари ҳам бўшатила бошланди, бошқа ишга ўтган ўқитувчилар, армия сафидаги ўқитувчилар мактабга қайтарилди, ўқувчилар ўз мактаблари бағрига қайтиб, ўқишни давом этдирдилар. 1940-41 ўқув йилида 5504 умумтаълим мактабларида 1368,9 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1945-46 ўқув йилида 4976 умумтаълим мактабларида 989,2 минг бола таълим олди.

Адабиёт ва санъат Ўзбекистон маданияти ва санъати ходимлари ўзларининг қайноқ ижоди билан халқни мардона жанг қилишга, фидокорона меҳнатга руҳлантириб ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонга вақтинча кўчириб келтирилган рус, украин, белорус ва молдаван, бошқа миллатларга мансуб ёзувчи ва шоирлар ҳам республикамиз ҳаётида фаол қатнашдилар. Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилдилар. «Биз енгамиз» деган алманахлар, «Ўзбекистон шоирлари фронтга» деган антология ана шундай ҳамкорлик меваси бўлди. Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулла, Николай Погодинлар биргаликда «Ўзбекистон қиличи» мусикали драмасини яратдилар.

Уруш йилларида яратилган Ойбекнинг «Навой» ва «Қутлуғ қон» романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз» қиссаси жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Шеърятда улкан юксалиш бўлди. Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга», «Жангчи Турсун» ва «Роксананинг кўз ёшлари», Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», «Мен – яҳудийман», «Мен сени кутаман, ўғлим» ва «Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлажак», Уйғуннинг «Қасам», «Бир қадам орқага чекинилмасин» ва «Мактуб», Мақсуд Шайхзоданинг «Она кузатмоқда» ва «Капитан Гастелло» шеърлари фашизм кирдикорларини фош этиб, ғалаба қозонишга чуқур ишончни куйлаб, халқнинг жанговор руҳини кўтарди.

Уруш йилларида сахна санъати ривожланди. Тошкентда ва Андижонда янги театрлар очилди, республикамизда ҳаммаси бўлиб 36 театр ишлаб турди. Театрларда уруш мавзусига бағишланган «Даврон ота», «Шерали», «Ўзбекистон қиличи» мусикали драмалари, «Улуғбек» ва «Маҳмуд Торобий» опералари, К.Яшиннинг «Босқинчиларга ўлим», М.Шайхзоданинг «Жалолиддин» пьесалари кўрсатилди.

Тошкент бадий фильмлар студияси вақтинча кўчиб келган йирик киноматографлар билан ҳамкорликда «Икки жангчи», «Насриддин Бухорода», «Ватанга совға» номли кинофильмларни яратдилар.

Ўзбекистон санъати ходимлари меҳнаткаш халққа, жангчиларга хизмат қилиб, уларнинг руҳини кўтариб турдилар. Санъаткорлардан тузилган 30 дан ортиқ бригадалар фронтдаги жанговор ҳарбий қисмларнинг аскар ва зобитлари

учун 400 дан кўпроқ концерт бердилар. Республика худудида жойлашган ҳарбий қисмларда 15 мингта, госпиталларда 10 мингта концерт уюштирилди. Ишчилар, пахтакорлар ҳузурида доимо хизматда бўлдилар. Бу тадбирларда фаол қатнашган атоқли санъаткорлар - Ҳалима Носирова, Тамара Хонум, Аббор Ҳидоят, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтураева, Аббос Бакиров ва бошқалар халқ хурматига сазовор бўлдилар.

**Ўзбек халқининг бадарға қилинган
халқларга ғамхўрлиги**

Сталин ва унинг атрофидаги
югурдакли томонидан уруш
йилларида

ҳам кичик халқлар, этник гуруҳларга нисбатан адолатсизлик қилинди. Урушнинг дастлабки йилларидаёқ Волгабўйи немислари Автоном республикаси тугатилди. Унинг 300 мингта ортиқроқ аҳолиси, «босқинчилар улардан ёрдам олиши мумкин» деган гумон билан яшаб турган жойларидан Сибир ва Қозоғистон вилоятларига кўчириб юборилди.

1943 йил охири, 1944 йил бошларида калмоқлар, қорачайлар, чеченлар, ингушлар, болкарлар, 1944 йил июнда қрим татарлари, греклар, кейинроқ месхети турклари яшаб турган жойларидан Ўрта Осиё ва Сибирга бадарға қилинди. Улар фашистлар билан «ҳамкорлик» қилишда айбланиб, оммавий катағон қилинди, яширин ва шошилинич равишда кўчирилди. Кўпчилик одамлар, болалар йўлда ҳалок бўлдилар.

Ўзбекистонга 175 мингдан ортиқ чеченлар, 157 минг ингушлар, 150 мингдан ортиқроқ қрим татарлари, 4500 болкарлар, ўн минглаб месхети турклари, греклар кўчирилиб келтирилди. Ўзбек халқи уларни беғараз кутиб олди, таъна тоши отмади, уларни жойлаштиришга, озиқ-овқат билан таъминлашга кўмаклашди. Ўзбек халқи уруш йилларида Ватанидан бадарға қилинган халқларга моддий ва маънавий мадад берди. Республика маҳаллий ҳокимияти уларга ҳосилдор ерлардан томорқа ер, уй қуриш ва хўжалик юритиш учун кредит маблағлари ажратди. Кўчириб келтирилганлар минг машаққатлар билан янги жойларга аста-секин мослашдилар.

Сталинча миллий сиёсат кўплаб халқларнинг миллий давлатчилигини бузди, ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилди. Энг даҳшатлиси шундаки, бутун-бутун халқларнинг миллий маданияти, кадриятлари ва анъаналари оёқ ости қилинди. Зўровонликнинг зарарли оқибатлари узок йиллар давомида тўла бартараф этилганича йўқ, тўла вақти-вақти билан миллий низолар, можароларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

4. Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишдаги жасоратлари

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Ғарбий чегаралардаги ҳарбий қўшилмалар таркибида хизмат қилаётган ўзбекистонликлар фашист босқинчиларга қарши жангга кирдилар. Чегарада жойлашган Брест қалъасининг 50 дан ортиқрок миллатга мансуб жангчилари орасида ўзбеклардан Дониёр Абдуллаев, Бобоҳалил Кашанов, Аҳмад Алиев, Нурум Сиддиқов, Узоқ Ўтаев ва бошқалар бор эди. Улар қалъа ҳимоячилари билан елкама-елка туриб душманнинг катта кучларига қарши қарийб бир ой давомида охирги томчи қонлари қолгунча жанг қилдилар.

Ўзбекистонлик жангчилар катнашган Брест, Смоленск, Киев, Одесса, Севастополь ва Ленинграднинг қаҳрамонона ҳимояси фашистлар Германиясининг «Яшиндек тез уруш» қилиш режасига дастлабки зарба бўлди.

Ўзбекистонликлар Москва учун жангларда

1941 йил куз-қиш ойларида Москва остоналарида ҳаёт-мамот жанглари бўлди. Москва

остоналаридаги ана шу даҳшатли жангларда Ўзбекистонлик жангчилар ҳам саботматонат, юксак ҳарбий маҳорат кўрсатдилар. Жанубий-Ғарбий фронт таркибидаги 353-тоғ-ўқчи полки жангчиси Кўчқор Турдиев катта жасорат кўрсатди. У 1941 йил 25 октябрда сафдошлари билан разведкага, сўнгра «тил» олиб келишга юборилди. Отишмада барча қуролдошлари ҳалок бўлган Кўчқор Турдиевнинг бир ўзи душманнинг бир ДЗОТини ва 9 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 3 тасини асирга олиб келди. Бу жасорати учун Кўчқор Турдиев ўзбекистонлик жангчилар орасида биринчи бўлиб Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди.

Тошкентда узоқ йиллар хизмат қилган генерал И.В.Панфилов Алмати шаҳрида туркистонликлардан дивизия тузди. Унинг командирлари таркибида Тошкент пиёда билим юрти ва Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 зобит бор эди. Генерал И.В.Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги Волоколамск йўналишида каттиқ жанглар қилди. Дивизия жанг майдонида душманнинг 114 танкини, 26 минг аскар ва зобитларини, 5 самолёт ва бошқа кўплаб техникасини йўқ қилди.

Ўзбекистонда тузилган 258-ўқчи дивизияси аскарлари Москва остоналаридаги жангларда 9000 дан кўпроқ душманнинг аскар ва зобитларини ер тишлатиб, 137 аҳоли яшайдиган пунктларни озод этиб, биринчилардан бўлиб Ока дарёсига чиқиб олади, кўплаб жанговар техникани қўлга туширадилар.

Москва ҳимоячилари орасида ўзбек кизи Зебо Ғаниева ҳам бор эди. 1942 йил 21 май кунигача 23 фашистни ер тишлатди. 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келди. Зебо Ғаниева жасорати учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Москва остоналарида ўзбекистонлик мерганлар - Исҳоқов 354 фашистни, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашист аскар ва зобитларини ер

тишлатдилар. 1753 нафар ўзбекистонлик жангчилар «Москва мудофааси учун» медали билан мукофотландилар.

Ўзбекистонликлар Сталинград жангларида Ўзбекистонликлар 62- ва 64-армиялар сафида туриб тарихий Сталинград жангида қаҳрамонона жанг қилдилар. Жанглар авжига чиққан пайтда Сталинградга Самарқанд ва Фарғонада тузилган 90- ва 94-ўқчи бригадалари етиб келиб жангга кирдилар. Бу бригадалар асосан ўзбек йигитларидан тузилган бўлиб, командирлари орасида С.Нурутдинов, В.Умаров, А.Муродхўжаев, Ф.Норхўжаев ва бошқалар бор эди. 21-отлик аскарлар дивизиясининг жанговар руҳда жанг қилишида дивизия комиссари Муллажон Узоқовнинг хизмати кагта бўлди.

Ўзбекистонлик жангчилардан 2738 киши «Сталинград мудофааси учун» медали билан мукофотланди.

Ўзбекистонликларнинг «Туб бурилишга» қўшган хиссаси

1943 йил ёзида Курск ёнида бўлган қаттиқ жангларда Ўзбекистонда тузилган 62-ва 69-ўқчи дивизия жангчилари жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистонликлар

5-ва 15-ўқчи дивизиялар ҳамда 5-гвардиячи ва 62-гвардиячи ўқчи дивизиялар таркибида ҳам жанг қилдилар. «Орёл» дивизияси фахрий номини олган 5-ўқчи дивизия таркибида фарғоналик Аҳмаджон Шукуров ҳам бор эди. Золоторёвка учун қаттиқ жангларда Аҳмаджон Шукуров матонат кўрсатди, душманнинг 110 та аскар ва зобитларини ер тишлатди ва 15 тасини асир олди. Бу жасорати учун унга Қаҳрамон унвони берилди ва Золоторёвка кишлоғи ўша пайтдан бошлаб Шукуровка деб аталадиган бўлди.

Курскдаги порлоқ ғалабадан сўнг Қизил Армиянинг 2000 км узунликдаги фронтда қудратли стратегик ҳужуми бошланиб кетди. Днепрни биринчи бўлиб кечиб ўтганлар орасида Ѓиждувон туманидаги Лавзекарон кишлоғидан чиққан старшина Вали Набиев, андижонлик Қамбарали Дўсматов, қорақалпоқлик Худойберган Шониёзов, шофриконлик Шариф Эргашев, Бухородан чиққан Т.А.Тихонов ва бошқалар бор эди. Днепрни кечиб ўтишда, унинг ўнг қирғоғидаги истеҳкомларни эгаллашда кўрсатган жасорати учун жами 2348 жангчига, шу жумладан, 26 ўзбек йигитларига Қаҳрамонлик унвони берилди.

Курскдаги ғалаба ва душманнинг Днепрдан улоқтириб ташланиши натижасида жаҳон урушининг боришида туб бурилиш ясалди, харбий стратегик ташаббус душмандан батамом тортиб олинди. Сталинграддаги ғалаба Гитлер Германиясининг енгилиши муқаррарлигини кўрсатган бўлса, Курск ва Днепрдаги ғалаба немис фашист қўшинларини ҳалокатга маҳкум этди.

Ўзбекистонлик жангчилар Ленинград қамалини йўқ қилиш, Украина, Белоруссия, Молдавия ва Болтиқбўйи республикаларини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 1944 йил куз ойларига келганда душман мамлакатдан бутунлай ҳайдаб чиқарилди, СССР чегаралари тикланди.

Ўзбекистонлик партизанлар

Душманни тор-мор этишда партизанлар ҳаракатининг ўрни ва роли катта бўлди. Урушнинг душман устунлик қилган дастлабки даврида бутун-бутун ҳарбий қисмлар душман куршовида қолиб кетди, кўплаб аскар ва зобитлар ноиложликдан асирга тушиб қолдилар. Ҳарбий асирларнинг сони 5 млн кишидан ортиқроқ бўлиб, улар орасида минглаб ўзбекистонликлар ҳам бор эди.

Ҳарбий асирга олинганлар орасидаги комиссарлар, командирлар биринчилар каторида отиб ташланар эди. Қолганлари ҳарбий лагерга ташланарди, уларга қаттиқ азоб берилар, оч-ялонғоч ортиқча юк, кераксиз хўранда, деб ўлдириб юборишар эди. Кейинчалик уруш душман ўйлаганчалик бўлиб чиқмагач, ҳарбий асирлардан текин ишчи кучи сифатида фойдалана бошланди.

Душман босиб олган шаҳар ва туманлар аҳолиси Германияга ҳайдаб кетилди. Баъзи жойларда меҳнатга лаёқатли бўлган фуқароларни Германияга ишга ёллаб олиб кетишга ҳам уриндилар.

Германияга ҳайдаб кетилган совет фуқаролари сони 4 млн.дан ортиқ эди. Ҳарбий асирлар, ҳайдаб кетилган фуқаролар Освенцим, Маутхаузен, Бухинвальд ва бошқа ўнлаб ўлим лагерларида сақланди, хўрланди ва кўплари ҳалок бўлди.

Душман ишғол қилган туманлар аҳолисининг қамалидан чиқиб қолган ёки ҳарбий асирликдан қочган жангчилар тоғларга, ўрмонларга яшириниб, партизанча курашга ўтдилар.

Партизанлар ҳаракати Россиянинг ғарбий ҳудудларида, Украина ва Белоруссияда кенг тарқалди. Партизанлар ҳаракати Марказий штаби тайёрлаб юборган ҳарбий мутахассислар, разведкачилар партизанлар орасига бориб, уларни йирик-йирик отрядларга бириктириб, уюшган ҳолда душманга қарши курашга сафарбар этдилар. Душман куршовидан чиқиб олган ўзбекистонлик жангчилар ҳам Россиянинг ғарби, Украина, Белоруссия, Молдавия республикаларидаги партизан қўшинларида иштирок этдилар.

«Чекист» партизан отрядининг разведкачиси, кўркмас партизан Мамадали Топиболдиевнинг номи Белоруссияда машҳур бўлди. У душманнинг 67 аскар ва зобитларини йўқ қилиб, 180 тасини асирга олди. М.Топиболдиев кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди. Белоруссиянинг Писарево қишлоғи ўзбек халқининг жасур ўғлони номига Топиболдиевка деб аталди. Гомель атрофидаги «Темир йўл уруши»да иштирок этган Жонибек Отабоев, Брянск атрофларида душманга тўсатдан зарба берган И.Мусаев, А.Ҳақимов, И.Қосимов ва бошқаларнинг номлари уруш солномасидан ўчмас ўрин олди.

Ўзбекистонликлар Европа халоскорлари

Ўзбекистонлик жангчилар Европа халқларини фашистлардан озод этишда ҳам фаол қатнашдилар.

Европа халоскори, биринчи ўзбек генерали, 57-гвардиячи дивизиясининг қўмондони Собир Раҳимов Польшада шонли хотира қолдирди. Унинг дивизияси Кавказдан Шарқий Пруссиягача бўлган масофани қаттиқ жанглар билан босиб ўтди. Кўрсатган ҳарбий жасорати учун у тўрт марта Қизил Байроқ ордени,

Суворов ордени, Қизил Юлдуз ордени ва кўплаб медаллар билан тақдирланди. 1943 йил мартда унга генерал-майор унвони берилди. 1943 йил май ойидан 1944 йил апрелгача бўлган муддатда Москвада олий Ҳарбий Академияда таълим олди. Собир Раҳимов Академияни тамомлаб, аввал Белоруссияни озод этишда, сўнгра Польшанинг Грудзяндз, Гнев, Староград, Дзяддово шаҳарларини озод этиш учун бўлган жангларда саркардаларга хос ҳарбий санъатини намоиш этди. 1945 йил 26 мартда Гданск шаҳрини озод этиш учун бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Собир Раҳимовга ўлиmidан сўнг Қаҳрамон унвони берилди. Польша халқи генерал Собир Раҳимов номини эъзозлаб келмоқда. Гданск шаҳридаги кўчалар, мактабларга генерал Собир Раҳимов номи берилган.

Ўзбекистонликлар Европа мамлакатларида авж олган Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ҳам фаол қатнашдилар. Улар душманнинг махсус лагерларидан қочиб, Чехославакия, Польша, Югославия, Греция, Франциядаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қўшилиб жанг қилдилар. самарқандлик Г.Г.Булатов отряди Польшада ўнлаб кўприкларни, темир йўлларни портлатди, душманнинг ҳарбий қисмлари ва жанговор техникаси ортилган эшелонларни ағдарди. 1944 йил ўрталарида Словакияда фашистларга қарши кўтарилган миллий кўзғолонда ўзбекистонликлардан партизан отряди командири В.Ф.Мельников, Р.Алламов, А.Нарзуллаев, Р.Ҳамроевлар иштирок этди. Югославияда кўрсатган жасорати учун фарғоналик Уксанбой Холматов 3 марта Югославиянинг мукофотларига сазовор бўлади.

Францияда 37 миллат ва элатларга мансуб 2200 совет ҳарбий асирларидан тузилган партизанлар полки А.А.Козарян кўмондонлигида француз партизанлари билан биргаликда жанг қилиб, Алес, Вильфор, Сен-Шели шаҳарларини, Гар ва Лозер департаментининг қишлоқларини фашистлардан озод қилдилар. Бу жангларда самарқандлик Абдулла Раҳматов, Булунғур туманидан Сарибой Шомуродов, тошкентликлар - Раҳмон Раҳимов, Насиб Амиров ва бошқалар фаол қатнашди.

Франциянинг жанубини озод этишда кўрсатган жасорати учун кўқонлик Ҳошим Исмоилов, тошкентлик: Тожибой Зияев Жанна д'Арк крести ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистонликларнинг Қаршилик кўрсатиш ҳаракатидаги иштироки Европа халқларининг фашистлар асоратидан халос қилиш ҳаракатига қўшган муҳим ҳисса бўлди.

Душман ўта маккор эди. Ҳарбий асирлар ўртасида миллатларни бир-бирига қарши гиж-гижлаш келиб чиқиши немислардан бўлган совет фуқароларини қулайликлар яратиш эвазига ўзига хизматкорликка олиш, совет ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятида бўлган айрим мусулмон этник гуруҳларидан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳам уриниб кўрди. Рози бўлмаганларни очлик ва ўлим билан кўрқитар эди, бу усул асирларга кўпроқ ишлатиларди. Фашистлар Германия Вермахтининг 1942 йил декабрь ойидаги буйруғига биноан ҳарбий асирлардан «Рус озодлик армияси», «Туркистон легиони», «Волга-Урал легиони»

каби ҳарбий кўшилмалар тузишди, улардан партизанларга қарши курашда фойдаланишди ҳам. Чет эл манбаларида бундай тузилмаларга жалб этилганлар сони оз эмас, кўп эмас, қарийб 1 млн. кишига етганлиги кўрсатилади. Бунга, эҳтимол, Сталиннинг асирликка тушиб қолганларни ватан хоинлари деб ҳисоблагани ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Ҳақиқатда эса кўпгина ҳарбий аскарлар бундай легионларга мажбуран киритилган эди, улар яширин гуруҳлар тузиб партизанлар билан алоқа боғлаш йўлини қидирганлар. Масалан, 1944 йил январда Гитлерчилар «Туркистон легиони» отрядини Черногорияга югославиялик партизанларга ғарши жангга солади. Отрядларнинг бирида 28 ўзбек йигитлари – С.Файзиев, А.Аҳмедов, З.У.Хусанов ва бошқалар бор эди. Зобит С.Файзиев маҳаллий аҳоли билан алоқа боғлайди ва унинг кўрсатмаси билан легиончилар фашист командирларини отиб ташлаб, қурол-аслаҳалари билан тоққа, партизанлар томонига ўтади. 1944 йил 25 май куни 28 ўзбекистонлик легиончилар Югославияда ҳаракат қилаётган болгар аскарлари батальонига қўшилиб кетади. Улар орасида жанг қилган тошкентлик З.У.Хусановнинг тақдири ибратлидир. У 1941 йилда Смоленскда ярадор бўлади, тузалиб сафга қайтади ва 1943 йил 5 июлда 228-ўқчи полки сафида қаҳрамонларча жанг қилиб оғир яраланади. Қуролдошлари у ҳалок бўлди, деб ҳисоблашади, уйига бу ҳақда хабар ҳам йўллашади, унга Қаҳрамон унвони берилади. Аммо жангчи ўлмай қолади, душман уни оғир ярадор ҳолда асирга олади, кейин «Туркистон легиони»га киритади. Зиямат Хусанов ўртоклари билан партизанлар томонига ўтади. Приеполь шаҳрида фашистларга қарши мардона жанг қилиб, кўпларини ер тишлатади. Ўзи ҳам оғир ярадор бўлади, дўстлари уни ўлди, деб ҳисоблашган эди. Йўқ, тирик қолган экан, бир маҳаллий аёл жангчини ўзига келтиради, Италиядаги ҳарбий касалхонага жойлаштиришади. У тўрт марта операцияни бошидан кечиради, соғайгач, ўз юртига келади ва Қаҳрамон унвонига сазовор бўлганлигидан хабар топади.

Гитлерчи фашистларнинг совет ҳарбий асирларини ўз ватандошларига қарши уриштиришга қаратилган сиёсий найранги, «Туркистон легиони» тузишга интилишлари ҳам барбод бўлади. Бироқ омон қолган асирларнинг тақдири ҳам оғир кечади. Улар ўз Ватанига қайтиб келгач, гумон остида бўлдилар, ишга жйолашишда, уй-жойли бўлишда қийналдилар. Ўзбекистонлик ҳарбий асирлардан 15 мингдан ортиқроғи яна лагерларга, энди совет ҳукуматининг лагерларига ташланди ва уларга шафқатсизларча муносабатда бўлинди. Бундай ҳоллар Сталин ва унинг атрофидагилар яратган ишонмаслик ва гумонсираш вазиятининг оқибати эди.

**Ўзбекистонликларнинг
урушнинг сўнгги палласидаги
жасоратлари**

Уруш ўзининг сўнгги палласига киради. Берлин учун қаттиқ жанглар бўлди. Қаҳрамонлар - Ботир Бобоев, Тожиали Бобоев, Солиҳ Умаров,

Шухрат орденининг тўлиқ кавалерлари Абдулла Тўқмоқов ва Саид Номозовлар Берлинни забт этишда қаҳрамонларча жанг қилдилар. «Берлинни олинганлиги учун» медали билан ўзбекистонлик жангчилардан 1706 киши тақдирланди.

Фашистлар Германияси тор-мор этилди. Германия устидан қозонилган ғалаба учун медали билан 109208 ўзбекистонлик жангчи тақдирланди.

Ўзбекистонлик жангчилар Японияга қарши урушда ҳам фаол қатнашдилар. Улар 22-,79-,275-,388-,221-дивизия ва бошқа ҳарбий қисмларнинг таркибида жанг қилдилар. Сейсин порт шаҳрини эгаллашда 335-ўқчи дивизиясида лейтенант Фозил Каримов, разведкачи Вали Сулаймонов алоҳида жасорат кўрсатдилар. Душман соҳилига туширилган десантчилар орасида пулеметчи Нишон Бозоров чакқонлик билан жанг қилиб японларнинг 10 та аскари, 2 та зобитини ер тишлатди. У «Жасорат учун» медали билан мукофотланди. Шунингдек, лейтенант А.А.Каримов, ўқчи взвод командири, кичик лейтенант У.Дониёров, пулемётчилар қисми командири С.Қўчқоров ва бошқалар душманга қакшатқич зарба бердилар.

Шимолий-шарқий Хитой ва Кореяни эгаллаб турган бир миллионлик Квантун армияси тор-мор қилинди, Жанубий Сахалин, Курилл ороллари япон кўшинларидан озод қилинди. Япония тор-мор этилди.

Ўзбекистонликларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва жасорати юқори баҳоланди. 120 минг ўзбекистонлик жангчилар, жумладан, 70 минг ўзбек йигит ва қизлари орден ва медаллар билан мукофотланди. 300 га яқин аскар ва командирлар Қахрамон унвонига сазовор бўлишди, уларнинг 75 нафари ўзбеклардир. 32 нафар ўзбекистонлик жангчи учала даражадаги Шухрат ордени билан мукофотланди.

6 йил давом этган, бутун инсониятга оғир кулфатлар солган уруш тамом бўлди. Уруш инсониятга жуда қатта қимматга тушди. 50 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди, 90 миллиондан ортиқ киши ярадор ва майиб бўлиб қолди. Моддий талафотлар қиммати 4 триллион доллардан ошиб кетади. Уруш Европа, Африка, Осиё ва Океанияда турли фронтларда олиб борилди, фашизмни тор-мор этишда кўп мамлакатлар қатнашди. Бироқ урушнинг асосий оғирлиги совет кишилари зиммасига тушди. 27 миллионга яқин совет кишилари уруш алангасида ҳалок бўлди. 18 миллиондан ортиқ жангчилар ярадор ва ногирон бўлиб қолдилар.

Ўзбекистондан урушга сафарбар этилганлардан 263005 киши ҳалок бўлди, 132 670 киши бедарак йўқолди, 60 452 киши урушдан ногирон бўлиб қайтди. Бу уруш туфайли энг камида 400 000 оила бевосита айрилик азобига дучор бўлди, уларнинг қариндош-уруғлари назарга олинса, бутун республика аҳолиси мотам либосини кийди.

Урушга бормаганларга ҳам осон бўлмади. Юз минглаб ватандошларимиз меҳнат frontiда заҳмат чекдилар, киш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан, топган насибасини фронтга жўнатиб азоб-уқубатлар чекди. Бир бурда нон танқис бўлган пайтларда ўзбек халқи уруш туфайли уй-жойсиз қолган юз минглаб оилаларга бошпана берди, етим болаларнинг бошини силади.

«Иккинчи жаҳон урушига, қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин,-деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, - ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони

учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз»²

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг оламшумул тарихий аҳамияти шундаки, у кўплаб халқларни зўравонликдан, зулмдан озод этди, эркин, демократик ривожланиш учун, иқтисодий ва маънавий тараққиёт учун йўл очиб берди. Иккинчи жаҳон уруши бутун инсониятга катта тарихий сабоқ бўлди. Энг муҳим сабоқ шундан иборатки, уруш бошланмасдан олдин унга қарши курашмоқ, унинг олдини олиш тадбирларини кўрмоқ зарур. Шу мақсадда жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотини туздилар. Бу халқаро ташкилот ярим асрдан бери тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари билан муттасил шуғулланиб келмоқда.

Фашизм устидан ғалаба қозонилган 9 май куни Ўзбекистонда ҳар йили «Хотира ва қадрлаш» куни сифатида нишонланмоқда. Республика фахрийлари уюшмасининг ташаббуси билан жангларда ҳалок бўлган ватандошларимиз ҳақида архив материаллари тўпланиб, бу маълумотлар асосида «Хотира» туркумида 33 китоб нашр этилди. Ҳар йили урушда қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан ҳозирги кунларда ёнма-ён яшаётган уруш фахрийларини қадрлаш, эъзозлаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйишдек инсоний ишлар ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, мустақил Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир.

Синов саволлари

1. Нима учун Ўзбекистон уруш гирдобига тортилди?
2. Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий сафарбарлик ҳақида нималарни биласиз?
3. Корхоналар, қишлоқ хўжалиги ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлди?
4. Меҳнат сафарбарлиги, мудофаа фонди нима?
5. Ғарбдан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корхоналар, аҳоли ҳақида нималарни биласиз?
6. Жангда ярадор бўлганларни соғломлаштириш ишига Ўзбекистон қандай ҳисса қўшди?
7. Ўзбекистон саноатчилари фашизмни тор-мор этишга қандай ҳисса қўшдилар?
8. Қишлоқ хўжалик ходимлари ғалабага қандай ҳисса қўшдилар?
9. Транспорт ходимлари, алоқачилар меҳнати ҳақида сўзлаб беринг.
10. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тузилиши ва уруш йилларидаги фаолиятини биласизми?
11. Ер ости хомашё конларини излаб топиш ва ўзлаштиришга раҳбарлик қилган олимлардан кимларни биласиз?
12. Уруш йилларида халқ таълими, олий таълимдаги аҳвол ҳақида сўзлаб беринг.

² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: Ўзбекистон, 1996, 81-бет.

13. Уруш йилларида ижод этган ёзувчи ва шоирлардан кимларни биласиз? Қандай асарлар яратилди?
14. Санъат ходимлари фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
15. Уруш йилларида қайси халқлар ўз ватанидан бадарға қилиндилар? Унинг оқибатини биласизми?
16. Ўзбекистонликларнинг ўз ватанидан бадарға қилинган халқларга ғамхўрлиги ҳақида сўзлаб беринг.
17. Фашист босқинчиларга қарши жангларда ўзбекистонлик жангчилар кўрсатган жасорат ҳақида нималарни биласиз?
18. Генерал Собир Раҳимов жасоратини биласизми?
19. Ўзбекистонлик партизанлар фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
20. Европа мамлакатларини фашизм асоратидан халос этишга ўзбекистонликлар қандай ҳисса қўшдилар?
21. Уруш Ўзбекистон халқи бошига қандай кулфатлар келтирди?
22. «Хотира ва кадрлаш» куни қачон ва нима мақсадда ўтказилади?

XV БОБ. СОВЕТ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТАНАЗЗУЛГА ЮЗ ТУТИШИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ

Таянч сўз ва иборалар: Фан-техника инқилоби. Интенсив ва экстенсив йўл. Турғунлик ҳолати. «Қайта қуриш». Ошқоралик. «Кадрлар тўдаси». «Пахта иши». Миллий кадриятларнинг топталиши. Норасмий ташкилотлар. Фарғона фожиаси. Давлат тили ҳақида Қонун Ўзбекистонда Президент лавозими. «Мустақиллик Декларацияси». 1917 йил 17 март референдуми. Мустақил давлатлар иттифоқини тузиш масаласи. ФХДҚ, унинг бостирилиши.

1. СССР да турғунлик ҳолатининг вужудга келиши

Турғунлик сабаблари XX асрнинг 70-80 йилларида СССРда иқтисодиётнинг ривожланиш сураъти тобора пасайиб, сарф-харажатлари ортиб борди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги дастурлар самара бермади, иқтисодий зиддиятларни чуқурлаштириб юборди.

Жаҳоннинг тараққий топган мамлакатларида XX аср иккинчи ярмида содир бўлган илмий-техника инқилобидан самарали фойдаланилди. Машина-фабрика ишлаб чиқаришидан автоматлаштирилган комплекс ишлаб чиқаришга ўтиб борилди. Ишлаб чиқаришга ҳисоб-китоблар, ечимлар, назорат ва бошқариш вазифаларини бажарадиган электрон-ҳисоблаш аппаратлари, ахборот техникаси, роботлар кириб келди ва кенг қўлланила бошланди. Одамлар бажариб келган оддий техник, механик, оғир жисмоний ишларни техника воситалари бажарадиган бўлди. Фан ишлаб чиқариш кучига айланди. Натижада илғор мамлакатларда ишлаб чиқариш интенсив тараққиёт йўлига кирди. Моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сони қисқариб, хизмат кўрсатиш соҳасида, тиббиёт, таълим, илмий фаолиятда банд бўлганлар сони ошиб борди. Ахборот техникаси тиббиёт, фан, таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қўлланила борди. Инсон техник, механик ва оғир жисмоний ишларни бажаришдан озод бўлиб, ўзини мазмунли, ижодий ишларга бағишлади. Пировардида турмуш савияси тобора яхшиланиб борди.

Совет давлатида эса илмий-техника инқилобидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмади. Иқтисодиёт экстенсив йўлда, тобора кўп кўшимча меҳнат ва моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш йўлида дебсинаётган эди. Мамлакат катта табиий ресурсларга эга бўлсада, хўжаликлар уларнинг етишмовчилигига дуч келди. Кўпгина мамлакатлар фан-техника инқилоби туфайли халқ турмушида жиддий ижобий бурилишга эришган бир пайтда СССР бу жараёндан орқада қолиб кетди.

Ишлаб чиқариш технологияси эскирган, маҳсулотларнинг сифати паст, улар сотилмасдан омборларда тўпланиб қолаётган эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг мафкуралаштирилиши иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги уринишларни йўққа чиқарар эди. Ижтимоий эҳтиёжларга маблағ ажратишда қолдиқ принципи ва тақсимотда текисчилик ҳукмрон эди. Булар аҳолининг меҳнатга қизиқиши ва фаоллигини сусайтирди, боқимандалик, тайёрига айёрлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, чайковчилик, порахўрлик каби ярамас иллатларни келтириб чиқарди.

Буйруқбозлик бошқарув усули, мамлакатда кенг тарқалган сансоларлик, қоғозбозлик, мажлисбозлик иллатлари иқтисодиётнинг ўз қонунлари ва воситалари асосида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Одамлар мулкдан бегоналаштирилган, шу туфайли лоқайд, сушт, бепарво эдилар, «хўп-хўп», «бажарамиз» дейишга ўрганган оддий иштирокчиларга айлантирилган эди.

Ҳуқуқ ва қонунийлик путурдан кетган эди. Хўжаликни бошқаришда 200 минггача турли буйруқлар, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берувчи қонунсимон ҳужжатлар ҳукмрон бўлиб, улар хўжалик ходимларининг ҳар бир қадамини назорат қилиб, ташаббускорликни бўғар эди. Оддий корхонадан тумангача, вилоятдан республикагача, республикадан марказгача ҳақиқий аҳволни бўйб кўрсатиш, барча даражадаги раҳбарларни мақташ, улар номига ҳамду-санолар ўқиш расм бўлиб қолган эди. Оқибатда дунёда энг кучли икки давлатдан бири, деб ҳисобланиб келинган собиқ СССР турғунлик ҳолатига учради.

**«Қайта қуриш»
сиёсати ва унинг
барбод бўлиши**

КПСС Марказий Қўмитасининг 1985 йил апрелда бўлган Пленуми ноҳуш тенденциялар йиғилиб, СССР инқироз олди вазиятга тушиб қолганлигини илк бор этироф этди. Мазкур Пленум жамиятни

«қайта қуриш» орқали иқтисодиётни кўтариш, халқнинг турмушини яхшилаш сиёсатини белгилади. 1985–1986 йилларда Марказдаги раҳбарият томонидан жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги англанди. Бироқ аҳволнинг ниҳоятда мураккаблиги ҳали тўла идрок этилмаган эди.

Марказдаги раҳбарлар ҳамон социализм «афзаллик»ларидан фойдаланиб, жамиятни «қайта қуриш»га, социализмни яхшилашга умид боғлар эди. Аммо улар мамлакатни социализмнинг ўзи, у яратган тоталитар сиёсий, иқтисодий тузум инқирозга олиб келганлигини пайқаманган эди.

1987 йилдаги мавжуд сиёсий тузумни ва иқтисодиётга партиявий раҳбарликни сақлаб қолган ҳолда хўжалик механизмини ислоҳ қилиш йўлидаги уриниш ҳам самара бермади. Иқтисодий ислохотлар тез орада қотиб қолган ижтимоий - сиёсий тизимга урилиб барбод бўлди, ҳеч қандай самара бермади.

1980 йилларнинг охирларида сиёсий тизимни ислоҳ қилишга, биринчи навбатда КПССнинг сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини чеклашга, давлат ва хўжалик органларини компартия ҳукмронлигидан чиқаришга, халқ депутатлари советининг тўла ҳокимиятини таъминлашга уриниш бўлди. Аммо бу саъй-ҳаракатлар ҳам беҳуда кетди.

Тўғри, жамиятни демократлаштириш, ошкоралик, турли хил фикрлар билдиришга имкон бериш томон ижобий қадамлар қўйилди. Матбуотда, радио ва телевидениеда турли хил фикр-мулоҳазалар эркин ёзиладиган, гапириладиган бўлди.

«Қайта куриш» сиёсати даврида иқтисодиётда жуда кучли бузилишлар рўй берди. Марказ «кайта куриш»нинг илмий ва назарий жиҳатдан пухта ва аниқ-равшан дастурини ишлаб чиқолмади. Иқтисодий сиёсат пухта ўйлаб қўрилмаган синов ва экспериментларга асосланган эди. Мамлакат синовлар ва хатолар билан силжиб борди. Мамлакат имкониятларини ҳисобга олмасдан халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантиришдан иборат нотўғри йўл тutilди. «Бу ҳол,-деб ёзади И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида, -пировард натижада,чекланган маблағларнинг пароканда бўлиб кетишига, молия ва таъминот тизимининг батамом издан чиқишига олиб келди, инқирозни чуқурлаштирди».

Собиқ совет раҳбарияти мамлакатни тангликдан, инқироздан чиқариш учун маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, ҳамма ресурсларни марказлаштирилган тарзда режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўлидан тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш кераклигини ўз вақтида пайқамасди, жуда кеч тушунди. 1990 йилга келганда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти англанди, дастурлар тузилди, қарорлар қабул қилинди. Бироқ вақт бой берилган эди. Иқтисодиёт батамом барбод бўлган, молиявий ва нарх-наво тизими издан чиққан, бошқарув механизми фалаж бўлиб қолган эди. Собиқ СССР ич-ичидан зил кетиб борди.

2. Ўзбекистоннинг ижтимоий –сиёсий ҳаёти

«Кадрлар десанти» Ўзбекистонликлар жамиятни қайта куриш, ислохотлар йўлини катта умид билан кутиб олдилар. Жамиятни янгилашдан нажот кутаётган эдилар. Бироқ тез орада аҳолининг ҳафсаласи «пир» бўлди. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаёт янада мураккаблашиб борди. Бу ўз халқининг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган, сиёсий иродаси бўш кишиларнинг республика раҳбариятига келиб қолиши билан боғлиқ эди. Уларнинг ожизлиги натижасида Республика партия ва давлат раҳбарлик лавозимларига Марказ томонидан кўплаб кадрлар юборилди. «Кадрлар тўдаси» деб ном олган 400 га яқин келгиндилар Ўзбекистонни ўз билганларича бошқара бошладилар.

Ўзбекистон Компартияси ва Республика Министрлар Совети амалда улар томонидан бошқарилди. Биринчи лавозимда ўтирган маҳаллий кадрлар уларнинг кўлида кўғирчоқ бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмида Москва вакиллари - Могильниченко, Бессарабов, Пономарёв уя қуриб олган эди. Ўша йилларда тез-тез бўлиб турадиган пленумлар ва йиғилишларда қилинган барча маърузаларни Пономарёв ва Ўзбекистонда доимий ишлаш учун юборилган «кадрлар десанти»нинг бошлиқлари- Анишев, Огарек, Сатин ва уларнинг ҳамтовоқлари таҳрир қилардилар. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби И.Усмонхўжаев эса минбарга чиқиб тайёр нарсаларни ўқир эди. Минбардан билиб-билмай айтилган гаплар қанчадан-қанча коммунистлар ва раҳбарларнинг шаъни, кадр-қийматини оёқ ости қиларди, ҳаётини бузарди. ЎзКП Марказий Қўмитасида «пинхона кабинет» ташкил топди. Ушбу «кабинет» куч ишлатиш, тухматлар уюштириш йўли билан ходимларни бадном қилиш, Республикага мутлақо алоқаси бўлмаган авантюристлик қарорларни тикиштириш билан шуғулланди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «пинхона кабинет» ва «кадрлар десанти»нинг ташкилотчиси КПСС МҚнинг котиби Е.К.Лигачёв эди. Кўғирчоққа айлантирилган маҳаллий раҳбарлар «кадрлар тўдаси» томонидан тайёрланган қарорларга имзо чекишарди, холос. Уларнинг совет ҳокимиятининг кўзбўямачилик, «улуғ» миллатчилик, шовинистик сиёсати ва уни амалга оширувчилар олдидаги ожизлиги, итоаткорлиги халққа қимматга тушди.

«Пахта иши» Ўзбекистонда «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталган жинойий ишлар тўқиб чиқарилди. Москвадан юборилган Гдлян ва Иванов гуруҳи Ўзбекистоннинг бошига тушган кулфат бўлди. Гуруҳ аъзолари ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирмай одамларни камаш билан шуғулланди. Оддий деҳқондан тортиб Ўзбекистон Компартияси МҚ секретарлари ва ҳукумат аъзоларигача бўлган ходимларни камаш учун бировларни зўрлаб ёздириб олган бир парча қоғоз кифоя эди. Ўзбекистонда қонунчилик бузилди, ўзбошимчалик ва қатағончиликнинг янги даври авж олди. Минг-минглаб иқтидорли, раҳбарлик маҳоратини пухта эгаллаган раҳбар кадрлар, пахтакорлар, тер тўқиб меҳнат қилган ҳалол кишилар қамоққа олинди. Ҳибсга олинган Республика партия ва давлат органларининг раҳбарлари эса Москва қамоқхоналарига ташланди. Тергов ходимлари 30-йилларда ишлатилган ярамас усуллардан фойдаланиб, ҳибсга олинганларни қийнаб, бошқалар устидан тўқилган айбномаларни уларнинг кўли билан қайтадан ёздириб оларди ва бу «айбнома» тобора кўп бегуноҳ одамларни қамашга асос бўлиб қоларди. 25 мингга яқин киши қийноқ остига олиниб, сўроқ қилинди. 4,5 мингдан кўпроқ киши суд қилиниб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Ўша йилларда Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби бўлиб узок йиллар ишлаган, ўзбек халқининг бахт-саодати йўлда самарали фаолият кўрсатган Ш. Р. Рашидовнинг номи ҳам бадном қилинди. Вафот этиб кетган партия ва давлат арбобининг руҳини безовта қилиш нима учун керак бўлиб қолди? Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг шаъни-шавкати ва кадр-қийматини оёқ ости қилиш учун керак бўлган эди. Буни англамаган, айрим маҳаллий раҳбар ходимлар ўзбошимча қонунбузарларга ёрдамлашдилар. Оммавий ахборот воситалари халқни далил-исботсиз таҳқир қилиш, ҳалол меҳнаткашларни маънавий эзишга йўналтирилган кўплаб хабарлар, мақолалар берар эдилар. Натижада бутун бир мамлакат ва миллат бадном қилинди, порахўр, олиб-сотар сифатида «шарманда» қилинди. Бутун СССРда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам камчиликлар, кўшиб ёзишлар, порахўрлик иллатлари ва бошқа жинойтчиликлар бор эди, албатта. Лекин бу иллатларни ўзбек халқи эмас, балки совет ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий тузуми келтириб чиқарган эди.

Ўзбекистон фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини сўраб туман, вилоят ва республика партия ва совет органларига мурожаат қилдилар. 1986-87 йилларда фақат Ўзбекистон Компартияси МҚга фуқаролардан 50 мингдан ортиқ хат ва шикоятлар тушди. 20 мингдан ортиқ киши Марказқўм котиблари ва бўлим бошлиқлари қабулида бўлиб, ўзларининг арз-додларини билдирдилар. Пойтахтга етолмаган 100 минглаб фуқаролар маҳаллий ҳокимият органларига ўз ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларининг бузилганлигидан шикоят қилиб коридорма-коридор, эшикма-эшик турганиб юрдилар.

Норозилик айниқса хотин-қизлар орасида кўпайди. 1986-87 йилларда республикада 270 аёл ўзини-ўзи ёндириб юборди. Бу ҳолат уларнинг шаъни, кадр-қийматининг топталаши, ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига нисбатан кўрсатилган норозилик эди. Ҳақиқат, адолат кейинроқ Ислов Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлгач рўёбга чикди. Ислом Каримов ташаббуси билан «Пахта иши»ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. Пировардида 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди, қолганлари авф этилди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни истамаган келгиндилар маҳаллий халқнинг урф-одатлари, анъаналарини оёқ-ости қилдилар. Халқимизнинг бой маданияти ва маънавий қадриятлари камситилди. Она тилининг қўлланилиши янада чеклаб қўйилди. Ҳатто миллий либос кийиб юриш ҳам қораланди. Миллий анъаналар бўйича тўй қилган, қариндош-уруғларини миллий, диний қадриятлар асосида дафн қилганлар танқид остига олинди, шафқатсиз жазоланди. Бундай вазият халқни ранжитди, ҳафсаласини пир қилди, сиёсий лоқайдликни кучайтирди.

Кўплаб олимлар, ёзувчилар ва бошқа ижодий ходимлар азият чекди. Уларнинг кўпчилиги маҳаллийчиликда, миллий чекланганликда, хурофотбидъатга берилганликда, синфий ва партиявий тамойиллардан оғишликда, ўтмишни, хонлар ва амирлар ҳаётини бўрттириб кўрсатишда айбландилар.

Сиёсий ва мафкуравий зуғумларга қарамасдан ижтимоий онг ўзгара бошлади. Ўтмиш ва ҳозирги замон муаммолари тўғрисида мунозаралар, турли карашлар, нуқтаи назарлар билдириладиган бўлиб борди. Жамоатчилик пахта яккаҳоқимлигини тугатиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, экологик ҳолатни соғломлаштириш каби масалаларни кўтара бошладилар. «Норасмий» гуруҳлар ва ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Улар аста-секин сиёсий тусга қира бошлади. 1989 йилда ташкил топган «Бирлик» халқ ҳаракати (раҳбари Абдураҳим Пўлатов) республикадаги дастлабки «норасмий» ҳаракат эди. Шунингдек, «Ўзбекистон эркин ёшлар итифоқи», хотин-қизларнинг «Тўмарис» номли ташкилоти, русийзабон зиёлиларнинг «Интерсоюз» деб аталган ҳаракати тузилади. Бу ҳаракатлар дастлабки пайтларда халқнинг маънавий кадриятларини тиклаш, Орол фожиясини олдини олиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулидан воз кечиш каби долзарб масалаларни кўтардилар. Бироқ бу ҳаракатлар ғоявий, сиёсий, ташкилий жиҳатдан етарли даражада уюша олмади. «Бирлик» халқ ҳаракати раҳбарлари мамлакат манфаатларидан келиб чиқадиган дастурлар ишлаб чиқиш ва аниқ мақсадларни амалга ошириш йўлида сиёсий кураш олиб бориш ўрнига, намойишлар ва митинглар уюштириш, кўча ва майдонларда тўпланган оломонда эҳтиросларни авж олдириш билан шуғулланди, ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Оқибатда «Бирлик» бўлиниб кетди.

1990 йил бошларида «Бирлик» ҳаракати фаолларининг Муҳаммад Солиҳ бошлиқ бир гуруҳи сиёсий партия тузишга киришдилар. 1990 йил 30 апрелда «Эрк» демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлди. Қурултой «Эрк» партияси тузилганлиги ҳақида қарор қабул қилди, партиянинг дастур ва низоми қабул қилинди.

Бироқ «Эрк» партияси раҳбарлари жамиятни янгилаш учун бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш заруриятини, қандай ислохотлар ўтказиш кераклигини ва унинг мазмун-моҳиятини, одамлар онги ва руҳиятини ўзгартириш лозимлигини, бунинг учун машаққатли ўтиш даврини босиб ўтиш заруриятини англаб, тушуниб етолмадилар. Шу боисдан «Эрк» партияси халқ орасида таянчга, ишончга эга бўлолмади.

Республика матбуоти халқ турмушига доир масалаларни, ноҳуш ҳодисаларни, халқ дарди, армонларини ошқора ёрита бошлади, халқнинг ўзлигини англашига кўмаклашди.

Иқтисодий тобора танглик ҳолатига тушиб борди. 1985 йилда иқтисодий ривожланишнинг негизи сифатида қабул қилинган

жадаллаштириш концепциясининг асоссизлиги маълум бўлиб қолди. Республикада саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт соҳаларини, кўпгина колхоз ва совхозларни хўжалик ҳисобига ёки бригада (жамоа) пудратига ўтказиш самара бермади. 1987 йилда иқтисодий тузилмаларни қайта қуриш, хўжаликни бошқариш ва хўжалик механизмини ислоҳ қилиш, маъмурий раҳбарликдан иқтисодий раҳбарликка ўтиш тадбирлари ҳам натижа бермади. Маъмурий буйруқбозлик усули билан ишлаётган вазирликлар ва идоралар иқтисодий ислохотларни йўққа чиқарди, иқтисодиёт тараққиётига тўғаноқ бўлиб қолаверди. Республиканинг тоғ-кон, металлургия, машинасозлик, электротехника, кимё саноатига қарашли корхоналар Иттифоқ вазирликлари ва идораларига тобе бўлиб қолаверди. Ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларни аввалгидек Марказ белгилаб берарди.

Аҳолининг ижтимоий аҳволи ночор эди. Ўша йилларда мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кун кечириш учун бир кишига ойида камида 85 сўм зарур эди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига даромад 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшарди, булар аҳолининг 45 фоизини ташкил этарди. Қишлоқ аҳолисининг атиги 50 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган эди, холос.

Қишлоқларда яшовчи 240 минг оиланинг томорқа ери йўқ, ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва мол, 37 фоиз хонадонларда сигир, ярмисида кўй боқилмас эди.

Мактаб ва маориф ишларини ислоҳ қилиш ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам беҳуда кетди. Республикадаги 9000 га яқин мактабларнинг атиги 40 фоизи мактаб учун мўлжаллаб қурилган биноларда, қолганлари эса мослаштирилган биноларда ишларди, кўплари авария ҳолатда эди, ўқувчиларнинг катта қисми иккинчи ёки учинчи сменада ўқир эди. Ўқувчиларнинг йилига 2-3 ойлаб қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилиши ўқув ишларини издан чиқарган эди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам мутахассислар тайёрлаш сифати пасайиб кетган эди.

Кадрлар тайёрлашда сон кетидан қувишга йўл қўйилди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муаммолар тўпланиб борди, уларни маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан ҳал қилишга урунишлар ҳеч қандай натижа бермади. Халқ орасида пинҳона ўсиб бораётган ишончсизлик, лойқадлик кайфиятлари аста-секин юзага чиқа бошлади. Рухсат этилмаган митинглар, намойишлар ўтказиш, ҳатто ноҳуш воқеалар ҳам содир бўла борди.

Фарғона фожиаси 1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғонада фожиали воқеалар содир бўлди. 45 йил муккадам Сталин бедодлиги натижасида ўз еридан бадарға қилинган месхети туркларини ўзбек халқи ўз бағрига олган, уларга меҳрибонлик қилган эди. Туб ерли аҳоли билан месхети турклари

қардошлик алоқаларини боғлаб, иноқлашиб яшардилар. Бироқ 1989 йил 20 майда Қувасойда туб ерли аҳоли билан месхети турклари гуруҳлари ўртасида муштлашиш содир бўлди. Республика раҳбариятининг воқеани тўғри баҳолай олмаганлиги ва тезкорлик билан зарур чоралар кўрмаганлиги оқибатида вазият мураккаблашди ва этник можарога айланиб, қон тўкилишига олиб келди. 3 июнь куни кечқурун Тошлоқда, сўнг Марғилоннинг месхети турклари зич яшайдиган «Комсомол» сув хўжалиги қурувчилари посёлкасида ур-йикит, уйларга ўт қўйиш, қотиллик, вахшийлик содир бўлди. Кейинги кунларда бебошлик ҳаракатлари Фарғона шаҳри, унинг атрофига тарқалди. Оломон томонидан саноат корхоналарига, темир йўл станциясига, алоқа узелига, милиция биносига ҳужум қилинди. Бошбошдоклик партия ва советларга қарши тус олиб борди. Ана шундай фавқулодда вазиятда республика ҳукумат комиссияси тузилди. 4 июндан бошлаб комендантлик соати жорий этилди. Фарғонага шошилиш равишида СССР ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг 13 минг кишилик бўлинмаси келтирилди. Ур-йикит 7 июнь куни яна такрорланди ва тез орада Қўқон шаҳрига, Риштон, Ўзбекистон ва Киров (ҳозирги Бешарик) туманларига тарқалди. 8 июнда Қўқонда аҳолининг тинч намоёниши СССР ички ишлар вазирлиги қўшинлари томонидан ўққа тутилди, 50 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 200 дан ортиғи ярадор қилинди. Оммавий тус олган тартибсизлик, ур-йикитлар натижасида жами 103 киши ҳалок бўлди. 1011 киши жароҳатланди ва майиб бўлди. СССР ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг 137 хизматчиси, 110 милиция ходими ярадор бўлди, милиция ходимларидан бири вафот этди. 757 уй, 27 давлат биноси, 275 автотранспорт воситаси ёндирилди ва талон-тарож қилинди.

Воқеаларнинг кенг миқёс ва фожиали тус олганлиги сабабли совет ва маъмурий органлар месхети туркларини Фарғонадаги ҳарбий қисм полигонидаги лагерга ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод вилояти Ашт туманидаги Новгарзон посёлкасига шошилиш кўчирилади. Минглаб одамларни бундай лагерларда узоқ сақлаб бўлмас эди. Шунинг учун 16.282 киши Фарғона вилоятидан Россиянинг Смоленск, Орловск, Курск, Белгород ва Воронеж вилоятларига кўчириб олиб бориб жойлаштирилди.

Фарғона фожиасининг сабаблари, уни ҳаракатга келтирган кучлар қимлар эди?

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1989 йил 23 июнда бўлган XIV Пленумида Фарғона фожиаси билан боғлиқ масалаларни ўрганиш учун махсус комиссияси тузилди. Комиссиянинг Ўзбекистон компартияси МҚнинг 1989 йил 29 июлда бўлган XV Пленуми томонидан маъқулланган ахборотида фожиани келтириб чиқарган сабаблар очиқ берилди.

➤ Фарғона вилояти, шаҳар, туман партия ва совет ташкилотларининг, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ташкилотчилик, сиёсий ишидаги жиддий хатолар фожиали воқеаларга сабаб бўлди. Улар

вилоятдаги кескин ижтимоий, сиёсий вазиятни кучайиши хавфини ўз вақтида англаб етмадилар, миллатлараро адоватни келтириб чиқаришга уринган экстримистларга, порага сотилганларга ўз вақтида зарба беролмадилар.

➤ Фарғона вилоятида ўн йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий кескинлик ортиб борди. Хўжалик структураси бузилган, тармоқлар хомашё етиштириш, ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришга мослашиб қолган эди, ишсизлар сони тобора ошиб борар, одамларни, ёшларни иш билан таъминлаш тадбирлари кўрилмасди.

➤ Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишлари бузилган, порахўрлик, хизмат мавқеини суистеъмол қилиш авж олган эди.

➤ Ана шундай кескинликдан, республикада ижтимоий-сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришдан манфаатдор сиёсий кучлар аллақачон ишлаб чиқилган, пухта тайёргарлик кўрган режа асосида ифвогарона ҳаракат қилдилар, оломонга олдиндан тайёрланган варақалар таркатдилар.

Фарғонада содир бўлган сиёсий ифвогарлик Тбилиси, Тоғли Қорабоғ, Бокуда ташкил этилган ифвогарликлардан бири эди. Кейинчалик 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркент, 1990 йил июнда Ўш ва Ўзганда ҳам шундай уринишлар бўлди. Ёвуз кучлар ўз мақсадига эриша олмадилар. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида кескинлик бартараф қилинди.

3. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши

Янги йўл 1989 йил 23 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МҚнинг XIV Пленумида Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби этиб сайланди. И.А. Каримов бошлиқ янги раҳбарият томонидан ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши кучайиб бораётганлиги биринчи бор этироф этилди. Халқнинг шон-шухрати, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, миллий мустақилликка эришиш томон йўл олинди.

Республикада кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларида миллий манфаатдорлик устиворлиги таъминланди. Марказдан юборилган «кадрлар десанти» ўз мавқеини йўқотди. Анишев, Огарек, Сатин ва бошқа «казо-казолар» Республикадан чиқариб юборилди. Маҳаллий кадрлар раҳбарлик лавозимларига кўтарилди.

Кадрлар сиёсатидаги жиддий ижобий ўзгариш шундан иборат бўлдики, энди Ўзбекистонда партия, совет, давлат, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг бошлиқларини Москва орқали ҳал қилиш, Москва белгилаган ходимларни кўтариш аммалиётига чек қўйилди, бу масалаларни ҳал қилишни **республика раҳбарияти ўз қўлига олди.**

Бу вазиятни теран англаган раҳбарнинг жасорати бўлиб, **сиёсий мутеликдан қутилиш томон ташланган муҳим қадам бўлди.**

Ўзбекистонда адолатни тиклаш чора-тадбирлари кўрилди, тўқиб чиқарилган «ўзбек иши», «пахта иши»нинг тамомила шармандаси чикди. Бу билан боғлиқ ишлар қайта кўрилди, айбсиз қамалган минглаб кишилар оқланди, ўз оиласига қайтарилди, адолат тикланди.

Ўзбек тили – давлат тили

Республика жамоатчилиги томонидан аллақачон ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи кўтарилган эди. Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарияти бу масалага авваллари миллатчилик, маҳаллийчилик деб қарарди, кейинчалик ўзбек ва рус тилини тенг мавкега кўтаришга уринди, шу йўсинда икки тиллик ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказишга ҳаракат қилган эди. Республика янги раҳбари жамоатчилик фикрини инобатга олди, масалани босиқлик билан ҳал қилиш йўлини танлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 21 октябрда бўлган ўн биринчи сессиясида «**Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида**» **Қонун қабул қилинди.** Қонунда Ўзбекистоннинг давлат тили ўзбек тилидир, ўзбек тили Республиканинг сиёсий–ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қилади, деб белгилаб қўйилди.

1990 йил 19 февралда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга ошириш давлат дастури қабул қилинди. Қонун ва давлат дастурига биноан меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, корхоналар ва давлат муассасаларида иш юритиш рус тилидан ўзбек тилига ўтказила бошланди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ва унинг амалга оширила бошланиши Республика ижтимоий ҳаётида катта тарихий воқеа бўлиб, **мустақиллик сари ташланган яна бир муҳим қадам бўлди.**

Республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ҳолисона таҳлил этиш, баҳолаш ва кўтаришга қаратилган дастлабки саъй-ҳаракатлар қилинди. Қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқалари учун ер ажратилди. Ерга мухтож 381 минг оилага томорқа ерлари берилди, 372 минг оила ўз томорқаларини кенгайтириб олди. Шу мақсадлар учун жами 150 минг гектар ер ажратилди. Республикада «Иш билан таъминлаш» дастури ишлаб чиқилди. Ана шу дастурга биноан 1990 йилда 300 минг киши, асосан ёшлар иш билан таъминланди. Аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун 1990 йилда бюджетдан ва корхоналар ҳисобидан 142 млн. сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Президент лавозимининг таъсис этилиши

1990 йил 18 февралда Ўзбекистон Олий Советига сайлов бўлди. Бу сайловларнинг янгилиги шундан иборат бўлдики, 500 сайлов округининг 326

тасида муқобил номзодлар кўрсатилди. Олдинги сайловларда барча номзодлар биринчи турдаёқ деярли 100 фоиз овоз билан сайланган бўлсалар, бу сафар биринчи турда 368 номзод зарур овозларни тўплай олди. Қолган 132 округда қайта сайловлар бўлиб ўтди.

1990 йил 24-31 март кунлари Тошкентда ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. 24 март куни сессия республикалар орасида биринчи бўлиб «**Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида**» Қонун қабул қилди. 1990 йил 24 март куни Олий Совет сессиясида яширин овоз бериш йўли билан **Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Президенти этиб сайланди.**

Ана шу сессияда И. Каримов нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини, ўзини-ўзи идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишни таъминлашни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан, деб таъкидлади. Ҳали СССР ва Марказий ҳокимият мавжуд бўлган шароитда Ўзбекистонда ўз Президентининг сайланиши муҳим вақеа бўлди, **мамлакатимиз мустақиллигига эришиш сари ташланган яна бир дадил қадам бўлди.**

Мустақиллик Декларацияси

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнь куни «**Мустақиллик Декларацияси**»ни қабул қилди. Декларацияда ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий кадриятларига ва демократия тамойилларига асосланиб Ўзбекистон ССРнинг давлат суверенитети эълон қилинди.

Мустақиллик Декларацияси 12 моддадан иборат бўлиб, қуйидагилар баён этилган:

Ўзбекистон ССР давлат суверенитети

- Ўзбекистон ССР демократик давлатининг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир.
- Ўзбекистон ССР давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб ўзгартирилиши мумкин эмас. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ҳудудида кучга эга бўлади.
- Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради ва хоказо.

Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги Декларация муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, мамлакатимизнинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш йўлида яна бир янги қадам бўлди.

4. Совет империясининг таназзулга юз тутиши

Иттифоқ шартномасини янгилаш талаби

Собиқ СССР га кировчи республикалар расман тенг ва суверен деб юритилсада, амалда қарам эди. Улар ўз ерлари,

сувлари, ўрмонлари ва ер ости бойликларига, кўпдан-кўп корхоналарига ўзлари эгаллик қилолмас эдилар. 80-йилларнинг охирлари 90-йилларнинг бошларида кўпчилик республикалар мавжуд вазиятни ўзгартириш талабларини илгари сура бошладилар.

Ўзбекистон Республикасининг раҳбари И.А.Каримов 1989 йил 20 сентябрда Москвада бўлиб ўтган КПСС МҚ нинг Пленумида сўзлаган нутқида республикалар билан СССР ўртасидаги ваколатларни аниқ-равшан ажратиб қўйишни кўзда тутадиган янги федератив шартнома ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида ўз фикрини билдириб: «Биз Иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз», - деган эди.

Бирок Марказий ҳокимият республикаларга эркинлик бериш ҳақидаги талаб-таклифларни эътиборга олмади, тўғрироғи уларга эркинлик беришни хоҳламас эди. Марказнинг қайсарлиги ҳамда республикалар жамоатчилигининг таъсири остида марказдан ажралиш ҳаракати кучайиб борди. 1990 йил баҳорида Болтикбўйидаги Латвия, Литва, Эстония республикалари, кейинроқ Грузия ва Озарбайжон СССР таркибидан чиққанлигини эълон қилдилар.

Марказда ва жойларда СССР конституцияси ва қонунлари устунми ёки республика Конституцияси ва қонунлари устунми, деган масалада баҳс, мунозаралар кучайди. Марказдагилар «Кучли марказ-кучли республикалар» деса, жойлардагилар «Кучли республикалар-кучли марказ» дер эдилар.

Марказий ҳокимият жамоатчиликнинг талаби остида Иттифоқ шартномасини янгилаш зарурлигини эътироф этишга мажбур бўлди. СССР Олий Совети мазкур масала билан шуғулланувчи махсус делегация тузди ва унинг таркибини тасдиқлади. 1990 йил июлда Москвада Марказ вакиллари билан республикалар делегациялари янги шартнома матнини тайёрлашга киришди. 1990 йил август ойида Иттифоқни янгилаш дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда республикалар ўз ҳудудларидаги бутун миллий бойликларга эгаллик қилиш, фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган эди. Аммо шартномага

бундай ёндашув Марказдагиларга ёкмади. СССР Олий Совети мазкур дастурни қабул қилмади. СССР Олий Совети республикаларнинг истак ва манфаатларини батамом инкор этган янги шартнома лойиҳасини тузиб республикаларга тарқатди. Республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон Марказ лойиҳасини қабул қилмади.

1991 йил февраль-март ойларида Иттифок шартномаси лойиҳаси устида қайта иш олиб борилди. Унда Болтиқ бўйи республикалари, Грузия, Арманистон, Молдова вакиллари катнашмади, Озарбайжон кузатувчи бўлиб катнашди. Иттифок билан республикалар ваколатларини фарқлаб қўйишга ҳаракат қилинди. Ниҳоят, Иттифок ва республикалар ваколатлари белгилаб берилган шартнома лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Республикаларда мазкур лойиҳа муҳокама қилинди. Ўзбекистон раҳбарияти республикаларга тўла мустақиллик беришни кўзламайдиган шартнома лойиҳасини рад этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1991 йил 12 мартда бўлган IV пленумида сўзлаган нутқида: «Иттифок шартномасини имзолаш учун энг қулай пайт қўлдан бой бериб қўйилди. Икки йил муқаддам бу масалани кўтарган кишиларнинг овозига ҳеч ким қулоқ солмади. Марказ 1922 йилдаги шартномага маҳкам ёпишиб олиб, оқилона таклифларни қабул этмади, ишни пайсалга солди», - деган эди. Бу фикрнинг тўғрилигини ҳаёт тўла исботлади.

Бутуниттифок референдуми СССР Олий Совети Иттифок шартномасини ўзгартириш, СССРни тенг ҳуқуқли суверен республикалар Федерацияси сифатида янгилаш хусусида халқнинг фикрини билиш мақсадида 1991 йил 17 март куни Бутуниттифок референдумини ўтказишга қарор қилди. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашнинг Раёсати референдум ўтказишни мақуллади ва СССР Олий Совети томонидан тайёрланган бюллетень билан бирга яна битта қўшимча бюллетенни овозга қўйишга қарор қилди.

Қўшимча бюллетенга «Сиз Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифок (Федерация) таркибида қолишига розимисиз?» деган савол қўйилди. Овоз беришда катнашган сайловчиларнинг 93 фоизи бу саволга «Ҳа» деб жавоб бердилар. Демак, ўзбекистонликлар ўз мамлакатини мустақил давлат сифатида федератив иттифокда бўлишини, Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида ривожланишини ёқлаб овоз берган эдилар.

1991 йил апрелда Киевда Украина, Россия, Беларус, Ўзбекистон, Қозоғистон республикалари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда мустақил республикалар манфаатларига мос келадиган Иттифок шартномасини тузишга ёндашиш йўллари ишлаб чиқилди ва тегишли баёнот имзоланди. Бу ҳужжатни Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари ҳам имзолашга розилик билдирди. Марказ ён беришга мажбур бўлди.

**Мустақил давлатлар
иттифоқини тузишга
интилиш**

1991 йил апрелда Ново-Огорёвода СССР Президенти М.С.Горбачёвнинг 9 республика раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Иштирокчилар томонидан

«Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида» кўшма Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат «9+1» (9 республика + Марказ) деган номни олди. Унинг мазмуни марказнинг ён берганини, Киевда билдирилган фикр-мулоҳазаларга рози бўлганини кўрсатади.

1991 йил 3 июнда Ново-Огорёвода СССР Олий Совети вакиллари билан Республика раҳбарлари ўртасида учрашув бўлди. Учрашувда Мустақил давлатлар иттифоқи (МДИ) тузиш масаласи муҳокама қилинди. Мулк, тил ва янги шартномани тасдиқлаш тартиби тўғрисида кескин мунозара бўлди. Учрашувда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосан инобатга олинган **«Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси ишлаб чиқилди.** Лойиҳа барча Республикалар Олий Советларига муҳокама учун жўнатилди.

Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Олий Советида 1991 йил 14 июнда муҳокама қилинди. Кенгаш Федерация тамойиллари асосида Мустақил Давлатлар Иттифоқини тузиш тарафдори эканлигини билдирди. Шу билан бирга у Республикалар ваколатларини янада кенгайтиришга доир таклифларни илгари сурди.

1991 йил июль ойининг охирларида Ново-Огорёвода янги шартнома лойиҳасини узил-кесил таёрлаш учун Марказ вакиллари ва Республика раҳбарларининг учрашуви бўлди. Марказни ҳам, Республикалар раҳбарларини ҳам қаноатлантирадиган **«Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси тайёрланди.** Аммо ҳамма рози бўлгани ҳолда **«Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома»ни имзолаш 1991 йил 20 август кунига қолдирилди.** СССР Президенти М.С.Горбачёв Форос (Крим)га дам олиш учун жўнаб кетди.

1991 йил август воқеалари

Марказий ҳокимиятни сақлаб қолиш, республикаларга мустақиллик бермаслик пайида юрганлар учун қандайдир бир «имконият» вужудга келган эди. Ана шу кучлар томонидан 1991 йил августда Марказий ҳокимиятни аввалги мақомида сақлаб қолиш мақсадида **фитна тайёрланди ва СССР да Фавқулудда ҳолат давлат қўмитаси (ФХДК) тузилди.** Унинг бошлиқлари Г.И.Янаев – СССР вице-президенти, О.Д.Бакланов – СССР Мудофаа Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, В.А.Крючков - СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси, В.С.Павлов - СССР Бош вазири, Б.К.Пуго – СССР ички ишлар вазири, Д.Т.Язов - СССР мудофаа вазири, В.А.Стародубцев - СССР деҳқонлар уюшмаси раиси, И.Тизяков - СССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа давлат корхоналари ҳамда иншоотлари уюшмасининг президенти каби

Марказий ҳокимиятнинг раҳбарлари эди. Шу тариқа, фитначилар М.С.Горбачёвни ноқонуний йўл билан ҳокимиятдан четлаштириб, ўзлари ҳокимиятни эгаллаб олдилар.

Мазкур кўмита Совет раҳбариятининг Баёноти, Совет халқига мурожаатнома, Давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларига ҳамда БМТ Бош қотибига мурожаат ва бошқа қарорларни эълон қилди.

Бутуниттифоқ доирасида мўртлашиб қолган ижтимоий-сиёсий вазият янада таранглашди. Мамлакатдаги сиёсий кучлар вазиятга турлича муносабат билдирдилар.

Қалтис вазиятда 1991 йил 19 августда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ҳиндистонга қилган расмий ташрифидан қайтиб келди ва Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда Президент Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини билдириб, республикада фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳожат йўқлиги, Ўзбекистонда вазият барқарорлиги, қонунга хилоф кўрсатмалар бажарилмаслигини қатъий таъкидлади.

1991 йил 20 август куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокидаги кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис мамлакатда вужудга келган вазиятни муҳофаза қилиб, Баёнот қабул қилди. Баёнотда Ўзбекистон Республикасининг тинч вақтда куч, аввало, ҳарбий куч ишлатишга қарши эканлиги таъкидланди. Унда тинчлик, осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳар қандай ифвогарона ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳамма жойда қаттиқ интизом ва тартибни сақлаш, миш-мишлар ва эхтиросларга берилмаслик вазифалари илгари сурилди. Баёнотда Ўзбекистон Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қоидаларини оғишмай ва изчил амалга ошириш йўлидан бораверади, деб кўрсатилди.

1991 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз фармони билан Ўзбекистон ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ҳамда қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига сўзсиз мос келиши керак, деб белгилаб қўйди. Фармонда СССР да Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига, Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб белгилаб қўйилди.

Фитначиларнинг қонунга ҳилоф равишда уринишлари натижасида 1991 йил 19-21 август кунлари Москвада фожиаи ходисалар рўй берди. Россия Федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан демократик кайфиятдаги Москва аҳолиси томонидан **фитна бостирилди. Фитначилар қамокқа олинди.** М.С.Горбачёв Президентлик лавозимига қайтиб келди. Бироқ мамлакатдаги сиёсий вазият танг аҳволга тушиб қолди. Марказий ҳокимият фалаж бўлиб, ҳаракатсиз қолган эди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳам ҳалокатга учради. Шу тариқа, СССР таназзулга учради ва парчалана бошлади.

Синов саволлари

1. Қандай сабаблар СССРни турғунлик ҳолатига олиб келди?
2. «Қайта қуриш» сиёсати деганда нимани тушунасиз?
3. Нима учун «қайта қуриш» сиёсати барбод бўлди?
4. «Пахта иши» нима, унинг оқибатларини биласизми?
5. «Кадрлар десанти» деганда нимани тушунасиз?
6. Ўзбекистонда қачон норасмий ташкилот ва ҳаракатлар вужудга келди, нима учун улар халқ орасида таянч ва ишончга эга бўлолмади?
7. Фарғона воқеаси нима сабабдан содир бўлди, унинг оқибатларини биласизми?
8. Ўзбекистон Президенти лавозими қачон таъсис этилди, унинг аҳамиятини биласизми?
9. И.А. Каримов қачон Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди?
10. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинди, унинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
11. Мустақиллик Декларацияси қачон қабул қилинди? Уни дафтарингизга ёзиб олинг.
12. Нима сабабдан иттифоқдош республикалар СССР таркибидан чиқа бошладилар?
13. СССР ўрнига қандай иттифоқ тузиш масаласи кўтарилди? У қандай принципда тузилиши мўлжалланган эди?
14. «9+1» деб ном олган ҳужжат қачон имзоланган, унинг мазмуни нима?
15. ФХДҚ қачон, кимлар томонидан, нима мақсадда тузилди?
16. ФХДҚ қандай ҳужжатларни эълон қилди?
17. ФХДҚнинг тузилиши қандай оқибатларга олиб келди?

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ

ХVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ. ДЕМОКРАТИК ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон - мустақил давлат. 1991 йил 29 декабрдаги референдум. Давлат байроғи. Давлат герби. Давлат мадҳияси. Конституциянинг қабул қилиниши. Конституциявий тамойиллар. Миллий валюта. Тараққиётнинг «Ўзбек модели». Хуқуқий давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти. Сиёсий партиялар. Нодавлат ташкилотлар

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти

Ўзбекистон мустақил давлат СССР таназзулга учрагач, Ўзбекистон раҳбарияти давлат мустақиллигини тўла ўз қўлига олишга киришди.

1991 йил 25 августда Ўзбекистон Президентининг фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон харбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай халос қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Кенгаш Раёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этишни тақлиф қилди. Олий Кенгаш 1991 йил 26 август куни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақида ва 31 августда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари VI сессиясини чақиришга қарор қилди.

1991 йил 28 август куни Ўзбекистон Компартияси МҚ ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Президент И.Каримовнинг СССРда 19-21 август кунлари содир бўлган фожиали воқеалар ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди. Пленум Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатишга, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишга, унинг марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тарихий олгинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Президенти И.Каримов нутқ сўзлаб, собиқ Иттифокда сўнги пайтларда юз берган

ижтимоий-сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мастақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф қилди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Баёнотда бундай дейилган эди :

«Мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади».

Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда:



1) Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин;

2) 1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин, деб қатъий белгилаб қўйилди.

Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу Қонун 17 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди. Қонунда:

- Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир;
- Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади;
- Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди, давлат чегаралари, ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас;
- Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, Республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади, деб қонунлаштирилиб, белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VII сессиясида 1991 йил 30 сентябр куни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги

асослари тўғриси»ги Қонунга Конституциявий қонун мақомини беришга қарор қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддалари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг моддаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин, деб белгилаб қўйилди.

Шундай қилиб, халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, рўёбга чиқди. Мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутелиқдан, асоратдан қутилди. Дунё харитасида яна битта мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбек халқи тарихида, мамлакатимизда яшайдиган барча халқлар тарихида чинакам тарихий аҳамиятга молик бўлган воқеа содир бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши



Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси мустақиллик эълон қилинган пайтда 21,5 млн кишини ташкил этарди. 2004йил бошларига келиб аҳоли сони 25 млн.дан ортди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил ноябрида бўлган VIII сессияси Давлат мустақиллиги масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масалани қўриб чиқди.

**Мустақиллик тўғрисида
референдум**

Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат

мустақиллиги тўғрисида референдум ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилди: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?». Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

1991 йил 29 декабр куни умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Референдумда 9.898707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини маъқуллаймиз, деб овоз берди.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, унинг бутун тарихий тараққиёти натажаларидан келиб чиқадиган объектив ва қонуний ҳодисадир.

Республика халқи ва раҳбариятининг донишмандлиги, саботли ва қатъиятчилиги, узоқни кўра билиши натижасида унинг давлат мустақиллигига эришуви

Тинч, Демократик, Парламент йўли билан

Ижтимоий ларзаларсиз, қурбонлар ва вайронагарчиликсиз амалга ошди.

**Ислом Каримов
Ўзбекистоннинг биринчи
Президенти**

1991 йил 29 декабрь куни муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам бўлиб ўтди. Президентликка

номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов учун 8.514136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси сайлов яқунларини кўриб чиқиб, И.А.Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Президент Ислом Каримов қасамёд қилди : «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан». Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ томонидан сайланган биринчи Президентидир.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ва Конституциясининг қабул қилиниши

Давлат рамзлари Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга дадиллик билан киришди. Биринчи бўлиб, давлат рамзлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг **Давлат байроғи** ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланди. Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Ўзбекистоннинг **Давлат герби**, ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинди. Гербнинг марказида қанотларини кенг ёзиб турган Хумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Қадим-қадим замонлардан буён Хумо қуши ўзбек халқи орасида одамларни бахт-саодатга етакловчи куч рамзи сифатида эъзозлаб келинган.

Ўзбекистон Республикасининг **Давлат мадҳияси** ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди. Давлат мадҳиясининг матни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, мусиқаси Ўзбекистон халқ бастакори Мутал Бурхонов томонидан тайёрланган.

**Ўзбекистон
Республикасининг
Конституцияси**

Мустақиллик кўлга киритилгач, миллий ҳуқуқий давлат қуриш, демократик жамият барпо этиш, бозор муносабатларини шакллантириш каби

долзарб вазифалар мустақил Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишни тақозо этарди.

«Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинган Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда бўлган иккинчи сессиясидаёқ янги Конституция ишлаб чиқиш лозим, деган хулосага келинган эди. Сессия Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузилади. Конституциявий комиссия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш устида 2,5 йил ишлади.

Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилди, инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчилик соҳасида жаҳонда кўлга киритилган ютуқлар ҳисобига олинди. Миллий давлатчилигимизнинг тажрибаси, Амир Темур ва

бошқа алломаларимизнинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ғоялари янги Конституцияга асос қилиб олинди.

1992 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама 2 ойча давом этди. Муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар асосида тузатишлар киритилган лойиҳа 1992 йил 26 ноябрда матбуотда иккинчи марта эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси даврида 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, улар инobatга олинди. Конституциямиз халқимизнинг сиёсий даҳолиги ва тафаккурининг маҳсули бўлди. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди ва ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Олий Кенгашнинг 1992 йил декабрда бўлган XI сессияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш масаласини муҳокама қилди.

Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Шундай қилиб, **1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун - 8 декабрь умумхалқ байрами -Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 128 моддадан иборат. У «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги Қонунда мустаҳкамланган тамойиллар ва ғояларни ўзида тўла мужассамлаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижодкор халқимизнинг хоҳиш, иродаси ва доно фикр-мулоҳазалари асосида ва жаҳонда тўпланган энг илғор конституциявий ривожланиш тажрибасини ва миллий давлатчилигимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқилди. Илгариги конституциялар эса марказий ҳокимият томонидан тайёрланган Иттифок конституцияси нусхаларидан кўчириб олинар эди. Шу боисдан ҳам янги асосий қонунимиз мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини очиб берувчи асосий тамойилларни билиб олишга аҳамият бериш зарур.

- Ўзбекистон Конституциясининг муҳим тамойили давлат суверинитетидир. Давлатимизнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.
- Конституциямизнинг тамойилларидан яна бири халқ ҳокимиятчилигидир.
- Яна бир конституциявий тамойил - давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлинишидир. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг

қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунлаштирилди.

- Асосий Конституциявий тамойиллардан бири демократияга содиқликдир. Конституцияда умуминсоний демократик тамойилларнинг, халқаро ҳуқуқ соҳасида умум эътироф этилган қоидаларнинг устунлиги тан олинган.
- Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган.
- Яна бир Конституциявий тамойил– Конституция ва қонунларнинг устиворлигидир. Конституциянинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади», деб белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 21-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида **ягона фуқаролик ўрнатилган**. Ўзбекистон Республикасининг миллати, элатидан қатъий назар барча фуқаролари Ўзбекистон халқини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми, Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида қатта аҳамиятга эга бўлди. У мамлакатимизда қонунчиликнинг ривожланиши учун, ҳуқуқий ислохотлар учун асос бўлиб қолди. Юзлаб қонунлар, кодекслар, миллий дастурлар ишлаб чиқилди, умумхалқ муҳокамасидан ўтди, қабул қилинди ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амал қилинмоқда.

Асосий қонунга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2003 йил 24-25 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди ва мазкур Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш, икки палатали парламент тузиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Асосий Қонунимиз мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, унинг палаталари мақоми ва ваколатларига доир 76-88-моддаларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари ҳамда вазифаларига доир 89,90,93,95,97-моддаларга ҳам ўзгартиришлар киритилди. 89-модданинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айна

вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган иккинчи қисми олиб ташланди.

Мухтасар қилиб айтганда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар янада демократик равишда қайта тақсимланади. Киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, ҳукуматнинг масъулиятини кучайтиришга, жамият сиёсий ҳаётининг фаоллашувига, сайлов тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Миллий валюта Ўзбекистонда миллий валютани муомалага киритиш учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки пайти - 1991-1993 йилларда собиқ иттифокдан мерос қолган рубль зонасида бўлиб турди. Бироқ советлардан кейинги маконда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг қадри ҳам шунга мос равишда тушиб борди. 1993 йил май ойи бошларида 800-900 рублнинг қадри 1 АҚШ доллори даражасига тушиб кетган эди.

Ўзбекистон муомалага янги миллий валюта киритиш ишига жиддий киришди. 1993 йил 1 ноябрда Ўзбекистонда **сўм-купон муомалага киритилди**, унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм-купонлар асосида зарур тажриба орттирди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муо-малага киритиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлидан бошлаб **Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – Сўм муомалага киритилди**.

**Тараққиётнинг
«Ўзбек модели»**

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон қандай тараққиёт йўлидан боради, қандай жамият, қандай давлат

куради, унинг қиёфаси қандай бўлади, деган саволлар кўлдаланг турарди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун мақбул бўлган бир хил тараққиёт йўли, бир хил андоза бўлиши мумкин эмас. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўзига хос тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ўзбекистон олдида ҳам назарий-илмий ва амалий жиҳатдан пухта асосланган ўзига хос йўлни ишлаб чиқиш зарур эди. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли бозор иқтисодиёти ва демократик тамойиллар қарор топган илғор давлатлар тажрибасига, республикамиз иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолати ва имкониятларига, халқнинг менталитети ва тарихий анъаналарига, аҳолининг туб ўзгартиришларга

тайёрлик даражасига таянган ҳолда Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли Ислон Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида янги маъно-мазмун билан тўлдирилиб, аниқлаштирилиб борилди. 1993 йилда нашр этилган «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида Ислон Каримов янги жамият қуришнинг беш тамойилини асослаб берди.

1. Иқтисодиётни мафкурадан тўла холи қилиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши.
2. Давлат - бош ислохотчи, иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори.
3. Қонун устиворлиги, ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларга қурилиши, қонун олдида ҳамманинг барабарлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсуниси.
4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устиворлиги.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Тараққиётнинг «ўзбек модели» бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт моделидир. Бу йўл халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб қабул қилинди.

2. Сиёсий ислохотлар. Ҳуқуқий демократик давлат асосларининг барпо этилиши

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур сиёсий ислохотлар ўтказиш йўлидан бормоқда.

Миллий ҳуқуқий давлат қурилишида қуйидаги омилларга таянилди:

- Халқаро тан олинган ҳуқуқий тамойиллар инобатга олинди;
- Ривожланган демократик давлатлар тажрибасига таянилди;
- Кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос маънавий-ахлоқий қадриятларига асосланди;
- Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг энг демократик тизими - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини барпо этиш йўлидан борди;
- Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими президентлик бошқарув усулини яратиш йўли танланди.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган пайтда 1990 йил февралда сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи - Олий Кенгаш фаолият кўрсатмоқда эди. Ўзбекистонда демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан борилиб, бирданига Олий Кенгашни тарқатиб юборилмади. У 1990-1994 йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида фаолият юритди ва ўз ваколат муддати даврида 200 га яқин қонун ва 500 дан ортиқ қарорлар тайёрлади ва қабул қилди.

Олий Мажлис 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Республика парламентининг номи Олий Мажлис деб аталадиган бўлди. Конституциянинг 76-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади", деб белгилаб қўйилди. Конституцияга мувофиқ бир палатали парламент - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантириш тадбирлари кўрилди. 1993 йил 28 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида", 1994 йил 22 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида" қонунлар қабул қилинди. Олий Мажлис ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат бўлиши белгиланди.

1994 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи марта эркин, демократик ва кўп партиявийлик ва муқобиллик асосда сайловлар ўтказилди. Ҳар бир сайлов округида икки-уч номзод, жами 700 нафар номзод депутатлик учун курашди. Сайловчилар биринчи марта номзодларни танлаб олиш имкониятига эга бўлди. Номзодларнинг биронтаси ҳам етарли овоз ололмаган сайлов округларида 1995 йил 8 ва 25 январь кунлари такрорий сайловлар бўлди. Олий Мажлисга 250 депутат сайланди.

Олий Мажлис 1995- 1999 йилларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришдан иборат йўлни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган 10 кодекс, 2 миллий дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилди. Шунингдек, у 70 та халқаро шартномани ратификация қилди, халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 58 та қарор қабул қилди.

Иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 1999 йил декабрда сайловлар бўлиб ўтди. Сайловларда 7 та субъект - бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан жами 1010 нафар номзод қатнашди. Олий Мажлисга Ўзбекистон халқ демократик партиясидан 48, "Фидокорлар" миллий демократик партиясидан 34, «Ватан тараққиёти» партиясидан 20, "Адолат" социал-демократик партиясидан 11, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 10, ҳокимият вакиллик органларидан 111 ва сайловчилар ташаббус гуруҳларидан 16 нафар вакил депутат этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси бир палатали парламентининг 2000-2004 йилларда бўлиб ўтган 16 сессиясида 101 та қонун, 300 дан ортиқ қарор қабул қилинди, 55 та халқаро шартнома ва битимлар ратификация қилинди. Ўзбекистон

Республикасининг 329 та қонун ҳужжатиға 1357 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бир палатали Ўзбекистон Республикаси парламенти – Олий Мажлиси 1995-2004 йилларда ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда самарали олиб борди:

- Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамловчи қонунлар яратиш;
- қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;
- парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларимиз мониторингини халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганган ҳолда олиб бориш;
- жойлардаги ҳокимият вакиллик органларига амалий ёрдам кўрсатиш.

Мухтасар қилиб айтганда, 1995-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир палатали парламент сифатида халқ фикрини эътиборга олиш, очиқлик ва ошқоролик тамойиллари асосида фаолият юритди. Парламентчиликда демократик асослар яратилди. Бир палатали Олий Мажлис миллий парламентаризм ривожланиш тарихида муносиб ўринни эгаллади.

**Икки палатали парламентнинг
шакллантирилиши**

Президент Ислам Каримов 2000 йил 25 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимиға ўтишни таклиф қилди. Дарҳақиқат, мустақилликнинг ўтган 10 йили давомида парламентчиликда демократик асослар шакллантирилди, энди бир палатали парламентдан икки палатали парламентға ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратган эди.

2001 йил 6-7 декабрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш масаласи муҳокама қилинди ва парламентни икки палатали қилиб тузиш зарур, деган хулосаға келинди. 2002 йил 27 январь куни «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайланишиға розимисиз?» деган масалада референдум бўлиб ўтди. Референдумда қатнашганларнинг 93,65 фоизи рози эканлигини билдириб овоз бердилар.

2002 йил 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда республика парламентининг номи Олий Мажлис дейилади, у икки палатали - қуйи ва юқори палаталардан иборат этиб ташкил этилади, деб белгилаб қўйилди. Қуйи палата - Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат деб аталади, уларнинг ваколат муддати 5 йил деб белгиланган. Икки палатали парламент тузишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишиға киришилди.

2002 йил декабрда бўлиб ўтган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Сенати тўғрисида» Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Қонунчилик палатаси 120 нафар депутатдан, Сенат 100 нафар сенатордан иборат этиб шакллантирилади. Бу ўзгаришлар 2003 йил апрелда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартиришларда ҳам ўз ифодасини топди. 2003 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу тариқа икки палатали профессионал парламентни шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. 2004 йил декабр – 2005 йил январ ойларида мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат сайланди. Сенатга республикамизнинг ҳар бир худудидан 6 нафардан, жами 84 сенатор сайланди. Конституциямизнинг 77- моддасига мувофиқ, 16 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 27 январ куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида депутатлар Оқсоқоллар Кенгаши тавсиясига кўра яширин овоз бериш йўли билан Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига Эркин Ҳалилов сайладилар. Шунингдек, 2 нафар депутат Спикер ўринбосари этиб сайланди, қўмита раҳбарлари тасдиқланди, сиёсий партиялар фракциялари ташкил этилди ва рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 27 январь куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида Президент тақдимига мувофиқ Сенат аъзолари томонидан яширин овоз бериш йўли билан Мурод шарифхўжаев Сенат раиси этиб сайланди. Шунингдек 2 нафар сенатор Раис ўринбосарлари этиб сайланди, Сенат қўмиталари ташкил этилиб, уларнинг раислари ҳам сайландилар.

Мухтасар қилиб айтганда, 2005 йил 27 январ куни икки палатали парламенти шакллантириш ишларига яқун ясалди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистонда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ижроия ҳокимият - Вазирлар Маҳкамаси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгаши раиси киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Президентнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.


Вазирлар Маҳкамаси барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарор ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси Фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Президент топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.

Вазирлар Маҳкамаси	<ul style="list-style-type: none">➤ Давлат бюджетини ишлаб чиқади ва Олий Мажлисга тақдим этади ҳамда унинг бажарилишини таъминлайди;➤ Олий Мажлисга давлат бюджетининг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради;➤ ягона молия, кредит ва пул сиёсати юритилишини таъминлайди;➤ маданият, фан, маориф, ижтимоий таъминот, экология соҳасида ягона давлат сиёсатининг юритилишини таъминлайди;➤ мамлакатни мудофаа қилиш, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсатни амалга оширишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;➤ қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусий мулк ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.
-------------------------------	---

Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида" ги қонун асосида суд ислохотлари ўтказилди. Судларнинг мустақиллиги қонунлаштирилди, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмайди. Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи, адвокатура тизимининг мустақиллиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминланди. Ўзбекистонда суд ҳокимияти қонуннинг устунлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизими



Маҳаллий давлат ҳокимияти

Миллий давлатчилик тарихи тажрибасидан келиб чиқиб ва "Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта

ташқил этиш тўғрисида" ги Қонунга мувофиқ 1992 йил январидан бошлаб вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимлик ташқил этилди. Ҳокимият қошида ижроия аппарати тузилди.

Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, давлат ва фуқароларнинг манфаатини кўзлаб ўз ваколатларига таалуқли масалаларни ҳал этадилар.

Ҳоким ва унинг ижроия аппарати жойлардаги барча корхона ва муассасаларга раҳбарлик қилиш, маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни фуқароларнинг мафаатларига мос равишда ҳал қилиш билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистонда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи, бозор

муносабатларининг фаолияти учун имкон берувчи янги бошқарув структураси яратилди. Марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий-буйруқбозликдан ҳуқуқий бошқарувга, иқтисодий омиллар орқали ўзини-ўзи идора этишга ўтилди.

Маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган Давлат режа кўмитаси, Давлат таъминот кўмитаси, Давлат нархлар кўмитаси, Давлат агро-саноат кўмитаси ва бошқа кўмиталар, вазирликлар, уларнинг маъмурий аппаратлари тугатилди.

Республикада молия ва банк тизими тубдан ўзгарди. Молия вазирлиги республика бюджетини шакллантириш билан бир қаторда, давлат солиқ сиёсатини, молия сиёсатини белгиламоқда, валюта ишларини бошқармоқда. Банк тизими ислоҳ этилди. Давлат банки ва унинг бўлинмалари тугатилди, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, ихтисослаштирилган акциядорлик - тижорат банклари - "Ўзсаноатқурилишбанк", "Пахтабанк", "Ўзжамғармабанк", "Ғаллабанк", "Тадбиркорбанк", "Савдогарбанк", хусусий ва бошқа банклар тузилди. Банкларнинг мустақиллиги ва пул муомаласи аҳволи учун жавобгарлиги оширилди.

Давлат назорати тизими тартибга солинди. Давлат солиқ кўмитаси, Божхона кўмитаси тузилди. Давлат назорати кўмитаси, унинг жойлардаги органлари тугатилди. Президент девонида назорат инспекцияси, ҳокимиятларда тегишли назорат инспекциялари тузилди.

Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ташкил этилди. Бу кўмита мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишда, кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда муҳим тадбирларни амалга оширади. Кўмита инвестиция фондлари, фонд биржалари, кўчмас мулк биржалари, аудиторлик хизматлари ва бошқа бозор структураси тузилмаларини ташкил этмоқда.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш, транспорт бўйича тармоқ вазирликлари тугатилиб, улар ўз-ўзини маблағ билан таъмилайдиган уюшмаларга, концернларга, корпорацияларга ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантирилди. Автомобиль транспортида, қурилишда бошқарув тизими қайта тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ишлари вазирлигининг структураси, фаолият ва иш юритиш усуллари тубдан ўзгарди.

Умуммиллий аҳамиятга молик бўлган тармоқларда, масалан, саёҳатчилик, транспорт, маданият, кино, телевидение ва радио тизими ва бошқаларда иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган миллий компаниялар ташкил этилди.

Шундай қилиб, мустақиллик қўлга киритилгандан бери ўтган қисқа тарихий даврда ҳуқуқий давлат, унинг замонавий ҳокимият органлари барпо этилди, ихчам, очиқ ва тадрижий ривожланишга эга бўлган ижтимоий-сиёсий тизим яратилди.

Бугунги кунда марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тизимларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдан иборатдир.

4. Очққ фуқаролик жамияти негизларининг яратилиши

Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамият қуришдан иборатдир.

Демократик жамият қуриш бобида ҳамма давлат учун тайёр қолип ва андозалар йўқ. И.Каримов дунёда бир-бирига ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир - бирига айнан ўхшаган икки давлат ҳам йўқ, деганида ҳақлидир. Тўғри, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор: инсоннинг ўз хошиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши; озчиликни қўпчиликка бўйсунуши; давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги; давлат асосий органларининг сайлаб қўйилиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши ва бошқалар. Ўзбекистон демократик жамият қуришда ана шу тамойилларга, умумжаҳон цивилизациясига асосланди. Шунингдек, у халқимизнинг неча минг йиллик миллий давлатчилигимиз негизларини, маънавий меросимиз илдизларини, миллий хусусиятларимиз ва бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига татбиқ этиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон янги жамият қуришда адолат ва ҳақиқат ғоясига асосланмоқда. Республикамизда одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиш ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратишга катта этибор берилди. Негаки, бусиз адолатли жамият қуриб бўлмайди. Ана шундай имкониятлар яратилгандан кейингина, ҳар бир инсоннинг тақдири, турмуши ўзига боғлиқ бўлиб қолади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг солоҳиятига, меҳнат қилиш истаги, оқилу уддабуронлигига боғлиқ бўлади.

Маҳалла Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига биноан, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўтказиладиган бўлди. Фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. 2001 йил май- июнь ойларида бўлиб ўтган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловларда 7840 нафар оқсоқол ва уларнинг 75 мингга яқин маслаҳатчилари сайланди. Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари ўз маҳалласи доирасидаги ишларни ҳал этиш, муҳтож оилаларга давлат маблағлари ҳисобидан ёрдам бериш ишларида фаолият кўрсатмоқдалар. Маҳалла тизими жамиятнинг негизига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати ва бошқа

дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган. Ҳар бир фуқаро яшаш, шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга бўлиб, бу ҳуқуқлар давлат томонидан ҳимоя қилинади. Фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади.

1995 йил 23 февралда биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) лавозими таъсис этилди ва бу лавозимга Сайёра Рашидова сайланди. Унинг мақоми ва фаолият доираси 1997 йил 26 апрелда қабул қилинган Олий Мажлиснинг "Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида" ги қонун билан белгилаб берилди. Вакил БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маркази, ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида" ги қонуни Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил октябрь ойида эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида" ги Фармонга биноан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилди.

Ўзбекистонда фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғланган. Давлат ўзининг фуқаролар олдидаги вазифаларини бажармоқда. Фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳам давлат олдидаги бурчлари, мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Давлат ҳар бир инсон зиммасига тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбуриятини юклайди. Конституциянинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси

хар бир фукаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган.

Сайлов тизими Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизими барпо этилди. 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", 1993 йил 28 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" ва 1994 йил май ойида "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ҳамда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" қонунлар қабул қилинди.

Конституция ва қонунларда 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови **умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши** мустақамлаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга. 35 ёшдан кам бўлмаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти, 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга, 21 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Фуқаро бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Оммавий ахборот воситалари Демократик институтларнинг муҳим тармоғи бўлган эркин оммавий ахборот воситалари вужудга келди. 2004 йилда Республика оммавий ахборот воситалари тизимида 609 номда газета ва 162 номда журнал чоп этилди, 3 ахборот агентлиги, 50дан ортиқ телерадиокомпания ва студиялар ишлади. Журналистларнинг эркин ижод қилиши, мамлакат равнақи йўлида хизмат қилиши учун шарт-шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида қабул қилинган қонунлар уларни "тўртинчи ҳокимият" даражасида фаолият кўрсатишига кўмаклашмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этиш аҳолининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятининг ошиб бораётганлигида, турли сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг шаклланишида ҳам намоён бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг вужудга келиши ва фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Республика парламенти томонидан қабул қилинган: "Жамоат ташкилотлари тўғрисида" (1991 йил 15 феврал), "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" (1998 йил, янги таҳрири), "Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида" (1992 йил 2 июль), "Сиёсий партиялар тўғрисида" (1996 йил, декабр)ги қонунлар шулар жумласидандир.

<p>Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ихтиёрийлик ➤ аъзоларнинг тенг ҳуқуқчилиги ➤ ўзини-ўзи бошқариш ➤ қонунийлик ➤ ошқоралик
<p>Қуйидагилар таъқиқланади</p>	<p>Ирқий, миллий, ижтимоий, диний адоват ва нафратни тарғиб этувчи, зўрликка ва конституциявий тузумни ағдариб ташлашга чақирувчи сиёсий партиялар</p>
<p>Қуйидагилар Конституцияга зид деб ҳисобланади</p>	<p>Давлат органлари, муассасалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг сиёсий партияларнинг фаолиятини чеклашга, бир партияли сиёсий тузум яратишга қаратилган ҳужжатлари ва қилмишлари</p>

Ўзбекистонда **5** та сиёсий партия фаолият юритмоқда.

1. Ўзбекистон **халқ демократик партияси** 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурилтойида ташкил топган. Ушбу қурилтойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДПсининг "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталари ва "Мулоқот" журнали нашр этилмоқда.

2. 1995 йил 18 февралда Ўзбекистон «**Адолат**» социал-демократик партияси (СДП) тузилди. Партиянинг Тошкентда бўлган I - таъсис Қурултойида унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди.

"Адолат" социал-демократик партиясининг "Адолат" номли ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

3. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялардан яна бири-**Миллий тикланиш демократик партиясидир (МТДП)**. У 1995 йил 3 июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилди ва партиянинг Дастури ва Низоми қабул қилинди.

Ўзбекистон МТДПсининг "Миллий тикланиш" ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

4. 1998 йил 28 декабрда Ўзбекистон «**Фидокорлар**» миллий-демократик партияси ташкил топди. Партиянинг 1998 йил 28 декабрдаги таъсис конференциясида унинг Дастури ва Низоми тасдиқланган. Партиянинг "Фидокорлар" газетаси нашр этилмоқда.

5. 2003 йил охирида Ўзбекистон **Либерал-демократик партияси** ташкил топди. Унинг мақсади тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. ЎЗЛДП нинг «XXI аср» ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

1995 йил май ойида жамоатчиликнинг ташаббуси билан Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

«Халқ бирлиги» ҳаракатининг "Бирлик" ва "Единство" ҳафталик газеталари нашр этилмоқда

«Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракати

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги фармонида мувофиқ республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси нодавлат

ҳайрия - жамоат бирлашмаси сифатида ташкил топган эди. "Камолот" жамғармасининг вазифаси ёшларининг манфаат ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни қондириш юзасидан дастурлар тузиш ва давлат кўмагида ҳаётга татбиқ этишдан иборат эди. Аммо "Камолот" ёшлар жамғармаси бундай вазифаларни бажара олмади, ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчисига айлана олмади.

Президент Ислам Каримов 2001 йил 24 январь куни Тошкентда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда ёшларнинг чинакам суянчи бўла оладиган янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 25 апрель куни Тошкентда бўлган ёшлар қурултойида ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат, ноижорат ташкилот - **Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди** ва унинг Дастури, Низоми тасдиқланди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий мақсади ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрнини эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит - қизларнинг ўз ақл заковати, куч - ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт - шароит яратиш бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи булишдан иборатдир. Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар бўлимлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқ-тартибот органларида бошланғич тақилотлари тузилди. Улар 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқароларини ўз сафларида ихтиёрий равишда бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Жамоат ташкилотлари. Ўзбекистонда турли жамоат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари турли касб эгалари бўлган ходимларни жинси, диний эътиқодлари, ирқий ва миллий муносабатларидан қатъи назар ихтиёрий бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик шароитида аёлларни, кўп болали оналарни ҳар томонлама муҳофаза қилишни янада кўчайтириш, меҳнаткаш ва ижодкор аёлларни бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишга кенг сафарбар этиш, илм-фан соҳасидаги аёлларнинг имкониятларини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 1 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси тўғрисидаги фармойиши билан Хотин-қизлар қўмитаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин - қизлар қўмитасининг асосий мақсади жамиятда хотин-қизларнинг родини ошириш, уларнинг маънавий ва маданий талабларини қондириш, аёлларга ижтимоий – иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам бериш, оилани, оналик ва болаликни

ҳимоя қилиш, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун аёлларнинг иштирок этишларини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят хотин-қизлар кўмиталари, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, 38 шаҳар, 170 туман, 14 мингдан ортиқ меҳнат жамоалари ва турар жойларда ташкил этилган хотин-қизлар кўмиталари фаолият юритмоқдалар. Кўмита қошида хотин-қизлар тоифаларига қараб тузилган турли-туман профессионал, ижодий ва бошқа уюшмалар ишламоқда.

1996 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Фахрийлар кенгаши - "Нуроний" жамғармасига айлантирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламларини бирлаштирувчи 300 дан ортиқ жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари шаклланди ва фаолият кўрсатмоқда. Шулар жумласига "Соғлом авлод учун" ва "Экосан" халқаро жамғармалари, "Маҳалла" ва "Наврўз" хайрия жамғармалари, истеъдодли ёшларни кўллаб – қувватлаш мақсадида "Улуғбек", "Истеъдод", "Меҳр–шафқат ва саломатлик", "Болалар", "Амир Темур", "Алишер Навоий", "Абдулла Қодирий" жамғармалари ва бошқалар киради.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистон фуқаролик жамияти асослари шакллантирилди. Бугунги кунда фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этувчи нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш устувор вазифа бўлиб турибди.



Синов саволлари

1. 1991 йил 25 августдаги Ўзбекистон Президентининг қандай фармони эълон қилинди?
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлган сессиясида қандай ҳужжатлар қабул қилинди?
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёнати ҳақида сўзлаб беринг.
4. Олий Кенгашнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги қарорининг мазмунини биласизми?
5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунни кутубхонадан топинг ва дафттарингизга ёзиб олинг.
6. Мустақиллик тўғрисидаги референдум ва унинг натижаларини биласизми?
7. Ўзбекистон Давлат мустақиллигини кўлга киритишнинг тарихий аҳамияти нималардан иборат?
8. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тасвирлаб беринг, у қандай ҳолларда кўтарилади?
9. Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини тасвирланг, ундан қандай пайтларда фойдаланилади?
10. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ёддан биласизми?
11. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш, қабул қилиш жараёнини тушунтириб беринг.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойилларини биласизми?
13. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда нималар асос қилиб олинди?
14. Ўзбекистонда миллий ҳуқуқий давлат қурилишида қандай тамойилларга асосланди?
15. Ўзбекистон Республикаси парламенти - Олий Мажлиснинг ташкил топиши ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
16. Вазирлар Маҳкамасининг тузилиши, таркиби, вазифалари ҳақида нималарни биласиз?
17. Ўзбекистонда қандай суд органлари фаолият юритмоқда?
18. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
19. Ўзбекистонда қандай вазирликлар ва давлат қўмиталари мавжуд?
20. Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини биласизми?
21. Омбудсман нима, у қачон таъсис этилган?

22. Ўзбекистоннинг сайлов тизими ҳақида сўзлаб беринг.
23. Ўзбекистонда қачон ва қандай сиёсий партиялар тузилган, уларнинг мақсадлари нималардан иборат?
24. Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қачон тузилган, унинг мақсади нима?
25. Ўзбекистонда фаолият юритаётган қандай жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларни биласиз?

XVII БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Таянч сўз ва иборалар: Иқтисодий ислохотлар. Стратегик мақсадлар. Хусусийлаштириш. Кичик ва ўрта бизнес. Аграр ислохотлар. Бозор инфратузилмаси. Машинасозлик саноати. Ёқилғи мустақиллиги. Ғалла мустақиллиги. Маънавий ислохотлар. Маънавий мероснинг тикланиши. Диний қатриятлар. Маданият равнақи. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Миллий истиқлол ғояси.

1. Иқтисодий ислохотлар. Бозор муносабатларининг шаклланиши

**Мустабид тузумдан
қолган иқтисодий мерос**

Мустақиллик йилларида иқтисодий ҳаётимизда рўй берган янгиланиш, туб ўзгаришни ёритишга киришар эканмиз, аввало, эски мустабид тузумдан бизга

қандай иқтисодиёт мерос бўлиб қолганлигини эслайлик.

Ўзбекистон қарамлик даврида ўз табиий бойликларига, ер-сув, ўрмон ва бошқа ресурсларига ўзи эгалик қила олмасди, иқтисодий тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмасди. Республика ҳудудида қурилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар марказга, унинг манфаатларига бўйсундирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ўз ҳудудида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани, улар қаерда реализация қилинаётгани ва қанча даромад келтираётганидан беҳабар эди. Молия-кредит, банк сиёсати юритишда қарам эди, ўзининг миллий валютасига, валюта жамғармасига эга эмасди.

Аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан ночорлик, собиқ Иттифок микёсида энг охириги ўринлардан бири мерос бўлиб қолган эди. Россия, Украина ва Белоруссиядан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон аҳолисининг деярлик учдан икки қисми қўл учуда тирикчилик қиларди. Эски мустабид тузумдан ўткир ижтимоий, экологик муаммолар мерос бўлиб қолган эди. Мамлакатимиз аҳолиси ернинг ниҳоят даражада шўрланиши, ҳаво бўшлиғи ва сув заҳираларининг ифлосланганлиги, радиоактив ифлосланиш, Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолган эди.

«Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни ҳолисона айтидиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шунини очиқ айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга-марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди».

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999, 6-бет.

Мустақиллик халқимизни иқтисодий зулум, мутеликдан озод этди, ўз ери, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларига тўла эгаллик қилиш ҳуқуқини берди. Барча мулк, корхоналар Ўзбекистон тасарруфига олинди, мустақил иқтисодий сиёсат юритиш, ўз иқтисодий тараққиёт йўлини ўзи белгилаш эркинлиги қўлга киритилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўли Давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, Ўзбекистон умумбашарий, жаҳон цивилизациясининг қагта йўлига тушиб олди. Ўзбекистон бозор муносабатларини шакллантиришни, миллий анъаналарга асосланган ўз йўлини танлаб олди. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг асосий қоидалари Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида, маъруза ва нутқларида асослаб берилди (беш тамойил). Бу йўлга, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинди. Иккинчидан, хўжалик имкониятлари, шарт-шароитлари, эски тузумдан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобга олинди.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Аввало, иқтисодий ислохотларнинг қўйидаги стратегик мақсадлари белгилаб олинди:

- кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;
- кўп укладли иқтисодиётни яратиш;
- хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш;
- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;
- кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш.

Ислохотларнинг ҳуқуқий асослари Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Шу боисдан ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилди.

Иқтисодий соҳага тегишли бўлган 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларни мазмун-моҳияти жиҳатидан бир қатор йўналишларга бўлиш мумкин.

1. Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар. Бу йўналиш доирасида мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

2. Хўжалик юриштириш тартибга солувчи қонунлар, яъни хусусийлаштириш, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ширкат хўжалиги тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар ва банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик, суғурта, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Корхона билан давлат ўртасидаги, корхоналар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўювчи, солиқ тизими, монополистик фаолиятни чеклаш, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳақида қонунлар қабул қилинди, хўжалик процессуал кодекси ишлаб чиқилди, хўжалик суди тузилди.

3. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар яратилди. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Чет эл инвестициялари тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

Хусусийлаштириш 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш масалалари бўйича 20 дан ортиқ махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга давлат бошчилик қилди. Хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқаришдан бошланди. Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олди.

Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди. Давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди. Уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, илмий ходимлар ва ижодий зиёлиларга квартиралар бепул берилди. 2002 йилга қадар Республика уй-жой фондининг 98 фоизга яқини хусусийлаштирилди.

Давлатга қарашли мулкни, корхоналарни хусусийлаштиришга давлатнинг ўзи ташаббускор бўлди ва бошчилик қилди. Давлат мулкни хусусийлаштириш бошлангандан кейин то 1994 йил охиригача 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкка, 26,1

мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди.

1994 йил 21 январда эълон қилинган «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1994 йил 16 мартда эълон қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги Президент фармонлари хусусийлаштириш жараёнига янги туртки бўлди. Ўрта ва йирик корхоналарни акциядорлик жамиятларига, ижара корхоналарига айлантира бошланди, бу жараёнга аҳоли ва чет эллик инвесторлар кенгроқ жалб қилинди. Давлат мулкани сотиш бўйича ким ошди савдолари ва танловлар ташкил этилди.

2004 йил бошларида республикамизда 1800 та акциядорлик жамиятлари фаолият юритди, 1,2 млн.дан ортиқ фуқаро акцияларга эга бўлди ва улардан даромад олмакда.

Кичик ва ўрта бизнес Республикада кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди тузилди, дунёдаги нуфузли банкларнинг сармоялари жалб этилди. Тадбиркорлар ва бизнесменларга маслаҳатлар билан кўмаклашиш мақсадида немис техникавий кўмаклашув жамияти Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини, Европа ҳамжамияти комиссияси амалий алоқалар марказини очдилар. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиёдаги Буюк Британия инвестиция фонди тадбиркорларга зарур маслаҳатлар билан кўмаклашдилар. Фақат 1999 йили кичик ва ўрта бизнес корхоналарига Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Германия тикланиш банкининг 200 млн. АҚШ долларидадан ортиқ кредит маблағлари жалб этилди ва ўзлаштирилди. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига салмоғи 1991 йилда 1,5 фоизни, 1999 йилда 12,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 35,6 фоизга етди. 2004 йил фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари сони 39,1 мингга етди. Фақат 2004 йилда бу сектор ҳисобига 425 минг иш ўринлари яратилди. 2004 йил 1 октябрида мазкур секторда иш билан банд бўлганлар сони 6,1 млн. кишини ёки иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 61,5 фоизини ташкил этди.

Аграр ислохотлар Аграр ислохотларга устуворлик берилди. Негаки, республика аҳолисининг 62 фоизи қишлоқда яшайди, қишлоқ хўжалигида ЯИМ нинг 30 фоизи, мамлакат валюта тушумларининг 55 фоизи шаклланади. Аграр ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигидаги давлат тасарруфидаги мулк хусусийлаштирилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида нодавлат секторининг улуши 100 фоизни ташкил қилмоқда.

Ислохотлар йилларида одамларга шахсий томорқа учун қўшимча равишда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди ва шахсий томорқа учун берилган ер

майdonи 700 минг гектарга етди, 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда.

Қишлоқда хўжалик юритишнинг макбул шакллари яратишга алоҳида эътибор берилди. Аграр ислохотларнинг дастлабки йилларида совхоз ва колхозлар жамоа хўжаликларига айлантирилган эди. Аммо улар хўжалик юритишда ўзларини тўла-тўқис оқламаганликлари туфайли мулк пайлари асосида ширкатларга айлантирилди. 1999 йилда 898 та, 2000 йилда 856 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ширкатларга айлантирилди. Уларнинг умумий сони 2002 йилнинг 1 январидан ҳолатига кўра республика бўйича 1900 тага етди, уларда 1 млн. 400 минг киши ширкат аъзоси сифатида меҳнат қилди. Аграр муносабатлар тизимида ширкат хўжалигида пайчилик асосига қурилган оила пудратига кенг ўрин берилди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари салмоқли ўрин эгалламоқда. 2004 йилда фермер хўжаликлари сони 85,5 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу турдаги хўжаликлар дон, картошка, сабзавот-полииз маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум етиштиришда тобора салмоқли ўринни эгаллаб қишлоқ хўжалик экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айланмоқда.

Қишлоқда шахсий ёрдамчи хўжаликлар деҳқон хўжаликлари сифатида қайта шаклланди. Деҳқон хўжалиги - бу оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, томорқа ер участкаси оила бошлиғига умрбод мерос қилиб берилади, маҳсулотлар оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида етиштирилади ва сотилади. 2003 йилда 3,5 млн.дан ортиқ деҳқон хўжалиги фаолият юритди республикада етиштирилган гўштни 93,7 фоизи, сутнинг 95,9 фоизи, картошканинг 90 фоизи, сабзавот-полииз маҳсулотларининг 70,3 фоизи, тухумнинг 53,5 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан тайёрланди.

2003 йилда республикада қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг 22,2 фоизи ширкат хўжаликларига, 14,9 фоизи фермер хўжаликларига, 62,9 фоизи деҳқон хўжаликларида етиштирилди.
--

Мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар натижасида қишлоқ ҳаёти янгиланди, деҳқон ва фермернинг меҳнатга муносабати, дунёқараши ўзгарди. Улар ернинг ҳақиқий эгасига, ўз меҳнати эвазига етиштирган маҳсулотнинг эгасига айланмоқда.

Нархни эркинлаштириш Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ нархлар эркинлаштирилди. Бу жараён ижтимоий ларзаларсиз ўтди. Негаки, давлат турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорий этди, энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар мунтазам суратда ошириб борилди.

Нархни эркинлаштириш иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш билан бевосита боғлиқ. 1992 йил август ойида Ўзбекистон

Республикасининг «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни кучга киритилди. Бу қонун асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Молия вазири тизимида тузилган Антимонопол ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш Бош Бошқармаси монополия мавқеидаги корхоналарни белгилаб, уларнинг маҳсулотлари бўйича нархларни ва рентабелликни тартибга солиб турибди.

Бозор инфратузилмаси Иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бозор инфратузилмасини яратишдан иборат бўлди.

Шу боисдан республикада бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи инфратузилманинг асосий бўғинлари - турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар мажмуаси яратилди. Авваломбор, **ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи транспорт, алоқа, сув ва энергетика таъминоти, йўл ва омбор хўжалиги тузилмалари яратилди.** Хўжалик юритувчи субъектлар учун хизмат қилувчи 58 та товарлар ва хомашё биржалари, 24 та бизнес инкубатор, 496 та аудиторлик ва консалтинг фирмалари, кўплаб савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари, савдо-сотик ва уларни назорат қилувчи давлат муассасалари ташкил этилди.

Бозор муносабатларини ривожлантиришда **ахборот инфратузилмаси** алоҳида аҳамиятга эга. Шу боисдан иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларни тўпловчи, умумлаштирувчи воситалар, фирмалар вужудга келди.

Хўжалик юритувчи субъектларни **молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма** - янги банк тизими, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш идоралари, пул жамғармалари яратилди.

Бозор иқтисодиётига хизмат қилувчи банк-молия тизими яратилди. 2002 йилданда 37та банк, шу жумладан 13 та хусусий банк фаолият кўрсатди. Банкларнинг 17 таси дунёдаги энг нуфузли банклар билан корреспондентлик алоқалари ўрнатган.

Республикада давлат иштирокида тузилган бозор муносабатларига хизмат қилувчи «Кафолат», «Агросуғурта», «Ўзбекинвест» каби йирик **суғурта компанияси** фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб хусусий суғурта компаниялари, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлайдиган кўшма суғурта компаниялари ҳам вужудга келди ва молия бозорида хизмат кўрсатмоқда.


Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида **иш билан бандлик** масаласи жиддий муаммога айланади. Негаки, иқтисодий тизим ўзгараётган пайтда малакасиз кишиларгина эмас, маълум ихтисосга эга бўлган ходимларга ҳам талаб чекланади, ишсизлар тоифаси кенгаяди. Бундай шароитда ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик тадбирлари кўрилди. Республика бўйича 225 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тормоқ барпо этилди. Ҳар бир туманда меҳнат биржаси ташкил этилди. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларнинг касбини ўзгартириш механизми

яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш йўлга қўйилди. Янги иш ўринларини ташкил этишга эътибор берилди. 1993 йилда Республикада 185,1 минг янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 345,9 мингга ташкил этди ёки 1,8 марта кўп иш ўринлари яратилди. 2000 йилда фақат кичик ва хусусий бизнес ривожига ҳисобига 192,5 минг янги иш ўринлари яратилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 425 мингдан ошди. 2003 йил 1 январда иқтисодий соҳасида банд бўлганларнинг 76,6 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди.


Иқтисодий ислохотлар борасида қўйилган яна бир муҳим қадам - **1994 йил 1 июлдан миллий валюта миқдорини муомалага киритилиши** бўлди. Бу тадбир катта сиёсий аҳамиятга, эътиборга моликдир, чунки ўз миллий валютасига эга бўлмаган давлат чинакам мустақил бўла олмайди. Республика ҳукумати миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш, унинг эркин айланишини таъминлаш чораларини амалга ошириб борди. 2003 йил 15 октябрдан бошлаб сўм қисман конвертацияланадиган валюта мақомига кўтарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиёти асослари шаклланди. **Кўп укладли иқтисодиётни, мулкдорлар табақасини шакллантиришдан иборат стратегик вазифа амалда рўёбга чиқди.** 2004 йил бошларида республикада мулкчиликнинг нодавлат сектори хусусий мулк эгалари, фермер, ширкат ва деҳқон хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кооперативлар, жамоа мулки, масъулияти чекланган жамиятлар, жамоат ташкилотлари) улуши 90,2 фоизга етди. Давлат тасарруфидаги корхоналар улуши эса 9,2 фоизга тушди.

Иқтисодиётда нодавлат секторининг улуши, фоиз ҳисобида



Мулк шаклларининг 2003 йилги улуши, фоиз ҳисобида



2. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва ривожланиши

Мустақилликнинг дастлабки йилларида саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тобора пасайиб борди, хўжалик юритиш мураккаблашиб қолган эди. Бунинг сабаби Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб, корхоналари мустақил хўжалик юрита олмасди, бошқа ҳудудларда жойлашган завод, фабрикалардан келтириладиган асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларга бутунлай қарам эди. Собиқ Иттифоқ парчалангач, алоқалар узилди. Натижада кўпгина корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайди, айримлари тўхтаб қолди. Шу боисдан Ўзбекистонда иқтисодий тангликдан чиқиш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш тадбирлари кўрилди.

Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш учун Ўзбекистон иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар қуриш ва бунинг учун зарур инвестициялар ажратиш йўллари борди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар учун зарур маблағлар давлат бюджети ва аҳоли жамғармалари ҳисобига ажратилди. 1991-2002 йилларда иқтисодиётга жалб этилган жами инвестициялар 28,4 млрд. АҚШ доллари ташкил этди.


Халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадида чет эл инвестициясини жалб қилиш чоралари кўрилди. «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Чет эл инвестициясини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш бевосита инвестициялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида амалга оширилди. Иқтисодиётга киритилаётган хорижий инвестиция салмоғи йилдан йилга ўсиб борди. 1992-1999 йилларда иқтисодиётда 4,4 млрд. АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестициялари ўзлаштирилди. 1999 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тормоқлари 1 млрд. 324 млн. АҚШ доллари миқдоридан чет эл

инвестициялари ўзлаштирилди. 1991-2002 йилларда Республика иқтисодиётида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 14 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 2003 йилда 2087 тага етди.


Ёқилги мустақиллиги Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг ҳаётий муҳим тармоқлари ривожлантирилди, янги саноат тармоқлари бунёд этилди. Бунга мамлакатнинг ёқилги мустақиллигига эришиши яққол мисолдир. 90-йилларнинг бошларида четдан 6 миллион тоннага яқин нефть маҳсулотлари келтирилди, 600 минг тонна пахта толаси Россия ва бошқа мамлакатларга нефть маҳсулотлари учун бериларди. Шу боисдан мамлакатимизда нефть мустақиллиги учун кураш бошланди, бунинг замини - 2 триллион кубметрга яқин газ захиралари, 160 дан ортиқ нефть кони бор эди.

Йилига 2,5 млрд. куб метр газ ҳайдаш қувватига эга бўлган Кўкдумалок компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилди. 1996 йилга келиб четдан нефть маҳсулотларини сотиб олиш тўхтади, нефть мустақиллигига эришилди. 1991 йилда 2,9 млн. тонна нефть (газ конденсати билан биргаликда) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 7,5 млн. тоннадан ошди. Шу даврда табиий газ ишлаб чиқариш 41,8 млрд. куб метрдан 56,4 млрд. куб метрга ўсди. Ўзбекистон ёқилги мустақиллигига эришди.

Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўсиши, минг тонна ҳисобида



Табиий газ ишлаб чиқаришнинг ўсиши, млрд. м³ ҳисобида



Машинасозлик ва автомобилсозлик саноати Мустақиллик йилларида машинасозлик саноати жадал ривожланди. 1994 йилда барпо этилган Ўзбекистон-Исроил «ЎЗИз маш» қўшма корхонасида пахта териш машиналарининг горизонтал шпинделли янги хили яратилди. Бу агрегат жаҳон машинасозлигининг энг янги ютуғидир, деб эътироф этилди.

1992 йилда Жанубий Корея билан ҳамкорликда Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи корхона барпо этишга келишиб олинди. 1993-1996 йилларда Асака шаҳрида «ЎзДЭУ авто» заводи барпо этилди ва Дамас, Тико, Нексия русумли автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1996 йилда 25,3 минг, 1997 йилда 64,9 минг, 1998 йилда 54,4 минг, 1999 йилда 58,4 минг, 2004 йилда 70 минг дона энгил автомобиль ишлаб чиқарилди. «ЎзДЭУ» заводида 1999-2003 йилларда «Матиз», «Ласетти» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28-мамлакатга айланди.

Самарқандда автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сам Коч авто» заводи қурилди. 2000 йилда «Сам Коч авто» заводи 483 та автобус, 102 та юк автомобили ишлаб чиқарди.

Республикамизда автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ўнлаб янги корхоналар бунёд этилди. Ҳозирги пайтда «ЎзДЭУ» заводи учун зарур бўлган бутловчи қисмларнинг 20 фоизи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда. Автомобилсозлик саноатида 14 мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда.

Машинасозлик саноатининг йирик корхоналари - Тошкент трактор заводи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Тошкент агрегат заводи ва бошқа корхоналар мустақилликнинг дастлабки йилларида учраган қийинчиликларни енгиб ўтди. Биргина Тошкент трактор заводи 2000 йилда 954 та, 2001 йилда 1002 та трактор ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда йилига 3,5-4 минг донагача трактор, минглаб тиркамалар ишлаб чиқарилмоқда.

Газ-кимё ва энгил саноат 1995 йил октябрь ойида Ўзбекистон билан АҚШ нинг «АББ Луммус Глобал» компанияси ўртасида Шўртон газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Қурилиш ишлари 1997-2001 йилларда амалга оширилди, мажмуа қурилишида 1млрд. АҚШ доллари ҳажмида сармоя ўзлаштирилди. 2001 йил декабрда Шўртон газ-кимё мажмуаси ишга туширилди. Мажмуа йилига 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суьолтирилган газ ва 126 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга.

Энгил ва тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Пахтани қайта ишловчи «Қабул-ЎзбекКО», «Косонсой-Текмен», «Папфен», «Аснам текстил», «Қарақултекс», «Чиноз тўқимачи», «Қабул-Фарғона», «Оқ сарой тўқимачи» қўшма корхоналари барпо этилди. Фақат 2004 йилда 17 та энгил саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Бу тармоқда халқ истеъмоли моллари

ишлаб чиқариш кенгайди, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Агар 1991 йили республикада пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 28 фоизга етди. Калава, ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди.


Мустақиллик йилларида «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси, Қизилқум фосфорит комбинати, Қунғирот сода заводи, Қувасой кварц заводи, Янгийўл ва Андижон спирт заводлари, Тошлок ип йиғирув фабрикаси ва бошқа кўплаб корхоналар бунёд этилди.

Дон мустақиллиги Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга эътибор берилди. Хўжаликлар қандай экин экиш соҳасида мустақил бўлдилар. Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни тиклаш йўли изчиллик билан амалга оширилди. Пахта экиладиган майдонлар тегишли суратда қисқартирилиб, донли экинлар майдони кенгайтирилди. Умумий экин майдонларида донли экинлар салмоғи 1991 йилда 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 42 фоизга ўсди.

Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш йўли изчиллик амалга оширилди. Агар 1991 йилда мамлакатимизда 1,9 млн. тонна дон, шу жумладан 609,5 минг тонна бугдой тайёрланган бўлса, 2003 йилда 6,1 млн. тонна дон, шу жумладан 5,4 млн. тонна бугдой етиштирилди. Ўзбекистон галла мустақиллигига эришди.

Андижон пахтакорлари ташаббуси билан чигитни плёнка остига экиш технологияси жорий этилди. Бу усул пахтадан сифатли ва юқори ҳосил етиштириш имконини яратди.

Ғалла ишлаб чиқаришнинг ўсиши, минг тонна ҳисобида



Иқтисодиётда барқарор юксалиш Иқтисодиёт таркибидаги туб ўзгаришлар, янги корхоналарнинг бунёд этилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида самарали натижалар берди. 1991-2002 йилларда 1872 корхона ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалари қурилди, маҳсулотнинг 9,5 мингдан ортиқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1990 йилда Республика бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмини 100 фоиз деб олсак, ундан кейинги

йилларда камайиб, 1992 йилда 94,7 фоизга, 1993 йилда 98,1 фоизга тушган эди. 1995 йилга келиб **макроиктисодиётда барқарорликка эришилди** ва 1996 йилдан бошлаб **барқарор ўсиш** таъминланмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан 1997 йилда 106,5 фоизга, 1998 йилда 105,8 фоизга, 1999 йилда 106,1 фоизга, 2000 йилда 106,4 фоизга, 2001 йилда 108,1 фоизга, 2002 йилда 108,1 фоизга, 2003 йилда 108,4 фоизга, 2004 йилда 109,4 фоизга ўсди. Ун ва ун маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал, шакар ва қанд маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди, истеъмол буюмлари импорти камайди.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 1991-1995 йилларда пасайиб борди, 1996 йилдан бошлаб ўсиш бошланди. Олдинги йилга нисбатан 1996 йилда ЯИМ 101,7 фоизга, 1997 йилда 105,2 фоизга, 1998 йилда 104,4 фоизга, 1999 йилда 104,4 фоизга, 2000 йилда 104 фоизга, 2001 йилда 104,5 фоизга ўсди.

Натижада, 2001 йилда биринчи бор ялпи ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103 фоиз ўсишига эришилди. МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон иктисодий барқарорликка эришган, иктисодий кўрсаткичлари изчил ўсиб бораётган мамлакатдир. 2004 йилда ялпи ички маҳсулот 7,7 фоизга ўсди.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгариб, аҳоли турмуш савияси ўсиб борди. Йирик иншоотлар, корхоналарнинг бунёд этилиши, иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётини, фаровонлигини йилдан йилга яхшиланишига замин бўлиб, хизмат қилмоқда. Аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш даражаси салмоқли даражада ўсди. Биргина 1999 йилда 4,5 минг км газ тармоғи-шундан 4,3 минг километри қишлоқ жойларида, 2 минг км дан зиёд ичимлик сув тармоғи - шундан 1,9 минг километри қишлоқ жойларида ишга туширилди.

Жаҳондаги етакчи фирмаларнинг ҳаво кемалари билан таъминланган Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси дунёнинг 25 мамлакати билан ҳаво алоқларини ўрнатган, у мустақиллик йилларида 25 миллиондан кўп йўловчига хизмат қилди.

Ижтимоий ҳаёт Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда ислохотлар бошланган дастлабки пайтдаёқ, унинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат, деб белгиланган эди. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк давридан бошлаб аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чоратадбирлар кўриб борилди. Шу мақсадда миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, турли нафақалар, стипендиялар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари кенг қўлланилди.

Мамлакатнинг 2 млн. 640 минг фуқароси пенсия ва моддий ёрдам олади. Бундай тўловлар миқдори 2000 йилда 187,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Фақат 2000 йилнинг ўзида аҳолининг кам таъминланган қисмига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла йиғинлари орқали 54,2 млрд. сўм миқдорида нафақа, кўмак ва бошқа турдаги ёрдамлар берилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатда 70 млн. кв.м. турар жойлар, 19,5 минг ўринли касалхоналар, 95,7 минг марта ташрифли поликлиникалар, 805,9 минг ўринли мактаблар, 15,3 минг ўринли академик лицейлар, 126,5 минг ўринли касб-хунар коллежлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва газлаштириш бўйича кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда. 1991-2000 йилларда 22,6 минг км. сув қувурлари ва 54,1 минг км. газ тармоқлари ётқизилди. Аҳолининг уй-жойларини газлаштириш даражаси 46,2 фоизгача, ичимлик суви билан марказлашган ҳолда таъминлаш эса 64,2 фоиздан 77,6 фоизгача кўтарилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилмоқда.

Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими бунёд этилди. Мустақиллик йилларида амбулатория-поликлиника муассасаларининг сони 3 мингдан 4,8 минггача ёки 1,6 баравар ортди. Қишлоқ жойлаирда 1600 та врачлик пунктлари очилди.

Аҳолига 81,5 мингдан ортиқ шифокорлар турли ихтисосликлар бўйича малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

1994 йилда аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи Республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига бор-йўғи 4,5 фоизга кондирилар эди. 2003 йилга келиб, қатта миқдорда сармоя жалб этилганлиги ҳисобидан, бу кўрсаткич 25 фоизгача ўсди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг бошқарув тизими тубдан ўзгартирилди, хўжалик юриштишнинг бозор иқтисодиётига мос янги тизими яратилди. Бозор инфратузилмаси асослари барпо қилинди. Мамлакатимиз иқтисодий таназзул давридан ўтиб олди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, иқтисодий ўсишни таъминловчи зарур шарт-шароитлар вужудга келди. Хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида кўп укладли иқтисодиёт шаклланди. Энг муҳими, одамларимизнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда.

3. Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий тараққиёт

Маънавий мероснинг тикланиши ва ривожланиши

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир.

Бирон-бир мамлакат ўз маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай ва мустаҳкамламай туриб юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Шунинг учун ҳам жамият маънавиятини юксалтириш Ўзбекистон тараққиётининг устивор йўналиши деб белгиланди.

Тарихдан маълумки, мамлакатимиз бир неча бор ажнабий босқинчилар ҳужумига дучор бўлган, қарамлик ва зулм остида қолган. Бунинг оқибатида халқимизнинг бой маънавий мероси, урф-одатлари қадрсизланишга маҳкум бўлган. Айниқса, чор мустамлакачилиги ва советлар тузуми даврида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз оёқ ости қилинди. Она тилимиз, бой маънавий меросимиз қадрсизлантирилди, кўплаб масжиду-мадрасалар, миллий мактаблар, тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритган кундан бошлаб мамлакатимизда бой маънавий меросимизни тиклаш ва ривожлантириш, жамият маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислохотларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

«Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар - қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-бобаларимизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш - бундан огирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда».

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, 202-бет.

Мустақиллик йилларида бой маънавий меросимизни тиклаш тадбирлари амалга оширилди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган боболаримиз-Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фаргоний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг миллий ва маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари бутун мамлакат бўйича нишонланди, руҳлари шод этилди, асарлари нашр этилди. Уларнинг маънавий мероси бугунги кунда халқимизга янги жамият қуришда маънавий куч-қудрат бағишламоқда, жамиятимизни маънавий юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аجدодлар тарихини билиш, миллий ахлоқий кадрият ҳамда

анъаналар ва муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бирон-бир халқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмай ва уни янада ривожлантирмай туриб ўз келажagini тасаввур эта олмайди. Шу боис мустақил тузум даврида сохталаштирилган халқимиз тарихини ҳолисона, ҳаққоний ёритиш, барча ўқув масканларида Ватан тарихини ўқитиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини ҳолисона илмий асосда ёритиш вазифалари Президент И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июнь ойида бўлган суҳбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявийлик, синфийлик ёндашувлардан, ҳукмрон коммунистик мафкура таъсиридан ҳалос этилди. Неча 10 йиллар давомида бузиб кўрсатилган ёки сўз юритилмай келган тарихий воқеаларни ҳолислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритилган қатор илмий асарлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратилди.

Президент Фармони билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар Ўзбекистонда, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида ўтказилди. ЮНЕСКО қарори билан Соҳибқирон юбилеи жаҳон миқёсида нишонланди. Парижда Амир Темурга бағишланган маданият ҳафталиги, «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзуида халқаро конференция ва кўرғазмалар бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида Амир Темурга ҳайкал қўйилди, Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди, унинг номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар таъмирланди.

1999 йил ватанпарвар сиймо, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, халқ даҳоси яратган Алпомиш достонининг 1000 йиллигининг нишонланиши, Урганч ва Термизда улар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуаси жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий ғурурни кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ жигарбандларининг номи, иззат-икрими, ҳурмати ўз жойига қўйилди, асарлари чоп этилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакичилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, фашизмга қарши жангларда жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини

абадийлаштириш мақсадида «Хотира майдони» мажмуаси барпо этилди. Бу тадбирлар халқимизда миллий онгни юксалтиришга, тарихий хотирани тикланишига, ёшларни миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

**Диний ва миллий
кадриятларнинг
тикланиши**

Мустақиллик шарофати билан диний кадриятлар, диний эътиқод қайта тикланди. Рамазон хайити, Қурбон хайити, қадимий халқ байрами Наврўз қайта тикланди, бу

кунлар Президент Фармони билан дам олиш, байрам куни бўлиб қолди. Муслмонлар Ўзбекистон халқи тарихида биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳар йили Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятларига эга бўлдилар. Президент Фармони билан тузилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси жамиятнинг маънавий-маърифий раўнақи йўлида хизмат қилмоқда.

Республикада 17 диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрстамоқда. 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи 130 миллат ва элат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, христиан ибодатхоналари, синагоглар ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгидан қурилди. 10 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилда Тошкентда Ислом Университети очилди.

Ўзбекистон ҳудудида халқнинг улугвор ва шонли тарихига оид 2000 дан ортиқ ёдгорликлар таъмирланди.

Ўзбек халқининг минг йиллар давомида шаклланган, мустамлакачилик даврида оёқ-ости қилинган, инсонпарвар урф-одатлари ва анъаналари, маданий кадриятлари эҳтиётлаб тикланди ва янги маъно-мазмун билан бойитилди. Мақомчилар, тўй-маросим кўшиқлари, шоир-бахшилар ва фольклор-этнографик дасталарнинг ўнлаб кўрик-танловлари ўтказилди. Пианиночи ва скрипкачиларнинг симфоник ва камер мусикалари, замонавий эстрада гуруҳларининг фестивал ва танловлари бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди. Давлат тили ҳақидаги қонунда ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки эканлиги, унинг раўнақи, қўлланилиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилди. Олий давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш юритиш асосан ўзбек тилида олиб борилмоқда. Республикаимизнинг маъмурий-худудий бирликлари, кўчалари, географик ўринларнинг номларига ягона миллий шакл берилди ва ўзбек тилида ёзиб қўйилди. Натижада ўзбек халқининг миллий кадр-қиммати қайта тикланди ва мустаҳкамланди. Шунингдек,

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, кадр-қиммати ҳам ўз ўрнига қўйилган.

Таълим равнақи Маънавий-маърифий соҳадаги ютуқларимиз таълим тизимидаги туб ўзгаришларда яққол намаён бўлмоқда. Халқ таълимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини мустаҳкамлаш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим тизимидаги 16 университетнинг 12 таси мустақиллик йилларида ташкил этилди. Мустақиллик йилларида энг зарур замонавий мутахассисликлар бўйича ўнлаб янги олий ўқув юртлари - Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ-кончилик институти, Тошкент Молия институти ва бошқалар ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди. 1997 йил 27 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ



Миллий дастур рўёбга чиқмоқда. Ёшлар умумий ўрта таълимни 9 йиллик мактабларда оладилар, яна уч йил давомида янгидан ташкил этилган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўрта махсус билим ва касб-хунар ўрганадилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш умумхалқ, умуммиллат ишига айланди. 2001 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи яқунланди.

2001 йилда Республикамизда 6742 та мактабгача таълим муассасаларида 608500 нафар ўғил-қизлар тарбияланди. Уларда 65862 нафар педагог, тарбиячи ва бошқа ходимлар хизмат қилди. 9727 та умумтаълим мактабларида 440762 нафар ўқитувчи 6,3 млн. ўқувчига таълим бермоқда. Умумий ўрта таълим бўйича барча ўқув фанларидан

Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва улар 346 та мактабда тажрибадан ўтказилди, таълим жараёнига жорий этилди. Давлат таълим стандартларига мос ўқув дастурлари ва дарсликлари яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини энг муҳим, Ўзбекистонга хос хусусияти янги турдаги 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини яратишдир. 1998-2004 йиллар давомида замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 54 та академик лицей ва 533 та касб-хунар коллежи барпо этилди. Бу мақсадлар учун 135 млрд. сўм маблағ сарфланди. Ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, амалиётга киритилди ва дарсликлар яратилди. 2003-2004 ўқув йилида академик лицейларда 26,2 минг, касб-хунар коллежларида 531,6 минг ўқувчи таълим олди.

Олий таълим тизимида катта ўзгаришлар қилинди. Олий таълим икки босқичдан - бакалаврият ва магистратурадан иборат этиб қайта ташкил этилди. 62 та олий ўқув юртларида таълим олаётган бўлажак бакалавр ва магистрантлар сони 2003-2004 ўқув йилида 254400 нафарни ташкил этди. 18486 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар, уларнинг 1462 нафари фан доктори, 7201 нафари фан номзодидир. Ўтган 4 йил давомида барча йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар учун кўйиладиган талабларни ўзида мужассамлаштирган Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари яратилди. Олий таълим учун 1129 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этилди ва Олий ўқув юртлари кутубхоналарига тарқатилди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, кўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собит қадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, чет элда ўқишини кўллаб-қувватлаш мақсадида “Республика болалар фонди”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод” жамғармалари ташкил топди. Таълим соҳасида АКСЕЛС, АЙРЕКС, АҚШ коллежлари консорциуми, САРЕ, Тинчлик корпуси (АҚШ), Конрад Аденауэр фонди, Британия кенгаши, САУД Ал-Баптин фонди (Миср) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга кўйилди. 2000 дан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элда ўқиб келди.

Ўзбекистон таълим тизими дунё миқёсида ката қизиқиш уйғотмоқда. Москвадаги Олий таълим Халқаро Фанлар академияси президенти В.Шукшунов Ўзбекистонда ишлаб чиқилган бу Миллий дастурни мазмун-моҳияти жиҳатидан тенги йўқ ҳужжат, деб таърифлади. Ўзбекистонда яратилаётган таълим тизими «Таълимнинг ўзбек модели» деб эътироф этилди.

4. Маданият равнақи

Бадиий адабиёт Мустақиллик йилларида бадиий адабиётда миллийлик, минг йиллик тарихий ижодий анъаналар, умуминсоний кадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Бадиий адабиёт синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкуравийлик каби ақидалар ҳукмронлиги иллатларидан озод бўлди.

Бадиий адабиётда мустақилликни асраб-авайлаш, озод ва обод Ватан қуриш, баркамол инсонни тарбиялаш, миллий ўзликни англаш каби масалалар бош мавзу бўлиб қолди.

Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Примкул Қодиров, Хуршид Даврон каби ижодкорларнинг тарихий роман, пьеса ва қиссаларида улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, З.М.Бобур ва бошқаларнинг сиймолари умуминсоний ва миллий кадриятларга мос тарзда янгича талкинда ёритилди. Халқаро Шолохов мукофоти лауреати Тўлепберген Қайипбергеновнинг «У дунёга, бобомга хат» асари, Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» романида, Назар Эшонқуловнинг «Қора китоб» повестида, Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» сингари асарларда мустақил совет даврида халқ бошига солинган беҳад кулфатлар, ғам-аламлар ҳаққоний тасвирланган.

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» (4 китоб), Ҳожиакбар Шайхоннинг «Тутқин одамлар» асарларида инсонни иймон ва виждондан оздиришга, разолат ва қабоҳат уммониға ботиришга уринувчи ёмонлик дунёси, мафия олами шайтонлари фош қилинади, уларга нисбатан нафрат туйғулари тараннум этилади.

Омон Мухторнинг «Тўрт томон қибла» номли трилогияси, Барат Бойқобуловнинг «Ўзбекнома» тарихий-фалсафий достони, Абдуқўҳор Иброҳимовнинг «Биз ким, ўзбеклар» бадиий-тарихий асари, Азим Суюннинг «Оқ ва қора», А.Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» шеърӣ асарлари замонавий ўзбек адабиётининг ёркин ифодасидир.

Меъморчилик ва амалий санъат Ўзбек халқи меъморчилиги моҳият эътибори жиҳатидан буюк бунёдкорлик санъатидир. Мустақиллик йилларида меъморчилик санъати янада ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Меъморчиликда икки асосий тамойил кўзга ташланади. Улардан бири шарқона меъмориятнинг анъанавий қонун-қоидаларига риоя этишдир. Бу тамойил Темурийлар тарихи давлат музейи, Туркистон саройи, Олий Мажлис, Сенат, Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолари тимсолида ўз аксини топгандир.

Меъморчиликдаги иккинчи тамойил эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш сари интилишини намойиш этувчи жаҳон меъморчилигининг энг яхши ютуқларидан фойдаланишда намоён бўлмоқда. Бундай бинолар жумласига «Меридиан», «Афросиёб» (Самарқанд), «Бухоро» «Интерконтиненталь», «Шератон» меҳмонхоналари, «Ўзэкспомарказ», Миллий

банк, Марказий банк, «Тошкентплаза» савдо маркази, Республика биржа маркази, банклараро молиявий хизматлар Маркази, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқа биноларни киритиш мумкин.

Тошкент шаҳри кўркига кўрк кўшиб турган «Олой», «Чорсу», «Отчопар», «Юнусобод», «Миробод», «Паркент», «Кўйлик» ва бошқа бозор бинолари, шунингдек, «Юнусобод» теннис маркази, «Жар» спорт маркази сингари замонавий иншоотлар барпо этилди.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги тарихий биноларни тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилди. Бунга Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива шаҳарларида қайта тикланган ўнлаб бинолар, обидалар мисол бўлаолади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида юзлаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун маҳобатли бинолар бунёд этилди.

Мустақиллик йилларида ҳайкалтарошлик санъати жадал ўсди. Ҳайкалтарош И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан Тошкентда Амир Темурнинг отлик ҳайкали, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари, Фаргона ва Қувада ал-Фаргоний (1998), Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ҳайкаллари (1999) яратилди. Ҳайкалтарош Р.Мирбошиев ижодига мансуб «З.М.Бобур» (1993, Андижон), «Абдулла Қодирий» (1994, Тошкент), «Чўлпон» (1997, Андижон), «Она» (1999, Жиззах шаҳри) каби бир қатор ҳайкал ва ёдгорликлар яратилди. 1999 йилда Термизда «Алпомиш» ҳайкали ва мажмуа-композицияси (А.Раҳматуллаев ва бошқалар) бунёд этилди.

Ўзбекистонда қадимдан амалий санъат ўзига хос тарзда ривожланиб келган. Мустақиллик йилларида бадий кулолчилик, пичоқчилик, заргарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, безакчилик каби амалий санъат турлари тикланди ва янги маъно-мазмун билан ривожланиб бормокда. Мустақиллик шарофати билан дизайн санъати ҳам жадал ривожланмоқда. Тасвирий санъат, рассомчилик санъатининг ривожиди 1997 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академияси ва «Тасвирий ойна» республика ижодий уюшмаси муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон халқ рассомлари Малик Набиев, Баҳодир Жалолов ва бошқалар халқимиз онгида миллий ғурур, Ватанга садоқат туйғуларини уйғотувчи қатор санъат асарлари яратдилар. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо портретлари шулар жумласидандир. Тасвирий ва миниатура санъати янги маъно-мазмун билан бойиди. Шаҳар кўчаларига бугунги ҳаётимизни тасвирловчи расмлар ўрнатилди, биноларнинг деворлари одамларга хузур-ҳаловат, завқ бағишлайдиган нақшлар билан безатилди.

Кино санъати Мустақиллик йилларида кино санъати ривож топди. 1996 йилда «Ўзбекфильм» тасарруфида 8 та киностудия, 30га яқин мустақил ижодий студиялар фаолият юритди. 1996 йилда ташкил этилган «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси, унинг давлат томонидан моддий жихатдан қўллаб-қувватланиши кино санъатининг ривожиди муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1991-2002 йилларда 60 га яқин бадий фильмлар яратилди. «Темир хотин», «Даллол», «Шариф ва Маъриф», «Гилла бола», «Буюк Амир Темур», «Юлдузингни бер,

осмон», «Кенжа сингил» ва бошқа фильмларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги яққол намоён бўлди. 1997 йил 22-29 май кунлари XII Халқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтди. Унда 32 та давлат ва 8 та халқаро ташкилотдан вакиллар, кино санъати усталари қатнашди. «Буюк Амир Темур» фильми ижодкори Р.Иброҳимовга фестивал бош соврини – «Нексия» автомобили берилди.

Мустақиллик йилларида ўнлаб ҳужжатли фильмлар яратилди. «Ўзбекистон баҳорлари», «Улкан одим», «Улар Германияда ўқиган эдилар», «Ўзбекистон қаҳрамонлари», «Умид қалдирғочи», «Истиқлол фидойилари» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Театр Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида театр санъати ҳам ривожланди.

1993 йилда фойдаланишга топширилган «Туркистон» саройи Ватанимиз ва хорижлик театр арбобларининг, ижодий гуруҳларнинг сахна асарлари намоёиш этиладиган даргоҳга айланди. Андижонда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган ёшлар театри, Аббос Бакиров номли ёшлар ва болалар театрига айлантирилди.

Республика Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари асосида театрлар давлат бюджети ҳисобига қўллаб-қувватланди. Фармонга биноан Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида 1998 йилда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма театр жамоаларига халқимизнинг бой маънавий оламини, унинг маданий мероси, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотувчи спектакллар яратишда, истеъдодли ёшларни театрга жалб қилишда, театрларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашда, ижодий ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда кўмаклашди. Алишер Навоий номли Давлат академик катта опера ва балет театри Япония томонидан 1995 йилда бепул ажратилган 47 млн. иен (1500 минг АҚШ доллари) қийматига тенг янги ускуналар билан жиҳозланди. Республикада 41 та профессионал театр фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир вилоятда кўғирчоқ театрлари болаларга хизмат қиляпти.

2001 йилда республика театр санъатида муҳим тарихий воқеа содир бўлди. Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театри биноси муҳташам қошона шаклида қайта қурилди, замонавий театр ускуналари ва мебеллар билан жиҳозланди. Президент фармони билан унга Миллий театр мақоми берилди.

Республика театрлари Ватан тарихини сахна асарлари орқали ёритишга алоҳида эътибор бердилар. Миллий академик драма театри ва Қашқадарё мусиқали драма театри жамоалари «Соҳибқирон», Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театри «Жалололдин Мангуберди»,

Аброр Хидоятлов номли ўзбек давлат театри «Буюк ипак йўли» каби тарихий драмаларни сахнага кўйдилар.

1997 йил октябрда Тошкентда бўлиб ўтган «Театр: Шарк-Ғарб» халқаро фестивалда Япония, Ҳиндистон, Гонконг, Туркия, Россия, Буюк Британия театр санъаткорларининг чиқишлари бўлди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган фестивалда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон театрларининг 15 та энг яхши тарихий сахна асарлари намойиш этилди. Ўзбекистон театр усталари Германия, Франция, Словакия, Ҳиндистон, АҚШ, Бельгия, Миср, Россия театр фестивалларида қизиқарли спектакллар билан иштирок этдилар.

Мухтасар айтганда, республикамиз театр санъати халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини бойитиш, улар онгига Миллий истиқлол ғоясини сингдира бориш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, ахлоқий, эстетик тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек цирки 1992 йилда «Ўзбекдавлатцирк» республика бирлашмасининг ташкил этилиши цирк санъатининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тошкент цирки замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди, унга Ўзбекистон халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев номи берилди. Анъанавий цирк санъатининг унитилган турлари тикланди ва ривожланди. Истеъдодли ёшларга амалий ёрдам бериш мақсадида 1996 йилда эстрада-цирк коллежи очилди.

Ўзбекистон циркчиларининг чет элларга гастроль сафарлари уюштирилди. Миср, Иордания, Фаластин, Покистон, Малайзия, Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Ливан, Эрон, Бирлашган Араб Амирлигида гастроль сафарларида бўлган республикамиз цирк усталари ўзбек миллий цирк санъатини намойиш этдилар.

Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳи 1996 йилдан бошлаб Европа мамлакатларида гастроль сафарида бўлиб, 2000 дан зиёд томоша кўрсатдилар. 15 ёшли Карима Зарипова 1997 йил январда Париждаги Буглион циркида бўлган ёш цирк артистларининг халқаро фестивалида қатнашиб, «Пластик этюд» (бесуяк уйини) жанрида фестивалнинг энг олий мукофоти – олтин медални қўлга киритди. 1998 йилда Тошкент циркида истеъдодли ёшларга кўмаклашувчи болалар студияси очилди.

Ўзбек циркчилари 1999 йилда Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида, 1999 йилда Саратов шаҳрида бўлиб ўтган Бутунроссия цирк фестивалида, 2000 йилда Хитойнинг Ухан шаҳрида бўлиб ўтган халқаро цирк фестивалида, 2001 йил январда Бельгиянинг Льеж шаҳрида бўлиб ўтган Европа циркларининг 10-фестивалида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгалладилар. Циркчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбек циркига хос турли номер ва аттракционлар халқаро цирк дастурларидан ўрин эгаллади.

Миллий мусиқа ва кўшиқчилик

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъати ривожланди. Республика маданият ишлари вазирлиги, 1992 йилда ташкил этилган «Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика Маркази», унинг вилоятлардаги бўлимлари мусиқа ва кўшиқчилик санъатини, ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари фаолиятини ривожлантириш, унутилган халқ оҳангларини тиклаш мақсадида турли хил кўрик танловлар, фестиваллар ташкил этдилар. 1992 йилда Тошкентда «Асрларга тенгдош наволар» ва «Боқий овозлар», Хоразм вилоятида фольклор жамоалари, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, Кўконда катта ашула, лапар ва ялла ижрочиларининг кўрик-танловлари ўтказилди. 1994 йил май ойида Парижда бўлиб ўтган «Шарқ мусиқаси» фестивалида Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаевлар иштирок этиб, ўзбек миллий кўшиқчилик санъатини жаҳонга намойиш этдилар.

1996 йил апрель ойида Туркистон саройи, «Баҳор» мажмуаси ва бошқа ижодий концерт ташкилотлари негизида ташкил этилган «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси орқали халқ орасидан истеъдодли кўшиқчиларни излаб топиш ва кўрик-танловларга жалб этиш, мусиқа ва кўшиқчилик санъати бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби тадбирлар амалга оширилди. Республика Президентининг 1996 йил 27 августдаги ««Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқлар байрами тўғрисида»ги фармони кўшиқчилик санъатини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. 1996 йилда ўтказилган барча вилоят, шаҳар ва туманларида «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ танловида 54 мингдан зиёд кўшиқчилар қатнашди. Бундай кўрик танлов ҳар йили август ойида ўтказиладиган бўлди ва август ойининг учинчи якшанба куни «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб белгиланди. Бу танлов жараёнида Ватан, мустақилликни эъзозловчи юзлаб янги кўшиқлар яратилди. «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Мен сени севаман, Ўзбекистон», «Ватан ягонадир», «Мустақиллик гуллари», «Она юртим», «Ўзбекистон аскарлари» кўшиқлари шулар жумласидандир.

1997 йил 11 мартда қабул қилинган Республика ҳукуматининг ««Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори мусиқа санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, ривожлантиришда дастурамал бўлиб хизмат қилди. 1997 йил 25 август - 2 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» биринчи Халқаро фестивалида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан ижрочилар, санъатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этди, фестивалда янграган ўзбек оҳанглари, куй-кўшиқлари жаҳон узра таралди. Ҳар икки йилда Самарқандда «Шарқ тароналари» Халқаро фестивалини ўтказиш анъана тусини олди.

Ўзбекистонда мусиқа ва кўшиқчилик санъатини ривожига ҳар йили 31 август ва 21 март кунлари ўтказилаётган Мустақиллик ва Наврўз кунларига бағишланган байрам тантаналари ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган 130 га яқин турли миллат ва элат урф-одатлари ва анъаналари бирдек ривожланиб бормокда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 120 та миллий маданият марказлари фаолият юритмокда. Миллий- маданий марказлар ўз миллатдошларининг тили, маданияти, урф-одатлари, расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватани билан алоқани жонлантириш каби масалалар билан шуғулланиб келмокдалар. Миллий-маданий марказлар қошида миллий мусиқа, ракс, ҳунар ва бошқа йўналишлардаги тўғараклар ташкил этилган.

1992 йилда турли миллий маданий марказларга кўмаклашувчи Республика Байналмилал маркази тузилди. Унинг фаолиятида республикамизда истиқомат қилувчи турли миллат ва эълатларни жипслаштириш асосий ўрин тутмокда. Ҳар бир миллатга мансуб рассомлар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, маданият ва санъат арбобларига бағишланган йиғилишлар, кўргазмалар ташкил этилмокда. Миллий-маданий марказлар ўз фаолияти билан республикада маданият равнақиға муҳим ҳисса қўшмокдалар.

Музей Жамият маданий-маърифий ҳаётида, аҳолида тарихий хотирани тиклаш ва мустақамлашда музейларнинг аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мавжуд музейларни таъмирлаш, уларни янги экспонатлар билан бойитиш, янги музейлар барпо этишға алоҳида эътибор берилди.

Наманганда улўғ ўзбек шоири Бобораҳим Машраб музейи, Хоразмда ҳофиз Ҳожихон Болтаев номли мақомчилар музейи, Урганчда Хоразм амалий санъати ва тарихи музейи, Бухорода темирчилик музейи, Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг уй-музейи, Тошкентда ўзбек аёллари орасидан чикқан биринчи ҳуқуқшунос олима Ҳадича Сулаймонова музейи, ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи сингари уй музейлари ташкил этилди. Шунингдек олий таълим муассасаларида кўплаб музейлар очилди.

1996 йил 1 сентябрь куни Тошкентда Осиёда ягона бўлган Олимпия шон-шухрат музейи фаолият кўрсата бошлади. Бу музей ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақалардаги муваффақиятларини намойиш этадиган, мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази бўлиб қолди.

1996 йил 18 октябрда Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Музей темурийлар даври руҳини акс эттирувчи ўша даврга хос тарихий жиҳозлар, қурол-аслаҳалар, лашкарбошилар ва оддий жангчиларнинг кийим-бошлари, олтиндан ясалган уй-буюм ашёлари, мусиқа асбоблари, Амир Темур, Бобур кўлёмалари, Улуғбекнинг астрономик қурилмалари ва бошқа 2000 дан ортиқроқ тарихий, маданий ёдгорликлар билан жиҳозланган. Темурийлар тарихи давлат музейи Ўзбекистонда амалға оширилаётган маданий, маънавий, маърифий ишлар,

илмий тафаккур марказига айланди. 2002 йилда Термизда Археология музейи бунёд этилди.

Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган Республика ҳукуматининг 1998 йил 5 декабрда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда музей ишини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Маданият ишлари вазирлиги, «Олтин мерос» жамгармаси, Бадий Академия, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги музейлар раҳбарияти билан ҳамкорликда музейларнинг ривожланиши ва молиявий таъминоти бўйича дастур ишлаб чиқилди. Музейлар давлат муҳофазасига олинди, уларни таъмирлаш, музей экспонатларини бойитиш давлат бюджети ҳисобидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1998 йилда «Ўзбекмузей» Республика жамгармаси тузилди. Аҳолининг музейшунослик маданиятини оширишга кўмаклашувчи «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди ва у 1999 йилдан бошлаб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди. Фақат 1999 йилда музейларнинг асосий фонди 7544 та тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойиди.

Ўзбекистонда умумий майдони 137150 кв.м.ни ташкил этадиган 510 та музей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1,3 миллиондан ортиқ аждодларимиз тарихи, бетакрор маданиятини акс эттирувчи нодир буюмлар-экспонатлар сақланмоқда ва аҳолига намойиш этилмоқда. Мамлакатимизнинг меъморий ёдгорликларга бой 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. 2500 та меъморий обида, 2700 та археологик ёдгорлик, 1800 монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган. Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги 3 та музей-қўриқхоналарида бутун дунёда энг нодир тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, монументал санъат асарлари сақланиб қолган, давлат муҳофазасида янгидан чирой очаётган музейлар сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон музейлари аҳоли орасида ўлкамиз тарихи, халқ амалий санъати асарларидан иборат этнографик кўرғазмаларни намойиш этиб, жамиятимиз маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Минглаб хорижий сайёҳлар республикамиз музей-қўриқхоналарига ташриф буюриб, аждодларимиздан қолган тарихий ёдгорликлар, обидалар, монументал санъат асарлари олдида таъзим этмоқдалар. Франция, Туркия, Эрон, Покистон, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатларда Ўзбекистон музейларининг экспонатлари намойиш этилди.

Спорт Мустақиллик йилларида спорт Ўзбекистон миллий маданиятининг таркибий қисми сифатида ривожлантирилди.

1992 йил 5 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни спортни оммавий равишда ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. 46 мингдан ортиқ спорт иншоотлари – спорт соғломлаштириш клублари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ўринбосарлари билим юртлари, олий спорт маҳорати мактаблари, ўйингоҳлар, спорт заллари, майдонлари, ҳовузлар барпо этилди ва таъмирланди. Уларда 7 млн. киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

1992 йил январда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси тузилди ва 1993 йил сентябрда халқаро олимпия қўмитасининг 101-сессиясида расмий эътироф этилди.

Спортнинг бокс тури жадал ўсди. 17 марта жаҳон чемпиони Артур Григорьян, Сидней Олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев каби боксчиларимиз номи жаҳонга машҳур. 1999 йил август ойида Американинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган X жаҳон чемпионатида Ўзбекистон бокс командаси 83 мамлакат ўртасида АҚШ ва Куба командаларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Ватанимизда спортнинг теннис тури ривожланди. 168 та теннис корти, энг замонавий Юнусобод теннис мажмуи барпо этилди. Юнусобод теннис саройида 1994-2002 йилларда Ўзбекистон Президенти кубоги учун 9 марта халқаро теннис мусобақалари ўтказилди. 1999 йилнинг июль ойида Лондонда ўтган теннис бўйича ёшлар халқаро турнирида тошкентлик спортчи Ирода Тўлаганова Уимблдон учрашувида ғолиб чиқиб, кумуш кубокнинг кичрайтирилган нусхасини қўлга киритди.

1998 йил май ойида мамлакатимиз алпинистлари Ҳимолай тоғининг энг баланд «Эверест» чўққисига кўтарилиб, Ўзбекистон довуғини дунёга таратдилар.

Мустақиллик шарофати билан миллий ўзбек кураши тикланди. 1992 йилда Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида дастлабки миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Миллий курашимизнинг назарий жиҳатлари ва қоидалари ишлаб чиқилди ва халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди, халқаро спорт турлари каторидан ўрин олди. 1999 йил май ойида Тошкентда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан келган спортчилар иштирокида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик курашчилар 3 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Ақобир полвон, Камол полвон, Тоштемир полвонлар номи бутун жаҳонга таралди. Халқаро кураш ассоциацияси тузилди, унинг фахрий Президенти этиб Ислом Каримов сайланди. Буюк Британияда 2000 йилдан эътиборан ҳар йили Ислом Каримов номи билан аталувчи халқаро турнир бўлиб ўтмоқда. 2002 йил октябрда Халқаро кураш ассоциацияси Халқаро спорт федерацияси аъзолигига қабул қилинди. Ўзбек миллий кураши халқаро спорт тури сифатида дунёда эътироф топди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари Олимпиадалар, Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва бошқа мусобақаларда қатнашиб, 3000 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, бокс бўйича жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев каби спортчилар Ўзбекистон халқининг ифтихоридир.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда спорт ривожланди, янги маъно-мазмун билан бойиди, жаҳон спортига қўшилди ва халқаро майдонда салмоқли ўринни эгаллади.

Маънавий-маданий соҳада эришилган ютуқлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгарди. Кишиларимиз онгида демократик кадриятлар мустаҳкамланди, аҳолининг фаоллиги ошди, мамлакатимизнинг келажагига ишончи мустаҳкамланди.

Демократик ислохотлар натижасида эришган катта ютугимиз -бу умумий хонаданзимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир, одамларимиз томонидан бу кадриятларнинг бекиёс аҳамиятини англаб етаётганидир.

5. Миллий истиқлол ғояси, унинг тарихий илдишлари

Жамият маънавиятини юксалтириш соҳасидаги энг асосий вазифа миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва одамлар онгига сингдиришдан иборатдир.

1993 йил 23 апрель куни Президент Ислом Каримов бир гуруҳ адиблар билан суҳбат қилиб, миллий истиқлол ғоясини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 7 май куни нутқ сўзлаб, Президент Ислом Каримов қўйидагиларни таъкидлади:

- миллий истиқлол ғояси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.
- Шу билан бирга бу ғоя халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги тараққий топган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли асосда муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

«Тафаккур» журналининг 1998 йил 2-сонида журнал бош муҳбирининг саволларига Президент И.Каримовнинг жавоблари эълон қилинди. Мазкур жавобларда миллий ғоямизни назарий ва амалий жиҳатлари янада чуқурроқ ёритилди. Бугунги кунда собиқ советлар замонида ҳукмронлик қилган, одамларни қуллик, мутеълик ҳолатига солган, манқуртга айлантирган

коммунистик мафкурани танкид қилиш, таъқиқ қилиш, маъмурий чоралар кўриш йўли билан енгиб бўлмайди. «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», - деган ҳақ фикрни илгари сурди.

Миллий истиқлол ғоясидан кутилган мақсад нима?

Президент И.Каримов суҳбатда «Хўш, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?» деган саволни кўяди ва унга жавоб берар экан, куйидаги дастурий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазаларни, вазифаларни илгари сурди:

- Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун кўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт;

- Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши керак;

- Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, кўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор;

- Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур;

- Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Юртбошимиз ҳозирги замонда инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мафкуравий кураш бўлаётганлиги, кўп нарсаларни мафкура майдонларида бўлаётган курашлар ҳал қилиши мумкинлиги, Ўзбекистонда ҳам баъзи ёшларни йўлдан чалғитадиган диний экстремизм ҳавфи мавжудлиги ҳақида огоҳлантириб келмоқда. 80-йилларнинг охирларида мамлакатимизга ўзини «дўст», «диндош», «миллатдош» қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг софлиги учун курашишга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келганлиги маълум. Улар муқаддас ислом динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, ғўр ёшларни ўз тузоғига

илинтириб, бизга бегона бўлган диний ақидаларни ёйишга уринди, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга, жаҳолат ва жиноят боткогига тортишга улгуришди ҳам. Наманган ва Тошкентда содир этилган қонли воқелардан кейингина бу кучларнинг нияти ҳокимият учун кураш бўлиб, улар дин никоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг Ўзбекистондаги бир тўдаси экани ошкор бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқ вазиятида бегона гоёларнинг Ўзбекистонга хуружи кучайди.

*Бундай мафкурвий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги
учун нима қилиш керак?*

«Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-этикодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш... Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».¹

Шундай қилиб, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг миллий истиқлол гоёсини яратиш ташаббускори ва ижодкори бўлди. Маъно-мазмунни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш каби инсонпарвар тамойилларни ўзида уйғунлаштирган миллий истиқлол гоёси шаклланди.

Мамлакатимизда миллий истиқлол гоёсининг асосий тамойиллари таълим ва маданий-маърифий муассасалари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат, маҳаллалар ва меҳнат жамоалари томонидан одамлар онги ва қалбига сингдирилмокда.

¹ И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь.

Синов саволлари

1. Мустабид совет тузумидан бизга қандай иқтисодий мерос қолган эди?
2. Мустақиллик иқтисодиёт бобида қандай имкониятлар яратди?
3. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишда қандай йўлни танлади?
4. Бозор муносабатларини шакллантирувчи қандай қонунлар қабул қилинди?
5. Кичик хусусийлаштириш қачон ўтказилди, қандай натижалар берди?
6. Ўрта ва йирик корхонларни хусусийлаштириш ҳақида сўзлаб беринг.
7. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?
8. Аграр ислохотларнинг натижалари ҳақида сўзлаб беринг.
9. Нархларни эркинлаштириш қандай амалга оширилди?
10. Бозор инфратузилмасининг яратилиши ҳақида сўзлаб беринг.
11. Чет эл сармояларининг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилиши ҳақида нималарни биласиз?
12. Ўзбекистоннинг ёқилги мустақиллигига эришишини тушунтириб беринг.
13. Машинасозлик саноатида қандай йирик корхоналар қурилди?
14. Енгил ва тўқимачилик саноатида қандай янги корхоналар барпо этилди?
15. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида қандай тадбирлар амалга оширилди?
16. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати ва амалиёти ҳақида сўзлаб беринг.
17. Жамият маънавий ҳаётини юксалтириш борасидаги тадбирлар ҳақида сўзлаб беринг.
18. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши ва натижалари ҳақида сўзлаб беринг.
19. Миллий истиқлол гоиясининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
20. Миллий истиқлол гоиясининг тарихий илдизлари нималардан иборат?
21. Миллий истиқлол гоиясининг асосий тамойиллари биласизми?

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШИ

Таянч сўз ва иборалар: Халқаро аҳвол. Тинчликка хавф солувчи таҳдидлар. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни. Ташқи сиёсат тамойиллари. Ўзбекистон ва БМТ. Ўзбекистон ва ЕХХТ. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи. Ўзбекистон ва МДҲ. МОИХ. МОҲ. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари. Ўзбекистон ва АҚШ. Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари ҳамкорлиги.

1. Халқаро аҳвол. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши

Халқаро вазиятнинг ўзгариши XXI аср бўсағасида жаҳон таракқиётининг мазмуни тубдан ўзгарди. Илгари бир-бирига қарама-қарши бўлган - СССР ва АҚШ етакчилик қилган икки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок мавжуд эди. Дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлик тизими шу икки системанинг, блокнинг ўзаро мухолифлик мувозанатида асосланган эди. Дунёда "совуқ уруш" сиёсати ҳукмронлик қиларди. Бутун инсоният ядро уруши хавфи остида яшарди.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, социалистик дунёнинг ечакчиси бўлган улкан империя - СССР пароканда бўлди, социалистик система ҳалокатга учради. Варшава Шартномаси блоки тарқалиб кетди. Дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Биргина СССРнинг парчаланиши натижасида 15 та мустақил давлат, жумладан мустақил Ўзбекистон давлати бунёд этилди. «Совуқ уруш» сиёсати барҳам топди.

Хавфсизликка таҳдиднинг кучайиши

Халқаро вазиятда туб ўзгаришлар содир бўлсада, дунё тинчлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар, зиддиятлар сақланиб

қолди. Бу қуйидаги ҳолларда намоён бўлмоқда:

- Турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар янада ўсди. Мамлакатлар ўртасида илмий-техникавий билимлар, илғор технология, эркин сармояларни тўплаш ва жойлаштиришда ҳамон тафовутлар катта. Дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар мавжуд.
- Бир қатор минтақаларда, ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий-этник ва диний низолар келиб чиқиб можароларга, қонли урушларга айланмоқда. Минтақавий можаролар туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшайдиган жойларни ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган.
- Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка терроризм, айирмачилик ва диний экстремизм таҳдид қилмоқда. Халқаро террористлар, динни сиёсийлаштириш натижасида вужудга келган экстремистлар, шу жумладан,

ислом фундаменталистлари одамлар ўртасида "хақиқий" ва "сохта" диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқаришга, миллатларни парчалашга, ислом цивилизацияси билан бошқа цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликлар, можаролар келтириб чиқаришга уринмоқдалар. Халқаро террористларнинг Ўзбекистон, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда содир этган террорчилик уринишлари дунё аҳлини ташвишлантirmoқда.

- "Совуқ уруш" сиёсатида чек қўйилиши натижасида ялпи ядро уруши хавфи камайган бўлсада, бу турдаги оммавий қирғин қуролининг кўп миқдорда сақланаётганлиги, ядро қуролига эга бўлган давлатлар сонининг кўпайиб бораётганлиги (Ҳиндистон, Покистон) дунё узра умумий хавфсизликка жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.
- Жаҳон миқёсида атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, носоглом экологик вазият, жумладан, Марказий Осиёдаги экологик танглик, биогенетик бузилишлар инсоният бошига хавф солиб турибди.
- Тобора кучайиб бораётган коррупция, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, яширин қурол олди-соттиси инсониятни ташвишлантirmoқда.

Буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам илгаридек мўрт бўлиб турганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам гоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда бутун инсониятнинг тақдири, ижтимоий тараққиёт истиқболлари халқаро муносабатларга боғлиқ бўлиб қолди. Халқаро майдондаги ҳар бир сиёсий танглик, можаро барча мамлакатлар ва халқлар манфаатига дахлдор бўлиб қолди. Ҳатто айрим олинган мамлакат ичкарисидаги низоли жараёнларни, урушларни бартараф этиш ҳам жаҳон ҳамжамиятининг вазифасига айланди.

Давримизнинг муҳим хусусияти аҳоли талаб эҳтиёжларининг гоят даражада ўсганлиги билан белгиланади. Алоҳида олинган бир мамлакат ресурслари билан унинг аҳолиси талаблари, эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Ҳатто ривожланган мамлакат учун ҳам бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш объектив зарурият бўлиб қолди.

Ҳозирги дунёда бирон-бир мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам, бошқалардан ажралган ҳудуд эмас. Сайёрамиз яхлит ва бўлинмасдир. Шу боисдан барча мамлакатлар, халқлар бир-бири билан боғланган, ўзаро алоқадир.

Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жихатидан қулай жуғрофий-стратегик имкониятларга эга.

- Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятлар тутшиб бир-бирини бойитган. Бугунги

кунда ҳам Европа ва Осиёни боғлайдиган йўллар Марказий Осиёдан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистондан ўтмоқда.

- Марказий Осиёда жуғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларига эга.
- Ўзбекистон Марказий Осиёнинг транспорт, энергетика, сув тизими марказида жойлашган.
- Аҳоли сони, илмий-техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақада етакчи ўрида туради.
- Табiiй-иқлим шароити қулай, улкан минерал-хомашё захиралари ва стратегик материалларга эга, деҳқончилик маданияти ривожланган, озиқ-овқат билан ўзини таъминлашга қодир.
- Ўзбекистон саноатнинг базавий ва замонавий тармоқларига эга, ўзини нефт, газ, рангли металллар билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилиш имкониятига эга.
- Юртимизнинг жаҳонга машҳур бой маънавий мероси бор, шу туфайли инсоният цивилизациясида салмоқли ўрин эгаллаб, дунёнинг маънавий ва сиёсий жараёнларига таъсир ўтказиш салоҳиятига эга.

Жуғрофий-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистонда қийинчиликлар туғдирувчи омиллар ҳам мавжуд. Жумладан:

- Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив ҳавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган. Ўзбекистон форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефт ва газга жуда бой қонлари жойлашган ярим халқанинг стратегик марказида жойлашган. Шу боисдан бу ҳудудда бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида кўпгина йирик давлатлар ва бизга қўшни давлатларнинг географик манфаатлари бир-бири билан келишмаслиги кузатилмоқда.
- Яна бир ноқулайлик шундан иборатки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстримизм, этник муросасизлик, нарқобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоги билан чегарадош.
- Советлар даврида Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда коммуникациялар номақбул равишда шакллантирилган. Жанубий йўналишда транспорт комуникациялари амалда ривож топмаган. Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайдиган, бунинг устига денгиз бандаргоҳларидан энг узокда жойлашган мамлакат. Бу бир неча давлатлар ҳудудидан ўтадиган олис йўл бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий

алоқаларини чегаралайди, юк ташишни қимматлаштириб, маҳсулотларнинг рақобатга бардош беришига салбий таъсир этади.

- Сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик муаммолар, Орол фожиаси ҳам мамлакатимиз учун ноқулай омилдир.

**Ўзбекистон ташқи сиёсатининг
ҳуқуқий асослари ва
тамойлари**

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон

ҳамжамиятига кўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифа сифатида кўндаланг бўлиб турарди. Бу осонгина ечиладиган вазифалар эмас эди. Масаланинг мураккаблиги шундан иборат эдики, Иттифоқ даврида ташқи сиёсат юритиш, ташқи дунё билан алоқа қилиш, ташқи савдони ташкил этиш Москва, марказий ҳокимият томонидан олиб борилар эди. Республикалар эса, жумладан, Ўзбекистон ҳам ташқи дунёдан ажралган, тўғридан-тўғри алоқа қилолмайдиган ёпиқ мамлакат эди. Шу боис давлатимиз ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳам, жаҳон дипломатиясини, ташқи иқтисодий фаолиятни билладиган кадрларга ҳам эга эмас эди. Республикада бундай кадрлар тайёрловчи бирорта ҳам ўқув юрти йўқ эди. Вазият зудлик билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришни талаб қилмоқда эди.

Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида мустақил ташқи сиёсат юритиш қоидалари назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида ташқи сиёсат қоидалари қонунлаштирилди ва у жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари ортга қайтмаслигининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгиладиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Булар фаол ва кенг қўламли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратиб берди.

Ташқи алоқаларни таъминлайдиган вазирликлар ва муассасалар ташкил этилди. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари шулар жумласидандир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ва бошқа университетларда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- қуч ишлатмаслик ва қуч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;
- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устиворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олиншини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги нуфузли давлатлар тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар жумласига АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон Покистон ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда - АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва консулликлари ишлаб турибди.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши

Ўзбекистон Республикаси ўзининг хоҳиш иродаси ва таклифига кўра 1992 йил 2 мартда жаҳондаги энг нуфузли

халқаро ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштирок этиши ва унда 27 сентябрда қилган

маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўхна ва ёш навқирон давлат сифатида намоён этди. Ўзбекистон Республикаси номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТ нинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифлар ўртага қўйилди.

1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТ нинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Ўзбекистон раҳбарияти ва БМТ раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон БМТнинг Халқаро телекоммуникация уюшмаси, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Қочоқлар иши бўйича олий кўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти, Халқаро атом энергияси агентлиги, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти сингари ихтисослашган муассасаларга аъзо бўлди.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда иштирок этган 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигининг, можароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштарининг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрларини, таклифларини айтдилар. Кенгаш якунлари юзасидан қабул қилинган Баёнот жаҳон халқларини, хусусан Марказий Осиё халқларини, турли сиёсий кучларни минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва экологик ҳамкорлик тизимларини барпо этишга чақирди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг ёрқин саҳифаларидан яна бири Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зонага айлантириш масаласида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб сўзлаган нутқида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ғоясини илгари сурган эди. Ўзбекистоннинг бу ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда "Марказий Осиё -ядро қуролидан холи зона" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ушбу масала юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирликларининг Баёноти имзоланди. Марказий Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи зонага айланиши мазкур минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

2000 йил октябрь ойида Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар тижорати, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2001 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши кураш бўйича махсус кўмитаси таъсис этилди. 2002 йил 18-20 октябрь кунлари БМТ Бош қотиби Кофе Аннанинг

Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизнинг халқаро жамиятдаги ўрни мустаҳкамланиб, обрў-эътибори ортиб бораётганининг далилидир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигидаги таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот – ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКО га аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Ўша кунини Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрида Парижда Улуғбек ҳафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКО нинг жаҳон маданий кадриятлар рўйхатида киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор.

1994 йил декабрда республикамизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди, у идоралараро орган бўлиб, таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.

ЮНЕСКО Марказий Осиё тараққиётини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга қатъан аҳамият бермоқда. "Ипак йўли - мулоқот йўли" деб номланган йирик тадқиқотда Марказий Осиёга биринчи даражали аҳамият берилди. 1995 йил июль ойида ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чоғида 1995 йил июль ойида мазкур институт очилди. ЮНЕСКО бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қарор қилди ва 1996 йил октябрда Парижда Амир Темурга бағишланган бир ҳафталик халқаро анжуман бўлиб ўтди. Амир Темур таваллуд топган Шаҳрисабз шаҳри ЮНЕСКОнинг маданий кадриятлар рўйхатида киритилди.

1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди. Бу Ўзбекистон билан БМТнинг нуфузли халқаро ташкилоти ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. 1997 йил 19-20 октябрь кунлари Ватанимизда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган улкан тантаналарда БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг элчилари ва вакиллари, бир қатор меҳмонлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар - Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро Олимпиада қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотларнинг аъзоси, улар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, унинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар - Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия

корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам кўмаклашмоқдалар. Халқаро савдо маркази (ЮНКТАД), Тарифлар ва савдо Бош битими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

ЕХХТ билан ҳамкорлик Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти - ЕХХТ га аъзо бўлиб кирди. И.Каримовнинг 1992 йил 9-10 июлда бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. И. Каримов ўз нутқида у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шуғулланувчи механизмни вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳужжатлар можароларни олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди. 1999 йил ноябр ойида бўлган ЕХХТнинг Истанбул саммити Ислом Каримовнинг халқаро террорчиликка қарши курашувчи халқаро марказ тузиш ҳақидаги таклифи ҳам маъқулланди. 1996 йил февраль ойида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар бўлди. Шу йил июль ойида **Флоренция шахрида Европа Иттифоқи** билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган 15 та мамлакат билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий негизи бўлиб сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очди. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сайёрамиз озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколига, атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи Конвенцияга, Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда, умумий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтарилди.

**Шанхай ҳамкорлик
ташкilotи**

1996 йилда Шанхайда, 1997 йилда Москвада бўлиб ўтган Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлат

раҳбарларининг саммитларида ҳарбий соҳада ҳамда чегара ҳудудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қуролли қучларни қисқартириш тўғрисида шартномалар имзоланган эди. Шу тариқа, «Шанхай форуми» ёки «Шанхай бешлиги» ташкilotи тузилган эди.

2001 йил 14-15 июнь кунлари Хитойда навбатдаги Шанхай саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди ва Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисида баёнот имзоланди.

Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га кириши муносабати билан унинг номи **Шанхай ҳамкорлик ташкilotи – ШХТ**, деб ўзгартирилди. Ўзбекистон унинг асосчиларидан бири бўлди.

2001 йил июнда бўлган саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкilotини тузиш тўғрисида декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

2002 йил 6-7 июнь кунлари ШХТ га аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Санкт-Петербург шаҳрида навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Музокаралар якунида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ташкilotнинг таъсис ҳужжати - ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий антитеррор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди.

2003 йил 29 май куни Москвада бўлиб ўтган саммитда ШХТ нинг доимий амал қилувчи идоралари – Пекинда Котибият ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилди. Бу ташкilotлар 2004 йил январдан бошлаб иш бошладилар.

2004 йил 17 июнь куни Тошкентда ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда икки асосий масала – хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича музокаралар бўлди. Саммитда 2004 йил март ойида Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракати нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни издан чиқаришга қаратилганлиги қайд этилди. Бутун дунёда террорчилик қучайиб, ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлганлиги, террорчиларнинг базаларини йўқотиш, одамларнинг онгини захарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шу боисдан Тошкентда ташкilot этилган МАТТ зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчилик олдини олиш вазифаси юкланган.

ШХТ нинг Тошкент саммитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Саммитда ШХТ га аъзо

мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир, деб таъкидланди. Саммитда иқтисодий ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларини рағбатлантиришга келишиб олинди:

- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- табиий минерал хомашё захираларини ўзлаштириш;
- сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш;
- экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш;
- фан-техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида интеграциялашиш;
- инвестициялар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдевор яратиш, бу соҳадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш.

Хитой Халқ Республикаси раиси ХУ Цзиньтао Хитой ҳукумати ШХТ доирасадаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга 900 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратишини маълум қилди.

Саммит якунида Тошкент декларацияси, ШХТ нинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар – жами ўнта ҳужжат имзоланди.

ГУУАМ ташкилоти 1996 йилда Венада Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлатлари раҳбарлари учрашиб, икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида ўзига хос тузилмага асос солган эди. 1999 йил апрель ойида Ўзбекистон ҳам унга қўшилди ва бу ташкилот уюшган давлатларнинг номидан олинган бош ҳарфлар асосида ГУУАМ деб юритилади.

ГУУАМ мамлакатлари 1993 йилда Брюсселда асос солинган **Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини** барпо этишни кўзда тутувчи ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш масаласида ҳамкорлик қилмоқда. ТРАСЕКА дастурининг амалга ошиши халқаро юк ташишнинг глобал тизимини шакллантириш, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғловчи Буюк ипак йўлини тиклаш, мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

2. Ўзбекистоннинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан қўп томонлама ва икки томонлама алоқалари

МДХнинг ташкил топиши 1991 йил 8 декабрда Минскда уч славян республикаси - Россия, Украина, Беларус раҳбарлари-Б.Ельцин, Л.Кравчук С.Шушкевичларнинг учрашуви бўлди. Ўша куни Беловежское Пушчеда уч давлат бошлиқлари Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисида Шартнома имзолادилар. Шартномада **ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси бўлади, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташки сиёсат, армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди.**

Хужжатда СССРнинг мавжудлиги ва СССР Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинди.

Украина, Белоруссия, Россия парламентлари МДХни тузиш ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1922 йил 30 декабрдаги СССРни тузиш тўғрисидаги шартномани бекор этдилар.

Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Президентлари МДХга уни таъсис этувчилар ролида киришга тайёр эканлигини билдирдилар.

1991 йил 21 декабрда Россия (Б.Ельцин), Украина (Л.Кравчук), Белорус (С.Шушкевич), Қозогистон (Н.Назарбоев), Ўзбекистон (И.Каримов), Қирғизистон (А.Акаев), Тожикистон (Р.Набиев), Туркменистон (С.Ниязов), Озарбайжон (А.Муталибов), Арманистон (Тер-Петросян), Молдавия (М.Снегур) давлат бошлиқларининг кенгаши бўлди. Ўша куни 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, "Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар" мақомида МДХ муассиси бўлдилар. **Кенгашда Алмати Декларацияси** қабул қилинди. Декларацияда қуйидагилар ҳақида баёнот берилди:

- ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузиладиган битимлар ҳамда битимларда белгиланган тартиблар доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади;
- МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас;
- халқаро стратегик барқарорликни ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат саклаб қолинади;
- МДХ очикдир, унинг барча аъзолари розилиги билан собиқ СССР нинг аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга қўшилиши мумкин;
- умумий иқтисодий маконни, умумий бозорни вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади;
- МДХнинг тузилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатилади;
- Ҳамдўстлик қатнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб, қоидаларга биноан собиқ СССР нинг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларини бажарилишига кафолат берадилар;
- МДХ қатнашчилари мазкур Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

МДХ кенгашларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида протокол имзоланди. Шу тариқа, **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди.**

1993 йил январда Минскда МДХ Давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлди. Унда МДХнинг Низоми имзоланди ва МДХнинг ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди.

1991-1999 йилларда МДХ давлат бошлиқларининг 25 га яқин кенгаши бўлиб, уларда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқалари катта машаққатлар ва секинлик билан мустаҳкамланиб борди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти қозғола қилиб кетди. Бунга сабаб томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётганида эмас, аксинча, ўзаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилишига интилаётганлиги билан боғлиқ эди. Ўтган йиллар давомида эришилган аҳдлашувларни амалга оширишнинг самарали механизми яратилмади, ўзаро ҳисоб-китоблар мувофиқлаштирилмади.

2000 йил 24-25 январь кунлари Москвада МДХ мамлакатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда Россия давлат бошлиғи В.Путин Ҳамдўстлик Давлатлари бошлиқлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Украина Бош вазири В.Юшенко МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Кенгашда МДХ аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, МДХни ислоҳ қилиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Бу кенгаш МДХнинг келажагига катта ишонч уйғотди. Бу ишонч Россия Президенти В.Путиннинг МДХ доирасидаги шериклар билан яқинлашишга қаратилган ҳаракатларида ўз ифодасини топмоқда.

2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган МДХ давлат бошлиқларининг саммитида МДХ доирасида эркин савдо зонаси барпо этиш борасидаги ишларни, интеграция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган 2005 йилгача бўлган муддатда Ҳамдўстликни ривожлантириш дастури муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжат имзоланди. 2003 йилгача жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишларига қарши биргаликда чоралар кўриш тўғрисида, МДХнинг террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ҳақида қарорлар қабул қилдилар.

Террорчиликка қарши кураш маркази раҳбари этиб Россия Федерал хавфсизлик хизмати, Конституциявий тузимни ҳимоя қилиш ва террорчиликка қарши кураш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари Борис Милников тайинланди.

2001 йил 29-30 ноябрь кунлари Москвада МДХ ташкил этилган куннинг 10 йиллигига бағишланган юбилей саммити бўлиб ўтди. Саммит қатнашчилари

Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилдилар. Баёнотда аксилтеррор операцияси ижобий баҳоланди.

Юбилей саммитида яна бир ҳужжат – МДХ тузилганининг 10 йиллиги муносабати билан Баёнот имзоланди. Баёнотда 10 йил давомида режалаштирилган ҳамма тадбирлар ҳам амалга ошмагани таъкидланди. Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар халқлари фаровонлигини ошириш йўлида салоҳиятга эга эканлиги, ундан фойдаланиш зарурати эътироф этилди.

МДХнинг 10 йиллик тарихи гувоҳлик берадики, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши фойдали бўлди. Ҳамдўстлик 10 йил олдин қандай керакли ташкилот бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам шундай кераклидир. Собик Иттифок парчалангач, юзага келган мустақил давлатларнинг бир-бирига боғланган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни тўлдириб туриш зарур эди. Ҳамдўстлик мана шундай тўлдирувчилик ролни ўйнади, парчаланган жараёнида низо-жанжал чиқишига йўл қўймади.

Ҳамдўстлик ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. МДХ ён-атрофдаги воқеаларга муносабат билдиришда яқдиллик кўрсатиш, хусусан, террор, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, экстремизм каби балоларга қарши туришда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баҳамжиҳат ҳаракат қилишда муҳим ўринга эга. Ҳамдўстликнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, глобализация жараёнлари жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда дунёда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга тайёр туриш, турли инкирозларни енгишда барча аъзо давлатлар учун керакли ва фойдали ташкилотдир.

**Ўзбекистоннинг Россия билан
ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни

йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Икки томонлама ҳамкорлик деганда икки давлат ўртасидаги, яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Россия Федерацияси билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1992 йил 30 майда И.Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида **Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.** Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди.

Россия Федерацияси Президенти Б.Ельциннинг 1993 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи пайтида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада

мустаҳкамлаш чораларини кўришга ахдлашилди. 1993 йил 19 мартда Ўзбекистон ва РФ ўртасида маданият, фан ва техника, таълим соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

В.Путиннинг Россия Президенти этиб сайланиши Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. В.Путин қисқа муддатда Ўзбекистонга икки марта-1999 йил 10-11 декабрда ва 2000 йил 18-19 май кунларида давлат ташрифи билан келди. Ташриф давомида икки мамлакат Президентлари ва расмий делегациялари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Декабрдаги учрашувда «Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида шартнома» имзоланган бўлса, май ойидаги музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида «Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмалари Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида битим», «Халқаро автомобиль катнови тўғрисида битим» имзоланди.

Шу тариқа, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янгича мазмун касб этмоқда. Икки мамлакат ўртасида турли мақсадларга йўналтирилган 150 та ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2000 йилда 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда 520 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд. Ўзбекистон Россиядан машиналар ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл ва бошқа товарлар сотиб олиб, Россияга турли машина ва жиҳозлар, пахта толаси, хизматлар, озиқ-овқат молларини экспорт қилади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 2001 йил 3-5 май кунлари, 2004 йил апрель ойида Россияга ташрифи ва Россия Федерацияси Президенти В.Путин 2004 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтарди.

2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида **стратегик шерикчилик тўғрисида битим имзоланди**. 15 моддадан иборат мазкур битим ўзаро хавфсизликни таъминлаш, глобал таҳдидларга қарши ҳаракат қилиш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик шерикчиликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси билан «Лукойл» нефть компанияси ОАЖ ҳамда «Ўзбек нефть-газ» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очик акциядорлик жамияти ўртасида маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланди. Бу ҳужжат Россия томонидан Ўзбекистон ёқилғи-энергетикаси соҳасига қарийб 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни назарда тутади. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 2003 йилда 1 млрд. 149 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Россия ўртасидаги муносабатлар том маънодаги тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирларининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида чуқурлашиб бормоқда.

**Ўзбекистон ва Украина
алоқалари**

Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларга асос солишда И.Каримовнинг 1992 йил август

ойида Киевга расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ташриф чоғида, 25 август куни Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчук **Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар**. Шунингдек, икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол ва савдо иқтисодий ҳамкорлик битими имзоланди.

1995 йил 20-21 июнь кунлари Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистонда бўлди. Иккала давлат Президентлари томонидан Ўзбекистон-Украина ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўллари тўғрисида Декларация, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартномани имзоладилар. Сафар чоғида Ўзбекистон ва Украина ҳуқуматлари ўртасида жинойтчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақида битим, элчихоналар фаолияти ҳақида битим имзоланди. Ислон Каримовнинг 1999 йил октябрида Украинага сафари чоғида Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1992-2002 йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникация, фан-техника, саноат, савдо, ахборот алмашиш, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича 130 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Ўзаро савдо ҳажми 1992 йилдаги 20 млн. АҚШ долларидан 2003 йилда 280 млн. АҚШ долларига етди. Ўзбекистон Украинага авиация, кимё ва енгил саноат моллари, пахта толаси, рангли металллар, газ экспорт қилмоқда. Украинадан газ ва нефть конларини ўзлаштиришда зарур бўлган техника ускуналари, қора металлургия, кимё саноати моллари, шаккар, писта ёғи импорт қилинмоқда. Ўзбекистоннинг Қора денгиздаги Украина бандаргоҳлари орқали Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистонда Украина инвестициялари иштирокида барпо этилган 20 та қўшма корхонаси ишламоқда. Жумладан, «ТошВАЛЕО» қўшма корхонаси бир кунда минг қутига яқин қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шунингдек, икки давлат ўртасида илм-фан, таълим, маданият соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг Беларус ва Молдова билан алоқалари Беларус Республикаси Олий Кенгашининг раиси С.Шушкевичнинг 1991 йил 6 ноябрда Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи Ўзбекистон билан Беларус ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди. Ташриф пайтида Тошкентда И.Каримов ва С.Шушкевич **Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома имзоладилар.** Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим имзоланди.

1994 йил 21-22 декабрь кунлари Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Ташриф пайтида давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда ҳар икки давлат муассасалари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон билан Беларус ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларацияни, Маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномани И.Каримов ва А.Лукашенко имзоладилар. Ҳукуматлар ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автомобиль, темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ҳақида протокол ҳамда тармоқлараро ҳужжатлар имзоланди.

1995 йил 30-31 март кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди. И.Каримов ва Молдова Президенти Мирча Снегур ўртасидаги музокаралар нихоясида Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Ҳукуматлар ўртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар

қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ, олмаслик тўғрисидаги ўндан зиёд битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар издан чиққан алоқаларнинг тикланиши учун ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон учун ишлаб чиқиладиган шакар, дори-дармон, қишлоқ-хўжалик техникаси, электро-техника асбоб-ускуналари, сугоришда фойдаланиладиган насослар керак. Молдова саноати учун эса, Ўзбекистоннинг пахтаси, кимёвий толаси, каттик металлари керак. Бу зарурият икки мамлакат ҳамкорлигининг заминидир.

Ўзбекистоннинг Кавказ орти мамлакатлари билан алоқалари

1995 йил 5 сентябрда Грузия давлат раҳбари, республика парламенти раиси Эдуард Шевернадзе расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу

ташриф Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги қадимий алоқаларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди ва музокаралар ниҳоясида И.Каримов ва Э.Шевернадзе томонидан **Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.** Икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, фан-техника, банк, қишлоқ хўжалиги, божхона, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо ва ишлаб чиқариш, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, атроф муҳит муҳофазаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида 20 дан зиёд ҳуқуматлараро ва муассасалараро ҳужжатлар имзоланди.

Мазкур битимни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг 1996 йил май ойида Грузия Республикасига расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислон Каримовнинг Грузияга сафари чоғида Э.А.Шеварнадзе билан халқаро Транскавказ йўли, унинг Грузиядан ўтадиган қисмини барпо этиш, Грузиянинг Потти бандаргоҳи имкониятларидан Ўзбекистон юқларини ташишда фойдаланиш масалалари бўйича аҳдлашиб олинди. И.Каримов ва Э.Шеварнадзе Ўзбекистон ва Грузия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. Шунингдек Ўзбекистон билан Грузия ўртасида молия-саноат гуруҳини тузиш, ҳуқуқ-тартибот, почта алоқаси, савдо, солиқ божхона тизими каби 15 га яқин ҳуқуматлараро битимлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида давлатлараро алоқалар йўлга қўйилди ва ривожланиб бормоқда. 1996 йил 27 май куни Ислон Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси Озарбайжонда бўлди. Икки давлат Президентлари **Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар.** Икки қардош мамлакат ўртасида давлатлараро алоқалар йўлга қўйилди. Сафар чоғида Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида савдо-иқтисодий солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобиль ва темир йўли алоқалари, маданий ва бошқа соҳалардаги

алоқаларни ривожлантириш бўйича 20 га яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат раҳбарлари халқаро Транскавказ йўлини барпо этиш, унинг Озарбайжондан ўтадиган қисмини шакллантириш, Ўзбекистон юкларини Озарбайжон ҳудуди орқали Европа томон чиқариш, Озарбайжон бандаргоҳларини таъмирлаш масалалари тўғрисида келишиб олдилар. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар йўлга қўйилди.

**Ўзбекистоннинг Болтиқ бўйи
мамлакатлари билан
алоқалари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 6-8 июнь кунлари Давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлиши муҳим

аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ташриф чоғида И.Каримов Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис билан **Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.** Ўзбекистон ва Латвия ҳукумати ўртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг 1996 йил 23 майда Ўзбекистонга қилган давлат сафари икки мамлакат ўртасида алоқаларни янада чуқурлаштирди. Икки Президент Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисида декларация имзоладилар. Ҳукуматлараро фуқаролик, меҳнат, ҳуқуқ-тартибот, халқаро автомобиль катнови, темир йўл транспорти, маданият, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Латвиядан электр машиналари, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, эфир мойи, қора металл сотиб олади. Латвияга эса рангли металллар, ипак, пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Тошкентда "Дзинтарс" Латвия акционерлик жамиятининг Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси қурилиб, "Волида", "Саодаг", "Истикбол" сингари атирлар ишлаб чиқармоқда ва "Дзинтарс" фирма дўкони орқали сотилмоқда. Ўзбекистон ва Латвия ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув тўғрисида Протокол имзоланди. Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ўсиб бормоқда. 1994 йил ўзаро товар айирбошлаш 121,8 миллион сўмни ташкил этди.

И.Каримовнинг 1995 йил июнь ойида Литвага ташрифи чоғида Президент А.Бразаускас билан Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривож-лантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма Декларацияни имзоладилар. Шунингдек Ўзбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти соҳаларида

ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Литвадан электр ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сут ва сут маҳсулотлари, мебель саноати маҳсулотларини сотиб олиб, Литвага пахта, нефт, рангли металллар экспорт қилади. 1994 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 248,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич уч баробарга кўпайди. Ўзбекистон Литванинг транспорт-хўжалик коммуникацияси, денгиз йўли, айникса, Клайпед бандаргоҳи орқали ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқармоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2002 йил 23-25 сентябрь кунлари Литва Республикасига ташриф буюриши икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтарди. **Ўзбекистон билан Литва ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома**, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон-Литва ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича комиссия тузилди ва у фаолият кўрсатмоқда.

3. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари

Марказий Осиё республикалари ўртасида алоқаларнинг йўлга қўйилиши

Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг таъсирли йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан

ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Минтақадаги бешта давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, дилимизнинг бирлиги, томирларимизнинг туташиб кетганлиги бу мамлакат халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришнинг заминидир.

Марказий Осиё давлатлари Президентларининг навбатдаги учрашуви 1991 йил 13-15 август кунларида Тошкент шаҳрида бўлди. Унда учрашув якунлари хусусида Ахборот ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Маслаҳат кенгашининг вазифаси бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратишдан, бозор муносабатларига ўтишда минтақа манфаатларини ҳимоя қилувчи келишилган сиёсат юритишдан, иқтисодиётнинг умумий муаммоларини ҳал этишга ягона ёндошувларни ишлаб чиқишдан иборат деб белгиланди.

1993 йил 4 январда И.Каримов ташаббуси билан Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Президентларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда

Марказий Осиё атамаси тилга олинди ва бундан кейин Марказий Осиё деганда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тушуниладиган бўлди. Учрашув катнашчилари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни муҳокама қилдилар. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, савдо-иқтисодий битимлар қандай бажарилаётганлиги таҳлил этилди.

Оролни сақлаб қолиш халқаро жамғармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарма мажлисларини Қизил Ўрда, Нукус ва Тошхувузда ўтказиш зарур деб топилди. Беш давлат бошлиқлари ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзоладилар.

Орол муаммоларини ҳал қилиш томон тугилган йўл

1993 йил март ойида Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия давлат делегацияси иштирокида анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Орол

денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисида битим имзоланди. Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи **Давлатлараро кенгаш тузилди. Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди.**

1993 йил августда Нукусда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи Давлатлараро кенгаш ва Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг қўшма мажлиси бўлди. 1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё мамлакатлари бошлиқларининг Россия Федерацияси давлат делегацияси (Юрий Яковлев, РФ Бош вазирининг ўринбосари) иштирокида конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Орол денгизи ҳавзасидаги ҳозирги аҳвол билан боғлиқ кўпгина масалалар, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси маблағлари қандай тўпланаётгани муҳокама қилинди, фаолияти маъқулланди. Экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин 3-5 йил ичида бажарилиши лозим бўлган муайян вазифалар белгиланди. Орол денгизини кутқариш бўйича Давлатлараро кенгаш Низоми тасдиқланди ҳамда унинг ижроия органининг раҳбари тайинланди. Бу масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти

1994 йил 30 апрелда Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг 1994 йил июль ойи бошида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида ўзаро интеграцияни кучайтириш бўйича, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни тузиш тўғрисида битимлар имзоланди. Томонлар Давлатлараро кенгаш

ҳамда унинг доимий ижроия органини, шунингдек, Бош Вазирлар кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгашини таъсис этдилар. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилди. Шу тариқа, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (МОИХ) ташкил топди.

1995 йил 15 декабрда Жамбулда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон республикалари Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Президентлар 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар. Интеграция дастурида 53 та лойиҳалар ишлаб чиқилди. БМТ раҳнамолигида ҳаракат қиладиган Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш коллектив батальонини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Уч давлатнинг тинчликни сақлаш коллектив батальони шакллантирилди.

1997 йил 9-10 январь кунлари Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлат бошлиқларининг кенгаши бўлиб унда **уч қардош давлатлар ўртасида абадий дўстлик ҳақида шартнома имзоланди**. Бу ҳужжатда ўзбек, қозоқ, қирғиз халқларининг орзу-ниятлари ўз ифодасини топди. Мазкур шартнома уч қардош давлат халқларининг иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлигини янги асосларда ривожлантиришга йўналтирди.

1997 йил 12 декабрь куни Қозоғистон Республикасининг янги пойтахти - Остана шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда уч мамлакат ўртасида энергетика, сув захираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация ҳамда минерал хомашё захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузиш тўғрисида музокара бўлди. Президентлар халқаро консорциумлар тузиш бўйича уч мамлакат ҳамкорлиги тамойиллари концепциясини маъқулладилар.

1998 йилда Тожикистон Республикаси Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирди.

2000 йил 20-21 апрель кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Тўрт мамлакат раҳбарлари террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар. Гап шундаки, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик соҳасида 200 дан ортиқ ҳужжат имзоланган бўлсада, улар орасида мазкур масалага оид тегишли ҳужжат йўқ эди. Бундай ҳужжатнинг имзоланиши Марказий Осиёдаги вазиятдан келиб чиққан муҳим

қадам бўлди. Тўрт давлат Президентлари халқаро терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга қарши биргаликда кураш олиб боришга келишиб олдилар.

**Марказий Осиё
Ҳамкорлик
ташкilotи**

2001 йил 28 декабрь куни Тошкентда МОИХ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва

хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур кенгашда МОИХ ташкilotи фаолиятини тўхтатишга қарор қилинди. Ислон Каримов таклифига биноан МОИХ негизда Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкilotи деб қайта тузишга келишиб олинди.

2002 йил 28 февраль - 1 март кунлари Алмати шаҳрида Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Президентлар томонидан Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкilotи ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. МОҲТ нинг раиси этиб Ислон Каримов сайланди. Мазкур ташкilot энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа турдаги алоқалар кўламини кенгайтириш масалалари билан шуғулланади. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот бериб турадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланди. 4 та вакил МОҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш, аъзо мамлакатларнинг интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги нуқтаи назарларини яқинлаштириш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни ташкил этиш билан шуғулланмоқда. МОҲТ нинг ташкил этилиши, унинг аъзолари бўлган 4 та мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги поғонага кўтарди.

Саммитлардан ташқари МОҲ ташкilotига аъзо мамлакатлар парламентлар раислари, хавфсизлик органлари раҳбарларининг учрашувлари, ишбилармон доираларнинг минтақавий форумлари ўтказилиб турибди.

2002 йилнинг октябрида ўтган Душанбе саммитида сув-энергетика, озиқ-овқат ва коммуникация бўйича консорциумлар тузишга келишиб олинди ва ҳукуматларга консорциум лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

2004 йил 28 май куни Остона шаҳрида МОҲ ташкilotига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда ташкilot қамраган минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш, умумий бозор барпо этиш масалалари муҳокама этилди. Президентлар минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини

такомиллаштириш масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳукуматларга тегишли топшириқлар беришга келишиб олдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг қўшма баноти МОХТга аъзо мамлакатлар ўртасида телевидение ва радио дастурларини ўзаро тарқатиш тўғрисида битим имзоланди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

**Ўзбекистоннинг
Қозоғистон билан
ҳамкорлиги**

Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик билан бирга улар ўртасида икки томонлама алоқалар ҳам йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг

Қозоғистон билан икки томонлама муносабатлари 1992 йил 24 июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий давлат ташрифи пайтида Н.Назарбоев билан И.Каримов томонидан имзоланган **Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома** асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Қозоғистон Президенти Н.Назарбаев 1994 йил 10-12 январда расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Икки Президент Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларнинг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит-ҳисоб- китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминлаш тўғрисида шартномани имзоладилар. 1998 йил 31 октябрда **Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида абадий дўстлик шартномаси имзоланган.**

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Тошкентда 2000 йил 20-21 апрель кунлари бўлган учрашувида икки давлат чегараларини аниқ белгилаб олишга бағишланган учрашуви бўлди. Музокаралар якунида «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг қўшма баёноти» имзоланди. Икки мамлакат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган бу ҳужжат икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. «Давлат раҳбарлари, - дейилади қўшма баёнотда, - Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги чегара икки давлат қардош халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлиб қолишда яқдилдирлар». 2001 йил 16-17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президент Ислон Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Икки давлат Президентлари Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисида Шартномани имзоладилар. 2440 км узунликдаги

чегаранинг 96 фоизи белгилаб олинди. Қолган қисмини келишув асосида делиматация қилишга келишилди. 10 ой давомида бу борада тегишли ишлар амалга оширилди. 2002 йил 9 сентябрда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултан Назарбоевнинг таклифига биноан Ислом Каримов Остона шахрига ташриф буюрди. «Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисида битим» имзоланди. Икки мамлакат ўртасидаги чегарага оид долзарб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2002 йилнинг биринчи ярмида 124 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2002 йилда Ўзбекистонда 38 та ўзбек-қозоқ кўшма корхонаси, Қозоғистонда 92 та ўзбек-қозоқ кўшма корхонаси фаолият юритди.

**Ўзбекистон ва
Қирғизистон
алоқалари**

Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан икки томонлама ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва

ўзаро ёрдам ҳақида шартнома асосида йўлга қўйилди ва ривожлантирилмоқда. Бу шартнома Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи пайтида Тошкентда 1992 йил 29 сентябрда И.Каримов ва А.Акаев томонидан имзоланган эди.

И.Каримовнинг 1993 йил августида Қирғизистонга қилган расмий давлат ташрифи пайтида Ўш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тўғрисида Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштиришга, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган. Икки давлат ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланган.

1994 йил 16 январда Ўзбекистон Президента И.Каримов Қирғизистонда бўлди. Расмий ташриф якунида икки давлат Президентлари товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучларининг эркин юришини, ўзаро келишилган кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини белгиловчи шартномани имзоладилар. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар асосида икки мамлакат ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. 2000 йилда Ўзбекистонда 22 та ўзбек-қирғиз кўшма

корхонаси, Қирғизистонда 62 та қирғиз-ўзбек қўшма корхонаси фаолият юритди.

**Ўзбекистон ва
Тожикистон
алоқалари**

Тожикистонда 1992-1996 йилларда давом этган биродаркушлик уруши Тожикистоннинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этди, унинг қўшни мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлигига ҳам салбий таъсир этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил 4 январь куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. Икки мамлакат раҳбарлари ташриф якунлари буйича қўшма ахборот имзолادилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Бош вазирлари соқлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳа, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимларни имзолادилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида юк ташиш ҳамда газ етказиб бериш, Тожикистоннинг қарзи бўйича ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ўзининг янги, мустаҳкамланиш ва тараққиёт даврига ўтди. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда 50 млн. АҚШ долларидан ошди, бу аввалги йилга нисбатан 50 фоиз кўпдир. Ўзбекистон Тожикистон ҳудудидан ўтган транспорт коммуникацияларидан фойдаланмоқда. 2000 йилда Ўзбекистонда 15 та ўзбек-тожик қўшма корхонаси, Тожикистонда 3 та ўзбек-тожик қўшма корхонаси фаолият юритди.

**Ўзбекистон ва
Туркменистон
алоқалари**

1991 йилда Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари учрашувида **Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик**

тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий алоқаларга негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1996 йил 16 январь куни амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Чоржўй шаҳрида С.Ниёзов билан И.Каримов ўртасида ва икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегарасини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимларни имзолادилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эса сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, ҳаво йўли, божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, узок муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, даромад ва мулкдан икки ёклама солиқ олмаслик,

маданият, таълим соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги 20 дан зиёд битимлар имзоланди.

4. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари

Ўзбекистоннинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга киришди. Негаки,

Ўзбекистоннинг руҳи, дини, урф-одатлари ва анъаналари Осиёдаги мамлакатларга яқиндир.

1991 йил 16-19 декабрь кунлари И.Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат - **Туркияда** бўлди. Туркия Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирэл ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар билан амалий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Сафар чоғида **Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома**, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида Протокол, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ахборот айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда анча кенгайди. 1992 йил 28 апрель куни Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг янада чуқурлаштиришда Туркия давлати раҳбарлари-Турғут Ўзол, Сулаймон Демирэл, Тансу Чиллер, Месут Йилмазар Аҳмет Сезерларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар катта аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар қуриш, кадрлар тайёрлаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалий натижалар бермоқда. Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари иштирокида 200 дан ортиқроқ қўшма корхоналар барпо этилди. 1996 йил июнь ойида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси – “Ўзавтосаноат” Туркиянинг “КочХолдинг” концерни билан Самарқанд шаҳрида “СамКочавто” ўзбек-турк қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар. Тез орада бу қўшма корхона бунёд этилди ва сифими ўртача автобуслар ҳамда 8 тоннагача юк кўтарадиган юк автомобиллар йиғиш йўлга қўйилди. Икки мамлакат ўртасидаги

ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилда 275 млн. АҚШ долларига кўпайди.

1992 йил 27-28 июнь кунлари **Покистон Ислом Республикаси** Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Сафар кунларида «**Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида**» шартнома, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 13-14 август кунлари Покистонга расмий ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар янада янги поғонага кўтарди. Икки давлат ўртасида сув ресурслари, электрлаштириш, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, почта ва телекоммуникация соҳасида, давлат банклари ва миллий банklar ўртасида ваколатхоналар айирбошлаш тўғрисида, инвестициялар ва сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто 1995 йил май ва ноябрь ойларида Ўзбекистонга икки марта ташриф буюрди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва Марказий Осиё хавфсизлиги, Афғонистонда биродарқушлик урушини тўхтатиш масалалари бўйича фикр алмашилди. Иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, фан, техника, сайёҳликни ривожлантириш ҳақида битимлар имзоланди.

Ўзбекистонда Покистон сармоялари иштирокида 120 кўшма корхона тузилган. Табани, Меркурий, Метро, Лаксан Тарака каби 19 та йирик фирма ва компаниялар фаолият кўрсатмоқдалар. 1994 йилда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 4,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Покистонга чарм хомашёси, пилла, шойи матолар, шиша, биллур, енгил саноат учун машина ва ускуналар экспорт қилмоқда. Покистондан эса халқ истеъмолчи моллари, хусусан, тайёр кийимлар, пойафзал, чарм буюмлар, какао ва шакар келтирилмоқда.

1992 йил 24-25 ноябрь кунлари республикаимиз Президенти И.Каримовнинг **Эрон Ислом Жумҳуриятига** расмий давлат ташрифи Ўзбекистон ва Эрон ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди. Сафар чоғида «**Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида**» Декларация, хаво транспорти соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум, почта, телефон ва

телеграф соҳасидаги ҳамжихатлик тўғрисида меморандум, давлат Марказий банклари ўртасида битим имзоланди. 1993 йил 18 октябрда Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи билан келиши икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтишига кўмаклашди. Сафар чоғида транзит алоқаларни тартибга солиш тўғрисида ҳамда халқаро автомобиль катнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар транспорт соҳасида кенг ривожланди. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. 2001 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилди. Ўзбекистон юклари асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобаҳор портлари орқали Жанубий-Шарқий Осиё минтақасига чиқарилмоқда. 2002 йил бошларигача Эрон тадбиркорлари сармоялари иштирокида мамлакатимизда 50 га яқин Ўзбекистон-Эрон кўшма корхонаси барпо этилди ва улар асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

2002 йил 26 апрель куни Эрон Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамийнинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи пайтида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида имзоланган икки томонлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига таалуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситалари ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада бойитди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий ташриф билан **Саудия Арабистони, Миср**да бўлди ва улар билан давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик битимлари имзоланди. Саудия Арабистони, Миср давлат ва ҳукумат вакилларининг Ўзбекистонга расмий сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар эса давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик ёшлар Кохира университетида, "Аль-Азҳор" ва "Айн Шамс" университетларида, Мисрликлар Тошкент техника ва аграр университетларида таҳсил кўрмоқдалар. Тошкентда Миср Республикасининг фан ва таълим маркази фаол ишлаб турибди.

1992 йилда Ўзбекистон Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг йирик мамлакат - **Ҳиндистон** билан алоқалари кенгайтиб бормоқда. 1993 йил 23-25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида «**Ўзбекистон**

Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида» шартнома, фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисида, ҳаво йўллари тўғрисида ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1993 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. 1995 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг «ТАТА Прожекте ЛТД» фирмаси томонидан қуриб битказилган 600 ўринли саломатлик зали, мажлислар хонаси, сервис хизмати, ер ости гаражи, сауна, барлари, катта ресторанлари бўлган замонавий меҳмонхонанинг очилиши фикримизнинг далилидир.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини Ислон Каримовнинг 2000 йил 1-3 май кунлари Ҳиндистонга қилган сафари янада юқори поғонага кўтарди. Сафар пайтида Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон Президенти ва Бош вазири билан музокаралар олиб бориб, унинг якунида 10 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида халқаро жинойтчилик, террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашга қаратилган Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот, жинойт-қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек иқтисодий, маданий, таълим, ахборот, божхона соҳалари бўйича ҳамкорлик қилиш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларга хизмат қилувчи 40 га яқин ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистонда 2000 йилда Ҳиндистон билан ҳамкорликда ташкил этилган 30 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой алоқалари

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари

билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу мамлакатлар орасида Хитой Халқ Республикаси билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлардаёқ Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил 2-3 январь кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьзин

Тошкентда бўлди, шу кунлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, элчихоналар очишга қарор қилинди.

1992 йил 12-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ХХР га давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Сафар чоғида ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида, қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик тўғрисида, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар бор эди.

1994 йил 18-20 апрель кунлари ХХР давлат Кенгашининг раиси Ли Пеннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистонда тайёрланаётган ИЛ-76 ТД ва ИЛ-114 самолётларини харид қиладиган бўлди.

1994 йил 24-25 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Хитойга иккинчи марта сафар қилди ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳужжат- **«Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома»** имзоланди. Шунингдек, икки давлат ўртасида консуллик шартномаси имзоланди. Ислон Каримовнинг 1999 йил 8-10 ноябрь кунлари ХХРга учинчи марта сафари чоғида сиёсат, иқтисодиёт, маданият, телекоммуникация соҳаларида ҳужжатлар имзоланди. Икки томонлама алоқалар янада кенгайди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 78 та Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганининг далилидир.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан 2004 йил 14 июнь куни Ўзбекистонга келди. Икки давлат бошлиқлари учрашувида Ўзбекистон-Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. 2004 йил январь-апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми 134 млн. АҚШ долларига етганлиги, умумий қиймати 100 млн. АҚШ долларига тенг икки томонлама лойиҳалар амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Икки мамлакат тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуникация соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида Қўшма декларация имзоланди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида наркотик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид, Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар жами 10 та ҳужжат имзоланди.

Хитой раҳбари таъкидлаганидек, ўзаро ишонч ва хурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон-Хитой муносабатлари халқларимизниг умумий мулкидир.

**Ўзбекистон ва
Жанубий Корея
ҳамкорлиги**

1992 йил март ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Жанубий Корея

Республикасига давлат ташрифи билан борди. Бу сафар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий-техникавий алоқаларга асос солди. **«Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида» Декларация имзоланди.** Савдо-иқтисодий айирбошлаш ҳақида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар ҳақида битимлар тузилди. Маданият, маориф, оммавий ахборот, саёҳат, спорт соҳаларида баҳамжихат ҳамкорлик қилишнинг ўзоқ муддатга мўлжалланган режалари белгилаб олинди. Жанубий Кореядаги ДЭУ Корпорацияси раҳбарияти билан Асакада автомобиль заводи куришга келишилди.

1992-1996 йилларда "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон-Жанубий Корея кўшма автомобиль заводини лойиҳалаштириш, куриш ишлари амалга оширилди. Завод 1996 йил 25 март куни автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди.

Ўзбекистон билан Кореянинг "Кобул Текстайл" компанияси ўртасидаги ҳамкорлик йилдан йилга чуқурлашиб бормоқда. Мазкур компания Ўзбекистонга 250 млн. АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритди ва ўзлаштирилди. "Кобул Текстайл" иштирокида Тошкент, Тўйтепа ва бошқа шаҳарларда кўшма корхоналар барпо этилди ва харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. 1999 йилга қадар Ўзбекистонга Кореядан 1,2 млрд. АҚШ доллари ҳажмида сармоя кириб келди ва ўзлаштирилди. Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Корея ҳамкорлигида барпо этилган кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларидан ошди.

**Ўзбекистон ва
Япония
алоқалари**

Ўзбекистон Шарқнинг энг ривожланган мамлакати - Япония билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Япония 1991 йилдаёқ Ўзбекистон мустақиллигини тан олди, 1992 йилда ўзаро дипломатик алоқалар

ўрнатилди. 1994 йил 16-19 май кунлари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлди. Сафар пайтида «Ўзбекистон билан Япония ўртасида муносабатларнинг асосий

принциплари ҳақида» кўшма баёноғ, ташқи ишлар бўйича муносабатлар ҳақида хужжат имзоланди. Ўзбекистон делегацияси машҳур Панасоник концернида бўлди ва унинг раҳбарияти билан Ўзбекистонда филиал очишга келишилди. Республикамиз шаҳарларида Панасоник маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди. Япония Ўзбекистонга 100 млн. АҚШ доллари ҳажмида бегараз ёрдам берди.

Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машҳур «Мицуи», «Мицубиси», «Сумитото», «Томен», «Марубени», «Нише Иваи» корпорацияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Япония ҳукумати, ўнлаб фирма ва компаниялар Кўкдумалок, Шўртан нефт-газ конини ўзлаштиришда, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашди.

Ўзбекистон Япония билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бераётганлиги сабабли 1999 йил апрель, 2001 йил май ойларида Япониянинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмасининг Президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. «Кейдзай Доюкай» уюшмаси ташаббуси билан Япония Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар ажратмоқда.

Япония ҳукуматининг «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида Ўзбекистонда телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси ва таълим соҳаларидаги лойиҳалар ижроси учун 560 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли давлат кредити берилди. Япония халқаро ҳамкорлик банки эса ёқилғи-энергетика ва тўқимачилик соҳалари учун Ўзбекистонга 720 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит берди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2002 йил 28-31 июль кунлари Япония ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан Японияда бўлди. Япония бош вазири Дзуньитиро Коидзуми ва император Акихито билан самимий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Ташриф натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида:

- дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўрисида Қўшма Баёнот;
- иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида Қўшма Баёнот»;
- икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият банки билан «Bank of Tokyo-Mitsubisi» ўртасида имтиёзли кредит борасидаги ва бошқа жами 14 та ҳужжат имзоланди.

Сафар натижасида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик янги, стратегик босқичга кўтарилди.

1995-2002 йилларда Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган кредитлари миқдори 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда 10 дан ортиқ Ўзбекистон-Япония қўшма корхоналари барпо этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари - **Малайзия ва Индонезия** билан давлатлараро алоқалари ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1992 йил июнь ойидаги Малайзия ва Индонезияга сафари муҳим аҳамиятга эгадир. Сафар кунларида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида дипломатак алоқалар ўрнаташ бўйича қўшма ахборот, икки томонлама муносабатлар бўйича қўшма баёнот, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1995 йил 8-10 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар нихоясида Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто **Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида қўшма баённома имзоладилар.** Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандум ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

Ўзбекистоннинг Осиё ва Океания минтақасидаги Вьетнам Социалистик Республикаси, Камбоджа, Таиланд, Австралия ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик алоқалари йўлга қўйилди, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

5. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон ва АҚШ алоқалари

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида давлатлараро алоқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилди. 1992 йил 15-16 февраль кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йил 16 март куни Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг элчихонаси очилди. 1993 йил 14 сентябрда АҚШ давлат депортаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талбот Ўзбекистонда бўлди ва Ўзбекистон Президенти билан ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди. 1995 йил 6 апрелда АҚШ мудофаа вазири Уилям Перси Ўзбекистонга келди, Ўзбекистоннинг НАТО "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида иштироки муҳокама қилинди. АҚШ армияси ўқув-машқ марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон қуролли кучлари взводи иштирок этди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида шартномалар тузилган. Тошкент - Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўли очилди.

Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача Америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та ўзбек америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунговда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг Корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиш олувчи "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси бор. Бу корхонада 2002 йилгача 83 тонна олтин тайёрланди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1996 йил 23-28 июнь кунларида АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва Америка муносабатларини янги поғонага кўтарди. И.Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, ҳавфсизлик масалалари муҳокама этилди. Билл Клинтон АҚШ маъмурияти Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва раванкидан манфаатдор эканини, Ўзбекистон билан қалин муносабатлар ўрнатишни истаётганини, Ўзбекистоннинг тезроқ дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида ёрдам беражагини таъкидлади. И.Каримов билан Б.Клинтон учрашуви икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга сиёсий

замин ҳозирлади. 1996 йил 25 июнь куни **Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди.**

Ўзбекистон Президенти бошлиқ давлат делегациясининг АҚШда бўлиши чет эл сармояси учун республикада яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги ахборот тақчиллигини бартараф этди. Сафар чоғида имзоланган ҳужжатлар Америка бизнеси ва сармояларининг Ўзбекистонга эркин кириб келиши учун янада кенг йўл очди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистондаги ислохотларни кўллаб-қувватлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистонда АҚШнинг 28 та компания, фирма ва банки ўз ваколатхоналарини очган. Булар қўшма корхоналар барпо этиш, савдо-сотикни кенгайтириш ишига кўмаклашмоқда.

2001 йилда Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар сони 70 тадан ортди. АҚШ сармояси иштирокида республикамизда барпо этилган 305 та қўшма корхона саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, газ-кимё, нефть, олтин казиб олиш, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўз-кейсмаш», «Ўз-кейстрактор», «Ўз-Эксайд», «БиЭй Ай»нинг Хўжабод газ омбори қурилиши, «АББ Луммус Глобал» билан ҳамкорликдаги Шўртон газ-кимё мажмуаси шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо айланмаси 300 млн. АҚШ доллардан ошди.

2001 йил 11 сентябрь куни халқаро террористлар АҚШда содир этган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб АҚШ ҳукуматининг Халқаро терроризмга қарши аксилтеррор коалиция тузиш ҳақидаги таклифи тарафдори бўлиб чиқди. Ўзбекистон АҚШ билан биргаликда халқаро аксилтеррор коалицияда фаол қатнашди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. 1991 йилдан 2001 йил сентябргача томонлар орасида давлат аҳамияти даражасида 28 та ташриф қайд этилган бўлса, 2001 сентябрдан 2002 йил апрелигача эса 20 тага яқин ана шундай ташрифлар амалга оширилди.

2002 йил 11-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бошлиқ давлат делегацияси Президент Жорж Буш таклифига биноан расмий давлат ташрифи билан АҚШда бўлди. АҚШ Президенти Ж.Буш ва мартабали ҳукумат вакиллари Ислон Каримовни Оқ уйда обрў-эътиборли меҳмон сифатида кутиб олди. Томонлар халқаро аҳвол, Марказий Осиёдаги жараёнлар, халқаро терроризмга қарши кураш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, иқтисодий ҳамкорлик масалаларда фикр алмашдилар. Ташриф якунида **«Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация»**, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг

олдини олишда ҳамкорлик, молия, қишлоқ хўжалигига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

АҚШ ни синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун Президентимиз Ислон Каримов Америка жамоатчилиги томонидан «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот Америка халқининг Ўзбекистон халқига хурмат-эътиборининг тимсолидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ўсиб борди ва мустаҳкамланди. Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ стратегик ҳамкор ва шерик мамлакатлардир.

Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш

ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим», унинг 1999 йил 1 июлда кучга кириши мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий негизига айланди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий-гуманитар алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Республикамизда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишляпти, улардан 111 таси юз фоизлик Европа капиталига эга. 1995-2002 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари республикамизда умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ долларлик йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ долларини, 2003 йил январь-октябрь ойлари якунлари бўйича эса 910,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқининг аъзоси, улкан иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Германия билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Германияга 1993 йил 28 апрель куни бошланган ва беш кун давом этган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Германия ўртасида муносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир. И.Каримов ГФР Федерал президенти Рихард фон Вайзенкер ва Федерал канцлер Гельмут Коль билан самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва қатъият билан суҳбатлашди. Икки давлат ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида, сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида

битимлар имзоланди. "Дойче банк", "Мерседес-Бенц" ва "Сименс" компанияларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Сафар натижаларига кўра Ўзбек-Германия ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилди. Тошкентда икки-томонлама савдо-иқтисодий палата ташкил этилди, ГФРнинг элчихонаси очилди. 1994 йил 1 сентябрда ГФР пойтахти Боннда Ўзбекистон Республикасининг Европада биринчи элчихонаси очилди. Ҳозирги пайтда элчихона Германиянинг янги пойтахти Берлин шаҳрида фаолият юритмоқда. "Тошкент-Франкфурт" ҳаво йўли очилди, Ўзбекистонда "Дойче-банк"нинг бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Германиянинг "Гейдельбер" фирмаси Ўзбекистонда нашриёт-матбаа соҳасида ҳамкорлик қилаётган йирик компаниядир. "Гейдельбер" фирмаси асбоб-ускуналари билан Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент ва Нукус полиграфия комбинатлари, Самарқанддаги "Тонг" нашриёти қайта жиҳозланди. Ўзбекистондаги "Растр" ва "Тротекс" нашриётлари "Гейдельбер" фирмаси технологияси асосида ишламоқда. Натижада мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги нашриёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча яхшиланди. 2001 йилда Ўзбекистон-Германия-Россия ҳамкорлигидаги "Наманган қоғоз" кўшма корхонаси қурилиб ишга туширилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 2-5 апрель кунлари Германия Федератив Республикасига, Германия Федерал канцлери Герхард Шредернинг 2002 йил 9-10 май кунлари Ўзбекистонга қилган расмий сафарлари Ўзбекистон-Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Икки мамлакат тадбиркорлари ва расмий доирлари ўртасида алоқалар кенгайиб бормоқда. 1997 йилда Ўзбекистонда 55 та Германия компаниясининг ваколатхоналари фаолият юритган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 80 тага етди. Уларнинг энг йириклари «Хобас ТАПО», «Хива Карпет» ва бошқалардир. 2003 йилда Германиялик сармоядорлар иштирокида енгил саноат, озиқ-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика саноати, транспорт ва бошқа соҳаларда ташкил этилган 138 та корхона фаолият кўрсатди, улардан 40 таси юз фоизлик Германия капиталига эга. Ўзбекистонга киритлаётган Германия сармоялари ҳажми 2001 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларидан ошди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2001 йилда 283,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Германия Федератив Республикаси Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик иқтисодий ҳамкоридир.

Ўзбекистон билан **Франция** ўртасида муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. 1993 йил 28-30 октябрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И.Каримов Франция Президентга Ф.Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар

юритди. Ф.Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: "Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди", деб таъкидлаганди. Бу Ватанимиз тўғрисида, унинг шон-шухратини улугловчи холисона, олийжаноблик билан берилган баҳодир. Сафар натижасида Парижда «**Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома**», маданият, илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Париж Хартиясини имзолаши республикамызда демократиянинг янада ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик "Кредит Коммерсиал де Франс" банки ўртасида муддаолар ҳақида битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини пул билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқли "Элф-акитен" нефт-кимё концерни, "Технип" фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуришга келишилди. Франция ва Ўзбекистон ўртасида савдо-сотик ҳисоб-китобларини таъминлаб турган "Креди коммерсила де Франс" банки завод қурилишини ҳам маблағ билан таъминлади. Ўзбекистон бу банкка маблағ қўйди, у ҳамкорлик учун кафолат бўлиб турибди.

1994 йил 25-27 апрель кунлари Франция Президенти Ф.Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, шунингдек хаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялар имзоланди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий, алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озик-овқат, нефт ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон халқаро ишларда катта тажриба ва нуфузга эга бўлган **Буюк Британия** билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йил 22-25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ республикамыз делегациясининг расмий амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қиролигида бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида буюк воқеа бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг қиролича Елизавета II, Бош вазир Ж.Мейжор

билан самимий, очик ўзаро манфаатли суҳбатлари, музокаралари бўлиб ўтди. Сафар самарали бўлди. Ўзбекистон Республикаси билан **Буюк Британия қироллиги ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома**, сармоядорни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, ҳаво йўллари очиш тўғрисида битим, икки мамлакат ҳудудида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида меморандум имзоланди. "Тошкент-Лондон" ҳаво йўлида самолёт қатновининг йўлга қўйилиши алоқаларни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилнинг бошларида Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлимининг иш бошлаши ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги янги кадам бўлди.

Ўзбекистоннинг Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари ўрнатилди ва кенгайиб бормокда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат - Швейцариядаги ваколатхонасига ҳам айланди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида алоқаларнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди. 1996 йилда Европа Иттифоқи Кенгаши билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланди. Битим туфайли Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган 15 давлат билан сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм-фан, маданият, тиббиёт, телекоммуникация, транспорт ва бошқа соҳаларда шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси билан Европарламент ўртасида ҳам алоқалар ўрнатилди. Бу алоқалар Ўзбекистон парламенти билан Европарламент ўртасида 1998 йилда тузилган ҳамкорлик қўмитаси даражасида кенгайиб бормокда. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклар ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бунга алоқадор давлатлар парламентлари томонидан ратификация қилинди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикага илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир.

2003 йилда республикамызда хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 2087 та кўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатди. Улар 386,7 млрд. сўм ҳажмида истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқарди, аҳолига хизмат кўрсатди. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга киритилган чет эл инвестициялари 14 млрд. АҚШ долларида ошди. Бир йилда тахминан 1 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги 140 мамлакат билан савдо-сотик қилмоқда. Ҳар йилги товар айирбошлаш ҳажми 6-8 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Илғор мамлакатлар кадрлар тайёрлашда, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, етакчи биржалар билан алоқалар ўрнатишда, қонунчилик тажрибасини ўрганишда республикамызга кўмаклашмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жихатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида асрларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши кўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Синов саволлари

1. Халқаро вазиятда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
2. Хавфсизликка қандай омиллар таҳдид солмоқда?
3. Ўзбекистоннинг геосиёсий жихатдан қулай имкониятлари нималардан иборат?
4. Қандай геосиёсий жихатлар Ўзбекистонга қийинчиликлар туғдирмоқда?
5. Мустақил ташқи сиёсат юритиш борасида қандай ҳуқуқий заминлар яратилди?
6. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати қандай тамойилларга таянади?
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасини дафтارينгизга ёзиб олинг.
8. Дунёдаги қайси давлатлар Тошкентда ўз элчихоналарини очган?
9. Қайси мамлакатларда Ўзбекистоннинг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда?
10. Ўзбекистон нима учун жаҳон ҳамжамиятига кўшилиш йўлидан бормоқда?
11. Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари ҳақида сўзлаб беринг.
12. Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ҳамкорлиги ҳақида нималарни биласиз?
13. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб беринг.

14. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тузилиши ва фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
15. ГУУАМ ташкилоти тўғрисида нималарни биласиз?
16. МДХ қачон ташкил топди, унга қайси республикалар аъзо бўлиб кирди?
17. МДХ муассислари томонидан қабул қилинган Алмати Декларациясида нималар ҳақида баёнот берилди?
18. МДХ фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
19. МДХ фаолиятидаги салбий ва ижобий томонлар нималарда ўз ифодасини топди?
20. Ўзбекистон ва Россия ўртасида давлатлараро муносабатларнинг ўрнатилиши ҳақида сўзлаб беринг.
21. Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ҳақида сўзлаб беринг.
22. Марказий Осиё республикалари ўртасида алоқаларнинг йўлга қўйилиши ҳақида нималарни биласиз?
23. Орол муаммосини ҳал қилиш йўлида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
24. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан тузилган абадий дўстлик тўғрисидаги шартномаларнинг моҳияти нима?
25. Нима сабабдан МОИХ Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти этиб қайта тузилди?
26. Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб беринг.
27. Ўзбекистон ва Туркия алоқалари ҳақида сўзлаб беринг.
28. Ўзбекистонда Покистон сармоядорлари билан қандай қўшма корхоналар барпо этилган?
29. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида реферат ёзинг.
30. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида нималарни биласиз?
31. Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида қандай соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда?
32. Ўзбекистон ва Япония ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар нималарда ўз ифодасини топмоқда?
33. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида нималарни биласиз?
34. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўзлаб беринг.
35. Сиз яшаётган вилоят, шаҳар ва туманда чет эл сармоялари иштирокида қандай қўшма корхоналар тузилган? Улар фаолиятини ўрганинг ва реферат ёзинг.

ХОТИМА

Азиз талаба, Сиз мазкур дарсликни кўлга олиб, уни мутолаа қилиб, доно халқимизнинг неча минг йилликлар билан бўйлаша оладиган, ўзига хос бетақрор тарихи, бетимсол осори атиқалари, юксак маънавий кадриятлари билан танишиб чиқдингиз. Шубҳасизки, бунинг натижасида тарихий хотирангиз, тасаввур оламингиз янада бойиди, ақлу зеҳнингиз, шуурингиз тағинда чархланди. Энг мухими, Сиз улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ноёб бисотлар, тарихий меросни ўрганиш баробарида ўзлигингизни таниш, кимларнинг қонуний ворислари, давомчилари эканлигингизни яна бир бор англаб етишга мушарраф бўлдингиз.

Шу ўринда мухтарам Юртбошимизнинг «Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас», деган донишмандона сўзлари беихтиёр ёдга келади. Ҳа, ҳаққоний тарих том маънода билимлар манбаи, маънавият негизи, қолаверса, чинакам тарбия мактабидир.

Не бахтки, миллий мутақилликка эришганимиз туфайли она тарихимиз тўғрисидаги чин ҳақиқат юзага чиқди, унинг қиёфасини тўсиб келган ғуборлар, «ок» ва «кора» доғлар буткул супириб ташланди. Бунинг орқасида катта тарих яратган халқимизнинг юксак даҳоси, не-не буюк аждодларимизнинг ёрқин сиймоси, уларнинг мангуликка дахлдор ўлмас мероси янгидан тўла куч билан намоён бўлди.

Кўлингиздаги ушбу дарслик ҳам миллий истиқлол шарофати билан туғилган бебаҳо имкониятдан фойдаланиб, Ваган тарихига янгича тамойиллар нуқтаи назаридан ёндашилиб, асрлар силсиласини холис, ҳаққоний ва илмий асосда ўрганилиб яратилгандир. Сиз унинг саҳифаларини кунт билан ўрганиб, бу азим юрт бағрида узоқ даврлар давомида юз берган хилма-хил тарихий жараёнларни, воқеа, ходисаларни кўз ўнгингиздан бирма-бир ўтказдингиз ҳамда уларнинг нечоғлик мураккаб, зиддиятли кечганлигига гувоҳ бўлдингиз. Айни чоғда не-не улуғ тарихий сиймоларимизнинг ўз киндик қонлари тўкилган шу муқаддас юрт учун, унинг эрки, озодлиги, хурлиги ва мустақиллиги учун фидойилик билан курашганлигига, ўз онгли ҳаёти, фаолиятини шу олийжаноб мақсадларга бахшида этганлигига амин бўлдингиз. Бошқа бир ўринда эса буюк бобокалонларимизнинг бой илмий, маданий мерос яратиб, юрт довуғини дунёга маълуму машҳур этганлигини англаб, ўзингизда фахру ифтихор туйғусини хис қилдингиз.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Амир Темур сиймоси ҳақида тўхталиб «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз», деб бежиз айтмаганлигининг боиси ҳам мана шундан.

Хуллас, ўз тарихини пухта билиш, ундан яхши хабардор бўлиш, навкирон авлодимизнинг Сиздек намояндалари учун бамисоли сув билан ҳаводек зарурдир. Негаки, у Сизни шу муборак Ватанни фарзанд янглиғ севиш, унинг ҳар бир сиқим тупроғини кўзга тўтиё этиш, она юрт хизматига камарбаста бўлиш, унинг сарҳадларини ҳар қандай ёвуз кучлардан, ғанимлардан ҳимоялаш, керак бўлса азиз

жонни ҳам фидо қилишга чорлайди. Бунда улуғ аждодларимизнинг ибрати, жасорати Сизга руҳий мададкор бўлади.

Бизу сиз Ватанимиз тарихини чуқур, асосли ўрганиш орқалигина миллий истиқлолдек бебаҳо неъматнинг қадрини янада теран тушунамиз. Ва, у бизнинг қўлимизга осонлик билан келмаганлигига, унга эришиш йўли оғир, машаққатли кечганлигига, бу борада мислсиз қурбонлар берилганлигига жонли гувоҳ бўламиз. Бинобарин, истиқлол неъматини авайлаб асраш, уни нон каби, жон каби улуғлаш, бугина эмас, уни мустаҳкамлаш ва кучайтириш борасида доимий саъй-ҳаракатларда бўлишлик ҳар биримизнинг жонажон ишимиз, фуқаролик бурчимиз бўлмоғи айни муддаодир. Сиз, миннатдор ўғил-қизларимиз, буни хамиша ёдингизда тутмоғингиз керак бўлади.

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР СОЛНОМАСИ

Мил. ав. VIII-VII асрлар	Қадимги Хоразм ва Бактрия илк давлат тузилмаларининг вужудга келиши
Мил. ав. 530-329 йиллар	Ўрта Осиё Эрон аҳоманийлари ҳукмронлиги остида.
Мил. ав. 522 йил	Марғиёнада аҳоманийларга қарши Фрада бошчилигида кўзғолон.
Мил. ав. 329 йил	Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши.
Мил. ав. 329-327 йиллар	Ўрта Осиё халқларининг Спитамен бошчилигида Искандар кўшинларига қарши кураши.
Мил. ав. 312-250 йиллар	Ўрта Осиёда Салавкийлар ҳукмронлиги.
Мил. ав. 250-140 йиллар	Бактрия давлатининг қайта тикланиши, ривожланиши ва инқироzi
Мил. ав. III-II асрлар Мил. ав. 175-140 йиллар	Қанғ давлатининг ташкил топиши, ривожланиши Қанғ давлатининг Сўғд ва Шошни кўшиб олиши.
Мил. ав. III-I асрлар	Даван (Фарғона) давлатининг ташкил топиши, ривожланиши
Мил. ав. I-мелодий IV асрлар	Кушонлар сулоласи ҳукмронлиги.
305 йил	Хоразмда Африғийлар сулоласи ҳукмронлигининг бошланиши.
V-VI асрлар	Эфталийлар сулоласи ҳукмронлиги.
551-715 йиллар	Марказий Осиё халқлари Турк ҳоконлиги таркибида.
VI асрнинг 80-йиллари	Турк ҳоконлигининг ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетиши.
VII асрнинг иккинчи ярми	Арабларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари.
704-715 йиллар	Арабларнинг Мовароуннаҳрни забт этиши. Қутайба ибн Муслим ҳукмронлиги.
769-783 йиллар	Муқанна кўзғолони.
806 йил	Рофе ибн Лайс бошчилигидаги кўзғолон.
821-873 йиллар	Хуросонда Тоҳирийлар сулоласи ҳукмронлиги.
864-888 йиллар	Мовароуннаҳрда Наср ибн Аҳмад Сомоний ҳукмронлиги.
873-900 йиллар	Хуросонда Саффорийлар ҳукмронлиги

888-907 йиллар	Исмоил Сомоний ҳукмронлиги.
977-997 йиллар	Собуктегиннинг Ғазнага ҳукмронлиги
995 йил	Хоразмда Африғийлар сулоласининг тугатилиши
995-997 йиллар	Хоразмдан Маъмун ибн Муҳаммад ҳукмронлиги
999-1005 йиллар	Бухоронинг Наср Буғроҳон томонидан забт этилиши. Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши
998-1030 йиллар	Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлиги
999-1017 йиллар	Хоразмда Абдул Аббос Маъмун ибн Маъмун ҳукмронлиги
1040 йил	Донданиқон жанги
1043 йил	Салжуқийларнинг Хоразмни забт этиши
1074 йил	Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғати турк» асарининг яратилиши.
1077-1097 йиллар	Хоразмда Ануштагин ҳукмронлиги
1097-1127	Хоразмда Қутбиддин Муҳаммад ҳукмронлиги.
ХII аср биринчи ярми	Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши.
1118-1157 йиллар	Салжуқий Султон Санжар ҳукмронлиги
1127-1156 йиллар	Хоразмшоҳ Отсиз ибн Қутбиддин Муҳаммад ҳукмронлиги.
1141 йил	Қатвон чўлида Султон Санжар кўшинларининг қорахитойлар томонидан тор-мор қилиниши.
1156-1172 йиллар	Хоразмда Эларслон ибн Отсизнинг ҳукмронлиги
1172-1200 йиллар	Хоразмшоҳ Такаш ибн Эларслон ҳукмронлиги
1200-1220 йиллар	Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги
1219 йил	Чингизхоннинг Ўрта Осиёга юриши
1219-1220 йиллар	Мўғуллар томонидан Ўтрор, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг босиб олинлиши. Темур Малик томонидан Хўжанд шаҳрининг мудофаа қилиниши
1221 йил	Мўғуллар томонидан Термиз, Балх, Урганч шаҳарлари, Хуросон ва Афғонистоннинг забт этилиши

1220-1231 йиллар	Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши
1225-1238 йиллар	Савдогар Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳр ноиб
1227-1347 йиллар	Чигатой улуси
1238 йил	Бухорода Маҳмуд Торобий кўзғолони
1238-1289 йиллар	Маҳмуд Яловочнинг ўғли Масъудбекнинг Чигатой улусига ноиблиги
1337 йил	Хуросонда сарбадорлар ҳаракатининг бошланиши
1336 йил 9 апрель	Амир Темур таваллуди
1358-1361 йиллар	Мўғулистон хони Туглук Темурнинг Мовароуннаҳрга юриши
1365 йил	Илёсхўжанинг Мовароуннаҳрга юриши
1365-1366 йиллар	Самрақандда сарбадорлар кўзғолони
1370-1405 йиллар	Соҳибқирон Амир Темур салтанати
1386-1389 йиллар	Амир Темурнинг Эронга (уч йиллик) юриши
1389 йил	Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши юриши
1391 йил	Қундузча ёнидаги жанг
1392-1396 йиллар	Амир Темурнинг беш йиллик юриши.
1394-1395 йиллар	Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши учинчи юриши.
1398 йил	Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши.
1398-1404 йиллар	Амир Темурнинг етти йиллик юриши.
1402 йил	Анқара жанги
1405 йил	Амир Темурнинг вафоти.
1409-1449 йиллар	Мовароуннаҳрда Улуғбек ҳукмронлиги.
1417 йил	Бухорода мадраса қурилиши.
1417-1425 йиллар	Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилиши.
1428 йил	Улуғбекнинг пул ислоҳоти.

1428-1429 йиллар	Улуғбек раҳбарлигида Самарқанд расадхонасининг бунёд этилиши.
1441-1501 йиллар	Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти.
1449 йил	Мирзо Улуғбекнинг фожиали вафоти.
1451-1469 йиллар	Мовароуннаҳр ва Ҳиротда темурий Абусаид Мирзо ҳукмронлиги.
1455-1537 йиллар	Камолиддин Бехзод ҳаёти ва фаолияти.
1469-1594 йиллар	Мовароуннаҳрда темурий Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги.
1483-1530 йиллар	Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти.
1500-1501 йиллар	Шайбонийхон томонидан Самарқанд ва Бухоронинг эгалланиши.
1507 йил	Ҳиротни Шайбонийхон томонидан эгалланиши.
1510 йил	Шайбонийхоннинг Эрон шоҳи Исмоил I билан тўқнашуви ва ҳалок бўлиши.
1510-1530 йиллар	Кўчкунчихон ҳукмронлиги.
1511 йил	Мустақил Хива хонлигининг ташкил топиши.
1533-1539 йиллар	Убайдуллахон ҳукмронлиги.
1539 йил	Убайдуллахон томонидан Хоразмнинг забт этилиши.
1551-1556 йиллар	Наврўз Аҳмад (Барокхон) ҳукмронлиги.
1557-1598 йиллар	Абдуллахон II ҳукмронлиги ва марказлашган давлат тузиши.
1588 йил	Тошкентда Абдуллахон II га қарши кўзғолон.
1598-1601 йиллар	Шайбонийхонларнинг сўнги вакиллари Абдулмўмин ва Пирмуҳаммад II ҳукмронлиги.
1601-1605, 1605-1661 йиллар	Аштархоний Боқимуҳаммад ва Валимуҳаммад ҳукмронлиги.
1602-1623 йиллар	Хоразмда Араб Муҳаммад ҳукмронлиги.
1611-1642 йиллар	Бухоро хонлигида Имомқулихон (Аштархоний) ҳукмронлиги.
1613 йил	Тошкентда Имомқулихонга қарши халқ кўзғолони.
1613-1619 йиллар	Самарқандда амир Ялангтўш томонидан Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг қурилиши.

1616 йил	Хивада Араб Муҳаммад мадрасасининг қурилиши.
1623-1642 йиллар	Хоразмда Асфандиёрхон ҳукмронлиги.
1643-1663 йиллар	Хивада Абдулғози I ҳукмронлиги.
1645-1681 йиллар	Бухорода Абдулазизхон ҳукмронлиги.
1663-1687 йиллар	Хивада Анушахон ҳукмронлиги.
1681-1702 йиллар	Бухорода Субҳонқулихон ҳукмронлиги.
1681 йил	Қорақалпоқлар кўзғолони.
1688 йил	Хоразмнинг Бухоро хонлигига қўшиб олинishi.
1688-1702 йиллар	Хивада Шохниёз Эшик оғасининг ҳукмронлиги.
1702-1711 йиллар	Бухорода Убайдуллахон II ҳукмронлиги.
1702-1714 йиллар	Хивада Араб Муҳаммад II ҳукмронлиги.
1708-1709 йиллар	Самарканд ва Бухорода халқ кўзғолони.
1710 йил	Шоҳрухбий томонидан Қўқонда ўзбекларнинг минглар уруғи ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
1711-1747 йиллар	Бухоро хонлигида Абулфайзхон ҳукмронлиги.
1719 йил	Хивада Шерғозихон мадрасасининг қурилиши.
1740 йил	Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши.
1753-1758 йиллар	Бухорода манғит амир Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги.
1770-1790 йиллар	Кўнғирот уруғидан Муҳаммад Али Иноқнинг Хивада ҳокимиятни эгаллаши.
1785-1800 йиллар	Бухорода Шохмуродхон ҳукмронлиги.
1798-1810 йиллар	Кўқонда Олимхон ҳукмронлиги.
1800-1825 йиллар	Бухорода Амир Ҳайдар ҳукмронлиги.
1804-1806 йиллар	Хивада Элгузархон ҳукмронлиги.
1806-1825 йиллар	Муҳаммад Раҳим I ҳукмронлиги.
1822-1842 йиллар	Кўқонда Муҳаммадалихон (Мадалихон) ҳукмронлиги.

1826-1860 йиллар	Бухорода амир Насрулло ҳукмронлиги.
1841 йил	Кўқонда Мадалихонга қарши кўзғолон.
1842 йил	Амир Насруллонинг Кўқонни босиб олиши.
1864-1910 йиллар	Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) ҳукмронлиги.
1845-1858 йиллар	Кўқон хони Худоерхоннинг биринчи ҳукмронлик даври.
1853 йил	Руслар томонидан Окмачит истехкомининг босиб олиниси.
1855-1856 йиллар	Қорақалпоқлар кўзғолони.
1858-1862 йиллар	Маллахон ҳукмронлиги.
1860-1885 йиллар	Амир Музаффар ҳукмронлиги.
1862-1863 йиллар	Худоерхоннинг иккинчи марта тахтни эгаллаши.
1864 йил	Рус қўшинларининг Авлиёта, Туркистон ва Чимкент шаҳарларини босиб олиши.
1865 йил, 17 июн	Тошкентнинг рус қўшинлари томонидан босиб олиниси.
1866-1875 йиллар	Худоерхоннинг учинчи марта ҳукмронлиги.
1866 йил, 2 ва 18 октябрь	Чор Россияси томонидан Ўратепа ва Жиззахнинг босиб олиниси.
1867 йил, 11 июль	Туркистон генерал-губернаторлиги ва Туркистон округининг ташкил топиши.
1868 йил, 2 июнь	Бухоро амири қўшинларининг Зирабулоқдаги маглубияти маглубияти.
1868 йил, 23 июнь	Бухоро билан Россия ўртасидаги тузилган битимга кўра Бухоронинг қарам давлатга айлангирилиши.
1868 йил	Тошкентда биринчи типография ва литографиялар қуриб, ишга туширилди.
1870 йил	Тошкентда кимё лабораторияси очилди. Тошкентда биринчи бор шаҳар низоми жорий қилинди. Тошкентда Туркистон оммавий кутубхонаси очилди.
1873 йил, 18 сентябрь	Помирга туташ бекликларни Бухоро ихтиёрига ўтказиш ҳақида Россия ва Бухоро ўртасида тузилган шартнома.
1873 йил, 29 май	Рус қўшинлари томонидан Хиванинг босиб олиниси.

1873 йил, 12 август	Хива билан Россия ўртасида Гандимиён шартномасининг тузилиши. Хиванинг Россияга қарам давлатга айлантирилиши.
1873-1876 йиллар	Фарғона водийсида Пўлатхон кўзғолони.
1876 йил, 19 февраль	Кўкон хонлигининг тугатилиши ва унинг ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.
1880 йил	Ахалтекин ҳарбий экспедицияси томонидан Михайловский бўғозидан Қизил Арватгача темир йўл қуришга киришилди.
1881 йил	Каспий орти вилоятининг ташкил топиши.
1885-1910 йиллар	Бухорода Саййид Абдулахад ҳукмронлиги.
1886 йил	Фарғонада буг ёрдамида ишлайдиган биринчи пахта тозалаш заводининг қурилиши.
1887 йил	Зарафшон округининг Самарқанд вилоятига айлантирилиши.
1887 йил	Амударё филойтилиясининг таъсис этилиши.
1888 йил	Темир йўл Самарқандгача етказилган.
1891-1892 йиллар	Туркистон ўлкасига рус деҳқонларининг оммавий кўчириб келтирилиши.
1892 йил, июнь	Тошкент кўзғолони
1894 йил	Бухорода биринчи рус-тузем мактабининг очилиши.
1895-1899 йиллар	Самарқанд-Андижон темир йўлининг қурилиши.
1898 йил, май	Андижонда Дукчи эшон кўзғолони.
1899 йил	Андижон ва Янги Марғилон шохобчалари билан Самарқанд-Тошкент темир йўлнинг қуриб битказилиши.
1900 йил	Биринчи ўзбек алифбоси «Устои аввал»нинг яратилиши.
1890-1906 йиллар	Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши.
1900 йил	Мирзачўлда суғориш ишларининг йўлга қўйилиши.
1906 йил	Тошкент темир йўлининг ишга туширилиши. Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темир йўлларининг қўшилиши.
1907 йил, 17 апрель	Тошкентда иккинчи Давлат Думасига сайловлар.

1908 йил	Қадимшунос В.Л.Вяткин томонидан Улуғбек расадхонаси (Самарқанд) харобаларининг очилиши.
1910-1920 йиллар	Бухоро амирлигида Сайид Олимхоннинг ҳукмронлиги.
1910-1911 йиллар	Подшо кўшинлари томонидан Туркистонда янги усул мактабларининг оммавий тарзда ёпилиши.
1912-1914 йиллар	Туркистонда Қўқон-Термиз, Қўқон-Андижон-Фарғона-Жалолобод темир йўллари қурилиши.
1912 йил	Горчаково-Скобелев, Қўқон-Наманган, Когон-Бухоро темир йўл шохобчаларининг ишга туширилиши.
1916 йил	Фронт орти ишларига мардикорликка сафарбарликка қарши Ўрта Осиёда халқ кўзғолонлари.
1916 йил 13-29 июль	Жиззах кўзғолони
1917 йил 7 февраль	Россияда февраль буржуа-демократик инқилоби ва самодержавиенинг афдарилиши.
1917 йил 14 март	Тошкентда “Шўрон Исломия” ташкилоти тузилди.
1917 йил 16 апрель	Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойи очилди.
1917 йил 1-2 май	Москвада Бутун россия мусулмонларининг I Қурултойи бўлиб ўтди.
1917 йил июнь	“Шурои Уламо” ташкилоти вужудга келди.
1917 йил 21-31 июль	Қозон шаҳрида Бутунроссия мусулмонларининг II Қурултойи бўлиб ўтди.
1917 йил 17-20 сентябрь	Бутунтуркистон мусулмонларининг II қурултойи бўлиб ўтди.
1917 йил 1 ноябрь	Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилди.
1917 йил 12-15 ноябрь	Бутунтуркистон мусулмонларининг III қурултойи бўлиб ўтди.
1917 йил 15-22 ноябрь	Туркистон ўлка советларининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тузилди.
1917 йил 26-27 ноябрь	Қўқонда Туркистон мусулмонларининг IV фавкулдда қурултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистон Мухторияти ташкил этилди.
1917 йил 25 декабрь	Қўқонда ўлка мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларининг I фавкулдда қурултойи бўлиб ўтди.

1918 йил 19-21 февраль	Туркистон Мухторияти фожиали равишда тугатилди.
1918 йил март	Бухоро-Когон йўналишида Колесов қонли воқеаси юз берди.
1918 йил март-апрель	Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши ҳаракатиинг бошланиши.
1918 йил 21 апрель	Тошкентда Туркистон Халқ университети очилди.
1918 йил 20 апрель – 1 май	Тошкентда Бутунтуркистон Советларининг V Курултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистон автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) тузилди.
1918 йил июнь	Ўлка большевиклари (коммунистлари)нинг курултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистон Компартияси ташкил топди.
1918 йил октябрь	Туркистон ўлка советларининг IV курултойи бўлди. Унда ТАССРнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди.
1919 йил 19 январь	Тошкентда Осипов исёни уюштирилди.
1919 йил март	Ўлка мусулмон коммунистлари бюроси (ўлка Мусбюро) тузилди.
1919 йил октябрь	Марказдан Тошкентга катта ваколатларга эга бўлган Турккомиссия юборилди.
1920 йил 2 февраль	Хивада хонлик ҳокимияти ағдарилди.
1920 йил 27-30 апрель	Бутунхоразм халқ вакиллари I курултойи Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши.
1920 йил 2 сентябрь	Бухорода амирлик ҳокимияти ағдарилди.
1920 йил 13 сентябрь	Россия Федерацияси ҳукумати билан ХХСР ўртасида иттифок шартномаси тузилди.
1920 йил 6-8 октябр	Бутунбухоро халқ вакиллари I курултойи, Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши.
1921 йил 4 март	Москвада БХСР билан РСФСР ўртасида иттифок шартномаси имзоланди.
1921 йил	Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши бўйича Туркистон қўмитаси ташкил қилинди.
1921-1922 йиллар	Туркистон АССРнинг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида дастлабки ер-сув ислоҳоти ўтказилди.
1922 йил 30-31 декабрь	Москвада Бутуниттифок советларининг I съезди бўлди. Унда СССР тузиш тўғрисидаги Декларация ва иттифок Шартномаси имзоланди.

1923 йил 5-9 март	Тошкентда Ўрта Осиё Республикаларининг I иқтисодий конференцияси бўлди. Унда Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши (Средазбюро) тузилди.
1924 йил	Хукмрон Марказ раҳбарлигида Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши амалга оширилди.
1924 йил 27 октябрь	Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.
1925 йил 6-12 февраль	Ўзбекистон компартиясининг I таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси тузилганлиги расмийлаштирилди.
1925 йил 13 февраль	Бухорода Бутунўзбек советларининг I қурултойи очилди. Унда “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисидаги Декларация” қабул қилинди.
1925 йил май	Ўзбекистон ССР СССР таркибига киритилди.
1928 йил	Араб имлоси асосидаги ўзбек ёзувидан лотин ёзувига ўтилди.
1931 йил	Тошкент Молия институти ташкил этилди.
1933 йил	Тошкентда обсерватория очилди.
1937 йил	Москвада 1 ўзбек санъати ва адабиёти декадаси бўлиб ўтди.
1939 йил	Фарғона канали қурилди.
1939 йил	Биринчи овозли ўзбек кинофильми – “Азамат” яратилди.
1940 йил	Ўзбекистонда лотин ёзувидаги алфавитдан криллица ёзувига ўтилди.
1940 йил 9 январь	Ўзбекистон давлат Фан қўмитаси СССР ФАнинг филиалига айлантирилди.
1941 йил 22 июнь	Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши гирдобига тортилди.
1943 йил 4 ноябрь	Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкил қилинди.
1944 йил март	Бекободда Ўзбекистон металлургия заводи ишга туширилди.
1943 йил охири - 1944 йил бошлари	Ўз Ватанидан бадарға қилинган чеченлар, ингушлар, крим-татарлари, месхети турклари, понтея греклари Ўзбекистонга кўчириб келтирилди.
1945 йил 7 май	Бекобод шаҳрининг ташкил топган вақти .

1951 йил 10 июль	Олмалик шаҳрининг тузилган вақти.
1952 йил 21-22 февраль	Ўз КП (б) МҚ нинг X Пленумида «Республикада мафкуравий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Кўплаб ижодкор зиёлилар танқид ва бадном қилинди.
1953 йил 22 сентябрь	Тахиатош шаҳрининг тузилган вақти
1956 йил 5 ноябрь	Тошкент телевизион маркази ишлай бошлади.
1957 йил 15 март	Янгиер шаҳрининг тузилган вақти
1959 йил	Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.
1958-1960 йиллар	Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қузури йўли қурилди.
1961 йил 8 май	Гулистон шаҳрининг тузилган вақти
1961-1965 йиллар	Бухоро-Урал газ қузури йўли қурилди.
1962 йил	Навой-Учкудук темир йўли қурилди.
1962 йил	Жиззах-Меҳнат темир йўли қурилди.
1963 йил 16 февраль	Сирдарё вилояти тузилди.
1964-1966 йиллар	Муборак –Тошкент-Чимкент –Бишкек –Алмата газ қузури йўли қурилди.
1965-1975 йиллар	Ўрта Осиё-Марказ газ қузури йўли қурилди.
1969 йил 21 январь	Қўнғирот шаҳрининг тузилган вақти.
1972 йил 20 июль	Заравшон шаҳрининг тузилган вақти.
1973 йил 29 декабрь	Жиззах вилояти тузилди.
1977 йил 6 ноябрь	Тошкент метросининг Чилонзор йўналиши ишга туширилди.
1978-1979 йиллар	Тошкентда баландлиги 350 метрли телевизион минора қурилди.
1982 йил 20 апрель	Навой вилояти тузилди
1989 йил 23 июнь	Ислом Каримов Ўз КП МҚ сининг биринчи котиби этиб сайланди.
1989 йил 21 октябрь	ЎзССР Олий Кенгаши «Ўзбекистон ССР нинг Давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

1989 йил 1 декабрь	«Қорақалпоғистон АССР давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилинди.
1990 йил 24 март	Ўзбекистон Президенти лавозими таъсис этилди.
1990 йил 24 март	Ислом Каримов Республика Олий Совет сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб сайланди.
1990 йил 20 июнь	Республика Олий Совети «Мустақиллик Декларацияси» ни қабул қилди.
1990 йил 14 декабрь	Қорақалпоғистон Олий Совети «Қорақалпоғистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисида Декларация» қабул қилди.
1991 йил 31 август	ЎзР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» конституциявий Қонун қабул қилинди.
1991 йил 1 сентябрь	Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, умумхалқ байрами.
1991 йил 1 ноябрь	Ўзбекистон халқ демократик партияси ташкил топди.
1991 йил 18 ноябрь	Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинди.
1991 йил 29 декабрь	Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида референдум ўтказилди.
1991 йил 29 декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентига умумхалқ сайлови бўлди. И.А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.
1991 йил декабрь	Ўзбекистон иштирокида МДХ тузилди.
1992 йил январь	Вилоят, туман шаҳарларда хокимлик лавозими таъсис этилди.
1992 йил январь	Миллатлараро маданият маркази Республика Байналмилал маданият марказига айлантирилди.
1992 йил январь	Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси тузилди.
1992 йил 28 январь	«Ўзбекистон хаво йўллари» миллий компанияси ташкил этилди.
1992 йил 26 февраль	Ўзбекистон ЕХХТ га аъзо бўлди.
1992 йил 28 февраль	Президент фармони билан 8 та вилоят педагогика институтлари университетларга айлантирилди.

1992 йил 2 март	Ўзбекистон БМТ га аъзо бўлди.
1992 йил 16 март	Тошкентда биринчи бўлиб АҚШ элчихонаси очилди.
1992 йил 27 март	Президент фармони билан Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш, байрам куни деб эълон қилинди.
1992 йил 2 июль	Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қабул қилинди.
1992 йил 8 декабрь	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.
1992 йил 10 декабрь	Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинди.
1993 йил 14 январь	Ватан ҳимоячилари куни.
1993 йил сентябрь	Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги нишонланди.
1993 йил октябрь	Тошкентда БМТ нинг ваколатхонаси очилди.
1993 йил 29 октябрь	Ўзбекистон ЮНЕСКО га аъзоликка қабул қилинди.
1993 йил 1 ноябрь	Ўзбекистонда аҳоли қўлидаги рубль ўрнига сўм-купон (1 сўм-купон 1 рублга тенглаштирилган ҳолда) муомалага киритилди.
1994 йил апрель	Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази тузилди.
1994 йил 30 апрель	Марказий Осие Иқтисодий Ҳамжамияти ташкилоти ташкил топди.
1994 йил 5 май	«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ордени таъсис этилди.
1994 йил 1 июль	Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси-сўм (1 сўм курси 1000 сўм-купонга тенглаштирилган ҳолда) муомалага киритилди.
1994 йил июль	Ўзбекистон НАТО нинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди.
1994 йил 1 сентябрь	ГФР пойтахти Боннда Ўзбекистоннинг Европада биринчи элчихонаси очилди.
1994 йил октябрь	Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланди.
1994 йил 25 декабрь	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи бор сайловлар бўлиб ўтди.
1995 йил 18 февраль	«Адолат» социал демократик партияси тузилди.

1995 йил 23-24 февраль	Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Э. Ҳ. Халилов Олий Мажлис Раиси этиб сайланди.
1995 йил 23 февраль	Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) институти таъсис этилди.
1995 йил 26 март	Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича референдум ўтказилди.
1995 йил 3 июнь	Миллий тикланиш демократик партияси тузилди.
1995 йил июль	Тошкентда ЕХХТ нинг минтақавий бюроси очилди.
1995 йил 21 декабрь	Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди.
1996 йил январь	«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.
1996 йил март-август ойлари	«Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқлар биринчи кўрик танлови бўлиб ўтди.
1996 йил апрель	Амур Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланди.
1996 йил 26 апрель	«Амир Темур» ордени, «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилди.
1996 йил 25 июнь 1996 йил июль	Ўзбекистоннинг АҚШ да элчихонаси очилди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.
1996 йил 19 июль	«ЎзДЭУавто» кўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлди. «Дамас», «Тико», «Нексия» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
1996 йил 27 август	Президент фармони билан ҳар йили август ойининг учинчи яшанба куни «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб эълон қилинди.
1996 йил 18 октябрь	Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди.
1997 йил 9-10 январь	Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида абадий дўстлик ҳақида шартнома имзоланди.
1997 йил 22 август	Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи. Ишга туширилди.
1997 йил 25 август–2 сентябрь	Самарқандда «Шарқ тароналари» биринчи халқаро фестивали бўлиб ўтди. Ҳар икки йилда шундай фестивални ўтказиш анъанага айланди.

1997 йил 29 август	Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.
1997 йил октябрь	Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди.
1998 йил май	Ўзбекистон альпинистлари Ҳимолай тоғининг энг баланд «Эверест» чўкқисига чиқдилар
1998 йил 17 август	«Эл-юрт хурмати» ордени таъсис этилди
1998 йил октябрь	Самарқандда Имом ал-Бухорий таваллудининг хижрий-қамарий тавқим бўйича 1225 йиллиги нишонланди, ёдгорлик мажмуи очилди.
1998 йил октябрь	Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатилди, боғ яратилди.
1998 йил 28 декабрь	«Фидокорлар» миллий демократик партияси ташкил топди.
1999 йил 16 февраль	Тошкентда террорчи кучлар томонидан портлашлар содир этилди.
1999 йил март	«СамКочавто» қўшма корхонаси ишга тушди. «Отайўл» русумли автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш бошланди.
1999 йил апрель	Ўзбекистон ГУУАМ ташкилотига аъзо бўлди.
1999 йил 9 май	Тошкентда «Хотира майдони» мажмуасининг очилиш маросими бўлди.
1999 йил май	Тошкентда ўзбек миллий кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Халқаро кураш ассоциацияси тузилди.
1999 йил	Тошкент ислом университети очилди.
1999 йил 5 ноябрь	Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланди, унинг хотирасига бағишланган улуғвор ҳайкал, ёдгорлик мажмуи очилди.
1999 йил 5 декабрь	Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди.
2000 йил 9 январь	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.
2000 йил 12 май	Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди.
2000 йил 21 июнь	МДХ саммитида террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.
2000 йил 30 август	«Жалололдин Мангуберди» ордени таъсис этилди

2000 йил 16-17 ноябрь	Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллига ва Имом Абу Мансур Матуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланди, улар хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари очилди.
2001 йил 23 март	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.
2001 йил 24 апрель	Навойи-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус йўналиши бўйлаб қурилган янги темир йўлда дастлабки юк поезда ҳаракати бошланади.
2001 йил 14-15 июнь	Ўзбекистон «Шанхай форуми»га аъзо бўлди. Унинг номи Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти деб ўзгартирилди.
2001 йил август	Тошкент метроси Юнусобод йўналишининг 6 та бекатдан иборат биринчи қисми кўрилиб фойдаланишга топширилди.
2001 йил 16-17 ноябрь	Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисида шартнома имзоланди.
2001 йил декабрь	Шўртон газ-кимё мажмуаси ишга туширилди.
2002 йил 27 январь	Икки палатали парламент тузиш масаласида Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтди.
2002 йил 28 февраль	Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил этилди.
2002 йил 2 апрель	Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди.
2002 йил 27 август	Тошкентда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.
2003 йил 24 апрель	«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди.
2004 йил 17 июнь	ШХТ нинг Тошкент саммити бўлиб ўтди.
2004 йил декабрь	Ўзбекистонда икки палатали парламент сайловлар бўлиб ўтди.
2005 йил январь	
2005 йил 27 январь	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ташкил этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. —Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. —Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш-пировард мақсадимиз. Т.8.. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмаоқ керак. Т.10. —Т.: Ўзбекистон. 2002.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. —Т.: Ўзбекистон, 2003.
13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамиз боғлиқ. —Т.: Ўзбекистон, 2004.
14. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
15. Абу Тохирхўжа: Самария; Наршахий; Бухоро тарихи; Баёний; Шажараи Хоразмшоҳий; Ибрат: Фаргона тарихи. -Т.: Мерос, 1991.
16. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (хаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). -Т.: 1996.
17. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. -Т.: Шарқ, 2001.
18. Буниёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). -Т.: Ғафур Ғулом, 1998.
19. Буюк сиймолар, алломалар (уч китоб). -Т.: Мерос, 1995, 1996, 1998.
20. Вамбери Херман. Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи. -Т., 1990.
21. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
22. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ, 1998.
23. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи - Т., 2001.

24. История Узбекистана. Т. III (XVI-первая половина XIX века). -Т.: Фан, 1993.
25. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: Чўлпон, 1994.
26. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. -Т.: Фан, 1968.
27. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. -Т.: Адолат, 2001.
28. Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. -Т.: Университет, 1996.
29. Салимов О., Усмонов Қ, Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. -Т.: Шарқ, 1999.
30. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
31. Содиков М. Қосимов Р. Мустақиллик- олий неъмат. -Т.: Шарқ, 2000.
32. Темур тузуклари. -Т.: Ғафур Ғулом, 1991.
33. Усмонов Қ, Содиков М, Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I қисм. Ўқув кўлланма. -Т.: Мерос, 2002.
34. Усмонов Қ ва бошқалар. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
35. Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. -Т.: Ғафур Ғулом, 2004.
36. Шаниязов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: Шарқ, 2001.
37. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. -Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 2002.
38. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: Янги ғоялар, янги ютуқлар. -Т.: Шарқ, 2002.
39. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. -Т.: Ўзбекистон-Ёзувчи, 1999.
40. Ўзбекистон тарихи. I-қисм. А.Сағдуллаев Б.Эшов таҳрири остида. -Т.: Университет, 1999.
41. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.
42. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.
43. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000.
44. Ўзбекистон тарихи (қискача маълумотнома). -Т.: Шарқ, 2000.
45. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари -Т.: Шарқ, 2001.
46. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
47. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида (Усмонов Қ, Ғаниев Д.). -Т.: Ўзбекистон, 1994.
48. Ўзбекистон: Мустақилликнинг 5 йили (Усмонов Қ, Ғаниев Д.). -Т.: Шарқ, 1996.

49. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. (Р.Қосимов, Қ.Усмонов ва бошқалар). –Т: Ўқитувчи, 2004.
50. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспарали. -Т., 1992.
51. Ғуломов Я.Ғ. Қадимги маданиятимизнинг изларидан. -Т.: Фан, 1960.
52. Ғуломов С., Усмонов Қ. Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди. -Т.: ЎАЖБНТ, 2000, 2001.
53. Ғуломов С., Салимов О., Усмонов Қ, Ғаниев Д. Асрларга тенг йиллар. Т.: ЎАЖБНТ, 2001.